ХХ АСР ЎЗБЕК РОМАНИ

МУРОД
МУҲАММАД ДЎСТ

ЛОЛАЗОР



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ—1998

www.ziyouz.com kutubxonasi

Д 99

Таҳрир ҳайъати:

Ислом ШОҒУЛОМОВ (ҳайъат раиси), Бобур АЛИМОВ (ҳайъат раисининг ўринбосари), Музаффар А'ЛАМОВ, Саид АҲМАД, Аҳрор АҲМЕДОВ, Машраб БОБОЕВ, Наим КАРИМОВ, Тоҳир МАЛИК, Омон МУХТОР, Умарали НОРМАТОВ, Анвар ОБИДЖОНОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Носир ФОЗИЛОВ, Шукур ХОЛМИРЗАЕВ, Барнобек ЭШПЎЛАТОВ (ҳайъат котиби), Бегали ҚОСИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ.

Масъул муҳаррирлар:
Муртазо ҚАРШИБОЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ

Мурод Муҳаммад Дўст.
Лолазор: Роман //Таҳрир ҳайъати: И.Шоғуломов (ҳайъат раиси), Б.Алимов, М.А'ламов ва бошқ.; Масъул муҳаррирлар: М.Қаршибоев, А.Аҳмедов/. — Т.: «Шарқ», 1998. — 560 б.— («XX аср ўзбек романи» туркуми).

Ўз2

© «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти,1998

Султонлара бош эгмарам,
ҳарчанд фақирам.

ВОҲИД

МУҚАДДИМА ЎРНИДА

«Осмон мезонлардан йилтирар эди».

Йигирма йил аввал эди, куз эди, ер осмон тиниқ эди. Ва ҳавода ўргимчак иплари оҳиста сузардики, Назар Яхшибоевнинг хаёлига айни чиройли ўй келди. Келгани баробар дилга жойлади — гўё рўмолча учини тугун қилиб тутди.

Кейин дўстларига гапириб юрдики, э бирodарлар, Булдуруққа бориб гаройиб манзара кўрдим, шу десангиз, тиниқ куз осмони мезонлардан йилтираб ётарди. Дўстлар аслида у қадар дўст ҳам эмасди, Яхшибоевдан қўрқишарди, холос. Шу боиски, маъқул, деб айтишди, айни кўҳли жумла билан роман ёки қисса, жуда бўлмаганда, узунроқ ҳикоя бошласа бўларкан, нозик, хўб нозик!.. Рағбат Назар Яхшибоевга ёқди, шогирди Чоршанбиевга қаради, айтмоқчи бўлдики, эй сен мирзақуруқ, кўриб қўй, маза-бемаза гапларингни менга нисбат бериб керилмоқни йиғиштир, х о ҳ л а с а м сендақаларнинг мингтасидан беҳроқ ёзишим мумкин, лекин — начора, вақт йўқ, бурчу вазифалар залвори елкамдан босган, сен буни тушунмайсан, ҳеч қачон тушунмагансан, тушунмасдан ўтиб кетасан, негаки, сенинг манглайингга фақат мардикорлик ёзилган. Аммо у ўйлаганларини айтмади, аксинча, илтифот кўргазиб жилмайди: Чоршанби болам, шуни бир жойга илдириб қўйсанг, балки бирор кунимизга яраб қолар?..

Чоршанбиев ялтироқ муқовали ёндафтарини олдида, устозининг ташбеҳини ёзиб қўйди: «19.. йил. Фалон ойнинг фалон куни. Назар ака айтдиларки, осмон мезонлардан йилтираб ётаркан».

Устозига ҳурмати ошди, шу баробар, тақдир ўзига ато этган ноёб бахтдан масрур бўлиб — у Назар Яхшибоев ҳақида китоб ёзишни орзу қиларди — тўкин дастурхонга юз бурди.

Яхшибоев дўстларнинг қўрқоқлигидан завқланди, ёйилиб кулди — уларнинг ожизлигини ўзича тушунган ва кечирган бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дўстлар ҳам унга қўшилиб ҳиринглашди.

Шу баҳона, хотирида мезонлардан йилтираган осмон ёнида яна бир тугунча қолди: хушомадгўй лайчалар!

Топган ташбеҳини аёлларга гапириб юрди. У пайтлар Яхшибоев аёлларга сал ўчроқ эди. Аёллар анча завқланишди («Билсанг, дўстим, улар биздан минг чандон тозароқ!..»), лекин ўзи завқланмади. Сабабки, аёллар, Яхшибоев айни ғалати гапи билан бизга кўпроқ ёқмоқчи, деб ўйладилар.

Улар ҳақ эдилар. Ростдан ҳам, Яхшибоевнинг кўнглида ўзгача истак йўқ ҳисоби эди. У баланд бўйли эди, қорувли эди, овози нақ гулдурак, ҳар қоши бошмолдоқдай, кўзларидан шиддат ёғар — хуллас, аёл зотига жуда ёқар, лекин уларга ҳадеганда ишонавермас эди.

Умуман, ёқиш истаги билан ҳадик дегани бир нарса эмас.

Кейин недир муддат ёлғиз қолди. Ҳеч кимга айтмасдан, тоғдаги чўпон танишининг ўтовида яшади, қирғизлардан қимиз олиб ичди, тандиркабоб еди, икки-учта ҳикоя ёзди (кейинчалик бу ҳикояларни Яхшибоевнинг ўзи ёзганига бировлар ишонмайди), болалигини эслади, отасини, онасини, урушда ўлган кенжа укасини эслади, ўн кун тугал тўлиқиб юрди, ҳатто йиғлади, ўн кун тугал унга ўша ғалати ташбеҳи ором бермади: ёзди, ўчирди, тағин ёзди, тағин ўчирди — хуллас, битта жумланинг ортига тиркайдиган туйғу тополмади. Ўкинч бордай эди, афсусу соғинч бордай эди, лекин айни жумла недир ўзгача бир ҳолатни, ўзгача бир кўтаринки кайфиятни тақозо қиларди. Ишқилиб, шаҳарга қайттанида кўнглида биргина истак ҳоким эди: энди бошқача яшамоқ керак.

Афсуски, бошқача яшашнинг иложи бўлмади. Кўп ишлар йиғилиб қолган экан. Боз устига, ҳамманинг юзида ташвишу ҳадик. Билса, ўн кундан бери Ошно йўқлаётган экан. Ошнонинг ҳузурига борди. Бориб, унинг тундлигини кўрди, лекин ҳайиқмади, негаки, ўн кун мобайнида, чўпон ўтови ёнига чиқиб, тунлари юлдузларга боққан, оламнинг бемисл чексизлигини идрок этган, хусусан ўзининг ҳам, хотинию болалари, бошқа одамларнинг, ҳаттоки Ошнонинг ҳам айни бемисл олам олдида арзимас бир зарралар эканини мулоҳаза қилган эди. Шу сабабки, Ошнонинг кўзларига тик боқди. Узр, деди, кечикдим, сал олдинроқ огоҳ этмаган экансиз, ўзимга яраша ишларим бор эди. Ошно унинг кўзларида недир саркашликни пайқагандай бўлди, совуққина жилмайди, ҳол-аҳвол ҳам сўрамай, бирдан расмий оҳангга ўтдики, сиз, ўртоқ Яхшибоев, фақат ўзингизни эмас, элни ҳам ўйланг, зудлик билан Ўртақўрғонга кетишингиз керак, бу — менинг истагим эмас, балки вазият талаби, энди у ёқдаги ишларни ҳам тартибга солиб бермасангиз бўлмайди. Яхшибоев индамади. Ошнонинг шунчаки, синаш учун гапираётганини сезиб турарди. Андак ялинса, важ кўрсатса қоларини ҳам биларди, лекин ўша ўн кунлик озодлик завқи сўнмаган экан, бирдан ғажирлиги тутди, паст тушгиси келмади. Майли, деб ўйлади, булар ҳаммаси ўткинчи гаплар, қайтага, Ўртақўрғон билан Булдуруқнинг ораси яқин, тез-тез бориб тураман, бир кун минг кун эмас, ажабмаски, кейин замона сал ўзгарса... Э, майли, Ошно бўлса — ўзига, усиз ҳам бир яшаб кўрай.

Ўй баробарида боши хиёл эгилган экан, сезиб қолиб ори келди, тағин тикланди, тағин тик қаради:

«Менга рухсатми?»

«Рухсат».

«Борай бўлмаса...»

«Боринг. Бу ёқларга келганда... мундоқ... кириб туришни ҳам унутманг».

«Унутиб бўларканми!..»

«Бекорга ранжияпсиз, Назарбой. Ҳарна, эски қадрдонлармиз. Иш дегани — бурч. Тағин, мени қувғин қиляпти, деб ўйламан. Азбаройи суянганимдан...»

«Худо урдими, биз ҳам тушунамиз».

«Балли, Назарбой. Мени сиз жуда тўғри тушундингиз. Ҳозирча хайр».

Яхшибоев икки кун ўтгач, кўч-кўронини олиб Ўртақўрғонга кетди. У ерда икки йил яшади. Қувғинда эканига ишонмайроқ яшади. Негаки, Ошно ҳар сафар Ўртақўрғонга келганида унинг уйида меҳмон бўлар, маслаҳатлашар, нуфузлироқ ҳамроҳларига, ўв, бохабар бўлинглар, Яхшибоев ерда қолган одамлардан эмас, дея шаъма қиларди. Ошно қайтиб кетарди-ю, ўша бир оғиз шаъмаси яна қайтиб келгунича Яхшибоевнинг бошида тож янглиғ ярақлаб турарди. Иззат-икром ҳам шунга яраша. Яхшибоевнинг Ўртақўрғонда қиладиган иши йўқ эди. Касби — директорлик. Ўртача бир театр, ўртача бир бино, ўртача актёрлар ўйнайдиган томошалар. Ҳатто бир-икки мавсум, зерикканиданми, ўзи ҳам пьеса саҳналаштирди. У Ошнонинг росмана ранжиганини ҳижрат муддати учинчи йилга қараб кетиб, ўзи

www.ziyouz.com kutubxonasi

хизмат кўрсатган артист унвонини олганида тушунди. Ич-ичидан зил кетди. Яша, Ошно, деб ўйлади, яша, Бойқаро дўстим, майли, кулавер, ҳарна, унутмаганингга, охиратимни таъмин эттанингга шукр.

Ўйласа, ўша пайтларда ёлғизликдан лаззат оларкан. Ҳар қалай, айни ҳолатида недир саркашлик ва иддао бор эдики, Ошнога ялинмаганидан, унга тик боқолганидан ғурурланар, каттаю кичик ҳикоялар ёзар, ҳикояларида недир норозилик оҳанглари бўлар эди. Кейинчалик қиладиган гуноҳларини ҳам ювиб юборадиган китобчалари ўша маҳалда туғилган эди.

Кейинроқ яраш-яраш бўлди. Яхшибоев марказга қайтиб келди. Ҳижратда орттирган озгина шуҳрати туғ бўлдию бирор беш-олти йил иззатда яшади. Вақти-вақти билан саркашлик ҳам қилар, саркашлиги қўрқоқроқ ҳамкасбларининг ғашига тегар, баъзида Ошнонинг ҳам қулоғига етиб борар, кейин, Ошно уни чақириб олиб озгина дакки бергач («Олифталик ҳам эви билан, ўртоқ Яхшибоев, сал жиддийроқ бўлиш керак. Улар ҳам бирига чидайди, иккисига чидайди, учинчисига менинг ҳам чидашим қийинроқ), гуноҳи яна унут бўларди.

Дилдаги тугун эса ҳеч ёзилмасди.

Бугун аниқ эслайдики, у нақ йигирма йил олдин, Булдуруқнинг кунботар томонида, тошлоғу тиканзор қир устида, ботаётган қуёшга юз тутиб, юраги ҳаприқиб, недир саодатли дамларга интиқ бўлиб, Ошно билан ёнма-ён, шодланиб турмоқни тусаган экан. Гўё ўшал аснода ҳам тепада мезонлар учса, осмон мезонлардан йилтираб ётса. У гапирса, Ошно гапирса, гаплари ҳам куз осмонидай тиниқ ва юксак бўлса!..

Айни манзара — кузнинг тиниқ осмони, оҳиста сузган мезонлару бошқа белгилар, токи кунботардаги қир ёки адирга қадар — қишлоқдан адашиб келган қалам аҳлининг барчасига таниш эканини у билмасди. Янада аниқроғи, ўзгаларнинг туйғуларини унчалик менсимасди. Кейинроқ, ҳали темирқанот бўлиб ҳам улгурмаган сурбет бир йигитчанинг ўзидан ҳам ёқимсизроқ бир қаҳрамони, Ғайбаров деган кимса («Фамилиясига қаранг, Чоршанби болам, фамилиясида қанча иддао бор!»), Галатепа деган қишлоқнинг кунботарида, худди Яхшибоев ўйлаган қирдақа бир қир устида, тошлоғу тиканзорда, ақли кўтоҳ бир одам билан ёнма-ён, ботаётган қуёшга юз буриб турганини тасодифан ўқийди, ғазабланади, ўшал манзарани сал олдинроқ амлокига қўшиб олмаганига афсусланади. Афсус асносида, болаликдаги ўйинларини эслаб жилмаяди, яъниким, туф — меники, туф-туф — меники!..

Ҳар ҳолда Яхшибоев кўрган манзара кейинчалик сурбет салафи тасвирлайдиган манзарадан ғоят кўҳли эди, айниқса — мезонлари! Кейин у айни манзарани Ошнога боғлашга мойиллик сезарди. Истаги шу қадар кучли эдики, вақт ўтиб, Ошно билан қайтадан қалинлашиб, каттаю кичик сафарларга биргаликда борадиган бўлганларида, уни атай Булдуруқнинг кунботаридаги тошлоғу тиканзор қир белига бошлаб чиқди. Лекин унда ёз эди, бинобарин, мезонлар ҳам кўчмаган эди. Яхшибоев эслайдики, иссиқ эди, ғир этган шабада йўқ; унинг ўзи кўйлакчан, Ошно ёзлик жужунча костюмида, атир суртилган одмигина рўмолчасини олиб, манглайига тошган майда терни тез-тез артар эди. Қолаверса, Ошно билан ёлғиз туришгани ҳам хийла нисбий эди, негаки, пастда — куни кеча асфальт босилган йўлда, йўл ёқаларида тўп-тўп одам, тўп-тўп машина т е п а д а г и икки кишининг қуйига эниб келишига мунтазир эди. Уларнинг мунтазирлиги Яхшибоевга хуш ёқарди. Бу туйгуга сўнгроқ аниқ бир ном ҳам топилди. Яхшибоев уни қайсидир ГЭС қурувчисининг нутқидан ўғирлаб олди. «Мен, — деб сўзлади ўша қурувчи каттакон йиғинда, — асримизнинг буюк қурилишига дахлдор эканимдан бахтиёрман». Яхшибоевнинг танлагани д а х л д о р л и к бўлди. Лекин унинг айни сўзни ишлатмасликка ақли етарди. Қолаверса, у Ошнонинг номини халқ орасида деярли тилга олмасди. Шусиз ҳам тушунарли эди. Бирор нуфузлироқ танишининг номини тилга олиб, «ўзлари айтдилар», «ўзларидан маслаҳат сўрадик», «ўзларининг тавсияси» қабилида шаъма қиларадиган майда-чуйда одамлар Яхшибоевнинг нафратини қўзғатарди. Билардики, ҳар қандай эътирофдан сукут яхшироқ, негаки, эътироф дегани албатта изоҳ талаб этади, сукут эса — чўнгроқ, маънолироқ, камтаринроқ. Сукутнинг кучини баъзан амалда ҳам синаб кўрарди. Дейлик, у кечикиброқ қолгудай бўлса, жўнроқ йиғинлар бошланмай турарди. Яхшибоев келарди, интиқ ўтирган одамларга қараб илжаярди, узр сўрарди, ҳатто важҳу баҳоналар ҳам тўқирдики, бариси жўяли бўларди. Лекин одамлар Яхшибоевга ишонмасди. Ўйлашардики, Яхшибоев ў ш а жойдан келяпти. Бу тушунча улар учун Ошнонинг юзлаб нусхаларда босилган ранглию рангсиз, аммо бирдай жозибали суратлари каби сирли туюлар, бинобарин, айни зот ва унга боғ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лиқ дабдабали мавҳумотга даҳлдор бўлмиш Назар Яхшибоевнинг нуфузи ҳам дақиқа сайин ўсиб борарди.

Яхшибоевнинг кўнглига ўрнашиб қолган манзаранинг тадрижи эса тахминан шундай эди:

«...мезонлар кўкка учди, томларнинг бўғотларига, дарахт шохларига, симларга, симёғочларга илашди, тағин учди, токи куз шамоллари келтирган ёмғирларда ивиб, секин-секин узилиб-чўзилиб-чириб битмагунча учаверди».

У шундай деб ўйларди, шундай деб ёзмоқчи ҳам бўлди, лекин ёзолмади. Шогирди Чоршанбиевга айтиб ёздиришга ор қилди, негаки, бу йигитни очерк-почерк каби қорароқ меҳнат учун ёнида асрар эди. Кейинчалик, шогирди ҳам узунроқ саноқларнинг қуйруғига илиниб, битта-иккита юпқа китобча чиқарганида, Яхшибоевнинг андак раҳми қўзғаб, у билан очилиброқ суҳбат қурганида, ҳалиги жумлани эслатди:

«Чоршанби болам, бир жойга илдириб қўювдинг, ёдингдами? Сенга осмон мезонлардан йилтираб ётганини айтувдим?»

Чоршанбиев бу пайтга келиб андак димоқ касб этган эди, устозига кулиброқ қаради:

«Муҳтарам Назар ака, ростдан ҳам осмон ялтираб ётармиди? Бу, дейман, осмоннинг ётиши сал эришроқ эшитилади-ку?»

Яхшибоев қовоқ уйди:

«Биринчидан, ялтираб эмас — йилтираб. Кейин... Билмадим, Чоршанби болам, айтганларим шунчаки сўзнинг айланишига ўхшайди. Дилга алоқаси йўқдай. Ҳа, болам, шунчаки сўз тизмаси. Умрингда ипга маржон тизганмисан?»

«Йўқ, ўзим тизганим йўқ, лекин болаликда аёллар маржон тизганини кўрганим бор».

«Балли!»

Яхшибоев болаликда ипга маржон тизган эди, шуни эслади, маъюс тортди: эҳ, умр дегани ингичка бир кечувдай экан-а! оёқ ҳўл бўлиб улгурмади-я! Лекин у маъюслигини сездирмади, бирдан сергакландию хушҳоллик билан сўзланди:

«Айтмоқчиманки, Чоршанби болам, буларнинг барини бамисоли ипга тизилган маржон, бири — оқ, бири — қора, бири — қизил, бири — кўк... Хуллас, турфа ранглар. Маънодан холи».

Чоршанбиев устозининг талқинига кўнмади, ўзича, маржон тизмасида маъно, яъники недир тартиб бўлиши шарт, бусиз шода чиройли чиқмайди, деб уқтирмоқчи бўлди, лекин Яхшибоев гапларини эшитмади, уни назарига илмади. Қолаверса, Яхшибоев чарчаган эди, шу сабаб, шогирдини пашша ҳайдагандай ҳайдади:

«Бор, Чоршанби болам, кейинроқ келарсан, эртага, йўқ, индинга, ҳафта ўтиб келсанг ҳам майлига... Мен сал ўзимга келиб олай, кейин...»

Чоршанбиев устозига илкисроқ гапирмоқчи бўлди, лекин тилини тийди, сабабки, икки йилча бурун ундан минг сўм қарз кўтарган, лекин ҳалигача қайтармаган эди.

I БОБ

Бемор

Ўйладию кулади: баттар бўлинглар, садқаи илм, садқаи ном, мен касал эмасман, танда оғриқ йўқ, ҳорғинлик бор, холос. Кўнгилдаги оғриқ ҳисобмас. Ахир, бу лаънатининг оғримаган пайти борми? Сабаб топилади, топилмаса — топиб беришади, ана, агар эслайдиган бўлсак, бир ойча бурун олими фозил Салимхон бир халта гап кўтариб келдики, устози бузрук, фарзандингиз Аввалбек устахонасида кайф қилиб олиб, кейин мендан сўради. Падаримизни... кейинроқ ҳам ўқишармикин, деб сўради.

Яхшибоев биладики, Аввалбекнинг айтганлари сал бошқачароқ, яъники анави с а с с и қ т а к а ўлганидан кейин ҳам бировлар китобини ўқирмикан? Ҳар ҳолда, таърифи аниқ, неча йилдирки, бу таъриф болаларнинг миясига ўрнашиб қолган. Таърифни Муҳсина тўқиган, мендан ғазабланиб, мени лаънатлаб, бечора Олиянинг гўрига ғишт қалаб тўқиган. Билмайдики, г ў р и н г д а т ў н ғ и з қ ў п г у р Яхшибоев у пайтларда кўп покиза эди, Олия ҳам покиза эди, Яхшибоев Олияни тусагани билан, бирор уч йилгача қўлини ҳам ушлай олмаган, ботинмаган, қўрққан, эҳтимолки, ўша аёлни яхши кўрган...

Лекин Муҳсина буни тушунармиди?

Шошма, Яхшибоев, қўй, шошмайлик, сал бошқачароқ — тушуниши шартми? Ҳар ҳолда, унинг нафратида недир самимият бор, негаки, Муҳсина озор чеккан, узоқ тунлари ёстиққа юз буркаб йиғлаган, ҳар ҳолда, у менга яхшию ёмон таъриф беришга ҳақли, аммо — анави тирранча ўғил-чи?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Оқпадар! Сўтак! Э, садқаи ҳақорат!..

Аввалбек, деди, фарзандларнинг аввали, давлатимнинг аввали, бу метиндек заминга отган илк томирим, деди, токи заха етмагай. Севинди, доя хотиннинг қўлларидан бир бурда ҳолида олди, юзи қордай оқарган Муҳсинага боқди — гўёки айбдордай.

Туғруқхонага элтган гулдастаси таратган ҳид димоғида тургандай. Албатта, бу гапларнинг турган-битгани ташбеҳ, ташбеҳки, бошдан-оёқ ёлғон, лекин севинганим рост-ку?

Аслида у пайтлар айбим йўқ эди: аҳил эдик, шаҳар четида, ижарада, ғариб бир кулбада, баджаҳл бир кампирнинг ғазабидан ҳайиқиброқ яшардик. Кулбанинг тагидан ариқ ўтарди, тунлари каламушлар чийиллаб безор қиларди. Муҳсина қўрқарди, мен юпатардим, аҳил эдик... Нега аҳилликни такрор ўйладим? Ичим ачидими? Эҳтимол, эҳтимол... Алам қиладигани ҳам аслида шу — эркинлик бўлмагани. Қанийди ўша дамларга қайтсам, ўша жаҳлдор кампир бўлмаса-да, ўша ғариб кулбачада Муҳсинани, ҳали жуда ёш, ҳали жуда гўзал, жуда шафқатли Муҳсинани о ш к о р а суйсам! Пичирлаб гапиришлар, оёқ учида юришлар, муҳаббат шавқи ошганида бўғиздан тошиб чиқаётган эҳтиросли хитобларнинг нақ гирибонидан олишлар бўлмаса!.. Алам қиладики, бағримдаги гўзал аёлнинг оғзини кафтим билан бекитардим: жим, кампир эшитади! Айтардики, эшитса — гўрга, қўйинг, уни йўқ деб ўйланг, Назар акажон!.. Оҳ, ўзимнинг акажоним!.. Яна, яна!.. Акажоним!.. Уни ўйламанг, ахир, у йўқ-ку! Эй кампир, эшитяпсанми, сен — йўқсан, сен — йўқсан, ижара ҳақини оладиган пайтингдан бўлак пайтда йўқсан!..

Ўшанда Муҳсинани бир шапалоқ урди. Аёл бечора йиғлади, хўрланиб, узоқ-узоқ йиғлади, айтдики, сиз қўрқоқсиз, Назар ака, қўрқоқсиз, қўрқоқсиз!!.

Ростдан ҳам қўрқоқ эдимми? Балки, бу шунчаки уятчанликдир? Ибодир? Лекин, ибо деб атасак... кейинчалик... ўзгалар билан... мушукдай миёвлаганларим-чи?.. Тўғри, кейинчалик Муҳсинанинг кўнглидаги ўт сўнди: аввал Аввалбек туғилди, кейин — Оллоёр, кейин — Сокина, энг бақироқ, энг шўх, эндиликда энг бамаъни ва энг суюкли фарзандим... Лекин унда Олияга чалғиб, йўқ, чалғиб эмас, Олияни суйиб, Муҳсинанинг наздида с а с с и қ т а к а г а айландимки, бугун фарзандлар саровари бўлмиш Аввалбек айни унвондан ўзгасига раво кўрмайдир.

Шу жойда Назар Яхшибоев марҳум Абдулла Қодирийни эсладики, «сўз бердик, Отабек ўғлим, наслимиздан лафзсизлар чиқмоғи бизга маъқул кўринмайдир». Оҳанглар уйқашлигини пайқаб, сал ажабланди. Ҳатто недир тилсим изламоққа мойиллик сезди-ю, ўзини тийди. Бариси — хасталик оқибати, деб ўйлади; тан оғримайди, лекин хасталик бордай, ҳар ҳолда, касалхонада, касал ётадиган палатада ётибман; бош тарафдаги тўмба устига шиша идиш қўйилган, идиш устига бир парча дока сирилган, дока ўртасидан кичкина тешик ўйилгану ўша тешикдан икки-учта термометр диккайиб чиқиб турибди, демакки, менинг хасталигим аниқ.

Бир жиҳати тузук — деворлар оққа бўялмаган, кўкиш тусда. Тепаси — ганчкори, чиройли қандил осилган. Ётган жойидан — кенг ва юмшоқ каравотдан — нариги хонада турган каттакон овқат столи, кичикроқ сервант, бурчакка тақаброқ қўйилган телевизор экрани кўринади. Стол четида — кичкина ваза, вазада — гул. Ваза атай шу жойга қўйилган. Касалнинг кўзи қувнаши учун. Муҳсина хоним тарафидан, дидли, саводли Муҳсина хоним тарафидан қўйилганки, оқ нилуфар деб аталади. Сарғиши ҳам учрайди, қизғиши ҳам бор, лекин буниси — оқ тусда. Оқ нилуфар яшилранг, ярим шаффоф ваза бўғзига тиқилган. Банди ҳам калта. Туси кўнгил ёки ниятнинг оқлигига ишора бўлса керак.

Яхшибоев бунақа гулларни кўпроқ шаҳарнинг дарёга туташ боғларида, тубига атай балчиқ солинган тўртбурчак ҳавзаларда кўриб ўрганган, шу боис, гарчи гул анча узоқда, тоза сувли шиша вазада турса-да, димоғида ботқоқ ҳидини туйгандай бўлаверади.

Қўшни хона негадир «меҳмонхона» деб аталади. Юмшоқ ўриндиқлари бор. Пастак столчага газетаю журналлар ёйилган — ўқи, саводингни ошир. Лекин Яхшибоев касалхона дарвозасидан бери ҳатлаганидан буён янгилик ўқимайди.

Докторлар, ҳамширалар, то энагаларга қадар — ҳаммаси ёш. Бари дуркун, бари чиройли. Беихтиёр эслайдики, марҳум дўсти (дўст эдими?) Шариф ўлими олдидан, чамаси, ўлимидан бирор ҳафта бурун, эмлагани кирган ҳамширага ташланиб қолган экан: фақат сиз эмлайверасизми, жонидан? Куладики, Шариф шунақа аҳмоқ бўлиб туғилган эди, аҳмоқлигича ўлиб кетди. Етмиш яшар чол, миясини еган чол, сенга ёшгина ҳамширани ким қўйибди! Хайриятки, мен ҳали андак кулишга қодирман. Йўқса, хунобим ошиб, вақтидан бурун

www.ziyouz.com kutubxonasi

жон таслим этган бўлардим. Хасталик номини билгим келади, билмоқ илинжида яна озгина яшаб қолсам не ажаб?..

Бориб турган таннозлик! Буни анави оқсоч профессор ҳам сезади. Дарвоқе, докторларнинг ҳаммаси ҳам ёш эмас, аксарияти ёш. Оқсоч профессор бирор олтмишни қоралаб борган. Жуда одобли одам. Ҳаммага бирдай. Тўғри, андак заҳарлиги бордай, лекин заҳарки, беморга ёқади. Ҳар ҳолда, чўчийсан-у, умидворлик ҳам тарк этмайди. Кесатиброқ юпанч беради. Кесатиғи ёққани қизиқ. Сиз хаста эмассиз, Яхшибоев, деб кулади, шунчаки чарчагансиз, кўп ёзгансиз, жуда кўп, ҳатто керагидан кўпроқ, баъзилар борки, суҳбати соз тушганда, ичим жуда равон-да, деб мақтанади, сиз ҳам худди шундайсиз, азизим Яхшибоев, ёзишингиз равон. Яна айтадики, сиз нақ отилиб турган вулқонсиз, азизим Яхшибоев. Бемор жаҳлини ичига ютади, жилмайишга уриниб сўрайди: ўшандай р а в о н вулқонми? оғзи қаёққа қараган — тепагами, пастгами?..

Оқсоч профессор қаҳ-қаҳ уриб кулади. Гинаю кудуратлар ўшал лаҳзадаёқ тамом йитади. Йитгани баробар, оқсоч профессор лунжларини ушлаб, кулги зўридан қўзғалган ясама жағларини жойига туширади.

Эндигина тузукроқ кулишни ўрганган пайтингда тишларинг тушиб кетгани ёмон, дея заҳарханда аралаш ўйлайди Яхшибоев, бечора Шарифнинг ҳам тишлари тугаб қолувди. Қизиқ, уни ерга қандай қўйишди экан — ясама жағи биланми?

Шаккоклик қилаётганини сезди, ўзига танбеҳ берди. Қайғуришга уриниб ўйладики, Шариф ўлганида мен Булдуруқда эдим, таъзияга келолмадим, бир кун аввал радиодан эшитдим, колхознинг ғарибгина боғида ўтирдим, айни соат учда — Шарифнинг тобути кўтарилиши керак бўлган дамда, каттакон лаганни тўлдириб ош келтирдилар, ёнимда ўтирган тўрт меҳмону икки мезбон бирдан завқли хитоб қилдилар. Девзира гуруч, зираворлар ҳиди ҳар ёнга уфурган, сергўшту серёғ ош келдики, кимдир бояги завқли хитоблардан уялган бўлиб, секин уҳ тортди. Айтдики, дунё шу экан-да, Назар ака, у ёқда Шариф ака қазо қилдилар, биз бу ёқда тинчгина ўтирибмиз, ҳадемай бечорани унутиб ҳам юборамиз. Йўғ-э, дедим унга тасалли бериб, аввал бевасига таъзия билдирамиз, кейин унутамиз. Меҳмонлардан бири айтдики, мен таъзиясига бормайман, Шарифни тириклигида ёмон кўрардим, энди ўлигиниям ёмон

кўраман. Хуллас, гап шу жойда узилди. Қўллар ошга чўзилди. Кейин, лаган яримлай деган пайтда, шўхлигим тутдию секин гап қотдим: агар ерга қўйишган бўлса, агар Мункару Накир лаҳадга киришган бўлса, хўш, ўйланг-чи, уларни дўстимиз Шариф қандай кутиб оларкан?.. Сир бой бермаса кераг-ов, яъники, марҳабо, эй азизлар, мана, сизларни кўргали ҳам келдик, келиб билдикки, таърифу тавсифлар кўп хира экан... бу не нафосату бу не каромат! Офарин ва тасанно, тасанно ва офарин!.. Шундайми?

Иштаҳа бўғилди чоғи, менга ўқрайиброқ қарашди. Ўзим ҳам қилиғимдан ранжидим. Ҳарна, Шариф билан машваратимиз бир эди, оғир йилларда курашганмиз, аввал бир-биримиз билан, сўнгроқ — биргаликда; курашиб шу кунларга етганмиз — яхши бўлмади. Эй сен, беоқибат Назар, деб ўйладим, бир кун сенинг ҳам бошингга Шарифнинг куни тушар-ку?.. Хуллас, шу аснода ўлимни эсладим, лекин ўлимдан эмас, балки манави шерикларимнинг ҳам ўшанда мана шундай бир лаган ош устида ўтириб, худди камина Шарифни мазах қилгандай — менинг ўзимни майна этишларидан чўчидим. Ва аҳд қилдимки, энди обрў-эътибор деган сармоядан ғамлашим керак. Расмий обрў — ўз йўлига, энди мен жўнроқ давраларда ҳам ном қозонсам зиён қилмас.

Эй биродарлар, дедим, марҳум кўп яхши одам эди, менгаям кўп яхшиликлар қилган, сизлар ҳали ёшсиз, ҳали кўп нарсаларни билмайсиз, агар билмоқни истасангиз, ана, ўттиз йил олдинги газетларни бир қаранглар, ўшанда мени роса уришган, унда мен музей директори эдим, қўйган айблари шуки, бу музейдаги ҳамма нарса ўтмишга қаратилган. Ҳа, биродарлар, бағишланган эмас — қаратилган! Ҳолим хароброқ эди, ҳолимга қараган маймунларнинг кўнгиллари бузилай-бузилай деб турганида, гўринг нурга тўлгур Шариф жонимга ора кирган. Гўринг нурга тўлгур дўстим Шариф айтганки, э ўртоқлар, дурустроқ ўйланглар, бировнинг умрига зомин бўлмайлик, бу ўзи музей бўлса, музейда тарихдан, яъники ўтмишдан ўзга яна нима бўлиши мумкин, ёрқин келажакни музейга тиқсак, сиёсий хато бўлмайдими?! Хайриятки, масъул ўртоқлар тушунишган. Улар аввал-бошдан тушунишга мойил эдилар, лекин тушунтирадиган мард топилмай гаранг бўлардик. Ҳа, биродарлар, марҳум дўстимиз шундай мард одам эди, музейда ўтмиш сақланади, деб айтишга журъати етган!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мажлис аҳли жим қолди. Кўнгиллари ийганини сезиб турардим. Ичимда қувондимки, балли, Назар, барака топ, Шарифдан фаришта ясайвер, савобининг бир чеккаси ўзингга ҳам тегади. Аслида, музей ҳақидаги гап ғирт ёлғон эди. Шундай айбнома бўлгани рост. Фақат мени эмас, бошқа одамни, камсуқум бир олимни айблашган. Лекин мендан не кетди, айтдим-қўйдим-да, ахир, манави эринчоқ ошхўрлар ўттиз йил олдинги рўзномаларни титиб юрмайди-ку? Қолаверса, марҳум дўстим Шариф, мени ёлғондан мақтадинг, деб гўридан туриб келмайди-ку? Умуман, айни жой ва айни лаҳзада Шарифни ўйлаганимдан не фойда? У тегажоқлик қилган ҳамшираларалар аллақачон уйли-жойли бўлиб кетган, яъниким, тўртбеш боланинг онаси, энга тортган... энди уларни Шарифнинг ўзи ҳам танимаса, не ажаб?..

Дарвоқе, энди у танийдиган аҳволда эмас.

Ҳар ҳолда, бу ҳамшираларалар жуда ёш, Шариф ўлганида жамалак тақиб юришгани аниқ. Лекин, барибир, менга ёқмайди, ҳамшираларалар эмас, шу ерда ялпайиб ётиш ёқмайди, авайлаб парвариш қилишлари, ширин сўз айтишлари ёқмайди, ҳатто игналарини ҳам думбамга алоҳида бир назокат билан тиқаётгандай... Оқсоч профессорга кулги бўлса бас. Айтадики, хуш муомала учун ўн беш фойиз устама ҳақ тўланаркан... Ўзимни тиёлмадим, сўрадимки, ўртоқ Ваҳобов, сиз дўстимиз Шарифни билармидингиз? Нарёғига қўлдан келганича қўшиб-чатдим:

«Кўп беназир олим эди, эскичаю янгичадан бирдай саводли, кейин озгина созандалик ҳунари ҳам бўларди, болалигида босмачилар опқочиб кетишган экан, ўшаларга қарши курашиб, маълум муддат дуторчилик ҳам қилган экан. Билармидингиз?»

«Билардим. Нағмаларини эшитганмиз. Касали, агар янглишмасам, ракка яқин эди-ёв».

«Ҳали сиз саратонга чалинганларга ҳам қарайсизми?»

«Йўқ, азизим, мен бор-йўғи бош врачман, ҳаммaнинг ҳолидан хабардор бўлишим шарт».

«Шарифнинг ҳамшираларга тегажоқлик қилгани ростми?»

«Сизам қизиқсиз-да, ўртоқ Яхшибоев. Менимча, бу гаплар ғирт уйдирма. Қичиқ-пичиқ гаплар қилган бўлса эҳтимол, лекин тегажоқлик қиладиган аҳволда эмасди. Мана, сизнинг йўригингиз бошқа, касалингиз арзимас, куч-қувватингиз етарли».

«Таскин беряпсиз чоғи?»

«Вазифам шу, азизим, вазифам шу бўлгандан кейин... Лекин маслаҳат шуки, аввал аёлнинг кўнглини олиб, кейин қўл солинг, йўқса... бош врач сифатида кунига учтадан ҳуқна буюраман».

«Илтифотингиз учун қуллуқ. Минг йиллар омон бўлинг, дунё тургунича туринг».

Оқсоч профессор жилмайди, тикилиброқ қаради — гўё энди кўраётгандай. Яна жилмайди.

«Айтаверинг, профессор, аяманг. Демоқчисизки, менинг ичим равон, сўз турмайди...»

«Аксинча. Гўё бўғзингизда махсус фильтр бордай, гўё у жўнроқ сўзларни ушлаб қолади. Шалдироқлари ўтиб кетаверади. Соддароқ гапиролмайсиз. Майли, сизга таскин берсам берақолай, ишонингки, бу палатада дўстингиз Шариф ётмаган. Сизга шу керакми?»

Яхшибоев индамади. Эътирофни кутган эди, эшитиб енгил тортди. Албатта, булар бариси — бачкана ирим. Лекин кўнгилда ором бўлгани маъқул, оромнинг бачкиси бўлмайди — у ё бор, ё йўқ.

Тўмба ичидаги шиша банкадан термометр олиб қўлтигига тиқди. Фурсат ўтгач, кўзойнагини тақиб қаради: ўттиз олтию олти. Мўътадил. Ўйладики, бир замонлар, Булдуруқ кўчаларини чангитиб юрганида, бунақа ғалати сўзларни билмасди: мўътадил, мўътабар, зеро, зотан. Борйўғи «ҳайҳот» билан «эвоҳ»ни биларди. Сабабки, шеърлар ёзарди. Энди ўйлаб уялади. Ким билсин, яна ёзаверса ахийри нима бўларди, ахир, бошқалар ҳанузгача ҳайҳоту эвоҳни ташламаган-ку, ҳеч ким уларнинг ҳолига кулмайди-ку? Яхшибоевнинг маҳрига тушгани — қора сўз бўлди. Қора сўз дегани жуда оғир, қора сўз билан ёлғон айтиш жуда қийин.

Яхшибоев кулиб юборди: айтганмиз, ошна, кўп айтганмиз! Оқу қора аралаш, кўпини айтганмиз. Сездики, уйда бўлса, ўзининг хилват кабинетида бўлса, ростакамига, хандон отиб куларди.

Кимдир нариги хонага кирди. Яхшибоев сергак тортди, юзидаги кулгини сидириб ташлаб, андак ғамгинлашди.

Остонада Муҳсина хоним кўринди. Бош ирғаб салом берди, сўнг стол устидаги вазани олиб, кўздан ғойиб бўлди. Зум ўтиб, қувурларнинг дириллагани эшитилди... Аёл-да, келибоқ гулнинг сувини янгилаяпти. Энди меҳмонхона деразасининг бир табақасини сал очиб қўяди, узоқмас, бир лаҳзага, бу муддатда хона шамол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаб улгурмайди, лекин — аёл-да, аёл! — шу ишни қилмаса кўнгли тинчимайди, умуман, хотин зотининг бемаъни юмушлари кўпки, улар айни юмушларни азбаройи ихлос ёки эҳтиёж туфайли эмас, балки эркакларнинг ландавурликларини таъкидлаш учунгина бажарадилар. Ўй оҳанги боис бўлдию Яхшибоев беадаброқ бир латифани эслади: эмишки, илғор сувчи пайкал бошида пинакка кетибди, уйқусида сезинибдию чўчиб кўзларини очибди, кўрса — тепасида ёввойи одам турганмиш, маймунсифат, мўйдору бўйдор, ҳайбатли ва ҳоказо. Ўшал аснода кўз кўзга тушибдию ҳалиги тасқара қўллари билан авратини бекитибди — ҳарна, одамда, ёввойи бўлсаям сал-пал уяти бор экан.

Яхшибоев истеҳзо аралаш жилмайди. Ҳар ҳолда, Муҳсина хоним жимгина келиб ўтираверса ҳам бўларди, негаки, Яхшибоев — касал, ўрнидан турмайди ҳисоб, қолаверса, касал кишининг хаёли паришонроқ, дейлик, дераза‌ни қия очиб хонани андак шамоллатиш ёдига келмаслиги ҳам мумкин, қолаверса, бунда ҳамшираю энагалар бор, хона шамоллатиш — ўшаларнинг иши, яна қолаверса, Муҳсина хоним ўз уйида рўзғорга аралашмайди, харажатга пул санаб беради, неки юмуш бўлса, барини Робиға эплайди. Робиға, Робия, Роби — хоҳлаганча аташ мумкин — ойига юз йигирма маош билан ёлланган, меҳнат бюроси тасдиқлаган, меҳнат дафтарчаси бор, унвони — уй хизматчиси, стажи — йигирма етти йил.

Хайрият, Муҳсина хоним дераза‌ни қия очмади. Чамаси, очишга эринди. Бериги хонага кирди, эгнидаги плашини ечиб, курси суянчиғига ташлади, бошқа бир курсини суриб, Яхшибоевнинг каравоти ёнига қўйди, ўтирди.

— Ҳорманг, ўртоқ Яхшибоев.

— Ўзларидан сўрасак, хоним.

— Соғинтириб қўйдингиз, уйга кетмайсизми, шуёғиям етар?..

— Кўз қиймаяпти, ҳамширалари ёшгина экан.

— Ўлинг сиз, қариб қуюлмаган!..

Айни хитобни эшитгач, Яхшибоевнинг кўнгли яйради. Муҳсина хонимнинг овози жуда ширали эди. Ширали ва жарангдор. Ўзини кўрмасанг, нақ ўн саккиз яшар қиз деб ўйлайсан. Овози зўр, айниқса — киноларда! Яхшибоевнинг қойил қолган жойи шуки, бир куни телевизор кўриб ўтириб, ёшгина қизчанинг дугоналаридан қочганига эътибор берди. Қизгина қочарди-ю, тез-тез

ортига қайрилар, изма-из қувлаб келаётган дугоналарига: «Етолмейсан, етолмейсан, етолмейсан!..» деб қичқирар эди. Қизчанинг овози жуда таниш эди. Хотинига қаради:

«Ўзларими, хоним?

Муҳсина хоним камтарона бош эгди:

«Қўлимиздан келгани-да, ўртоқ Яхшибоев».

Хонада икковлари ёлғиз эдилар, Яхшибоев пайтдан фойдаландию Муҳсина хонимнинг белидан қучди:

«Овозларидан ойнаниб кетай!..»

Муҳсина хоним ўзини курсининг нариги четига олди:

«Суюлманг, ўртоқ Яхшибоев!..»

Яхшибоев бўш келмади:

«Ана шу овозингизга борман-да, хоним, ана шу овозда аллалаб, ана шу овозда уйғотсангиз нетади, қулингиз бўлай?..»

Муҳсина хоним шамани тузуккина англади, нозланиб кулди:

«Ана шу овозим учун тилло узук оберасизми, акажон?»

Муҳсина хонимнинг тилла узугу тилла балдоқлари бисёр эди, лекин шарт деганда шарм йўқ, Яхшибоев яна битта тилла узук олиб берди, Муҳсина хоним тунлари ўн саккиз яшар қизнинг овозида эркалигу ноз қиладиган бўлди. Бу шўх овоз Яхшибоевни гўё ёшлигига қайтарарди. Сабабки, фронтдан қайтиб келиб, қирқ еттинчи йилнинг майида Муҳсинаю унинг дугоналари билан (Ошно ўшанда уйли-жойли эди) Бўзтоғ тарафларга сайр қилган эди. Бўзтоғ этакларида Муҳсина Яхшибоевга тегажоқлик қилиб қочган, қочгани баробар ортига қайрилиб: «Етолмейсиз, етолмейсиз, етолмейсиз!..» дея кулган эди. Ўҳ, ёшлик, ёшлик!.. Ўшанда Яхшибоев етолган эди, етгану қизга қарчиғайдай ташланган эди, агар Муҳсина сал уялиб ноз қилмаганида эди, агар қуйироқда қараб турган бегона кўзлар бўлмаганида эди, ким билади дейсиз, балки ўша жойдаёқ бечора қизнинг масаласини ҳал қилиб қўярмиди?.. Ҳар ҳолда, Муҳсина Бўзтоғ этакларида биттагина муччи билан қутулиб қолди. Кейинчалик, кўп кейин, Муҳсина хоним овоз берган қизча дугоналаридан қочадиган кинофильмни иккинчи бор кўриб, Муҳсина хонимга ўша ҳолатни эслатганида, хотини шарақлаб кулдики, ана, кўрдингизми, ҳаётий тажриба деганларига ишонмайсиз, нуқул кабинетда ўтирасиз, мундоқ чиқиб юрт айлансангиз бўлмайдими?.. Яхшибоев, турган гапки,

www.ziyouz.com kutubxonasi

таънага эътибор бермади, негаки, юрт кезишдан кам йўқ эди, кезганда ҳам унча-мунча ҳамроҳлар билан эмас, Ошнонинг шахсан ўзи билан кезарди. Бу кунлар кўп ганимат, Назарбой, дер эди Ошно, юртни ўрганинг, юртнинг юрагига қулоқ тутинг, кейин асқотади...

Муҳсина хоним хиёл энгашиб, эрининг юзидан ўпди. Бу — одатий бир ўпич эди. Одатки, уйларида, ҳар кун эрталаб, ҳамма ювиниб-тараниб бўлиб дастурхон атрофига йиғилган пайт, энг олдин келиб ўтирган одамни ўпиш шарт эди. Яхшибоев бошқалардан аввал уйғонарди, демакки, ҳамма уни ўпарди. Чамаси, бу одатни Муҳсина хоним ўзи ўйнаган беҳисоб хорижий пьесалардан ўрганиб, сўнг рўзғорида ҳам жорий қилган эди. Чўлп эткизиб ўпардию сўрарди: «Яхши ухладингизми, ўртоқ Яхшибоев?» Кейин фарзандлар — Аввалбек, Оллоёр, Сокина — келишарди: «Ассалому алайкум, дадажон!» Кейинроқ, йиллар ўтиб, Яхшибоев билан Муҳсина хоним келинли бўлишганида, бир талай невaралар келадиган бўлдилар: «Деда, деда, деда!..» Кенжа келин узоқроқ бир қишлоқдан етишиб чиққан эди, шу боис, Яхшибоев ўзича, невараларим келиннинг шевасида «дада»лашяпти, деб ўйлаб юрди, кейинроқ билса, болакайлар қардошлар тилида «бобо» дейишаётган экан. Норози бўлган эди, Муҳсина хоним ётиғи билан тушунтирди. Хафа бўлманг, ўртоқ Яхшибоев, деди, мен ҳам болаларнинг она тилида гапиришларини хоҳлайман, лекин қўшнимиз Қирғизбоевнинг келини кичкинтойларини, ана, бобойка келяпти, деб қўрқитар экан, бола — ўз оти билан бола, тағин невараларингиз сизниям ўшанақа қишлоқи бобойларга ўхшатиб юрмасин. Яхшибоев Муҳсина хонимнинг гапларини жўяли топди. Номига бир-икки тўнғиллаган бўлди, кейин... кейин нима бўларди — кўникиб кетди!

Хуллас, Муҳсина хоним хиёл энгашди, эрининг юзидан ўпди.

— Нақ типатикон бўп кетибсиз, ўртоқ Яхшибоев.

Яхшибоев кулди. Муҳсина хоним неварасига — Сокинанинг қизчаси Нигорага тақлид қилиб гапирган эди: типатикон, яъни — типратикан, кирпи.

— Миша кечикди, — деди Яхшибоев соқоли ўсинқираган юзини силаб. — Яхши сартарош, лекин кўп гапиргани ёмон. Уч минут соқол олади, ярим соат валақлайди.

— Касби-да, — дея илжайди Муҳсина хоним. — Қизингиз келди, эмизикли боласи бор, бу ёққа ўтолмади, самолётда кўзикканми, боланинг ичи кетаётган эмиш. Эрта-индин кеп қолар...

— Болага қарасин, бола — муҳимроқ, — деди Яхшибоев. — Хўш, Ўртақўрғон жойида эканми?

— Жойида шекилли...

— Нигор қалай?

— Нигора Ўртақўрғонда. Аммасининг қўлида экан. Сокинанинг бир ўзига икки бола билан юриш оғирлик қилади. Папаси — ишда, раҳбарлари ёпишиб олган, ҳеч жавоб бермасмиш...

— Отаси, денг, хоним. Нигорнинг ўзи «ота» дейди. Умуман, шу неварамизга бошқачароқ от қўйсак бўларди, масалан — Ойсулув.

— Ҳар кимнинг тусагани...

— Албатта. Лекин, назаримда, отасини ота дейдиган қизнинг исми сал бошқачароқ, дейлик, Ойсулув ёки Момосулув бўлиши керакдай.

— Тошбуви деяқолинг!.. — деди Муҳсина хоним. Ранжигани билинди, лаблари андак буришиброқ кетди, сўнг бирдан ўзини ўнглади-да, навбатдаги янгиликка кўчди: — Аввалбекнинг аввалги хотини келди.

— Тамара-чи? — деди Яхшибоев чўчинқираб. — Тамара билан ажрашдими?

— Йўғ-э, — деб кулди Муҳсина хоним. — Ажрашгани йўқ. Тўнғич келин ўзининг янги эри билан келди.

— Тамара-чи?

— Айтдим-ку, Тамара жойида, деб!.. — асабийлашди Муҳсина хоним.

— Жойида эканини тушундим, лекин... бу воқеани... — Яхшибоев сўз тополмай қийналди, сўнг аввал келган осонроқ жумлани айтиб юборди: — Тамара бу ҳолни қандай қабул қилди?

— Ҳеч қандай. Ўтираверди. Апоқ-чапоқ бўлиб ўтирди.

— Муҳсина, — деди Яхшибоев, кейин ўрнидан қўзғалиб, оёқларини каравот ёнига тўшалган юмшоқ наматга тушириб ўтирди, — Муҳсина, сенинг ақлинг бутунроқ, айт-чи, бу гапларнинг нима кераги бор? Буларингда ор борми, номус борми?

— Билмадим. Келишди, ўтиришди, чой ичишди.

— Аввалбек-чи?

— Аввал ўлсин!.. — деди Муҳсина хоним йиғламсираб. — Аввалингиз ҳалиям ўшандан кўнгил узмаган, ҳалиям илиқишади, илгари қисир эди, ўн йил яшаб туғмовди, энди туғиб ҳам олибди, боланиям етаклаб келди, бола эридан эмас — Аввалдан, Аввалнинг ўзгина-

www.ziyouz.com kutubxonasi

си, э, эриям ўлсин, бузоққа ўхшаб етовда юради, уялмабди, анавининг ортидан эргаши-иб келаверибди, сиртдан — туппа-тузук, мўйловиям бор, э, садқаи мўйлов кет!.. Бечора Тамаранинг аҳволини кўрсангиз!..

— Апоқ-чапоқ бўлиб ўтирди, дедингиз-ку, хоним, қайси гапингизга ишонамиз?..

— Э, ўтирганда апоқ-чапоқ ўтирди, кейин...

Кейин нима бўлганини Яхшибоев тахминан бўлсада, тасаввур этарди. Кенг ҳовли, нақ қирқ сўтих, тўрда бир уй — Яхшибоевнинг ўзига тегишли; чап ёнда бир уй — Оллоёр билан хотини Сорага тегишли: ўнг ёнда бир уй — фарзандларнинг сарварига, тўнғич ўғил билан хотини Тамарага тегишли; ойнаванд айвонли, айвон ичида турфа гуллару лиммў кўчатлари, ҳарнеки шароит муҳайё; эру хотин иккови, иккита бола, йўқ, уч бола, негаки, Тамара келин юклигина, юзидаги доғлари кўпайиб қолган, инжиқ, кўнгли кўп нарсаларни тусайди, лекин энг тусагани — ором; тинчлик бўлса, сокинлик бўлса, биров кўнглини оғритмаса, болалари соғ бўлса, бўйидаги ҳам соғлом туғилса, шунинг ўзи бир давлат, фарзандларни деб ишини қўйди, ёзган озгина илми чала қолиб кетди; эрга суянди, қайнотага, қайнонага суянди, лекин буларнинг аҳволи ин қадар... кейин... анави мегажин, манжалақи, эр аталмиш мўйловли ҳезалакни эргаштириб, културний бўлиб, ўзи талоқ олган хонадонга яна кириб келса-я!.. Эрга текқунча қаро ерга тегса бўлмасмиди?

— Ёмон йиғладими? — деб сўради Яхшибоев. — Бу, соғлиғига зарар етади-ку?..

— Йиғламади, қарғанди.

— Қарғанса ёмон, хоним, йиғласа бир нави эди, қарғишдан кейин умидни узаверасиз. Ёмон қарғандими? Сизу бизни қўшмадими, ишқилиб?

— Билмадим, ювуқсиз, деб қичқирганини кенжа келин эшитибди.

— Кенжа келин гап таширкан-да?

— Куюнади-да, бечора, рўзғор бир бўлгандан кейин... Аввалбекни ювуқсиз, деб атаган чоги?

— Ҳаддан ошиброқ кетибди, — деди Яхшибоев сал аччиқланиб. — Ўйламадингизми, балки Аввалбекнинг ҳалигиндай... эскича никоҳсиз туғилганига шаъма қилгандир?

— Э, билмайди буни!.. — деди Муҳсина хоним. — Ғалча у, сиз мақтаган Тамара келин! Кейин, ўртоқ Яхшибоев, нима, ҳукуматнинг никоҳи никоҳ ўрнига ўтмас эканми? Ахир, келинларниям комсомол тарбиялаган!..

— Менимча, «ювуқсиз» дегани «ҳароми» дегани эмас. Лекин, умуман олганда, сиз ҳақсиз хоним. Эндиги ёшларга тушуниб бўлмайди. Ташвиқот сусайиб кетган. Эслайсизми, биз ёшликда қандай даҳрий эдик!

— Эсимда, — деди Муҳсина хоним шивирлаб, ғамгин тортиб. — У кунлар асло қайтиб келмайди энди. Сиз шу эътиқодни деб отангизнинг жанозасига бормагансиз.

Эскартиш Яхшибоевга ёқмади. Булар бари эски гаплар эди. Отасининг ўлиб кетганига салкам ўттиз йил бўлди-ю, Муҳсина хоним ҳалигача шуни эслатади. Гўё мақтагандай бўлади, лекин мақтов ичида бир мисқол оғуси бордай. Эътиқод эмиш... Чол кишида эътиқод нима қилади? Дарвоқе, нега чол бўларкан? Ахир, ота ўлганида бугунги ўғлидан ёшроқ эмасмиди?

— Отам қизилтаёқчи бўлган, — деди Яхшибоев бирдан маъюсланиб. — Урушга қатнашган, ярадор бўлган, ярадан ўлган, нега мен шундай мўътабар одам билан курашарканман, хоним? Сал ўйлаброқ гапирсангиз бўлмайдими?

Муҳсина хоним сергакланди, эрига андак ҳайрат билан боқди, илжайди, сўнг, гўё ҳеч нарса бўлмагандай, гўё эшикка чиқиб, кўчада кўриб келганларини гапираётгандай, жўнгина сўзланди:

— Ёшлик экан-да, эътиқод борасида ҳеч кимни аяб ўтирмасдик.

Яхшибоев хотинига маъноли қараб қўйди — рағбат билдирган бўлди. Ана, кўрдингми, демоқчи бўлди, бир гапни икки хил қилиб айтиш мумкин, хотинжон, иложи борича қўпол иборалардан қочиш керак, жўялироқ, умумийроқ бўлсинки, ўшанда гўё маъно тиниқ чиқади, маъно ортидаги муайян воқеа эса дахлсиз тураверади. Энди ёшлигимиз қолмади, хоним, бир оёқ тўрда-ю, бир оёқ гўрда, кўрадиганимизни кўрдик, оладиганимизни олдик, гўё ҳаётдан неларнидир ундиргандай бўлдик, обрў, шуҳрат, бойлик... Аслида-чи? Аслида ҳаёт дегани бизни маҳв этмадими? Гўё бир умр майда-чуйда ўйинчоқлар тутқазиб, алдаб-авраб келгандай. Бу не ўзи, хоним? Умидсизликми?.. Афсусга ўрин йўқдай, ҳар ҳолда, биз эришган нарсалар унчалик кўп эмаски, ачиниб ташлаб кетсак? Ачинадиган бошқа, дейлик, Искандари Зулқарнайн, дейлик, Ошно. Йўқ, Ошно ул шарафга арзимайди, ул шараф ва ул латифа бир мартагина

www.ziyouz.com kutubxonasi

айтилгани тузук, яъники, Искандар ўлибдию тоштобутдан қўлларини осилтириб кетибди, айтмоқчи бўлибдики, мана, мен дунёни забт этдим, лекин у ёққа ҳеч вақо олиб кетолмадим!.. Лаънати шоҳ, мугуздору ғаддор, кўп ақлли бўлган, эҳтимолки, дунёни забт этиб юриб, етиму есирларни зор қақшатиб юриб, неча йиллар мобайнида шу латифани ўйлаб-пишитгану ўлим баҳонасида ошкор этган. Забт этган дунёси ҳам, дунё қадар шуҳрати ҳам оздай туюлган. Ўзича давр сурган, еган-ичган, қилич-бозлик қилган, аёллар билан ётган, лекин, жиддийроқ ўйлаб қарасанг, бутун умри нари борса уч сатрли латифаю маталга жо бўлибди, бутун умри, урушу истилолари, еган-ичганлари, суйган-қучганлари, хуллас, барчаси — шу уч сатрли маталга илова, холос. Худбинлик ёмон нарса, хоним. Хайриятки, Искандар бўлолмадик, Искандар бўлсак эди, балки шармандамиз чиқарди, сабабки, биз туғилган замонлар ўзгача, одамлар ҳам ўзгача, Искандар замонидаги соддалигу гўллик йўқ, ўзимдан қиёс қиламанки, ўшал қизиқ нақл туғилмаслиги ҳам мумкин эди, агар мен ўша оламгирга замондош бўлсам эди, ўлим соатида бошида турсам эди, дейлик, унга ғассоллик қилсам эди, дунёни забт этиб ҳамки у ёққа ҳеч вақо олиб кетолмаган Искандари Зулқарнайнинг кафтига тўрттагина тилла танга солиб юборардим, шунинг ўзи кифоя эди — шунда латифа туғилмасди, Искандардан бор-йўғи урушу истилолар хотира бўлиб қоларди, холос. Шунда жаҳонгир бугунги жозибасидан айриларди, негаки, урушу истилода жозиба бўлмайди. Ўзига латифа ўйлаб тополмаган саркарданинг ҳолига вой. Чингизхоннинг латифаси йўқ, Гитлернинг латифаси йўқ, эҳтимолки, Темур ҳам латифа бўлмасди, лекин у қари тулки анави Ғилай Йилдирим боис латифа тўқиб улгурган, яъники, эй Боязид, сенинг устингдан эмас, дунёнинг устидан куляпман, бу не шўрлик дунёки, тақдири сендай бир ғилай билан мендай бир чўлоққа қолган бўлса?!. Сену бизда латифа йўқ, хотин, сену мен лоақал Ғилай Боязид ҳам эмасмизки, Темур баҳонасида латифага кирсак. Ҳамма айб Ошнодаки, у латифани мутлақо тушунмайди, ғулғул товуқдай жиддий. Худди шундай, хотин, биз умримизни тиккан қарта ўйинида чекимизга ғулғул товуқ чиққан, холос. Хуллас, хотин, бу гулшан ичра йўқдур бақо гулиға сабот, ажаб саодат эрур қолса яхшилиқ била от. Лекин ўшал отни қачон қолдирамиз, қолдириб улгурамизми?..

Яхшибоев эътибор берса, хотини гапираётган экан. Англадики, буткул бегона гаплар, шунчаки ғийбат, турган-битгани ғийбат, хотинларнинг ғийбати, эмишки, Ҳайбатулло қизини мажлисга элтибди, уни залда қолдириб, ўзи минбарга чиқибди, лекин аҳли машварат ер тепиниб сўзлагани қўймабди, Ҳайбатулло ғазабланибди, қизи уялибди, уялганидан қочиб чиқибди, чиқиб ҳўнг-ҳўнг йиғлабди, шармандалик, дебди, энди қандай бош кўтариб юрамиз?..

— Кимнинг бошини? — деб сўради Яхшибоев. — Ўзининг бошиними ёки отасининг бошини?

— Билмасам...

Муҳсина хонимнинг шашти сусайди, эрига ўқрайиброқ қаради, чамаси, у кўпроқ гапирмоқчи эди, гап асносида ўзининг ташвишларини, Аввалбекни, талоғи айтилган тўнғич келинию унинг ўрнига янги тушган келинини унутмоқчи эди, ҳарна, Ҳайбатуллонинг қизи дуч келган иснодан Муҳсина хоним кўрган шармандаликлар сал бўлса-да беҳроқ, кўримлироқ эмасми?

— Ёшлик — бебошлик, — деди Яхшибоев. — Ҳали ғайратлари кўп, умрлари ҳам узун, андак шаккоклик қилишган бўлса, майли, буниси ҳам кечиримли, биз — катталар, сал кенгроқ бўлишимиз керак. Дунёни ўзимиз билан олиб кетармидик!..

— Нуқул «ёшлар» дейсиз, ораларида эллик-олтмишни уриб қўйганлари ҳам бор экан.

— Барибир ёш, хоним, суврати бўлмаса, сийрати ёш уларнинг, — деб кулди Яхшибоев, сўнг бояги гапини яна такрорлади: — Дунёни кўтариб кетармидик, хоним, шуларга мерос қилиб қолдирамиз-да!..

Муҳсина хоним маъқуллаб бош иргади. Яхшибоев унинг соддалигидан кулди: балли, Яхшибоев, нақ Искандар бўлиб кет-э!..

Шу гап ўзи етарли, энди Муҳсина хоним Ҳайбатуллога ачина бошлайди, ғийбат ҳамдардликка айланади, яъники, бечора Ҳайбатулло домла, ландавур Ҳайбатулло домла, анойи, анқов, азбаройи шўри қуримаса, анави безориларга тенг бўлармиди, аслида-ку, уларни авайлагани — ўзини авайлагани, ўшаларга икки оғиз ширин сўз айтиб, иккитасининг бошини силаса олам гулистон эди, ҳеч ким унга тил тегизмасди, машварат ҳам бузилмасди, қизи бояқиш ҳам залдан қочиб чиқмасди.

Аслини олганда, ўша ертепарлар ҳақ, деб ўйлади Яхшибоев, ростдан ҳам Ҳайбатулло ўлгудай нодон, кўру гумроҳ, ўзи-ку ўртадан пастроқ, даъводан ўзга ҳеч

www.ziyouz.com kutubxonasi

вақоси йўқ. Нотавонгина бир рўзноманинг шеърият бўлимида жон сақлаб юрувди, энди, ҳоли шу бўла туриб... машваратга аралашгани нимаси? Ахир, одам дегани кўрпага қараб оёқ узатиши керак-ку?! Энди мен ўша галварс Ҳайбатуллонинг тарафини олишга мажбурман. Агар ўзимга қолса, ўша ертепарларга иш қолдириб ўтирмасдим, чала академиклардан бирортасига айтиб Ҳайбатуллони бир ёқли қилардим, лекин энди жуда кеч, ғишт қолипидан кўчган, энди ўша тўнканинг ёнида собит тураман, йўқса, сал фурсат ўтиб менинг ўзимга ҳам ташланиб қолишлари мумкин. Асли бу борада Шарифга, ғўринг нурга тўлгур Шарифга етадигани йўқ эди. Эй биродарлар, деб келарди, халқнинг сабр косаси тўлди, кимнидир қурбон бермасак ҳеч бўлмайдиган... У ташвиқотни бошлардию кимдир арзимас бир кишини, дейлик, анави Ҳайбатуллони қурбон берардик, қурбон ўзимизга тенгдош бўларди, қурбонни аямасдик, урардик, танқид қилардик чангини осмонга чиқарардик, қарабсизки, ҳақиқатгўй бўлиб довруқ таратардик!.. Афсуски, энди Шариф йўқ, ғўрини нурга тўлдириб ётибди...

— Мана, ўзингиздан қиёс, хоним, — деди Яхшибоев, кутилмаганда кайфияти хушланиб, — мана сиз, хизмат кўрсатган бир инсон, вақтида ариза бердингиз, ортингиздан ўсиб келаётган шогирдларга йўл очдингиз, мардлик бўлса... шунчалик бўлар? Энди сизни ҳамма мураббия деб билади. Шогирдларингиз хурсанд, шундай эмасми?

— Шундай, лекин мен...

— Балли! — Яхшибоев оғиз очгали қўймади. — Негаки, сизнинг обрў-эътиборингиз унвон ёки мансабда эмас, балки — қалбингизда!

— Лекин...

— Лекин-пекини йўқ, хоним. Мақтаяпти, деб ўйламанг, ахир, шунақа пайтда айтмасам, яна қачон ширин сўзимни сизга етказаман? Мундоқ бир ўйланг-чи, хоним?..

Муҳсина хонимнинг кўнгли юмшади. Курсида ёйилиброқ ўтирди. Қаддини сал тиклаган бўлди. Яхшибоев сал диққат қилиб, хотинининг ёқаси анча пастдан ўйилганини пайқади: бўйнию кўксининг ўртароқ қисми сўлинқираган, увадароқ, ярашмайдиганроқ. Илгари бўлса, ғаши келарди, лекин ҳозир ранжимади ҳам, майли, билганини қилсин, агар шу билан кўнгли овунса... майли, яна пастроқдан ёқа ўйсин...

— Кўйлагингиз ярашибди, хоним, устингизда тўзисин. Бичими ҳам янги экан.

— Башоратхон тикиб берди.

— Қўллари дард кўрмасин.

— Чевар-да, чевар, бир ой олдин навбатга туриш керак. Министрларнинг хотинлари ҳам эшигида сарғайиб турадди. Сиз ҳали Тамара келинга тикканини кўрмабсиз!..

— Зўрми?

— Бундан зўр!

— Уни қўяверинг, хоним, сизники — зўрроқ!..

— Ҳарна, келин ҳали ёш-да, Назар ака! Чит либос ҳам ярашаверади.

— Ўзингиз зўрроқсиз!

— Мақтаманг!

— Мақтайман!.. Арзийди-да, хоним, арзийди!..

Яхшибоев Муҳсина хонимнинг қўлларидан тутиб, лабларига босди. Жим қолишди. Муҳсина хоним қўлини тортмади, эрининг соқоли ўсинқираган юзини силади. Яхшибоев димоғида бинафша ҳидини туйди, юраги орзиқди, эй нодон, деб ўйлади, илгарироқ бу ақлу фаросат қайда эди, бу фасоҳат қайда эди: уришардик, талашардик, аччиғу тиззиқ, бақириқлар, ўқилмаган никоҳга талоқ айтишлар... Э, оналари ўлсин! Ўйма ёқаларни деб асабийлашиш ўрнига, мундоқ силаб-сийпасанг бўлмасмиди, ахир? Ўйма ёқалар ҳам, ўйма ёқа ортидаги нарсалар ҳам сенинг амлокинг эди-ку, майли, ғаркўзлар қараса қарасин эди, камиб-нетиб қолмасди, қайтага, не-не говмижжаю назланинг ёстиғи қуримасмиди?..

Эҳ, ёшлик, ёшлик, беқадру бебақо ёшлик!

Яхшибоевнинг димоғи ачишди, кўзларига жиққа ёш қуйилиб келди. Секин жойига чўзилиб ётди. Муҳсина хоним чўчиди, бир муддат кўзлари жавдираб турди, сўнг йиғлаб юборди:

— Мендан яширяпсиз, Назар ака, бир балоларни яширяпсиз!.. Айтинг, яширманг, шу пайтда кунингизга ярамасам, кейин менинг нима юргулигим қолади?!.

Хотин эгилди. Эрининг кўксига бошини қўйди. Яхшибоев уялди. Ёлғон, деб ўйлади, уят, ёлғон бўлгани учун ҳам уят, кимдир ҳозир палатага кирсаю биз икковнинг ҳолимизни кўрса, эҳтимолки, кўнгли бузилади, раҳми келади. Балки, Яхшибоевдай қарчиғай ҳам қариган чоғида мусича бўпти-ку, деб ўйлар? Шунисиям тузук, деб ўйлайди, ҳарнеки тадорикнинг охири бахайр

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлсин, мана, булар ҳам биров-бировига суяниб қолибди. Ҳар ҳолда, шундай ўйлагани маъқулроқ. Муҳсина хонимнинг саҳнага чиқмай қўйганига неча йиллар бўлди, энди унинг не-не ботирларнинг бошида ўтиргани, не-не Тоҳиру не-не Равшанхону не-не Авазхонларнинг кўкракларига бош қўйганлари унут бўлди, эҳтимолки, улар бариси шунчаки машқ бўлгандир, мана, бугун келиб, палатада қўзғалмай ётган эрининг кўксига бош қўймоғи учун машқ бўлгандир?..

Яхшибоев ётган жойида ғимирлаб қўйди. Бекор гап, ҳали қўзғалиш мумкин, ҳамма аъзолар жойида.

Муҳсина хоним бошини кўтарди, эрига айбсиниброқ боқди, узр, демоқчи бўлди, сизга азият етказдим.

Яхшибоев жилмайди, ҳеч бокиси йўқ, демоқчи бўлди, қайтага, дардимни кўтардингиз. Қолаверса, хотини кўксига бош қўйганида айтарли залвор сезгани ҳам йўқ эди. Муҳсина хонимнинг саҳна машқи зўр эди, бир дақиқалик кўримли манзара асносида қўлларини каравот четига тираб турган эди.

— Аввалбек масаласини жиддий ўйлаб кўраман, — деди Яхшибоев. — Айтиб қўйинг, мен ҳали ўлганим йўқ, қадамини ўйлаброқ боссин. Айтингки, бўёқчилигига бола боқолмайди, неки шов-шув гапи бўлса — ҳаммаси мен туфайли. Мен тирик эканман, бозори чаққон, мен ўлсам, уни биров сариқ чақага олмайди. Келинга айтинг, анави манжалақи яна келса, остонадан ўтказмасин, сочини юлсин, бетини тимдаласин, майли, милисага тушсин — ўзим опчиқаман!..

Муҳсина хонимнинг чиройи очилди: эрини бундай дарғазабу чўрткесар ҳолда — соғ кўриш унга ёқарди.

— Майли, дадаси.

— Уйда, столнинг устида китобнинг ўнинчи боби ётибди. Нашриёт билан гаплашаман, кейин Оллоёр мен ўзим тайинлаган одамга элтиб беради.

— Майли, дадаси. Оллоёрнинг иши йўқ ҳисоби, кечгача каловланиб юради.

— Яна кечки сменага ўтдими?

— Илтимос қилишган экан...

— Нима, илтимос қилишса, бошини обориб сиртмоққа ҳам тиқиб берадими? Айтинг, энди бунақа аҳмоқлик қилмасин, ҳеч ким раҳмат демайди.

— Хўп, дадаси.

— Ошно телефон қилмадими, хоним?..

Яхшибоевнинг сўз оҳанги бирдан юмшади. Юмшаганини сезиб, салгина ори келди. Муҳсина хонимга ялт

этиб қаради. Йўқ, хайрият, бояги қатъияти сабаб, хотин ҳеч нарсани пайқамаган экан.

— Телефон қилса, айтинг, касалхонада ётибди, деб хабар қилинг, келиб бир кўриб кетсин, гаплашадиган гапларим бор.

— Ҳаддим сиғармикан, дадаси, ахир, у киши...

Муҳсина хонимнинг овози азбаройи эҳтиромдан титрагандай бўлди.

— Қўрқманг, хоним, шунчаки шаъма қиласиз. Уям сизу менга ўхшаган одам, осмондан оёғини узатиб тушган эмас. Яхшибоев касалхонада, сизни соғинибди, деб айтсангиз кифоя.

— Майли... Мен бу ёқда... озгина овқат келтирувдим. Келин пиширган экан, касалингизни ўйлаб, мурч қўшолмабди, мурчни алоҳида опкелдим.

— Тузук, тушликка татирман. Майли, энди борақолинг. Невараларни ўпиб қўйинг.

Муҳсина хоним жойидан турди, лекин бирданига чиқиб кетолмади. Дераза ёнига борди, парданинг четидан тутиб, эрига қаради:

— Озгина очиб қўяй?..

— Шартмикан, ўзи оқ-ку? Ташқари қалай?

Муҳсина хоним пардани сал очиб, кейин жавоб қилди:

— Ҳаво очиқ. Бу йил қиш бўлмайдиганга ўхшайди. Одамлар шундай дейишяпти.

— Нима, бориб ўзидан сўраб келишибдими?

— Башоратхон айтди. Тайлоқов телевизорга чиқиб, бу йил қиш бўлмайди, деган эмиш. Касалгарчилик кўпаймаса гўргайди.

— Шунгаям ташвишми, хоним, бўлганича кўрармиз. Майли, борақолинг, кейин... бу ёққа ҳар куни қатнайвериш шарт эмас, кунора келсангиз ҳам бўлаверади, парвариши яхши.

— Ҳамширалари ёш экан, дадаси... — Муҳсина хоним қиқирлаб кулди. — Тағин шу ердан уйланиб қўйманг!..

Яхшибоев сергак тортди: бежизга қиқирламайди бу, дарди бор, ҳозир бирор гап бошлайди.

Муҳсина хоним яқинроқ келди, креслонинг суянчиғига қўлини қўйиб тураверди.

— Пул-мул керакми, хоним?

— Йўғ-э, дадаси, ҳамма нарса бор. Мен... мен ўзим.... яна бирор ишнинг бошини тутсаммикан, деб

www.ziyouz.com kutubxonasi

эдим, икки-уч таклиф бўлди, лекин сиздан берухсат розилик беролмадим.

— Яхши қипсиз, хоним, ҳарна, бамаслаҳат иш тутган тузук.

— Ўзингиз ёрдам берарсиз?

— Қани, бу ердан чиқайлик-чи, ўйлашиб кўрармиз.

— Тез чиқасизми?

— Тез, хоним, тез орада. Зўрлаб ушлаб туришибди, бўлмаса, менга зарил кептими!.. Парвариши дуруст-у, лекин боғида қарғаси кўпроқ экан.

Муҳсина хоним деразага қараб олди. Деразадан каттакон чинорнинг пастки шохлари кўринар эди.

— Ҳозир йўқ, — деди Яхшибоев. — Кечқурун йиғилиб келишади.

— Телевизор қўйинг, — дея маслаҳат берди Муҳсина хоним. — Овозини баландроқ қўйсангиз, қарғалар эшитилмайди.

— Қарғалар кўнгилда бўлса-чи? — деди Яхшибоев зорланиброқ. — Кўнгилда қағиллаб турса-чи?..

— Қўйинг-э, нафасни иссиқроқ қилинг, дадаси!

Яхшибоев тўшакка қулайроқ ўрнашиб, кўзларини юмди. Секин уҳ тортди — ҳориганини билдирди. Муҳсина хонимнинг секин юриб нариги хонага чиққанини, эшик очганини, кейин яна ёпганини эшитиб ётди. Палата жимиб қолди. Яхшибоев кўзларини очмади, ётаверди. Ўйладики, ҳозир индамай тўғри қилди, йўқса, ширингина суҳбатлари жанжалга айланиши мумкин эди. Муҳсина хоним юрагини очолмади, кўнгли алағдароқ бўлиб кетди, камситилгандай бўлди, ҳар ҳолда, кетаётган маҳали андак далда берилса зиён қилмасди, лекин далда бериш қурсин, бошланса бас, гап тўла қопнинг оғзини очиб юборади, кейин... дийдиёнинг адоғи бўлмайди ҳисоб. Қадру қиммат, кўрсатилган хизматларию хизмат кўрсатганлари, хуллас, таънаю иддаолар қалашиб келаверади...

Яхшибоев ўйладики, ҳозир хотини йўлак охирида лифт кутяпти. Лифт келди, эшиги очилди, Муҳсина хоним ичкари кирди, эшик ёпилди, лифт юрди, Муҳсина хоним ёндаги бир парча ойнага қаради, ажинларини кўриб кўнгли чўкди, қаддини ростлади, оёқларини тарангроқ тутди, қолган-қутган мушакларида недир қувват сезгандай бўлди, озгина севинди, лифт тўхтади, эшик яна очилди, рўпарада эса, эҳтимолки, таниш одамлар... салом ва аликлар, озгина лутф, ҳа-ҳа, дадаси дам олаётувдилар, ҳа-ҳа, люкс хонадалар, ўзларига қолса умумий палатада

ётардилар, лекин маъмурият дегани гапга қулоқ солармиди.... хўп, хайр... омон бўлинг... кеп-кеп туринглар... дадаси тузалсин, сизларни меҳмонга айтамиз... войй, ташвиши бор эканми, мен энди пенсиядаги одам бўлсам, э, ўзи муддатиям кеп қолувди-да, оповси... энди шу... ёшларнинг истиқболини берсин!..

Кейин у кўчага чиқади. Кўчада, дарвоза ортида Аввалбек машина билан кутиб турибди. Бу ёққа кирмаган. Фарзандлар саруари бўлмиш отадан чўчийди, олими фозил Салимхоннинг гап ташиб келганидан хабардор, чеккароқда туриб с а с с и қ т а к а н и н г жаҳлдан тушмоғини кутади.

Оқпадар! Сўтак! Кутавер!.. Ўлсам кечирмасман!

Яхшибоевнинг жаҳли чиқди. Қўлини кўксига қўйди, кўксини силади, сўнг қорнини, оёқларини силади. Андак таскин топгандай бўлиб, ўрнидан қўзғалди. Нариги хонага чиқиб, телефон симини чувалтириб келди. Нашриёт рақамини терди. У ёқда трубкани кимдир аёл киши олди.

— Яхшибоев сўзлаяпти.

— Танидим, домлажон. Сайфиддин ҳозиргина чиқувди-я.

— Айтинг, менга қўнғироқ қилсин.

— Хўп, албатта айтаман. Телефонингизни биладими?.. Э, мана, ўзи кеп қолди!

— Сайфиддин болам!..

— Лаббай.

— Соғлиғинг яхшими, болам?

— Раҳмат, домла. Ўзингиз тузукмисиз, кўргали боролмадик, энди бир вақт топиб...

— Биздан биргина хато ўтибди, болам.

— Хўш, домла?

— Романнинг бир боби уйда қоп кетган экан. Сезмадингизми?

— Узр, домла, лекин сезмай қолибман. Энди, йирик полотно, кўздан қочган шекилли-да...

— Обориб беришади. Шуни улаб юборсангиз.

— Босмахонага кетувди-ку, домла?

— Қайтариб оласиз-да, болам. Қариб қолибмизми, эс ҳам мундай... кирарли-чиқарли...

— Энди, бўларкан-да, домла...

— Соғ бўлинг, Сайфиддин болам. Қалам ҳақидан бир товуққўрлик қиламиз, болам.

— Соғайиб кетинг.

— Эсдан чиқмасин-а?..

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яхшибоев трубкани қўйди. Телефонни яна эски жойига элтди. Яна ўринга чўзилди. Йўқ, ҳангомадан ўзи кутганчалик лаззат туймади. Зерикарли чиқди. Тўғри, муҳаррир бола ҳали ёш, ҳали ҳазилкаш, эшитган гапларини дўстларига айтиши, дўстлари яна дўстларига айтиши тайин. Лекин шугина нарса латифага арзирмикан?.. Яъники, Яхшибоевнинг романи босмахонага тушиб кетган эди, терилиб ҳам бўлган эди, шунда Яхшибоев телефон қилиб, муҳаррир болам, уйда романнинг ўнинчи боби қолиб кетибди-ку, деб айтса...

Хуллас, кўнгли тўлмади. Бачканалик, бориб турган бачканалик. Шугина гап учун романнинг бутун бир бобини уйда қолдириш шарт эмасди. Босмахонага тўлайдиган беш-ўн сўм жаримага ҳам арзимайди.

У яна Муҳсина хонимни ўйлади. Йўлда бозорга кириши тайин. Аввал, деб айтади, мошинангни бур, аввал бир бозорга кириб ўтайлик. Муҳсина хоним саҳнада юрган пайтлари сўзни тузукроқ ҳис этишни ўрганган, ўғли Аввалнинг исми ёнига яна бир «аввал»ни қўшиб айтишни хуш кўради. Аввал, дейди, аввал бозорга кирайлик, Робиға-Робия-Роби аввали бир кун карам тугади, деб айтгандай бўлувди. Табиийки, уйда карам бор, картошка ҳам бор, Робиға-Робия-Роби кўп сариштали хизматчи, егулик доимо муҳайё туради, лекин Муҳсина хоним бугун, айниқса бугун, ишдан кетиб, уй бекаси бўлиб қолган дамларда, бозор айланиши шарт. Бозорда халқ бор, бировлар сотади, бировлар олади, лекин сотармон ҳам, олармон ҳам... бирдай... хизмат кўрсатган аёл Муҳсина хоним Яхшибоевани танишлари шарт. Албатта танишади, таниб салом беришади, саломлари таскин, таскин не, кўнгил ярасига босилган малҳамки, бир боғ шивитни ўн тийин арзонига берган мухлисларига Муҳсина хоним йигирма тийин қимматроқ ҳақ тўлашга ҳам тайёр. Бозор оралаб, бозор аҳлининг пичир-пичирига, бармоқ бигиз қилишларига обдон тўйиб («Қаранг, Муҳсина опа!... Муҳсина опанинг ўзлари!.. Муҳсина опа-ку!..»), беш-олти бойлам редиска, пиёзу сабзи, саримсоғу кашнични Аввалбекка кўтартириб, солланиб бир-бир босиб, бозор дарвозасидан чиқади-да, минг кўзли халойиқнинг юрагини ўйнатиб, кимсан Назар Яхшибоев давлат нархида олган сўнгги нусха «Волга» машинасига ўтиради. Уйга боради, харид қилган кўкини Робиға-Робия-Робига топшириб, хонага киради, кийимларини алмаштиради, японча кимоносини кийиб, сочларини тепага турмаклаб, елпиғичини олиб, нақ Чио-Чио-Сан бўлиб, рангли телевизор рўпарасига ўтиради-да, Аввалбекдан, энди қайга борасан, деб сўрайди. Аввалбек айтадики, устахонага, чала қолган ишларим бор, шуларни битказсам, бобойдан умид камроқ, ўз кунимни ўзим кўрмасам бўлмайди. Муҳсина хоним шаъмани тузуккина англайди, лекин эътибор бермайди, қолаверса, Аввалбекнинг устахонасига боришига ҳам ишонмайди, эҳтимолки, устахона баҳона, бирортасига бориб суйкалишса... Аввал, дейди, Аввалбек ўғлим, майли, расмингни чизсанг чизавер, лекин аввал менга телевизорни қўйиб берсанг. Аввалбек телевизорни қўяди, кейин хонадан чиқмоқчи бўлади, лекин яна тўхтайди, сабабки, Муҳсина хоним тағин чақиради: Аввалбек, Аввал!.. Ҳа, дейди Аввалбек тоқати тоқ бўлиб, яна нима дейсиз? Аввал калитни ташлаб кет, дейди Муҳсина хоним, устахонанг яқин, пиёда борсанг ҳам бўлаверади. Аввалбек ғижинади, лекин онасининг гапини қайтаролмайди, машинанинг калитини беради. Бирдан устахонага боргиси келмай қолади, ҳовлига чиқиб, ўзининг уйига қараб бурилади, уйига кириб, хотини Тамаранинг кўзини қувонтириб, бадантарбиячиларнинг «Adidas» ёзувли костюмини кийиб чиқади, келиб, онасининг ёнига курси қўйиб ўтиради. Кейин бошқалар ҳам йиғилиб келади. Нарху навою об-ҳаводан гап кетади. Муҳсина хоним, санам янглиғ улуғвор, жиддий, елпиниб ўтираверади. Жиддий ўтираверса бошқаларнинг асабига тегишини билади, шу сабаб, атай жиддий ўтиради, бировга гап қотмайди, лекин ўғиллар ҳам, келинлар ҳам асабларини бузгилари келмайди, ноилож ликдан онаю қайнонага хушомад қилишга ўтадилар. Хушомад Муҳсина хонимга ёғдай ёқади. Елпиниш камаяди, хона ҳавоси салқинлагандай бўлади, юздаги булутлар ариб, кайфият хуш тортади. Неваралар келиб бувига суйкалишади, суйкалганлари Муҳсина хонимга ёқмайди. Боринглар, дейди, ҳой Оллоёр, буларга қара, ҳой Аввалбек, буларни нариоқ ол, жуда шўх бўп кетишибди, ҳаттоки телевизор кўришга ҳам беришмайди!..

Худди шундай: кўргали қўйишмайди эмас, кўришга беришмайди! Муҳсина хоним саҳнада тўғри гапиради, лекин уйда, кўча-кўйда лаҳжаси ўзгариброқ қолади.

Оллоёр болаларни чалғитади. Хўроз бўлиб қичқиради, сигир бўлиб мўнграйди, ит бўлиб вовуллайди, хулласи — феълини билмаган парранда ҳам, дарранда ҳам йўқ. Ичакдай узун, ориғу чайир, туя бўлиб чўкса борми, устига уч-тўрт бола бемалол миниб олиши мумкин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Баъзида унга таъна қилишади: болабоқча бўлсанг тузук эди. Оллоёр оғринмайди, шунчаки жилмаяди, айтадики, ҳеч иложи йўқ, эркакларни тарбиячи қилиб олишмайди.

Муҳсина хоним телевизор кўради. Экрандаги одамларнинг рангу рўйига қараб, ўзича фол очади:

— Анави кампирга неча ёш, Оллоёр? Ана, қара, дўхтир экан, халатиям бор, сенингча, унга неча ёш?

— Билмадим, ойи, бирор олтмишларда бордир.

— Етмишни айтавер, бола, етмиш бешда бўлсаям ҳеч ажабмас!.. Тамара, сен айт, анави чолга неча ёш?

— Етмишда, ойижон.

— Нега у ишлайди? Нега уни пенсияга чиқариб юборишмайди?

— Билмасам, ойижон.

— Сен билмасанг, мана, мен биламан!.. Кадрларни қадрлаш йўқ, айниқса — бизнинг санъат соҳамизда! Сув келтирган хор-у, кўза синдирган азиз! Нега мени бўшатишди? Нега? Шунча йиллик хизматларим бекор экан-да?!

Ҳеч ким гап қўшмайди. Бунда тазйиқ ҳам, рағбат ҳам — бирдай ортиқча. Билишадики, Муҳсина хоним кўп йиллар олдин пенсияга чиқиши керак эди. Нақ қирқ беш ёшида, сабабки, штатга ашулачи бўлиб ўтган, ашулачилар эса, айни қирқ бешда саҳнани ташлаб кетаверишлари мумкин. Лекин Муҳсина хоним саҳнани ҳали-бери ташламоқчи эмасди.

— Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман, болам!.. — дейди Муҳсина хоним Оллоёрга юзланиб. У фарзандларнинг ичида биргина Оллоёрга ишонади, биргина Оллоёр унинг гапини икки қилмайди, онаси ҳақми, ноҳақми, эътироз билдирмайди, жилмайиб, бош эгиб тураверади. — Ўзинг айт, болам, менинг Барчиним ёмон эдими? Зулхуморим ёмон эдими?

Оллоёр индамайди. Муҳсина хоним Барчин билан Зулхумор бўлиб саҳнага чиққан кезларда у ҳали гўдак эди.

— Нурхон-чи? Дездемона-чи?

Оллоёр индамайди.

— Сана, болам, санаб адоғига етармикансан!..

Оллоёр секин бош иргаб маъқуллаган бўлади: рост, ойижон, улар жуда кўп эди, лекин сиз унда ёшроқ эдингиз. Ўйлашга ўйлайди-ю, ташига чиқармайди.

— Тўғри айтасан, болам, — дея давом этади Муҳсина хоним, гўё ўғлидан тасдиқ эшитгандай. — Булар у даражага етгунча, ҳали минг қовун пишиғи бор. Ҳаммасига даданг айбдор, болам. Мени эмас, дадангни оёқости қилишди. Билки, энди Яхшибоевнинг сариқ чақалик қадри йўқ, бугун мени бўшатишди, эртага сени бўшатишади, ғорат, дегин, болам, паторат бу, гулдай рўзғоримиз шундайин тарқа-аб кетса-я!..

Оллоёр онасига тузукроқ разм солади. Айтилаётган гаплар қайси пьесадан олинганини чақишга уринади. Шу орада кўтаринки оҳанг йўқоладию Муҳсина хоним жўнгина дийдиёга ўтади:

— Яхшибоев биргина қўнғироқ қилса бўлмасмиди, болам? Бир қўнғироқлик иш эди-ку? Ҳарна, мен олаётган уч юз сўм пул ҳам шу рўзғорга эш бўларди-ку?..

— Гап пулдами, ойижон?.. — дея секин эътироз билдиради Оллоёр.

— Ўргатма менга!.. — қаҳрланиб қичқиради Муҳсина хоним.

— Ўйлаганимни айтдим-да...

— Айтма!.. Ҳали сен айтадиган даражага етганинг йўқ! Сен ҳали ҳеч кимнинг бурнини терлатмадинг! Жойингни билиб ўтир!.. Индамасам бас, дарров бошимга чиқиб оласанлар! Бир гала сўқим, бир гала текинтомоқ!..

Оллоёр ўғринча атрофга разм солади. Хайриятки, хотини йўқ — жанжал олдидан чиқиб кетган. Сора келин — ақлли, эрини хижолат чектиргиси келмайди, ҳар қалай, эркак киши, мулзам бўлмагани маъқул. Хонада Аввалбек ҳам йўқ, хотини Тамара ҳам, неваралар ҳам — ҳаммаси чиқиб улгурган. Биргина Оллоёр қолган. Неки қарғиш бор — Оллоёрнинг бошида. Муҳсина хоним уни атай қарғиш учун туғиб олгандай. Мўмин, мулойим, эътироз қилмайди, жаҳли чиқмайди, синиққина илжайиб ўтираверади. Умуман, бу оилада ҳамма уни уришади. Ҳаттоки, Робиға-Робия-Роби ҳам озгина заҳрини Оллоёрга тўкади. Биргина Сора келин уришмайди, сабабки — хотини. Эрни озгина иззат қилиши керак.

Ниҳоят, телевизор тугайди. Оллоёр хоксорлик билан онасига қарайди, ишора бўлгач, бориб телевизорнинг симини узади.

Уйқу вақти етди. Хайрли тун, Муҳсина хоним! Хайрли тун, Оллоёр ўғлим!..

Эҳтимолки, ширин тушлар кўрилса. Эҳтимолки, Муҳсина хоним тушида рақсга тушса, Ширин бўлиб, Маҳинбону кўшкида, Фарҳоднинг ишқида... рақсга тушса... инсофданми?.. Айниқса ҳозир... мен бу ёқда Ёсу-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ман кампирни кутиб ётганимда... инсофданми?.. Диёнат қани?

Яхшибоев беихтиёр кулиб юборди. Аммо-лекин, оқсоч профессор тўғри айтади, деб кулди, ростдан ҳам ичим равон, сўз турмайди. Қалашиб келаверади! Ажабмаски, қалашиб келиб, айқашиб-уйқашиб-мингашиб... ахийри бирор маъно ҳам чиқса?

Дарвоқе, эмлаш пайти етди. Эмлагани ҳамшира келди. Қўлида чоғроғу ялтироқ темир патнис, патнисда шприци, игналари, дорилари, келиб, каравотим ёнига ўтирди. Тузукмисиз, домла, деб сўради, отдай бўп қолдингизми? Ўзи сиз касал эмассиз, деди, сизга қараш — бизга ортиқча ташвиш, миннат қиляпти, деб ўйламанг, лекин, ана, бошқа палаталарда оғирроқ беморлар қанча, сизга эмас, ўшаларга қараш керак.

Бирам ширинсўз, бирам илтифотли!..

Ўзимча ўйлаб туриб, гўринг нурга тўлгур Шариф бекорга йўлдан озмаган, дея мулоҳаза қиламан. Гап билан овора, баданимга игна санчилганини ҳам сезмайман. Хоп, дейди қизалоқ, ана — бўлди!.. Э, балли қизим, дейман, қўлингиз енгил экан, яхши жойлардан ато қилсин. Жилмаяди, доридан бўшаган шприцини бўлаклаб, патнис четига қўяди: бизга яна нима хизмат, домлажон? Хизмат йўқ, қизим, фақат бир илтимоски, бошлиқлардан сўраб билсангиз, менга қачон жавоб беришаркан? Мумкинмас, дея бош чайқайди, бошлиқлар бу гапларни бизга айтишмайди, ўзингиз сўраб боқинг. Майли, ўзим сўраб боқсам боқарман. Асли бирор узоқ жойга кетсам бўларкан. Қрим, Кавказ, Болтиқбўйи, Азовбўйи... Кетсам, ўзимизнинг Бахмалу Шоҳимардонлар ҳам чакки эмасди. Қадамимга мунтазир не-не оромгоҳлар бор. Бор-у, бормадим, уйда ҳам ўтиролмадим, кетгим келдию шу ерга келдим, токи қулоғим тинч бўлса, Муҳсинанинг ғингшиганларини эшитмасам. Менга очиқ иддао қилолмайди, қўрқади, ҳарна, семизгина ҳамёним бор, жуда бўлмаганда, ўшанинг бир ёнидан умидвор, қаттиқроқ гапиролмайди, лекин шаъмалари жонимга тегади, телевизор кўришлари, телевизорда кўрган оқ сочли чолу кампирларнинг ёшидан фол очишлари... миннат — дийдиё, дийдиё — миннат... нега анавилар ишлаб юришибди, нега анавиларни бўшатишмайди, нега анавиларга тегишмайди... нега мени бўшатишади? қадрим бир пул экан-да? шунча йиллик хизматларим? тўккан терларим? ижодим? уйқусиз тунларим? ҳаётим? бутун борлигим?..

Дийдиёси зиғирёғдай меъдага тегади. Баъзида, кутаётганим Ёсуман асли шу эмасми, деб ўйлаб қоламан. Ёсуман келиши тайиндай. Ёсуман албатта келади. Юрагимга ваҳм оралайди. Айниқса — кечқурун, қош қорайиб, дераза ортидаги чинорларга қарғалар учиб келишганда. Қағиллайди, лаънатилар!.. Бошимни кўрпага буркаб оламан. Лекин қарға овози эшитилаверади, хаёлимда, кўнглимда, танимда бир гала қарғалар уя қургандай!..

Қариган чоғингда уйда бир мудом тинчиб ўтиролмасанг, билки, барча тоат-ибодатларинг бир пул экан.

Аслида Муҳсинага дахл қилмасак бўларкан. Ишни Сокина бошлади, Ўртақўрғонидан икки кунга келиб, секин кўнглимни овлаган бўлди: энди сизга сал-пал ором керак, дада, келинлардан умид йўқ, ўзлари билан ўзлари, уларга бола-чақанинг ташвиши ҳам етиб ортади, мен узоқда — Ўртақўрғонда бўлсам, ҳадеганда хабар ололмайман, бу ёғи Робия хола ҳам қариб қоляпти, энди бозор-ўчарга ярамайди ҳисоб, ҳарна, қозон-товоққа яраб турибди экан, шунисига шукр, бу ёқда Оллоёр бечоранинг аҳволига ачинаман, ойим уни эшак қилиб миниб олган, тепинсаям гўрга эди, лекин миқ этмайди, териси қалин, тўқими ундан ҳам қалин, айили маҳкам тортилган, синиқиб илжаяди, холос, ойимнинг аҳволи бу, кулги бўлаётганини ўзи сезмайди, бадиий раҳбар эмиш, олтмишдан ошган кампир бадиий раҳбар бўлмаса ўладими!.. Қайси куни телевизорга чиқиб ўйнади, ашула айтишини сўрашувди, қайсидир йилнинг ашуласини, қирқинчими, қирқ бешинчи йилники, лекин ойим ашулани оғзаки эслаган бўлдию бирдан лапар бошлади, лапар бўлгандан кейин ёнида ўйини ҳам бўлади, бир қоп гўшт, экранда саланглаб юрдики, ер ёрилмади — мен кириб кетмадим!.. Куёвингиз ҳам ёнимда эди, бечора уям бўлари бўлди. Биргина Нигор хурсанд, бувим телевизорга чиқди, деб, эртаси куни бутун маҳаллага ёйиб юборди. Шу, бадиий раҳбарни сал тийиб олсангиз бўлмайдими, дада? Уйда тинчгина ўтирсин, чойингизни дамлаб берсин, иштон-кўйлагингизни ювсин, ахир, қачонгача дув қизартириб, келинларга кир берасиз? Нону сувдан зориқмаса, жимгина ўтирсин-да, энди!..

Ўйлаб ҳайрон қоламан. Чамамда, Сокинанинг гапларидан сўнг андак қизардим-ов. Бўлмаса, уйда автомат машина бор, сувни ўзи олади, совунни ўзи солади, ўзи ювади, ўзи сиқади, ўзи қуритади — жоннинг ҳузури. Пахтамомиқ кўйлак-иштонларни дазмоллаш шарт ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

эмас. Лекин ўшал аснода гўё келинларнинг кир пайпоғимни ушлаб, бурунгиналарини жийирганини кўргандай бўлдим. Газабим ошди, пешонамга иссиқ уриб, Даминовнинг телефонини тердим.

Икки кун ўтиб, буйруқ чиқарди: «Муҳсина Яхшибоева ўз аризасига кўра бадиий раҳбарлик лавозимидан озод қилинсин...»

Даминовнинг Муҳсинага қандай ариза ёздириб олганига ҳалигача ақлим етмайди. Бир нарса аёнки, Муҳсина хоним икки ойдан бери гарангсиб юрибди. Икки ойдан бери исён қилади. Ўн кундирки, касалхонага қочиб келдим. Булар ҳам касалимга ишонгандай бўлишди.

Муҳсина ҳеч балони билмайди. Пайпоқларимни қачон ювишини кутаман. Атай эскиларини ташлаб юбормайман. Елимхалтага солиб, кўзга кўринадиган жойга қўяман. Кўрмайди, кўришни истамайди. Ажабмаски, янаги келишида ўша халтани стол устига ташласам.

Ўйлаш барибир завқли. Айниқса — кир пайпоқлар солинган елимхалтани ўйлаш. Кўнглимда недир шайтонлик бордай. Шайтонлик эмас, шайтоннинг ўзгинаси. Шайтон ҳам, худди қарғалар янглиғ, танимга маскан қурган. Кўриб, билиб, сезиб тургандайман...

II БОБ

Қиссанавис

Эҳтимолки, айни ёзувлар битилмаганида тузук бўларди. Лекин қоғозлар сони бирор эллик-олтмиш бетга бориб қолди — шу ҳолда ташлаб юборишга кўз қиймайди. Яхшибоевга муҳаббатим зўр, деб айтсам ёлғон бўлади. Нону намакни баҳам кўрган пайтларимиз йўқ эмас, лекин, росмана маънода дўст эдик, деб айтолмайман. Ёшимизда фарқ камдай — нари борса беш ёш. Илгари бу муддат жуда улкан туюларди, аммо йиллар ўтиб, улғайиб, мана энди қариб қолаётганимиз сайин... бу фарқ ҳам сезилмай кетди. Яхшибоев ўзини баландроқ тутиши бор гап: мен уни сизлайман, у эса гоҳ сизлайди, гоҳ сенсирайди — кайфиятига боғлиқ. Лекин кейинги ўттиз-қирқ йил ичида кўрган-кечирган воқеаларимиз ҳам, суҳбатдош бўлган одамларимиз ҳам бир хил. Шу нарса бизни тенглаштиради, деб айтсам ёлғон бўлмас.

Ёзувларимнинг охири сусайиб, сўлжайиброқ кетганини ўқувчи пайқаган бўлиши керак. Гапнинг тўғриси,

Яхшибоев ҳақида ёзиш мен учун жуда оғир. Оғир, зерикарли, уятли. Гўё ўзим ҳақимда ёзаётгандайман. Аслида эса, қўлингиздаги ёзувларнинг дунёга келишига сабаб шуки, сўнгги икки йил ичида Яхшибоев билан анча яқин бўлдик. Унинг яхши-ёмон ишларига аралашдим. Энди, пайти келиб, жилла қурса ўзим учун, оқни оққа, қорани қорага ажратиб олмоқчиман.

Адашмасам, бурноғи йилнинг охирлари эди. Ойини аниқ айтолмайман. Ишқилиб, кейинги уч ойнинг бирида, қайсидир байрам олдидан мажлисга йиғилдик. Пенсияга чиқиб, ташвишлар камайиб, уйда ўтириб қолган одамман, кейин... ишларим ҳам сусайган, олдинги куч-ғайрат йўқ, нари борса, кунига икки саҳифа қоралайман, ёзолмаганим алам қилади, хуллас, ишдан эмас, ожизлигимни ўйлашдан кўпроқ чарчайман. Шулар баҳона бўлиб, сўнг, бир кўча айланиб, таниш-билишларни кўриб, ўзимни ҳам кўрсатиб келай, деган ўй билан мажлисга бордим. Аксига олиб, ўша кунлари андак иссиғим ҳам бор эди. Грипп касофат ёмон ёпишди, беш-олти кун ваража қилди, кейин белга оғриқ берди. Оғриққа қарамай, бир қадоқ туя жунини белга белбоғ билан танғиб, кенг-мўлроқ пиджак кийиб, қадни долдан алифга ўтказмоқ умидида азобланиб, терлаб-пишиб, бурнимдан булоқ оқизиб, мажлис бўладиган бинога келдим. Келиб, четроқда турдим. Кучимга ошиқчароқ ишониб юборган эканман, кўзларим ёшланиб, бошим айланиб туриб қолдим. Аксига олиб, мажлис тўртинчи қаватдаги залда экан. Ёш-яланглар келса, кўнгил етадиганроқ бировидан илтимос қиламан, зора тепагача суяб чиқса, деган умид билан эшикка тикиламан. Ёшлар ҳам келяпти, лекин, ҳали айтганимдай, созимиз тушадигани йўқ. Хуллас, бир муддат пастки қаватда, кийим ечиладиган жойда қолиб кетдим. Бирдан ўзимни ёлғиз ҳис этдим. Гўё ҳеч кимга керагим йўқдай. Бўлмаса, келаётган одамлар ҳол сўрашяпти, қўл беришяпти, бундай қараганда, боягидақа бемаъни хаёлларга бормоқлик гуноҳ. Ёмон туш кўраётган одамдай, танимни бир силкитиб олдим, сал ўзимга келиб, қўй, Саидқул, инжиқликни бас қил, ҳали балодайсан, дея таскин бердим. Нафақахўр бўлганимдан бери ғалати бир касалга йўлиққанман — тортинчоқлик касали. Ҳеч ким мени четлатиб қўйгани йўқ, қайтага, аввалгидан ҳам кўпроқ сўрашади. Укаларим, дўстларим кўп, акамиз ёки дўстимиз хафа бўлмасин, деб, тез-тез қўнғироқ қилишади, мақола, ҳикоя заказ беришади. Баъзида бутунлай кераксиз нар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

саларни ҳам буюртма қилаверишади. Худди шунисидан ҳушёр тортаман. Сезаманки, азбаройи раҳмлари келганидан, азбаройи жонлари ачиганидан мени эслашяпти. Айниқса, дафтарларига адресим, омонат кассадаги ҳисобим битилгани ёдларидан чиқиб, боз қўнғироқ қилиб сўрашлари мени баттар эзади. Тўғри, пул ҳаммага керак. Айниқса — менга ўхшаган катта рўзғорли одамларга. Вақтида йиғинмаган эканман, кейин болачақани ҳам аямай кўпайтирибмиз — оғири энди елкага тушяпти. Йўқ, бу гапим бемаъни бўлди. Ўнта бўлса — ўрни бошқа, юзта бўлса — йўриғи. Мен болаларимдан розиман. Хотинимдан ҳам, буткул рўзғоримдан, умуман дунёдан, яшаб ўтган умримдан розиман. Дўстларимдан ҳам розиман. Мени унутиб қўймаганларидан, ёрдам қўлини чўзиб туришларидан... ҳамма-ҳаммасидан розиман. Лекин, барибир, боя айтганим — тортинчоқлик туйғусидан халос бўлолмайман. Иложи борича, бачкироқ ишлардан ўзимни олиб қочаман. Недир арзирли нарса ёзсам, чиқса, гап-сўзга дош берса, зора қариган чоғимда бир замонлар беомон бой берилган вақтимнинг ҳам ҳиссасини чиқарсам, юзим ёруғ бўлса, деб ўйлайман. Лекин ўйлаганларим ҳар доим ҳам ўнгидан келавермайди, боиси — куч-ғайратнинг сусайгани, турли хасталиклар, болалару невараларнинг ташвишлари. Яқиндан бошлаб умримда қилмаган ишга қўл урдим — тонг соат бешда уйғонишни одат тутдим. Тонг соат бешда уйғониб, совуқроқ душга тушиб, дадилланиб, кейин ёзув столи ёнига ўтираман. Кунига беш саҳифадан ёзаман. Оддий бир арифметика: кунига беш бетдан ёзсам, бир ойда юз эллик саҳифа бўлади, икки ойда — уч юз саҳифа, уч ойда — яна кўпроқ. Аввалари ўзларини темир тартиб исканжасига соладиган ҳамкасбларимдан кулиб юрардим. Лекин бугун ўйласам, ўшаларнинг билгани билган экан. Ростдан ҳам, ўн кун ичида эллик саҳифа қораладим. Ўзим ҳам хурсандман, оиладагилар ҳам хурсанд. Гап — ёзаётганим ёки ёзиш унумида ҳам, ёки бўлмаса, ёзганимга келадиган фалон сўм қалам ҳақида ҳам ҳам эмас. Гап — менинг кайфиятимда. Айни ёзувларни ўқиган олижаноб кишилар, мен тўғримда, одамшавандагина экан, жўялигина гапиркан, деб ўйлашлари мумкин. Аслида-чи? Аслида мен худбинман. Ишим унмаган кунлари нақ дажжолга айланаман. Чой ҳам ёқмайди, нон ҳам ёқмайди, овқатнинг тузи йўқ, кўкатнинг ҳиди йўқ ва ҳоказо ва ҳоказо. Рўзғорим ҳам ўшандай кезларда мендан безиб қолади.

Лекин, мана, ўн кундирки, ҳаммалари хурсанд. Билишадики, Саидқул Мардоновнинг, бу инжиқ, бу серхархаша Саидқул Мардоновнинг иши тузуккина уняпти, Саидқул Мардонов ўзидан мамнун, Саидқул Мардоновнинг кайфияти ҳам дурустгина, демак, ҳамма ёқ ёруғ, ҳамма ёқ фаровон — саодатки, асло чеки йўқ.

Хуллас, мен хурсандман.

Кексалик қурсин, бурноғи йилги мажлисдан гап очиб, бугунги иш унумига ўтиб кетибман. Ёдингизда бўлса, мен фақир, маҳобатли бир бинонинг пастки қаватида, кийим ечиладиган жойда, бурнимдан булоқ очиб, совуқ терга ботиб турган эдим.

Бир маҳал, кимдир келиб тирсагимдан тутди. Қарадим. Қарадиму ҳайратга тушдим. Назар Яхшибоев, новча, бақувват, юзидан нур ёғилиб, кўзлари кулиб турибди. Рости, сал шошиб қолдим. Гарчи кўп йиллардан бери таниш бўлсак-да, ҳанузгача ундан ҳайиқиброқ турардим. Чамаси, мендаги бу туйғу ўшал эски замонлардан, Ўртақўрғонда ўқиб юрган пайтларимиздан — Назар Яхшибоев дорилфунунда аълочи, фаол студент, мен ўзим муаллимлар тайёрлайдиган курсларда чаласавод тингловчи бўлиб юрган пайтларимиздан қолган эди. Ҳозир ҳам шошиб қолдим, Назар аканинг қўлларини маҳкам қисдим. Ичимда, сал паст кетмадингми, Саидқул, деб ўйлаган бўлдим, лекин шубҳаларим ўшал ондаёқ тарқаб кетди. Назар ака ўзини эски қадрдонлардай тутди, меҳрибон бир оҳангда, ҳатто «сиз»лаб сўради:

— Сал синиқибсиз, Саиджон? Уйда биқиниб ётгунча, мундоқ сафарларга чиқсангиз бўлмайдими? Эртага Ўртақўрғон кетяпман, балки ҳамроҳ бўларсиз?

— Тумовгарчилик, — дедим. — Шамоллаб қолибман.

— Касал бўлмаслик керак, — деди Яхшибоев. — Сизу бизнинг касал бўлишга ҳаққимиз йўқ. Бўлмаса, манави ёшлар биздан ўзиб кетишади! Нима дедингиз, Чоршанби ўғлим?

Яхшибоев шарақлаб кулди, сўнг ёнидаги ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги қоратўри йигитга қаради. Йигит ийманиброқ кулди:

— Э, сизларга етиб бўларканми, устоз!..

— Таниб қўйинг, Саиджон, — деди Яхшибоев, сўнг йигитнинг тирсагидан тутиб, менга рўпара қилди. — Чоршанбижон — менинг энг яхши шогирдларимдан. Очеркалар ёзади, яхши очеркалар ёзади. Насиб этса, биргалашиб Союзга ҳам киритиб қўямиз.

— Домлани яхши таниймиз, — деди йигит боягидай

www.ziyouz.com kutubxonasi

ийманиб, сўнг менга қўлини чўзди. — Одилбек, — деди «бек»ка алоҳида урғу бериб. — Одилбек Жумаев. Устознинг бизга ўхшаган шогирдлари кўп, нуқул адаштириб юрадилар. Ўқиган чиқарсиз, ҳикояларим ҳам босилиб туради.

Унинг ҳикояларини ўқиганимни эслай олмадим. Ўзимча, марказга энди келганлардан бўлса керак, деб ўйладим. Шу аснода мажлисга қўнғироқ чалиндию Яхшибоев қўлимдан олиб, тепага судради. Уят — ўлимдан қаттиқ, у билан баробар юраман деб, то тўртинчи қаватга чиққунча тандан мадорим кетиб, ҳансираб қолдим. Яхшибоев мендан ёши улуғ бўлса-да, балодай экан — лоақал пишнаганини ҳам сезмадим. Эшик оғзида рўйхатга олаётган қизларга юзландик. Ҳисобдан ўтиб, энди залга қараб юрган ҳам эдикки, нақ пешонамизда суратқашларнинг чироғи икки марта ярқ этди. Кўзларим қамашиб, бир муддат жойимда тек қотдим. Ичкари кирганимда, Яхшибоев аллақачон қўлма-қўл бўлиб, тўрга ўтиб кетган эди.

Бўлган гап шу. Мажлис тафсилотларини айтиб ўтирмайман. Яхши гаплар бўлганини айтсам кифоя. Назар ака ҳам ўшанда сўзга чиқди. Кимнидир қаттиқ танқид қилди, тўғри танқид қилди, анча-мунча қарсак олди. Мажлисдан сўнг уни табрик этишди. Лекин мен ўз дардимга андармон бўлиб, ёнига боролмадим. Борганимдан бирор маъно чиқмасди ҳам. Гапнинг рости, тўғри гапни айтган одамга бориб, раҳмат, сиз тўғри гапни айтдингиз, деб табриклашнинг ўзиёқ кулгили туюлади.

Шу воқеадан сўнг икки ойча вақт ўтиб, почтачи келтирган янги журнални варақлаб ўтириб, ўртароқдаги рангли саҳифалардан бирида ғаройиб суратга кўзим тушди. Суратда ўша мажлис залига кираётган пайтимизни кўрдим: Яхшибоев билан иккимиз неларнидир гаплашиб турибмиз. Яхшибоевнинг қадди мендан тикроқ эмасми, салгина эгилиб, гапини маъқуллатаётгандай чиқибди. Пастроқда қисқагина бир ёзув: «ДЎСТЛАР СУҲБАТИ».

Ўша куни бир-икки қўнғироқ бўлди. Тили заҳарроқ бир дўстимиз: «Салом, Яхшибоевнинг дўсти!» деб йўқлади. Кейин бошқалар ҳам шунга ўхшаш гаплар қилишди. Аввалига эътибор бермадим, лекин кейин қарасам — газак олиб боряпти. Бояги ҳазилкаш дўстимизнинг гап тарқатадиган одати бор: кўп ўтмай, ҳамкасблар орасида «Яхшибоевнинг дўсти» деган лақаб орттирдим. Ноилож

суратқашни ичимда лаънатлаб юравердим. Ҳалиги сурат Яхшибоевнинг «Сайланма»сига ҳам кирди. Яна ўша ёзуви билан — «Дўстлар суҳбати». Муҳаррир йигит, шогирдларимиздан эди. Оти — Сайфиддин. Шуни сал олдинроқ билсам, эҳтимолки, суратни олиб қол, деб илтимос қилган бўлардим. Лекин на чора — ғофил қолибман. Кейин бир куни кўчада учратсам, ҳалиги шогирдим совуқроқ сўрашди. Тил қурсин, нуқул, шогирдим, деётган эканман. Укам, укахоним, деб айтсам тузукроқ бўларкан. Хуллас, кўнгилга яқин укамиз мендан хафароқ кўринди. Ичга ютиб кетадиган одатим йўқ, дарров боисини сўрадим. Укамиз ҳалиги суратни эслатди. Сизга ярашмайди, Саид ака, Яхшибоевга суйкалманг, сизга панд беради, катта охурдан ем еб ўрганган одам, ажабмаски, қулай келган онда сизни оёғига патак қилиб кетса, деди. Тўғриси, жаҳлим чиқди. Укамиз, ҳарна, биздан бирор йигирма беш кўйлакни камроқ тўзитган, ўргатгани, писанда қилиб тургани унчалик ёқмади. Тунимни тескари кийиб, аввал ўзларидан сўрасак, Сайфиддинжон, деб ачитдим, Яхшибоевни бунчалар иқингиз суймас экан, нега «Сайланма»сига муҳаррир бўлдингиз? Шунда укамиз аччиқ кулди, кейин бирдан маъюс тортди, кейин мендан узр сўради. Айтдики, э Саид ака, ихтиёр ўзимда бўлса эди, Кўҳиқофда дев бўлардим!..

Шу билан ўртадаги совуқчилик кўтарилди. Яна аввалгидай ака-ука бўлиб кетдик. Мен ҳам унга узримни айтдим, тумовраб турганимни, суяб тепага опчиқадиган одамни кутганимни, эҳтимолки, укамизнинг ўзини кутганимни, хуллас, Яхшибоев пайдо бўлганию тепага чиққан пайтимизда суратқашнинг чироғи ярқ этиб ёниб-ўчгунча ҳикоя қилдим. Сайфиддин аҳволимни тушунди, ҳамдардлик билдирди, сўнг, ҳатто, бошқа жўраларига айни англашилмовчиликни айтиб, менинг номимдан узр сўрашини билдирди. Куюнчаклиги эришроқ туюлди. Қўйинг-э, ука, дедим, шунгаям ота гўри қозихонами, ахир, иблисга мурид бўлганим йўқ-ку, бекорга ўзингизни овора қилманг. Сайфиддин гапимга қўшилмади. Йўқ, Саид ака, деди, сиз ҳали тушунмабсиз, сизни яхши кўрамиз, десам, сал-пал хушомадга ётиб кетаркан, хўп, майли, сизга ҳурматимиз йўқ эмас, деб айтақолай. Ҳар ҳолда, номаи аъмолингиз тоза тургани маъқул. Э, бўлди-е, дедим хижолат чекиб, қўйинг, мени уялтирманг, ука, ҳарна, шу кунгача бир амаллаб етдим, номимга доғ тушмади, энди, бу ёғига ҳам эсон-омон етиб оларимиз,

www.ziyouz.com kutubxonasi

кейин, ука, Назар акани бунчалар ёзғириш шартмикан, хусусан, мен ўзим ундан заррача ёмонлик кўрмаганман. Сиз фақат ўзингизни ўйлайсиз, Саид ака, деб таъна қилди укамиз, сиз кўрмаган бўлсангиз, ана, бошқалар кўрган! Ким кўрган, деб сўрадим мен, айтинг, ким ундан ёмонлик кўрган? Турган гапки, укамиз бирорта жабрдийданинг номини атай олмади. Тахминан бўлсада, атагани тузук эди. Мум тишлагандай тек турганини кўриб, укамиздан ихлосим қайтди. Ниҳоят, тили калимага келдию Одилбек Жумаевнинг номини атади. Ана, Жумаев, деди, Назар аканинг зуғумини чекяпти, бўлмаса, дурустгина қалами бор, бечора мардикорликда хор бўлиб юрибди. Бекор гап, дедим жаҳл билан, мен ўша Одилбегингизни кўрдим, азият чекканга сира ўхшамайди, қайтага, ўлгудай мамнун, устозу шогирд бўлиб юришибди, афти ҳам бўққа тўйган хўроздай, қип-қизил... уни Назар ака даврага қўшган бўлса, не ажаб? Йўқ, деди укамиз, келибоқ калхат Яхшибоевнинг чангалига тушган! Қизиқсиз, ука, дедим мен, сизга ўша Одилбекнинг ўзи бирор оғиз шикоят қилдими, чангал-чангал, деб нолиш қиласиз, хўш, чангал нелигини с и з биласизми ёки чангалга тушган ж ў ж а биладими?!.

Хуллас, яна орадан гап қочди. Сайфиддин мендан норози бўлди. Бир-биримиздан ранжиброқ хайрлашдик.

Шу жойда бир нарсани айтиб ўтмасам бўлмайди. Одамларнинг кўнглини оғритишдан қўрқаман. Оғритиб қўйсам борми, кейин ўзимга келолмай юраман, ишим унмайди, ўзимни еганим еган. Ўша хафақон одамни учратиш учун атай кўчага чиқаман, токи тезроқ ярашиб олсам, токи бир-икки оғиз илиқ сўз айтсам, унинг ҳам илиқ сўзини эшитсам, кейин уйга қайтсаму дарров ишга уннасам!.. Шу бемаъни одатим сабаб бўлиб, бировга қасд қилолмадим, бирор арзийдиган душман орттиролмадим. Нақл борки, душмани йўқ кимса одам ҳисобига ўтмас экан. Билмадим, ўша айтилган ҳисобга кираманми, йўқми, лекин бир амаллаб кунимни кўриб юрибман. Битта-яримта ғаддорроқ ҳамкасбларимнинг орқаворотдан «илимилиқ» деган лақаб қўйганларидан хабарим бор. Алам қилади, аммо — начора, ахир, лақабдан қутулиш учун кўчага чиқиб, биров билан муштлашолмайман-ку? Ота-онадан эрта айрилдик, етимхонада ўсдик, кейин, тақдирнинг изми билан, мана бундай азим шаҳарларни кўрдик, қаторга киргандай бўлдик, донишманд устозларнинг суҳбатига қўшилдик, авваліга жимгина қулоқ тутдик, кейинчалик ўзимиз ҳам ярим-юлуқ сўз қўшадиган бўлдик, лекин бирортаси бурнини жийирганини кўрмадик... Ахир, бундай ўйлаб қаралса, тортган жабримиз бир ҳисса-ю, кўрган яхшилигимиз минг ҳисса эмасми? Ёмонлик шундай бир касофатки, бири ҳам юздай кўринади, бири ҳам эсдан чиқмайди. Баъзида ўйлаб қоламан: модомики шундай экан, дунёга келиб, ёмонликдан кўра яхшиликни кўпроқ билган эканмиз, модомики нисбат яхшиликнинг фойдасига экан, унда, эй, бирodарлар, ўшал қаро кунларни ҳадеб эслайвериш керакми? Эҳтимол, эсда тутиш керакдир, лекин эслайвериш шарт эмас.

Хуллас, Сайфиддин укамизнинг оғриниброқ кетаётгани юрагимни қабартди. Ёшимга ярашмаса ҳам, югуриб бориб билагидан тутдим. Йўқ, дедим, бу кетишингиз менга ёқмайди, қайтинг, бирор чойхонага кирайлик, бир пиёладан чой ичиб, бутун гинаю кудуратни ёзайлик. Укамиз овозимдаги ялинчоқликни сездими, бирдан хижолат чекди. Кўнгли бузилди, деб айтсам ёлғон бўлар, лекин юмшади, ийди, кўзимга қараб туриб узр сўради. Бошқа бир сафар, Саид ака, деди, борадиган зарур жойим бор, ҳеч қийиб бўлмайдиган. Тағин Назар аканинг ёнига бормаяпсизми, деб ҳазиллашган бўлдим. Укамиз кулиб туриб айтди: йўқ, Саид ака, ундан ҳам заруррроқ, аёл киши, биласиз, биз ҳали сўққабошмиз, энди рўзғорнинг ташвишини қилмасак бўлмайди, олтмишга кирганда бешиктўйи қилиш уят бўлар... Бўлмаса, уйга ўтинг, укажон, дедим, гапнинг ростги, чойхона дегани кўп зерикарли даргоҳ, чойхона сизу бизнинг китобларимиздагина гавжум бўлади. Ана холос, деб кулди укамиз, яна адабиётга ўтиб кетдингиз, домла, рости, нашриётда кун бўйи ўтираверіб, адабиёт деган нарсадан безиброқ қолганман. Бўлмаса, келинг, битта қўлбола ош қиламиз, дедим, кейин биттагина шиша, секин майдалаб ўтирамиз, ўшанда адабиёт ҳақида гапирган номард!

Хуллас, қайтадан ярашдик. Кўнглим анча чароғон бўлди. Бозорга элтадиган троллейбусга ўтирдим, бозорга етиб, ундан шаҳар четига чиқадиган автобусга ўтдим.

Уйимиз марказдан анча олис. Роса бир соат юриш керак. Йигирма йилча олдин, шаҳардаги икки хонали квартирада қийналиброқ яшар эдик. Марҳум устозларимиздан бири аралашиб, шаҳар четидан, айни колхозга туташ жойдан ўн сўтих ер гаплашиб берди. Ёру

www.ziyouz.com kutubxonasi

дўстлар билан ҳашарлашиб, бинойидай маскан қуриб олдим. Боғимиз ҳам бор. Олим ошналаримиз серҳосил мева навларидан экиб беришган. Баски, мева-чевадан камчилик йўқ. Йил бўйи тишимиз тегиб туради. Мева кўпроқ урчиган йиллари, болалар бир-икки яшигини бозорга ҳам элтишади. Катта рўзғор, ҳарна, бирига бўлмаса, яна бир йиртиғига ямоқ қиламиз. Меҳнати уят бўлмагандан кейин, меваси уят бўларканми...

Сайфиддин укамизни кўп кутдим. Лекин келмади, бирор ойча ўтиб, телефонда узр сўради — шунисига ҳам хурсанд бўлдим. Албатта ўтаман, оғайнилардан бир-иккисини олиб ўтаман, суҳбатингизни оламиз, деб ваъда берди. Ҳатто келадиган кунини ҳам атади. Ўша куни уйдагиларга ош буюрдим, боғдан чиққанини ҳам дастурхонга жамлаб, меҳмон келарига шай бўлиб турдик. Кўнглимда ғалати бир илинж ҳам бордай. Гап шундаки, камина ёшларнинг суҳбатини хуш кўраман, уларни тергаб, сал-пал шўхликларига томоқ қириб ёки қовоқ уйиб турадиган одатим йўқ. Уларнинг гап-гаштагига қўшилиб, ўзим ҳам яшариб кетгандай бўламан. Албатта, қўлдан келганича обрў ҳам сақланади — ёш нечадалиги ёддан чиқмайди, суюлиб кетишлар йўқ. Лекин, барибир, бояги гапим — яшаргандай бўламан.

Шартлашилган шанба куни кўчада машина сигнали эшитилди. Ўғилларга тайинлаб қўйган эдим, бориб дарвозани ланг очишди. Сутранг «Волга» бостирмага оҳиста сузиб кирдию эшиги очилиб, мен кутган одамлар эмас, Назар Яхшибоев тушди. Шошиб қолдим. Яхшибоевни кутмаганимдан эмас, ёш-яланғларни кутганимдан шошдим. Мабодо улар ҳам келишса, кейин булар бирга ўтиришса, укаларимнинг бировни аяйдиган одатлари йўқ, қолаверса, уларнинг Назар акага муҳаббатлари ин қадар, ишқилиб, қиличлар тиғлашиб, кейин маломатга қолмайин-да, деб чўчидим. Лекин, начора, меҳмон — отангдан улуғ, юзимга андак хуррамлик суртиб, Яхшибоевнинг истиқболига шошилдим.

Назар ака бу тарафга икки-уч қадам ташлади, шу аснода қўлларини ёзиб қучоқ очдики, ноилож бориб, бу улкан, бу забардаст одамнинг пинжига суқилдим. Ичимда, худо урди, бу девнинг олдида мен бечора пашшадай бўп қолдим, ҳарна, хотин кўрмасин-да, деб ўйладим. Хайрият, хотин кўрмади. Ўғиллар қизиқсиниб қараб тургандай туюлди. Кейин кўрсам, йўқ, улар бизга эмас, дарвозахонага кирган яп-янги машинага маҳлиё

бўлишган экан. Машинанинг иккинчи эшиги ҳам очилиб, рулда ўтирган хушмўйлов, соқолини калта кузаган йигит ҳам тушиб келди.

— Саидқул, таниб олинг, болаларга танитинг, то қиёмат ошно тутинишсин, мана бу — бизнинг ўғил, фарзандларнинг сарварию аввали — Аввалбек бўлади, — деб, ўғлининг елкасидан тутиб, менга қарата итарди. Йигит бир чайқалиб, бақамти келди-да, қўлини узатди.

— «Гармсел»ни сиз ёзгансиз-а? — деб сўради. — Я читал... ничего книга...

— Мен ёзганман, — дедим, ўзим ҳам унутиб юбораёзган китобимни эслаб. Сездимки, ота-бола йўлда ўша китоб ҳақида гаплашиб келишган. Чамаси, Назар ака бундан ўттиз йил бурун ёзган китобимни ўқиган-у, кейинроқ ёзганларимни билмайди, ўзича, ўша эски китобнинг номиёқ ўғли қиладиган лутф учун етарли, деб хаёл қилган. Ўғилнинг эса, менинг бирорта сатримни ҳам ўқигани даргумон. Лекин — майли, лутф учун раҳмат, риёзат чекиб, ўттиз йил олдинги заифгина асаримнинг номини ёдлаб олибдими, отасига раҳмат.

Меҳмонларни маҳтал қилиб қўйганим эсга тушиб, уй тарафга сал халлослаб йўл бошлаган ҳам эдимки, Яхшибоев секин енгимдан тутиб тўхтатди.

— Шошманг, Саидқул, — деди. — Огоҳ этмасдан бостириб келавердик, кўрпача солингунча боғингизни томоша қилайлик.

Яхшибоевнинг гапини рад этолмадим. Қолаверса, ёмон бир қусурим бор, боғимни кўрсатиб мақтангим келади. Ҳарна, олим дўстларим ўзлари танлаб, ўтқазиб, пайванд қилиб берган эрсалар-да, дарахтларнинг тагини чопиш, сийраклатиш, буташ, таналарини оҳаклаш каби юмушлар ўзимнинг бўйнимда. Дарахт тагидаги пушталар ҳам жуда пухта, китоб кўриб бўлса-да, деҳқончиликдан салгина хабаримиз бор. Хай, майли, шуларни Яхшибоевга ҳам кўрсатай, деб ўйладим.

Боғ хазонрезга юз тутган, жуда кўримли эди. Тепадаги япроқлар тилло рангида, пастга тушганлари қорайиб хира тортган, андак парокандалик, андак маъюслик, хуллас, томоша қиладиган бир ҳолда эди.

Шаҳарда мевали боғлар камроқ қолди. Шуниси сабабми, марказда яшайдиган ёр-биродарлар бизнинг маҳаллага ўтишса бас, дов-дарахтларимизни мақташга тушадилар. Мен, Яхшибоевнинг ҳам тузуккина ҳовлиси бор, деб эшитганман, лекин ўзим кўрганим йўқ. Инда-

www.ziyouz.com kutubxonasi

майроқ, боғ айланганини кўриб, ўзимча, бизники ёқмади-ёв, деб ўйладим. Кейин қарасам Яхшибоев ғамгин тортибди. Нуқул тепага, офтобда ёнаётган япроқларга тикилади, дарахтларнинг танасини силайди, силкитиб кўради, силкитганида япроқлар ерга дув-дув тўкилади...

— Яхши, — деди бир маҳал, менга юзини буриб. — Яхши, Саидқул.

— Баҳоли қудрат, — дедим мен. — Энди, сизчалик боғбон бўлмасак кераг-ов.

— Э, менинг боғбонлигимни сўраманг, Саидқул, — деди Яхшибоев. — Бизда боғ йўқ. Бир-икки туп акасимиз бор, қолгани — гулзор. Мен сизга айтсам, биргина армоним бор... мана бу ерда... — Яхшибоев чап кўксига бармоқ нуқиди. — Армонки, уйқу бермайди. Булдуруқда бир боғ қиламан, деб эдим. Ёшимиз бир жойга бориб қолди, лекин у боғ ҳали йўқ... Болаларнинг аҳволи бу — боғ нималигини билишмайди ҳам, Аввалбек ўғлимиз сураткашлик қилади, боғларнинг ҳам суратини чизади, лекин Дўрмондаги умумий боғимизни ҳисобга олмасак, бариси бегона боғлар. Билмаган одам, Яхшибоев яхши яшади, айтган ишини қилди, энди беармон кетаверса ҳам бўлади, деб ўйлайди.

— Э, беармон одам бўларканми, Назар ака, — дея таскин берган бўлдим. — Айтишларича, худоям Одам Атони тўкисроқ яратолмаганидан армонда экан.

— Мен худога ишонмайман, — деди Яхшибоев қовоғини уйиб, — мен сизга боғдан гапирдим, Саидқул, сиз буни динга буряпсиз.

— Мен ҳам боғни айтяпман, Назар ака.

Очиғи, Яхшибоевнинг нолиш қилаётгани менга ёқмади. Ёқмади, десам ҳам мавҳумроқ бўларкан, аниқроғи — нолиши рост эканига ишонмадим. Кейин хаёлим бошқа ёққа кетди, Назар Яхшибоевдай сернуфуз одам, мендек фақирнинг ёнига не хизмат билан келдийкин, деб ўйладим.

— Саидқул, — деди у бир пас ўтиб. — Хўп десангиз, битта маслаҳатли иш бор.

— Қўлимдан келармикан...

— Аввал хўп денг.

— Йўқ, аввал айтинг.

— Э, ука, сиздан дунё сўрармидим, — деб кулди Яхшибоев. — Боя айтган дардим-да. Агар хўп десангиз, сизни баҳорда Булдуруққа оборардим. Бир парча ерни чегириб олиб, кейин боғ қилардик. Ўзим экаман, лекин сиз маслаҳат бериб турасиз.

— Майли, — дедим осон қутулганимга қувониб. — Бажонидил, Назар ака. Яхши ишнинг эрта-кечи бўлмайди.

— Юпатманг, — деди Яхшибоев. — Энди кеч, Саидқул. Лекин кеч бўлсаям майли, ҳар нечук, юрагимнинг тафти босилади-ку!.. Иккита ўғлим бор, Саидқул, сўқимдай боқилган, шуларни обориб... бир терлатайлик!..

— Хўп, Назар ака. Қани, уйга кирайлик, бир пиёла чойимиз бор.

— Қандай бўларкин? Сизни огоҳ этмай келавердик, балким бирор ишга боғланиб турган пайтингиз бўлса... ижоднинг белига тепмаймизми?

— Тепмайсиз, Назар ака. Ижод ўзи қолмаган ҳисоби.

— Майли, кирамиз, лекин тезроқ рухсат берасиз.

Уйга ўтдик. Яхшибоевнинг ўғли бизнинг ўғиллар билан қолди. Отасининг истаги шу бўлди. Мен ҳам ортиқча қистаб ўтирмадим, балки Яхшибоевнинг хос гапи бўлса, ёшларнинг ёнида тилига тушов тушиб ўтирмасин, деб ўйладим.

Яхшибоев столдаги ноз-неъматлардан озгина татинган бўлди. Бир-икки пиёла иссиқ чой ичди. Машқи пастроқ эди. Кўнгли учун, бир ҳафта бурун чиққан очеркини эслатган бўлдим. Сездимки, лутфим унча ёқмади.

— Э, у очеркани ўзим ёзмаганман, — дея қўл силтади. — Шотирларим бор, йўлини айтиб турганман, қолганини ўзлари юмалоқ-ёстиқ қилишган. Ҳов бирда танитиб эдим-ку, Чоршанби ўғлимиз...

— Жумаев, — деб унинг гапини тузатган бўлдим. — Одилбек Жумаев.

— Барибир эмасми, Саидқул! — деди Яхшибоев. — Унақалар сон мингта. Аввал Чоршанби эди, энди — Жума... Лекин аслида улар... ҳаммаси — Чоршанби!.. Ҳаммаси — елим, гўё сен ҳўкизу улар — кана, ҳамма ёғингга ёпишиб олишади. Мен шогирдларимни унча хуш кўрмайман, Саидқул. Қайтага, сизнинг шогирдларингиз тузук, бариси чўрткесар йигитлар, хушомад нималигини билишмайди.

Яхшибоев шунчаки, йўлига гапирган бўлса бордир, лекин кейинги сўзлари, ўлай агар, менга хуш келди. Аввалроқ айтганимдай, уларни шогирд деб аташга ҳаддим сиғмайди, лекин, ҳар ҳолда, маслаҳат сўраб келишганида рост гапимни аяганим йўқ, озгина бўлса-да, нафим теккан, журналда ишлаган пайтларим бировнинг шеърини бостирганман, бировнинг — ҳикояси-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни, албатта, арзийдиган нарсасини бостирганман. Хуллас, ака-укачилигимиз яхши. Муҳими — улар мендан чўчишмайди, бор гапни очиқ айтишади, демакки, ўртамизда ёлғон йўқ, беҳуда такаббурлик йўқ, керилишу эшилишлар йўқ. Булар бари ою офтобдай ойдин гаплар, лекин шуларни Яхшибоевнинг ҳам ўйлагани мени бир оз таажжубга солди. Кейин ўзи имзолаган очеркдан воз кечгани ҳам ғалатироқ туюлди. Очерк жудаям унчалик ёмон эмасди. Ижикилаб айтадиган бўлсак, янги машиналар ҳақида, эски машиналарини ҳали-ҳанузгача мақтаб юрган мансабдор машинасозлару янгиларини ўтказолмай қийналаётган жабрдийда машинасозлар ҳақида эди. Қолаверса, очеркнинг тагида Яхшибоевнинг имзоси тургани ҳам фойдадан холи эмасди. Яхшибоев нафақат мавзу учун, балки газета учун ҳам тузуккина қалқон бўларди. Сабабки, Яхшибоевни ҳамма танийди; Яхшибоевни ҳамма катталар ҳурмат қилади, ажабмаски, очерк баҳона, бир жойда қотиб қолган иш секин олға силжиса, дори-пори деган нарсалар камроқ ишлатилса, бинобарин, пахтакорларга, боринги, бутун халққа нафи тегса. Мен Яхшибоевнинг илгарироқ икки-уч хайрли ишга аралашиб, нуфузининг зўри билан ютиб чиққанини билардим. Хусусан, ноҳақ қамалган бир аёлни оқлашга ёрдам берган эди. Кейин, Яхшибоевдек одамни шогирдлари ёзган мақолага қўл қўйишда айблаб ўтириш ҳам ножоиздай туюларди. Дейлик, мендан ҳам баъзида мақола ёки хабарчалар сўраб туришади. Вақтим йўқлигини айтиб баҳона қиламан. Лекин кўнишмайди, ҳатто ўзлари қоғозга тушириб, кейин имзога олиб келишади. Турган гапки, мен бунақа мақолага имзо чекмайман. Ноилож ўзим ёзиб бераман. Лекин бир-икки гал, дастлабки текстни олиб қолиб, ундаги тайёр фактлардан фойдаланган пайтларим бўлган. Умуман, газетчиларда «мақола уюштириш» деган гап борки, жўнроқ қаллобликнинг ўзгинаси. Лекин бунга ҳамма кўниккан. Агар шу кичкина қаллоблик бўлмаса, эҳтимолки, газета вақтида чиқмай қолади. Қолаверса, айни усул ёш журналистлар учун тузуккина мактаб вазифасини ўтайди. Мана, биз ўзимиз ҳам, ёшликда, ҳали ғўрроқ эканимизда, неча-неча тўқувчи, неча-неча тикувчи, неча-неча теримчию кончию палончию писмадончилар номидан мақолалар уюштирганмиз. Ёдимда бор, газетада ишлаган пайтимизда Мамарайим деган ҳамкасбимиз бўларди. Нуқул катта олимлар номидан ёзарди. Редакторимиз летучкаларда койиб қолса борми,

худо урарди, денг! Мамарайим сўз олиб, нуқул кўксига урарди: фалончи — менман, фисмадончи ҳам — ўзим! Шу кетишда, ўзи номларидан мақола уюштирган бир тўда олимларнинг рўйхатини келтирардики, нақ бир академия бўларди! Кейин айтардики, сиз, ўртоқ редактор, менинг тимсолимда бу муҳтарам инсонларни ҳақорат қиляпсиз!.. Ва доимо енгиб чиқарди — редактор бечора лом-мим деёлмай қоларди.

Яхшибоев чой устида шкафлардаги китобларга кўз ташлаб ўтирди. Шўрим қуриб, ўзимнинг ҳам китобларим жавонга терилган экан. Атай ўрнидан туриб, бириккитасини варақлаган бўлди, вазнини салмоқлаб кўрди, чет тилларда чиққанларига дуч келиб, хиёл ҳайратланди.

— Айтмайсиз-а, Саидқул, — дея таъна қилди. — Катта воқеа-ку бу?

Индамадим. Нимаям дердим, воқеами, йўқми — ҳар қалай, ўзга элда чоп этилгани рост, лекин бирор сўз айтсам, мақтанчоқликка ўхшаб кетади.

— Катта юбилейга қанча қолди? — деб сўради Яхшибоев, китобларни жойига қўйиб.

— Ҳали кўп. Шошмасак ҳам бўлаверади.

— Тўғри қиласиз. Юбилей дегани, мана, биздақа қари-қарталарнинг иши. Лекин, ёдингизда бўлсин, Саидқул, каттасини жуда зўр қилиб ўтказамиз. Умрдан қисмаса, ўзим раис бўламан.

— Раҳмат, Назар ака, ҳали арзийдиган иш қилмадик.

— Раҳматни кейин айтасиз. Ёки, Яхшибоев у кунларга етолмайди, ўлиб кетади, деб ўйлайсизми?

— Йўғ-э, нафасни иссиқроқ қилинг. Ҳали юз йил яшайсиз. Кўринишингиз зўр.

— Албатта зўр! — деди Яхшибоев мамнун бўлиб, сўнг курсида қаддини ростлаброқ ўтирди. — Аммо, тўғрисини айтсам, сиздек бир меҳнаткаш адибнинг қадрига етишмади, Саидқул. Менга қолса, тириклигингиздаёқ ҳайкал қўярдим сизга. Эҳ, билмайсиз-да!.. Ўлгудай камтарсиз. Сўзингиз ҳам камтар. Камтарлиги боис, сўзингизга одамлар ишонади. Яқинда бир бемаъни иш бўлди: мен фақирни китоб қилиб ёзишди. Биласиз, Собит деган чала академик бор.

— Собитовми? — деб сўрадим.

— Йўқ, Собит, — дея такрорлади Яхшибоев ўжарлик билан, — Ўша ёзди. Китобидан бир нусхасини олиб келди. «Портрет» дейиларкан. Жуда қалин китоб, нақ йигирма тобоқ келади! Лекин турган-битгани

www.ziyouz.com kutubxonasi

уйдирма, ёлғон-яшиқ гаплар. Мени нуқул мақтаган. Нима кераги бор бунинг, Саидқул? Мен унинг мақтовига зорманми? Шу гапларни ўзигаям айтдим. Бўлмайди, ҳой Собит ука, дедим, умуман, сенга ёзиш ярашмайди. Сен ўша ярим академик эканингдан қолма, мўмайгина пулни олиб ётаверганинг маъқул, дедим. Ёмон хафа бўлди. Билмадим, энди юз кўришмасак кераг-ов. Ростда, Саидқул. Нега келиб-келиб ўша мени ёзади? Заказ қилишган эмиш! Нега мендан сўрамай заказ қилишади? Шу билан яхши кўринамиз, деб ўйлашадими? Йўқ, хато қилишибди. Яхшибоев кимни яхши кўришини ўзи билади. Шу гапларни очиқ айтдим. Энди менинг номимни тилга ола кўрма, Собит, дедим, хушомадингга зор эмасман, менга қолса, сен ёзган қалин китобдан кўра, Саидқул Мардонга ўхшаган ростгўй ҳамкасабаларимнинг ёзадиган кичкина мақоласи минг бора афзалроқ, дедим!..

Яхшибоев гапиряпти-ю, мен эса ўзимча фикр қилиб ўтирибман: нима бало, акамиз мақтов истаб келганми? Ўша мухбир аъзо билан оралари жуда қалин эди. Мухбир-аъзо маънилироқ гап айтолмаса ҳам, лекин мақтовни роса келиштиради. Мақтови одамга хуш ёқади. Ўзимдан қиёски, бирор ўн йил олдин, у ҳали мухбир-аъзо бўлмай туриб, жўнгина профессор бўлиб юрган пайтида камина ҳақида ҳам икки оғиз лутф қилган эди. Лутфи менга ёққан, ҳатто ўзини кўчада учратиб раҳмат айтганман. Кўзимга жуда иссиқ кўринган, гўё ундан зукко одам йўқдай, биргина у мен фақирнинг шунча йиллик меҳнатимни тушунгандай.

Яхшибоев мухбир-аъзодан ростакамига норозидай кўринди. Норозилиги ҳам майли, лекин бошқа нарса — менинг ёзишимдан умидворлиги ёмон. Ҳамкасбларни мақтаб ёзган кезларим бўлган, аммо ўзимга ёққан асарларини мақтаганман. Ёзганда ҳам, фалончини мақтаяпман, деган ўйим бўлмаган. Жўнгина қилиб, ўзим ўйлаган нарсаларни ёзганман. Сал-пал хато қилган бўлишим мумкин. Ҳар ҳолда, кимки ким ҳақида ёзмасин, ўша одамнинг ўзига ўхшашини хоҳлайди, бошқача айтганда, ўз аршини билан ўлчайди.

Яхшибоевнинг сўзи ҳеч тугай демасди. Мавзу ўша-ўша — «чала академик»ни чандишу менга тан бериш. Эшитмай десам, афсуски, кар эмасман. Энг ёмони — аввал эриш туюлган сўзлар энди мойдай ёқиб боряпти. Қўй, Саидқул, гуноҳга ботма, деб ўйладиму меҳмоннинг гапини бўлдим:

— Жоним билан ёзардим-у, Назар ака, лекин ҳозир вақтим йўқроқ.

Гапим бемаъни эканини лаҳза ўтиб, Яхшибоев қовоқ уйганида сездим. Рост-да, ахир, бундан ҳам мантиқсизроқ баҳона бўладими? Сиз қайси бир ижодкордан «вақтим мўл» деган гапни эшитгансиз? Қалами чўлтоқлари ҳам, ўламан саттор — вақтим тиғиз, деб туришади. Ноз дейсизми, қадру қимматни шиширишдейсизми, қандай аташ ўзингизга ҳавола. Хато ўтганини сезиб, қизариб-бўзариб, чойи тугаган чойнакни беҳуда сирқитиб турганимда, Яхшибоевнинг бирдан авзойи ўзгарди, юзига кулги югурди, дўстона таънаю дашномларни қалаштириб ташлади:

— Тарбия кўрмагансиз-да, Саидқул! — деди у. — Ахир, мезбон ҳам шунақа бўладими! Хўп деб туринг, кейингисига худо пошшо. Ахир, Насриддиндан қолган гап бор-ку: муҳлат етгунча ё мен ўламан, ё — шаҳаншоҳ ўлади ва ё — эшак!..

— Ёлғон ваъда бергим келмади-да, Назар ака.

— Э, шунгаям ота гўрими? Касбингиз нелигини эсдан чиқардингизми, Саидқул? Ахир, бир умр ёлғон-яшиқни тўқиб-бичиб яшаяпмиз-ку!

— Йўғ-э, Назар ака, бундай деманг. Ўхшатиб ёзолмасак ҳам, ҳар тугул, ростини гапирамиз-ку?

— Сиз ўзингизни айтяпсиз, Саидқул, — деб кулди Яхшибоев. — Менда ҳаммаси аралаш. Ростиям бор, ёлғониям бор.

Шундай дедию кўзларимга тик қараб тураверди. Тўғриси, дош беролмадим. Ичимда унга ҳавас қилдим. Девдай бир одам, овози гулдуракдай, ўйлаганини шарт-шарт айтаверади. Чўчиш деган гап йўқ. Қизиғи шуки, ўзининг қусурларини ҳам яширмайди. Недир бир ишончи борки, айтган қусурлари ўзига юқавермайди. Унинг айни хислатини ўзимнинг бир яқин укамда ҳам кўраман. Унда ҳам шунақа шартакиликдан бор. Ҳеч кимни аямайди, мажлису машваратларда сўз олиб кимнидир дўппослаб қолади. Албатта, сўзларида ҳақиқат бўлади, ҳақиқати боис, одамлардан олқиш эшитади. Аммо гап ҳақиқат ёки ёлғонда, олқиш ёки қарғишда ҳам эмас. Мени ажаблантирадиган нарса шуки, шартаки укамиз айтган ҳақиқатни унинг бошқа бирор тенгдоши айтса эди, ҳамманинг энсаси қотарди. Буники эса, жуда кўримли, бинобарин, жуда кечиримли — гашга тегмайди. У ҳам, Яхшибоев ҳам шундай бир қавмданки, бетгачопарлик уларга бинойидай ярашади. Дарвоқе, уларнинг қиё-

www.ziyouz.com kutubxonasi

фаларида ҳам ўхшашлик бор: иккиси ҳам бақувват, иккиси ҳам қоратўри, иккиси ҳам бароқ қошли. Фарқи шуки, унисининг қошлари ҳали қоп-қора, бунисининг қошлари ўсиб-оқариб улгурган. Лекин биздек қарияларнинг ёдида борки, бир пайтлар Яхшибоев ҳам жуда қорақош йигит эди.

— Соддасиз, Саидқул, — дея гапини давом эттирди Яхшибоев, — наҳотки, сиз, туппа-тузук одам, мени шунча йўлдан икки оғиз мадҳия ёзишни сўраб келди, деб ўйласангиз? Мадҳия ёзишга бошқа киши қуриб кеттанми? Тағин хафа бўлманг-у, сиз бунақа ишларга ярамайсиз — услубингиз тўғри келмайди. Сизнинг услубингиз — босиқ услуб, мадҳиябоп эмас, завқу шавқдан бўғилишга, оғиздан кўпик сочишга имкон бермайди.

— Тушунолмай қолдим, Назар ака, бу нима қилганингиз — мақтаяпсизми ёки ерга уряпсизми?

— Мақтаяпман, Саидқул. Кейин айтмоқчиманки, сиз мени анча жўн тушунаркансиз. Тушунчангиз жўн эмас, йўқ, сиз хийла зукко одамсиз, лекин менинг ўзимни жўн деб ўйлаганингиз ёмон.

— Ҳали бу гапни айтмадим чоғи?

— Айтиш шарт эмас. Аммо мен шуни эшитгандай бўлдим. Одамзод бир куйки, талқини минг хил. Эҳтимол, мен талқинда янглишгандирман. Лекин ҳар кимнинг қўлидан келгани-да... «Муножот»ни ноғорада чалган одамларни ҳам кўрганмиз. Майли, ихтиёр сизда, ўйлангки, майли, мен бечора ноғорачи бўлай...

— Мақсад? — дедим, ортиқ сабрим чидамай. — Мен мақсадингизни билсам дейман.

— Мақсадим шуки, сиз мени мақтаб ёзмайсиз, — деб илжайди Яхшибоев.

— Ёзмоқчи ҳам эмасман, — дедим баттар асабийлашиб. — Хўш, кейин-чи?

— Мезбонсиз-а, Саидқул, — деди Яхшибоев. — Меҳмоннинг кўнглиниям ўйланг.

Жилмайишга, орани сал-пал юмшатишга уриндим, лекин иложини тополмадим — лаб-лунжим осилиб кетаверди. Ахийри, чойни баҳона қилиб ташқарига чиқдим. Янги чой дамлаб, панароқ жойга бекитилган бир шиша коньякни тўн тагидан қўлтиққа қисиб, анча босилиб, тиниқиб, юзимга кулги югуртириб, яна ичкарига қайтдим; бориб турган театр бўлди — ичимда ўзимдан ранжидим. Лекин менга муроса жуда-жуда зарур эди. Ҳали замон яна меҳмон келиши керак, кейин кечқурунга мўлжаллаб қўйган озгина ёзув-чизувим бор, асаб

бузилмаса, руҳ булғанмаса дейман. Йўқса, ёзганларимда зардоб кўпайиброқ кетади. Мен энди кексайиб қолдим, энди дунёни ёруғроқ тўкисроқ кўргим келади. Қаҳримни қўзғайдиган нарсалар бўлиши табиий бир ҳол, лекин ўшалар ҳақида ҳам кўнгилни равшан тутиб, умидга уфқни кенгроқ қолдириб гапиргим келади.

Суҳбатнинг давомидан маълум бўлдики, Яхшибоев қўрслигимдан кўпда ранжимабди. Э, парво қилманг, деган қабилда сўз қотди, мен ўзим ҳам асалу бол эмасман, юмшоқ супурги бўлишдан худо асрасин. Тўн тагидан ҳалиги шишани чиқарганимда, юзида хижолатга ўхшаш бир нима пайдо бўлди, кейин бир ютинди, атай ютинди, атай кафтларини бир-бирига ишқалаб, хушҳоллик билан сўзланди:

— Ёшимни аямайсизми, Саидқул?

— Ҳолга қараб оласиз, Назар ака.

— Одамни камситманг-да, бу гапдан кейин ичиб маст бўлиб қолишим ҳам мумкин.

— Сизни ҳеч маст бўлмайди деб айтишади.

— Ёлғон, Саидқул, ёшликда бўккан пайтларимиз кўп бўлган.

Шишани очиб, шкафдан кичкина қадаҳ олиб, озгинадан қуйдим. Яхшибоев ўзининг қадаҳини бўш турган пиёлага ағдарди:

— Хафа бўлмайсиз, Саидқул, менинг битта оладиган одатим бор, — деди-да, пиёлани олдимга сурди. — Сираоқ қилиб қуйинг энди.

Айтганидай, сираоқ қилиб қуйдим — ичимлик пиёланинг чизиғига етди. Яхшибоевга «бўладими?» дегандек қарадим, у эса, шўх кулиб:

— Қўлингиз қалтирамасин, — деди. — Дадилроқ қуйинг.

— Шопиёла опкелайми? — деб ҳазиллашдим.

— Йўғ-э, — деди. — Бир марта олганга яраша, тузукроқ қилиб олиш керак-да. Энди ўзингизгаям...

— Менга озроқ...

— Шундайми?.. Майли, ихтиёрингиз.

Қадаҳ билан пиёлани тўқиштирдик. Жаранги тузукроқ эшитилмади. Яхшибоев тағин кулди:

— Бизнинг пиёла айбдор, — деди. — Қорни тўқ одам қачон ашулани яхши айтган?

Шундай дедию пиёлани бир ҳимо билан бўшатди. Йўғон кекирдаги бор-йўғи бир марта қимирлаб қўйганини кўриб, ўзимча, урвоқ ҳам бўлмади-ёв, деб ўйладим. Ликобчадаги конфетдан арчиб, газагига тутдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Биз деҳқон одаммиз, Саидқул, — деди у. — Сиз у — аёллар билан кўп гаплашиб, оз танавул қилиб, кейин газагига қанд сўрадиган. Бизга мана... қази-қартаям бўлаверади.

Шишани яна қўлга олган эдим, у томчи ҳам қуйдирмади.

— Бўлди, Саидқул. Ҳали борадиган жойимиз кўп. Лекин, мен сизга айтсам... Одатда, озгина ичган одам шундай гап бошларди шекилли, нима дедингиз?

— Тўппа-тўғри. Айтаверинг, Назар ака.

— Мен сизга айтсам, Саидқул, бояги гапингиздан андак оғриндим. Сизнинг мақтовингизга зор эмасман. Мақтайдиганларим кўп. Собитни сўкдим-у, лекин аслида ўшанақалар ҳам керак. Турган гапки, унга қўйган тошимни сизга қўймайман. Айтмоқчи бўлган гапим асли шу эди. Лекин сиз сал ғайрироқ тушундингиз. Шунисидан оғриндим.

— Унда маъзур тутасиз, Назар ака.

— Эшилманг, Саидқул, ярашмайди, — деди Яхшибоев жиддий тортиб. — Бу гапларнинг барисини қўшиб-чатсангиз, ғоз патича ғози бўлмайди. Энди мақсадга ўтайлик... Бу ёғи умримиз оз қоляпти. Сиз сал ёшроқсиз, сизда озмунча умидворлик бўлса бордир. Мен ўзимдан қиёс қилиб гапиряпман. Қариган чоғида одам қўрқоқ бўлиб қоларкан, ҳарна, ўзинг билган одамларнинг бири ҳам ғанимат, дардингни айтсанг, чайқалган чоғинг суянсанг... Сиз билан шунча йил ёнма-ён юрдик, лекин дўст бўлолмадик. Мен дўстлик тилаб келмадим, Саидқул. Ўйлаб қарасам, не-не табаррук зотлар ўтиб кетибди. Умрлари қисқа экан, бўлмаса, ораларида биз қаторилари ҳам кўп эди. Улар кетдию энди бизга ўхшаганлар сафнинг олдирогига чиқиб қолдик. Бунга маънан ҳаққимиз борми, йўқми — ўзига аён. Маслаҳат шуки, бундан буёғига, беш кунлик умримизнинг борида, ҳар биримиз бир бутанинг тагида, айрию ғайри бўлиб юрмасак. Ўзаро бақамтироқ келсак, ёшларга бошу қош бўлсак. Бизлар — иззатда, улар — хизматда, аҳилу иноқ бўлиб яшасак... Нима дедингиз?

— Яхши ўйлабсиз, Назар ака.

— Маъқулми, ишқилиб?

— Номаъқул жойини кўрмаяпман.

— Балли, Саидқул — деди Яхшибоев хурсанд бўлиб. — Асли кўнглим сезувди, сиз билан тил топишса бўлади. Яна бир-икки биродарлар бор, улар ҳам қўшилса, кўпчилик бўлиб, ишимизда туб ўзгаришлар қилсак.

Лекин илтимосим шу билангина тугамайди. Яна бир тадорик бор. Агар кўнглингиз бўлса икковлашиб, би-ир юрт айлансак. Бу ерда димиқиб ётмасдан, очиқ ҳавога ҳам чиқинг.

— Майли, Назар ака. Озгина ишларим бор, шуларни битирай, кейин ихтиёрингизда бўламан.

— Энди бизга рухсат.

— Ўтиринг эди...

— Йўқ, сизни ишдан қолдирмай...

— Кечадан қолган иш бор эканми!

— Йўқ, Саидқул, бекорга овора бўласиз, барибир қолмайман. Лекин — бояги аҳдимиз қатъий. Бирга саёҳатга чиқамиз. Ажойиб одамлар билан таништираман. Кейин бу саёҳатдан ғаразим шуки, бизнинг юртга ўттанда бир парча ерни чегириб оламиз, шунга ўз қўлингиз билан тўрт-бешта кўчат ўтқазиб берасиз. Атай ирим билан келдим, ҳар қалай, боғ дегани табаррук нарса, ўзингиз бошлаб берасиз, чунки сизнинг қўлингиз тоза...

Яхшибоевнинг нимага шаъма қилаётганини кўпда тушунмадим. Лекин илтимосидан бошим кўкка етди. Умуман, қалам аҳлининг андак баландпарвозлиги, андак йиғлоқилиги бор. Боғ ҳақидаги гапини эшитиб, бирдан маъюсланиб қолдим. Етимлигим эсга тушди. Ўша пайтларда, уйсиз-жойсиз, бирор раҳнамосиз юрган кезларимда орзу қилардимки, токи менинг ҳам бир бошпанам бўлса, токи менинг ҳам оилам бўлса, болачақа кўрсам, боғ қилсам, гулзор қилсам!.. Ният холис экан, мана, озми-кўпми, ўша ўйларимнинг самарасини кўриб турибман. Назар ака етим ўсмаган, бағри бут одам, лекин шундай бўлса-да, негадир унга раҳмим келди. Сездимки, унинг ҳам кўнглида ёруғ мақсадлари кўп бўлган, у ҳам ў з и н и н г боғини ўйлаган, ўшани ўйлаб, умрини буткул ўтказиб юборишига бир баҳя қолганида, мана, бугун... сал кечроқ бўлса-да, дилга тугиб келибди, келиб мендан ёрдам сўраяпти. Хўш, нега гапини қайтаришим керак? Майли, унинг ҳам армони ушалсин, балки у ҳам дарахтлари гуллаб ҳосил қилганини кўрар, мевасига тиши тегар, ўзининг тиши тегмаса, ана, ўғиллари бор, невaралари бор, ўшаларнинг кўрмоғини ўйламоқ ҳам ўзи бир саодат эмасми!

Хуллас, аввал унчалик хушламай турган одам, бирдан ўзгардим-қолдим. Эски қадрдонлардай иссиқ хайрлашдик. Кета туриб, яна икки оғиз ширин сўз айтди. Жўяли айтди, тишга тегмайдиган қилиб айтди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Уйга қайтиб кирдим. Болалар бир зумда дастурхонни янгилашди. Яна укаларимизни кута бошладим. Лекин шом тушди ҳамки, улардан дарак бўлмади. Хай майли, ёшларнинг мендан бошқа ташвишлари ҳам кўп, бирор зарур ишлари чиқиб қолгандир-да, дея ўзимга юпанч бердим.

Яхшибоевга қўшилиб ичган бир қадаҳим таъсир қилди чоғи, кечаси алламаҳалгача ухлай олмадим. Умуман, сўнгги пайтларда қушуйқу бўлиб қолганман. Асли бунинг ҳам чораси бор: кундузи босиброқ ишласам бас, тунда таррақдай қотаман. Лекин бугун иш бўлмади ҳисоб, эрта туриб бир ярим саҳифа қораладим, кейин Яхшибоев келди, кейин боя айтганим биргина қадаҳ... хуллас, уйқу қочдию хаёлларим чувалашиб кетаверди.

Бир чеккаси Яхшибоевга ҳам бориб туташди. Ёшлигимни, Ўртақўрғондаги муаллимлар курсида ўқиганларимни эслаб кетдим. У пайтлар ёзувчиликни хаёл ҳам қилганим йўқ. Ёзувчилигимиз шу эдики, ёзги таътил кезларида қишлоқларга чиқиб, бахшию гўяндаларнинг айтганларини ёзиб келардик. Тўғриси, бу иш ўқув дастурига кирмасди. Шинавандароқ бир домламиз бўларди. Ўша киши кўнглимизга чўғ ташлаган. У ёғи Лутфий ҳам Саккокийдан тортиб, бу ёғи Жуманбулбулгача — жамийки достонларни ёд биларди. Мен ҳам шу муаллимга ҳавас қилиб, насиб этса албатта достоншунос бўламан, деб ўйлар эдим. Муаллимнинг маслаҳати билан шаҳар дорилфунуни қошидаги адабий тўгаракка қатнай бошладим. Тўгаракчиларнинг кўпи шеъру ғазал машқ қиларкан. Ўшалардан юқиб, мен ҳам шеър ёзишга тутиндим. Кўпроқ халқ оҳангларида ёзардим. Ёзганларим бир пулга қимматлигини ўзим ҳам сезиб турардим, бошқа, кўзга кўриниб қолган, ҳар ҳафта бўлмаса ҳам, ой оралатиб вилоят газеталарида ижодлари чиқиб турадиган тўгаракчилардан уялардим. Лекин уларнинг ҳаммаси одобли йигит-қизлар эди, бирор гал, ҳов Саидқул, ёзганларинг бўш-ку, деб юзимга солишмаган. Ортиқча лутф қилишганларини ҳам сезмасдим. Чамаси, улар мени тасодифан адашиб келган кимса, деб ўйлашар, шу сабаб, кўнглимни оғритмай, пайти келиб ўзим тушунишимуу ўз ихтиёрим билан кетишимни кутишар эдилар.

Тўгаракчилар орасида иккитагина носир бор эди — баланд бўйли, қорақош (ҳар қоши бошмалдоқдай келади), овози гулдуракдай, бошқаларга кўпда аралашмайдиган йигит билан унинг хушбичимгина, доимо озода кийиниб, бўйинбоғ тақиб юрадиган ошнаси. Иккови жуда ҳам қалин, ўтирганда ҳам, турганда ҳам бир-бирининг кўнглига қарайди. Икковлашиб қўшчилар артели ҳақида қисса ҳам ёзишган. Ёзганлари китоб бўлиб босмадан чиққан. Аввал айтганимдай, тўгаракчиларнинг кўпи шоирлар эди, нуқул шеър ўқишарди, иккала носир эса, бир чеккада жимгина қулоқ тутиб ўтиришарди. Бир-икки бор таклиф бўлганида ҳам, камтарлик қилиб, кичикроқ лавҳалар ўқиш билан чекланишган.

Бир куни, навбатим етиб, мен ҳам тўгаракда шеър ўқидим. Шеърим пилла қурти боқиб, шўролар юртини атласга белайман, дея ният қилган илғор хотин-қиз ҳақида эди. Қисиниб-қимтиниб ўқидим, кейин калтаклашларини кутдим. Йўқ, хайрият, калтаклашмади, мавзунинг долзарблигини айтишди, авторнинг ижтимоий келиб чиқиши ижобий эканига шаъма қилишди, хуллас, ўзим сезмаган ҳолда, кайфиятим ўнгланиб, гўё мукофот теккандай хурсанд бўлиб чиқдим. Кўчада ҳам анча вақт туриб қолдим. Тўгаракчилар қўлимни олиб табриклашар, шу суръатда я н а д а о л ғ а юришимни тилашар, ҳатто келажак ҳақида, жўнроқ бўлса-да, ром ўнглашар эдилар. Ниҳоят, ҳамма тарқаб, бир ўзим қолдим. Энди кўнка бекатига қараб юрган ҳам эдимки, ичкаридан икки ошна — носирлар чиқиб келишди. Хушбичим менга сиполик билан бош иргади, новчаю норғули эса, яқинроқ келиб, тирсагимдан тутди:

— Саидқулсиз-а? — деб сўради.

Саволи беписандроқ туюлди. Ғашим келди.

— Гап бундай, ука, — деди новча йигит, менинг кайфиятимга парво қилмай. — Боя ўқиган шеърингиз сариқ чақага арзимайди, қуруқ гаплар, нуқул олди-қочди. Ниятингиз тузукдай, лекин Шўролар юртини атласга белайман деган қаҳрамонингиз — ғирт ёлғончи, демакки, сиз ўзингиз ҳам ёлғончисиз. Эҳтимолки, сиз айтган саодатли онлар ҳам бир кун етиб келар, лекин унгача биз ҳали кўп тер тўкишимиз керак. Сиз масалага анча жўн қарайсиз экан.

Гапи оғир ботди. Тўгаракчиларнинг бояги мақтовларига жиндак инониб қолган эканман, ўшаларни яна такрор келтириб, шеъримга қалқон қилмоқчи бўлдим-у, дарҳол фикримдан қайтдим; ўзим ярим юпун бир тингловчи бўлсам, илигим пучроқ, ажабмаски, манави девқомат йигит бир туртиб, йўл четидаги ариққа икки буклаб тиқиб кетса. Хуллас, қўрқдим. Жимгина бош эгиб туравердим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шунда қаршимдаги йигит жилмайгандай бўлди.

— Сўкмайсизми? — деди. — Нега индамай турибсиз?

— Ҳаддим сиғмайди, ака.

— Саидқул, — деди йигит баттар юмшаб, — сиз етимхонада ўсгансиз-а, ука?

Индамадим. Жавобга ҳожат йўқ эди. Сабабки, тўтарак мажлисида етимлигиму етимхонада ўсганим айтилган эди.

— Кўрган-кечирганларингизни ёзсангиз бўлмайдими? — дея давом этди йигит. — Ёзсангиз бас, ўшанда ҳамма нарса акс этади. Оғир ўтмиш ҳам, нурли келажак ҳам — бари-бариси... Ўшанда тақдир қоғозга тушади, иним. Мендан маслаҳат — шеър ёзишни ташланг, ҳикоя ёки қисса ёзишга ўтинг. Сездимки, ёзганда халқ оҳангларидан фойдаланар экансиз, ана ўшани насрга кўчиринг, зўр чиқади.

Лом-мим деёлмадим. Унинг гапларида жон бор эди.

— Ҳафа бўлманг, Саидқул, — деб таскин берди у, гўё хаёлимни уққандай. — Ўйлаб кўринг, мен сизга тўғрисини айтдим. Энди бу ёғига таниш бўлайлик, биздан неки ёрдам керак бўлса, марҳамат, хизматингизга тайёрмиз. Ана, у ёқда яна бир ошнамиз бор, — йигит шундай деб, нарироқда кутиб турган хушбичим носирга ишора қилди. — У ҳам айни фикримга қўшилди, икковлашиб сизни шоир тўтаракчилардан тортиб олмоқчимиз.

Кўнглим ёришди. Мен таҳдид қилади, деб чўчиб турсам, булар менга дўстлик илкини чўзмоқда экан. Хурсанд бўлдим. Ўзимдан носир чиқарига гумоним мўл эди, лекин шундай эрса-да, тўлқинланиб, ихтиёрсиз ваъда бериб юборибман:

— Бўпти, ака, бир уриниб кўраман.

— Балли! — деди йигит, сўнг каттакон панжасини узатди: — Менинг отим — Назар, фамилиям — Яхшибоев. Асли Булдуруқ қишлоғидан бўламан. Булунғурга адаштириб юрманг, бошқа, бутунлай бошқа — Бул-дуруқ! Ошнамиз ҳам ўша жойдан. Унинг оти — Хорун, фамилияси...

Хурсандлигим сабаб бўлдими, шу жойда андак беадаблик қилиб, Яхшибоевнинг сўзини бўлдим:

— Бағдод халифаларидан эмасми?

— Йўғ-э, бунинг ижтимоий келиб чиқиши тузук, бир фақир бўёқчининг ўғли,— деди Яхшибоев кулимсираб. — Тўғри, фамилияси зўрроқ, кимсан — Калонов. Лекин пайровингиз дуруст, мен ўзим ҳам ҳазиллашиб, халифаи Хорун-ар-Рашид деб атайман.

Энди озгина чекиниш қилсам... Чекиниш қисқа бўлади. Негаки, Хорун билан дўстлигимиз жуда қисқа бўлди. Дўстлашиш у ёқда турсин, шунчаки яқинлашиб ҳам кетолмадик. Бу озода ва хушбичим йигит доимо банд бўларди. Дорилфununнинг барча ишларига аралашарди. Фаол эди, ҳамманинг ҳурматини қозонган эди. Бизнинг муаллимлар курсидаги домлаларнинг у билан қуюқ сўрашганларини кўриб, бу йигитни бутун шаҳар билса керак, деб ўйлардим. Ташвишга кўмилиб яшарди. Тўгаракка қатнашишни канда қилмаса-да, машғулот чоғларида чурқ этиб оғиз очмасди. Жиддий эди. Лекин жиддийлиги беписандликдан эмас, камтаринликдан эди. Ичмасди, чекмасди, ҳавойи йўлларга юрмасди. Ўшал кезларда яйпанлик бир заҳарроқ талаба ҳазил аралаш: «Хорун узоққа боради», дея башорат қилган эди. Ростдан ҳам, Хорун узоққа кетди. Дастлаб, у ҳали кичикроқ давраларда эканида, ўсиб-улғайишини кўриб-кузатиб бордик. Кейинроқ ҳам кўзимиз тушиб турарди, лекин энди у шундай бир юксакликда ва қамрови шу қадар кенг эдики, бу кенгликлар биздақа жўн одамларнинг шуурига сиғмасди. Ёшликдаги салом-алик боис, кейинроқ бир неча бор сўроқлатди, ҳузурига таклиф қилди, лекин мен боролмадим. Сабаби оддий — унга айтадиган гапим йўқ эди. Унинг ҳам шахсан менга аталган зарур гапи борлигига ишонмас эдим.

«Чекиниш»ни шу билан бас қилсам-да, Хорун билан Яхшибоевнинг оралари бир умр бузилмаганини айтиб ўтсам. Шундай бўлмоғига барча асослар бор эди, чунки улар бир қишлоқда ўсиб-улғайган эдилар, бунисининг асрори унисига беш қўлдай аён эди. Кейинчалик орттирилган дўстларнинг бири келиб, бири кетаверди, лекин булар икковининг ошна-оғайнигарчилигига путур етмади. Эҳтимолки, мен билмаган совишу илишлар ҳам бўлгандир, ораларидан гап ҳам қочгандир, лекин бунақа нарсаларни сиртларига чиқаришмаган. Уларнинг кейинги муносабатлари ва муносабатлардаги нисбату мувозанат менга унчалик ойдин эмас. Оз-моз билганларимни эса, кейинроқ, мавриди билан ҳикоя қиларман. Ҳозирча Ўртақўрғон даври билан кифояланган маъқул. Яна бир эскартма шуки, шу дақиқадан эътиборан, Хорун Калоновни исми-фамилияси билан атамайман. Уни

www.ziyouz.com kutubxonasi

шартли бир тарзда — ОШНО деб атасак тузук бўларкан. Қолаверса, бу ном унчалик шартли ҳам эмас. Билган одамларнинг ҳаммаси Хоруннинг Яхшибоевга яқин ошно эканига кафиллик бера олади. Қиссамиз кўпроқ Яхшибоевга тааллуқли бўлгани учун, Хорунни ОШНО деб олганимиз оддий мантиққа ҳам зид келмайди.

Энди, ўша ўтмиш кунга қайтадиган бўлсак, суҳбатимиз унча узоққа чўзилмади. Ошно билан Яхшибоев иккови дорилфунун ёнидаги жинкўчага бурилиб кетишди. Мен эса, нарига — кўнка тўхтайдиган бекатга қараб жўнадим.

Гарчи мухтасар бўлса-да, ўшал суҳбатнинг менга анча нафи тегди. Бир-икки ой ўйлаб юриб, Яхшибоевнинг танқидию маслаҳатини жўяли топдим. Худди у айтганидай, озми-кўпми бошимдан кечган савдоларни кичкина қисса қилиб ёздим. Сарлавҳаси «Эл ўғли» бўлди. Буни ҳам Яхшибоев топиб берганини айтмасам инсофдан эмас. Бирор йил ўтиб, ёзганларим китоб ҳолида қўлимга тегди. Ҳозиргача бир нусхасини жавонимда асрайман. Сарғайиб кетган, муқоваси тўзиган китобча. Аҳён-аҳёнда, ҳеч ким йўқлигида жавондан олиб, секин кўзларимга суртаман. Ҳар ҳолда, шу китобча туфайли йўлим очилди, каттароқ бўлмаса ҳам мундайроқ қаторга қўшилдим ва ҳоказо ва ҳоказоки, исботи — яхшию ёмон яшаб адо этаётган умрим, рўзғорим, бола-чақам, невараларим...

Айтаверсанг — гап кўп. Аммо қуруқ гап-гаштак билан ўшал замонни, ўшал замондаги Ўртақўрғон муҳитини тасвирлаб бўлмайди. Недир бошқа оҳанг керакдай. Оҳангки, ўтмиш йилларнинг нафасини берса.

Бунда изҳори дил ёки тазарру услуби қўл келмоғи қийинроқ. Эҳтимолки, дилим изҳорга озмунча ярар, лекин тавбаю тазарруга арзийдиган ҳунар кўрсатолганим йўқ. Албатта, булар — шунчаки ҳазил. Рости шуки, ланж сўзларни шу жойда тугатиб, бу ёғига бир-иккита чоғроқ манзаралар чизсак-да, асосий мақсад ва воқеаларга ёвуқроқ борсак...

Биринчи манзара

Булдуруқ қишлоғи Ўртақўрғоннинг ғарбида эди. Шаҳар вокзалидан аравага тушилса, бирор ўн соатда етса бўларди. Қишлоқнинг кунчиқару кунботари очиқ эди. Қолган икки тарафида эса пасту баланд тепалар қад кўтарган. Баландроқ тепалар яссироқ тоғларга туташиб кетади. Тепаларнинг тагидан уч-тўрт булоқ сизиб чиқарди, лекин суви қишлоқнинг ярмига ҳам етмасди ҳисоб. Этак томонлардаги хонадонлар қирқ қулочлик қудуқ қазиб, туя ёки йилқи тортиб оладиган қовғалардан сув ичишарди. Сув танқислиги боис, қишлоқнинг этак тарафида дарахт ёки гиёҳ зоти ёлчитиброқ ўсмасди. Янтоқ ўсарди, каррак ўсарди, шувоғу бурганларнинг йили келарди-ю, лекин мундоқ кўзни қувнатадиган зироат унмас эди.

Айтишларича, илгари Булдуруқ кўп обод қишлоқ бўлган экан. Дов-дарахти ҳам кўп бўларкан. Нақ ўртасидан дарё айқириб ўтаркан. Аммо кейинчалик бориб, дарё ўзани қишлоқдан нари қочибди...

Афсонада сал-пал жон бордай, негаки, Булдуруқдан йигирма чақирим шарқроқдан кичкина бир дарёча оқиб ўтади. Лекин бу дарёчанинг бир замонлар Булдуруқни обод этганини тасаввур этиш қийинроқ. Ўзанини қочирган бебош дарё ҳақидаги чўпчакни қишлоқ аҳли сув танқислигидан безган чоғларида шунчаки таскин учун ўйлаб чиқаришган бўлса ҳам ажабмас.

Қишлоқнинг номига келсак, яна ўша чўпчакка дуч келамиз. Гўё дарахт кўп экану қиш фаслида яланг тарафдан совуқ эсиб, булдуруқ босиб қоларкан. Булдуруқ аҳли эслашни ёқтирмайдиган яна бир изоҳ мавжудки, унда одамларнинг табиатига шаъмаю ишора бордай...

Назар Яхшибоев Булдуруқнинг пастроғида — чўпон кулбасида туғилган эди, Ошно — тепароқда, булоқ пойидаги боғли-роғли ҳовлида. Инқилобу шўролар шарофати билан, иккиси ҳам мактабга боришди, яхши одамларнинг қўлида ўқишди, аввал етти йилликни тугатишди, кейин, бахтлари чопиб — қишлоқ шўросининг раиси Ҳотамбой вилоят марказига бориб, жанжалу тўполон билан ўрта мактаб ва бешта нўғой муаллима ундириб келгач — ўнинчини ҳам тугатиб олишди. Ҳотам Шўро тараққиёт ва ислоҳот қули эди. Қадим жўраси, Галатепа колхозининг раиси Раимбой Ғайбаров билан гаров бойлашган эдики, яқин йигирма йил ичида Булдуруқ аҳли ўзбекчаю русчада бийрон гапиради, деб. Ўзининг русчадан мазаси йўқроқ эди, шаҳар тушганларида «твоя-моя» деб қийналарди, шу сабаб, гарчи эзгу орзусининг ҳали-бери амалга ошмаслигини кўнглида сезса-да, хамир учидан патир қилиб, «тўм мактаб»ни битирганлардан икки йигитни нақ Маскопга жўнатмоқчи эди. Бизнинг қишлоқ — зўр, деб мақтанарди у Раим-

www.ziyouz.com kutubxonasi

бой дўстига, бизнинг кадрлар Андижону Бухоро, Ўртақўрғону Самарқанд, ҳатто пойтахтимиз Тошканни ҳам эгаллайди, керак бўлса, биз ҳали Маскопни ҳам оламиз! Турган гапки, бу хил режалар галатепалик раиснинг хаёлига сиғмасди, ноиложликдан гапни ҳазилга бурарди: оббо, Ҳотамбой, сенинг шу ҳотамлигинг бўлса, оламни булдуруқ босаркан-да!..

«Тўм мактаб»ни битирганларни йиғиб қуръа ташлади. Ташлаган қуръаси Яхшибой чўпоннинг ўғли Назар билан Калонқул бўёқчининг ўғли Хорунга тушди. Йигитлар қўрқиб, минг тавалло қилишдики, йўқ, бормаймиз, раҳмингиз келсин, бормаймиз!.. Йигитчаларнинг оналари ҳам уввос тортиб йиғлашди. Лекин Ҳотам Шўро кўнмади, тараққиёт йўлида зўравонлик қилишга мажбурман, деб туриб олди.

Йигитлар шаҳарга жўнайдиган куни эрта тонгда, ҳали қуёш чиқмасидан, Ҳотам Шўро одамларни йиғиб, кичкина митинг ўтказди. Ўзи гапирмади, камтарлик қилиб, қишлоқ шўросининг котиби мулла Ғаффорга буюрди:

— Ўзинг гапир, Ғаффор, сенинг ақлинг бутунроқ.

Мулла Ғаффор ноз қилиб ўтирмади, дарров минбарга чиқди.

— Гапир, — деди Ҳотам Шўро унинг биқинига туртиб, — кўнглингда борини гапир!..

— Гапираман! — деб чинқирди мулла Ғаффор хезланиб, сўнг кўнглида борини тўкиб ташлади: — Ўртоқлар! Ана, орамизда безрайиб турибди у! Ана у, шўролар муаллими деган номга доғ туширган бетамизу қисталоқ Ҳожиев! — нотиқ шундай деб, оломон орасида турган ўқитувчи Ҳожиевни кўрсатди. — Бу қисталоқ бизнинг Низомбойни ҳар куни урармиш!..

Мажлис аҳли ҳайрон бўлди.

— Аҳмоқ! — деб қичқирди Ҳотам Шўро мулла Ғаффорга қараб. — Сенда сиёсий савод борми ўзи? Нега ҳаддингдан ошасан? Давр ўтди, энди қулоқ қилолмайди, деб ўйлайсанми?! Сен афъюнсан, эскилик саркитисан!

— Ахир... — мулла Ғаффор довдираб қолди. — Ахир... кўнглимда борини гапирдим-ку?!.

— Э, ўша кўнглингга... қўтир жомашов!.. — деди Ҳотам Шўро баттар фиғони чиқиб. — Э, сени ўқитган мадрасанинг қуббасига қўяй! Одамга ўхшаб гапир-да, номард! Ёт унсур экансан-ку! Ўнта қалдирғочимиз учирма бўлди, шўлардан иккитаси парвозга шай бўлиб турибди, шуни гапирмайсанми!.. Нима, энди шу Низомбойинг еган бир тарсакини оламга достон қиласанми? Ҳожиев муаллим ҳалиям инсоф қипти, мен бўлсам, кетига тепардим, нарёғи Галатепага бориб тушарди! Ҳожиев тўғри қипти, Низомбойинг бетамиз бола, Калонбойнинг икки қадоқ бўёғини ўғирлаган, ана, гувоҳиям бор!..

— Билмаган эканман, — дея ғудранди мулла Ғаффор сўнг ўзи мулзам қилган муаллимга юзланди. — Уринг уни, ўртоқ Ҳожиев, яна уринг, мендан рухсат!..

— Ҳожиевни тинч қўй! — деб буюрди Ҳотам Шўро. — Мен айтган гапларни гапир!..

Мулла Ғаффор унга мўлтираб қарарди, лекин Ҳотам Шўронинг юзида шафқат кўрмагач, ноилож, баланд овозда нутқини бошлади:

— Ўртоқлар! Мана, ўнта қалдирғочимиз учирма бўлди! Шулардан иккитаси узоқ шаҳарга парвоз этарга шай бўлиб турибди! Ишонаманки, улар юзимизни ерга қаратмайди, бири камида биргад, бири эса, камида менинг ўрнимга шўро котиби бўлиб қайтиб келади!..

Шундай дедию дами чиққан пуфакдай шалвираб қолди. Ортиқ айтарга сўз тополмади, минбардан тушди. Ҳотам Шўро бунисини кутмаган эди. Котибга еб қўйгудай ўқрайдию ўзи минбарга чиқди. Гўё икки навқирон йигит шу бугун борибоқ Ўртақўрғонни забт этадигандай, баланд руҳ билан нутқ сўзлади;

— Азиз улус! Ҳурматли халойиқ! — деди у. — Мулла Ғаффор алжираб қопти, унга ишонманглар! Мен бу икки қалдирғочни биргад ёки шўрога котиб бўлиш учун юбораётганим йўқ! Улар эришажак мартаба саводсиз мулланинг тушига ҳам кирмайди! Буларнинг ўсгани — бизнинг ўсганимиз! Оқ йўл, азаматлар! Келажак сари олға!

Йиғинга келган қари-қартанглар юзларига фотиҳа тортишди. Ҳотам Шўро худога ишонмасди, шу сабабли, беш қиррали юлдуз изи билиниб турган будённийча шапкасини чап қўлига олиб, ўнг қўлини Ўртақўрғон тарафга (келажак унинг назарида айни ўша ёқда эди) чўзиб кўрсатди. Мулла Ғаффор худога озмунча ишонарди-ю, лекин Ҳотам Шўродан қўрқарди. Эътиқоддан қўрқув устун келиб, у ҳам юзига фотиҳа тортмади, у ҳам Ўртақўрғон тарафга қўлини чўзган бўлди. Кейин Ҳотам Шўро ёғоч оёғини дўқиллатиб, чойқутилардан апил-тапил ясалган минбаридан тушиб, сафарга шайланган икки йигитни навбати билан қучоқлади, елкаларига қо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қиб, далда берди, лекин бу ҳам оз туюлди чоғи, тағин чўлоқланиб минбарга чиқди.

— Азиз улус! Ҳурматли халойиқ! — деди у овозини янада баландроқ кўтариб. — Бу икки ёш, узоқ манзиллар сари парвоз қилаётган бу икки қалдирғоч бизнинг Булдуруқ номини бутун юртга ёйса, не ажаб? Биз уларни узатаётган ушбу онлар аслида тарихий онлар бўлса не ажаб? Не ажабки, бизнинг қалдирғочларимиз кейин бориб сор бургутларга айланса, парвозлари янада юксакроқ бўлса?! Оқ йўл, азаматлар! Келажак сари яна бир марта олға!

Қишлоқ аҳли ёшларни яна бир бор дуо қилди. Ҳотам Шўро яна қўлини олдга чўзиб, Ўртақўрғон тарафни кўрсатди. Икки йигит эса, елкаларида нону намак солинган иккита тўрва, оналарию қариндош хотин-халажни сел йиғлатиб, Ҳотам Шўро кўрсатган ёққа шахдам қадам ташлаб кетдилар.

Тантанавор бир дақиқа эди. Буни айниқса Ҳотам Шўро кўпроқ ҳис этди. Икки навқирон йигит, заранг йўлдан, бошларини тик тутиб, кунчиқарга — қуёш томонга кетиб борар эди! Шуни кўриб, Ҳотам Шўронинг бўғзига йиғи тиқилди, кўзларига ёш қалқди, алам билан ўйладики, қанийди, мен ҳам навқирон бўлсам, қанийди икки оёғим ҳам бут бўлса, қанийди баданимда босмачи қолдирган дарра излари ўчиб битса, мен ҳам шуларга қўшилсаму узоқ шаҳарларга кетсам, дунёни кўрсам, дея армон қилди. Лекин армони ушалмасини ўзи ҳам сезиб турарди. Негаки, Булдуруқнинг бор ташвиши унинг бўйнида эди, колхоз раиси ярим йилдирки, эски яралари очилиб қон қусиб ётарди, колхознинг меҳнати кўп эди-ю, меҳнат куни оз эди, омочларнинг тишлари ейилиб битган, ҳўкизларнинг дармони кетган — хуллас, аҳвол шу қадар оғир эдики, ҳар қандай мард одам сингари, Ҳотам Шўро ҳам, шу ерда қолсам, шулар билан бирга бўлсам, зора биргалашиб ёруғ-ҳувноқ-саодатли онларга етсам ҳам чаккимас, дея ўзига таскин берди. Таскин баробар, кўзларига қалққан ёшларини дағал кафти билан сидириб ташладию этик қўнжига тиқилган қамчисини олиб, боши узра баланд кўтарди:

— Биргадлар қолсин, қолганларга жавоб! Далага боринглар!

Бригадирлар қолди, қолганлар секин-секин тарқаб кетишди. Ҳотам Шўро бригадирларнинг ҳориган юзларига бир зум қараб турди, уларнинг ҳам бояги икки бўз йигитга ўхшаб узоқ шаҳару яқин келажак сари

олға кетмаганларига ачинди, недир яхши гаплар айтмоқчи, юпанч бермоқчи бўлди-ю, лекин оғзидан бутунлай бошқа сўзлар чиқиб кетганини пайқамай қолди:

— Раисни касал деб ўйлаб, ҳамманг қутуриб кетдинг! Қўш ҳўкиз овора-ю, бир ботмон ер ҳайдамайсан! Хотиннинг бутига тиқилиб ётгунча, мундоқ далага қара, дала туғиб бермаса — хотининг туққани очидан ўлади-ку, номардлар! Норма қани? Нормани қаерингга тиқдинг, Норматбой? Сен-чи, энағар Эшмат, иштонбогдай эшилиб ётгунча, далага сал эртароқ чиқмайсанми? Ҳали ҳаммангнинг энангни кўрсатаман!..

Бригадирларни сўкарди-ю, икки кўзи йўлда эди. Офтоб терак бўйи кўтарилган, арава йўли ингичка тортиб, унда бораётган икки йигитнинг қораси ҳам тобора кичрайиб, узоқлашиб борар эди. Ҳотам Шўро асли шоиртабиатроқ одам эди, гапирганда ҳам уйқашроқ қилиб, баайни қўшиқни тугатиб, жўнроқ баёнга ўтган достончига ўхшаб гапирарди, ҳаттоки бригадирларни ҳам оҳангдор қилиб сўкарди. Йигитларнинг ёрқин келажак сари кетиш манзараси Ҳотам Шўронинг дилига маҳкам ўрнашиб қолди, бечора ҳаяжонга тушди, гўё босмачи олган оёғи қайта танига битгандай, айни ўша оёғи билан депсингиси келди, кейин унинг йўқлигини эслади, тиззасига уланган ёғоч парчасига ўқрайиб қараб: «э, эналариям!..» дея хитоб қилди. Ҳаяжони босилмади. Назарида, йигитлар жуда имиллаб кетаётгандай эди. Унга қолса, йигитлар то узоқдаги азим шаҳарга қадар югуриб кетишса, шаҳарга ҳам дадил кириб боришса, шаҳар аҳли уларни қувониб, чиройли шиорлар айтиб кутиб олса!..

Афсуски, йигитлар Ҳотам Шўронинг кўнглидан кечган гаплардан бехабар эдилар. Улар югуришга иштиёқ сезишмас, шунчаки ёшларига мос шахдам юриб боришарди, холос. Қишлоқдан чиқиб, бирор фарсаҳ йўл босилгач, офтоб қиздириб андак лоҳас қилди. Йигитлар четроқдаги тош устига нафас ростлагани ўтиришди. Бир-бирига қараб ночорроқ илжайишди. Иккисининг ҳам юрагида ваҳм бор эди, иккиси ҳам келажакдан чўчиб турарди. Бу ҳақда гап очишдан иккиси ҳам уялардди. Айни ҳолатда, улар иккови чўчиб-уялиб турган аснода, орқадан қирқ туяли карвон етиб келди. Карвон олдида бир отлиқ эркак; ундан орқароқда, икки ўркачли туянинг қўмида жиккаккина бир аёл; карвон етиб келиб, йигитлар ўтирган тош ёнида андак секинлади. Йигитлар ўрниларидан туриб, карвонбошига қуллуқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилдилар. Бири, Яхшибой чўпоннинг ўғли Назар, норғулу қорақош йигит, дадилгина гап қотди:

— Ўртақўрғонга довур опкетмайсизми, тоға?

Карвонбоши, бошига қийиқ танғиган серсоқол киши, уларга менсимайроқ қаради:

— Кимсанки, мен сенларни опкетсам?

— Ўқишга кетяпмиз, тоға.

— Бале! — деди карвонбоши. — Ўқиган — ўзади. Лекин ҳозир ўзадиган чоғларингни сезмадим. Қайдан бўласанлар? Галатепаданми?

— Галатепа икки ошув нарида, бизлар берироқдан, Булдуруқдан бўламиз, тоға.

— Топиб қўйган экан лекин. Мижозларингга мосда, а?

— Энди, бори-да, тоға. Жон тоға, шаҳаргача опкетинг.

Карвонбоши отини буриб, беш-олти туя қадар ортга қайтди, сўнг салт келаётган норига буюрди:

— Чўк, жонивор, чўк!..

Нортуя чўкди. Йигитлар апил-тапил қўмга қўндилар. Норғули олдинга, хипчароғи ортга ўтирди. Туя бир пишқириб, ўрнидан турди.

— Раҳмат, тоға. Пулимиз бор, бўйнимизда қолмайди.

— Раҳматни онангга айтасан. Онанг борми?

— Тоға дедим-а, тоға!!.

— Ҳа, энди, бир сўрадик-да, — деди карвонбоши. — Борми ўзи?

— Борликка бор-у, лекин эгасиям бор.

— Неча ёшда?

— Иккови баробар. Йўғ-э, отамиз бир ёш кичик.

— Чатоқ экан, — деди карвонбоши қовоғини солиб. — Майли, онангни отангга қайтадан инъом этдим. Борганда айтиб қўясан.

Хушбичим йигит пиқ этиб кулиб юборди.

— Кулма, — деб ўқрайди карвонбоши.

Хушбичим кулгисини йиғиштирди.

— Сениям отанг борми?

Хушбичим индамади.

— Буникиям бор, — дея жавоб қилди норғул йигит. — Буниям отаси онасидан бир ёш кичик.

— Чатоқ экан, — деди карвонбоши, сўнг илк бор тишининг оқини кўрсатди. — Майли, ўшаларга буюрсин. Битта шартим бор, пул-пул бераман деб бир хил жойларимни тумовратмайсан. Пулинг керакмас. Ўқиб,

амалдор бўлиб кетганингда карвон йўлини тўсмасанг, бас.

— Бўлди! — деб хитоб қилди норғул йигит. — Сизни томорқа солиғидан озод қилдим, тоға!

— Менда томорқа йўқ, — деди карвонбоши.

— Бўлмаса, ана, туяга солиқ тўламайсиз!

— Туя Норбўтанинг ихтиёрида, — деди карвонбоши. — Солиқ сол-чи, ўзингни қайда кўраркансан!..

— Бўлмаса нима қилайлик, тоға?

— Карвоннинг йўлини тўсмасанг бас, — деди карвонбоши жиддий туриб. — Қароқчиям карвоннинг йўлини тўсмаган.

— Йўғ-э, — деб кулди норғул йигит. — Тўсган, талаган эмасми?

— Тўсмаган, — деди карвонбоши. — Тўхтатган, холос. Кейин, оларини олиб бўлиб, яна карвонни ўтказиб юборган. Тушундингми?

Норғул тушунмади. Яна нимадир эътироз айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади, лекин хушбичим йигит унинг енгидан тортди, демоқчи бўлдики, бас қил, шу билан баробар бўлиб ўтирасанми.

— Карвон йўлини тўсма, — дея такрорлади карвонбоши. Шундай дедию отини буриб, карвон бошига қараб кетди.

— Отингиз нимайди, тоға? — деб қичқирди хушбичим йигит.

— Жонузоқ карвон бўламан.

— Қаерни маскан тутгансиз?

— Масканимни айтмайман, бориб хароб қиласан!

— Хизр эмасмисиз, ишқилиб?

— Хизр колхознинг ғалласини ташимайди, — деди карвонбоши. — Жонузоқ карвон бўламан. Бошпуртим йўқ. Боши очиқ арабман, ихтиёрим ўзимда. Туялар — Норбўтанинг ихтиёрида. Бўлдими?

Карвонбоши карвон бошига етди. Зум ўтиб, саф қўзғалди. Қўнғироқлар чалинди, туялар лўкиллади, юку йўловчилар чайқалди, Ўртақўрғон йўли қирқилгандан қирқилиб бораверди.

Карвон роса ўн соат деганда, Ўртақўрғон вокзалига етди. Жонузоқ вокзалга етганда ортга қайрилдию йигитлар минган туяни салт кўрди — улар карвон шаҳар сарҳадини кесган жойда тушиб қолган эдилар. Карвонбоши йигитларнинг индамай кетганига парво қилмади. У умри бино бўлиб, неча минглаб одамларни, ёшу қари, эркагу аёл, мусулмону тарсо... кўп ташиган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кимлар хайрлашиб кетдию кимлар хайр-маъзурни нася қилиб жўнаб қолди — буни ҳисоблаб ўтиришга, ҳисоблаш тугул, эслаб кўришга ҳам ҳафсаласи етмасди. Қолаверса, у йўловчилардан бирор тийин таъма ҳам қилмасди. Хуши келса, ҳаққига онангни берасан, деб ҳазиллашган бўларди, хуши келмаса — буям йўқ...

Жонузоқ араб ўзи Ўртақўрғонга элтиб қўйган йигитларнинг норғулроғи кимсан Яхшибоев, хушбичими кимсан Ошно эканини бир умр билмай ўтди. Карвонбоши йигитларнинг кейинчалик маълуму машҳур бўлиб кеттанини эшитса хурсанд бўлармиди, йўқми, деган савол туғилиши мумкин. Тайинлироқ гап айтиш қийин. Жонузоқ араб сал гуппироқ ва беписандроқ одам эди. Унинг назарида, бу ёруғ дунёда атиги иккитагина ҳурматга лойиқ одам бор эди: бири — галатепалик раис Раим Ғайбаров, иккинчиси — қамашилик раис Норбўта Шароф. Эски ошнолик боис, шу икки раиснинг колхозига хизмат қиларди, арпа-буғдойини Каттақўрғону Ўртақўрғонга ташиб, ҳаққига меҳнат куни оларди.

Эски замонларнинг удумларига учиб, вақтида учтўрт хотин олиб, эндиликда фарзандларнинг сонини бирор қирқ-элликтага етказган эди — ишламаса бўлмасди. Косону Қарши, Китобу Шаҳрисабз атрофига сочилган каттакон рўзғорини боқиш анча қийин кўчарди. Лекин у умидсизлик нелигини билмасди, серғайрату сермеҳнат эди, майдароқ одамлар туя сақлагани учун солиқ солиб кўнглини чўктирмоқчи бўлишганида ҳам парво қилмаган, яъники, ўша иккита ишонган ошнаси бўлган. Жонузоқ арабдан қолган ҳикмат — «Ой билан офтобнинг кўзи ўнг бўлса, юлдуз пишириб ермиди!» деган нақл айни ўшал замонда туғилган.

Ер юзи кенг-у, йўллари тиғиз. Пайти келиб, урушдан кейинги йилларда, Ошно бир шикоят юзасидан Галатепага боради, у ерда Раим Ғайбаров билан учрашадию уни озгина туҳмат-шалтоқдан аритиб олади. Иккиси ҳам шикоят билан овора бўлиб, идорада димиқиб ўтирганларида, Жонузоқ араб шундоқ кўчадан карвони билан ўтади. Лекин булар пайқамайди. Кейинчалик Раим Ғайбаров озгина муддат қамоқда ҳам ётади, ноҳақ ётади, ноҳақликни аниқлаб, уни муддатидан олдин озодликка чиқарган киши ҳам биз тилга олаётган Ошно эди. Раим Ғайбаров «сафар»дан қайтиб, аввалги нуфузидан айрилиб, бор-йўғи рўзғорига бошлиқ бўлиб ўтирганида, Жонузоқ араб ундан кўнгил сўраб келади. Иккови роса икки кун кўрпачада думалаб суҳбат қуради.

Ғайбаров Ошноҳи эслайди, барака топсин, ёрдам берди, деб айтади. Жонузоқ араб ҳам унга қўшилиб Ошнони дуо қилади, лекин дуо қилаётган одами билан ўшал бир замонлар ўзи Ўртақўрғонгача бепул элтган хушбичим йигит аслида бир киши эканини хаёлига ҳам келтирмайди. Хуллас, улар бир умр дуч келмайдилар. Мабодо, учрашсалар эди, балки Ошно ўзини Ўртақўрғонга — катта ишлар йўлига илк бор чиқариб қўйган савобталаб карвонбошини таниган бўлармиди...

Умуман, Ошнода меҳру оқибат масаласи ёмон эмасди. Кейинчалик у Раим Ғайбаровни ҳам сўроқлатади, лекин у сўроқлатган пайтда Раим оқсоқол оламдан ўтган эди. Ошно, ноилож, унинг зурёдларини суриштиради. Битта ўғли Тошкентда эканидан хабар топади. Кўнгилетар одамлардан дарак юбориб, ҳузурига таклиф этади. Лекин Раим Ғайбаровнинг тўнғичи Тошпўлат ўлгудай ўжар йигит эди — бормайди. Мартабаси кичикроқ Эломонов сўроқлатганда бормаган одам, энди ундан каттароғига бораманми, деб айтади. Бу гапда недир тескари мантиқ бор. Лекин айни гапни галатепалик мардум айтганини ўйлагудай бўлсанг, бояги телбатескари мантиқ бирданига тўғри туюла бошлаганини сезмай қоласан.

Тақдирларнинг узвийлигини ўйласанг, бас, юрагинг ортга тортиб кетади. Бу дунё, боя зикр этганимиздек, шу қадар кенг ва йўллари шу қадар тиғизки, айни ҳадсиз-у, тор хилқатни қамрашга ожизлик қиласан, шартта қаламни синдириб отинг келади. Кейин, сал туриб, уятни унутиб, қайтадан қўлга оласан, мақсадни чеклайсан, не-не тақдирларни бир ҳимо билан ҳисобдан чегириб ташлайсан-да, қўлдан келгани шу бўлса на илож, бир-икки одамнинг номаи аъмолини қораласам ҳам катта гап, дейсану яна қоғоз қоралашга тушасан. Аммо кўнгилнинг туб-тубида кенг ёзмоқ истаган қанотларинг аслида чўлтоқлигини пайқаб турганинг ёмон, сен тушган йўлнинг учию сен ахтарган манзилнинг шундоққина шарпаси сезилиб қолгани ёмон.

Яна ўша гап — сени иззат қилиб юрадиган ёшгина бир фозил йигитнинг ҳазиломуз ҳикмати ёдингга тушади:

«Э, ака, ихтиёр ўзимда бўлса эди, Кўҳиқофда дев бўлардим!..»

Яна ортга қайтасан, йигитлар салт нортуянинг қўмидан сакраб тушган жинкўчага кирасан, жинкўча бўйлаб уларнинг ортидан юрасан. Бу жинкўча қайга

www.ziyouz.com kutubxonasi

олиб чиқиши номаълумдай. Лекин йигитлар ҳам, сен ҳам биласанки, жинкўчалар охирида албатта бирор майдон ёки яланглик бўлади, жинкўчалар барибир катта кўчаларга олиб чиқиши тайин. Бунда ҳам недир бир рамз бордай. Негаки, бу шаҳарни мутлақо билмайдиган икки йигит зах ва қоронғу жинкўча охирига қараб боришяпти, кўнгилларида зиё кўрмоқ истаги бор, ҳадиклари бисёр-у, шумликлари йўқ, танлари недир саодат илинжи билан лиммо-лим. Уларга раҳминг келади, уларни ўзинг ўйлаган ёруғ манзилларга гард ҳам тегизмай, пок-омон етказишни хоҳлайсан.

Афсуски, бунинг ҳеч иложи йўқ. Йигитлар аслида бу жинкўчадан аллақачон ўтиб бўлишган, жинкўчанинг ўзи аллақачон ер юзидан суриб ташланган, унинг ўрнида ойнаванд деворлари ярақлаган уч қаватли магазин турибди, умуман, сен айни чоғда ортларидан юриб бораётган икки йигит аллақачон манзилга етишган, сен ўйлаган манзилга эмас, ў з л а р и н и н г манзилига етишган, хуллас, гишт деганимиз отам замонида қолипдан кўчган-у, лекин сен, болафеъл, хаёлпараст банда, ўзингни қодиру якто ҳисоблаб, бутун-бутун умрларни, тариқату йўриқларни, тақдирларни қайтадан тўқиб-бичмоқчи бўласан. Эҳтимолки, бу қўлингдан келар ҳам, лекин кўнгилчанлик қилиб, виждондан айри тушмоқ шартми? Унда айни ёзувларга не ҳожат? Ва бу ёзувларда Яхшибоев билан Ошно нима қилиб юрибди? Бошқа, уларга бор-йўғи ўсмирликлари билан ўхшайдиган содда-баёв йигитчаларни олиб, жинкўчага киритиб, ортларидан юриб, ўзинг ўйлаган ёруғ ва саодатли манзилларга ў ш а л а р н и элтсанг осонроқ эмасми?

Қўрқув не боисдан? Иштирок туфайлими? Иштирокни ўйлаб туриб, ўзингни ҳам андак фош этишдан чўчиётган бўлма?!.

Соддалик, бу дўстим. Ахир, қачон биз ўзимиздан ўзгани ёзганмиз? Яхшибоев ҳам, Ошно ҳам, бошқалар ҳам аслида бизнинг ўзгинамиз эмасми? Жилла қурса, уларнинг тақдирини ўзимизга аталган, лекин недир сабаблар билан бизни четлаб ўтган тақдир деб қарасакчи? Балки ўшанда кўнглимизда озгина раҳму шафқат уйғонар? Улар бизга сал яқинроқ келар? Уларни тугалроқ англаб етармиз, тақдирлари бизга недир сабоқ ўрнига ўтар?

Йўқ, афсуски, энди бизга сабоқларнинг ҳожати ҳам йўқ. Сабабки, умримиз поёнига етай деб қолди. Майли, бизга сабоқ бўлмасин, лекин дунё биз билан тугамайди,

ортимизда фарзандларимиз бор, суяги қотмаган укаларимиз бор, бу ёзувлар лоақал ўшаларнинг кунига яраб қолар?

Умид тарк этмагани қанчалар яхши!..

И к к и н ч и м а н з а р а

Чамаси, Яхшибоев билан Ошно етиб келган Ўртақўрғон шаҳрининг номи Каттақўрғондан кичик бўлгани билан эмас, балки юртнинг ўртасида, қадим карвон йўллари кесишган жойда барпо этилгани билан изоҳланади. Ўртақўрғон — кўп гавжум шаҳар, Каттақўрғондан уч-тўрт баробар катта. Қолаверса, Каттақўрғон бир лаҳжали шаҳар, Ўртақўрғон эса, неча асрлар ўтибдики, турфа миллату элатларни бағрига олиб, турфа тилларни эшитиб, ўзи ҳам ўшаларга мослашиб, қиёфаси ўзгариб, кўҳна Бобил янглиғ кўп лаҳжали шаҳарга айланган. Бир тарафда гумбазлару осмонўпар миноралар, бир тарафда тепасига хоч қўндирган черковлар, яна бир тарафда, гарчи чеккароқда ва анча камтарин бўлса-да, яҳудийлар саждагоҳи. Буларнинг деярли бариси бўш, айримлари борки, дўконларга омбор қилиб берилган. Янги замон, янгича руҳ, янгича ақидаларки, жами улус уларга риоя қилади.

Ўртақўрғоннинг марказида каттакон хиёбони бор. Хиёбоннинг бир томонида узунасига дорилфунун бинолари жойлашган. Дорилфунунни шаҳарнинг юраги деб бўлмаса ҳам, мияси деб атаса арзийди. Не-не фозил одамлар сабоқ беради, не-не умидвор ёшлар сабоқ олади.

Дорилфунун бинолари эски замондан қолган. Ўшал замонда Левича деган пахтачи бой ўтиб, шу биноларни қурдирган экан. Бинолар бирор йигирма йил ичида битибди. Левича кўп тадбиркор экан, ҳали иморатларнинг ҳавозалари тикланмай туриб, рўпарадаги яланглиққа ариқ келтирибди, дарахт экибди, қарабсизки, йигирма йил ўтиб, бинолар тикланиб, ҳавозалари олиб ташланганида, олд тарафда каттакон хиёбон шамолда шовуллаб турган эмиш.

Хиёбонни оврўпоча қилиб, «бульвар» дея аташибди. Лекин халқнинг тили келишмагани боис, «Левича бўлбор» бўлиб кетибди. Бунда бошқача синоат бўлиши ҳам мумкин. Ажабмаски, Левичадан жабр кўрган халойиқ аввал айни номни топиб, кетидан машҳур термани тўқиган бўлса:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Левича — кўлвор
Қурибди бўлбор.
Нақ мингта чинору
Битта кўли бор.

Термада тилга олинган кўл эндиликда йўқолиб кетган. Чинорлару жўкалар турибди. Левичадан қолган яна бир мерос — кейинчалик отаси барпо этган бино ёнида тахта будка қуриб, толиби илмларнинг пойабзалини ямаган Симхо этикдўз эди. Симхода отасининг сарғайиб кетган сурати бўларди. Гапи соз тушган одамларга ишониб кўрсатарди ҳам. Суратдаги одам жуда озғин, кўзлари киртайган, ғамгин — хуллас, абгору забун туюлардики, уни кўлвор илонга ўхшатиш адолатсизликдай... Симхонинг ўзи саволингизга изоҳ бериб:

— Йўқ, ако, у киши ростдан ҳам халқ душмони бўлгон, сиз кўргон суратнинг асрори шулким, инқилоб бўладигон вақтинда, яъниким, як ҳазору нуҳ саду ҳабдаҳум солида тушурилгон, — деб айтарди.

Симхонинг бошқача исми ҳам бор эди — Саъдулло. Лекин унинг ўзи иккинчи исмига эҳтиёж сезмасди.

— Отамизга керак бўлгон, —дер эди. — Лекигин бизга керак йўқ. Биз озод замонга яшагон.

Айтишларича, пахтачи бой Левича серҳашам бинолар қуриб, бинолар олдида шамолда шовуллаган хиёбон барпо этганидан кейин, халқнинг норозилиги баттар кучайган экан. Лекин Левича шошиб қолмабди, шартта мусулмонликни қабул этиб, Левича исмини Лутфиддинга ўзгартирибди. Симоби салла ўраб, ҳар жума намозида аҳли исломнинг олд қаторига ўтиб, имомнинг ўнг тарафида саждага бош қўяркан. Айтишларича, масжидга ҳам анча пул иона қилган экан. Кейин, Ўртақўрғоннинг жануб мавзесидаги масжид ёнидаги сўфи азон айтадиган мезанаю минорани ҳам ўша тиклатган экан. Хуллас, мусулмонликка ўтиб, кимсан Лутфиддин зовутчи деб ном чиқарибди. Савдоси кун сайин эмас, соат сайин авжига минибди. Лекин пайти келиб, инқилоб бўлибдию Лутфиддин зовутчининг ишлари чаппасига кетибди. Унинг кейинги тақдири не кечгани аниқ маълум эмас. Бировлар, афғонга қочган, деб айтади, яна бировнинг гапига қараганда, бир жабрдийда йўқсил инқилобнинг эртаси куниёқ дарвоза тақиллатиб, Лутфиддин бойни сўроқлабди. Бой катта бошини кичик қилиб чиққанида, ўйлаб ўтирмасдан, қўлидаги доскала билан шартта ўша бошни бутаб ташлаб-

ди. Бу тахминларнинг ҳар иккисига ҳам ишонса бўлади. Аммо Симхонинг ўзгача бир фарази бор эди. Симхо айтардики, Лутфиддин зовутчи қочмаган ҳам, ўлмаган ҳам, қайдадир бекиниб-биқиниб юрибди, ажабмаски, Китоб ёки Шаҳрисабздаги хешларига томон ўтиб кетган бўлса. Ахир, Ўртақўрғон билан Китоб ёки Шаҳрисабзнинг ораси унча узоқмас, Лутфиддин зовутчидай машҳур, ҳамма танийдиган одам, наҳотки, ўша ерда сездирмай яшаса, деган саволга эса, файласуфона сўлиш олиб, оғзидаги михларни чап лунжига ўтказиб, илжайиб жавоб берарди:

— Бир думалаш қилиб, баъдаз кабутарга эврилса не? Дасти узун унинг, ако. Як калом билан дегонда — халқ душмани... Мана, бизнинг якта иштон, якта чопон билан қолгонимиздан билмайсизму?..

Ростдан ҳам, Симхонинг ҳеч вақоси йўқ эди. Ҳеч вақоси йўқлигиданми, ўзини қушдай эркин ҳис қиларди.

— Халқ душмани бизга ота эмас, — дер эди у. — Бизнинг бобомиз — ана бу, отамиз — ана бу!..

Шундай деб, будка деворидаги кичкина зарҳал рамкага солинган икки доҳийнинг суратини кўрсатарди, кейин мамнунлик билан:

— Отамиз ҳам асли этикдўзлардан булгон, — деб қўшиб қўярди.

Симхо ўлгудай меҳнаткаш эди. Кейин у гаплашишни хуш кўрарди. Шу боис, бир ишни эртага қолдирмасди. Мижози билан ўтган-кетгандан гурунг қилиб ўтириб, пойабзалини айни гурунг асносида ямаб-тузатиб берарди. Сўнгроқ Лутфиддинов Саъдулло, яъники Симхо, Ўртақўрғон шўросига ҳам сайланди. Сал туриб, шаҳардаги барча сартарошу этикдўзларга бошлиқ бўлди. Айтишларича, бошлиқ бўлганида ҳам камтарлигича қолган экан. Ҳафтада бир марта дорилфунунга келиб, ўзининг эски будкасида ўтирган этикдўзни уйига юбориб, бир сиқим михни оғизга солиб, энг қадим ва кўнгилга яқин мижозларининг ишини қиларкан.

Дорилфунун биқинидаги эски будка ҳали-ҳанузгача сақланиб қолган. Биладиган одамлар ҳалигача «Симхонинг катаги» деб аташади. Хиёбон ҳам сақланиб қолган. Лутфиддин зовутчи узоқни кўзлаб, нуқул чинор билан жўка кўчатларини эккан экан. Нақ бир асрдирки, дарахтлар кўкка бўй чўзиб турибди. Бу ёқдаги умрларининг ҳам чеки йўқдай. Жўкалар қийғос гуллаган кезлари хиёбонни боларилларнинг овози тутиб кетади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қолган пайтларда — қарғаларнинг овози. Уруш йилларида майналар ҳам кўпайган эди. Симхонинг гувоҳлик беришича, бу шаддод қушларнинг қарғаларни хиёбондан қувиб юборишларига бир баҳя қолган экан. Лекин шаҳар янада кенгайиб, ичкарироқ маҳаллалар орасидаги ўтзор яланғликлар тугаб, қўй-қўзию сигир-бузоқлар камайиб кетгач, емишсиз қолган майналар теварақдаги қишлоқларга тарқалиб кетишибди. Энди ўша ёқдаги сигирларнинг устларига қўниб, ўша ёқдаги ҳашаротларни еб кун кўрармиш.

Майналар кетгач, хиёбондаги дарахтлар яна қарғаларнинг ўзларига қолди. Хиёбоннинг икки чеккаси каттакон йўл, машиналар кўп ўтади, лекин қушлар шовқинга ўрганиб қолишган. Парво қилишмайди. Кечқурун йиғилиб келишиб, бир-икки соат мажлис қуришади-да, кейин мириқиб ухлашади. Эрталаб яна қайларгадир учиб кетишади. Фаррошларнинг сўкинишу қарғанишларини кўринг. Миш-мишларга қараганда, бир куни фаррошлар исён кўтариб, қарғалар дастидан дод, деб, шаҳар бошлиғига боришибди. Шаҳар бошлиғи ноилож хиёбон ичкарисини тозалашга махсус машина ажратибди. Энди ўша машина йўлакларидан бир сидра ўтиб, тагидаги симсупургиси билан юмшатиб бераркану кейин фаррошлар юмшоқ супурги билан юриб ўтишаркан.

Айтилган гаплар — шунчаки лоф, албатта. Лекин айни лофларни Ўртақўрғонга, ёшлигимиз ўтган азиз масканга тааллуқли бўлгани учун атай келтирдим. Ошиқча эканини ўзим ҳам сезаман. Аммо ёзмасдан иложим йўқ. Дейдиларки, энг гаштли, энг зериктирмайдиган саёҳат не, деб сўрашганида, бир донишманд одам, энг гаштли ва энг зериктирмайдиган сайр — ёшликка сайр, деб жавоб берган экан. Менинг ҳам, сўзамоллик боис, ёшликка қилган сайрим андак чўзилармикан, деган умидим бор. У кунларни ҳикоя қилавериб асло чарчамасам керак... Шундай дейман-у, лекин юрагимда санчиқ сезаман. Хаёл — йилдирим. Йилдиримки, юз йил ортга қайтса ҳам заррача толиқмайди, аммо юрак қурғурнинг дош бериши қийинроқ. Қариганда одам ғалатироқ бўлиб қоларкан. Ҳуда-беҳудага кўнглинг бузилаверади. Бўлмаса, ўша воқеалардан бери неча ўн йиллар ўтиб кетди. Лекин бугун, оғил ёнида бойлоғлиқ турган сигир ёнига майна учиб келса бас, бирдан Симхо эсимга тушади. Сабаби — майналар ҳақида кўп гапиргани учун, унинг лақаби «майнавоз» бўлиб кетган эди. Симхонинг ортидан Левичанинг бульвари, дорилфунун муаллимлар тайёрлайдиган курслар, яхшию ёмон таниш-билишлар... бирин-кетин ёпирилиб келаверади. Хотиралар жуда кўп, барини туширай десам қоғоз етмайди. Куч-қувват ҳақида гапирмасак ҳам бўлаверади. Шу сабаб, хотираларимни салгина тинитсам, залвори борлари тагроққа чўкса, юзада қалқиб турган ғози йўқ гапларни тўкиб юборсам-да, энг маъқулларини олиб қолсам...

Йил ҳисобини юритиш, барча воқеаларни жадвалга тизиш ҳам шарт эмас. Дарвоқе: улар тартибга унча оғир кўчмайди, боиси — кутубхонамдаги қоғозларни титкилаб ўтирганимда ўша йилларга оид анча-мунча ёзувлар чиқиб қолди. Жўн гаплари жуда кўп. Ҳатто бир-икки қизга кўнгил қўйиб, бояқишларни вафодору бевафо атаб дийдиё қилган жойларим ҳам бор экан. Шуларни хотинимга ўқиб бердим, икковлашиб кулишган бўлдик. Аммо кейин сездимки, бекор қилибман. Ёшимиз бир жойга бориб қолибди ҳамки, ҳали бир-биримизни тузукроқ тушунмабмиз. Айтмоқчиманки, ўттиз-қирқ йил аввал берган кўнгилларим хотинга унча ўтиришмади. Гўё мен унинг мулкиман-у, кимдир ғаддор бу мулкка кўз олайтиргандай. Хуллас, тескари қараб, икки-уч кун тўрсайиб юрди. Қилган овқатида ҳам мазаматра йўқ. Кейин, гап нимада эканини англаб, секин қўлидан тутдим-да, хонадаги кўзгу ёнига олиб бордим. Иккимиз ҳам кўзгуга бемалол сиғдик. Хотин мендан бирор ўн ёш кичик, кўриниши ҳам шунга яраша, лекин ўзимизнинг бўларимиз бўлган, манглайдаги ажинлар нақ ариқ бўлиб кетган, бурун сўппайиб чиққан, лунжлар андак осилган, бўйин қилтириқ тортган... хуллас, кўзгудаги аксимга бармоқ нуқиб, э хотин, шу одамни ҳам қизғанса арзийдими, деб сўрадим. Хотин гапимни тушунди, секин кулди, кейин эркаланиб айтди:

— Ҳар кимники ўзига, Саидқул ака. Сизга ёқмаса, мана, менга ёқади...

— Шу туришда-я? Абдулла билан Эркиннинг китобидай титилиб кетибди-ку!?

— Титилса, муқоваси титилибди, ичидаги сақланиб қолгандир?..

Хуллас, хотини тушмагур лутф қилди. Умримда мақтов эшитиб, бунчалар маза қилмагандирман. Доимо хижолат чекиб турганман. Кейин кўнглимда шубҳа бўлган — ишонмаганман. Лекин бу гал паққос ишондим. Ҳар ҳолда, бу мақтов х о с мақтов эди, бунда ғараз

www.ziyouz.com kutubxonasi

йўқ, бир-биримизга маҳраммиз, таъмаю домангирлик бўлиши мумкин эмас. Шундай экан, ишонмай иложим қанча. Қайтага, кундаликка битилган ишқномаларни ўйлаб (уларнинг самимийлигига шубҳа йўқ), ёш йигитчадай уялиб кетдим. Хотиндан узр сўрадим. Аммо сездимки, узрим ҳам кўпда ўтиришмади. Хотиннинг кўнглида недир тугун қолди. Ўйлаб туриб фикр қилдимки, э Саидқул, тан кексайгани билан жон кексаймас экан-да. Ўзимни айбдорроқ сезганим баробарида меҳрим ҳам ошгандай бўлди, меҳр ошгани баробар ёшаргандай сездим ўзимни.

Кундаликдаги одамни уялтирадиган нарсалар биргина ишқномалар эмас. Бошқа гаплар ҳам кўп. Ўқиб туриб, ҳар ҳолда, иймоним бут бўлганига амин бўламан-у, лекин фикр тарзим жуда жўн, жуда тўпори бўлганига ғашим келади. Боиси саводнинг равонлиги ёки норавонлигида ҳам эмас, балки — умумий руҳда, ўша кезларда ўзимнинг ҳақлигимга рўй-рост ишонганимда. Гўё менинг фикрим — фикр, бошқалар шунчаки лайлак ҳайдаб юрибди.

Сағир болада ҳам шунақа беписандлик бўларкан-да!

Ўқиб кўриб англадимки, кундаликларим бир пулга арзимас экан. Фақат айрим тафсилотларигина қадрли. Улар ҳам мен ёзганим учун эмас, балки ўшал дамларни жўнроқ бўлса-да акс эттиргани учун қадрли. Дейлик, эллигинчи саҳифада (рақамлаб борганимни қаранг!) арзимас бир битик учради: «Кечқурун совуқ емадим, пальто дегани иссиқ бўларкан». Бир қарашда бемаъни гапдай, яъники, пальтонинг пиджакдан иссиқроқ экани исбот талаб қилмайди. Лекин айни бемаъни жумла туфайли мен бундан бирор қирқ йил олдинги қаҳратон қиш кечасини аниқ-таниқ эсладим. Пальто иссиқ бўлишини илк бор ўшанда кашф этганман, ўшангача эскироқ чопону эски гуппида юрганман. Пальтони шунчалар улуғлашимга, умуман, беўлчов шодлигимда яна бир сабаб шуки, бу ажойиб кийим илк китобимга теккан қалам ҳақига харид қилинган эди. Илк китобим эса, Назар Яхшибоевнинг далдасию ундови билан ёзилган эди.

Баҳонаю сабаб ришталарининг қанчалар чувалаиб бораётганини сезаётган чиқарсиз?..

Ўшанда шунчалар хурсанд эдимки, кечаси уйқуга ётганимда ҳам пальтони ечгим келмасди. Хотирани яна кавлайдиган бўлсак, эртаси куни, янги харидимни эгнимга илиб, энди бу ёғи ҳам ялтираса чаккимас, деб,

Симхонинг ёнига этик мойлатгани борганимни эслайман. У ерда Яхшибоевга дуч келдим. Яхшибоев мени кўрибоқ: «Пўрим бўп кетибсиз-ку, Саидқул, буюрсин, буюрсин!..» деб ҳазиллашган эди. Демак, кичик бир тафсилот боис, ҳазилнинг мусиқий оҳанги ҳам қайта тирилди ҳисоб. Гўё ўшанда ҳам, айни ёзувлар битилишини олдиндан пайқаб, кейинчаликка атай хомаки тайёрлагандай сезасан ўзингни. Лекин, айни лаҳзада нафи тегиб турса-да, кундаликларни бировга кўрсатиб бўлмайди. Ажабмаски, ёзувларим тугаши биланоқ ўчоққа ташлаб юборсам...

Кундаликлар орасидан беш-олтита сурат ҳам чиқди. Бирида — Симхо билан ўзим. Яна бирида — ўзим, Яхшибоев ва яна иккита бўлажак адиб. Уларнинг биттаси ҳали тирик. Шу сабаб, исмини атаб бўлмайди. Хомроқ бир асарини шўрим қуриб танқид қилганману андак аразлашиб қолганмиз. Бир гал кўчада учратиб, эски сурат топиб олдим, бирга тушган эканмиз, деб айтгим келди. Аммо айтолмадим; сурат баҳона, мен билан ярашишга майли бор экан, деб ўйлашидан чўчидим. Майлим борлиги рост, лекин борлигини у билмагани маъқул. Негаки, биз энди қайтадан ярашиб, қайтадан дўстлик ришталарини улайдиган ёшдан ўтиб кетдик. Атай ярашмоққа эҳтиёж йўқ, ажаб эмаски, яна йўлимиз туташ келса, дейлик, Яхшибоев мени излаб келганидай, у ҳам излаб-сўроқласа ёинки бирор савобталаб одам иккимизни келиштириб қўйса... Учинчи суратда — яна ўзим, яна ўша исмини атамаган ўртоғим, чеккароқда, ўнг тарафда, Ошно ҳам мулойим илжайиб турибди. Биринчи май сайлига чиқиб, минбарлар ёнидан ўтиб, сўнг Ўртақўрғоннинг эскироқ бир даҳасидаги пивохонага ўтган эдик. Озгинадан пиво ичганмиз. Йўқ, Ошно ўшанда ҳам ичмаган, шу боисдан ҳам биз суратда андак сўлғинмиз, Ошно эса — дуркун, гўё бизга раҳми келгандай, бизнинг енгилтаклигимизни ўйлаб куюнгандай, куюниб, тағин гуноҳимиздан ўтгандай... мулойим жилмайиб турибди. Ҳалиги ўртоғимизнинг исмини атамаслигимга яна бир сабаб шуки, у кейинчалик айни суратнинг ўзида сақланиб қолган яна бир нусхасини кўтариб, Ошнонинг қабулига чиққан экан. Ошно мени танигани-танимагани номаълум, лекин ўзини суратда танибди, ўртоғимизни ҳам танибди, сўнг унга далда бериб:

«Биз сизнинг авлодингизни эсдан чиқармаймиз, яхши биламиз, Фалончижон, — деб айтибди. — Сўраб

www.ziyouz.com kutubxonasi

келганингиз учун раҳмат. Хўш, биздан нима хизмат, буюринг...».

Дўстимиз ўзини тутиб туролмабди, ўпкаси тўлиб, йиғлаб юборибди:

«Хизмат йўқ, ота! — дебди кўзёшларини артиб. — Ёшлигимни соғиниб келдим, айбга санамайсиз... Энди бу ёғига ҳам фидокорона хизмат қилишга тайёрман».

«Сизга ишонамиз, Фалончижон, — дебди Ошно, сўнг дўстимизга графиндан бир стакан қайнатиб-совутилган сув қуйиб узатибди. — Айтинг, бола-чақа борми, уй-жойдан қийналмаяпсизми?»

«Бола-чақа бор, — дебди дўстим. — Уй-жой ҳам бор, лекин дала ҳовлимиз йўқ...»

Ошно ёрдамчисини чақириб айтибди:

«Фалончижонга фалон жойдан чорбоғ берилсин, — сўнг яна дўстимизга юзланибди. — Китоблар чиқиб турибдими?»

«Чиқиб турибди, — дея шодон хитоб қилибди дўстимиз, сўнг уйда дастхат битиб келган икки-учта семиз китобини инъом қилибди. — Чиқиб турибди-ю, лекин «сайланма»миз кечикиб кетди, режада — икки жилд, лекин бори беш жилдга бемалол етади».

Ошно тағин ёрдамчисини чақириб, тағин айтибди:

«Фалончижоннинг олти жилдлик асарлари чоп этилсин! — шундай деб, яна дўстимизга қарабди: — Машина борми, Фалончижон?»

«Бор, бор! — дебди дўстимиз. — Бор-у, сал кичикроғидан, рўзғор катта, сиғишмайроқ қоляпмиз».

Ошно эринмабди, яна-тағин ёрдамчисини чақирибди, яна-тағин буюрибди:

«Фалончижонга катта машинадан берилсин, шаҳар советига телефон қилинг, кўп чўзишмасин! — сўнг яна дўстимизга кулиб қарабди. — Яна нима хизматлар бор, Фалончижон?»

Дўстимиз ҳарчанд ўйлабди ҳамки, миясига бирор тузукроқ илтимос келмабди, ноилож, Ошнони олқабди:

«Тағин кўришгунча хайр. Мартабаю унвонингиз янада юксакроқ бўлсин!..»

Ошно дўстимизнинг гапларини тузукроқ англамабди чоғи, яна ваъда берибди:

«Майли, унвонни ҳам маслаҳатлашиб кўрармиз».

Дўстимиз Ошнонинг ёнидан хурсанд бўлиб чиқибди. Чиқибдию ҳафта ўтиб, унвонни ҳам олибди.

Албатта, бу гапларга андак латифа аралашган. Лекин латифа оҳангини олиб ташласа ҳам, олиб ташласа ҳам бирдай — воқеа шу тарзда кечгани аниқ. Хуллас, кундалигим орасидан чиққан сурат ўз вазифасини аллақачон ўтаб улгурган. Энди уни йиртиб ташласа ҳам бўлаверади.

Яна бошқа суратлар борки, уларда ёлғиз ўзимман. Турли пайтларда туширилган суратлар. Буларни асраб қўяман, зора, неваралар, чеваралар, эваралар, бизнинг мана шундай бобомиз ёки бобокалонимиз бўлган экан, дея эслаб юришса. Ҳеч кимнинг унутилиб кетгиси йўқ. Аслида, бутун умримиз айни соддагина истакка бўйсундирилганки, ҳамма одамлар, ҳатто энг каззоблар ҳам, мендан яхши от қолса, дея орзу қилади. Бизнинг ишимиз, яъники ёзувчилик меҳнати эса, шу орзунинг бўртганроқ бир кўриниши, холос. Тўғри, юртни ободроқ, одамларни тўкисроқ, фозилроқ, ҳалолроқ кўргимиз келади, деб айтишимиз — қисқаси, фаолият деган нарсага бирор ярашиғли маъно бериш унчалик қийин эмас. Лекин бу хил умумий гапларни ёзувчилардан бошқа одамлар ҳам ўйлайди-ку? Яна кавлайдиган бўлсак, мен худди шу гапларни учига чиққан муттаҳам кишилардан ҳам эшитган кезларим бўлган. Бундай жўяли ва тоза сўзлар улар учун ниқобдай бир нарса эди, ниқоб бўлганда ҳам — асло ечилмайдигани. Бориб, шартта юзидан сидириб ташлай олмаслигинг алам қилади!..

Йўқ, мен яна чалғиб кетдим. Чарчоқ мияга уряпти чоғи, ўйларим ҳам бадбинлашиб боряпти. Бошдан холис бўлишга аҳд қилдимми, энди собит туришим керак. Токи ўртага ёлғон қўшилмасин. Хотираларга бугунги ўйларим ҳам аралашмоғи табиий, лекин бугунги кундаги тажриба ва билимларим билан ўтмишда қолган воқеаларни, одамларни, айниқса, ўзимнинг ёшлигимни бўяб-бежаб кўрсатмоқ ярашмайди. Шундай хавф бордай. Бордирки, жўнроқ тафсилга юрагим бетламаяпти, нуқул аравани қуруқ олиб қочяпман.

Сезган бўлсангиз, Ўртақўргон тасвиридан Левича билан Симхога ўтиб кетдим; кейин навбат қарғаларга, майналарга, фаррошларга етди; орада бир-икки оғиз Яхшибоев билан Ошнони эслагандай бўлдиму тағин бир сакраб, бугунги кунга қайтиб келдим. Лекин бугунги кунда туриб баён этсам, воқеаларнинг қизиғи қолмайди, шунчаки бир шарҳ ўқийсиз, холос. Мен эса, асло шарҳ ёзмоқчи эмасман, балки ўзим билган, қисман қатнашган воқеаларимни қайта бошдан кечирмоқчиман. Иштирокчининг холис бўлиши қийинлигини энди сезяпман...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Учинчи манзара

Ўртақўрғонга келиб, таниш-билишсиз, тайинли бошпанасиз, сарсону саргардон бўлиб, ахийри эски мачит ёнидаги карвонсаройда қўним топдилар. Кундузи шаҳар кезиб, кечқурунлари қайтиб келишарди. Карвонсаройда кўрпа-тўшак йўқ ҳисоб-у, бит билан қандала мўл эди. Дўстлар ҳар тун баданларини қонагунча қашлаб чиқар эдилар.

Ўн кун ўтди ҳамки, тайинли бир қарорга келишолмади. Ўқийдиган жойлар кўп экан, қай бирини танлашни билмай бошлари қотарди. Ошно бечора бит зулмидан безор бўлди чоғи, ўн биринчи кун деганда, юр, Назар, қишлоққа кетамиз, пешонага ёзилгани бўлар, барибир очдан ўлмаймиз, янги замон — ҳур замон, қайтага, бу замонда чўпон билан бўёқчининг иши тинчроқ, деб, ота касбларини ташвиқот этишга тушди. Лекин Яхшибоев кўнмади, Ошнонинг бўшанглигидан кулди. Э жўражон, деб айтди, бит бўлса, бир кун тўкилиб битади, лекин ўқиганимиз қолади-ку? Яна бир ҳафтага етарли қоқ нонимиз бор, сабр қил, ажабмаски, бирор яхши одам қўллаб юборса.

Карвонсарой эгаси кўзларига бинойидай кўриниб, ўшанга маслаҳат солишди. У икки дўстнинг шикоятини жон қулоғи билан эшитди, ёрдам бераман, оғайниларим кўп, дея ваъда қилди, кейин қўлларига курак тутқазиб, сайисхонага бошлаб кирди: аввал бизга озроқ ёллашиб юборасизлар. Икки оғайни, ўзларида йўқ хурсанд, уч-тўрт кун карвонсаройдаги оту эшакларнинг тезагини куращди. Кейин яна саройбонга рўбарў бўлдилар. Саройбон уларнинг истакларини яна бир бошдан эшитди; бош қашлаб ўйланди: кейин, ўқиб нима қиласанлар, яхшиси новвойга шогирд тушинглар, ўзим гаплашиб бераман, нону кулча бепул бўлади, фақат кийим-бош ўзларингдан, деб маслаҳат берди. Ошно новвой бўлишга кўнди, лекин Яхшибоев унамади. Саройбонни бўралаб сўкди, кейин, лаш-лушларини йиғиб, Ошнони ортидан судраб, бошқа карвонсаройга жўнади. Бу ерда ҳам биту магазак мўл экан, лекин саройбони сал одамшавандароқ чиқди. Йигитларнинг ниятини эшитиб, нима, менинг сенларга атаган мадрасам борми, деб гапни қисқа қилди, пулларинг етганча ётиб юринглар, ўқийсанми, бошқа қиласанми, менга дахли йўқ, мана, ўқимасдан ҳам нонимни топиб юрибман.

Уйини соғинди чоғи, ўша тун Ошно йиғлаб чиқди. Кетайлик, Назар, деб ялинди, кетайлик, жўра, хўп деяқол, эртагаёқ вокзалга борамизу Жонузоқ тоғани топамиз, қишлоққача элтиб қўяди. Тоғангга онангни берасанми, деб жеркиди Яхшибоев, шусиз ҳам кира ҳақини нася қилиб қочдик. Хуллас, Яхшибоев дўстини қўлидан келгунча юпатди, лекин у юпанавермагач, жаҳли чиқиб, бир-икки шапалоқ урди. Ошно жимиб қолди. Қўрқди. Кейин яна йиғлай бошлади. Мусофир юртда бўлсак, сен деҳадош бўлатуриб, мени урсанг, деб нолинди. Яхшибоевнинг ўзининг ҳам кўнгли бузилиб турган эди, бир хаёли дўстига қўшилиб уввос тортиш бўлди, лекин ўзини тийди, овозини сал дўриллатиб, писта қил, деб буюрди, ўқийсан, ўқимасанг, ўзим шу ерда ерга топшириб кетаман!

Ошно ортиқ гап қотмади.

Эрталаб яна шаҳар кеза бошладилар. Шу кунгача улар Ўртақўрғоннинг эски маҳаллаларидан нарига ўтмаган эдилар, бу гал узоқроқ юриб, бутунлай бошқа жойлардан — икки-уч қаватли улуғвор бинолар олдидан чиқиб қолдилар. Бинолар олдидаги хиёбонда улар умрида кўрмаган баҳайбат чинорлару жўкалар шовиллаб турарди. Икковининг ҳам оғзи ланг очилиб қолди. Ошно чўчиди. Қайга кеп турибмиз, Назар, деб сўради, тағин бизни ҳайдаб юбормайдими? Назар индамади. Унинг кўнглидан ҳам худди шу ўй кечган эди. Ахийри, иккови қўрқа-писа, серҳашам бинога яқинроқ бориб, баҳайбат эшиклардан кириб-чиқаётган одамларга ҳавасу ҳайрат аралаш боқиб туришди. Кейин, кириб-чиқаётганлар орасида чориғу чопон кийганлар ҳам борлигини кўриб, сал дадиллашиб, эшикларга янада яқинроқ боришди. Қарашса, деворга бу ернинг дорилфунун экани ёзиб қўйилган экан. Яхшибоев Ошнони ичкарига тортди. Ошно тисарилди. Яхшибоев яна тортди, хуллас, ичкарига судраб олиб кирди.

Уч-тўрт кун ўтиб, улар имтиҳон топширдилар. Аввал Яхшибоев ичкари кирди. Имтиҳон қилувчи муаллимлар: «Қофия нима?» деб сўрашди. Яхшибоев ўзи билганича жавоб берди, яъни Булдуруқда эшитиб юрган «қофия»ларини қалаштириб ташлади:

Қофиянгга қоплаб урай,
Тандирингга тоблаб урай.
Чақ, дедим, чақмоқ, дедим...
. . . . . .

www.ziyouz.com kutubxonasi

Турган гапки, соддалик қилиб, у ёғини ҳам айтди, кейин муаллимларнинг юзига дадил боқиб, уятли терманинг мудом такрорланувчи қаторини айтди: «Бунисига нима берасан?..» Ёшроқ бир муаллим тушунмади. У Булдуруқдаги «қофия»лардан хабарсизроқ эди, шу боис, ғазаби қўзиб, қизариб-бўзариб, одобсиз йигитчани ҳайдаб чиқаришга чоғланиб турган ҳам эдики, ёнида ўтирган мўйсафид Яхшибоевнинг кимлигига қизиқиб қолди:

— Қаердансиз, мулла йигит?

— Булдуруқдан, — деди Яхшибоев.

— Мижозингиз иссиқдай-ку, — деб кулди мўйсафид.

— Бори шу, — деди Яхшибоев қовоғини солиб. — Булдуруқдан кўчиб кетолмаймиз, учириқ қилаверманг.

Мўйсафид тағин илжайди, бир зум ўйланиб турди, кейин Яхшибоевни имтиҳон қилган ёш муаллимга юзланди:

— Нима қиламиз, Солижон ўғлим?

— Бўладиган суроби йўқ экан, устод.

— Бўлмайди, деб айтиш жуда осон. Укамизнинг савияси ин қадар. Энди, мана шунақа укаларнинг савиясини сал-пал юксалтирмасак, сизу биз нега нон еб юрибмиз? Бу йигитга «уч» қўясиз, ўғлим.

— Бўлмайди, устод. Бу киши одобсиз экан.

— Бир гал гуноҳидан ўтинг, Солижон ўғлим. Майли, шу гал марҳамат қилинг, Булдуруқдан ҳам битта чиқсин!..

Яхшибоев уларнинг гапини унчалик тушунмади. Лекин яхшиликка эканини сезди.

— Нима чиқади, домулло? — деб сўради. — Муаллим бўламизми?

Ёшроқ муаллим, мана, кўрдингизми бу галварсни, дегандай, устозига зимдан бир қараб қўйди. Лекин мўйсафид аччиғланмади, тағин мулойим жилмайди:

— Сиздан ким чиқиши ўзингизга боғлиқ, мулла йигит. Ажабмаски, зўр одам бўлиб кетсангиз.

— Мен бир ўзим бўлмайман, домулло! — деди Яхшибоев, томдан тараша тушгандай.

— Бу гапингиз тузук, ука, — деди ёш муаллим ҳам юмшаб. — Халқ билан бирга бўлмоқчи эканингиз таҳсинга сазовор. Бу ёғига ҳам шундай некбин бўлинг. Майли, сизга қарз тариқасида «уч» қўямиз энди.

— Ошнамга-чи? — деб сўради Яхшибоев.

Муаллимлар ҳангу манг бўлиб қолдилар. Лекин Яхшибоев уларни ортиқча қийнаб ўтирмади, шарт югуриб

чиқиб, имтиҳон навбатини кутиб ўтирган Ошнони етаклаб келди.

— Буям Булдуруқдан, — деди. — Чиқадиган бўлса, мана, иккита чиқсин!

Муаллимларнинг ёшроғи тағин қизариб-бўзариб, лекин мўйсафиди бу гал ҳам кенглик қилди:

— Офарин! — дея хитоб этди у. — Ростдан ҳам олижаноб йигит экансиз, ука! Соддаликка келсак, буям фазилат, майли, бировлар кулса кулар, лекин сиз асло куюнманг!..

Яхшибоев ҳеч балони тушунмади. Эшитган сўзлари унинг луғатида йўқ эди. Билган ҳикмати шу эдики, қишлоқда Ҳотам Шўро тайинлаган гап: «Бир-биригдан ажралмайсан, биринг не бўлсанг, унинг ҳам шу... Аҳиллиноқ бўлиб юрмасанг, икковингнинг ҳам энангни кўрсатаман!..»

Мўйсафид муаллимнинг кўзи ўнг эди-ю, лекин ёши сал тихирлик қилиб олди. Ошнони ўтиргизиб, икки-уч савол берди. Ошно ҳам унчалик ёлчитмади. Лекин у «Гул ва Наврўз» достонини биларкан. Шундан бирор йигирма байтини баралла айтди. Ёш муаллим ийди, кейин Яхшибоевга зарда билан қаради-да, Ошнонинг қоғозига «тўрт» қўйиб юборди.

Имтиҳондан хурсанд бўлиб чиқиб, тўғри карвонсаройга боришди. У ерда халфана ош тайёр экан. Ошно пулга пишиқроқ эди, лекин хурсандчилик шарофатидан, липпасига туккан дунёсидан озгина чиқариб берди, Яхшибоев камини тўлдирди, хуллас, одамга ўхшаб, шаҳарга келганларидан бери биринчи бор ош еб, оғизлари ёғланиб, қўлга юққанини этикларининг қўнжларига суриб, дастурхондан турдилар. Кейин, чарчоқ билиниб, уйқу хумор қилиб, ҳавоси оғирроқ ҳужрада, мусофирлар узунасига қалашиб ётган жойга келиб, бир бурчакка чўзилдилар. Яхшибоев тезда ухлаб қолди. Ошнонинг уйқуси қочди. Жимгина ўйланиб ётаверди. Ахийри, кўнгли тўлиқди, хурракни ванг отаётган дўстини туртиб уйғотди. Яхшибоев бўралаб сўкинди, лекин кўзини очди.

— Назар, — деди Ошно овози титраб. — Сен мард йигитсан, ўлай агар, киройи жўра бўлса сендай хўроз бўлади, сен бўлмасанг, мени йўлда бўри еб кетарди!

— Емабди-ку, юрибсан-ку!.. — деб тўнғиллади Яхшибоев. — Ёт энди, уйқуни ҳаром қилма.

— Ҳаммаси — сен туфайли, — деди Ошно. Кўзларида нам кўринди. — Назар, мен муни унутмайман, жўра.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Э, қўй, дунё оберармидинг!.. — деди Яхшибоев. Энди унинг ҳам уйқуси учган, кўзларини катта очиб ётарди. — Ишқилиб, Ҳотам Шўронинг ёнига шарманда бўлиб қайтиб бормадик-ку, шуниси ҳисоб-да, ошна.

— Сен билмайсан, Назар, лекин мен биламан... Раҳмат, оғайни. Анави ёш домулло чатоғроқ экан, йиқитиб юборса нима қилардик? Лекин униси тузук...

— Раҳматингни ўшанга бориб айт. Афти мулла Ғаффорга ўхшар экан, сездингми?

— Қироати йўқ-ку?

— Қироат шарт эканми. Аммо-лекин жуда ўхшаркан. Ким билади, балки униям Низомбой деган ўғли бордир.

— Қўйсанг-чи, Назар, домулло қаёқдаю мулла Ғаффор қайда! Яхши одам экан, қўллаб юборди. Лекин мен... унутмайман, жўра!..

— Қўй шу гапингни... Ҳадеб айтаверасанми? — деди Яхшибоев ғаши келиб. — Урай десам, қишлоқдошлигинг бор.

— Мени урма, жўра. Биласан-ку, сенга ёмонлик тиламайман.

— Овора бўлмай қўяқол, — деди Яхшибоев беписанд кулиб. — Ёмонлик тилаганингда қўлингдан нима келарди!

— Йўқ, келади, — деди Ошно. — Сен билмайсан, одамзоднинг қўлидан ҳар бало келади. Лекин мен сенга ёмонлик тиламайман. Бундан бу ёғигаям... ҳеч ёмонлик қилмайман. Айт, қасам ичайми, айт?..

Яхшибоев чордона қуриб ўтирди. Ошнонинг феълига ғаши келди, мазахомуз илжайиб сўзлади:

— Майли, қани, бир онт ич, кўрайлик!..

Ошно онт ичди. Отасини, онасини, уйда қолган учта укасию иккита синглисини ўртага қўйиб онт ичди. Қиёматли ошно бўламан, ўз дардимни қўйиб, сенинг дардингни оламан, деб онт ичди. Яхшибоев яна бир зум қараб турди, сўнг бирдан феъли айниди:

— Эзмаланма, ёт энди! — деб жеркиди. — Лекин эслаб қўй, онт ичган — сен, мен сенга қасам бермадим!..

Ошно индамади. Унга Яхшибоевнинг ҳам онт ичиши шарт эмасдай туюлди. Шунча оқибат кўрсатган одам, энди бу ёғига панд берармиди, деб ўйлади. Аммо Яхшибоевнинг дилида ўзга ўй эди. Бу бир лапашанг бўлса, деб хаёл қиларди у, оғзига кесак қаласанг — увоғи турмайди, майли, бу гал бир амаллаб ўтиб кетдик, анави мулла Ғаффор домулло ёрдам қилди, лекин эртага нима бўлади, индинга-чи? Бу бир юрган дардисар-ку? Товонига қолмасам бўлгани эди. Э, шуни менга етовга берган Ҳотам Шўрониям!..

Яхшибоев қўрсроқ бир гап айтмоқчи бўлиб, Ошнога қарарди. Лекин у энди уйқуга кетган, масъум гўдаклардай илжайиб, ширин тушлар кўриб ётарди.

III БОБ

Бемор

Кеча бадантарбиячи аёл келган эди. Тим кўк шимда, оппоқ майкада, кўп ёқимтой, кўп хушбичим, келиб, қўлтиғидаги бўйрага ўхшаган аллambало гиламчасини ёзиб, думалаб, умбалоқ ошиб, ўтириб, туриб, белларини айлантириб, думбаларини диркиллатиб... машқ кўрсатди. Кейин айтдики, ўртоқ Яхшибоев, энди сиз ҳам туринг. Яхшибоев унинг қоматига қараб, ёшлик ғайрати андак жўшган, туришга иштиёқи уйғонган эди, лекин сал ноз қилди, инқиллаброқ жойидан қўзғалди. Энди манави наматчага ётинг, деб буюрди аёл. Яхшибоев наматчага чўзилди. Кейин машқ бошланди. Оёқларини беш-олти марта тиззадан буккан бўлиб, сўнг ялинди: қўйинг, қизим, кекса одамни овора қилманг, шармандаликнинг ўзи бу. Бадантарбиячи аёл кўнмади: бас, ўртоқ Яхшибоев, ўн кун шалпайиб ётганингиз етар, энди туриб машқ қиладиган бўласиз, ўшанда ҳар қандай касаллик ҳам минг чақирим нарига қочади. Э, йўқ, деди Яхшибоев, мен касал эмасман, шунчаки... ремонт... Соғ одамга машқ янада фойдалироқ, деди аёл.

Хуллас, умрида қилмаган ишини қилиб, бадантарбиячи раҳбарлигида, белларини қимирлатиб, тиззаларини букиб, ўтириб, туриб, бирор ўн дақиқа машқ бажарди. Аёл меҳрибонгина экан. Ҳаммомсочиқни олиб, Яхшибоевнинг терларини артди, сўнг ўрнига яхшилаб ётқизиб қўйди. Эртага яна келаман, дея ваъда берди.

У кетгач, Яхшибоев ўзича, не балоларга қолдим, деб хаёл сурмоқчи, кулмоқчи бўлди. Лекин машқ асносида ҳолдан тойган экан, куларга ҳоли келмади. Шу ётганича ухлаб қолди. Эмлашга келган ҳамширага ҳам эътибор бермади. Чим этган оғриқни сезар-сезмас, яна ухлаб қолди. Тушга яқин тиниқиб уйғонди. Шунда ҳам жойидан туришга эринди. Ширин-ширин ҳомиза торт-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Э, мана, ҳақиқат қайда, деб ўйлади, энди машқ қиларканмиз, турган-битгани роҳат!..

Эрталабки машқ сабаб, кечаги куннинг ўтгани ҳам сезилмади. Уни бардам кўрган оқсоч профессор ҳам ажабланган бўлди: яхшиликка, ўртоқ Яхшибоев, билсам, сал олдинроқ юборардим!.. Яхшибоев шаъмани тушунди, лекин тушунмаганга олди. Шу, профессор, деди, қолган умримизни роҳат-фароғатда ўтказмоқчимиз, тарбия қиладиган бадан бўлмасаям, бадантарбия фойдали бўларкан.

Тунда ҳам яхши ухлади. Босириқсиз, таҳликаю қайғудан холи, нуқул ёшлигини туш кўриб чиқди. Гўё оқ бедов миниб, қайгадир узоқ сафарга чиққан эмишу ортидан Ошно эргашиб, мениям олиб кет, жўра, деб ялинаётган эмиш... Одатда у кўрган тушларини ўша заҳотиёқ унутиб юборарди, лекин буниси уйғонган чоғида ҳам аниқ-таниқ эсида турарди. Оқ отни некликка йўйиб, Ошнони эслаб, кўнгли фахрга тўлди. Рост-да, деб ўйлади, ўша оқ тулпор минган ўғлон бўлмаса, Ошно қайга ҳам борарди!..

Атай совуқ сувда ювинди, соқолини қиртишлаб, яна совуқ сувга юзини чайди. Дадил тортди. Кеча шогирдлари келтирган тайёр қўлёзмаларга кўз югуртирди, ўзига ёқмаган жойларига савол аломатлари қўйди, сўнг биринчи бетига муҳаррирнинг номини битиб: «Ҳали хомроқ, билимдон укаларимиз яна бир марта жиддийроқ қараб чиқишса...» деб ёзди, имзо чекди.

Эшик очилиб, остонада патнис кўтарган қиз кўринди:

— Нонушта опкелувдим, домлажон.

— Йўқ, қизим, — деди Яхшибоев. — Мен ҳали оёқдан қолганим йўқ, эл қатори ошхонага бориб ейман.

Овқат ташийдиган қиз хиёл ажабланди, негаки, шу кунга қадар Яхшибоев палатага овқат келтиришларини талаб қиларди, бугун эса... Ҳар қалай, у эътироз билдирмади — бу муборак масканда беморларга эътироз билдириш расм эмасди.

— Майлин, домлажон... — дедию патнисини кўтариб чиқди.

Яхшибоев пўримгина кийиниб, юзига фаранги атирдан озгина пуркаб, палатадан чиқди. Ошхона йўлакнинг чап учида эди. Тамадди қилаётган бир-икки таниш бемор уни кўриб, беихтиёр ўринларидан туришди. Салом беришди.

— Баҳузур, баҳузур, — дея миннатдорлик билдирди Яхшибоев. — Ош бўлсин...

Таклифу мулозаматларни сезмаган бўлиб, атай нотаниш бир кампирнинг столига бориб ўтирди. Ҳарна, бунда гап-сўз камроқ бўлади, чалғимайсан, кўнгил ўзи тиниқиб турибди, ажабмаски, хонага қайтиб, бирор тузукроқ нарса ёзса...

Дастурхонга тортилган неъматлар сархил — бири биридан тотлироқ эди. Аммо Яхшибоев нафсини тийди; одам деган сал очроқ юргани маъқул, ўшанда иш унади. Қаршисида ўтириб майда кавшанаётган кампирга зўр иштаҳа тилаб, палатага қайтди. Стол ёнига ўтиб, қўлига қалам олди. Бир-икки жумла тизди-ю, ўзига ёқмади. Кеча кўргани келган бир муҳаррир газетасига мақола сўраган эди. Лекин мақола дегани бир кунлик нарса, тезда унут бўлади. Мақола ёзиш шарт эмас, балки, ўзлари ёзиб, кейин имзога келтиришар?.. Шуниси аниқроқ. Қолаверса, муҳаррир ҳам, ўзингиз ёзиб беринг, деб айтгани йўқ, бизгаям қатнашсангиз, оқсоқол, деди, битта зўр мақола уюштирсак... Демак, уюштирилади. Жон куйдириб ўтиришга арзимайди. Дарров унут бўлмайдиган нарсаларга қўл уриш керак. Дейлик, хотиралар. Хотира деганлари аслида ғийбатнинг бир тури, кимса йўққи, бировларнинг икир-чикирларига қизиқмаса. Ёзсам нима қипти, деб ўйлади Яхшибоев, ахир, кўпни кўрганман; не-не одамларнинг суҳбатларида бўлганман; не-не зотларни сўнгги йўлга узатиб қўйганман; кўпларининг қабрлари устида сўз айтганман, шулардан бирини олсам-чи? Дейлик, дўстим Шарифни, гўринг нурга тўлгур Шарифни? Йўқ, уни ёзиш қийинроқ. Кейин унинг қабри устида гапирганимни эслолмайман. Ҳа, тўғри, у пайтда мен узоқда эдим, Булдуруқда, колхознинг боғида, тузукроқ мондимаган дарахтлар тагида, сўрида, девзира ош устида. Қолаверса, гўринг нурга тўлгур Шарифдан тузукроқ латифа қолгани ҳам йўқ. Биттаси борки, урушдан сал аввал Германия ҳақида мақола ёзган, дарвоқе, унда Германия эмасди, Олмония эди, хуллас, дўстимиз мақолани ёзган, мақола газетда сонма-сон чиқа бошлаган, лекин шу орада ўртоқ Молотов билан анави аблаҳ Риббентроп деганлари учрашгану гўринг нурга тўлгур Шариф газет муҳарририга телефон қилган: шу мақолани тўхтатиб турсак тузук. Нега, деб ажабланган бечора муҳаррир, чиқаверсин-да? Йўқ, деган гўринг нурга тўлгур дўстимиз Шариф, сал тўхтатиб турайлик, айни пайтда чиқса, икки давлатнинг ўзаро муносабатларига салбий таъсир қилиши мумкин...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўша муҳаррир бечора (энди қайтиш қилиб кетди) шу гапни айтиб, думалаб-думалаб куларди. Ростдан ҳам, латифа анча тузуқдай, лекин, минг афсуски, у бор-йўғи газетчиларни кулдиришга ярайди, холос. Қайтага, марҳумнинг ўлимидан бир ҳафта бурун эмлагани келган ҳамшира қизга тегажоқлик қилганини ёзган дурустроқ. Ҳарна, недир ҳақиқат бор бунда. Лоақал, гўринг нурга тўлгур дўстимиз Шарифнинг табиатини ифода эта олади. Асли шуни батафсилроқ ёзса зўр чиқарди, лекин айни орзу жуда бемаъни, барибир босиб чиқаришмайди, негаки, хотира деганлари муқаддас нарса, ҳар ҳолда, шундай бир ақида бордай, умуман, гўринг нурга тўлгур дўстимиз Шариф унчалик ҳам ёмон йигит эмасди, қўрқоқлиги бор эдики, ботирлик билан аралаш; олим эдики, нуқул аёллардан шогирд танларди; боши очиқларини бирдан ишга оларди; боши боғлиқларини сал ўйлаб, мулоҳаза қилиб, аввал эрини кўриб, эрнинг кучини ёки мавқеини чўтлаб-чамалаб... Чўту чамада янглишмасди ҳисоб. Йўғ-э, бир гал янглишган. Дарвоқе, гўринг нурга тўлгур Шарифдан қолган ягона латифа аслида шу, боягиси ҳисобмас, лекин, боз минг афсуски, бунисини ҳам ёзиб бўлмайди. Айтишларича, ўшанда шогирд хотиннинг эри тўполон қилибди, аввалдан ажрашгиси бор экан чоғи, хотинни судга берибди, айблабдики, бу — хотинмас, бориб турган манжалақи, бошқа одам қуригандай... устози билан дон олишади! Ўшанда жанжал судга оширилди-ю, тузукроқ ажримсиз қолиб кетди, дўстимиз Шариф чаққонлик қилди, дўхтирларга кўриниб, «...ушбуни кўрсатувчи шахснинг аёлларга тоби йўқ», деган мазмунда қоғоз келтирди. Сўнг бирор ой касалхонага ётиб олди, кўргали борсак ҳам жойидан турмасди, нуқул беҳолликдан шикоят қиларди. Хайриятки, жанжал тез орада босди-босди бўлиб кетди. Шариф касалхонадан чиқди, тузалдим, дея дўстларга хабар етказди, лекин ўшандан сўнг, то ўлимига қадар, «ётса турмас» деган лақабдан қутулолмади.

Дўстимиз Шарифнинг беморлиги бизга тузуккина ҳангома эди. Уни кўргали бормаган одам қолмаган эди ҳисоб. Биргина хотини боргани йўқ. Қаттиқроқ аразлаган чоғи, ўлсин, керак бўлса ўзи келади, деб айтган экан. Турган гапки, дўстимиз Шариф уйига қайтиб борди, тазарру қилди. Хотини жуда раҳмдил эди, қолаверса, унинг ҳам андак олималиги бор эдики, бир вақтлар китобча ёзиб, оила — мисли қўрғон, бу қўрғон деворлари метин бўлсин, қўйди-чиқдиларнинг олдини

олайлик, дея қаттиқ ташвиқот қилган эди. Эҳтимолки, ўша сўзлари боис, гўринг нурга тўлгур дўстимиз Шарифдан ажралиб кетолмади. Ўша воқеалар сабаб бўлиб, дўстимиз Шарифнинг рафиқаси ҳам «етти ўлчаб, бир кес» деган ғалати ва узундан-узоқ лақаб олган эди.

Умуман, тирик жон борки, лақаби ўзи билан. Афсуски, мен ўзимнинг лақабимни билмайман. Бир маҳаллар «қорақош» деган лақаб қўйишувди, лекин унга магазиннинг елими суртилган эканми, ҳеч ёпишмади-ёпишмади. Сал-пал занчалишроқ бўлсам, балки айни сўздан оғринардим, аммо, минг қатла шукрки, қадди-бастимиз тузук, куч-қувватдан ҳам қисмаган, қолаверса, овозимиз ҳам гавдага яраша — хуллас, лақаб сира ёпишмади, кейинроқ, қош-пош дегани сал бароқланиб, бир чеккадан оқардию лақабкаш чиранмачоқларнинг бутун тоатибодатлари сариқ чақа бўлди. Аммо, сезаманки, недир ўзим билмаган лақабим бордай. Баъзида суҳбатдошларимнинг лаблари жийрилганига кўзим тушиб қолади, тек турганларида айниқса сезилади, лекин — у лақаб не, ким тўқиган?.. Балки буни билиш насиб этмас? Ахир, Ошно ўзининг лақаби Ошно эканини билмайдику? Шунақа нарсаларни билавериш жудаям шартми?..

Яхшибоев толиқди. Бугун ёзолмаслигини ҳам сезди. Бир хаёли телефонни тиззага олиш бўлди, лекин қўнғироқ қиладиган жой ҳам йўқ ҳисоби. Тўғри, бирортасига сим қоқиш мумкин, чўчитиш мумкин, лекин тинчгина ишлаб юрган бандаларнинг оромини бузиб нима қилади? Барибир латифа чиқмайди. Ўтган кунги латифадан ўтказиброқ яна бирор нарса тўқиши даргумон. Аммо ўша латифа ёмон чиқмади. Чошгоҳ пайти эди, шарт трубкани кўтардию айтди: «Болам, анави Чоршанби деганинг бўлмағур бола экан!» «Қайси Чоршанби?» деб сўради трубка. «Анави, очерка бўлимингда ишлайдиган бола-да...» «Э, Соибжон демайсизми, устоз?» «Барибир эмасми!..» «Шундайку-я, лекин у Чоршанби эмас-да... Нега бунчалар қаҳрингиз келди, устоз?» «Бўлмағур бола экан, менинг мақоламни ёмон ёзибди...» Трубка жим бўлиб қолди. Яхшибоев сездики, уни кафт билан тўсишди. Зум ўтиб, кафт кўтарилди, сунъийроқ йўтал овози эшитилди: «Узр, устоз, сал шамоллаб қолибман...» «Тезроқ тузалиб кет, болам, соғайиб чиқсам, уйга бир келасан, икков яхшилаб товуқхўрлик қиламиз». Яна йўтал овози эшитилди. Яхшибоев мамнун бўлди: «Майли, болам, сув-пув ичиб, кейин қўнғироқ қиларсан, лекин ўзингни эҳтиёт қил!..»

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шу, холос. Айни чоғда давраларда латифа кезиб юргани аниқ: «Ҳа, нима? Соибжон ёмон! Нега ёмон? Яхшибоевнинг мақоласини ёмон ёзибди!» Аслини олганда, ўша йигит унчалик ёмонмас, саводлигина, одоби жойида, мақоласи ҳам тузук, лекин латифага зориқиб турганингдан кейин... қийин-да! Латифа ким яхшию ким ёмон деб танлаб ўтирадими! Лекин Соибжон ростдан ҳам одобли йигит. Одоблики, ўзи ёзган мақоланинг ҳақини ҳам менинг номимга жўнатади. Энди пулини ўзига бериш керак, йўқса, кўнгли чўкади. Латифа унга озгина шуҳрат келтириши тайин, лекин бу болалар сал инжиқроқ, ҳазилнинг қадрига етмайди, тушунмайдики, мен ўлсам, номим қолса, тўқиган латифам қолса, табиийки, ўша латифага қўшилиб, унинг ҳам номи қолади. Шу маънода Чоршанби тузук, Чоршанби жуда пухта, у ўзидан латифа қолмаслигини яхши билади, шу боис, сарқит латифаларга қўшилишдан ҳазар қилмайди. Булар эса, ўлгудай димоғдор, бошлари булут ортида, кўзларини туман босганки, танасининг пастки қисми ялангоч эканини пайқамайди ҳам, яъники, иштонсиз... Сенга ким Яхшибоевнинг номидан мақола ёзгин, деб айтиб эди, чида энди! Ҳа, муҳарриринг буюрдими, муҳаррирингдан қўрқдингми? Ҳолинг шу экан, зардага не ҳожат? Ахир, муҳаррир ҳам одам, сен ундан чўчигандай, у бечора ҳам бировлардан, дейлик, Яхшибоевдан чўчийди, униям тушуниш керак. Хўш, ишни қилган карнайчи-ю, бу ёқда сурнайчи Яхшибоев балога қолсинми? Лоақал кулишга рухсат беринглар энди!.. Фақир Яхшибоев ҳам бир яйрасин! Ахир, сенлар учун и д е я муҳим эмасми? Ўша идеяни Яхшибоевнинг номидан сотганингдан кейин, энди номи бозорга чиққан банданинг ҳам нозу фироғига чидаш керак-да. Қараб турингларчи, ҳали фақир Яхшибоев латифанинг зўрларини тўқийди. Ҳар латифаларки, искандару доролар... чангаллаб қолади!

Яхшибоевнинг кайфияти анча ўнгланди, кўнгли озгина сайр тусади. Эгнига касалхонанинг янги момиқ халатини илиб (бу азиз масканда оҳорсиз кийим ўзи бўлмасди), аждар шакли туширилган ҳассасини олиб, олган баробарида уни совға қилган Равилбой деган шогирдини эслаб («асло бунга кунингиз қолмасин, устоз, лекин ҳашамга олиб юрсангиз тузук...»), хонадан чиқиб, лифтга миниб, ахийри кенг ҳовлига қадам қўйди.

Ҳаво очиқ эди. Тафти ҳам дурустгина, дарахтларнинг барглари бут, йўлаклар супуриб-сидирилган, сув

сепилган... Бино олдидаги чоғроқ гулзор атрофига қўйилган харракларда уч-тўрт бемор танларини офтобга тоблаб ўтирибди. Бири ўрнидан туриб, таъзим қилди. Яхшибоев уни дарров таниди — номи тушган фельетонни ушлаб қолувди. Ўша фельетон чиқса борми, бу бечора анча йироқ жойларга кетарди. Мана, яқинда юрибди, таъзим қиляпти. Сал-пал ўсган кўринади. Ҳар ҳолда, аввалги чоғи билан касал бўлса, бу жойларга тушолмаслиги аниқ эди.

Яхшибоевнинг кўнгли ғаш бўлди. Касалхонада танишлар бўлмагани маъқул, соғлиқдан шикоят қилаверіб, нақ жонингни олади.

Рўпарадан бир қучоқ гул кўтариб келаётган ҳамшира қиз унга битта атиргул узатди:

— Тезроқ соғайиб кетинг, домлажон!

— Раҳмат, қизим.

Чўчиб турди, ҳозир бирор китобдан гурунг бошлайди, деб ўйлади. Йўқ, хайрият, ҳамшира тезда нари кетди; у Яхшибоевни танимас эди, гулни ҳам шунчаки б е м о р г а узатган эди. Балли, отасига раҳмат, умуман, шу масканни ўйлаб топган одамларга минг бора қуллуқ, дардингга қулоқ тутишади, лаззатли таомлар беришади, ҳаттоки, бутунлай нотаниш бўй қизлар қўлларингга атиргул тутқазиб қўйишади. Яхши-да, ўртоқ Яхшибоев!..

Олмазорга етганида кимдир ортидан қувиб етди. Оҳиста қайрилиб, таъқибчининг халлослаб турганини кўрди.

— Телефонми? — деб сўради.

Уни қувиб етган кишининг ёши қирқларда эди, бичими қишлоқ тарафлардан, бечора сал довдираб қолди:

— Узр, домлажон... Безовта қилдим... Суратингизни кўриб юрардик, лекин дарров таниёлмабман... Мана, дийдорингиз насиб этди.

— Қаерлардан сўраймиз?

— Узоқдан, домлажон, жануб томонлардан. Аммолекин, баҳаво жойлар. Сиздек улуғ одамни кўрмоқ орзуимиз эди, мана, орзуимизга етдик...

Яхшибоев ичида ғижинди. Намунча културний бўлмаса, деб ўйлади, ўзи билмаган сўзларни айтади-я!.. Дарвоқе, бу сўзларни билади, лекин айтадиган мавриду жой топмаган, энди айтса бўлаверади, мени кўрди, менга айтса бўлади. Худойим, ёзиғим не эди!..

— Колхозда раис бўлсангиз кераг-а? — деди у эрмаклаб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Топдингиз! — деди мухлис шодланиб. — Икки йилча бўлди. Халқимиз ҳеч қўймади. Қўймагандан кейин... иложимиз қанча. Аммо-лекин, анча иш қилдик, қишлоққа сув келтирдик, иккита олижаноб молхона қурдик.

Яхшибоевнинг баттар ғаши келди, лекин қўрс гапиришдан ўзини тийди, атай ижикилаб сўради:

— Бу, дейман, олижаноб молхонадаги сигирларнинг зотлари ҳам олижанобми?

— Зотиям олижаноб! — дея хитоб қилди мухлис. — Қозоғистондан ўзим опкелдим. У тарафлар анча салқин экан, сал тобимиз қочди. Соғлиқни ўйлаб, бу тарафларга ташриф буюрдик.

Ол-а, деди Яхшибоев ичида, сен ўзинг кимсанки, ташриф буюрсанг! Йўқ, буниям айбситиб бўлмайди, телевизор-пелевизорга чиқадиган хотин шоирлардан ўрганган чиқар. У мухлисига қизиқсиниб қаради. Мухлис эса, парвойи палак, сўзини давом эттирди:

— Мана, бир кўрган — таниш, икки кўрган — билиш... Энди, биз тарафларга ҳам қадамингизни ранжида қилсангиз, домлажон. Аммо-лекин, жуда баҳаво жойлар, айниқса, баҳор фаслида зўр бўлади!

— Хўп, хўп, албатта қадамимизни ранжида қиламиз.

Раиснинг гаплари Яхшибоевга хуш ёқа бошлади. Уни гапиртириб қўйиб, ўзи секин қулоқ тутди, қулоқ тутгани баробар боғ тўрига қараб бораверди. Раис соддагина йигит экан, гаплари баландпарвоз-у, лекин тушунса бўлади: хотини бор; боласи — бешта; отаси тирик, онаси ўлган, чамаси, отаси уйлантирасан, деб гаранг қилади; колхози бадавлаттина, лекин бадавлатлиги у туфайли эмас, эски раис туфайли; раҳматли зўр одам эди, ўзиям емасди, ўзгагаям едирмасди; ордени йўқ эди-ю, лекин медаллари бир талай. Бировга бўйин эгмаган, бировларнинг бўйнини ҳам қайирмаган, бошқалар ҳаволаниб, ҳовлиқиб, қўша-қўша ҳовли қуриб, ҳар шаҳардан биттадан ўйнаш орттириб, пул жониворни чамадонлаб совурган пайтлари ҳам, у ўша ўттизинчи йиллардан қолган эски кителини елкасига илиб юраверган. Энди колхоз эгасиз қолди, янги раис бўлмиш мухлис ҳали ёш, тажрибаси йўқ, агрономликка ўқиб келиб, уч йилча ишлаган, холос. Бу ёғи қанд касалига чалинди; бемаъни касал экан, айтишларича, соппа-соғ одам ҳам ёмонроқ қўрқса, бас, чиппа ёпишиб оларкан; янги раиснинг қўрққани рост, бултур пахта плани уч-

ма-уч бўлди; битта-иккитаси, ана, қўшнилардан сотиб ол, пулини мукофотдан қоплаб юборасан, деб қутқу солди, лекин мухлис бу ишни қилолмади, қўрқди; бировни ота деб, бировни ака деб — хуллас, колхозчиларни алдаб-сулдаб, ўз кучлари билан, учинчи сорту тўртинчи сорт қилиб бўлса-да, бир амаллаб планни бир жойга етказишди, лекин ўшанда ёмон қўрққани боис, мана, қандга чалинди, биладиган одамлар шу касалхонани айтишди, сабабки, пора-мора сўрамас экан; ноилож, бу азим шаҳарга келиб, каттароқ одамларга ялиниб, ахийри йўлланма олди.

Раис дардини гапиргани сайин жўнлашиб, туппа-тузук одамга айланди-қолди.

— Касални тузатинг-у, бошқа бу ёқларга келманг, — дея маслаҳат берди Яхшибоев. — Ўрганиб қолсангиз ёмон бўлади.

— Э, ўзимиздаям шу ният, домлажон, — деди раис. — Тузалиб олай, қайтиб қорани кўрсатмаймиз. Лекин, бизники қуруқ манзират эмас, домлажон, чин кўнгилдан айтдик, адресни қолдирсак, бир меҳмон бўп борасиз.

— Насиб этса, — деди Яхшибоев. — Бу ерлардан эсон-омон чиқсак.

— Э, сизки шу гапни айтгандан кейин... — дея ранжиди раис. — Қаранг, домлажон, мендан зўрроқсиз, қирчиллама йигитсиз!..

— Гапи-да, укажон, — деди Яхшибоев сўлиш олиб. — Отингиз нимайди?

— Чорибой, — деди раис. — Фамилиямиз — Маматқулов.

— Энди, Чорибой ука Маматқулов, агар оламан деса, ёш-пошга қараб ўтирмайди. Бир гап бор-ку, қирчиллама қирқ ёшда қирчинидан қийилди?..

— Бу гап ўз йўлига, домлажон, — деди Маматқулов. — Лекин бизнинг уйдан бир пиёла чой ичиб келасиз. Бошқа нарса ваъда қилмайман, битта дўппи кийгизиб, битта тўн ёпаман, холос.

— Мен бўлсам, колхознинг ярмини елкамга кўтартириб юборасизми, деб ўйлабман! — дея ҳазиллашди Яхшибоев.

Раис қизаринди.

— Йўғ-э, домлажон, — деди. — Биз ҳали у даражага етганимиз йўқ. Кейин одамларимиз ҳам пухтагина, раҳматли раисимиз шунга ўргатиб кетган экан, сал нарсага Москвага югуради.

— Москвага югурмайдиган қилиш керак-да.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Раис Яхшибоевнинг гапларини тузукроқ тушунмади, бир муддат анграйиб турди.

— Айтмоқчиманки, барча муаммоларни биз ўзимиз ҳал қилишимиз керак, — дея изоҳ берди Яхшибоев. — Ахир, пойтахтдаги раҳбариятнинг биздан бошқа ташвишлари ҳам кўпдир? Адолат бўлмоғи керак, Чорибой ука. Ўша адолатни сизу биз ўрнатмасак, халқимиз албатта бошқа ёқдан — Тошкенту Москвадан ахтаради-да.

— Аммо-лекин қойилман, домлажон! — деди Маматқулов ҳаяжонланиб. — Шу гапларни бизнинг колхозда ҳам айтсангиз зўр бўларди. Одамларни бир пасда йиғнаймиз, радиоузелимиз бор, улар бир йиғналиб келсада, сиздек улуғ одамнинг гапларини ўз қулоғи билан эшитса. Шунинг ўзи бир йиллик планга етадиган ғайрат беради-да, аммо-лекин!..

— Бўпти, укажон!

— Сиз мени, телевизор-пелевизорда кўриб юргану энди келиб ёпишяпти, деб ўйламанг, домлажон. Газетдаям кўп ўқиймиз. Ўзимиз ўнта газетга обунамиз, хотиндаям тўрт-бештаси бор, бу ёғи болалар ҳам «Гулхан»у «Ғунча» ўқийдиган бўп қолган. Ана, қайси куниям битта мақолангиз чиқди. Пахта терайдиган мошиннинг зўрлари бор, лекин чиқмаяпти, деб ёзибсиз. Агар сиз ёзмасангиз, бизга ўхшаган нодонлар, э, бори шу экан-да, деб юрайдик-да? Энди бўлса, домлажон, ўша зўридан берасизлар, деб талаб қилаверамиз.

Яхшибоев, мақолани ўзим эмас, шогирдларим ёзган, деб айтмоқчи бўлди. Лекин ийманди. Ёнидаги соддабаёв йигитни ёзувчилигу газетчиликнинг ёқимсиз икир-чикирларини айтиб ранжитгиси келмади.

— Энди, сизга яна бир маслаҳат чиқиб қолди, Маматқулов укажон, — деди Яхшибоев. — Мен билан ўзингизнинг шевангизда гаплашсангиз. Бизлардаям андак бор, ўзимиз жўқчи бўлмасак ҳам, ҳар ҳолда, ҳамсояларимиз жўқчи бўлган. Булдуруқнинг гирд тевараги қўнғирот эди. Биргина биз барлос уруғидан. Албатта, уруғ деганимиз жуда эски, жуда шартли ва қолоқ тушунча, лекин айни атама қолган экан — бизда на илож?

— Энди, домлажон, бизлар жудаям ўтиб кетган жўқчимизки, уёқ-буёғи йўқ, — деди Маматқулов хижолат чекиб. — Гапирсам тушунмайсизми деб қўрқаман.

— Қўрқманг, — деди Яхшибоев. — Вақт топиб, бизнинг палатага ҳам киринг, гурунглашамиз. Палатамиз тўртинчи қаватда, йўлакнинг энг тўрида.

— Тўр тарафларга бизларни қўярмикан? — деди Маматқулов.

— Э ука, сиз қайси мамлакатдан келгансиз ўзи? — деб кулди Яхшибоев. — Албатта қўяди. Дежурний сестрага айтинг, Яхшибоев қариндошимни кўрмоқчиман, денг.

— Ҳаддимиз сиғмайди-да, домлажон.

— Дадилроқ бўлиш керак, Чорибой. Бунақада қаҳрамон бўлолмай қоласиз, ука.

Яхшибоев уни нега таклиф қилганини аввалига ўзи ҳам тушунмади. Кейин англадики, сал далда бергиси келган экан. Раис йигит дўлворгина кўринади, ажабмаски, ишлари юришиб кетса. Салгина қийналади, албатта. Биринчидан, бодиликни ташлаши керак, хусусан, анави ташриф буюришлару қадам ранжидаларни. Одам деган сал жўнроқ гапириши керак. Иккинчидан, уяту ийманиш масаласи. Бунда ибо билан бодилик чатишиб кетган экан ўзи. Бир ёқда ибо-ю, нариги ёқда маҳмаданалик қилиб турса, ҳеч кимга ёқмайди, баски, бир умр рўшнолик кўрмай ўтади.

Яхшибоев маслаҳатини кўчада эканида айтса ҳам бўларди-ю, лекин кўчада айтилган гап қулоқда турмайди, номига яраша — шунчаки кўчагап бўлиб қолаверади. Ва аксинча, суҳбатни хонага кўчирсангиз, унда жўнгина маслаҳат ҳам х о с гапга айланади, залвори ошади, агар бунга дўлвор раиснинг ихлосини ҳам зарб этсак, унда нархи тиллога тенг бўлди деяверинг! Қарабсизки, яна бир афсона тайёр. Бирор ўттиз йил ўтиб, дўлвор раис шуҳрат топадию сонминг одамнинг огзини ланг очдириб қўйиб ҳикоя қилади: ёш эдик, ғўр эдик, ишнинг кўзини билмас эдик, лекин тақдирнинг ўнглигини қарангки, бир куни иттифоқо кимсан Назар ота Яхшибоевнинг суҳбатига мушарраф бўлдик, у киши бизга айтдиларки...

Шуларни ўйларкан, Яхшибоев яйраб кетди. Майлида, деб хаёл қилди, у замонларда суякларимиз ерда чириб ётиши тайин гап, лекин одамзод кўзи очиқлигида таскин топгани ҳам ёмонмас-ку, ҳозирча, баҳарнав, тирик юрибмиз-ку!..

Маматқуловда шумлик йўқ, деб ўйлади, мисоли лойдай юмшоқ, пишитиб, истаган шаклга киритса бўлади. Хоҳланг — кўза, хоҳланг — хум, хоҳланг — чироқпоя. Во дариғки, кулолнинг ёши ўтиброқ қолди, меҳнатининг ҳузурини ёлчитиб кўролмайди.

Ахир, анави Тўпоридан кўра (у ўзи марҳамат кўрсатган кишилардан бирини эслади), манави дўлвор йи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гит дурустроқ эмасми? Тўпори аслида шум, пихини ёрган, туллакки, нарёғи йўқ, лекин атай ўзини содда тутади, тўпорилиги бизга ёқишини сезади, менга, Ошнога, айниқса — Ошнога!.. Бечора Ошно, ўзининг ориф эканини англамоқ унга қанчалар завқ беради! Ҳеч балони сезмайди, оёғи чалишмагани билан, барибир маст, ғирт маст, бошида нуқул болари ғўнғиллайди, димоғида нуқул бодом гулининг ҳиди, билмайдики, унинг ўзи андак ачиниб, андак мазахлаб турган Тўпори аслида жамики ориф одамларнинг устидан куляпти. Афсуски, бу гапларни энди айтиб бўлмайди, Ошно энди бу гапларни эшитмайди, агар эшитса борми, Ўртақўрғондаги ғариб карвонсарой ҳужрасида йиглаб туриб, отасию онасини, учта укасию иккита синглисини ўртага қўйиб ичган онтини унутиб юборади. Ўйлаки, унда Яхшибоев ҳам йўқ. Унда Яхшибоев йитади, унут бўлади!..

Бирдан вужудини қаҳр қамради. Лекин бу туйғуда куч йўқ эди, ожиз эди, ғариб эди, бенаво... Юраги ёмон бўлди. Маматқуловнинг билагига таяниб, чеккароқдаги харрак устига чўкди.

— Қарилик ёмон, Чорибой ука, — деди у ўксиниб. — Ёшликда ҳаяжон зўр, куч ундан ҳам зўрроқ, лекин қариганда ёлғизгина ҳаяжоннинг ўзи қоларкан. Ҳаяжоннинг бир ўзи ёмон нарса, ҳаяжонни ёлғизлатиб бўлмайди, Чорибой ука, юрак чидаш беролмайди.

— Дўхтир чақирайми, домлажон?

— Кераксмас, — деб бош чайқади Яхшибоев. — Малол келмаса, тўннинг киссасидан дори олиб берсангиз.

Маматқулов халат чўнтагидан дори олиб берди. Яхшибоев дорини шимиб, бошини сал орқага ташлади.

— Чўчиманг, — деди тепага қараганча, — ҳозир ўтиб кетади. Энди сиз борақолинг, Чорибой. Мен андак ёлғиз ўтирай.

— Қандай бўларкан, домлажон?

— Э, шунгаям ваҳимами, — деди Яхшибоев. — Ҳозир отдай бўп кетаман.

— Дўхтирларга айтай...

— Мени хафа қилмоқчимисиз? — деди Яхшибоев унга тик боқиб. — Боринг энди, ука. Эртага гаплашамиз.

Маматқулов недир эътироз қилмоқчи бўлди, лекин ботинмади, ноилож, бир-бир босиб нари кета бошлади. Яхшибоев сал тинчланди. Тузук йигит экан, деб ўйлади,

энди умр ўтиброқ қолди, бўлмаса, шунақа йигитларни сал қўллаб юборилса зиён қилмасди. Қўлимдан келадигани — биргина бориш. Адресини берса, борсам, катталарига кўриниш берсам, буниям икки-уч кун ёнимда олиб юрсам, тузукроқ ишларини икки оғиз мақтаган бўлсам... шунинг ўзи кифоя эмасми? Яхшибоевнинг назари тушгани ёмонми? Борсам, нақ қиёмат бўп кетар! Ҳа, кимсан Яхшибоев, ўртоқ Яхшибоев, Ошнонинг ошноси!.. Бу нодонлар аслида бу ошноликнинг нақадар омонат эканини тасаввур ҳам қилишмайди. Тасаввур қилишлари шарт ҳам эмас. Ахир, Ўртақўрғондаги ғариб карвонсаройда, қоронғи ҳужрада битта ем бўлиб, Булдуруқдаги кулбасини соғиниб, тиқ этган товушдан юраги минг бир ағдарилиб ётган бир йигитча бехосдан ичиб қўйган онтнинг кимга қизиғи бор? Муҳими — Яхшибоев; муҳими — дўлворгина раиснинг ўнгланмай турган тақдири; муҳими — созтупроғу кулол амакининг чайир қўллари!..

Яхшибоев яна тўлиқди. Бу ҳовлига, кенг боғу роғларга сиғмай бораётганини сезди. Лекин ҳаяжонини тезда босди. Ўпкангни бос, деди ўзига ўзи, чим этган оғриққа маҳтал бўлиб турибсанми, ўпкангни бос... Сал ўйлаброқ қувониш керак, ҳовлиқиш шарт эмас, негаки, ғанимлар орасида ҳам юрадиган бир ҳикматнинг ўзиёқ етиб-ортади: Назар Яхшибоевнинг назари тушгани яхши.

Иқрорки, бундан ўтказиб айтиш қийин. Демак, шукрона керак. Шукронаки, ўзгаларнинг, нафчил мухлисларнинг шукронаси билан қўшилиб, хирмон бўлиб, дарёдай мўл, денгиздай беҳудуд афсонага айланади. Унинг ёнига уч-тўртта арзийдиган латифа қўшилса, бас, яна ўша гап: искандару доролар... чангаллаб қолади!..

Яхшибоев ўтирган харрагидан турди. Қўлидаги аждарбош ҳассасини ерга қадаб, секин суянди, юрагига қулоқ тутди, лекин хавф сезмади. Қаддини ростлаб, ҳассани билагига солди ва орқага — касалхона биносига қараб шаҳдам юриб кетди. Кетаётиб, кимдир ўзини дарахт панасига олганини кўрди.

Кўз қирини ташлаб, Маматқулов эканини пайқади. Яхши йигит экан. Бечора зимдан пойлаб турибди. Агар бирор кори ҳол юз берса, ёрдамга келарди. Ҳа, майли, кори ҳол рўй бермагани ҳам тузук бўлди. Маматқуловнинг бохабар тургани ҳам тузук, хусусан, унинг ўзига тузук. Яхшибоев тағин ийди. Бораман, дея хаёлан ваъда қилди, фақат ҳозирмас, кейин, баҳор чиққанда, да-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рахтлар гулга кирганда бораман, биздан битта ширвозни аямассиз, ўртоқ раис?..

У янада илдам юра бошлади. Йўлда учраган танишу нотанишларнинг барчаси билан саломлашиб, ҳол сўрашиб, кенг-мўл бўлиб, ўзининг қаватига чиқди. Палата эшигида бадантарбиячи жувон кутиб турарди...

Чошгоҳда Робиға-Робия-Роби келди. Эгнида Оллоёр олиб берган янги плаш, қўлида егулик солинган тугун, келиб, уйдагилардан салом етказди. Улар келолмас экан, деди, хотинингиз сартарошга кетди, Аввалбек расм чизяпти, Оллоёр ишида, Сокина дугонасининг тўйида, ўғил тўй эмиш, шунга...

— Уйни овлоқ ташлаб келаверибсан-да, — деди Яхшибоев. — Ўғри тушса нима бўлади?

— Ўғри тушса пушаймон бўлади, — деди Робиға-Робия-Роби. — Икки келинингиз бор, қўлларига бир тушсин-чи!..

— Тилинг тузук, — деди Яхшибоев кулимсираб. — Хўш, нега келдинг?

— Пулга келдим.

— Уйдан олсанг бўлмайдими?

— Сиздан оламан.

Яхшибоев маза қилиб кулди. Робиға-Робия-Робининг шу одати зўр. Йигирма етти йилдирки, уни Яхшибоев ишга ёллаган, шунча йилдирки, маошини ҳам Яхшибоевнинг қўлидан олади. Гўёки бошқалар унга қалбаки пул берадигандай...

Аёлга зимдан разм солди. Бечора қаримсиқ бўлиб қолибди. Сал қорачароқ бўлса ҳам бир нави эди, лекин бу сариққа мойилроқ, мисоли ошқовоқ дейсан, ажинпажинлариям бўртиброқ кўринади. Илгари, энди ишга ёлланган пайтлари кўҳлигина эди, нари борса — ўттиз-ўттиз бешларда. Бир-икки гал Яхшибоевнинг кўнгли ҳам кетган. Ўшанда Муҳсина хоним театри билан гастролда юрарди.

Робиға-Робия-Робининг ягона бисоти — қомати. Қомати ҳеч бузилмаган. Сабаб — бола туғмагани. Эриям йўқ, мустақил рўзгориям йўқ, умр деганинг эса... ўтиб кетяпти.

Яхшибоевнинг аёлга раҳми келди.

— Биби Робия, — деди. У Робиға-Робия-Робини шундай атарди, — сўққабош ўтиб кетяпсан. Эр-пер тутсанг бўлмайдими?

— Бўлмайди.

— Ўжарлик қилмагин. Ҳалиям кеч эмас. Айт, биттаяримта хотин қўйган шогирдларим бор, ёшиям тўғри келади.

— Униям ҳовлингизга бошлаб келаманми?

— Йўғ-э, нега?.. Ўзим уй обберaман.

— Бўлмайди.

— Бўлмайдиган нарса йўқ, Биби Робия, ўйлаб кўр.

— Бўлмайди. Мен туғмас бўп қолганман. Эр дарров ҳайдаб юборади.

Ғалати-ку, деб ўйлади Яхшибоев, аввалроқ билмаган эканман-да. Кейин ўзини койиган бўлди: йўқ, бекор гап, бу бечора муштипарга жабр қилган номард.

Ёстиқ тагида ётган ҳамёнини олиб, пул санади. Одати бўйича, ўн сўм кўпроқ узатди. Робиға-Робия-Роби ҳам одатдагидай ўн сўм ошиғини қайтариб берди. Яхшибоев ичида кулди: шундаям п р и н ц и п бўлгани қизиқ.

— Биби Робия, — деди хушҳоллик билан, — бу, дейман, салгина бўлсаям кўнглинг тусамайдими?

— Йўқ, — деди аёл қовоғини солиб. — Айниманг.

— Энди, айбга буюрмайсан, — деб кулди Яхшибоев. — Энди мен қаридим, мисоли гўдакдай бегуноҳ бўлиб қолдим. Ҳаддим сиғадики, сендан сўрайман. Бу, кўнглинг тусамагани қизиқ-ку, Биби Робия?

— Нимаси қизиқ? Ўлсин, агар шу қизиқ бўлса!..

— Умрингга ачинмайсанми?

— Оллоёр бор-ку.

Яхшибоев ажабланди. Буни у сира ўйламаган эди. Дарвоқе, деб хаёл қилди, бунинг Оллоёри бор-ку. Оллоёрни Яхшибоев билан Муҳсина хоним туққан, кейин Робиға-Робия-Роби ёқасидан солиб, этагидан чиқариб олган. Худди достондагидай: Гўрўғлибек Ваянган мамлакатидан Булдуруқ қассобнинг ўғли... Дарвоқе, уям Булдуруғ-а?.. эсга келмаганини!.. Хуллас, Гўрўғлибек Булдуруқ қассобнинг ўғли Авазни опқочиб келдию Юнус пари уни ёқасидан солиб, этагидан чиқариб олди... Юнусмиди, ишқилиб? Ёки Мисқол парими?..

Бир зум бош қотирди-ю, тузукроқ эслай олмади.

— Оллоёрга ишонганинг дуруст, — деди паришонлик билан. — Энди... унга атаб қўйганинг ҳам борми?

— Бор, — деди Робиға-Робия-Роби тик қараб.

— Шартмикан, Биби Робия, — деди Яхшибоевнинг раҳми келиб. — Ўзинг қўл учида кун кўрсанг. Мен ўзим ҳам унга бисот қолдираман. Сен балки қариндошларингни ўйлаганинг тузукдир?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Кимни ўйлашимни ўзим биламан. Сизнинг бисотингиз — ўртада, меники биргина Оллоёрга аталган.

— Ўртада-ю, меники кўпроқ, Биби Робия!

— Меники баракалироқ!..

Яхшибоев аёлнинг ўжарлигига яна бир бор амин бўлди. Қайтага, шунисиям маъқул. Бу аёл ҳам унчалик аҳмоқ эмас. Оллоёрни бекорга таянч тутмаган. Оллоёр мисоли юввош хачирга ўхшайди, ҳаммани кўтаради. Юкимнинг буниси ортиқча-ку, деб ўтирмайди. Бечора Биби Робиянинг бор юки қабристонга борадиган тани. Оғирмас бу, қайтага, Муҳсина хонимнинг зуғумлари бундан залворлироқ. Ҳалиям Оллоёр чидайди, барака топсин!..

Робиға-Робия-Роби пулини рўмолчага тугиб, чўнтагига солди. Кейин соғлиқ тилади, хайрлашдию чиқиб кетди.

Яхшибоев устидаги момиқ халатини ечиб, энди ўринга чўзилган ҳам эдики, тўмбадаги телефон жиринглади. Яхшибоев аппарат тўрт марта жиринглашини кутди. Одати шу эди. Тўрт марта жиринглатиб, сўнг трубкани кўтарарди, токи қўнғироққа маҳтал экан, деб ўйлашмасин.

Сим қоққан киши Ошнонинг иккинчи ёрдамчиси экан. Яхшибоев қизиқ бир томоша кўришга чоғланган-дек, ўтирган жойида ҳузур қилиб ғимирлади, сабабки, Иккинчи ёрдамчи сўзларни битталаб танлаб, битталаб таржима қилиб — хуллас, азбаройи тиришиб сўзлашар эди.

— Ўртоқ Яхшибоев?

— Ҳа, ўртоқ Яхшибоев.

— Дардингиз тузалишга қараб боряптими?

— Тузалишга қараб боряпти.

— Докторлар сизга қандай хизмат кўрсатишяпти? Шикоятлар йўқми? Дорилар керак эмасми?

— Дорилар керак, лекин шу ернинг ўзида топилади, — деди Яхшибоев. — Докторлар менга яхши хизмат кўрсатишяпти. Шикоятлар йўқ.

— Жуда яхши. Тузалаверинг.

— Хўш, хизмат?

— Менга сиз билан боғланиш топширилди.

— Улайсизми?

— Боғлашнинг иложи йўқ. Кеча Фалония сафарига жўнадилар.

— Сафарлари бехатар бўлсин. Энди қачон қайтадилар?

— Номаълум ҳозирча. Эртага эмас, индинга телефонда гаплашамиз. Балки илтимосларингиз бордир?

— Илтимосим сизга. Иложи бўлса, мени у киши билан индинга улаб қўйсангиз.

— Агар рухсат берсалар, албатта боғлаймиз. Бизга яна қандай топшириқлар бор?

— Топшириқ ўша — у киши билан улайсиз.

— Майли, ҳаракат қилиб кўрамиз. У киши шахсан сизнинг соғлигингиз билан қизиқдилар. Келганларидан кейин касалхонага ўтишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас.

— Бошим осмонга етарди, — деди Яхшибоев. — Мендан у кишига алоҳида салом айтинг.

— Сизга яна бир бор соғлиқ тилайман.

Яхшибоев трубкани қўйди. Ҳозир ўзи гаплашган йигитнинг қиёфасини кўз олдига келтирди: ёши қирқда, лекин нари борса ўттизлик кўриниши бор; қоматдор, хипча, сочлари ортга таралган, силлиқ таралиб, устидан лок сепилган; тўқранг костюму сутдай оппоқ кўйлакда, мисоли танбурнинг торидай таранг; юзида тавозе, аммо жилмайгани сезилмайди. Неча йилдирки, Яхшибоев унинг юзини кўриб, одам деган қанақасига жилмаймасдан ҳам тавозе қилиши мумкин, дея бош қотиради. Биринчи ёрдамчи эса, бунинг тамом акси: деҳқонсифат; семириброқ кетган; ёши ҳам бирор элликни қоралаган; гаплари кескин ва бежоғсиз. Яхшибоев уларнинг иккиси билан ҳам қалин. Йиллар ўтиб, Ошно билан ўрталарида недир кўпригу кўприкчалар пайдо бўлди. Биринчию Иккинчи ёрдамчилар ҳам ўшаларнинг бир хил кўриниши, холос. Яхшибоев Биринчи ёрдамчидан чўчимайди. Биринчи ёрдамчи анча содда, гапга тушунади, эски ақидалардан озми-кўпми хабари бор, дейлик, у Яхшибоевнинг Ошно билан бир жойда тугилганини, бирга ўсганини, бирга чиллагу бирга қулоқчўзма ўйнаганини билади. Ҳар ҳолда, у Ошнонинг қачонлардир бир замонлар телпактепди ёки қушимбошим каби эрмаклардан четда турмаганини тушунади. Қолаверса, Биринчи ёрдамчи иш билан овора, у мудом ненидир ҳ а л қ и л а д и, турли фисқу фасодларни ўйлашга вақти ҳам йўқ. Иккинчи ёрдамчи эса, фақат г а п л а ш и ш учун қўйилган. Унинг қуроли — тавозе, яъники, тавозе қ и л и ш и ёки қ и л м а с л и г и мумкин. Шу сабаб, Яхшибоев ундан ҳайиқиброқ туради, атай унинг лаҳжасида гапиради, атай уни Ошнога мақтайди, мақтаганда ҳам жуда ошириб-тоши-

www.ziyouz.com kutubxonasi

риб мақтайди, токи бу гаплар Ошнонинг ёдида қолсин, токи кейинчалик Иккинчи ёрдамчи бирор қутқуни бошлаганида, ўша мақтовлар Ошнонинг хотира сандиғидан лоп этиб чиқиб қолсин-да, у Иккинчи ёрдамчига танбеҳ берсин: ўртоқ Яхшибоев нуқул сизни улуғлайди, ўртоқ Яхшибоев сизни еру кўкка ишонмайди, лекин сиз... сиз!.. сиз!!.

Ундовлар Яхшибоевга хуш ёқди. Умуман, бугунги куннинг бошланиши ёмон бўлмади. Ошнодан койиниброқ юрувди, энди маълум бўлдики, у бечора Фалония сафарига ҳозирлик кўрган экан. Асли газет ўқиб туришда ҳам ҳикмат кўп. Лекин Ошнонинг Фалонияга кетганини газетсиз ҳам билиб олди. Эҳтимолки, эртага ёки индинга ўша қадрдон овоз юртлар ошиб, қитъалар, уммонлар ошиб, не-не тоғлару водийлардан, боғу роғлардан, минглаб йўллару сўқмоқлардан ошиб... мана шу жойга, оддийгина тўмба устида турган оддийгина сариқ телефонга етиб келса!..

Шуни ўйлаши билан, ҳарнеки сайёҳликка ўрганган кимса каби, юраги тез-тез ура бошлади.

Дунёда оқибат борлиги қанчалар яхши! Оқибатсиз яшаш қийин!

Эсладики, бундан неча ўн йиллар олдин, Ўртақўрғонда, турли карвонсаройлару ижара ҳужраларда жон сақлаб юрганларида, шаҳар жонга тегиб, кўнгиллари кенг далаларни, даштларни қўмсаб қолганида, икковлашиб, бирор йўловчи аравага тушиб, шаҳар ташқарисига чиқиб кетишарди. Роса кезишарди. Ўтлоғу ажриқзорларга думалашарди, сўнг ҳориб-чарчаб, қоринлари очиб ортга қайтишарди. Ўшанда жуда содда ва жуда юқимли шеърни қайта-қайта зикр этиш кенг расм эди:

Водийларни яёв кезганда,
Бир ажиб ҳис бор эди менда.
Чашпор уриб гуллаган боғин,
Ўпар эдим Ватан тупроғин...

Бу сатрларни ёзган жингалаксоч шоирни ҳам кўришган эди. Шоирни кўриб, Яхшибоев рашк қилганки, нега шеърни мен эмас, манави қорача йигит ёзган, деб!.. Ҳаттоки шу гапини Ошнога рўй-рост айтган. Ошно бамаъни йигит эди, кулганки, э Назар, сен бир ғалати одамсан, ошна, ахир, ҳамма чиройли аёлни ҳам кўриб, нега унинг эри мен эмасман, деб айтолмайсанку? Яхшибоев Ошнога қўшилиб, яйраб-яйраб кулган, сўнг тан олганки, э Ошно, рости, мен шу гапниям

айтгим келади! Кейин ҳам бу ҳазил кўп бор такрор бўлган. Улар ҳали содда-баёв эдилар, аёл меҳрини кўрмаган эдилар. Ўртақўрғон эса, мисоли киночилар йиғинга тўпланган шаҳардай, нуқул чиройли аёлларга тўла эди. Йигитлар, қонлари жўшиб, юраклари орзиқиб, кўнгиллари суст кетиб, шаҳар кўчаларини сайр этишар, гўзал қизларга суқ билан боқишар, ўшанда Яхшибоев алам билан айтардики, э ошна, қара, қандай зўр қизлар, нега бизни яхши кўришмайди, айт, айбимиз нима? камбағал эканимизми? ахир, бу аҳволда қолиб кетмасмиз, бирор маскан ҳам тутармиз? исканамиз ҳам бўлар? айт, ошна, ахир биз унчалик ҳам ёмон йигитлар эмасмиз-ку?

Ошно тағин куларди. У жуда босиқ, ўйли-мулоҳазали эди. Яхшибоевга таскин берардики, э жўра, сабр қил, ҳали бизга атаганлари ҳам бор, биттагина муҳаббатга лойиқ бўлишнинг ўзи ҳам катта бахт.

Ошно айтганини қилди. Бир марта муҳаббат қўйди, бир марта уйланди, битта хотин билан яшади. Лекин Яхшибоев Ошнога ўхшамасди, ўхшашни истамасди ҳам, у мисоли ютоққан юҳо эди, ямламай ютишни орзу қиларди. Орзу қиларди-ю, мудом оч юрарди.

Ошнонинг яна бир яхши одати бор эдики, бир маҳалла наридаги новвойхонага бормоқчи бўлса ҳам, албатта Яхшибоевга маслаҳат соларди: мен бир нонга бориб келсам, жўра. Яхшибоевга унинг рухсат сўрагани ёқарди, айтардики, майли, ошна, лекин ўзингни эҳтиёт қил, яхши-ёмонга аралашма. Қизиқ ҳол эди бу: Яхшибоев ўзини ота ёки акадай тутарди, ўзи ёмон йўлларга кирса кирарди, лекин Ошнога изн бермасди, касал бўлса парвариш қиларди, оч бўлса нон топиб келарди, маъюс бўлса кўнглини кўтарарди. Кейинроқ, Ошно ўз йўлини ўзи топиб кетганида, Яхшибоев дафъатан довдираб қолди. Гўё полапонини учирма қилган қуш аҳволига тушди, ҳатто ғайирлиги келди. Лекин бу туйғу кўпга чўзилмади, фарзанди ёки инисининг камолини кўрган ота ёки ака янглиғ, у ҳам таскин топди, кўнгли ўсди, шу тариқа, Ошно юксалгани сайин, унинг ҳам ғурури юксалиб бораверди.

Иккинчи ёрдамчи сим қоққани боис, ўша кезларни яна бир бор эслади. Қулоқлари остида Ошнонинг андак синиққан овози эшитилгандай бўлди: менга рухсат берсанг, жўра, энди мен бир қишлоққа бориб келсам.

Худди шундай — Ошно Булдуруққа кетаётганида ҳам ундан рухсат сўрарди. Эндиги сафарлар ўзгача,

www.ziyouz.com kutubxonasi

уёқ-буёққа эмас, тупканинг тагидаги юртларга... Фалонияга... расмий сафар билан... делегация раҳбари... турли қабул маросимлари, қироллару қироличалар, вазирлар, сарой аъёнлари, хонимлар... Яхшибоев Фалониянинг қайси қитъада эканини эслашга уринди. Лекин эслай олмади. Яқин уч йилдирки, чет эл сафарига чиқмаган эди. Ўшандан буён сиёсий харитани қўлга олгани ҳам йўқ. Энг зўрларини ёд билгандан кейин... шарт эканми? Географиядан имтиҳон топширармиди! Ажабмаски, Фалония деганлари кейинги йилларда қўзиқориндай бодраб чиқаётган янги, мустақил, тинчликпарвар давлатлардан бўлса...

Лекин Ошнонинг хабар юборгани дуруст. Оқибат бўлса, шунчалик-да!

Яхшибоев тағин тўлиқди, тағин хона тор келиб қолганини сезди, кўйлагининг ёқа тугмаларини бўшатди, чуқурроқ нафас олди, аммо нафи бўлмади. Озгина чалғиш учун йўлакка чиқди, дераза ёнига бориб турди. Бино олдида очилган рангоранг атиргулларга, нарироқдаги ғарқ пишган олмазорга қаради, хайриятки, бу мева пишиғига ҳам етдик, деб ўйлади, озгина муддат қишнинг тундлигига чидасак, бас, яна бир ажойиб баҳорга етамиз, ундан нарёғи яна ёзу яна куз, яна пишиқчилик, яна омонлик, яна роҳату фароғатки, адоғи кўринмайди! Бас, яшамоқ керак, яшамоқ шарт, яшамоқ соз!..

Ёнига ўгирилди. Уч дераза нарида икки бемор турарди. Улар ҳам қалам аҳлидан, бири — бақалоғу хумкалласи очеркалар ёзиб юради; униси — дарозу жимиткалласи эса, очеркаларни танқид қилади.

Қўшнилар тавозе билан салом беришди. Яхшибоев бош иргаб, алик олган бўлди. Юзига жиддийроқ тус берди. Айни тус жуда керак эди, токи қўшнилар орадаги чегарани бузишмасин. Салом-аликнинг ўзи ҳам етади. Булар икковининг ҳам ранги қизилгина, касал-пасалга ўхшамайди, элликтадан отиб олишган бўлса ҳам эҳтимол. Бир тур одамларки, ўз касали билан эмас, нуқул катталарнинг касали билан оғришади. Мисоли қузғун ўлаксани пойлагандай... пойла-аб туришади-да, кимдир нуфузлироқ одамнинг тоби қочса, бас, эртаси куниёқ келиб, ўшанинг ёнидан жой олишади. Энди улар Яхшибоевни қурбон қилишмоқчи. Чол тушмагурда амал бўлмаса ҳам, нуфуздан мўл эканини билишади. Энди таъзиму тавозедан бошинг чиқмайди, жонкуярлигу фидойиликлар жонингга тегади. Бир оғиз сўзингга маҳтал бўлиб туришибди, токи сен бир имо қилсангу

улар ўша ондаёқ истагингни бажо келтиришса, бажо келтиришсаю кейин ўзларининг дардларини айтишса!..

Яхшибоев қўшниларига, гарчи сийқароқ бўлса-да, аниқ ном топди: с у н ъ и й й ў л д о ш л а р. Кўнгли эрмак тусаб, бояги гапирмаслик аҳдини ҳам унутиб, дарозроғига секин гап қотди:

— Остонақул болам, сизга нима деб диагноз қўйишди?

Дарознинг исми Бахшулло, фамилияси Остонов эди. Яхшибоевнинг беписандлигидан ранжимади, синиқ илжайди.

— Жигар-да, домлажон, — деди яқинроқ келиб.

Яхшибоев нариги беморнинг ҳам келишини кутиб турди, сўнг ундан ҳам сўради:

— Сизники-чи, укажон?

— Бизники — ошқозон, — деди бақалоғу хумкалла бемор.

— Бизники чатоғроқ, — деди Яхшибоев, сўнг назарида ёмонроқ туюлган дардни ўйлаб топди, ичида кулди. — Ўпкада каттакон доғ бор эмиш.

— Йўғ-э! — дея ишонмаган бўлди Хумкалла, сўнг ўша заҳотиёқ тасалли берди: — Отдай бўп кетасиз, Назар Яхшибоевич!

— Бу, дейман, Остонақул болам, қази-қартадан борми?

— Топилиб қолар, домлажон.

— Анави... оқу қизилидан ҳам топиладими?

Қўшнилар бир-бирига қараб олишди, кейин Дароз жавоб қилди:

— Излаштириб кўрамиз, домлажон. Вақтингизни айтсангиз, бас.

— Аттанг, бизга мумкин эмас-да!.. — деди Яхшибоев куюниб. — Дўхтирлар рухсат беришмайди.

— Энди, озгинадан бўлса зиён қилмас, ана, заҳарнинг ҳам озгинаси даво бўларкан-ку? — деди Хумкалла.

— Бизга бўлмайди, — деб бош чайқади Яхшибоев. — Бизга тинчлик керак. Ҳа, айтмоқчи, Остонақул болам, ҳалиги... мақола-пақолалар чиқиб турибдими?

— Чиқяпти, домлажон.

— Шу, менга кейинги мақолаларингиз ўтиришмади, — деди Яхшибоев қовоғини солиб. — Сал саёзлашиб қолгандайсиз. Ё қўрқасизми?

— Энди, бўларкан-да, домлажон...

— Манави укамизни нуқул мақтайсиз, — дея ўйинни давом эттирди Яхшибоев. — Сабабки, икковингиз

www.ziyouz.com kutubxonasi

дўстсиз, бирга юрасиз, бирга ичасиз, бирга даволанасиз. Шуям инсофданми? Бирор йиғинда худди шу масала қўйилса нима бўлади?

— Қўйишмоқчими? — дея ҳадиксираб сўради Хумкалла.

— Ҳозирча аниқмас, — деди Яхшибоев. — Лекин қўйиб қолишлари мумкин. Тўғри, мен бу хил хос гапларни айтмаслигим керак эди, аммо азбаройи жоним ачиганидан, боринғки, сизларни яхши кўрганимдан...

— Раҳмат, домлажон! — деди Дароз. — Айтганингиз тузук бўлди.

— Нафсиламриям шу-да, — деди Яхшибоев. — Айни кучга тўлган пайтингизда, иккингиз ҳам қирчиллама йигит, нари борса, элликдан нарига ҳатлаган чоғда... бу ерда касал бўлиб ётиш нимаси? Ишлаш керак, ўртоқлар, ишлаш, ўрганиш, юрт кезиш ва яна ишлаш керак!..

— Энди, — деб чайналди Дароз, — дард дегани вақт танламас экан-да, домлажон...

— Дард?! — дея хитоб қилди Яхшибоев. — Қанақа дард? Уят эмасми, Остонақул ука? Тоғни талқон қиладиган пайтингизда-я? Э, қўйинг-э, мени хафа қилдингиз!..

— Домлажон!..

— Уят, Остонақул, уят! Сизни онангиз маишат учун эмас, ижод учун, эл хизмати учун туққан!

— Домлажон!!.

Яхшибоев уни гапиртирмади. Қолган-қутган «ранж»ини биргина қўл силташ билан ифода этдию палатасига кирди. Эшикни оча туриб, бир лаҳза тўхтади. Булар ростдан ҳам касал бўлса-чи, деган фикр ўтди хаёлидан, тағин даволанмай кетворишса-я? Йўғ-э, дея ўшал ондаёқ ўзига тасалли берди, булар барибир кетмайди, қайтага, чўчитганим дуруст бўлди, энди юрак бетлаб яқин келолмайди. Чеккароқда туради. Ажабмаски, Остонақул укамиз қадрдон дўстини танқид қилиб мақола ёзса. Ўшанда зўр бўларди! Турган-битгани томоша! Афсуски, у мақоласини ёзиб, энг аввал қадрдон дўстига кўрсатади. Хумкалла ўқиб кўриб, бурнини жийиради, сўнг икковлашиб таҳрир қилишади: «...иқтидорли очеркачимиз Фисмадончиев ҳам кейинги пайтларда ўз имкониятлари даражасида ижодий маҳсулот бераётгани йўқ».

Яхшибоевга айни сўзлар нашъа қилди, чиройи очилди: қанақа иқтидор? Қанақа имконият? Имкониятнинг термометрга ўхшаган чизиқчалари борми, гўё талантлироқ одам нуқул иситмалаб юрадигандай? Ижодий маҳсулот бергани нимаси? Барака топгур газетчилар ҳамма ёқни маҳсулотга тўлдириб юборишди, уларга қулоқ тутсанг, бас, сигир бечоралар сут бермайди, балки сут маҳсулотлари беради; ёзувчи асар ёзмайди, балки босма маҳсулотлар беради; пахтакор пахта ўстирмайди, балки тўқув-тикув маҳсулотлари беради! Яшавор-э! Ҳар хил чоршанбию остонақулларга шуни айтавериб жоним халқумимга келди-ку!..

Ўйладики, айни саҳна зое кетяпти. Касалхонада ётмаса эди, бирор йиғинда ўртага чиқиб, шу гапу гаштакни айтарди, газабланарди, кейин роса қарсакбозлик бўларди, кейин, қарабсизки, бирор ой, йўқ, балки бирор йилгача ҳамманинг оғзида юрарди: яшасин Яхшибоев! Чоли тушмагур зўр! Чол газетчиларни ёмон тузлади!

Лекин бу туз бировнинг кетини ачитса қани! Туз эмас бу, шунчаки келига солиб туйилган шакар, ширинкулча устига сепиладиган упа. Туз сепганингда ҳам наф чиқмайди. Нафи йўқлиги тажрибада синалган. Бир гал ўзига сал тегиброқ кетган газетадан қасд олмоқчи бўлиб, секин Ошнога гап солди. Асл дардини айтмади, бошқа бир дардни ўйлаб топди, нутқ маданияти ёмон бузиляпти, оқсоқол, деди, бу газетда бирорта ҳам тўғри жумлани учратолмайсиз, нуқул ғўрлик, нуқул думбуллик, ўзлари чиқариб ўзлари ўқишса майлийди, лекин газет ўз оти билан газет, уни ҳамма ўқийди, хўш, бу ёғи нима бўлади, ғиж-ғиж имло хатою услубий хатолар ўтиб кетаверса, ёш авлоднинг саводига, савиясига, қолаверса, тарбиясига салбий таъсир этмасмикан?

Ошнонинг бошқа ташвишлари ҳам кўп эди, унчалик рўйхуш бермади, матбуотнинг тезкорлигу тиғизлигини рўкач қилди, ишни пайсалга солмоқчи бўлди. Лекин Яхшибоев ҳам бўш келмади, ўзини хафа қилган газетани папкасидан чиқариб, тишга тегадиган уч-тўрт жумлани баттар бузиб ўқиди — хуллас, Ошнони енгди. Ошно тегишли кишиларни чақиртириб, керакли кўрсатмаларни берди. Сўнг бирор ойча газета саҳифаларидан лутфу фасоҳат чак-чак томадиган бўлди: қайга қарама — мақол; қайга қарама — матал; турли ҳикматлар, иборалар, уйқаш жумлалар; аждодларнинг ажойиб удумларию авлодларнинг садоқати...

Яхшибоев тантана қилди. Бу орада унга тегиброқ кетган газета муҳаррири узр сўраб келди, сўнг Яхшибоев ҳақида Собитовнинг нақ бир саҳифалик мақтовини босдию ўртадаги нифоқ унут бўлди. Яхшибоев қулай пайт

www.ziyouz.com kutubxonasi

танлаб, нутқ маданияти хусусидаги ташаббусингиз тўла маъқулланди — газетларнинг тили изга тушди, янги ва қўшимча тадбирлар ҳам белгиланди, дея Ошнога ахборот берди. Сўнг ҳамманинг қулоғи тинчиб, эркинроқ нафас олиб, Яхшибоевни жўровозда мақташга тушдилар. Яна озроқ муддат ўтиб эса, ўша эски гаплар — сигирлар берадиган маҳсулотлару ёзувчилар берадиган маҳсулотлар рўзномалар саҳифаларига қайтиб келди.

Бариси беҳуда, деб ўйлади Яхшибоев, энди қариб қолдик, ҳамма тадорикни охирига етказгудай қувватимиз йўқ. Энди бизга ором керак, оромки, ўтган кунларнинг сарҳисобини қилиб, яхшиларидан суюниб, ёмонларидан куюниб, недир сабоқлар чиқариб, алҳол, ворисларга арзигулик бир мерос қолдирсак. Мерос бўлсаки, ворислар ўзларининг меросхўр эканликларини сезишмаса, миннату иддао бўлмаса, мисоли оталари қазиб кетган булоқ сувини ичаётган фарзандлардай, биз салафларнинг руҳимизни симирсалар. Шундай бир хотира қолсаки, эслаганда зўриқиш сезилмаса, хотираки, кўнгилларнинг туб-тубларига сингиб кетса, қонга ўтса, танда жон янглиғ титраб турса! Умримиз дафтари тез-тез варақланса, кечмишимиз мисоли дарсга айланса, ҳар давра сайин такрор ва такрор зикр этилса, давра янгилангани сайин у ҳам янгиланса, у учидан ва бу ичидан, у ёнию бу ёнидан қўшилса, чатилса, шишса — хуллас, арзигулик ч ў п ч а к бўлса!..

Кейин... абадул абад қолсанг! Одамларнинг дилида, тилида — бирдай тўкис, бирдай фозилу адолатли бўлиб қолсанг!

Саодат шу эмасми?

— Шу, — деди Яхшибоев овоз чиқариб, — шундай бўлиши керак, шундай қилишим керак.

Танида недир ғайрат, завқу шавқ туйди. Мушаклари секин-секин титради, таранглашди. Юракка қулоқ тутди — уриши мўътадил, бир маромда.

Соз-ку?

IV БОБ

Қиссанавис

Шу жойга етганда ўйланиброқ қолдим: мен Назар акани ростдан ҳам билармидимки, унинг ёшлик дамларини шу қадар комил ишонч билан тўқиб-бичяпман?

Тағин бу таърифланмиш ҳис-туйғулар охир-оқибатда ўзимники бўлиб чиқмасин?

Мен чизаётган манзараларнинг енгил-елпи экани аён. Уларга шартли белгилар деб қараган маъқул. Чунки мен Яхшибоевнинг кейинги даврлардаги туриш-турмушини сал-пал кузатиб юрганим, воқеалар барчаси оппон-соппон бўлганидан сўнг Булдуруққа — қаҳрамонимизнинг ота юртига борганиму унда кўрганларим туртки бўлиб, қолаверса, одамлардан сўраб-суриштириб билган тафсилотларимни қўшиб-чатиб, ниҳоят, хийла мавҳум мавзуга — Яхшибоевнинг йигитлик йиллари тасвирига қўл урдим. Қўл урдим-у, лекин Назар акага нисбат берилаётган айрим белгиларга ўзимнинг ҳам озу кўп бад одатларим аралашиб кетаётганини сезиб қолдим.

Бу йўл — энг осон йўл. Бу йўлдан кетаверсам, нари борса, яна бирор ой ичида ёзувларим поёнига етадию ҳориган танимга ором бераман. Аммо мен, гарчи ўзимга у қадар бино қўймаган бўлсам-да, осон йўллардан юришга ор қиламан. Кейин жўнгина инсоф туйғуси ҳам қўлимдан тутади. Ўзимга ўзим, бўлди, Саидқул, бежаш-бўяш шарт эмас, борини ёзавер, ажабмаски, ҳалоллик боис, хатга нўноқлигинг ҳам билинмай кетса, дея далда бераман.

Пайқаган бўлсангиз, Ўртақўрғондаги туриш-турмушимизни баён қила туриб, бир муддат ўзимни Назар ака билан Ошнога тенглаштириб қўйгандай ҳам бўлдик. Гўё биз даврадош бўлиб юргандай...

Уларнинг мени давраларига тортганлари рост гап, лекин ўшанга қадар нечоғлик чўчиб-ийманиб юрганларим эсимдан чиқиб қолай дебди.

Энди сезсам, сал чуқурроқ кавлашдан қочган эканман. Ҳаддим сиққанича, янаям аниқроғи — ўзимнинг кучим етганича уринибман-у, ишнинг пачавасини чиқарибман. Ҳикоямизга андак романтика аралашиб, оҳанг ҳам шунга яраша... суюлиброқ кетибди. Дарвоқе, менинг «романтик» деган лақабим бор. Гурунг асносида туғилган лақаб. Бир гал қишлоққа борганимизда, мактаб муаллимлари билан ўтирганимизда, суҳбатимизга совхоз директори ҳам аралашиб қолдию ўзининг билимдонлигини кўрсатмоқчи бўлди. Шоир дўстимизга қараб, мана, сиз шеър ёзасиз, демак, сиз шоирсиз, деб айтди. Гап мазмуни соддароқ бўлгани учун, ҳаммамиз тушундик, тушуниб бош иргадик. Сўнг у менга юзланди: мана сиз, Саидқул Мардонович, романлар ёзасиз, демак, сиз романтиксиз. Мантиқни англаш қийинроқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўчди, лекин — начора, маҳаллий раҳбарнинг ҳурмати, инкор қилолмадик, яна бир марта маъқуллаб бош ирғадик. Бу гап ўша жойнинг ўзидаёқ унут бўлиб кетарди-ю, лекин, «шеър ёзадиган шоир» дўстимизнинг хотираси елимроқ экан, Тошкентга қайтгач, бир-икки кун ичидаёқ ҳалиги ҳангомани дўсту биродарлар орасида ёйиб юборди. Шу-шу мен бечорага «романтик» деган лақаб чиппа ёпишди-қолди.

Агар шундай, ҳазил маъносида олсак, менга романтика деганлари унчалик ёт эмас. Аммо қиссамиздаги романтикада юзаки кўнгилчанлик устун бўлиб бораётгандай. Менинг талқинимдаги Яхшибоев ёшлик пайтларида ўта жўн, ўта дўлвор, ўта ёқимтой туюляпти. Рост, дўлворлиги бор эди. Девқоматлиги, боринги, ёқимтой бўлгани ҳам ҳақиқатга зид эмас.

Лекин мен бечоранинг дастлабки кезларда ана шу ёқимтой девдан қўрқиб, зир-зир титраб турганларим қоғозга тушмаганига қандай изоҳ топамиз?

Қасам эсдан чиқиб, юзимга ёлғондан упа сурта бошлаганимни наҳотки сезмаган бўлсам?

Йўқ, сездим, сезиб-билиб турдим, лекин (ожизлик қурсин!) аслида боридан беҳроқ кўриниш истаги устун келди.

Агар ростига кўчадиган бўлсак, мен ўшал кезларда Яхшибоевдан бисёр ҳайиқардим. Кейинчалик, у мени ўзига бир қадар яқин олиб юрганларида ҳам, барибир, кўнглимдаги ҳадик бир лаҳзага бўлсин тарқаган эмас.

Бугун қариган чоғимда, барча воқеалар унут бўлиш арафасида турганида, жиддийроқ ўйлаб кўрсам, барча синоат менинг сал мажмағил эканиму Яхшибоевнинг девқомат эканида бўлиб чиқади.

Ташбеҳу ўхшатишлар андак қўполлашиб кетса ҳам, Яхшибоевни зўр ва зотдор бўрибосарга, мен фақирни эса, шунчаки бир лайчага менгзамоқ жоиздай. Тўғри, мен лайчалик қилиб, ўзимни дуч келган жойга уриб, илинган ялоқни ҳидлаб ёки ялаб юрганим йўқ. Табиийки, менда ҳам ўзимга яраша ғурур бор эди. Айни ташбеҳ жуда жўн, жуда дағал, аммо мен айтмоқни истаган мазмунни туппа-тузук ифода этади. Маълумки, зўр бўрибосар ўзига басма-бас келадиган итни ёнига йўлатмайди, шартта босиб қопишнинг пайидан бўлади, лекин у лайчага тегмайди. Аввало, бўрибосар лайчани менсимайди, қолаверса, тантилик эҳтиёжини қондирган бўлади. Қарабсизки, бўрибосар ҳам, лайча ҳам бирдай хурсанд.

Бугун чўт қиламанки, Яхшибоев билан Ошнонинг ўзаро муносабатларида ҳам дастлаб шу нарса устивор бўлган. Лекин мен, гарчи ўзимни камситишдан тортинмасам-да, Ошнони ҳам лайчага ўхшатишдан истиҳола қиламан. Ошнонинг сусти босиши ўз йўлига. Муҳими — Яхшибоевнинг кўнглида кейинчалик беҳисоб эврилишлар бўлгани. Яхшибоев дастлабки кезларда нечоғлик устун бўлмасин, кейинроқ, Ошно аста-секин юксалиб боравергани сайин, беписандлигу калондимоғликни буткул эсдан чиқариб юборгани муқаррар.

Инсон эврилишлари мени ажаблантирмай қўйганига, эҳ-ҳе, неча замонлар бўлди.

Ҳайратга соладиган бошқа нарса — Ошнонинг изчиллиги, яъники ўша мен Ўртақўрғонда кўриб юрадиган, нимжонроқ, юмшоқфеъл, лекин бирдай озода ва хушбичим йигитчанинг вужудига беркинган иродаи азим, унинг Яхшибоевдек одамнинг соясида йўқ бўлиб кетмагани.

Айни эҳтимол бордай эди. Бордай, деб айтмоқ не, айни эҳтимол беш қўлдай аён эди.

Шуларни ўйлайману ўзимнинг кўпда зукко эмаслигимни пайқайман. Сабаб излашдан кўра, сабабни англамай туриб ҳайратланиш қулайроқ туюлади, токи ўзимнинг ҳафтафаҳм эканлигимни ўйламасам, токи нафсониятим лат емаса. Жилла қурса, бугун келиб сал одилроқ бўлсанг ярашар, Саидқул, дея, ўзимга ўзим танбеҳ бераман. Энди кўнгил даласини панжара билан ўрамоққа не ҳожат? Пайкал бўшаб қолганида... дала четларига қўриқчи қадайсанми? Қолган-қутган лошагу хомакларни ўзинг кўтариб чиқиб, бир-иккита чанқаб келганларга улашиб юборсанг дуруст эмасми? Умуман, муддат тугай деб қолганида яна недир мавридларни кутиб, эҳтиётқорлик қилишга ҳожат борми?

Хуллас, ўзимга берадиган саволларим сон мингта. Буларнинг барисига жавоб ахтарсам, оқибат не бўлиши аён: қисса четда қолиб, нуқул дийдиё бошланиб кетади...

Эсимда қолганларидан бири шуки, Симхонинг тахта будкасида Ўртақўрғон «кузур»лари уззукун муҳокама этиларди. Этиқдўз юраксизроқ эди, шу боис, отаси Левича-Лутфиддиннинг номини ўзидан қанчалар соқит этса, шаҳарнинг атанган безориларининг номларини шунчалар яқин тутарди. Гўё ўшаларнинг сустбосар довруқлари нурида исингандай бўларди. Балки мен янглишаётгандирман, балки Симхо мен айтганчалик қўрқоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам бўлмагандир, лекин шаҳар безориларининг номларини аташдан лаззат олганини аниқ-таниқ эслайман.

Ўшал кезлар Ўртақўрғонда ўнтача машҳур безори бўларди. Воқзал тарафда Шомат дегани «кузур»лик қиларди. Эски шаҳарда Кескир ҳукмрон эди. Дарвоқе, бу безорининг асл исми Рафиқ эди. Кескир лақабини эса, иш услуби, яъники, йўловчиларга паккими, устарами, ишқилиб, бирорта тиғлироқ матоҳни кўрсатиб дўқ урганини туфайли орттирган эди. Яна бошқалари ҳам бор эдики, номлари ёдимдан кўтарилган. Йўқ, биттасини яна эсладим. Исми Шоқул эди. Бошқа безориларни орқаваротдан эшитиб юрардим-у, ана шу Шоқулни ўз кўзим билан кўрганман.

Бир домламизнинг уйига бориб, гурунг муддатини андак чўзиб, кейин унинг қоғоз-поғозларини тахлашга ёллашиб, ётоғимга кечроқ қайтишга тўғри келди. Домламиз тунаб қолишга ундади, лекин унинг жойи торроқ эди: иккита каталакдай хонаю ўзи, хотини, яна бешта фарзанди. Хуллас, ёлғиз кетишдан чўчисам ҳам, таклифга унамадим. Домла мени маҳалла четигача фонус билан кузатиб чиқди, сўнг хайрлашиб изига қайтди. Жинкўчаларда тентираб юриб, адашиб қолганимни пайқадим. Очиқроқ бир жойга чиқиб, узоқроқдан қорайиб кўринаётган минораларга қараб, йўлни ўнглаган бўлдиму чапдаги жинкўчага бурилдим. Бурилган заҳотим қоронғи дарвозахонадан бир шарпа чиқдию йўлимни тўсди:

— Жон керакми, картмон керакми? — деб пўписа қилди, сўнг, пичоқ бўлса керак, йилтироқ бир нарсани боши устида тўлғаб, орқасига қараб овоз берди: — Ўша ерда тураверинглар, ўзим суробини тўғрилайман!..

Юрагим товонимга тушиб кетгандай бўлди. Домламнинг таклифига кўнмаганим учун ўзимни лаънатладим.

— Пулим йўқ, ака, — дедим овозим қалтираб.

— Нега йўқ? Пул олиб юрсанг ўласанми, аҳмоқ! — деб дўқ урди безори.

— Ўзи йўқ нарсани қандай олиб юраман?

— Қашшоқ экансан, тунда пиширириб қўйибдими?

Индамадим. Зора раҳми келса, қўйиб юборса, деб кутиб турдим. Безори бир муддат ўйга толди, сўнг:

— Устингдаги палтўнми? — деб сўради.

— Йўқ, ака, пальтомас, тўн, — дедим. — Эскироқ, увадаси чиқиб кетган.

— Жулдурвоқи! — деб сўкди безори. — Лоақал тагида кастум-пастуминг бордир?

— Кастум йўқ, ака, сурп иштону сурп кўйлакдаман.

— Аҳмоқ! Қайтиб бу кўчадан юрма!..

— Хўп, ака.

— Сўядим-у, лекин сендан қон ҳам чиқмайдими, деб қўрқаман, — деб тўнғиллади безори. — Бор, йўлингдан қолма!

Секин, қутулганимга ишонмай, бадбўй зах урган деворга қапишиб кета бошладим. Қуруқ қолаётгани алам қилди чоғи, безори ортимдан етиб келди. Оч биқинимга мушт туширди. Боз уриб телпагимни учириб юборди. Зимистонда тимискиланиб, зўрга топдим. Қочмадим. Қочсам, шериклари билан қўшилиб етиб олади, агар таъқиб завқига тушишса, бас, ушлаб олгач, соғ қўйишмайди, деб қўрқдим. Бир маҳал қарасам, безори олдинга ўтиб олибди. Юзини кўриб бўлмайди, лекин ҳансираб нафас олишига қараганда, ғазаби жуда ошган. Чўнтагимда танга-чақаларим бор эди, шуларни қоқлаб берсамми, деб ўйладим. Лекин чўнтакка қўл тиққанимни биламан, кўзларимда ўт чақнади. Бошим ғувиллаб, турган жойимда қаттиқ чайқалиб кетдим, лекин, хайриятки, йиқилмадим, деворга суяниб қолдим.

— Аҳмоқ! Қашшоқ! Ювуқсиз! Ҳароми!..

Безори сўкишу лаънатларни қалаштириб ташлади. Лекин негадир ортиқ чўчимай қўйдим. Негаки, унинг аллақачон ҳафсаласи пир бўлган, шунчаки, қолган-қутган заҳрини тўкиб олмоқда эди.

Яна бир-икки мушт еб, юзларим шилиниб, лов-лов ёниб, йўлимга равона бўлдим. Безори ортимдан қичқириб қолди:

— Энди пулинг бўлмаса Шоқул акангга дуч келмайсан, мишиқи! Башаранг эсимда қолди, эртага чошгоҳда Чорсуда кутаман, ўн сўм топиб келмасанг, бу дунёдан умидингни узавер!

Еган муштларим бир ҳиссаю ўн сўм топиш ўйи минг ҳисса бўлиб, аламим ошиб, бақириб юбордим:

— Сенга ўн сўмни қайдан топиб бераман! Нима, туям қалъадан қатнаб ётибдими?!

— Майли, майли, топганингча опкелавер, — деди безори сал юмшагандай бўлиб. — Майли, беш сўм бўлсаям етади!

— Бир сўм!

— Зиқна бўлаверма, мишиқи! Майли, устудентга ўхшайсан, уч сўм опкелақол! Эсингдан чиқмасин, эртага Чорсуда, қўшчинорнинг тагида кутаман!

Мени таниб қолганидан танимагани аниқроқ эди, лекин, барибир, чўчидим. Ҳарна, шу касофат тинч юр-

www.ziyouz.com kutubxonasi

син, деб хаёл қилдиму эртаси чошгоҳ пайти Чорсудаги чинор тагига уч сўм элтиб бердим. Пулни юз-бетига чақа тошган иккита ўспирин олди. Уларга Шоқул тайинлаб қўйган экан. Ўзлари келолмайди, деди ўсмирлардан бўйчанроғи, ўзлари бошқа жойга юз сўм қарзларини ундиргани кетганлар. Тортишиб ўтирмадим. Уч сўм «қарзим»ни топшириб, секин орқага қайтдим. Рости, уч сўм мен учун катта гап эди. Бир амаллаб, бирга ўқийдиган йигитлардан йиғиштириб олганман. Йўлда алам қилдики, шунча пулни ўз оёғим билан бориб, писта чақиб ўтирган иккита пандавақига ўз қўлим билан топшириб келдим. Шоқулнинг ўзини кўрмадим ҳам. Одатда етимхонада ўсган болаларнинг зуваласи пишиққина бўлади, бировларга ҳақларини едириб ўтиришмайди, керак бўлса, муштни ишга солишдан ҳам қайтишмайди. Мен ҳам аслида ўшалардан бириман-у, лекин ҳалигиндай жангариликка йўқроқман.

Ҳафта ўтди ҳамки, аламим тарқамади. Тенгдошларга айтиб бўлмайди, айтсам, бошим кулгидан чиқмайди, айтмай десам — ичимга сиғмайди. Ахийри якшанба куни бошмоғимни яматгани бориб, этикдўз Симхога ёрилдим. У гапларимни жон қулоғи билан эшитди, безорилардан ғазабланди, сўкинди, сўнг, сал хумори босилгач, лунжидаги михни кафтига олди-да:

— Боплаб урмайсизме? — деди. — Кейин-баъдаз Шоқулингиз якка экан.

— Шайкаси бор эди, — дедим хунобим ошиб. — Мардлик қилиб, ўзи якка чиқди.

— Э ако, содда экансиз! — деб кулди Симхо. — Якка бўлгон у, шайкаси бўлмагон.

Ўйлаб қарасам, гапи ростдай. Гарчи Шоқул «шериклари»га овоз берган бўлса-да, яқин-орада бирор шарпа сезганим йўқ эди — шуни эсладим.

— Шоқулга шайка нест, — деди Симхо. — Шоқул ундайчикин даражага етмагон.

Хуллас, мот бўлдим. Шоқулга ҳарбу зарб қилмаганим учун ўзимни сўкиб, этикдўзнинг дўконидан узоқлашдим.

Эҳтимолки, бу билан Шоқул унут ҳам бўларди. Лекин орадан озроқ фурсат ўтиб, Чорсуда кетиб бораётганимда, жуссаси ўзим қатори, кўзлари аланг-жаланг бир йигит ёнимга келиб, иссиқ кўришди.

— Саидқул акамисиз? — деб сўради.

— Саидқулман, — дедим, — лекин сизни танимайроқ турибман.

— Мен ўша... Шоқул бўламан, — деди йигит кўзларини ерга тикиб. — Энди, Саидқул ака, шуям инсофданми, ўша кечаси ўзингизни танитмабсиз. Кейин уч сўм опкелиб, яна мени мазах қипсиз... Эшитиб, қаттиқ хафа бўлдим, ака.

Гап нимада эканига энди тушундим. Шоқулнинг тарзига тикилиб туриб, боя айтганимдай — ўзим қатори эканини кўриб, баттар ўсал тортдим.

— Энди, Саидқул ака, шунча кулганингиз ҳам етар, — деди Шоқул. — Энди уч сўмингизни қайтиб оласиз. Биздаям одамгарчилик бор, ака, жа сиз ўйлаганчалик инсофимизни еб-ютганимиз йўқ.

— Пулни чўзинг, — дедим ўзимни бепарво тутишга уриниб.

Шоқул чўнтагидан ғижимланган учталик олиб узатди. Индамай киссага урдим.

— Хато учун узр, — деди Шоқул бошмоғининг учи билан ер чизиб. — Шу гапни акангизга айтиб қўясиз.

— Қайси акамга? — дедим тушунмай.

— Энди, одамни қийнаманг-да, Саидқул ака, — деди Шоқул норози бўлиб. — Биласиз-ку, акангиздан Шоматнинг ўзиям қўрқади.

— Бу гапга Шоматнинг нима дахли бор?

— Қўйинг, Саидқул ака, келинг, яраш-яраш бўлақолсин, — деб баттар ялинди Шоқул. — Мана, яна ўн сўм... Етказган азиятимиз учун.

Шоқул чўнтагидан ўн сўмлик чиқарди. Харждан қийналган эмасманми, бир кўнглим олай ҳам дедим, лекин бу пулнинг кимдир ўзимга ўхшаган фақир-пастак талабанинг киссасидан чиққанини ўйлаб, бирдан ғазабим қўзиди:

— Эгасига қайтариб беринг! — деб бақирдим. — Кимдан тортиб олганингиз эсдан чиқмагандир?

— Эсимда.

— Ўшанга элтиб беринг.

— Хўп, ака, — дея осонгина рози бўлди Шоқул, сўнг йўлига равона бўлди, сал узоқлашиб, бирдан сенсираб қичқирди: — Ҳов! Сендан қарзимни уздим, акангга айтиб қўй! Ҳали бизгаям замон келади, шуниям айт!

«Акам»нинг кимлигини билолмай, қанчалар тааж-жубда қолганимни тасаввур ҳам этолмайсиз. Кўнглимда бир олам гумон, ётоғимга қараб жўнадим. Йўлим дорилфунун ёнидан ўтарди. Ўша жойга, етганимда, тахта будка ичидан Симхо югуриб чиқди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Задедми занғарни, Саидқул ако? — деб сўради. — Урдингизме?

— Кимни?

— Шоқулни-да! Пулни қайтиб бердиме?

— Берди, — дедим. — Ҳали унга сиз айтган эдингизми?

— Биз Назар акога айтгон, — деди Симхо, — Назар ако Шоматга айтгон, Шомат Шоқулга айтгон, Шоқул пулни Саидқул акога бергон.

— Назар ака?! — дедим баттар ҳайратим ошиб. — Назар аканинг киссавурларга нима дахли бор?

— Дахли шулки, у кишига обрў бор, — деди Симхо фахр билан. — Афторитет, Саидқул ако! Назар акадан ҳамма киссавурлар метарсад!

— «Метарсади» нимаси?

— Қўрққони-да, Саидқул ако! Қўрққони — метарсад!

— Назар акаям кузурми?

— Кузурларнинг кузури!

— Э, у кишиям ҳали... киссавурми?

— Э Саидқул ако, минбаъд мундой гапирманг-э! — деди Симхо ранжиб. — Назар ако эшитсалар бисёр хафа мешавад!

Барибир, ҳеч балони тушунмадим. Симхо менинг анграйиб турганимни кўриб, роса кулди:

— Аввал қўшилгонлар, кейин-баъдаз айро тушгонлар! Лекин афторитетлари қолгон!..

Шу тариқа, Симхо билан гаплашиб, Назар Яхшибоевнинг ёшлигига доир яна бир талай тафсилотларни ҳам билиб олдим.

Тўртинчи манзара

Тасаввур қилингки, торгина чорбурчак ҳовли, саҳнига мусулмони ғишт тўшалган, ўртасида — тошнов. Уч тараф баланд девор билан ўралган, кўр деворлар — лоақал туйнуги ҳам йўқ. Бир тарафда иккита ҳужра, деразалари саҳнга қараган. Ҳужралар олдида ўсган иккита қари тут осмонга бўй чўзиб, гўё бу диққинафас ҳовлидан қочиб чиқмоқчи бўлгандай, том оша тарвақайлаб кетган.

Ҳужраларнинг бирида кўмиру тараша сақланади, унисида Яхшибоев билан Ошно истиқомат қилади. Ҳовли эгасининг ўзи қаерда туриши номаълум. Жулдур чопон кийган жиккаккина чол. Ой сайин келиб, қимматчилигу рўзғор сарфидан икки-уч соат нолийди, сўнг

ижарагирлардан тегишини оли[б], яна бир ойгача қорасини кўрсатмайди.

Йигитлар аввалига чолни [и]ззат қилишарди, лекин кейинроқ нафратланадиган бўли[б қ]олишди. Сабабки, Ошно бир куни чолни янги тўну янги[м]аҳсида кўрди — тагида гижинглаган от, хуржуни тўла [г]улик, шаҳар бозоридан чиқиб келаётган экан...

Ошно келиб кўрганларини [а]йтди: Назар жўра, одамлар нега бунчалар ёмон-а, [б]ой-бадавлат экан, жулдур кийинмаса нима қиларди?

Яхшибоев тушунтирди: жул[дур] кийинмаса бой бўлолмасди.

Ошно тушунмади: бой бўла[туриб] жулдур кийингани нимаси? Бойликдан маъно бутл[ик] эмасми?

Яхшибоев кулди: недир ка[маяди], ошна, недир бут бўлади, яъники, камайтириб, к[ейин] бут бўлади. Фалсафани ўқиган одамсан-у, лекин [тузук] англамабсан. Мана, сен ўзинг, соғлиқдан қийи[б], мияни тўйдиряпсан, танингдан куч кетяпти, лекин а[клинг] бут бўляпти.

Ошнонинг қорни оч эди, му[шоҳадага] мойиллик сезмасди, шу боис, бор аламини ичи[га] ютди. Китобини қўлга олди, лекин ўқиёлмади, тағин кў[нглида] норозилик пайдо бўлди: ўзинг айт, Назар жўра, б[ой-бадавлат экан, бу ерга келиб нақ ярим кун йўқчиликда[н] нолиши шартми?

Яхшибоев эринмади, яна туш[унтирди: шарт эмас, ошна, лекин чоли тушмагур сал с[оддароқ, томошага ўчлиги бор, кейин... у ёғи... худодан [ҳам] қўрқади. Атай нолишга тушади, нолиш баробар[ида сену мендай ғарибу ғураболарни шилаётгани учун [ғ]уноҳини ювгандай бўлади. Таскин дегани ҳаммагаям к[ё]рак-да, ошна.

Ошно ғазабланди: худодан қўрқмайди, инсофини еган у!..

Рости, Яхшибоевнинг ҳам [қ]орни очроқ эди, унинг ҳам фалсафага мойиллиги кам[роқ] эди. Ошнонинг инжиқлигини ёқтирмади, дўққа[ю]тди: ғингшима, ошна, чидаганга чиқарган буни! Ё ҳо[р]ир бас қиласан, ё биқинингдан дарча очиб қўяман!..

Ошно бир муддат жимиб [қ]олди, лекин лаҳза ўтиб тағин жағи очилди: мусофир [ю]ртда юрибмиз, сенки менга қайишмасанг, бегонадан [н]е умид!..

Яхшибоев юмшади: жим ў[тир, ошна, ғинг деган номард! Чолдаям сал-пал инсоф [б]ор, ўзинг ўйла, ойига бор-йўғи уч сўм ижара ҳақи ол[а]ди.

Ошно маъқуллаб бош ирға[ди], сўнг яна нолиди: уч сўм — оз пул-у, лекин сену менга — катта!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яхшибоевнинг ўзи ҳам шуни ўйлаб турган эди, бирдан кайфи чоғ бўлиб, шарақлаб кулиб юборди: тўғри айтасан, уч сўм бизга катта пул кўринади, лекин чоли тушмагур барибир инсофли, аҳволимизни тушунади. Инсофи бордирки, шу арзимаган уч сўмни олаётганда нақ икки соат нолиш қилади!..

Ошно шу билан юпанди. Яна китобини қўлга олди, овоз чиқариб ўқий бошлади:

Неча асрлар ухладинг ётиб,
Кумушдек танинг балчиққа ботиб...

Яхшибоев ҳам тўшагига чўзилди. У ҳам қўлига сабогини олди. Ошнонинг майин овозига ўзининг гулдиракдай овозини қўшди:

Қулоқ бермиш сўзимга турк жон ҳам,
Ва неки турк, балки туркмон ҳам.
Не мулк ичраки бир фармон йибордим,
Анинг забтига бир девон йибордим...

Охирги сатрни ўқиб, бирдан чалғиди, ўқиган сўзларига таъбир сўради:

— «Девон»и нимаси, ошна?

— Буям бир куллиёт-да, — деди Ошно. — Ғазалларни алифбо бўйича жамлаб, кейин китоб тартиб этишади. «Алиф»дан бошлаб, то охиригача... Кейин пошшоларнинг саройини ҳам «девон» дейишаркан.

— «Девона»чи?

— Девона — девона-да!

— Уйқаш экан.

— Уйқаш.

— Нега шунақа?

— Билмадим, — деди Ошно. — Балким... анави девондан четлаштирилган вазир-пазирлар шунақа... девона бўп қолар? Нима дединг?

— Унда нариги «девон»-чи? Униси қаёқда қолди?

— Йўқ, — деб бош чайқади Ошно. — Мунинг нариги девонга дахли йўқ. Пошшо девонида тартиб бўлмаслиги мумкин, лекин ғазал девонида тартиб бор.

— Майнанг бут, — деб мақтади Яхшибоев. — Ҳали сен зўр олим-полим бўп кетасан-ов.

— Қорним оч, — деди Ошно.

Шундай дедию дўстига мўлтираб қаради. Булдуруқдан юборилган нонқоқи Яхшибоевнинг ёстиғи тагида сақланарди. Тақсимот ҳам унинг ихтиёрида. Яхшибоев инқиллаб ўрнидан турди, ёстиқ тагини кавлаштирди. Нонқоқи солинган халта ҳадеганда қўлига илинавермади.

— Қоқладингми, занғар? — деб ўдағайлади.

Важоҳати ёмон эди, Ошно қўрқди:

— Ўлай агар, текканим йўқ, жўра!

— Тегиб кўр!..

Яхшибоев яна излади. Нонқоқи ёғоч каравотнинг тагига тушиб кетган экан — топди, қўлида силкитиб кўрди, вазни кўп енгил туюлди. Тағин Ошнога ўқрайди:

— Еб қўйибсан-ку?!

Ошно халтага қўл урмаган эди, шу сабабли, дўстининг кўзларига тик қаради:

— Инсоф қил, жўра!

Яхшибоев халтани тузукроқ кўздан кечирди. Уёқ-буёғини ағдариб, бир-икки тешилган жойини кўрди.

— Сенми ё каламуш? — деб сўради.

— Э, қўй-э! — деди Ошно йиғлагудай бўлиб. — Ҳадеб маломат қилаверасанми?!

Алами келди, тескари ўгирилиб ётди. Елкалари дир-дир титрай бошлади.

Яхшибоев халтани титкилаб, кемтилган нон парчаларини бир-бир олиб кўрди.

— Сичқон экан, — деди. — Каламуш тишлаганга ўхшамайди, тиши сал майдароқ.

Ошно индамади. Елкалари баттар титради. Яхшибоев сичқон тегмаган икки парча нон топиб, бирини Ошнога узатди:

— Ма, кавшаниб ёт.

Ошно бери қайрилмади, терс ўгирилган кўйи ётаверди. Яхшибоев унинг тепасига борди. Нон парчасини қўлига тутқизди. Ошно нонни олди, секин ҳидлаб кўрди. Яхшибоев келиб жойига ўтирди. Зум ўтмай, Ошнонинг тишлари қасир-қусир ишга тушди. Яхшибоев ўзининг улушини оғзига олиб борди, лекин негадир ея олмади, бу парчани ҳам Ошнонинг қўлига тиқиштирди:

— Ма, тўйиб ол.

— Ўзинг-чи, Назар? — деб сўради Ошно ҳиқиллаб туриб.

— Менинг қорним тузук. Симхо товуқ гўшти билан сийлади.

Ошно ялт этиб бери қаради. Кўзлари ҳайратга тўла эди.

— У товуқ гўшти ер эканми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ахир, у яҳудий-ку, — деди Яхшибоев сир бой бермасдан. — Нони бўлмаслиги мумкин, лекин товуғи албатта бўлади. Парво қилма, ошна, бир куни сениям обораман.

— Қандай бўларкан? — деди Ошно сал ийманиброқ. — Мазҳаби бошқа-ку, жўра?

— Хурофотни қўй, ошна, — деди Яхшибоев. — Ҳамма одам — бир одам. Билиб қўйки, ҳозир сену менинг мазҳабимиз — қорин деган нарса. Қоринни тўйғазиш керак. Ўшанда ўқиш ҳам бўлади, ишлаш ҳам бўлади, бола-чақа, рўзғор, амалу эътибор... бариси бўлади.

— Бўлармикан, Назар?

— Бўлади!

Ошнонинг руҳи тетиклашди. Яна Яхшибоевни гапга тутмоқчи бўлди. Лекин Яхшибоев гапирадиган аҳволда эмасди. Ошнонинг нон кавшашига қараб туриб, оғзи сўлакка тўлган эди. Гапирса сири ошкор бўлиб қолишидан чўчиди. Қолаверса, Симхонинг илтимоси ёдига тушиб қийналди. Симхо уни товуқ гўшти билан сийлагани ёлғон эди. Бечора этикдўз ҳам уларга ўхшаб оч-наҳор яшарди. Касали ҳам бор эди. Касали сабаб, э Назар ако, бизга дард калон, бизга дард бисёр, агар иложи топилсо, бизга атаб деҳангиздан, яъниким қишлоқингиздан якта меш қимизу қимрон билан якта мурғи сабукдан опкелсангиз, баъдаз-кейин биздек бандаи мўмин ҳам умрбод хизматингизда бўлиб, умрбод абзалингизни бепул ямаб юрар эдик, дея илтимос қилган эди.

Ошно ўша тун тинч ухлади. Яхшибоевнинг кўзи ҳеч илинмади, тонггача тўлганиб чиқди, хаёлига турфа ўйлар келдики, э Назар, бу хил сарсону саргардон юришлар не, тинчгина қишлоқда яшасанг нетарди, юртнинг олди бўлмасанг ҳам, ҳарна, қуйруқроғидан бирорта жой тегарди-да, жонингни бунчалар азобга қўйиш шарт эдими? Яғир ёпинчиғини юзга тортиб, жимгина ухлаётган шеригига ҳам, ўзига ҳам раҳми келиб ётди. Кейин недир ёруғ толедан умидвор бўлди. Булар бари ўтар-ку, деб ўйлади, ўтганини эслашга куч-қувватимиз етса, бас.

Умидланиб ётаркан, бирдан қоқланган нонхалта эсига тушди. Жамики жамғарма тугаган, қишлоқ — узоқ, шаҳардан — нажот кам. Боши баттар ғувиллаб кетаверди.

«П у л т о п и ш к е р а к».

Шу ўй билан тонгда уйқуга кетди. Бир-икки соат ўтиб, яна шу ўй билан уйғонди. Чора излаб, мардикор бозорига борди. Кучига харидор тополмай қийналди. Харидор топилди-ю, нархини жуда паст қўйди: қорнингни тўйғизсам, бас. Яхшибоев унамади. Унагиси келди, лекин у ёқда Ошнонинг оч юрганини эслади. Вокзалга борди. Ўша ерда юк тушириб, озгина пул топди. Бозорга ўтмоқчи бўлди. Йўлда йўлтўсарга дуч келди. Чўнтагини қоқлаб олишди. Индамай кетолмади, ғазаби қўзиди, маст нордай айқириб, танидаги жони ҳам, кетган пули ҳам кўзига бирдай кўриниб, ғанимига ташланди. Ушлаб, таппа ерга босди, папалади, қовирғасини эзди. Йўлтўсарнинг қопчиғи қаппайган экан, лекин Яхшибоев фақат ўзининг пулини қайтариб олди, қолганига тегмади.

Бозордан егулик билан қайтди. Ошнога вокзалда юк туширганини айтди. Йўлтўсарни эслашди ҳам. Иккovлашиб, қоринни тўқлаб олишди. Сўнг сабоққа ўтиришди, лекин ҳафсала дегани ҳеч келавермади. Ноилож, ўринга чўзилиб, ўтган-кетгандан гурунг қилиб ётишди. Булдуруқни эслади. Ошнонинг яна инжиқлиги тутди, яна тағин, кетайлик, жўра, уйга кетайлик, дея илтижо қилди. Яхшибоевнинг айни чоғда кайфияти дуруст эди, тун бўйи ўзи ҳам айни шу ўйларни ўйлагани ёдидан чиқиб, Ошнони жеркиб ташлади:

— Писта қил, ошна! Ўқийсан энди!

— Сену менга чиқармаган экан буни, бойларнинг боласи ўқиса тузук эди.

— Энди бойлар йўқ, замон сен билан меники.

— Ўқиган яхши-ю, лекин сенга тирик товон бўлиб ўтирганим ёмон.

— Парво қилма.

— Мениям обор, менам юк туширай.

— Сени ишга олмайди, сен қилтириқсан, ошна.

— Бундайликда томоғимдан ўтмайди, жўра, текинхўр бўп қоляпман.

— Ўтаверсин. Майли, қарзга еяпман, деб ўйлайқол, кейин пайти келганда узарсан.

— Қарзга бўлса — майли. Лекин яхшиликларингни унутган номард, Назар жўра.

— Бас қил! Ҳадеб гапираверасанми!..

Шу-шу, Ошно Яхшибоевнинг қўлига қараб қолди. Ўзини тобе тута бошлади. Буниси Яхшибоевга сира ёқмасди. Ҳатто хоксор бўлиб, мўлтираб турганлари учун Ошнони бир-икки бор урмоқчи ҳам бўлди. Ҳар ҳолда, Яхшибоев айни жазмида ғоят самимий эди. Бирор беш йил бирга юриб-туриб, битта майиз бўлса ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлишиб еб, дўстига таянчу юпанч бериб, лоақал бирор марта, э, бу баччағарга ҳақим кетяпти-ку, деган ўйга бормади. Ошно айни беғаразликни сезар эди. Энг қийин дамларда ҳам ёлғизланиб, хору зор бўлиб қолмаслигини билар, содиқ дўсти борлигидан севинар эди.

Баъзи-баъзида, енгилроқ зиёфат қуриб, енгилроқ мусаллас ичиб, кайфиятлари ҳам пардай енгил тортиб қолган кезларда, Ошнонинг кўнгли баттар иярди-да, Назар жўра, дер эди, сен бор экансан — юким ерда қолмагай. Яхшибоев ҳам бирдан гапни илиб кетарди: э ошна, сенинг юкинг нима бўларди, нари борса юкхонада ташилган ўн-йигирма қопга тенг келар; майли, укасининг қорнига, сен ўқи, менинг давлатимда ўқиганинг қолади; ўрган, олиму фузало бўл, кейингисига — худо пошшо. Ошно дўстини баттар суярди: нега мени мунчалар аяйсан, Назар жўра, бир қориндан талашиб тушганинг бўлмасам, нега мениям бирга олиб чиқмайсан, нега энди бир ўзинг ҳаммоллик қиласан, мениям опчиқ, менам, бир қоп бўлмаса ярим қоп юк кўтарай, ўшанда сен икки соат ўрнига бир ярим соат ишлайсан, дарс-парсга ҳам вақтинг қолади-ку?

Лекин Яхшибоев уни юк ташишга олиб чиқмасди. Агар Ошно юк ташиса борми, Яхшибоев ўзининг васийлик ҳуқуқидан маҳрум бўларди. Унга васий бўлиш жуда-жуда ёқарди. Агар Ошно мустақил нон топиш йўлига ўтса, ўзи — гўё пултопар ўтлига не дейишини билмай ўтирган отадай — гарангсиб қолишини биларди. Қолаверса, Ошно ўзига нисбатан зеҳнлироқ эканини ҳам сезарди. Кўпинча, муаллимлар берган сабоқларни аввал Ошнога ўқитиб, кейин ўзи лўндароқ мазмунини оғзаки сўраб оларди. Ошнонинг зеҳни сабаб, ўзининг имтиҳонлардан ўтиши ҳам осон кўчарди. Шу жиҳатдан олиб қаралса, Яхшибоев ҳам Ошнога маълум даражада қарам эди.

Ошно нуқул «беш»га ўқирди. Яхшибоев эса кўпроқ «уч»га илиниброқ юрарди. Аммо бу нотенглик эвазига озми-кўп пул топиб келарди. Вокзалда, бозорларда — хуллас, дуч келган жойда ҳаммоллик қиларди. Ҳам ўқишга, ҳам ишга баравар дош бериши қийин эди. Оз муддат ўтмай, кўзлари киртайиб, бурнидан тортса йиқиладиган аҳволга тушди. Шунда у бир ойча танаффус қилди. Орттирган сармоясини бир ой майда чайнаб, яна аввалги қувватига қайтди. Яна ҳаммолликка чиқишга юраги бетламади, юқдан юраги безиллаб қолган экан. Бир кеч таваккал қилдию кўчага одамларни тунашга чиқди. Лекин ҳеч ким унинг йўлтўсар эканига ишонмади, шунчаки, савдойига дуч келгандай, нарироқдан четлаб ўтиб кетаверишди, холос.

Яхшибоев кейинчалик, кўп вақтлар ўтиб, одамларни унча-мунча тушуниб еттач, англадики, ўша кечаси у кўпроқ чароғон кўчаларда ўлжа пойлаган экан. Яна англадики, у ўзи тунамоқчи бўлган кишиларнинг кўзларига қараган экан, кўз кўзга тушган чоғда, уятми, одобми — ишқилиб, қароқчи халқига бутунлай кераксиз бир туйғу сабаб бўлиб, нигоҳини четга олиб қочган экан. Билдики, одамнинг кўзига тик қараб туриб ёлғон айтиш мумкин, лекин кўзга тик қараб туриб тунашнинг иложи йўқ. Негаки, йўлтўсарлик ёлғон эмас, йўлтўсарлик — росмана бир ҳаракат, унинг турган-битгани рост.

Ўша кеч уйга қайтиб, ортига қоракуя суртилган шиша синиғини қўлига тутди. Аксига разм солиб, яна бир хатосини тушунди. Қишлоқилиги, тўпорилиги шундоқ юзига муҳр этилган кимсага биров сариқ чақа ҳам бермайди.

Ният эсдан чиқавермади. Бир муддат мўйлов қўйиб юрди — натижаси бўлмади. Сўнг соқолини ҳафтада бир марта қирадиган бўлди — тағин натижасиз. Шу орада, ҳавасга йўлтўсарликни машқ қилиб юрганида, тасодифан рақибга дуч келди. Ўртада жанжал қўпди. Муштлашувда Яхшибоев зўрроқ экани билинди. Бирданига обрўси ошди-қолди. Сабабки, у бурнини ерга боплаб ишқаган полвонгина йигит — вокзал атрофидаги безориларнинг бошлиғи, кимсан Шомат Кузур эди. Шомат Яхшибоевнинг зўрлигини тан олди, тан олгани баробар «сулҳ» дея қўлини берди — гўё шартномага муҳр босилгандай бўлди. Қолгани жуда осон кўчди. Орттирган тажрибаси қўл келиб, Яхшибоев нари борса бир ой ичида шаҳардаги барча «кузур»ларни алоҳида-алоҳида тутиб олиб урди, кейин ўзи ҳар якшанба куни Ўртақўрғон шаҳрининг овлоқроқ қасабасида, эски бир даҳма оғзида ўтириб, жўрабошилардан «ўлпон» йиғадиган бўлди.

Бешинчи манзара

Яхшибоевнинг тақдири не кечиши аёндай эди. У қилаётган ишидан заррача ҳам афсусланмасди. Безори жўрабошилар орасида орттирган обрўси кўнглига мойдай ёқарди. Мўйлов қўйиб, соқолини ўстириб, кўча-кўйда ёқани кенг очиб кезишлар; одамларнинг ҳайи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қиброқ қарашлари; зиёфатлар; бачкироқ йўлтўсару киссавурларнинг ялтоқланишлари... бари-бариси ёқарди. Энди унинг чўнтагидан пул аримасди. Ўқишга ҳам ортиқ эҳтиёж сезмасди. Билардики, ўқиб, ўқиганига ҳужжат олиб, боринғки, тузукроқ мартабага эришиб ҳам ҳозиргидай мўл топиш-тутиши душвор. Уни дорилфунун талабалари рўйхатида сақлаб турган нарса — Ошно эди. У Ошнодан чўчирди. Ошнонинг ўзидан эмас, балки у қишлоққа бориб гап-сўз тарқатишидан чўчирди. Яхшибоев, гарчи у энди соқол-мўйлов қўйиб юрсада, юзига шаҳар нуқси уриб қолган эрса-да, Булдуруқда юққан тўпорилигидан қутулмаган эди. Ҳар қандай қишлоқи йигит каби, у ҳам ўлгудай ориятбоз эди; ҳай аттанг, Яхшибойнинг боласи шаҳардаги ўқишини удда қилолмабди-да, деган гапга қолишни истамасди.

Лекин Ошно тилига пишиқ эди. Қолаверса, унинг дўстига ихлоси баланд эди. Мабодо Яхшибоевнинг қилмишларидан хабар топганида ҳам, уни ҳеч қачон қишлоқ аҳли олдида фош этмаган бўларди. Бунга Яхшибоевнинг ўзи ҳам тез орада инонди. Инонгани баробар Ошнога меҳри ортди, уялди, кўнглидаги оғир юкни баттар туброққа беркитишга уринди.

Ким айтгани номаълум, лекин бир кун бориб Ошно унинг кирдикоридан хабар топди.

Кечки пайт эди, кўчадан юзлари оқариб кириб келди-да, каравотда чўзилиб ётган Яхшибоевнинг рўпарасига чўкди.

— Назар, — деди ўпкаси тўлиб, — Назар, айт, жўра, қусиб берайми?

Яхшибоев аввалига уни бетоб деб ўйлади, қўл чўзиб пешонасини ушлаб кўрмоқчи эди, Ошно қўлини силтаб ташлади:

— Айт, еганимни қандай қусаман, айт!?

Яхшибоев нима бўлганини сезди. Каравотига туриб ўтирди. Бошини хам қилди.

— Ростми? — деб сўради Ошно. — Айт, ростми? Ёлғондир, Назар жўра, айт, наҳотки сен?..

— Рост, — деди Яхшибоев.

Айтдию елкасини неча замонлардан бери босиб келаётган оғир юкдан халос бўлганини пайқади. Ўзича, хайрият-э, деб ўйлади, айтса бўларкан-ку, айтса тузук экан-ку, намунча қийналиб юрдим, ахир, ошкора гуноҳнинг залвори хуфясиникидан енгилроқ экан-ку?

— Ҳаром-ку, Назар! — деди Ошно.

Яхшибоев индамади.

— Ҳаромдан ҳазар қилмадингми, жўра?!

Яхшибоевдан яна садо чиқмади.

— Мени шерик қилганинг нимаси, Назар?!

— Айтолмадим, — деб ғудранди Яхшибоев. — Айтсам бўлмасди... аҳволимиз ёмон эди, ошна, мен шуни ўйловдим.

— Бу гап Булдуруққа етиб борса нима деган одам бўламиз?

Яхшибоев ошнога илкис қаради:

— Булдуруққа етмайди, — деди. — Сен еткизмасанг, бошқа одам еткизмайди.

— Еткизмаслигимни биласан! — дея бошини сарақлади Ошно. — Биласан! Билмасанг бунақа ҳаромхўрлик қилмасдинг! Бориб айтсам-чи? Айтсам нима дейсан?

Яхшибоев ўрнидан сапчиб турди. Кўзлари қонга тўлган, юзи бўғриқиб кетган эди.

— Ўлдираман! — деб бўкирди у, сўнг Ошнонинг томоғидан ғиппа бўғиб олди. — Айтиб кўр, ўлдираман!

Ўзини тутолмади, бўғаверди. Ошно унинг қўлидан тутмади, кўзлари косасидан чиқиб кетай деганида ҳам дахл қилмади, индамай турди. Бирдан Яхшибоев Ошнонинг тани бўшашиб қолганини сезди. Чўчиб қўлларини бўшатди. Ошно ерга шилқ этиб йиқилиб тушди. Ҳушдан кетмаган экан, зум ўтиб кўзларини очди.

— Ўлдир, Назар, — деб ингради. — Бундай юргандан кўра ўлганим тузук.

Яхшибоев кўзларини олиб қочди.

— Кечир, ошна, — деди овози қалтираб.

— Нимангни кечирай? — Ошно ўзини сал ўнглаб, яланг ерга чордона қуриб ўтирди. — Фақат мени ўлдириб, кейин ўзингни ўлдиришни ҳам унутмасанг бўлди, Назар!.. Шарманда қилдинг-ку! Энди не одам бўламиз?!

Ошно шу кўйда, чордона қуриб ўтирганича, узундан-узоқ дийдиё бошлади. Яхшибоевни ҳайратга қўйган нарса шу бўлдики, дийдиё асносида Ошнонинг тани бирор марта ҳам қимирламади. Кўнглида шубҳа уйғонди, тағин бу мунофиқлик қилаётган бўлмасин, деб ўйлади, не бўпти, ўзини фаришта кўрсатмоқчи бўлса-чи? Мени қоралаб, ўзини оппоқ ювиб, оппоқ тараб олса-чи? Ахир, уям менга шерик эдик-ку? Ўғирлаган бўлсам, бир ўзимни деб ўғирлаганим йўқ. Кейин, қолаверса, ўғирладим, деб ҳам айтолмайман, недир ўғирликка мингинчи шерик бўлдим, холос. Бир хаёли, Ошнони

www.ziyouz.com kutubxonasi

тик турғизиб, хумори ёзилгунча дўппослаш бўлди, лекин шу пайт дўстининг кўзларидан дув-дув ёш оқаётганини кўрди, хўрланди, хўрлангани баробар ўрнидан дик этиб туриб, каравот бошига ташлаб қўйилган шимининг камарини суғуриб олди.

— Ма! — деб бақирди. — Ма, ол, олгин-да мени шифтга ос!

Ошно ялт этиб шифтга қаради. Ранги қув оқариб кетди — шифтда пилтачироқ осадиган пишиққина илгак бор эди.

— Осолмайман, Назар! — деди. — Осардим-у, лекин осолмайман.. Жўрамсан, ахир!..

Унинг алами Яхшибоевга ҳам юқди. Қайсарлиги тутди, шартта курси қўйиб, камарнинг бир учини илгакка ташлади.

— Назарр!!.

Ошно судралиб келиб, унинг оёқларига ёпишди. Камар илгакка тузукроқ илинмаган экан, Яхшибоев мувозанатини йўқотиб, Ошнонинг устига қулади. Ошнони аяб, қўлини ерга тираган экан, тирсагида чидаб бўлмас оғриқ уйғонди, кўзларида ўт чақнаб, сўкиниб юборди:

— Ҳе, сенинг ўша инсофли онангниям!..

Ошно инқиллаб-синқилаб, унинг тагидан чиқди.

— Сўкма! — деди ғазаб билан. — Ўзимни сўксанг, майли, лекин онамни қўшма!..

Яхшибоев танбеҳ эшитадиган аҳволда эмасди. Тирсакдан чиқиб шалвираб қолган чап қўлини соғи билан тутиб, Ошнонинг қолган-қутган қариндошларини ҳам обориб-опкелди. Сўнг тишларини тишларига босиб, оғриқни енгишга уринди. Ошнонинг раҳми келди. Дўстининг майиб қўлини силай бошлади. Қўллари қизларникидай майин эди. Яхшибоев, ўша пайтдаги кучли оғриқ сабаб, айни ю м ш о қ л и к н и бир умрга эслаб қолди, кейинчалик, Ошно юксалган кезларда, Ошно ўзини ҳузурига таклиф этиб, кенг қабулхонасига шахсан ўзи чиқиб, нақ эшик олдида кутиб олиб, азбаройи самимият билан қўл чўзган пайтларда ҳам, яккаш ўша ю м - ш о қ л и к н и эслайдиган бўлди.

Лекин ўшал замонда айни ўй хаёлига ҳам келмади. Не қилиб бўлса-да, шу азобли оғриқдан халос бўлмоқ чорасини ахтарди. Ахтардию Булдуруқдаги синиқчи кампир Маҳкамойнинг уйида кўрганлари ёдига тушди. Шалвираб ётган қўлини Ошнога тутди:

— Ушла!

Ошно қўлдан авайлаб ушлади.

— Қаттиқроқ, занғар, қаттиқроқ ушла! Торт!

Ошно ботинмайроқ тортди. Пешонасига йирик тер томчилари тошиб чиқди. Беихтиёр, чап қўлини бўшатиб, енги билан терни сидирди.

— Торт, галварс!!.

Ошно оёқларини ерга маҳкам тираб, бор кучи билан тортди. Тирсак суяклари қирс этдию жойига тушди. Яхшибоев ҳолсизланиб, каравотга чўзилиб қолди. Ошно қайдандир битта тухум топиб келиб, лат еган жойга сариғини суркади, тозароқ кийимини йиртиб, маҳкам танғиб боғлади. Яхшибоев шу тафсилотни ҳам умрбод эслаб қолди: ўшанда Ошно ў з и н и н г кўйлагини йиртиб боғлади. Кўйлаги оҳорли эди, қишлоққа борганида отаси йиғиб берган пулга сотиб олган эди.

Яхшибоев икки кун тўшакдан турмади. Ошно ҳам унинг ёнидан жилмади. Уйда егулик мўл бўлса ҳам оч ўтиришди. Ниҳоят, иккинчи кун пешинда Ошно унут бўлай деган нонхалтани қайдандир излаб топди. Икки парча моғор босган нонни олиб, каттароғини Яхшибоевга тутди, ўзи кичкинасини танлади. Тошдай қаттиқ нонни қасирлатиб чайнаркан, егуликлар турган токчага ўғринча қараб олди, қизарди. Яхшибоев унинг хаёлидан нелар ўтганини пайқади.

— Майли, кечқурун ахлатхонага чиқариб ташла, — деди.

— Ўзинг ташлайсан, — деди Ошно. Овозида шу чоққача сезилмаган қатъият зуҳур бўлди. — Мен қўлимни тегизмайман.

Егулик солинган тугунни Яхшибоев ўша тунда ахлатхонага элтиб ташлади. Қайтиб кирса, Ошно ҳужра деразачаларини очиб, тоза ҳаводан мириқиб нафас олаётган экан. Яхшибоев мажозни тушунгандай бўлди — гўё шу билан бу маскандан текинхўрликнинг бад ҳавоси буткул чиқиб кетаётгандай эди.

Ошно бир ой аразлаб юрди.

Энди Яхшибоев ўқишга мунтазам қатнарди. Егани қаттиқ нон, ичгани хомсув, баъзида аввалги айшларини эслаб кўнгли суст кетарди. Яна эски йўлга қайтиш, мабодо қайтмаганда ҳам, лоақал жўрабошиларнинг беминнат базмларига бориб, тўйиб-тўйиб овқатланиш истаги хуруж қиларди. Баъзида ўзига таниш — «ўлпон» йиғиладиган жойларга қараб жўнарди ҳам. Лекин манзилгача етиб боролмасди. Сабабки, ортидан кимдир пойлаб келаётганини сезарди. Қайрилиб қарар, аммо таъқибчини кўрмас эди. Гоҳида бирор жинкўчага кир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган бўлиб, ўшал заҳоти қайтиб чиқар, пойлоқчини ғафлатда қолдириб, яққол кўриб олиш пайидан бўларди.

Таъқибчи бирор марта ҳам тутқич бермади. Яхшибоев унинг Ошно эканини англаб етди. Не сабабдан кўзга ташланмаётганини ҳам тушунди. Агар у кўзга чалинса борми, Яхшибоевнинг баттар ғазаби ортган, эҳтимолки, Ошнони тутиб олиб аямай савалаган, эҳтимолки, унинг покдоманлигига қасдма-қасд, яна ўша ёмон йўлларга кириб кетган бўларди.

Айни ҳолда эса, Ошнонинг назокату фаросатига тан бермоқдан ўзга чораси йўқ эди.

Олтинчи манзара

Ўртақўрғонда биринчи қишдан эсон-омон чиқиб олдилар. Маишатлари аввалгидай — тангроқ эди. Ернинг қори кетиб, толлар баргак таққан маҳали Ошно ёлғиз ўзи Булдуруққа бориб келди: нонқоқи, туршак, бир халтача қурут келтирди. Қишлоқдаги янгилик шу эканки, колхоз раиси қайтиб турмабди, Ҳотам Шўро колхозга раис бўпти, мулла Гаффорни котибликдан туширишибди, ҳозир қишлоқ шўросига Очил сариқ, котиблигига Восит карвоннинг ўғли Эшбек сайланибди, қолганлар ҳаммаси жой-жойида, ҳаммаси соғу саломат, кўпдан-кўп саломлар йўллапти.

— Қизлар-чи, ошна? — деб сўради Яхшибоев. — Қизларни кўрмадингми?

— Қизларни кўрмадим. Янаги ҳафта сумалак қилишаркан, лекин мен қололмадим.

— Сумалак — эскилик сарқити-ку?

— Менам шуни айтдим, лекин Ҳотам Шўро рухсат берган эмиш.

— Бошига бало орттирибди-да.

— Билмадим. Ўзидан сўрасам, нуқул кулади. Культурний бўп кетибсан, бола, ўлсам жанозамга ҳам келмайсан чоғи, деб мазах қилди.

— Соғлиғи тузукми ўзи?

— Тузукдай. Тезроқ ўқинглар, деб айтди. Нўғой муаллималардан иккитаси «кетаман» деб ғалва қилаётган эмиш. Ўшаларнинг ўрнига олмоқчидир-да.

— Энди, тўғрисини айтганда, муаллимлик яхши касб-да, ошна. Қишлоқнинг олд одамлари шулар. Асли сену мен қисқароқ бир курсга кирсак бўларкан, тезроқ тугатиб кетардик, лекин бу дорилфунун дегани... беш йил қачон тугайди деб юраверамиз энди...

— Отанг ҳам шу гапни айтди. Одамларнинг боласи олти ойда ўқишни тугатиб, катта бўп кетяпти, деди, сен икковинг беш йиллигига кириб аҳмоқлик қилдинглар, деди. Сени уйлантирмоқчи экан. Холангнинг қизига. Бу ёғи нон синдирсак, ўзи бир келиб кетса, деб айтади.

— Бормайман, — деди Яхшибоев қовоғини солиб. — Тўрва қилиб бўйнимга осади, кейин ўқиб бўпман!.. Пул-мул бермадими?

— Пули йўқ экан. Бизнинг уйдаям йўқ. Ҳотам Шўро беш сўм берди, мана.

Ошно қўйин чўнтагидан бешта бир сўмлик чиқариб, учтасини Яхшибоевнинг олдига қўйди:

— Сенинг қорнинг катта, менга озроғиям бўлаверади. Бир амаллармиз, нима дединг?..

Яхшибоев индамади. Пулнинг икки сўмини олиб, бир сўмини Ошнонинг олдига сурди. Ошно пулни олиб, токчага ташлади.

— Майли, — деди. — Тенг бўламиз. Қаро кунга тура турсин. Жуда бўлмаса мардикор ишлармиз. Нима дединг?

Яхшибоев гапирмади. Ошнонинг заифгина қаддибастига қараб, ғамгин кулимсиради.

— Парво қилма, Назар жўра, — деди Ошно унга далда бериб. — Бизга аталгани ҳам топилиб қолар. Лекин холаваччангга уйланмаганинг маъқул. Кўриб юрардик, унчаям ҳуснли эмас. Бир-иккита ҳуснидорини биламан-у, айтгим келмайди.

— Ўзингга атаб қўйгандирсан-да?

— Қўйсанг-чи, Назар жўра, мингта қиз бўлсаям сендан қизғанмасман. Ўзинг ўйла, ҳусни борнинг нозиям бор, қалин пулини кўпроқ сўраса нима қиласан, иштонингниям сотиб берасанми? Ўзи сену менда иштон борми?

— Ҳарна, бекитадиган нарса бор-ку.

— Шуям бўлмасинми!

— Рост айтасан. Лекин бу ёғига тузукроқ чора ахтармасак бўлмайди.

— Айтдим-ку, парво қилма, деб! — кулди Ошно. — Мол-дунё топилади, лекин илм топилмайди.

— Насиҳатингни отангга қил! — деди Яхшибоев ранжиб. — Оч қорингга ўқиб бўпсан!

— Энди, сенам ота ўрнидасан-ку, Назар жўра, — деди Ошно жилмайиб.

Яхшибоевнинг баттар ғаши келди. Лекин ортиқ пачакилашиб ўтиришни эп кўрмади. Шу сабаб, муҳимроқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

хаёлларга берилди. Ошно кўтариб келган егулик неча муддатга етишини чамаи чўт қилди. Ҳисобдан кўнгли қониқмади, ўксинди, ўксингани баробар жўрабошилардан «ўлпон» йиғиб юрган дамлари эсига тушди.

— Оч қолсак, яна «ов»га чиқаман! — деди қатъий қилиб. — Бошқа илож йўқ.

— Ҳаромни егунча, очдан ўлган тузук.

— Еган эдинг-ку, — деб кесатди Яхшибоев. — Ўлмадинг-ку?

— Ғафлатда қолдим, Назар, энди унақа найрангларинг кетмайди.

— Ол-а! — Яхшибоев ғазабланиб. — Биргина ўзинг оппоқ бўлиб қолгинг келдими? Қолиб бўпсан! Егизаман! Бурнингдан тиқаман! Ҳамма нарса тенг экан, ҳаммаси ўртада экан, демак, сенам ўша ҳаром луқмадан улушингни оласан!..

Ошно эътироз билдирмади. У жуда хотиржам кўринарди. Яхшибоевнинг замзамалари тугашини кутди, сўнг хонтахтага тўшалган эски қоғозни юлиб ташлаб, қишлоқдан олиб келган сал оҳорли дастурхонини ёзди.

— Уйларингдан бериб юборишди, — деди. — Кел, Назар жўра, энди лоақал шуни ҳурмат қилайлик. Бечоралар у ёқда умидвор бўлиб ўтиришибди, лоақал ўшаларнинг умидларини синдирмайлик, кел, жўра, шу тоза дастурхон тозалигича қолсин!..

Ошно овозини баландлатгани йўқ, тантанабозлик ҳам қилгани йўқ — жўн ва жўяли гапирди. Гапи самимий экани, юракдан чиқаётгани сезилиб турди. Шу боисданми, Яхшибоев тўлиқди, кўнгли недир юксакларга кўтарилиб бораётганини ҳис этди, лекин, сал ўйлаб туриб, барибир қониқмади.

— Яхши гапиряпсан, — деди нохуш кулиб, — қанийди шу гапларинг билан қорин тўйса!

— Қорнинг тўйиши шартми? — деди Ошно бирдан тутақиб. Овози ёмон чийиллаб чиқди. — Қорнингни ўйлайверма-да, нокас! Қорнингни тўйдириш — мана, менга тан! Қараб тур, ҳали сени тўйдираман, нақ бурнингдан чиқараман!

— Бўпти, — деди Яхшибоев. — Тўйдир мени, бурнимдан чиқар. Ўшанда мендан илмниям сўрайверасан!..

Шундай дедию ўзини тутолмай кулиб юборди — Ошнога ишонмади, уни шунчаки чиранмачоқ деб ўйлади.

Ошно сўзининг устидан чиқди. Бирор ўн кунча ўтиб, Булдуруқдан келган егуликларнинг охири кўринай деб қолганида, сабоқдан чиқиб қайгадир йўқолдию кечқурун роса бир қучоқ харид билан ҳужрага кириб келди. Қўлидаги қоғоз халталарни хонтахта устига қўйди-да, нафасини ҳам ростламай, токчадаги чироқнинг пилигини баландлатди.

— Қара! — деди. — Қара, Назар жўра, мен нималар опкелдим!

Яхшибоев, каравотда узала тушиб ётганича, менсимайроқ қаради. Шунда Ошнонинг иззат-нафси қўзғади чоғи, қоғоз халталарни бирин-кетин йиртиб ташлади. Лаҳм гўшту думба ёғи, гуручу сабзи, кўкату қалампир, иссиққина гижда нонлар... хуллас, чиройли бир манзара намоён бўлдики, Яхшибоев беихтиёр ётган жойидан туриб кетди.

— Ректорнинг қизига уйландингми, ошна? — деб сўради.

Ошно беписанд қўл силтадию ректорнинг куёвидан баландроқ туришини билдирди. Мамнун бўлиб кулди, қани, топ-чи, дегандай, қўлларини кўкрагида чалиштириб, ғоз тураверди.

— Шомат бериб юбордими? — деди Яхшибоев.

Ошнонининг лаблари буришиб кетди. Дўстига алам билан қаради, сўнг қўйнидан ғижимланиб кетган газета чиқариб, хонтахта устига ташлади:

— Ўқи! Шоматнинг саводи йўқ, сен ўзинг ўқиб кўраркансан атай бериб юборди!

Яхшибоев газетани олиб, сарлавҳаларга кўз югуртирди: «Сандал — сарқит, печка — жон ҳузури», «Пиллакашлар жасорати», «Муштумзўрларга жавоб», «Салима қиз Масковга жўнайди» ва ҳоказо. Ўқиди-ю, ҳеч балога тушунмади.

— Ичини оч! — деди Ошно бетоқат бўлиб.

Яхшибоев газетанинг ички саҳифаларини очди. Очган заҳоти каттакон сарлавҳага кўзи тушди:

«БУРГУТНИНГ ПАРВОЗИ»

Мақола тагига қаради: «Хорун Булдуруқли». Кўзларига ишонмади, Ошнога савол назари билан тикилди:

— Сенмисан?

— Мен, — деди Ошно, сўнг негадир сал қизарди. — Лекин бир ўзиммас, озгина ёрдам беришди.

— Ҳали сен шоир экансан-да, ошна? — деди Яхшибоев баттар ҳайратланиб.

— Шоирмас, журналист, — деди Ошно дўстининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

хатосини тузатиб. — Шоир шеър ёзади, журналист дегани — мақола...

— Зўрсан, уккағарнинг боласи! — деб хитоб қилди Яхшибоев. — Ўлмасанг одам бўласан, бола! Зиёфат шунгами?

— Шунга, — деди Ошно яйраб. — Шунга, жўра.

— Бекор қипсан-да, — деди Яхшибоев. — Чиқимни кимдан қарз олдинг?

— Ҳеч кимдан.

— Қўйсанг-чи!

— Рост, Назар жўра, пул — ўзимники. Қара, мақола катта-ку, битта ошга етадиган-да ўзи!

— Йўғ-э! — деди Яхшибоев. — Ҳали газетга ёзганга пул берар эканми?

— Ҳа-да!

Ошно дўстини ҳанг-манг қолдириб, ўзи ташқарига чиқиб кетди. Сал ўтмай, қўшни кампирни бошлаб кирди. Келтирган масаллиғини кампирнинг қўлига бериб:

— Биргина ош қилиб берсангиз, ойтимулло, — деди. — Икки кишига етса бас, қолгани сиз билан невараларингизга. Йўқ деманг, ойтимулло!

Кампир йўқ демади, йигитларни дуо қилиб, масаллиқни кўтариб чиқди. Икки соатлардан кейин, каттагина лаганда ош сузиб келди, яна дуо қилди. Ош хушхўр бўлган экан, Яхшибоев зўр иштаҳа билан еди. Ошно одатдагидай чимхўрлик қилди. Қувончга тўйиб қолган эканми, икки-уч чимдиган бўлдию сўнг четланиб, дўстининг тамадди қилишига завқ билан қараб ўтирди. Яхшибоев овқатни паққос тушириб, тагидаги ёғини ҳам бармоқлари билан сидириб, нон суртиб тозалаб бўлдида, секин дўстига гап қотди:

— Сен енгдинг, ошна. Қани, газетни бер, бир ўқийлик.

Ошно аввал қўл артгали сочиқ узатди, кейин газетни берди. Яхшибоев каравотга чўзилиб, бир бошдан ўқий бошлади. Мақола Ҳотам Шўро ҳақида экан. Ҳотам Шўрони Ҳакима отин туққанию кейин бола улғайиб, инқилобчиларга қўшилиб, босмачиларга қарши курашиб, орден олгани ҳақида.

«Булдуруқда дарё йўқ, — деб ёзган эди Ошно, — Дарё ўзанини ўзгартириб, бу ерларни қақратиб қочиб кетган. Лекин, гарчи Булдуруқда дарё бўлмаса-да, уни кемага ўхшатсак жоиз. Кемаки, келажак сари собит сузиб бормоқда. Унинг дарғаси — Ҳотам Шўро. Ишончли одам. Жангларда тобланган, халқ манфаатларини

туну кун ўйлайдиган, халққа қайишадиган ҳалол киши. Унинг ўзига ишониб топширилган кемани ёруғ келажак манзиллари сари оғиштирмай элтишига асло шубҳа қилмаймиз»...

— Ўзинг ёздингми шуларни? — деб сўради Яхшибоев, бир зум газетадан кўз узиб. — Ҳа-я, ёрдам беришди, деб айтдинг-ку.

Овозида андак ғайирлик сезилди. Лекин Ошно ғайирликни пайқайдиган аҳволда эмасди. Шу сабаб, хурсандлик билан тан олди:

— Дарғани ўзлари тўқиган, лекин қолганини ўзим ёздим. Кеча борганимда Ҳотам Шўро билан гурунг қилувдик. Айтдим-ку сенга, колхозга раис бўпти, деб?.. Нўғой муаллималар кетармиш, ўшаларнинг ўрнига икковимизни мўлжал қиляпти экан.

— Қадаминг бошқача-ку, — деди Яхшибоев ҳасадини яширолмай. — Энди у ёқларга қайтиб борармидинг!

— Бораман, жўра. Бормай нима қилардим, Охунбобоевнинг жойини олармидим...

— Олсанг ёмон бўлмасди, — деб тўнғиллади Яхшибоев. — Лекин бир жойда хато қипсан, Ҳотам Шўро сен ёзгандай икки марта эмас, тўрт марта ярадор бўлган.

— Майли-да, — деди Ошно. — Қаҳрамонни яланғочлаб кўрсатиш шарт эканми?

— Шундай-ку, лекин рости яхши-да, — деди Яхшибоев.

— Қўй, Назар жўра, — деб кулди Ошно. — Сенга ярашмас экан. Гавдангга қара, ҳўкиздай полвон одам, мендақа бир полвонмасга кунчилик қиляпсан. Уял-э! Ҳар кимнинг қўлидан келгани-да...

Яхшибоев дув қизарди. У қизаргани сайин Ошнонинг қувноқлиги ортарди. Энди у баралла кула бошлади. Яхшибоев ҳам унга қўшилди. Кулиш асносида «Бунақаси мениям қўлимдан келади!» деган фикр ярқ этиб хаёлидан ўтди.

Яхшибоев ўжар йигит эди. Айтганини қилмай қўймади — Ўртақўрғон газетасида кичик бир лавҳасини бостирди. Минг бир азоб билан ёзилган шапалоқдай хабар устига ўқлоғидай қилиб, «ҚИЗИЛ ҲАШАР» деб ном қўйишган эди. Яхшибоевга лавҳадан ҳам сарлавҳа кўпроқ ёқди. Унингча, айни сарлавҳа Ошно топган сарлавҳадан сира қолишмасди. Ўша куниёқ дорилфунун ректори уни ҳузурига чақириб раҳмат айтди. Талабаларимизнинг хайрли ишларини мат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

буот саҳифаларида ёритиб, яна бир хайрли иш қилибсиз, ука, бундан бу ёғига янада ғайрат қилинг, пишиқ йигит кўринасиз, келажак — сизларники, дея кўнглини кўтарди. Қаламнинг учи ингичка-ю, лекин қамрови кенг, ука, деб тушунтирди, бу ёғига фақатгина бизнинг дорилфунун билан чекланиб қолманг, бошқа жабҳаларни ҳам ёритинг, сизга омад тилайман.

Яхшибоев ректорнинг ҳузуридан кўкраги тоғ бўлиб чиқди. Ошнони топиб, сениям ректор чақирувдими, деб сўради. Ошно саволга тушунмади, бирор айб иш қилмасам, нега мени чақиради, деб ҳайрон бўлди. Яхшибоев масаланинг моҳиятини англатди. Шунда Ошно унинг соддалигидан кулди: э, жўра, мен Булдуруқдаги Ҳотам Шўрони ёздим, сен эса дорилфунундаги қизил ҳашарни ёздинг, ректор албатта сени чақиради-да.

Қалам ҳақи теккан куни Яхшибоев ҳам зиёфат берди. Бу зиёфатдан муддао шу эдики, не бўлса-да, Ошнодан ортда қолмаслик. Иддаони сезиб турса ҳам, Ошно унга қўшилиб зиёфатга борди, газетадан икки киши қўшилди, тўртовлон трамвай депоси ёнидаги «намунали ошхона»га киришди. Яхшибоев заказни қуюқроқ қилди-ю, охирида пули етмай қолди. Аммо «намунали ошхона» буфетчиси унинг довруғини эшитган чоғи, ортиқча ғингшимай, нася дафтарини очди: «Ҳеч бокиси йўқ, Назар ако, мана шу ерга бармоқ боссангиз, бас, кейин йигитларингиздан бирортаси келиб узиб кетар...». Буфетчи уни барча безорилар каби саводсиз деб хаёл қилган эди, Яхшибоев таққирга чидаб туролмади, қарздорлиги ҳам эсидан чиқиб, дўқ урди: «Қаламингни ол, занғар!» Буфетчи титраб-қақшаб, қулоғига қистирилган қаламини олиб берди. Яхшибоев қаламнинг учига туфлаб, куни кеча газетада чиққан имзосини қўйди: «Назар Булдуруқ».

— Ҳақингни кейинги мақоламдан оласан, — деди. — Ҳозирча, яна бир шиша бергин-у, икки шиша қилиб илдириб қўй. Тушундингми?

— Ҳа-да, Назар ако.

— Имзонинг биттасиям етар?

— Етади, Назар ако. Имзо қўймасангиз ҳам ишонамиз, кечирасиз, биздан хато ўтибди.

Яхшибоев насяга теккан бир шиша ичкиликни кўтариб, даврага қўшилди. Гурунг айни қизиган пайти эди. Газетчилардан ёши улуғроғи, яшилранг кулоҳ кийгани, Ошнога келажакдан лоф ураётган экан. Ошнонинг юзидан ҳеч бало сезилмас, лабларида доимий ним табассуми, жимгина бош лиқиллатиб ўтирар, ортиқча гап қўшмас, боринғки, одобу адабнинг ўзгинаси эди.

— Келинг, Назар Булдуруқ, — деди Кулоҳ Яхшибоевнинг қўлидаги шишага кўзи тушиб. — Ўтиринг, яқинроқ ўтиринг, ўртоқ Назар Булдуруқ. Сиз ҳали ёшсиз, дўстингиз ҳам ёш, яшил новдаларсизки, боғбон парваришига муҳтож.

— Пул етмади, қисталоқ, — деди Яхшибоев.

— Пул топилади, дўст топилмайди, — деди Кулоҳ гапга унчалик ҳам тушунмай. — Дарахт ёшлигида парваришга муҳтож бўлади. Ва лекин муҳтожлик айб эмас. Келинг, ёш дўстларим, ўшал беғараз боғбон камина мен ўзим бўлай. Ўзим боғбон бўлай-да, сиздек ниҳолларни нақ чинорга айлантирай. Қалай, Назар Булдуруқ, чинор бўлгингиз келадими?

— Қайдам... — деб елка қисди Яхшибоев. — Бизга қайрағоч-пайрағоч бўлиш насиб этсаям майлийди.

— Йўқ, Назар Булдуруқ, — деди Кулоҳ. — Қайрағоч пишиқ дарахт, лекин чинорнинг соясида қолиб кетиши мумкин. Мен эса, сиздек ёш ниҳолларни нақ қуёшга бўй чўздираман!.. Хўш, сиз бунга нима дейсиз, ёш дўстим?

Кулоҳ Ошнога юзланди. Ошно бирданига жавоб қайтармади, ерга қаради, сўнг яна ўша алпозда, ердан кўз узмай туриб деди:

— Буям бир мулоҳаза-да, устоз, сиз шу кулоҳингизни олиб юрсангиз бўлармиди...

Кулоҳ қаҳ-қаҳ отиб кулди:

— Нодонсиз, ука! Гап кулоҳда эмас — кулоҳнинг тагида! Кулоҳнинг тагида шундай бир ақл борки, ҳарнеки балоларга ҳарбу зарб айта олади!

— Бўлмаса, лоақал рангини ўзгартиринг, — деб илтимос қилди Ошно.

— Нима, менинг мафкурам бутлигига ишонмайсизми, ука? — деди Кулоҳ азбаройи ранж билан.

— Аяган кўзга чўп тушмайди, устоз. Мен сизга жуда-жуда ишонаман, лекин...

— Ишонганингиз — кўп улуғ! — деб хитоб қилди Кулоҳ. — Лекин-пекинга ҳожат ҳам қолмайди. Қараб турингланг, ҳали мен сизларни Жулқунбой даражасига еткизаман!

— Шартмас, — дея эътироз билдирди Ошно. — Жулқунбой — битта. Ҳар ким ўз кунига омон бўлсин.

Яхшибоевга Ошнонинг иззат сақлагани, ўзи озгина бўлса-да қарамроқ бўлган одам билан теппа-тенг туриб гаплашгани ёқди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ошномиз тўғри айтади, — деди у Кулоҳга қараб. — Жулқунбой бўлиш қийин гап. Бизга унча-мунча ёзган лавҳаларимизни бостиришга ёрдам берсангиз ҳам бўлаверади. Албатта, агар келиштириб ёзолсак... Ўхшатолмасак, майли, унда ўтказмай қўяқолинг. Бизга ғайирлик қилмасангиз бас, ҳарна, иккимиз ҳам мусофирмиз, қўлимиз калтароқ, очин-тўқин юришимиз бор....

— Маломат! О, не маломат бу?! — дея хитоб қилди Кулоҳ.

У қўлидаги стаканни бир ҳимо билан бўшатди, сўнг ҳўнграб йиғлай бошлади:

— Нонкўрлар! Орзу нелигини билмаган зулмат бандалари! Жулқунбой бўлишни истамаган гумроҳлар!..

Кулоҳни бир амаллаб юпатишди. Юпатиш учун унинг барча шартларига кўнишга тўғри келди. Шартлари кўп эди: ундан устозлигу булардан — Жулқунбой бўлиш, Ҳамза бўлиш, Авлоний бўлиш ва ҳоказо улуғ зотларнинг тақдири муборакларига муносиблик.

Ниҳоят, Кулоҳнинг уни ўчди. Уни ўчгани баробар шишага ружу қўйди. Яхшибоев ноилож яна насяга коньяк келтирди. Ошно унинг аҳволини сезиб-билиб турар, лекин эътироз қилишга журъати етмасди.

Зиёфат давомида Кулоҳни ёмон кўриб ўтирди. Ниҳоят, базм тугади. Яхшибоев қулоғигача қарзга ботди. Икки дўст азиз меҳмоннинг икки кифтидан олиб, маҳалласига суяб-судраб кетишаётган пайтларида, Ошно меҳмоннинг бошидаги яшил кулоҳини олди-да, ўнг қўлдаги томга қаратиб улоқтирди.

— Энди кулоҳингиз йўқ, устоз, — деди у. — Сал замонавийроқ бўласиз. Йўқса, ҳолингизга маймунлар йиғлайди.

Ўшанда Ошно ёмон каромат қилган экан. Кулоҳ яна қайдандир кулоҳ топиб кийди. Бу галгиси қизил рангда эди. Лекин рангидан қатъи назар, кулоҳи кимларнингдир кўзига ўтиришмади, ишдан ҳайдалди. Хатосини ўзи ҳам англаб етди чоғи, жўнроқ телпак кийди, шапка кийди, ҳаттоки шляпа кийди, лекин барибир газетчиликка қайтиб киролмади. Қайсидир чет қишлоқда муаллимчилик қилиб ўтди. Ичишни бутунлай ташлаб, яхши шогирдлар етиштирди, иззат-икром топди, кейин, вафотидан икки йил ўтиб, ўша ўзи ишлаган мактабга номи ҳам берилдики, буниси — бутунлай бошқа тарих...

Дарвоқе, яна бир тафсилотни эсламай ўтолмайман. Гумроҳлигим шунчаликки, Назар ака ўзининг биринчи

қалам ҳақидан нақл қила туриб, кула-кула Кулоҳни эслаганида, мен нодон аввалига фас киядиган жадид-падидлардан ёки пантуркистлардан бўлса керак-да, дея тахмин қилдим. Тахминимни айтувдим, Яхшибоев бирдан сергакланди. Қўйсангиз-чи, Саидқул, деди ранжини яширолмай, газетчининг бошидаги нарса кулоҳ ҳам эмас, фас ҳам эмас экан, шунчаки бир қалпоқча экан, кейинроқ билсам, бечора бир замонлар Петербургда таҳсил кўриб, ўша ерда ҳавасга сотиб олган экан. Энди баъзида ўшанақа қалпоқчани баобрў, мафкураси зўр академикларнинг бошларида ҳам кўриб қоламан, деди, олимларнинг пўрим қалпоқчаси бўлса керак-да...

V БОБ

Бемор

Эрталаб ҳаммаси оёғи куйган товуқлардай зир югуриб қолишди. Ҳамширалар, врачлар, доценту профессоргача — уни йўқлаган, соғлиғини суриштирган. Гўё касалхонада ётган одамдан шуни сўраш шартдай!..

Яхшибоев аввалига аччиқланди, кейин тушунди. Масаланинг моҳияти шу эканки, бош врач қабулхонасига кичкина телефонограмма тушибди:

«Ўртоқ Яхшибоев 12.00 да ўз жойида бўлсин».

Роса елиб-югуришди. Талмовсираб гап кавлаганлар ҳам бўлди. Лекин Яхшибоевдан тайинлироқ садо чиқмади. Энди эса, ажабмаски, бурчак-бурчакларга тўпланиб олишиб, секин ғийбат қилишаётган бўлса: «Анави сассиқ чол устимиздан шикоят ёзганмикин?..»

Яхшибоев уларни юпатиб ўтирмади. Майли, деб ўйлади, озгина ҳовлиқиб туришгани маъқул, чўчишса ҳам майлига, негаким, кейин, елкаларидан юк ариган маҳали туядиган шодликлари ҳам шунга яраша бўлади.

Ювинди, соқол қиртишлади, нонуштага ҳозирлик кўрди. Бу гал ҳам йўлак четидаги емакхонага борди. Атай қовоқ солиб ўтирди — эски жойида, камгап кампир билан бир столда. Овқат устида сал ғингшигандай бўлди: «Бўтқанинг тузи камроқ». Кейин ўйланиброқ қолди. Қизиқ, деди ўзича, уйда емагандан кейин билиб бўлмас экан, бўтқага туз солинармиди ўзи?..

Хизматчиларнинг саросимага тушиб, елиб-югуриб, ликобчадаги бўтқани алмаштириб кетганларидан англадики, у янглишибди, бўтқага умуман туз солинмас экан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Бўтқа, бўтка, бўтга, бутга...»

Айни сўзни турли алпозда туслаб, турлаб, чайнаб кўрди, лекин барибир, оҳанги ёқмади. Хунук, хунуккина экан, деб ўйлади, бу ёғи — таржима этиш ҳам қийин. Бўтқа, манна бўтқаси... «Манна» сўзининг маъносини чақолмай, бир муддат овора бўлди. Иккала қўшниси, Дароз билан Хумкалла (Яхшибоев уларнинг исмларини аташни истамади), очеркчию танқидчи, нарироқдаги столда, томоқларидан овқат ўтмай, Яхшибоевнинг бирор имосига маҳтал бўлиб ўтиришарди, ноилож ўшаларга гап қотди:

— Остонақул, — деди Дарозга қараб, сўнг қошиқча билан ликобчани нуқиб кўрсатди, — танаввул этилмиш таомнинг номи нимайди?

— Манний каша, — деган жавоб бўлди.

— Ҳай-ҳай! — дея бошини сараклади Яхшибоев. — Киссада белатингиз бор-а!..

— Умуман, каша — бўтқа, — деди Хумкалла. — Бу бўтқа буғдой ёрмасидан қилинади, демак, номи — буғдой ёрмасидан қилинган бўтқа.

— Ёрма бўтқа экан-да?

— Шундай, устоз. Ёрма бўтқа.

Яхшибоев сўзни шу билан тугатиб, яна аввалгидай кибрли бўлди-қолди. «Ёрма бўтқа»ни бир амаллаб еб, ўрнидан турди. Палата ёнига бориб, деразадан ҳовлини кузатиб турди. Қўшнилари ҳам келиб, икки дераза нарида туришди. Яхшибоев уларни сезиб турди, лекин қайрилиб қарамади.

Палатага кириши билан телефон жиринглади. Яхшибоев девордаги соатга қаради: ҳали эрта, ўн иккию нул нулга ҳали қанча бор. Эриниброқ трубкани кўтарди:

— Устоз, безовта қилдик, айбга буюрмайсиз.

Овоз эгасини дарров таниди — кўпроқ гапирадиган одам.

— Дўхтир кўрадиган эди, Суярқул ука, — деди. — Мухтасарроқ бўлсин...

— Битта жой бўш эди, Чоршанбиев укамизни тавсия қилишди, шунга...

— Укангиз? — деди Яхшибоев ғаши келиб. — Чоршанби сиздан каттароқ, агар билсангиз!.. Хўш, тавсия қилишса менга нима?

— Маслаҳат маъносида, устоз, ўзи қалай, ишкали йўқми?

— Қўрқоқроқ йигит, демак, ишкал-пишкали йўқ. Бемалол олаверасиз. Мансаб ўзи тузукроқми?

— Муовинликка?

— Унда бўлмайди. Мудирлик-пудирликни эплаши мумкин, лекин каттароғига ярамайди. Мудирлардан бирини муовинликка олинг, буни — ўшанинг ўрнига. Менинг тавсиям шу.

— Ўзигаям айтаверайми?

— Айни шу гапни айтинг. Акс ҳолда, сизни тушунмай ғингшиши мумкин. Кейин яна ўстираман, деб ваъда қилсангиз ҳам бўлаверади. Ҳар ҳолда, умидвор бўлиб, жонини жабборга бериб ишлайди. Ўзи ғайратли йигит, сал бошқариб турсангиз, бас. Бўлдими?

— Раҳмат, устоз. Яна бир бор узр.

— Балли, саломат бўлинг.

Яхшибоев трубкани зарда билан жойига ташлади. Тавба, деб ғудранди, бунчалар майдакаш бўлишмаса. Шунчаки муовинликкаям мендан тавсия сўрайди. Қадам босмай туриб, қалтироқ босади буларни, токи жонлари тинч бўлса, токи Чоршанби ишни эплолмаган тақдирда менинг номимни рўкач қилиб, бало-қазолардан қутулиб қолишса. Билмайдики, ишнинг расвоси чиққанида Чоршанби эмас, унинг ўзи учиб кетади, негаки, Чоршанби қурғур тагига сув кетиши билан менинг ёнимга югуриб келади, мен бечора бўлсам, жоним ҳалак, унинг шалтоғини артиб, тузатиб, ярақлатиб оламан, икки ўртада Суярқул укамизнинг қурбон бўлгани қолади!..

Таъби хира тортди. Ҳордиқ тусаб, каравотга чўзилмоқчи ҳам эдики, наматини кўтариб, бадантарбиячи жувон кирди:

— Назар Яхшибоевич, зарядкага!

Яхшибоев ночор қолди. Шиппагини кийиб, халатининг тугмаларини ўтқаза бошлади.

— Кўринишингиз зўр! — деди жувон. — Кўз тегмасин!

— Кўринишим кўр-пўрга ёқмаса, сизга ёқмаслиги аниқ, — деди Яхшибоев кулиб. — Сиз мисоли Азроилсиз, хоним, ҳар чошгоҳда жонимни олгани келасиз.

— Нафасингиз совуқ, Назар Яхшибоевич! — дея ранжигандай, лекин шу баробар ширингина қилиб танбеҳ берди жувон. — Бошқа ўхшатиш қуриб кеттандай!..

— Э, қўяберинг! Ҳазрат Навоий ҳам гўзал хотинларни нақ Азроилга ўхшатган, муҳаббат домига илинтириб, кейин жонгинангни суғуриб олади, деб айтган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ичида кулди: ўл-а, Навоий шу гапни айтганми ўзи?

— Унчаликмасдир? — деди жувон.

— Энди, шундай бўлмаса ҳам, шунга ўхшашроқ, хоним. Ахир, ўзингиз ҳам жон офатисиз-да!

— Яхши кўриб қолдингизми, дейман?..

Яхшибоев тасдиқ маъносида бош иргади. Кейин ўзига, Шариф бўлиб кет-э, деб танбеҳ берди. Жувонга тузукроқ разм солди. Ўрта бўйга яқин, тиқмачоққина, аъзолари бир-бирига мутаносиб, туртиб чиққан жойи йўқ, бирдай думалоқ, бирдай юмшоқ. Танида ширингина бир оғриқ жимирлагандай бўлди-ю, ўша заҳоти сўнди.

«Соб бўпсан, Назар!..»

— Кексайганда нуқул яхши кўришга кунимиз қолган, хоним. Ёшлик ўтди, ўтдию кетди!.. Ўт эдик, олов эдик, ҳар имога бир жимо!..

Ҳаддан ошганини сезди. Лекин жувон гапини кўпда тушунмаганини сезиб, тағин дадил тортди:

— Бу дейман, хоним, айни масканда... бекорчи ётиб куч йиғаётган чолларнинг ичида ишлашингиз қийиндир-ов?

— Осон, жудаям осон, — деди жувон шўх кулиб. — Эрим — боксчи, сизга ўхшаган чоллар шўхлик қилса, бир зумда танобини тортиб қўяди.

— Менга бас келолмас?

— Тўғри, сиз бақувватроқсиз, лекин сизгаям бас келади.

— Унда чатоқ экан. Энди қайтиб сизга ҳазиллашмаганим бўлсин. Лекин, хоним, агар ёшлигимда дуч келсангиз борми, омон қўймасдим.

— Ёшлигингизда дуч келмаганим ҳам тузук бўлган экан. Бўлмасам, бугун келиб қариган-чуриган кампир бўп қолармидим?..

Жувоннинг дуркун қаддига, тиришсиз юзига боқиб туриб, Яхшибоевнинг хўрлиги келди. Хўрликки, ҳар неки ҳирсдан холи, турган-битгани зориқиш, соғинчу армон... Ғамгин илжайди:

— Кампирликнинг ҳам ўзича гашти бор, хоним.

— Айтмай қўяқолинг!..

Жувон яна кулди. Наматини ерга ёзиб, Яхшибоевни ётқизди. Оёқ-қўлларидан тутиб, секин машқ ўргатди: «Бир деганда кўтарасиз, икки деганда туширасиз, уч деганда — яна, тўрт деганда — яна....» Яхшибоев машқларни қулоқ қоқмай бажарди. Чарчади, терга тушди. Жувон каравотдан сочиқ олиб, юзларини артиб қўйди.

Яхшибоевнинг кўнгли ийди, илжайди, миннатдорлигини билдирди. Ўзича, майли, буям бир бир хурсанд бўлсин, чоршанбилардан бировига айтсам, очерка қилиб ёзади, деб ўйлади. Сўнг бир муддат, бу очеркка ўзи қўл қўядими, йўқми, шуни фикрлади. Йўқ, ўзи имзо қўйса бўлмас экан. Ҳарна, ёшгина жувон, гап-сўз кўпайиши мумкин. Тағин ёдига марҳум дўсти Шариф тушди. Кулиб юборди. Кулмасдан иложи йўқ эди, негаки, марҳум дўсти Шариф, гўринг нурга тўлгур Шариф қариб-чуриб қолганида ёш бир шеърчи қизнинг ишқини ихтиёр этиб, лекин ёши панд бериб, уялиб, азбаройи номуснинг зўрлигидан ўша аёл ҳақида «Нодираи замон» деган очерка ёзувди. Яхшибоевнинг хотираси зўр эди, ўша очерканинг сўзларини ҳам аниқ-таниқ эслади: «Мен унинг шеърларини ўқидим, ўқидиму аввалроқ ўқимаганимга бисёр афсус ҳам надоматлар чекдим ва айтдимки, тасанно, эй ўзбек қизи, тасанно, эй дилкаш ва дилбар қиз, назокатингга балли! Офарин, минг офарин!..» Гўринг нурга тўлгур Шариф, мақтов деган нарсага зўр эди, ажабмаски, мақтовлари билан аёлнинг хафалигини тумандай тарқатиб юборган бўлса!.. Йўқ, мен янглишибман, аёлнинг ҳумори тарқагани йўқ, ўшанда устозу шогирд бўлмаган бир воқеанинг гийбатларини кўп замонларгача елкада кўтариб юрдилар, тўғрироғи, биргина гўринг нурга тўлгур дўстимиз Шариф кўтарди, шеърчи аёл жамики ғалвани унинг елкасига ташлади, сўнг ўзи ҳам чиқиб, корсонини ялпайтириб ўтириб олди, Шариф бечоранинг аҳволини танг қилди. Шариф қийналди, егани ҳам, ичгани ҳам юқмади, уйқусини йўқотди, ахийри, жонидан умидини узгач, акасининг ўғлига олиб бериб қутулди. Э, бу гаплар кўп қизиқ, аёл кишининг нималигини тезда тушунмоқ қийин... Мана биттаси, манави бадантарбиячи, манави тиқмачоқ жувон... Эридан лоф ургани билан, ким билади яна?.. Умуман, бадантарбиячиларда ҳам эр-пер бўладими ўзи?..

— Нега куласиз? — деди жувон.

— Ўзим. Қўшнининг қозонидан қўғирмоч ўғирлаб, оғзим куйганини эсладим.

— Ҳо! — деди жувон, коса тагида нимкоса борлигини пайқаб. — Хумори қолган экан-да?

— Албатта-да. Бола-чақа нечта, хоним?

— Боладан иккита. Чақаям етарли.

— Болалар боқчадами?

— Қайнонам қарайди. Бева аёл, сизга ўхшаган чи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ройли чоллардан садо чиқавермагандан кейин... нима қилсин, невараларига қарайди-да.

— Мен-ку, жон дердим, лекин Муҳсина хоним қаргайди. Шуниси ёмон.

— Билдирмайсиз-да...

Шу тариқа, суҳбат андак хавфли тус олди. Яхшибоевнинг бир хаёли, бу аёл менинг фамилиямни билади-ю, лекин кимлигимни билмайди, деган ўй бўлди. Шу ўй асносида, юзига жиддий тус берди. Ёшини, обрў-эътибори, чиқарган китоблари, унвонларини бир-бир хотирлаб, яна Назар Яхшибоевга айланди. Боз марҳум дўстини эслади. Тажрибали одам эди у, гўринг нурга тўлгур нуқул бир нақлни такрорлаб юрарди: дарахти макри зан сад реша дорад, фалак аз макри зан андиша дорад. Дўстим Шариф, гўринг нурга тўлгур, руҳинг ором дарёсида чўмилгур Шариф, макр дарахтининг юзта шоху бутоғи борлигини биларди, макр олдида фалак ҳам ҳайратда қоларини биларди, лекин ўзини тиёлмасди, юраги кенг эди унинг, тили ширин эди, ёзганида ҳам қаламини аввал бир чақмоқ қандга қайраб олиб, кейин ёзарди, аёл зотига гиргиттон эди, гўё чироқ атрофида айланган губалакдай!..

Яхшибоев кейинги сўзни эслаганидан мамнун бўлди. Хайрият-э, деб ўйлади, хайриятки, бу сўзни унутмабмиз, ҳарна, Булдуруқ шеваси қонимизда қолган экан.

Уйлари дўнгроқда эди. Ҳовли саҳни тап-тақир. Фақат баҳорда гиёҳ унарди. Униб чиқиб, озгина яшаган бўларди. Ана ўшанда қайдандир ниначию капалаклар учиб келишарди. Тепадан, жизғинак бўлиб ётган қир тарафдан жизловуқларнинг овози эшитиларди, бу тарафда эса, нам теккан ажриқзор ерларда — чигирткаларнинг чирилласи, илонларнинг чирқиллаши... Хуллас, ажойиб эди. Айниқса — ниначилар, айниқса — капалаклар! Хўш, энди, деб ўйлади Назар Яхшибоев, дейлик, бугуннинг ўзида, манави каттакон, ақл қаноти-да қамраб ололмайдиган буюк шаҳарнинг обод бир қасабасида, кенг боғ ўртасида, кенг ва ёруғ бир иморатда, серҳашам палатада, аллақандай ёш, чиройли жувоннинг ёрдамида қўл-оёқларини осмонга кўтариб, пастга тушириб «бир, икки!..» қилаётган Яхшибоевнинг ўшал замонларда, ўшал қиру адирларда югуриб, қашқайўнғичқа учларига қўнган жажжи капалакларни тутганларига ким ҳам ишонарди!..

— Гўбалак, — деди у овоз чиқариб, — гўбалак, гўбалак...

Бадантарбиячи жувон ҳеч балога тушунмади. Курсида ўтирганча, юзига табассум югурган қорувли чолнинг фавқулодда маъсум юзига ҳайратланиб тикилди.

— Гўбалакни биласизми? — деб сўради Яхшибоев.

— Йўқ.

— Капалакни-чи?

— Капалакни биламан. Эрим коллекция қилади. Битта чиройлиси эсимда қолган. Оқ қанотли, қўнғир доғлари бор. Апполонус... яна бир бало... Йўқ, эслолмадим. Лотинча эди-да...

— Ўзбекчаси йўқми?

— Билмадим, бор чиқар. Ўзим капалак тутмагандан кейин, номини қайдан билай.

— Менимча, ўзбекчаси йўқдир-ов, — деди Яхшибоев хомуш тортиб. — Негаки, биз нуқул шаклни кўрамиз, моҳиятни аташдан ийманамиз. Соддамиз ҳали, хоним. Унда биз ёш эдик, хоним, кучимиз кўп эди, ғайратимиз ундан ҳам зиёда, нуқул сиз айтган оқ капалакларнинг, бизнинг булдуруқча тил билан айтганда, гўбалакларнинг кетидан қувлаб юрардик, аммо билмаган эканмизки, гўбалакларни тутиб олиб, кўксини авайлабгина эзиб, сўнг игнага қадаб қўйса ҳам бўларкан. Дарвоқе, менинг ҳам бир ошнам бор, уям капалакларни йиғиб юради. Ўзи йиғмайди, бошқалар келтириб беришади. Аммо ошнамиз барча капалакларнинг номларини билади, турларини билади, қайси капалак қаерда учрашини, қайси капалак қачон тухум қўйиб, қачон ғумбак боғлаб, қачон учиб чиқишларини ҳам билади.

— Коллекцияси каттами?

— Униси нима? — дея талмовсиради Яхшибоев. — Катталигига қизиқиб қолдингиз?..

— Капалаклар йиғиндиси-да.

— Менимча, катта. Катта бўлиши керак.

Яхшибоев топган гапига ўзи ҳам ҳайрон бўлди. Ошнода ҳеч қандай коллекция-поллекция йўқ эди. Гапида недир ёмон рамз борлигини ҳам фаҳмлаб, салгина чўчиди, сўнг ҳузур қилиб кулди. Ҳар ҳолда, дилнинг дахлсиз экани жуда соз нарса, ичимизга ҳеч ким киролмайди, ҳаттоки Ошно ҳам киролмайди, агар одамлар бир-бирининг дилини тугал билса борми эр хотинни, хотин эрни, маъшуқа маъшуқни, маъшуқ маъшуқани... бўғиб ўлдирарди! Ахир, дунё фақат ўшалардан иборат эмасми? Эру хотин, дўсту ёр — ҳаммаси маъшуқлар! Маъшуқлар дунёси! Яшасин дунё маъшуқлари!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Маъшуқлар ўз йўлига, хоним, — деди у салмоқлаб. — Лекин болаларга дахл қилмаслик керак.

— Тушунолмадим.

— Болалар бегуноҳ, деб айтмоқчиман.

— Тушунтириброқ айтсангиз бўларди.

— Парво қилманг, ўнгимда ҳам алаҳлайдиган одатим бор.

Жувон сал ўтмай зерикди. Ҳомизадан ўзини зўрга тийиб турди. Кечаси тузукроқ ухламаган, деб ўйлади, Яхшибоев, боласи бетобми, эри шўхроқми, ажабмаски, ҳар иккиси ҳам ҳақиқат бўлса. Аввалбек чақалоқ эканида дардчилроқ эди, Аввалбекнинг дарди қўзғаганида Муҳсина фавқулодда меҳрибон ва фавқулодда иримчи бўлиб қоларди, эрнинг таъмаларига терс жавоб қайтарарди, шунда Яхшибоев, э жонидан, парво қилманг, бизнинг зотимиз — зуваласи пишиқ зот, ҳарнеки тегирмондан бутун чиқади, деб ҳазил қилиб, юмшатишга уринарди. Ҳазиллашарди-ю, лекин бир чеккаси — шунга ўзи ишонарди ҳам. Сабабки, бобоси юзга кирган эди, катта бобоси — юз ўнга; фақат отаси сал эртароқ кетди, босмачининг ўқлари, жарроҳнинг тиғи, кейин бу ёғи с а р и қ деган бемаъни бир дард. Ўзим бирор юз йил яшарман, деб умид қиларди. Бобокалонга тенглашиш қийин, танни анча ҳоритди, руҳни ҳам аяб ўтирмади, ахир, шу даражага етишишнинг ўзи бўладими!.. Ўйлардики, шунча қилган ташвишига яраша, фарзандлари тўкисроқ яшайди, тўкисроқ умр кўради, лекин, бугун келиб қараса, уларнинг юз йил яшайдиган суроби йўқ. Айниқса — Аввалбекнинг аҳволи чатоқ. Ичкиликка ружу қўйди, гиёвандлик қиладими, ранги ҳам заҳил, ёши энди қирққа етибди-ю, халқумлари эрта-индин осилиб қоладигандай. Бир гал юзига ҳам айтди: бас қил, Аввал, ўзингга раҳминг келсин, бола-чақани ўйла. Аввалбек индамади. Кейинчалик, яна бир бор гап қўзғалганда, отага илкис қаради: менда не айб, балки сиз толиққанроқ пайтда бунёд бўлгандирман? Яхшибоев ўғилни чангитиб сўкди, айтган гапига минг пушаймон қилдирди, чўнтагини нақ ярим йил тамбалаб қўйди, нақ ярим йил мобайнида Аввалбек пулдан қийналди-ю, лекин бошқа тарафлардан тийилгани боис, рангига қон югургандай бўлди, бу тарафи — янги келиннинг чиройи ҳам очилгандан очилиб бораверди, бўлмаса, ўша кунлари камроқ кийинарди, камроқ тақинарди, бор топганини эрга келтириб берарди, лекин бахтли эди, бахтли эди бечора...

Яхшибоев бадантарбиячи жувоннинг овозидан ўзига келди:

— Мен борай, Назар Яхшибоевич.

— Хўп, қизим, — деди маъюс тортиб. — Сал эзмалик қилдим, айбга буюрмайсиз.

Аёл эшикни оҳиста ёпиб чиқди. Зум ўтиб, ҳамшира қиз эмлагани келди. Игна санчилганда жимиллаган оғриқ туйди. Буниси ҳолва, деб ўйлади, буниси шунчаки... жон тетиклигидан нишона, энг зўри — олдинда, бариси олдинда, ҳолдан тойишлар, қуруқ устихон бўлиб қолишлар, ғарғара тортишлар, нам докадан сизган томчиларни ютоқиб ютишлар...

Ишқилиб, ўшанда ҳушдан кетсам бўлди, дея умид қилди, ҳар ҳолда, ҳушдан йироқ одамнинг бирор нарсани англаши қийин. Уйқуга кетасан-у, қайтиб турмайсан. Кўтариб кетишади...

Тасаввур қилдики, у ўзи йўлакдаги дераза рафига тизилган гуллар ортидан томоша қилиб туради, ҳовлида эса, иккита бақувват ҳамшира, ёшроқлари — негадир ёшроқлари бўлишини тусади — энг ёшлари, гул-гул очилган иккита қиз, дуркун танларини андак бўшаштириб, қирмизи юзларига андак қайғули тус бериб... унинг жасадини замбилда кўтариб ўтадилар!..

Айтилган муддатда Ошно қўнғироқ қиларини сезарди. Кўнгилдаги фахру ғурур сабаб, юраги безовтароқ урганига ҳам парво қилмади. Умуман, у Ошно қўнғироқ қилган кезларда қувонарди, лекин бу галгиси... минг-минг чақирим наридан, неча баҳру неча уммонлар оша қилинажак қўнғироқ, қувонч баробарида недир ҳадигу хавотир ҳам туғдирди.

Бу гал Яхшибоев — нуфузли тараф эди. Унинг уйда эмас, касалхонада экани жуда қўл келарди. Касалхонада, врачлар кузатувида ётган одам, кунига ўнлаб ҳабдори ютаётган одам, кўнгилни сал очиброқ гаплашса ҳам ярашади. Касал киши сал инжиқроқ келади, касал киши дўстларга андак нозу фироқ қилиши ҳам мумкин, бундай тантиқлик ҳаттоки Ошнодай шахсга ҳам оғир ботмаслиги аён.

Девор соати ўн иккига жом чалганида телефон жиринглади. Жиринглаши одамига яраша — кескин ва қисқа эди. Яхшибоев англадики, симлар тугилган жойларда неча ўнлаб аёллар миқ этмай турибди, токи уларнинг суҳбати аниғу таниқ бўлсин, бегона товушлар аралашмасин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ўртоқ Яхшибоевми? — деб сўради аёл овози.

— Мистер Якшибаеф? — дея такрорлади бошқа бир аёл овози.

— Ҳа, Яхшибоев, — дея тасдиқлади Яхшибоев. — Яхшибоев эшитади.

— Ўртоқ Яхшибоев, соғлиқлар дурустми? — ниҳоят, Ошнонинг мулойим овози эшитилди. — Дадилмисиз ўзи? Бориб кўрайлик десак, аҳвол бу... сал узоқроққа тушиб қолдик.

— Минг раҳмат, — деди Яхшибоев. — Касаллик эмас, шунчаки... — у сўз ахтариб, бир сония сукут сақлади. — Шунчаки профилактика...

— Унда тузук, ўртоқ Яхшибоев. У ёқда эканимда эшитиб эдим, лекин, ўзингиздан қолар гап йўқ, ишлар кўпайиб, вақтида ҳол сўраёлмадим.

— Сизнинг кечикиб сўрашингиз ҳам улуғ иш.

— Таъна қиляпсизми, ўртоқ Яхшибоев?

— Йўғ-э.

— Умуман, таъна қилишга ҳаққингиз бор. Қалай, ижодлар гуллаяптими?

— Ижод йўқ ҳисоби.

— Унда хотира ёзинг, ҳалиги... мемуар дегандай...

— Хотира ёзгали чўчийман. Умримизда кўп воқеаларга гувоҳ бўлдик, ҳаммасини ҳам ёзиб бўлармикан?..

— Ана холос! Яна таъна қиляпсиз, дўстим!.. Ёзаверинг, ўртоқ Яхшибоев, керак бўлса, ўзимиз зарур тузатишларни киритамиз.

— Раҳмат...

Яхшибоев жимиб қолди. Ўзи ўйлагандай тантиқлик қилолмади. Бу ёғи суҳбат муддати ҳам ўтиб боряпти. Одатда Ошно уч минутдан ошиқ гаплашмайди. Телефон қабул эмаски, озгина чўзишнинг иложи бўлса... Умуман, айтиладиган гап ҳам йўқ ҳисоби. Касал одамга соғ одам телефон қилди, аҳвол сўради, буниси раҳмат айтди, униси шифо тилади — энди бас қилинса ҳам бўлаверади.

— Вақтингизни оляпман, оқсоқол, раҳмат-у, лекин шусиз ҳам...

— Энди бунақамас-да, ўртоқ Яхшибоев! — Ошнонинг овозида недир зорланиш сезилгандай бўлди. — Одамга ўхшаб гапиринг-да, ахир!

— Ҳаддим сиғмайди.

— Бекорларни айтибсиз!..

— Бори шу-да...

Ошно бир муддат сукут қилди, сўнг томоқ қириб олди.

— Назар, — деди у аниқ-таниқ қилиб. Бу сўздан Яхшибоевнинг эти жимирлаб кетгандай бўлди. — Назарбой, сенга нима бўлди ўзи? Нега бунча бегонасан, жўра? Айтсам — ишонмассан, юртимизни соғинибман, жўра. Илгариям сафарга кўп чиққанман, лекин бу гал бошқача соғиндим. Қариб қоляпмизми, жўра? Нега бундай, а?

Яхшибоев индамади. Кўнглига ғулғула тушди.

— Нега индамайсан?

— Энди, оқсоқол, менинг бу ерда ётишим яхши бўлмади, — деди Яхшибоев чайналиб. — Бу ёғи кампания, далага чиқиб, пахтакорлар ёнида бўлиш ўрнига... Бирор тузукроқ нарсаям ёзолмадим. Жуда уятлиман, пахтакорлар олдида, шахсан сизнинг олдингизда... Сал тузалиб олай, кейин албатта чиқаман!

— Э, у гапларни қўй, ўзингдан гапир! Бола-чақа қалай? Нега индамайсан, гапир, жўра!..

— Хорун... — деди Яхшибоев юрак ютиб.

— Гапиравер!

Яхшибоев гапиролмади, томоғига йиғи тиқилди.

— Булдуруққа бирга борайлик, — деди Ошно. — Сен ўзинг борган чиқарсан, лекин мен, неча йилдирки, бирор марта ўтолмадим, бир борайлик!.. Хўп, де, Назар, бирга борайлик! Нега индамайсан, гапир!..

— Майли, борамиз, албатта борамиз, ошна.

— Балли! — Ошнонинг овози бирдан қувноқ тортди. — Роса бир кун у ёқни айланамиз. Бировга айтмасдан, хуфёна борамиз. Унгача соғайиб ол, жўра, отдай бўлиб ол!..

— Келишдик! — Яхшибоевнинг ҳам овози тетиклашди.

— Кўришгунча хайр, Назарбой!

— Кўришгунча.

— Барча масалалар бўйича менинг номимдан мурожаат қилавер, албатта кўмак беришади. Хўп, соғ бўл, жўра.

Яхшибоев трубкани жойига қўяркан, қўллари қалтқалт титраётганини сезди. Суҳбат давомида гўё кўпкаридан чиққан чавандоздай толиқди. Қараса, эшик ёнида палата врачи одоб билан жилмайиб турибди. Қадди қуллуққа букилганроқ, чамаси суҳбатни эшитган, тушунгани гумон-у, лекин эшитгани аниқ...

— Кетинг! — деб буюрди Яхшибоев. — Беадаб экансиз. Бу ёғига рухсат сўраб кирасиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Врач ночор илжайди, лекин эътироз қилолмади. Секин ортига қайрилиб, палатадан чиқди.

Хафа бўлди, деб ўйлади Яхшибоев, энди буни алмаштириш керак, аччиғидан ёмонроқ дори бериб қўйиши мумкин.

Ошнога тантиқлиқ қилмоқчи бўлгани учун ўзини койиди. Эҳтимолки, кўнгилдаги ғулуга айни тантиқлик сабаб бўлгандир? Лекин эвини қилиб... охирига еткизолмади чоғи? Касаллигини пеш қилолмади-ку?..

«Таъна қиляпсиз, ўртоқ Яхшибоев».

Йўқ, у таъна қилишга улгурмади, балки оҳангда сал янглишган чиқар? Нега Ошно бунчалар юмшоқ гаплашди, нега зорланғандай бўлди? Юртни соғингани ростми? Рост бўлса, шу гапни сал пардалаб, сал расмийроқ, эшитганларга ёқадиган қилиб айтса бўларди-ку?..

Анча вақт ўйланиб ўтирди. Ахийри жўнгина бир қарорга келдики, гумонларни бир сидра текшириб кўриш керак. Биринчи ёрдамчига қўнғироқ қилиб, саломлашди, аҳвол сўради. Биринчи ёрдамчи бояги суҳбатдан хабардор экан, даромадни қисқа қилди:

— Хўш, ўртоқ Яхшибоев, энди тузукмисиз?

— Энди тузукман, — деди Яхшибоев гап оҳангини саволга мослаб. — Бир-иккита майда илтимослар чиқиб эди, шунга...

— Бош устига, ўртоқ Яхшибоев. Сизга қўлдан келганча ёрдам беришга тайёрмиз, масаланинг моҳиятини тушунтирсангиз бўлди.

— Китоб савдосидан Суярқул укамиз қўнғироқ қилувди, — деб бошлади Яхшибоев. — Ўзига тузукроқ муовин топмоқчи экан, мендан маслаҳат сўради.

— Хабарим бор, — деди Биринчи ёрдамчи. — Ўртоқ Чоршанбиевнинг номзодини айтди. Сиз ўзингиз тавсия қилган экансиз, агар масала шу бўлса, ташвиш чекманг, биз сиздек оқсоқол санъаткорнинг диди ва сезгирлигига тўлиғича ишонамиз.

— Буниси — биринчи масала, — деди Яхшибоев мамнунлик билан. — Гап шундаки, тавсия меники эмас. Суярқул укамизга ҳам шуни айтдим. Тўғри, Чоршанбиев менга шогирд бўлади, лекин уни тавсия этишга ботинолмай турибман. Менимча, унинг ўрнига бошқа кишини, дейлик... — шу жойда у озгина сукут сақлади, кимнинг фамилиясини аташни билмай гарангсиб турди. — Балки сизда бирор таклиф бордир? Тўғриси, мен ўша ўзимга нисбат берилган тавсияни бўйнимдан соқит қилмоқчи эдим.

— Камтарлик қилманг, ўртоқ Яхшибоев, — деди Биринчи ёрдамчи. — Сиз бежизга қўнғироқ қилмайсиз, хўш? Тортинманг, бемалол айтаверинг...

— Хўп, — деди Яхшибоев, сўнг туйқусдан миясига келган фикрдан яйраб гапирди: — Унда мен сизга энг бўладиган тавсиямни айтай. Муовинликка ўртоқ Остоновдан муносиброқ киши топилмайди.

— Мен ўртоқ Остоновнинг номини эшитганман, — деди Биринчи ёрдамчи, — лекин ўзларини тузукроқ билмайман. Озгина таъриф берсангиз.

Яхшибоев сассиз кулди. Таърифи шуки, ўлгудай хира, деб ўйлади, касалхонада менга қўшни, қадамимни пойлайди, бир оғиз сўзимга мунтазир, юзини кўргали тоқатим йўқ, тезроқ ундан қутулмоқ истайман.

— Хўш?.. — Биринчи ёрдамчининг овозида бетоқатлик сезилди.

— Ўртоқ Остонов ҳали анча ёш ва ишчан киши, — деди Яхшибоев. — Маиший бузуқлиги йўқ. Тилига ҳам жуда эҳтиёткор, қолаверса, бўлажак бошлиғи Суярқул билан унчалик чиқишмайди. Ораларидан жиддийроқ гап ўтган бўлиши мумкин, бўлмаса, ўртоқ Остонов жуда жўяли, жуда ширинсўз одам.

Биринчи ёрдамчи ҳайратланганини яширолмади:

— Қизиқ гапиряпсиз, ўртоқ Яхшибоев, биз бир-бирига зид икки одамнинг бошини қўшсак, кейин... натижа қандай бўларкин?

— Тавсиянинг боиси ҳам шунда, — деб кулди Яхшибоев. — Яъни улар иккиси ҳам боқибеғамликка йўл қўёлмайди, иккиси ҳам жон куйдириб ишлайди, иккиси ҳам ўзини кўрсатишни истайди, ажабмаски, шу баҳонада уларга топширилган жабҳанинг аҳволи ҳам тубдан яхшиланиб кетса.

Яхшибоев, Биринчи ёрдамчи бу таклифга кўнмайди, деб кутган эди, лекин батамом акси бўлиб чиқди:

— Сиз жуда пухта одамсиз, ўртоқ Яхшибоев, — деди у. — Бошқа ўртоқлар билан ҳам маслаҳатлашиб кўрамиз, ўйлайманки, таклифингиз уларда жиддий эътироз уйғотмайди. Хўш, энди иккинчи масалага ўтсак...

Яхшибоев иккинчи масалага ўтмади. Биринчи масала каби, иккинчи масала ҳам аслида йўқ эди. Биринчи масала каби, уни ҳам шу фурсатнинг ўзида ўйлаб топишга тўғри келарди. Лекин Яхшибоев эринди, қуюқроқ қилиб миннатдорлик билдирди ва айтдики, иккинчи масала анча жиддий, махсус ўрганишни талаб эта-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди, шу боисдан, бу масалани қоғозга тушириб, кейин ўртоқларнинг диққатига ҳавола қилинса тузук, ҳа, ҳа, албатта у кишининг ўзлари сафардан қайтганларидан кейин...

— Дарвоқе, у киши сафардан қачон қайтадилар? — деб сўради Яхшибоев. — Бугун гап орасида сўрашнинг ҳеч иложи бўлмади, агар сир бўлмаса шуниям айтсангиз, балки ёзма доклад масаласида сал зудлик қилиш керакдир?

Биринчи ёрдамчи Ошнонинг қайтиш муддатини айтди, сўнг яна бир сирдан огоҳ этиб қўйди:

— Шошилманг, ўртоқ Яхшибоев, доклад қилишга бемалол улгурасиз. У киши келишлари билан бошқа сафарга жўнайдилар.

— Узоққами?

— Йўқ, нари борса уч кунлик сафар... Эҳтимолки, дашт зонасига борсалар...

Яхшибоев яна бир бор раҳмат айтди. Биринчи ёрдамчининг трубкани қўйишини кутди.

Аҳвол анча ойдинлашган эди. Демак, ортиқча гумонларга ўрин йўқ. Ошно ҳамон от устида. Оти ҳали бақувват, йўрғаси ҳам, йўртоғи ҳам жойида. Зорланишлар эса, азбаройи яқинлигидан — буниси аъло! Аъло даражада! Яъники, от ҳали бақувват, чавандознинг сал ҳоригани ҳисоб эмас. Ҳорғинликки, ғоят ўткинчи, эртагаёқ эсдан чиқиб кетадиган нарса.

Хотири жам бўлди. Бирор ўн дақиқа олдин рўй берган дилхираликни ўйлаб, ўзи қувлаб чиқарган врачга ачинди. Узр сўраш керак, ҳар ҳолда, врач — бу ернинг мезбони, биздақа меҳмонларнинг ҳолидан вақтлию бевақт хабар олиб туриши фарз.

Диванга чўзилди. Лекин кўп ётолмади. Эшик тақиллаб қолди.

— Киринг!

Эшик очилиб, нариги хонада Дароз пайдо бўлди.

— Узр, устоз, — деди. — Кийик ўтидан чой дамловдим, бир пиёлагина ичиб келасизми?

— Чарчадим, ука.

— Чарчоғингиз ёзилади-да...

— Кейин, ука, майли, сиз бораверинг, мен кейинроқ чиқаман. Яхшиси кечқурун.

Кечқурун чиқиши аниқ эди. Воқеа кечга бориб анча ойдинлашади, қани, ўшанда қанақа тутаркин ўзини?..

— Хафа бўлмайсиз энди, Остонақул ука. Мен озгина дам олай. Кечқурун албатта чиқаман.

Дароз ортиқ қоларга журъат қилмади. Эшикни секин бекитиб кетди. Яхшибоев яна ўрингa чўзилди. Суярқулнинг қўнғироқ қиларини кутди. Орада озгина мизғиб ҳам олди. Ниҳоят, бирор соатлардан кейин, телефон жиринглади.

— Ўртоқ Мадалиев? — Яхшибоев жўрттага таниш министрнинг фамилиясини атади. — Жуда маҳтал қилдингиз-ку?

— Йўқ, устоз, — трубкадан Суярқулнинг ҳадиксираган овози келди. — Мен... Суярқул... яна бир маслаҳатлашай деб эдим...

— Ҳадеб маслаҳат қилаверасизми? — деди Яхшибоев. — Ўзингизнинг ақлингиз қаерда?

— Энди, сиз тажрибали одамсиз, устоз, шунга... ҳаддимиз сиғиб...

— Бўлди, бўлди, — деб кулди Яхшибоев, суҳбатдошининг гуноҳидан ўтганини билдириб. — Масала эскисими?

— Ўшанинг ўзи, устоз.

— Гап бундай, ука, — деди Яхшибоев овозига расмийроқ тус бериб. — Юқори билан маслаҳат қилдик. Уларнинг кўнгли бутунлай бошқа кишида экан. Исмини аташ шарт эмас, расман тавсия этганларида билиб оласиз. Хуллас, бугун кечгача ёки эрта тушгача сизга қўнғироқ қилишади. Ажабмаски, менинг ҳам номимни тилга олишса. У киши хийла муносиб номзод. Фақат биттагина «лекин»и бордай. Укамиз унча-мунча ёзиб-чизиб юради. Шу маънода сиздан сал устунлиги аниқ. Менинг кўнглим шуки, унинг айни устунлиги сезилиб қолмаса. Бу ёғига ўзингиз бохабар бўлиб турасиз, ука.

— Ким у?

— Ҳозирча билишингиз шарт эмас.

— Энди, одамни қийнаманг-да, устоз! — деб зорланди Суярқул.

— Айтардим-у, лекин мавриди эмас, — деди Яхшибоев баттар чайналиб. — Балки ўзингиз топишга ҳаракат қилиб кўрарсиз? Мияни ишлатинг-да, ука, кимлардан гумонингиз бор? Шуни чамаи чўт қилинг-чи, балки лоп этиб чиқиб қолар?

— Фолбин эмасман-ку, устоз?!

— Майли, — деди Яхшибоев сал юмшагандай бўлиб. — Сизга айрим белгиларини айтаман. Ёши қирқ бешларда, дароз, озгина очерка-почерка деган ҳунари бор, силлиқ, бирдай ширин-думбул нарсалар ёзади... Пак-пакана, боз устига, калласи қовоқдай бир ошнаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

бор... Бир қарашда мулойим-у, лекин сизни иқи суймайдиганроқ...

Суярқул бир муддат жим турди, сўнг бирдан хитоб қилди:

— Остонов!

— Балли, укажон! Мени бир гуноҳдан қутқардингиз. Номини мен ўзим атасам тўғри келмасди, балли, ўзингиз топақолдингиз. Ана, кўрдингизми, ука, мияни ишлатса бўларкан-ку? Дунёда кушандасини билмаган банда бормикан ўзи?.. Қалай, номзод сизга маъқулми?

— Бўлмайди у, — деди Суярқул. — Бирор чорасини тополмайсизми, устоз? Ахир, у одам менинг устимдан ёзган, қандай бирга ишлашамиз?

— Аввал ўзингиз ёзган чиқарсиз? — деб кулди Яхшибоев.

— Ёзганман, — дея тан олди Суярқул. — Ёзмасдан иложим йўқ эди, ахир, кимларнинг китоблари ўтмаяпти, деб бизлардан ҳам ҳисобот сўрашса нима қилай? Ёзиб бердим, лекин бир ўзи эмасди, бошқалар ҳам бор эди.

— Мениям ёзганмисиз?

— Худо урдими, устоз!..

— Тўғрисини айтинг!..

— Тўғриси, устоз. Беш-ўнта китобингиз магазинда турибди, лекин... Энди бир ёрдам қиласиз, устоз...

— Йўқ, ука. Мени тинч қўйсангиз тузук. Мен энди кексайиб қолдим, ёшларнинг ишларига ҳадеб аралашаверсам ҳам ярашмайди. Сизни огоҳ этдим, шунинг ўзи кифоя. Шунинг ўзиданоқ бутун тун бўйи ухламай чиқишим аниқ. Ҳар ҳолда, виждон азоби деган гап бор-да, нима дедингиз, ука?

— Ёрдам қилинг, устоз!

— Ғингшиманг, ука. Модомики, ўртоқлар у кишини муносиб кўришибдими, сизнинг рад қилишга ҳаққингиз йўқ.

— Иложи йўқми, ҳеч иложи йўқми?

— Билмадим. Ҳар қалай, бу иш менинг қўлимдан келмайди.

— Келади, устоз!

— Йўқ, ўзингиз бир уриниб кўринг.

— Нима қилай?

— «Нима қилай» эмиш! Нима, сиз ёш боламисизки, мен гап ўргатсам? Рад қилинг, тамом-вассалом.

— Кўнишармикан?

— Кўндиринг. Умуман олганда, номзод жудаям

ёмон эмас. Елимлиги бор, лекин бу дегани ҳали энг катта қусур эмас-ку?

— Гапни кўпайтирмай, бирданига кўниб қўяқолсаммми?

— Ихтиёр ўзингизда. Аввало, ўз тинчингизни ўйланг, ука. У киши сизга суянчиқ бўлоладими, йўқми — шуни ўйланг. Сўраб-суриштиринг, ахир, ҳеч ким қўлоёғингизни боғлаб қўйгани йўқ-ку? Балки у биз ўйлагандек муносиб ҳам эмасдир? Балки ундан бизнинг Чоршанби шогирдимиз ҳам тузукроқдир?

— Рост айтасиз, устоз. Чоршанбиев минг чандон яхши.

— Хуллас, бу ёғига ҳушёрроқ бўлинг. Бирор ишкал чиқса, майли, бемалол келаверинг.

— Бугун ўтақолсам-чи?

Яхшибоев ўйланиб турди. Бугун кечқурун келадиган одамларни бир-бир хаёлидан ўтказди. Орасида жиддийроқлари йўқ экан. Лекин шундай бўлса-да, сал ширин қилгиси келди.

— Биринчидан, ҳали ишкал чиққани йўқ, — деди. — Иккинчидан, бугун кечқурун бандман. Индинларга бир телефон қилинг, ўшанда маслаҳатлашиб кўрармиз.

Шуларни айтиб туриб, ичида кулди: э, ўл-э, Яхшибоев, маслаҳатга бало борми! Келса, кўп қатори келаверади-да!

— Сизни хавотирга солиб қўйдим, ука, — деди меҳрибонлик билан. — Асли шу гапларни бошламасак бўларкан.

— Айб сиздамас, устоз, — деди Суярқул умидсиз бир оҳангда. — Гап муовиннинг ўлиб қолганида. Юрса бўларди, бу гап-сўзлар чиқмасди ҳам.

— Энди, бўларкан-да, ука. Хўп, қаттиқроқ туринг.

Трубкани жойига қўйди. Суярқулга раҳми келиб ўйладики, йўқ, ука, айб менда, кўнглим тинчлик тусамаса бу гаплар йўқ эди, лекин мен ночор қолдим, Остонақулнинг остонамга танда қўйиб оларидан бехабар қолдими, билсам, бу ерга келолмасди, кўзимга кўринмасди, ғашимга тегмасди — хуллас, олам гулистон эди...

Эшик тақиллади, яна Остонақул-Дарознинг жимит боши оралиқдан мўралади:

— Кутяпмиз, устоз.

— Кейин, — деди Яхшибоев. Бақиргиси келди-ю, ўзини тийди, босиқроқ гапирди. — Майли, кейин, укажон. Кийик ўтидан ҳали кўпдир?..

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳозир ўтолмасангиз, балки бедана гўштидан киритарман, устоз?

— Боринг, — деди Яхшибоев. — Боринг, ука.

— Бир-икки дўстларимиз келишувди. Ўртоқ Сойимов ҳам борлар, ижрокомдан...

— Танимайман уни.

— Сариқроқ одам.

— Қўйинг, ука, ўзингизни уринтирманг. Сойимовни танимасам ҳам бир куним ўтар?

— Йўғ-э, устоз, — деди Дароз ночор кулиб. — Сиздан у кишини улуғ қўйганимиз йўқ. Суҳбатингиздан баҳраманд этасизми деб...

— Э Остонақул ука, менинг суҳбатимни нима қиласиз, — деди Яхшибоев. — Бизлар кексайган бир чолмиз, ақлли гаплар бўлса, мана, сизга ўхшаган навқирон йигитлардан чиқади.

— Камтарсиз, устоз. Қанийди, сизга ўхшаган устозлар яна кўпроқ бўлса!..

— Қўйинг, ука, бу замонда устоз қаҳатми, бири бўлмаса, яна бири-да.

— Одамни аямайсиз, устоз!.. — Дароз пихиллаб кулди. — Юринг энди, ярим соат лақиллашиб ўтирайлик.

— Бормайман, — деб чўрт кесди Яхшибоев. — Лақиллашишга вақтим йўқ.

— Бўлмаса... бедана гўштидан озгина опчиқиб берай?..

Яхшибоев кўрдики, осонликча қутулолмайди. Бедана гўшти деганига кўнгли сал суст кетди, лекин ўзини тийди, атай хўмрайиб:

— Бировнинг беданасига зор эмасман! — деди. — Боринг, Остонақул, хиралик қилаверманг.

— Узр, устоз...

— Э, бор-э!..

Яхшибоев, худди пашша ҳайдагандек, қўлини силтади. Дароз, бир оёғи ичкарида, униси ташқарида, серрайиб қолди. Яхшибоев эринмади, ўрнидан туриб, уни турткилаб палатадан чиқарди-да, эшикни зичлаб ёпиб қўйди. Қайтиб, яна тўшакка чўзилди. Яна бир-икки дақиқа хўмрайиб ётди, сўнг, юзини ёстиққа буркаб, қотиб-қотиб кулди.

Кечқурун «элчи» келди. Икки-уч саватда сархил мевалар, бодом, писта, қандолатлар — хуллас, кичикроқ бир тўйни обод қилғулик ноз-неъматларни ёйиб ташлади. Кейин айтдики, биз — элчимиз, домлажон, каттаконимиз сизга соғлиқ тилаб, озгина витамин бериб юбордилар. Мен бунча витаминни ололмайман, деди Яхшибоев хижолат тортиб, аввал эгасини айтасиз. Эгасини айтолмайман, домлажон, деди «элчи» ҳам хижолат чекиб, айтмаслигимизни сўрашган каттаконимиз, шундан билингки, бариси — бегараз. Унда майли, деди Яхшибоев, исмини айтмабдими, демак, ростдан ҳам бегараз, демак, буларни мухлис укамиз бериб юборди, деб ҳисоблаймиз. Йўғ-э, домлажон, дея эътироз билдирди, «элчи», у кишининг исмлари Мухлис эмас, исмлари бошқа, лекин айтишга рухсат бермаганлар. Майли, деди Яхшибоев, айтмай қўяқолинг, хўш, бизга қандай хизматлар бор? Сизга хизмат йўқ, домлажон, деб кулди «элчи», биргина илтимос шуки, тезроқ соғайиб кетсангиз, каттаконимиз ҳам шуни тайинлаб юбордилар.

«Элчи» шуларни айтиб, қуллуқ қилдию палатадан чиқди.

Яхшибоев бунча егуликни қайга қўйишини билмай ўйланиб турди. Шу пайт эшик секин тақиллаб, бир гала укахонлари олдинма-кейин кириб келишди. Ҳар бирининг қўлида бир дастадан гул, биттадан қоғоз халта, келган гуллару столга ёйилган ноз-неъматларнинг хуш бўйлари хонани тутиб кетди.

— Қурумсоқлар! — деб ҳазиллашди Яхшибоев уларга. — Мана, саховатни кимдан ўрганиш керак! Сизлар — нима? Биттадан қоғоз халта кўтариб келибсизлар, бу ёқда биргина одам бир эшакнинг юкини кўтариб келибди!

Шогирдлар ийманибгина кулишди. Чоршанбиев уларнинг орасида сал эскироғи, шу баробарида сал эркароғи эди, биргина у юрак ютиб ҳазиллашди:

— Қайси эшакнинг юки экан, устоз?

— Билмадим, — деди Яхшибоев. — Отини атамабди. Холис совға экан. Вилоятдан бўлса керак-да... Мухлислар кўп-ку, Чоршанби болам.

— Тўпори, — дея мулоҳаза қилди Чоршанбиев. — Ҳойнаҳой Тўпори юборган.

— Тўпоримас, — деди Яхшибоев. — Тўпорининг боғида бодоми йўқ.

— Бозордан олган бўлса-чи?

— Бэ! — деди Яхшибоев. — Бозордан олиб бўпти!

— Сиз учун атай «эриган» чиқар?..

— Э, қўйинг шу гапларни, Чоршанби болам, — деди Яхшибоев, сўнг қолганларга юзланди: — Қоғоз халта-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларни очиш йўқ. Шусиз ҳам ҳамма нарса бор. Гул опкелганларинг тузук, лекин гул қўядиган идиш йўқ, ҳозироқ чиқиб, йўлакдаги аёл зоти борки, барига биттадан улашиб чиқасанлар.

— Олишмаса-чи? — деди Чоршанбиев.

— Олишади, — деди Яхшибоев кулиб. — Чўчқадан бир тук, дейишадию олишади. Яъники, Чоршанби болам, ўша чўчқа — мен.

Шогирдлар ўв тортиб норозилик билдиришди. Яхшибоевнинг кайфияти зўр эди. Яна бир-икки ҳазил гап қилиб, йигитлардан иккитасини хотинларга гул улашгани чиқариб юборди. Қолган шогирдларга ҳам иш топилди: биров чой қўйди, биров чойнак чайди, дамлашди, қайтаришди, столдаги ноз-неъматларни каттакон холодильникка тиқиб, ортиб қолганидан дастурхон тузашди, бири — Чоршанби, бири — Жума, бировнинг оти бор, бировниниг оти йўқ (Яхшибоевнинг хотирасига қараб), меҳмонхона деб аталмиш бўлмадаги каттакон стол гирдига давра қуриб, тўрроқдан Яхшибоевга юмшоқ кресло қўйиб, чой ичиб, мевалардан тотиниб, ширингина суҳбат қуришди.

Яхшибоевнинг машқи баланд эди. Шогирдларнинг истагу тилакларига бош ирғаб қўшилган бўлдию бирдан ўзи гапга тушди. Ошнонинг сафари ёдида, кўнгли саёҳатномалар тусади. Бир бошдан дунё кезди. Аввал Оврўподан бошлади, кейин Африкага ўтди, сўнг Осиёнинг бу четидан тушиб, нариги четидан — нақ Япониядан чиқди.

Шогирдлар ҳангу манг эдилар.

Яхшибоев Хартум аэропортидан кўкка кўтарилганида ҳаво булутли эди, шу сабаб, Судандек ажойиб мамлакатнинг табиатини осмондан ҳам томоша этиш насиб қилмади.

Яхшибоевнинг самолёти Сингапур аэропортига қўнолмай, икки соатча кўкда айланиб юрди. Ахийри, бензини тугай деб қолганда Жакарта тарафга бурилди. Қўнди. Йўловчиларга аэровокзал ичига киришга рухсат беришмади. Йўловчилар Индонезия тупроғига оёқ қўймаганларига афсусланиб ўтиришди. Биргина Яхшибоев афсусланмади — у Жакартани илгари ҳам икки марта кўрган эди.

Яхшибоев тушган яна бир самолёт Ганга дарёси устидан учиб ўтди, сўнг бориб Деҳлига қўнди.

Яхшибоев тушган бошқа бир самолёт Жанубий Америка чангалзорлари узра роса бир соат учди ва, ниҳоят, Монтевидеога қўнди.

— Астуриас, — деб гап қўшди шогирдлардан бири маҳмаданалик қилиб. — Мигель Анхель Астуриаснинг юрти.

— Ким у? — деб сўради Яхшибоев, ғаши келганини яширмай. — Президентми?

— Ёзувчи, — деди Маҳмадана. — Ўша чангалзор-сельваларни ёзган киши.

— Ўқимаганман, — деди Яхшибоев баттар қовоғини солиб, сўнг Маҳмаданага танбеҳ берди. — Ўшани ўқимасдан ҳам ёзавериш мумкин.

— Тўғри, — дея уни маъқуллади тақирбош йигит. Яхшибоев уни кўп ёқтирмасди, лекин ҳозир бирдан ёқтира бошлади. — Ўз қадрини билмаган ўзганинг қадрини билмайди.

Маҳмадана билан Тақирбош ўзаро баҳслашувга чоғландилар, лекин улгуришмади, чунки айни лаҳзада Яхшибоев ўзи тушган самолётни Гаванна аэропортидан парвоз қилдириб қўйган эди. Гаваннадан учган самолёт Чилининг чўзинчоқ харитаси бўйлаб учиб, қайсидир кўрфазни кесиб, Панамага тушди.

Сўнг Яхшибоев тушган самолёт бирор ўн кунча учмай қўйди. Яхшибоев уни Римда қантариб қўйиб, чиройли лимузинларни миниб, Венеция, Верона, Пиза каби шаҳарларни кезди. Сўнг роса бир кун қадимий Помпей харобаларини айланди. Сўнг тағин Римга қайтди. Тағин самолётга миниб, Қоҳирага ўтди. Искандарияни кўрди, Нил дарёсини кўрди, фиръавнларнинг мақбараларига борди.

Бир муддат Африкада шер овлади.

Бир муддат марварид изловчиларнинг кемаларида сузди.

Сўнг икки бор Оврўпони айланди: Лиссабон, Мадрид, Вена, Берн, Берлин, Прага, Будапешт, Бухарест. Кўпроқ эсда қолгани Будапешт бўлди, сабабки, можор дўстларимиз болтани болта, гўштни гўшт, деб аташар экан. Билингки, улар билан қариндошлигимиз бор. Яъники, можорларнинг ота-боболари бизнинг ота-боболаримиз билан борди-келди қилган.

— Уларнинг аждодлари Дашти Қипчоқдан кўчиб кетишган, — дея гап қўшди Маҳмадана.

Яхшибоев индамади. Бир дақиқа жим турди. Даврадагиларнинг юзларига разм солди. Йўқ, буларнинг бит таси ҳам ишонмабди. У ёзган харита бу ўтирганларнинг тасаввурига сиғмас экан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Энди, — деди Яхшибоев, — дунёнинг ўттиз етти мамлакатида бўлдик.

Атай камайтириб айтди. Аслида, у дунёнинг эллик етти мамлакатида бўлган эди. Ҳаммасини аташга фурсат ҳам йўқ, кейин... манави маҳмадана-қуруқвойларнинг ишонишидан ишонмаслиги аниқроқ, қолаверса, эллик етти минус ўттиз етти баробар йигирма, яъники, ўша йигирма нафар аталмаган мамлакатнинг ўзиёқ камтарликдан нишона.

— Армонингиз қолмаган экан, — деди Маҳмадана.

— Устоз ҳаммасини айтмадилар, — деди Чоршанбиев билимдонлик қилиб. Унинг шогирдлик стажи бошқаларникидан кўпроқ эди, шуни қадам сайин таъкид этишни суярди. — Агар саёҳатнома ёзсалар, шунинг ўзи ўн том бўлади.

— Армон қолдими, қолмадими, буниси — иккинчи даражали масала, — деди Яхшибоев сўлиш олиб. — Ўзга мамлакатларга саёҳат қилиш яхши нарса, лекин мен ўз юртимиздан афзалроғини кўрмадим.

Бу гап шогирдларга хуш ёқди.

— Агар армон дейдиган бўлсак, у ҳам ўзимизга тегишли, — дея давом этди Яхшибоев. — Армон шуки, ўз юртимизни ҳамон тугалроқ ўрганиб етолмадим. У мисоли уммон экан, мен эса — оддий эшкакли қайиқ минган оддий бир балиқчи. Кўп марта тўр солдим, лекин кам нарса илинди. Бу уммон қаърида хазинаю дафиналар шу қадар мўлки, уларнинг барини юзага чиқаришга менинг ҳам, сизларнинг ҳам умримиз етмайди. Одамлар-чи? Одамларимизнинг кўнглида беркиниб ётган турфа хазиналар-чи? Йўқ, биродарлар, биз ҳали ҳеч иш қилолмадик. Афсусимиз ҳам шундан. Энди, мана, хазина калитини сиздай ёшу серғайрат укаларимизга ташлаб кетяпмиз, шояд, сизларга бу ажойиб юртни тўлароқ кашф этиш насиб қилса!..

Яхшибоевнинг кўзлари намланди. Маъюс тортди. Бояги қувноқлиги қайгадир учиб кетгандай бўлди. Шогирдларнинг юзларидаги ишончсизлик ҳам секин-аста йўқолди, улар ҳам ҳазин тортиб қолдилар.

Иккитаси ёндафтар олиб, неларнидир ёзиб қўйди. Ана, деб ўйлади Яхшибоев, шу билан тарихга ҳам кирдик, ана, келажак авлодлар учун ёзиб олишяпти. Кулмоқчи бўлди, лекин маъюслиги тарқамади.

Бир зумлик сукунат чўкди. Дастурхонга дам-бадам чўзилиб турган қўллар ҳаракатдан тўхтади, пиёлалар стол устига қайтди.

Яхшибоев ўртада сарғайиб қолаётган ноз-неъматларга ачинди. Агар ҳозир ейилмаса, шундоқ қолиб кетиши тайин. Ҳиди хонага уради, тунда димоқни қитиқлайди, безовта қилади. Кейин фаррош хотинларга ҳам ортиқча ташвиш.

Қувноқроқ бўлиш керак, деб ўйлади, буларнинг иштаҳасини бўғиш шарт эмас.

— Лекин сизларга ҳавасим келади, — деди овозини ўктамлаштириб. — Чунки сизлар бу ажойиб юртнинг энг гуллаган даврида яшайсизлар. Бу ёғи ҳаёт янада жозибалироқ бўлиши тайин. Умрларинг узоқ бўлсин, бизлар етмаганга ҳам сизлар етинглар.

Шогирдларнинг юзлари ёришди. Гўё Яхшибоев башорат қилган порлоқ манзилларга ҳозироқ жўнаб кетишадигандай, қиёфаларида недир шижоат, недир хижолат аломатлари кўринди.

— Сизларга ҳавасим келади, — дея такрорлади Яхшибоев ва ўшал заҳоти бу гапларни Ошно эшитмаганига афсусланди. — Сизларга ёлғиз бир нарсани — она юртимизга муҳаббатимни васият қилиб қолдиришим мумкин. Ишонишларинг қийин, аввалига ўзим ҳам ишонолмадим, лекин озгина обрў-эътиборим бор эканми, хорижда эканимда бир-икки ғаддор даф қилиб, мени ўша ёқда олиб қолмоқчи ҳам бўлишган. Аввал шунчаки бир ширин ташвиқот бўлди, кейин — дўқ-пўписа, боринглар, очиқ зўғимга ҳам ўтишди. Минг қатла шукрки, чўчимадим, писанд қилмадим, бир оз қийналиб бўлса-да, она юртимизга қайтдим, қайтдиму бандаргоҳга тушиб, тупроғимизни ўпдим. Бу воқеага ҳам бирор йигирма йилча бўлди, ҳа, аниқ эсладим, олтмишинчи йилнинг кузи эди... Ўша кузда мен қайта туғилдим, деб айтсам ҳам янглишмайман. Билингки, бу тупроқда яшалган ҳар бир дақиқа, ҳар бир сония ҳам азиз, шунчалар азизки, тарози палласига ҳеч қандай тиллаю марваридларни қўймоққа эҳтиёж сезилмайди.

Шогирдлар ҳайратланишди. Ишонишди. Ҳар қалай, бошдаги лоқайдлигу беписандлик аломатлари сезилмади. Аслида, воқеа сал бошқачароқ кечган эди. Олтмишинчи йилнинг кузида, чет элда юрганида, недир бир қизиқ томошага чалғиб, самолётга кечикди. Ўша жойда уч-тўрт кун қолиб кетди, ошиқча қийналмади, элчихона ходимлари озгина койинган бўлиб, визасини чўзиб беришди, сўнг ўзлари кемага чиқариб қўйишди. Фақат бир нарса: уни юртида олиб юрган маҳаллий ёзувчи, жаноб Яхшибоев, самолётга кечикдингиз, эн-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди бизнинг мамлакат фуқароси бўлақолинг, деб ҳазиллашгани рост.

Ёлғон айтиш хуш ёқарди. Танида ажиб бир сархушлик пайдо бўлди. Гўё у ростдан ҳам хорижда ғаламислар ҳибсига тушиб қолгандай, каловланган, карахту бемажол, ним ёруғ бир бўлмада... юртини соғиниб ўтирибди!

Айни манзарага ўзи ҳам ишонди. Мижжасига қалққан икки томчи ёшни, бошини сал қуйи эгиб, гўё меҳмонларга кўрсатмаган бўлиб, секин бармоғи билан сидириб ташлади. Бошини кўтариб, меҳмонларнинг кўзларида недир меҳр товланганини кўрди. Кўргани баробар кулгиси қистади. Ғирт майнавозлик-ку, Яхшибоев, деб ўйлади, бу бечораларнинг кўнглини бузиш шунчалар шарт эдими?

Кейин... бу ёғи... соғлиққа таъсири бўлмасмикан?

Ўшал заҳоти юзига қувноқ тус берди. Момиқ халатининг этакларини тиззалари орасига олиб, сал йиғиштиринган бўлиб ўтирди. Рўпарадаги киночи йигитга қарарди, унинг кўзларида умидворлик уқди. Бояқиш уч йилдан бери кетимдан эргашади, деб ўйлади, китобимни кино қилмоқчи, лекин менинг қора меҳнатга тобим йўқ, бунинг дарди битта — менга сал яқинроқ бўлса, кейин мени тиргак қилиб, бирор мукофотми ёки рағбатми илинган таёқ учига тумшуғини чўзса... Буниям тушуниш керак, деб хаёл қилди, кино дегани — ота касби, ҳали бу бояқиш онасининг қорнида ётганида, отаси бояқиш онаси бояқишнинг бу ётган жойини секин силаб, ўғил туғасан, уям киночи бўлади, деб ният қилиб қўйган. Энди у — ўша ниятнинг қули; беш яшарлигида маданият саройидаги тўгаракка қатнаган, ўн ёшида отаси суратга олган кинода роль ўйнаган, ўн беш ёшида ҳаваскор киночилар кўригида совринча олган, у ёғи — Москва, институт, устозлар, чиройли қизлар, силлиқ йигитлар, аллақандай Феллини, Пазолини, Бергман деган ғаройиб номлар... умри бино бўлиб кинодан боши чиқмаса, маҳалла-кўйга аралашмаса, ит уриштирмаса, хўрозу бедана уриштирмаса, қўшни маҳалла болаларидан мушт емаса, бозорда кўк сотмаса, жинкўчаларнинг чангини чиқариб югурмаса... бу бечоранинг яна не чораси бор? Менинг китобимни кино қилса, бас, бу бояқиш қаҳрамонимга шим кийдиради, ҳолбуки, у бола йигирмага киргунча шим кўрмаган, бирор етти ёшгача мутлақо иштонсиз юрган, кейин балоқлари кенг бўз иштон кийган, сабаби — йўқчилик,

бошоғу машоқдан теккан кичкина бир улуш, бир кафтга жой бўладиган тансиқ қўғирмочнинг ростакам байрамлиги. Бу эса, тўқчиликдан ўзга нарсани кўрмаган, атрофини қуршаган одамларнинг тилини ҳам, дилини ҳам чала-чулпа билади, чойхонадаги ошхўрликлар сабаб, биргина «харажат» деган сўзни хуш кўради, «харажат» деб такрорлашни ёқтиради, ҳатто бошқа юртларга ҳам шу сўзни кўтариб боради. Унинг маъносини билмаслиги мумкин, лекин талаффузини ёқтиради. «Харажат» дегани ғалатироқ эшитилади, гўё у шунчаки харжни эмас, балки харид этилган нарсалар ҳаммаси — кўк, сабзи-пиёз, гуруч, гўшт, помидору анорлар — чош этилганда пайдо бўлувчи ғаройиб бир манзара!..

Яхшибоев киночи йигитта лақаб топганини сезди: Харажат. Кўнгли эрмак тусаб, кулимсираб, секин гап бошлади:

— Менга қара, Чоршанби болам, анави китобни ўзинг кино қилиб ёзақолсанг бўлмайдими?

— Мени Аброр деб айтишади, — деди киночи йигит хафа бўлиб.

— Нозингни қара! — деди Яхшибоев. — Сенам Чоршанбидек бўлолсанг қанийди!.. Хўш, ёзасанми, Аҳрор?

— Аброр, мени Аброр деб айтишади, — деб такрорлади киночи йигит.

— Э, Аброр бўлсанг — ўзингга! — деди Яхшибоев ғаши келиб. — Хўш, ёзасанми?

— Қийин, — деди Аброр. — Лекин уриниб кўриш мумкин.

— Менга авторлигим учун пул берсанг бўлди, — деди Яхшибоев. — Кейин битта зўр ош қиламиз. Нима дединг? Харажат қилиб келасан-да, а?

— Харажат, бу — яхши, — деди Аброр.

— Ана, энди ўзингга келдинг, болам. Харажатга пул керак. Директорингга айтсанг, Яхшибоев беш мингдан камига кўнмайди, дегин.

— Унда каттароқ харажат керак, — деб илжайди Аброр.

— Харажатнинг ярмини ўзинг қиласан.

— Майли, лекин унда директор билан ўзингиз гаплашасиз.

— Туяга янтоқ керак бўлса, ўзи бўйин чўзади, болам. Директорга шуни айтсанг, бас.

— Айтолмайман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Э, бу қанақаси бўлди? — деб кулди Яхшибоев. — Сенинг вазифанг нима, болам? Китобни мен ёзганим етмайдими, энди киноним мен гаплашиб берайми? Йўқ, биродар, тушингни сувга айт.

— Мен ёзиб берақолсам-чи, устоз? — деб сўради Чоршанбиев.

Яхшибоев унга хушламайроқ қаради:

— Жим ўтир, болам, сен эплолмайсан. Эпласанг ҳам, барибир сен ёзганинг буларга ўтмайди. Буларнинг ўз одамлари бор ёзадиган.

— Унчаликмас, — деди Аброр. — Сиз ёзсангиз ўтади.

— Тўғри, — деди Яхшибоев. — Мен ёзсам ўтади, чунки директоринг мендан қўрқади. Лекин Чоршанби ёзса ўтмайди, чунки у Чоршанбидан қўрқмайди. Менга қара, Аҳрор, сенга бир гап айтсам...

— Аҳрормас — Аброр, — деди киночи йигит.

— Барибир эмасми! — деб қўл силтади Яхшибоев. — Менга қара, балки мен ўзим ёзишга ҳам кўнарман, ўшанда суратга олаётган пайтларингда миямни қотирмайсанми?

— Ёрдам бериб турсангиз маъқул бўларди.

— Ана, кўрдингми! Сен бир ўзинг ҳеч бало қилолмайсан. Бу ёқда Ғани Аъзам билан Ҳамза Умар менинг гапимни гапириб турса, сен уларнинг нималар деётганини тушунасанми ўзи?

— Таржима қиламиз-ку, — деб эътироз қилди Аброр.

— Мана сенга таржима! — деди Яхшибоев, бармоқларини букиб бинойидай зорманда кўрсатаркан. — Халқнинг дилини таржима қилиб бўлмайди! Сен ўзинг таржимасан, болам, таржима бўлгандаям жуда бемаза таржима! Сенларга берадиган асарим йўқ! Шуни бориб директоринггаям айт! Яхшибоев қандайдир беш минг сўм пул учун тилини сотмас экан, деб айт! Тушундингми?!

Аброр тушунмади. Хўмрайиб ўтираверди. Яхшибоев ҳам қовоғини уйди, бошини эгди — гўё чексиз ғамга гирифтор бўлгандай. Сездики, тил ҳақидаги гаплари шогирдларга хуш ёқди. Ёндафтари борлари қоғозга тушириб олишса ҳам ажабмас. Ва ажабмаски, эрта-индин бошқа бир жойда худди шу гапларни эрмак учун қайта сотишса. Майли, сотишаверсин. Умуман, оқсоқол ёзувчининг куни шунақа қаттиқ — азбаройи нуфузни деб, ўзи ўйламаган ҳақиқатларни ҳам айтиб юборади.

Ҳозиргиси унчалик ёмон чиқмади. Ахир, битта халқ ғамида кироийи қайғурмоқ шунча бўлар-да!.. Бу ёғи яна бир рост гапни ҳам айтди. Беш минг сўм учун киночиларнинг кетидан итдай тилини чиқариб югурадиган аҳмоқ йўқ! Ана, ёшлар бор, ўшалар қилсин! Ўзбек киноси, ўзбек киноси, деб жар солишади, хўш, қани, бориб кўришсин-чи, ўша ўзбек киносида ўзбекчани биладиган бешта одам топилармикан!..

Бариси бефойда. Қуруқ оворагарчилик, холос. Бу борада аччиққина тажриба ҳам бор. Ана, бир гал, кинонинг аввалги директори билан к^лишмай қолганида, кинода миллий руҳ йўқолиб боряпти, оқсоқол, деб Ошнони унга қарши гиж-гижлади. Ошно бечора ҳам лаққа тушди, ўзбекча олинсин, деб кўрсатма берди, ҳатто Москвадек улуғ жойларни ҳам ишга солди, Москвадек улуғ жойлар ҳам миллий руҳни талаб қилди, лекин бирор нафи бўлдими?.. Қайтага, икки ўртада ёзувчилар билан киночиларнинг ўзаро ғанимлиги қолди — бу тараф тилга нўноқлик қилиб индамай турди, у тараф эса, тилни бурро қилиб сафсата сотди ва шундай хулосага келдики, ўзбек халқида умуман адабиёт йўқ экан, кейин, хусусий бир ажримда, зўр-базўр тан олиндики, тўғри, битта Навоий деганлари бор, лекин у ҳам жуда эскирган, ирригатор студентларга Фарҳоднинг канал қазиганидан лекция тузишга яраши мумкин, лекин кинодек замонавий синтетик санъатга асос бўлолмайди.

Ўшанда ҳамма ютқизди. Ёзувчилар ҳам, киночилар ҳам, Ошнонинг ўзи, ҳатто Москвадек улуғ жойлар ҳам баробар ютқизди. Биргина Яхшибоев ютди, сабабки, у ёмон кўрган директор мансабидан шиша оғзига тиқилган пўкакдай учиб кетди. Янги директор биринчи куниёқ таъзимга келди. Зотида араб қони бор эканми, бурундору мўйдор, қорамағиз, тепасида бир парча тепакали бор, келдию икки қўлини икки ёнга ёзиб, бўйнини чўзиб, дафъатан хитоб қилди: «Кино дегани — эҳтиролар бўронидир, Назар Яхшибоевич!» Яхшибоев уни жинни-пинними деб хаёл қилди, йўқ, хайриятки, янглишган экан, зум ўтиб директор одам қиёфасига кирди, айтдики, сиз жуда улуғ одамсиз, Назар Яхшибоевич, сизнинг маслаҳатларингиз ўзбек киносига жуда ва жуда зарур, хусусан, бугунги кунда, киномиз кризис ҳолатини бошдан кечираётган бир аснода зарур, ўйлайманки, сизнинг бегараз ёрдамингиз билан бу мушкулотдан эсон-омон чиқиб оламиз. Жуда муғомбир экан, лутфу эҳтиромни хирмон қилиб уйдики, Яхши-

www.ziyouz.com kutubxonasi

боевнинг ишонишига бир баҳя қолди. Айни бир баҳя қолганида бир сескандию ўзига келди. Энди бас қилақол, болам, деди, кейинроқ бафуржа гаплашамиз, ҳозирча бир гапни айтсанг, бас, агар сенга китобимни берсам, шуни бир зўр кино қиласанми? Ҳа-да, деб хитоб этди директор, хоҳласангиз — шу йилнинг планига қўйиб юбораман! Китоб сигир эмаски, сен қ ў й и б юборсанг, деб дашном берди Яхшибоев, тилни билмайсан, директор болам, планга тиркайман, деб айтсанг тўғрироқ бўларди. Директор хижолат чекди, тепакалига қадар қизарди, сўнг айтдики, узр, Назар Яхшибоевич, адамизнинг айби билан биз ҳам ярим ҳарбий бўлиб юрганмиз, она тилимизнинг жамийки нуқталарини ўзлаштириб олганимизча йўқ. Куюнма, директор болам, деб таскин берди Яхшибоев, мана шундай, мен билан келиб гаплашиб турсанг, бас, тез кунда тилга уста бўлиб кетасан, хўш, сенга китобимни берсам, ҳақига бирор минг сўм берасанми? Ҳазиллашяпсиз, Назар Яхшибоев, дея хитоб этди директор, бирор беш мингдан гапиринг, балки ундан ҳам кўпроқ!.. Сен ўзинг ҳазиллашмаяпсанми, деб сўради Яхшибоев — у ҳали кинога бориб бирор нарсасини бермаган, сирасроридан бехабар эди.

Хуллас, иккала томон ҳам беҳазил гапираётгани аён бўлди.

Ўзинг дирижёрлик қиласанми, директор болам, деб сўради Яхшибоев. Директорнинг лаблари жийрилди. Ўзига бино қўйганроқ йигит экан — Яхшибоевнинг атай нодонлик қилаётганини пайқамади, уни осонгина лақиллатса бўлади, деб хаёл қилди, сўнг ўша алпозда, лабларини беписанд жийирганча, саволга изоҳ берди: мен режиссёр эмасман, Назар Яхшибоевич, мен бор-йўғи директорман. Ҳай аттанг, деди Яхшибоев, бир йўла режисур ҳам бўлсанг тузук эди-да, директор болам, ҳалиям бир уриниб кўр, бамаъни йигит кўринасан, бошқаларга иш қолдириб нима қиласан? Уриниб кўраман, Назар Яхшибоевич, дея ваъда берди директор. Ваъдасининг устидан чиқди ҳам. Уч-тўрт йил ўтиб режиссёрликни ўрганди. Полвонгина йигит экан, бачкироқ фильмларга чалғимай, кўтарасига ўн-ўн беш серияли кинолар оладиган бўлди. Бугун қарабсанки, ростакам арбоб, унча-мунча одам билан гаплашмайди, тинчу омон давр суряпти. Аҳён-аҳёнда таъзимга келиб турадди, холос. Келганида нуқул ҳамкорликда яратган фильмларини эслайди. Яхшибоев секин бош иргаб ўтирради. Рости, у ҳамкорликни тузукроқ эслолмайди ҳам. Шартномаларга қўл қўйганини эслайди, кассадаги ҳисобига пул тушганини эслайди, лекин ўзи сценарий ёзганини эслолмайди. Ўша фильмларнинг титрларида қандайдир савобталабу ҳожатбарор йигитларнинг исму фамилиялари ҳам бўларди, лекин улар шу қадар кўпки, бирортасини аниқ-таниқ хотирлаш қийин...

Яхшибоев сукути чўзилиброқ кетганини пайқади. Секин бош кўтарди. Даврада Аброр кўринмасди. Чамаси, Яхшибоев бошини хам қилиб ўтирганида Чоршанбиев киночи йигитга секин «мўйлов қилган»: чиқиб кет, сени кўп хушламадилар. Дарвоқе, Чоршанбиевнинг мўйлови йўғ-а?..

— Бу, дейман, Чоршанби болам, мўйлов қўйсанг ярашарди-да, — деди Яхшибоев.

Шогирдлар илжайишди. Ҳозиргина ўзбек киноси учун қайғуриб, салкам қон ютиб ўтирган кишининг бу қадар тез ўнгланиб олиши уларнинг ҳавасини келтирди. Биргина Чоршанбиев кулмади. Унинг шогирдлик муддати беҳад чўзилиб кетган, шу сабаб, устозининг қилиқларига кўпда парво қилмайдиган эди.

— Соқол қўйсанг — янаям яхши, — деди Яхшибоев.

— Бир камим шу эди, — деб тўнғиллади Чоршанбиев. — Ўшанда нақ киночи бўп қолардим. Умуман, киночи бўлиш шу-да, — деди у, бирдан кайфияти ўзгариб. — Соқол қўйсанг, бас-да, нима дединг, устоз?

— Мия ҳам керак, — деди Яхшибоев.

Чоршанбиев бу гапни эшитмасликка олди.

— Узр, устоз, — деди. — Аброр йўлда илашиб эди, қол, деб айтишнинг иложини топмадим.

— Зиёни йўқ, Чоршанби болам, — деб жилмайди Яхшибоев. — Мен жуда хурсанд бўлдим. Ўзи яхши бола у, лекин отаси ақлсизлик қилган, бошқа бир касбга қўйса бўларди. Дейлик, сартарошликка. Сочини қандай пирчоска қилганини кўрдингизми — зўр-а?

— Энди, бу гаплар йигит кишининг ишимас-да, устоз... — дея гап қўшди тақирбош шогирд.

— Ўзининг сочи йўқ, шунга ҳасади келяпти, — деб кулди маҳмадана шогирд.

— Шуни айтинг-а!.. — дея рағбат билдирди Яхшибоев.

Давра яна бир зумда жонланиб қолди. Маҳмадана Тақирбошни чандиди, Тақирбош — Маҳмаданани; ўртага бошқалар ҳам суқилди, гурунгнинг бир учи бориб уч-тўрт йил олдин қазо қилиб кетган кал шоирга тақалди. Бу ёғини Яхшибоев илиб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Шу, десангиз, раҳматли Боғий ғалатироқ одам эди. Бир куни уни излаб Зариstонга бордим. Ўшанда Боғий Зариstонда газетга муҳаррирлик қилар эди. Борсам, ходимларини йиғиб, летучка ўтказаётган экан. Кўрдимки, дўстим қурмағур жуда дарғазаб, оғзидан кўпик сочиб, ходимларнинг нақ жонини оляптики, ҳамманг қамаласан, катта мақолада сиёсий хато ўтиб кетган, деб!.. Ходимлар ҳеч балони тушунмай гаранг. Ҳар бирининг олдида бир нусхадан газет, шунча синчиклаб қарашади ҳамки, ўша айтилган даҳшатли хатони топишолмайди. Гапнинг рости, мен ўзим ҳам чўчидим. Ҳарна, тенгқурлиги бор, агар ҳалигиндай хато ўтиб кетган бўлса, бечора Боғийга зиёни тегмасин-да, деб ўйладим. Кейин газетдан биттасини олиб қарасам, ходимлар тополмаган «сиёсий хато» лоп этиб чиқиб қолди!..

Ҳар қандай уста гурунгчи каби, Яхшибоев ҳам бир муддат сукут сақлади.

— Қанақа хато экан? — деб сўради Маҳмадана бетоқатлик билан. — Унчалик ёмон эмасми?

— Ёмон бўлганда ҳам унча-мунчаси эмас!..

— Айтақолинг, устоз!..

— Айтиш жуда осон. Бор-йўғи «ҳайкал» сўзида бўғин кўчирилган экан.

— Тушунолмадим, — деб гудранди Маҳмадана.

— Нимасини тушунмайсан, — деди Чоршанбиев. У устозидан айни латифани илгари ҳам эшитган эди. — «Ҳайкал»дан бўғин кўчирилса, иккинчи қаторга «кал» бўлиб ўтади-да!..

Шогирдлар кулган бўлишди. Кулгиларида ортиқча завқ сезилмади. Булар буткул бошқа дунё, деб ўйлади Яхшибоев, булар Боғийни кўрмаган, агар шу гапларни тенгқурлар даврасида эсласак борми, ҳамманинг ичаги узиларди. Во дариғки, ҳар бир даврнинг ўз одамлари, ўз латифалари бўлади, бизнинг даврон ўтди, энди — буларники, энди буларга мослашмоқдан ўзга иложимиз йўқ.

— Афсуски, Аброр болам кетиб қолди, бўлмаса яна биттасини айтиб берардим, — деди Яхшибоев. — Буниси Боғий раҳматлининг киночи бўлгани хусусида.

— Айтаверинг, бизам тушунамиз, — дейишди шогирдлар бир овоздан.

— Ҳозир айтганимдай, эллигинчи йилларда Боғий дўстимизни кинога директор қилиб тайинлашди. Юқоридан, кинонинг молиявий аҳволи зўр эмас, бохабарроқ бўлинг, деб тайинлашган экан. Раҳматли Боғий

бориши билан ҳамма ёқни тит-пит қилиб чиқибди: нечта одам бор, ким неча пул маош олади, нечта машина, нечта камера, нечта чироқ... ҳаммасининг ҳисобини олибди. Шундай қилиб, десангиз, қўлида газчўп ушлаб, бир куни киночиларнинг искалатига ҳам кириб борибди. Искалатда плёнка сақланар экан. Думалоқ қутиларни кўрсатиб, бу нима, деб омборчи хотиндан сўрабди. Хотин айтибдики, булар — плёнка, плёнкага кино олинади. Шунда Боғий ошнамиз, хўш, камомад йўқми, деб сўрабди. Омборчи хотин дафъатан шошиб қолибди, кейин айтибдики, камомад бор-йўқлигини билмайман, бизга фабрика ҳамма нарсани қора қоғозга ўраб-чирмаб жўнатади, камомад қилса ҳам ўшалар қилади. Боғийни бу жавоб қониқтирмабди. Боринг, икки-уч гувоҳ чақириб келинг, деб буюрибди. Омборчи хотин ташқарига чиқибди. У то икки-уч одамни топиб келгунча, бу ёқда Боғийнинг ўзи ревизияни бошлаб юборган экан. Киночилар келиб қарашса, директорлари бирор йигирма қутидаги очилмаган плёнкани очиб, чувалтириб, қўлидаги газчўп билан мисоли газмолдай ўлчаётган экан!..

Шогирдлар бу гал очилиброқ кулишди. Яна қистовга олишди. Яхшибоев кўрсаки, оқсоқоллик сиёғи кетиб, шунчаки маймунга айланиб қоляпти. Бирдан жиддийлашди, чеккароқда ўтириб чой қуяётган камтарроқ шогирдидан чой сўради. Чойни ичиб, сўнг босиқ оҳангда давом этди:

— Киночи қавмида яхши одамлар кўп-у, лекин ғирромлари ҳам топилади. Бир куни мени чақириб қолишди. Ўшанда Боғий директор эдими ёки ундан кейингисими, буниси эсимда қолмаган... Хуллас, чақириб олиб, шартномага қўл қўйдириб, тўғри кассага юборишди. Бориб, бир ярим минг сўм олдим. Ярим йил ўтиб, киносини ёзиб топширдим. Муҳокама қилиб, бу ҳолида бўлмайди, автор эплолмабди, деб айтишди. Жаҳлим чиқди. Редакторига кириб, закалатни қайтариб берайми, деб сўрадим. Редактори куйдирилган калладай тиржайиб, парво қилманг, устоз, дейди, бизда пул кўп, сиз олган йигирма беш фойиз қалам ҳақини «списайт» қиламиз. Жудаям бировнинг қўлига қараб қолган одам эмасмиз, гапига кўнмадим. Лекин уям кўнмади. Кўнглим хижил бўлди. Бир ой ўтиб, ҳалиги редактор дегани уйга қўнғироқ қилиб, ёзганингизни опкелинг, деди. Ёзолмадим, дедим, янгитдан бошлашга кучим етмади, ўша сизлар «списайт» қилган нусхаси турибди. Э, қи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

зиқмисиз, устоз, деди редактори, ким сизга бошқасини ёзинг деб эди, ўша эскисини опкелаверинг, гап бор... Нима гап экан деб, яна бордим. Яна муҳокама қилишди, худди ўша «списайт» бўлган нусханинг ўзини қабул этиб, автор бу гал эплабди, деб қарор чиқариб, яна кассага жўнатишди. Борсам, яна бир ярим минг сўм закалат тайёр турибди!..

— Олдингизми? — деб сўради Тақирбош.

— Ололмадим, — деди Яхшибоев. — Билсам, улар менга ёқмоқчи бўлиб, ҳалигиндай... кўзбўямачилик қилишган экан. Яъники, бир нарсага икки марта ҳақ тўлашаркан!..

— Олиш керак эди, — деди Тақирбош.

— Олсам, уларга муттаҳам бўлардим, — деди Яхшибоев. — Кейин нақ бўйнимга миниб олишарди.

— Мен бўлсам олардим, — деди Тақирбош.

— Сенга бермайдиям, — деди Чоршанбиев. — Сен у — бир сўмга уч марта таъзим қиладиган, домлага обрў керак, пул эмас!..

Яхшибоев содиқ шогирдига рағбат билан қаради. Балли, Чоршанби болам, деб ўйлади, ўзинг шундай қўллаб турмасанг, буларнинг ишониши қийин. Лекин анави Тақирбошнинг гапида жон бор, мен ўзим ҳам текин пул бўлса йўқ демасдим, лекин бу пул кўпам текин эмасди, биттагина «шарти» бор эди, қолаверса, бу пулни менга аллақандай редактор эмас, дўстимиз Боғийнинг ўзи берган эди. Боя, директор ким эканини билмайман, деганларим ёлғон, Боғийнинг ўзгинаси эди. Боғбоннинг боласи бўлсаям, анчагина шум эди раҳматли, ҳалигиндақа негатив плёнкани газчўп билан ўлчайдиган нодон эмасди. Гап шундаки, айни ўша кезларда боғбондан чиққан шоир Боғий билан дўхтирдан чиққан шоир Соғий иккови баробар мукофоттами, унвонгами талабгор бўлишувди. Соғий олға кетиб, Боғий ярим йўлда қолувди, яъники, Ошнонинг қўлига теккан рўйхатга унинг номи кирмаган эди. Боғий рўйхатга киришнинг чорасини изларди, излаб топувди ҳам, эҳтимолки, пасткашлик қилмай жўнроқ гапирса, ўша рўйхатга кирарди ҳам, лекин, минг афсуски, Боғий менинг — Яхшибоев Назар Яхшибоевичнинг нархини жуда арзон қўйди. Гўё кучукка суяк ташлагандай, бир ярим минг сўмга сотиб олмоқчи бўлди — мени ҳақорат қилди. Ғазабим қўзидию унинг ўзини сотдим. Ошнога айтдимки, бу назари паст мени ўртага қўймоқчи бўлди, ҳатто пора тиқиштирмоқчи бўлди, шунга бирор унвон-

пунвонни бежанжал беришнинг иложи йўқми, оқсоқол? Лекин Ошно муғомбирлик қилди. Қўйинг, ўртоқ Яхшибоев, деди, бу гапларни биров билмагани маъқул, бир жиҳати — икковингиз ҳамкасабасиз, қолаверса, халқнинг шаънига ҳам яхшимас. Чандон уриндим ҳамки, бирор иш чиқаролмадим. Аразлай десам, аразнинг эви йўқ, эшитган одам кулиши мумкин, хусусан, Ошнонинг ўзи биринчи бўлиб кулади ва, эҳтимолки, мазах учун ҳам Боғийга бирор мурувват кўрсатадию икки ўртада менинг шарманда бўлганим қолади. Во дариғки, кутганимнинг акси бўлди — Боғийнинг номи рўйхатга тиркалди. Ноилож эдим. Ошнони ёзғирдим, Боғийни сўкдим, лекин хуморим тарқалса қани! Қарасам, икки ўртада ютқизган — мен ўзим эканман. Э, укасининг қорнига, дедиму шартта бориб, ҳалиги бир ярим минг сўмни олдим. Ўшанда Боғийнинг керилишини кўрсангиз эди! Мени менсимайди, нуқул қирғийқараш қилади. Ичимда, сен чумчуқни қирғий этган мен аҳмоқ бўламан, деб ўйлайман, лекин сиртимга чиқаролмайман, негаки, Ошнони тилга олиш ўнғайсиз. Мен Ошнонинг номини айтиб ўрганмаганман, аксинча, бошқалар менга гапиришган, шаъма қилишган, илтимос қилишган, таъна қилишган, мен эсам — яккаш сукут сақлаганман. Менинг кучим айни с у к у т д а бўлган. Ўшанда, алам устида, Боғийнинг негатив плёнкани газчўп билан ўлчаганини тўқиб чиқардиму элу юртга тарқатдим. Бу латифа менинг ўзимга ҳам асқотиши мумкин эди, лекин, минг афсусларки, мен кинога директорлик қилганим йўқ — ёлғонлиги дарров билиниб қоларди. Кўнглим айтадики, латифа ёмон латифа эмас, Боғийга ўхшаган бачкироқ одамларни эл ёдида қолдиришга кучи етади... Хайриятки, худо деганим бор экан: Боғий рўйхатга кирди-ю, лекин ҳеч бало ололмади. Соғий ҳам ололмади. Умуман, Ошнонинг кайфияти ёмон эдими, ўша гал ҳеч ким мукофот ҳам, унвон ҳам ололмади, эълон чиқадиган куни тузалган не-не тўкин дастурхонларнинг ранги заъфарон бўлди, не-не талабгор номзодларнинг хотинлари калтак едики, томошабини — мен ўзим!.. Энди, бу ёғида бир кичкина хижиллик ҳам бор эдики, сабаби — бир ярим минг сўмлик закалатнинг қўша экани. Гўё муттаҳам бўлиб қолгандайман. Лекин, буниси бир ҳисса-ю, қасд олмоқ истаги минг ҳисса!.. Ахийри йўли топилгандай бўлди. Магазиндан анча пулга битта телпак олиб, Боғийга совға қилдим. Индамай олди, раҳмат айтди, кейин кийиб юраверди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўйласам, гирт аҳмоқлик қилибман. Боғий шаъмани тузукроқ англамабди, негаки, телпакни жунли бошга ҳам, ярғоқ бошга ҳам бирдай кияверишади-да!.. Начора, Боғийнинг кал боши ҳақида яна икки-уч латифа тўқидим. Лекин энг зўри мияга кейинроқ келди. Ошнони меҳмонга айтиб, ўша Боғий мени муттаҳам қилиб берган пулга ош дамладим. Ош хушхўр чиқди. Ошно мақтагандан мақтаб еди. Ичимда тантана қилардимки, баттар бўл, мени менсимадинг, доғда қолдирдинг, мана, ўзинг билмаган ҳолда гуноҳимга шерик бўлиб ўтирибсан, еганинг — ҳаром, еганинг — ҳаром!.. Шу гапларни ўйлаб, диконглаб ўйинга тушишимга сал қолди. Ошно бечора ҳайрон, намунча хурсандсиз, ўртоқ Яхшибоев, деб сўрайди. Мен айтаманки, ўшанда тўғри айтган экансиз, оқсоқол, икки ҳамкасбнинг тумтайишиб юргани дуруст бўлмас экан, бу ёғи — халқимизнинг шаънига ҳам яхшимас, шуни ўйлаб, дўстимиз Боғий билан ярашиб олдим. Д ў с т и м и з эмасдир, деб илжайди Ошно, шахсан менга унинг иссиқ-совуғи йўқ, сизнинг дўстингиз бўлса эҳтимол... Сиздек улуғ одам рашк қилса ярашмас экан, дедим, рашкингиз — мен учун шараф, оқсоқол, лекин бутун бир халқнинг дўсти бўлган одам биргина бечора Боғийни четлатиб қўйса қандай бўларкин?.. Балосиз, ўртоқ Яхшибоев, деб кулимсиради Ошно, гапниям оласиз, майли, биз енгилдик, хўш, айтингчи, дўстимиз Боғийнинг аҳволи қалай, кайфияти тушкун эмасми? Тушкун, дедим мен, рўйхатдан тушгандан кейин тушкун бўлади-да. Йўқ, деди Ошно, рўйхат умуман чиққани йўқ, демакки, шикоят қилмаса ҳам бўлаверади, шусиз ҳам мансаби дурустгина, маоши ҳам тузук, бу ёқда шеърини ҳам ёзиб турибди... Гап фақатгина маош билан шеърдами, дедим мен, бечора Боғий киночиларнинг орасида қийналиб кетди-ку, ўзига мос бошқа бирор иш топилиб қолар? Ўзингиз учун сўрасангиз бир нави эди, деди Ошно, лекин ҳозир даллолга ўхшаб қоляпсиз, ўртоқ Яхшибоев, ёнимга нуқул илтимос билан келасиз. Келганим йўқ, дедим гапни ҳазилга буриб, сиз ўзингиз келдингиз, оқсоқол, келиб, менинг уйимда меҳмон бўлиб ўтирибсиз. Э, шундайми, деди Ошно росмана хижолат чекиб, кечирасиз, ўртоқ Яхшибоев, эсимдан чиқиб кетай дебди. Эсдан чиққани тузук, дедим қизигида, шундан маълумки, менинг уйим сизга бегона эмас экан, қолаверса, сиз менга айб этиб тақмоқчи бўлаётган хислат аслида фазилат бўлса ҳам ажабмас, негаки, мен сизнинг даргоҳингизга бирор марта ўзимни деб борган эмасман, бошқаларни деб борганман, баъзида эрким сиғиб маслаҳат сўрайман, қайтариб ташламайсиз — шунгаям раҳмат, лекин бу гал қаттиқ туриб илтимос қиламанки, дўстимиз Боғийни оғир аҳволдан қутқариб олсангиз...

Ошно ишдан безган эканми, нуқул бўйин товлайверди. Кейинроқ гаплашайлик, ўртоқ Яхшибоев, деди, меҳмонингизман, ахир, лоақал шуни ўйланг. Ноилож, ўша ўзим тўқиган латифани — Боғийнинг ҳали очилмаган плёнкани газчўп билан ўлчаганини айтиб бердим. Ошно ишонди. Оббо, худо урибди-ку, ўртоқ Яхшибоев, деди, бола фақирнинг бир чақалик обрўси қолмабди-ку, ҳай аттанг, ҳай аттанг!.. Ўйланиб қолди. Сўнг ўзи мендан маслаҳат сўради. Мен озгина ноз қилдим, сўнг, гўё ийманган бўлиб, кўнглимга тугиб юрган шум ниятимни айтдим. Ошно дарров кўнақолди.

Ҳафта ўтиб, Боғий юпқароқ бир журналчага б о ш м у ҳ а р р и р этиб тайинланди. Шартта телефон қилиб, ўртоқ, сени бош муҳаррир бўлганинг билан табриклайман, дедим. Кал бошимга шаъма қиляпти, деб ўйладими, гапимни охиригача эшитмади, трубкани илиб қўйди. Кечқурун эшитдимки, у бирорта ҳам табрикни қабул этмабди, ҳатто сўкинибди, телефон симини узиб ташлабди. Шуни билиб, роса суюндим, баттар бўл, ярқоғбош, дедим, баттар бўл, кал, мана энди ҳақиқий номингни топдинг — калбош муҳаррир!

Боғий ишга келдию ҳалиги журналча саҳифаларидан «бош» деган сўз тамом ўчди. Журналчада қувноққина бир тожик йигит ишларди. Ўша қурмағур, гарчи туроғи тўғри бўлмаса-да, қофияси тузуккина термача тўқибди: кали бош дарға бошад, каломи бош бадарға бошад.

Боғий ўзи ўтирадиган кабинет эшигига ҳам қисқагина қилиб, «Муҳаррир» деб ёздирди. Айтишларича, летучкаларда «бош мақола» деган сўзни ишлатган ходим балога қоларкан. Ғайратли кал эди Боғий дўстимиз, агар унда ҳам Ошнога ўхшаб зўрроқ нуфуз бўлса борми, ўзбекча луғатдан жамики «бош»и бор сўзларни мутлақо ўчириб ташларди: бошлиқ, бошмоқ, бошқарма, бошвоқ, бебош ва ҳоказо ва ҳоказо. Дарвоқе, Боғийнинг бир ходими «калла» сўзини ишлатгани учун ишдан ҳайдалган экан. Ахир, «калла»да бир йўла «бош» ҳам, «кал» ҳам бор-да!..

Яхшибоев ўйларидан яйради. Теграсидаги даврани кўргиси келмади. Давра ҳам ўзи билан ўзи овора эди. Аслида давранинг у билан иши йўқ, у шунчаки ҳисобда

www.ziyouz.com kutubxonasi

туради, холос. Токи Яхшибоев қулоғини ушлаб кеттунича чидашлари керак, кеттунича панд бермаса бўлди. Тўғрисиям шу, деб фикр қилди Яхшибоев, бизники бўлди энди, бу ёғи — замон шуларники, чоршанбию жумабойларники, яна бир-иккита тузукроқлари ҳам бордай, лекин улар менинг ёнимга келишмайди. Эҳтимолки, улар ҳам келишар. Ахир, касал одамни келиб кўриш фарз эмасми? Мана, бугун келганларнинг орасида ҳам оласи бор-ку, анави Маҳмадана билан Тақирбош, улар менинг бирорта сатримни ўқигани гумон, нуқул чангалзор-сельваларни ўқишади, нуқул бизга ўхшаганларни мазах қилишади, эмишки, бизлардан ўша чангалзор-сельваларни ёзган маркес-паркеслар зўрроқ эмиш! Хўш, улар зўр экан, Яхшибоевнинг ёнида нима қилиб ўтирибсан, ашқол-дашқолингни йиғиштиру кет ўша чангалзор-сельваларингга!.. Хўш, шунчалар зукко экансан, биз нодонларнинг ёнида пишириб қўйибдими? Бурун жийирмоқ жуда осон, аслида сенлар ҳам бизга ўхшаган тиррақисан, фарқимиз шуки, биз кексароқмиз, бизнинг билганимиз — ўтмишдан, сенлар билганларинг — бугундан, ҳар хил чангалзору сельвалардан; ажабмаски, биз ҳам ёш бўлсак, айни ўшалардан лоф урардик, афсуски, бизнинг давримиз ўтди, турли чангалзору сельвалардан бебаҳра қолдик, йўқ, давримиз ўтди десак ҳам бўлмас экан, ахир, ҳали тирикмиз, соямизни ўзимиз судраб юрибмиз, минг ўтиб кетган илғорлариям уйпуйлари тор келиб қолган пайтларда чангалзор-сельваларга эмас, бизга ўхшаган қолоқ яхшибоевларнинг ёнига боришадики, устоз, бир ёрдам қилинг!..

Шунақа пайтларда биз устозга ҳам айланамиз. Яхшибоев олиб берган кенг уйнинг тўрида думалаб ётиб, кейин уни росмана дуо қилиш ҳам мумкин!

— Асли мен депутат бўлишим керак эди, — деди у баралла овоз билан.

Шогирдларнинг суҳбати бўлинди. Яхшибоевга сал ажабланиб қарашди. Биргина Чоршанбиевнинг туси ўзгармади. Эски шогирд эмасми, устозининг кўнглидан не ўйлар кечганини бирдан сезарди у.

— Ҳафтанинг махсус кунида, махсус кабинетда ўтириб, аризачиларни қабул қилардим, — деди Яхшибоев. — Ўшанда сизлар ҳам келардинглар.

— Шартмас, — деди Чоршанбиев мийиғида кулиб. — Бизлар шусиз ҳам сизнинг ёнингиздамиз.

— Энди, расмийроқ бўларди-да, Чоршанби болам, — деди Яхшибоев, гўё хаёли паришон бўлиб. — Сен

ўзинг рўйхатга олиб ўтирардинг. Мендаям вазифа оғир, бир ўзим дош беришим қийин.

Чоршанбиев устозининг меҳмонларни ҳайдамоқчи бўлганини тушунди. Лекин тушунганини бирданига ошкор этмади. Меҳмонларни андак чалғитиш учун, аввал кичик бир латифа айтди. Эмишки, унинг бир сувчи ҳамқишлоғи пайкал бошида ухлаб қолибди. Шунда унинг ёнига биргина дўлтабўри келибди. Сувчи ухлашдан олдин кетмонини белбоғига қистириб қўйган экан, дўлтабўри келиб, айни белбоғдан тишлабдию сувчини кетмон-петмони билан яғринига олиб тоққа чиқиб кетибди.

— Дўлтабўри нимайди? — деб сўради Тақирбош.

— Бўрининг бир тури-да, — деди Чоршанбиев.

— Чиябўрими?

— Ҳадеб сўрайверасанми? — деб ғазабланди Маҳмадана. — Эҳтимолки, ҳалиги қизил койотлардан[1] бўп чиқар...

Чоршанбиев устозига маънодор қаради: кўрдингизми, яна чангалзор-сельваларга оғиб кетяпти. Яхшибоев кўзларини бир юмиб-очди, демоқчи бўлдики, парво қилма, бунинг ўзи койот.

— Дўлтабўри сувчини тоққа опчиқиб кетибди, — дея давом этди Чоршанбиев. — Шу кетишда ўзи яшайдиган ғор оғзига етибди.

— Тушунолмадим, — деб ғудранди Тақирбош. — Сиз аввал дўлтабўрининг нималигини тушунтириб беринг.

— Самад болам, сал сабр қилинг, — деб дакки берди Яхшибоев. — Латифани қоқ белидан бўлган одамни энди кўришим.

— Самадов — менинг фамилиям, домла, — деди Тақирбош. — Менинг отим Турғун, эсингиздан чиқибди.

— Тем более, — деди Яхшибоев. — Турғун бўлгандан кейин икки ҳисса тек ўтириш керак. Дўлтабўри — бўрининг бир тури. Мана, сиз, бўйингиз паканароқ, лекин анча қорувлисиз, кучингиз ҳам шунга яраша, демак, жудаям дўлта йигитсиз, эҳтимолки, қариган чоғингизда сизга «Дўлтачол» деб лақаб ҳам қўйишар.

Давра аҳли енгилгина кулиб олди.

— Тушунарлими? — деб сўради Яхшибоев илжайганча.

— Раҳмат, тушундим, — деб тўнғиллади Тақирбош.

---

[1] Чиябўри.

www.ziyouz.com kutubxonasi

—Тушунган бўлсанг, унда давомини эшит, — деди Чоршанбиев ўзини кулгидан зўрга тийиб. — Хуллас, дўлтабўри сувчини ғор оғзигача кўтариб келибди. Ичкарига кирай деса, ҳеч киролмасмиш. Сувчи данг қотиб ухлаб ётганмиш, белидаги белбоғи маҳкам боғланган экан, бунинг устига, белбоққа кетмон қистирилган, ўша касофат кетмон ғор оғзига кўндаланг келиб, нарига ўтказмасмиш. Дўлтабўри бечора бир уринибди, икки уринибди, уч уринибди...

— Тўрт уринибди! — дея жўр бўлди Яхшибоев.

— Ўн уринибди!..— деб қўшди Маҳмадана.

— Йигирма уринса ҳам бирор иш чиқаролмабди. Ахийри данг қотиб ухлаётган сувчини кетмон-петмони билан ташлаб кетибди.

Чоршанбиев шу ерда андак пауза қилди. Давра ҳангу манг эди. Ниҳоят, Маҳмадана чидаб туролмади.

— Нега? — деб сўради. — Нега ташлаб кетади?

— Ташламай нима қилсин, — деди Чоршанбиев. — Бечора сенга ўхшаган ориятли экан, номуси зўрлик қипти. Хуллас, дўлтабўри бечора азбаройи уялганидан сувчини ташлаб кетибди.

— Нега уялади? — деди Маҳмадана тоқати тоқ бўлиб.

— Э, бўлди! — деди Чоршанбиев ёлғон дағдаға қилиб. — Ахир, сувчини ғорга опкиришнинг ўзи бўладими! Кетмони бўлмасаям бир нави эди, лекин кетмони билан опкириш!.. Дўлтабўри бечора кучаниброқ тортганида бехосдан ел чиқариб юборган экан, тушундингми?!

Латифанинг «тузи» шунда эди. Даврадагилар қотиб-қотиб кулишди. Маҳмадана хижолат бўлди. Чоршанбиевга ўқрайиб қаради, лекин қаттиқ гапиролмади, ҳар ҳолда, Чоршанбиевнинг ёши улуғроқ эди, шогирдлик тажрибаси ҳам кўпроқ, қолаверса, устози туфайли улуғ давраларнинг ҳам ҳадисини кўрган, унча-мунча ҳарифларга жавоб айтишга қурби етарди.

— Ростдан ҳам ориятли бўри экан, — деди Тақирбош, бошини сараклаб. — Ўзингиз тўқиганмисиз, ўртоқ Чоршанбиев?

— Йўғ-э, — деди Чоршанбиев. — Устоз тўқиганлар. Бизнинг бунақа гапларга эвимиз йўқроқ.

Давра Яхшибоевга юзланди. У камтарлик юзасидан илжайди. Лекин на рад этди ва на тасдиқ этди. Аслида Яхшибоев бу латифани бойсунлик бир тунд ёзувчидан эшитган эди. Ўша бадқовоқ бу ҳангомани шунчаки гап орасида айтган, эҳтимолки, энди ўзи ҳам эслолмаса.

Лекин Яхшибоев эсдан чиқармади, қайтага, бир-икки тафсилот қўшиб, қўлдан келганича сайқал берди, бугун қарабсизки, шогирди Чоршанбиев ҳам туппа-тузук ўзлаштириб олибди — паузалари ҳам, қичиқлари ҳам жойида.

Яхшибоевнинг ўзи эндиликда бу латифани айтмайди ҳисоб. Ўзи айтиб оғзи куйган. Одам қуриб қолгандай, келиб-келиб Ошнога айтибди-я!.. Ошно аввалига одоб билан эшитди, ҳаттоки илжайди, қиқирлаб кулди, сўнг бирдан қовоқ уйиб, гапларингиздан атир ҳиди келмайди, ўртоқ Яхшибоев, деди. Яхшибоев ёмон ўсал бўлди. Қайтага, Ошно лутф қилиб ўтирмасдан, гапларинг бунча сассиқ, деб айтса минг бора тузукроқ бўларди. Лекин Ошно ўлгудай одобли одам, одоблики, жигарингни эзади!.. Одам дегани ҳам атирга шунчалар ишқивоз бўладими! Ошнонинг атирпарастлиги яхши бир латифага юк бўлади-ю, афсуски, бунинг иложи йўқ, жонидан тўйган одам латифа тўқимаса, ақли соғ одам бунга журъат этолмайди...

— Энди мен ўзим биттагина аччиқ чой дамласам, — деди Яхшибоев ўрнидан туриб. — Гурунгимизнинг шираси ошиб боряпти, чой билан ҳазм қилмаса бўлмайдиган.

— Йў, йў, — деди шу пайттача жимгина чой қуйиб ўтирган камгап шогирд. — Мен ўзим дамлайман, домлажон!

— Қўйинг, Кўкламов, — деди Чоршанбиев унинг қўлидан тутиб. — Устоз чарчадилар, озгина дам олсинлар. Нима дединг, Назар Яхшибоевич?

— Ҳали эрта-ку, — деди Яхшибоев соатига қараб. — Ўтиринглар эди.

— Йўқ, бормасак бўлмайди, — деди Чоршанбиев. — Сиз дам олинг. Хўш, Кўкламов ука, энди сиз қолиб, домланинг дастархонини сал тартибга солиб берасиз. Ўзлари уриниб қолмасинлар. Сиз, Турғунбой, гулларнинг сувини алмаштиринг, сиз, Ёвқочбек, пиёлаларни ювинг...

Йигитлар бирин-кетин қўзғалиб, ишга уннадилар. Чоршанбиев кўрсатма бериб турди. Бу қурғур асли бригадирми, прорабми бўлиш керак эди, деб ўйлади Яхшибоев, уқуви бор лекин... Дарвоқе, анави чойчи болани Кўкламов дедими?... Кўкламов... қизиқ экан...

— Менга қара, болам, — деди, — бу, фамилиянг галатироқми?

— Бовамиз кўкламда тувилганакан, — деди Кўкламов хижолатдан қизариб.

Яхши исм экан, деб ўйлади Яхшибоев, ҳикоя-пикоя-га олса бўларкан, шаҳар одамига билмади-у, лекин чў-

www.ziyouz.com kutubxonasi

пон-чўлиққа ярашади, кўклам, кўк, кўкат, кўкаламзор... Йигитчага жуда мос... Боваси кўкламда тувилган бўлса, ўзимизга ўхшаган лалмироқ экан-да?..

Чойнак-пиёлаларни сервантга ихлос билан тераётган бу йигитчага меҳри ийди. Э, содда болам, деди ўзича, ишқилиб, манглайинг ёруғ бўлсин-да. Сен бу ерда нима қилиб юрибсан? Манави Чоршанбининг, Тақирбошу Маҳмаданаларнинг сенга нима кераги бор? Қавмингни топсанг бўлмайдими, ахир, ўзингга ўхшаган мўмин-мулойимлар ҳам бор-ку! «Йў-йў» дейишингдан билдимки, мен ёқтирмайдиган шоир боланинг суҳбатида бўлгансан. Хотин йўқ, уй йўқ, деб ёзади нуқул. Нега йўқ, деб сўрасанг, хоксоргина жилмайиб, «шу-шу» дейди. Қувонса ҳам — «шу-шу», газабланса ҳам — «шу-шу», юрсаям, турсаям... турқи ёқмайди менга унинг, лалмигина болам!.. Лекин шеърларини яхши дейишади. Яхши-ёмонлигини билмайман, ўқиганим йўқ, ўқимоқчи ҳам эмасман, ўқиганимда ҳам ёқмаслигини сезаман, сен ўшанинг мухлиси экансан, мен нимаям дердим, лалмигина болам!..

Даврадошлар бирин-кетин хайрлашиб, соғлиқ тилашиб кета бошладилар. Юзларидан мамнунлик сезиларди. Биргина Маҳмадана норози кўринди. Яхшибоев унинг норози бўлиб кетишини хоҳламади. Шуни ўйлаб, қайсидир нашриётда илиғлиқ турадиган шиорни эслади: «БУ ДАРГОҲДАН ҲЕЧ КИМ НОРОЗИ БЎЛИБ КЕТМАСИН!» Ичида кулди. Ўйладики, бунинг ўрнига бошқача шиор осса ҳам бўларди: «ХУШ КЕЛИБСИЗ, ҚАЛАНҒИ-ҚАСАНҒИЛАР!» Худойим, деб ўйлади, буларга қачонгача ақл бўламан, ахир? Бу ишлар ижроқўм идорасига ярашса ярашар, лекин яхшию ёмон қўлёзмалар келадиган, ўнтасидан тўққизтаси қайтариладиган жойга ҳеч ярашмайди-ку!..

Секин Маҳмадананинг билагидан тутди, хона тўрига қараб бошлади.

— Мени мазах қилмассан, болам, — деди ялингандай бўлиб. — Янгичадан саводим йўқроқ. Ҳалиги... сельва-пельваларингдан битта-иккитасини опкелиб беролмайсанми? Ҳарна, ўшандай ёзувчилар ҳам борлигини билиб кетсам тузук эмасми?..

Маҳмадананинг юзи ёришди. Мўйсафид бир одамнинг илтижосидан андак ғурурланди, юмшади, марҳамати жўшди:

— Майли, домла, — деди. — Қачон опкелай? Эртага опкелсам бўладими? Аммо-лекин маза қиласиз, улар биздан зўрроқ!..

— Албатта опкелинг, — деди Яхшибоев, энсаси қотганини аранг яшириб. — Лекин айни эртага опкелиш шарт эмас, яхшиси, мен соғайиб чиққандан кейин, тўппа-тўғри бизнинг уйга опкелинг, биргалашиб ўқиймиз, тушунмаган жойларимни шарҳлаб турасиз. Келишдикми?

— Келишдик! — деди Маҳмадана негадир ҳаяжонланиб. — Хўп, домла, тезроқ соғайиб кетинг!

Мен касал эмасман, деб ўйлади Яхшибоев, қуллуқ маъносида илжаяркан, мен бор-йўғи уйдан қочиб келдим, Муҳсинанинг дийдиёси жонимга тегдию бу ерга қочиб келдим, лекин бунда ҳам тинчлик кўрмаяпман, ҳамма чалғитади мени, ҳаттоки сен, мен ўзим писанд қилмайдиган пандавақи бир бола, ҳаттоки сен ҳам мени чалғитасан. Менинг худбинлигим шундаки, ҳаттоки сенга ҳам ёқишни истайман, Маҳмадана болам, биламанки, сенинг серкаликка иштиёқинг бор, эрта-индин бир гуруҳ мишиқи-боди ўспиринларни эргаштириб майдонга чиқишинг ҳам мумкин, ана ўшанда, сенлар минбарларни танг қилган пайтларингда, оғизларингдан чиқадиган алмойи-алжойи гапларда, чангалзор-сельваларнинг тумтароқ таърифларида — мен ўзим, яъниким, Яхшибоев Назар Яхшибоевич, бошқа оқсоқоллардан фарқли ўлароқ, гардсиз, губорсиз қолишни истайман. Ўшанда сен менинг номимни дастак қилиб оғиздан кўпик сочасанки, ана, Назар Яхшибоевичдай кекса ва мўътабар одам ҳам чангалзор-сельваларни ўқиб тушунди, яхши экан, деб айтди, хўш, қолганлар нега буни тан олмайди, қолганлар нега нодонлик қилади?!.

Яхшибоев, ичи тўла кулги, Маҳмадананинг қўлини маҳкам сиқди. Ўзи келбатли-ю, қўли нозикроқ экан — Маҳмадана турган жойида бир эшилиб олди, юзи оғриқдан буришди. Лекин у мамнун эди, оғриқдан кўп-да норози бўлмади, ичида сўкинмади — буни Яхшибоев рўй-рост сезиб турди.

— Хайр, азизим, — деди кўзлари кулиб. — Ҳали кўп гурунглашамиз.

— Хайр, домлажон!..

Маҳмадана ҳам эшикдан чиқди. Хонада Кўкламов билан Чоршанбиев қолди. Кўкламов ҳамон идишларни йиғиштириб юрарди. Чоршанбиев унинг ишини кузатарди — «прораб!»

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Чоршанби болам, — деди Яхшибоев ёйилиб куларкан, — бу, дейман, анави йигитчанинг эси жойидами?

— Кирарли-чиқарли, — деди Чоршанбиев. — Лекин кўп ўқийди, қисталоқ!

— Ҳали менга анавиндақа китоблардан ҳам опкелар?

— Опкелади, — деди Чоршанбиев. — Бир тўпини опкелади. Ғалати-ғалати авторлари бор!..

— Сен ўзинг ҳам ўшаларни ўқиганмисан, Чоршанби болам?

— Мен сиздан бошқани ўқиганим йўқ, Назар Яхшибоевич! — деб хитоб қилди Чоршанбиев.

Хитобда ҳам мақтов, ҳам бир чимдим кесатиқ бор эди — Яхшибоев дарров илғади. Ў, ит деб янди ичида, сениям тишинг чиқиб қопти-ку, эгани қопмаса ҳисобмас-да, а?.. Нима қилдик энди, ўсиб-улғайибди, бу ёғи баҳридан ўтамизми?.. Ана, Суярқулга муовин керак, бунинг ҳам номзоди бор. Ҳозирча ўчириб қўйдик, лекин тиклаш чўт эканми! Доналарни қайтадан териб, битта шахмат сурамиз — вассалом! Нарёғи янада соз, яъники, ассалому алайкум, Чоршанбиев ака, ассалому алайкум, ўртоқ муовин!

Хаёлидан кечганини билдирмади. Чоршанбиевга кулиб қаради:

— Ўзинг бинойидай йигитсан-у, баъзида қуюшқондан чиқиб кетасан-да, болам, — дея, ширингина дакки берди. — Ё мен ўзим инжиқроқ бўлиб қоляпманми?..

— Узр, устоз, — деди Чоршанбиев. — Одам рашк қиларкан-да, бугун жуда шогирдларингиз кўпайиб кетди.

— Ана холос! — деди Яхшибоев, хушомадни мойдай ёқтириб. — Қўй-э болам, мен хотин эмасманки, бошқалардан рашк қилсанг! Энди, анави савдойи йигитчага келсак, шунчаки гапирдим-қўйдим-да. Тағин, Яхшибоев чангалзор-сельваларни билмас экан, деб юрмасин!..

— Айтавермайдими!.. — деб қўл силтади Чоршанбиев.

— Нодонсан, болам, нодонсан, — деди Яхшибоев. — Мисқоллаб йиғилган обрўни шунақа мирзақуруқларга бой бераверсак маъқулми?

— Балки, сиз ҳали у опкеладиган китобларни ҳам ўқирсиз? — деб кесатди Чоршанбиев.

— Ўқишга вақт йўқ, сен ўқиб, кейин мазмунини айтиб берсанг тузук. Ҳарна, юзимиз ёруғ бўлади-да... Нима дединг?

— Мен ўқимайман, — деди Чоршанбиев ўжарлик билан. — Ўқисам ҳам тушунмайман унақа китобларни.

— Вой-бўй! — деб хитоб қилди Яхшибоев, бирдан завқи жўшиб. — Шунгаям ота гўри қозихонами. Ана, бошқалар ҳам бор... исми китоб борки, битта қўймай ўқиб боради, ўшалардан сўраб оламиз!

Яхшибоев баралла кулди. Лекин хона бурчагида, сервант ёнида, юмушини тугатиб, энди нима қиларини билмай гарангсиб турган Кўкламовга кўзи тушдию кулгисини йиғиштирди. Хос гапларни айтиб чакки қилганини сезди. Хайриятки, дарсликка кирмаганимиз, деб ўйлади, бўлмаса, бу бояқишнинг тамом ихлоси қайтиб кетарди. Лалми йигитлар кўнгилчан бўлишади, боз йиглоқиликлари ҳам бор, мана, мен билан Ошнодан қиёс, Ўртақўргонда юрган кезларимизда ким бизни бунчалар маккор деб ўйларди? Содда эдик, худо ҳаққи, содда эдик, бамисоли манави кўклам нафасини уфуриб турган бегуноҳ йигитчадай!..

— Болам, — деди у, Кўкламовга юзланиб, — мендек бир алжиган чолни кўргали келганингиз учун раҳмат, насиб этса, уйга ҳам келинг, тузукроқ танишиб оламиз. Менинг уйда анча-мунча ақлли бўп қоладиган одатларим ҳам йўқ эмас...

— Ундай деманг, домла, — деди йигитча, дув қизариб. — Мен... мен ундайчикин деб ўйламайман...

Яхшибоевнинг завқи келди: ўлай агар, қиз болага ўхшайди, қиз боланинг ўзи! Қизаришини қара!..

— Бу ёқларга яқинда келганга ўхшайсиз, пул-мул борми ўзи?

— Бор, — деди йигитча, баттар қизариб, сўнг аҳволи аянчлироқ эканини сезди чоғи, қаддини ростлади. — Иккинчи курсда ўқияпман, домла.

— Унда тузук, — деди Яхшибоев. — Раҳмат, болам, умрингиздан барака топинг.

— Тезроқ соғайиб кетинг.

Йигитча секин ортига тисарилиб, эшикдан чиқди. Чоршанбиев хайрлашмоққа қўл чўзган эди, унга Яхшибоев изн бермади:

— Гап бор, болам, — деди. — Энди бу йигитчани бу ёққа опкелма.

— Ёқмадими?

— Ёқди, лекин опкелма. Майли, буям ўзининг даврасини топсин. Тузуккина бола экан, умрига зомин бўлмайлик. Бу ерда, зукко йигитларнинг орасида боши гарангсиб қолади. Мўрт бир новда бу, авайлаш керак...

— Нимасини авайлайсиз, — деб тўнгиллади Чоршанбиев. — Аралашса, қайтага суяги қотади, пишийди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Суяги қотади, пишийди, кейин сенга ўхшаган чайир мардикорга айланади, деб ўйлади Яхшибоев, бориб турган нодон бу, ўзига ичи ачимайди, менинг ичим ачиса ачир, лекин буники ачимайди, таънаю тиззиқлари ҳам ўзига ўхшайди: қўпол, беўхшов, ярашиғсиз.

— Унга айтгин, — деди. — Бориб, Саидқул Мардонга учрашсин, ёзганларини ўша кўриб берса дуруст. Икковининг тупроғи бир жойдан олинган кўринади.

— Хўп, — деди Чоршанбиев. — Энди менам борай, Назар Яхшибоевич.

— Шошма, аввал анави холодильникни бир очгин. Ичида кўп нарса ётибди. Лоақал ярмини болаларга опкет.

— Уйда бор, Назар Яхшибоевич, — деди Чоршанбиев ранжигандай.

— Уйда борлигини менам биламан, — деди Яхшибоев жаҳл билан. — Бу замонда очидан ўлган одам йўқ. Менга кўплик қилади, шунча нарса нест-нобуд бўлиши шартми? Обор, болалар ҳузурини кўрсин!

— Бизда холодильник кичкина, — деди Чоршанбиев ҳамон кўнмай.

— Сенга холодильникнинг умуман кераги йўқ, — деди Яхшибоев. — Бешта боланг бор, бир ҳужум қилишса борми, урвоғи ҳам қолмайди. Олгин, жуда ноз қилсанг, ана, кўчада Кўкламов болам кутиб турибди, ўшанга берасан, студент жўралари билан маза қилиб, Яхшибоев чолни дуо этиб ейишсин!..

Чоршанбиев ортиқ тортишиб ўтирмади. Портфелидан халта чиқариб, холодильникдан тўлдириб олди. Мевалар сархил эди, заха теккани йўқ. Шу ердан олинган, деб хаёл қилди Яхшибоев, пули бошқа ёқдан келган-у, мева шу ердан олинган. Ёинки самолётда учиб келган...

Чоршанбиев кетгач, Яхшибоев деразаларни ланг очиб қўйиб, ичкари хонага ўтди. Тўшакка ўтириб, тўмбадаги телефонни олди, уйининг рақамини терди. Трубкани Муҳсина хоним кўтарди. Кимсиз, деб сўради, кеч бўп қолди, ярим кечадаям қўнғироқ қиладими? Эр бўлгандан кейин ярим кечасиям қилаверади, деди Яхшибоев кулиб, салом, хоним, соғмисиз, саломатмисиз, бола-чақалар қалай, Сокина уйдами, боласи тузукми, Ўртақўрғондан хабарлар борми?.. Ҳамма саломат, деди Муҳсина хоним, дўхтирлардан дори сўраб, тинчгина ухланг, уриниб қоласиз бўлмаса, ётинг энди, дамингизни олинг...

Яхшибоев трубкани жойига қўйди. Нариги хонанинг деразаларини ёпиб келди. Жойига ётди: мана, ётдик, хоним, дам оляпмиз...

Уйқу келавермади. Кайфияти дурустгина, кўнгли тинч, тўшакда чўзилиб ётганча, қизиқ-қизиқ хаёлларни ўйлади. Чоршанбининг шохи чиқяпти, деб фикр қилди, лекин ярашаркан унга, сабрига балли, унинг ўрнида мен бўлсам бир йилгаям чидамасдим, ҳалиям бунинг жони тошдан, неча йиллардан бери ака-укамиз, неча йиллардан бери бечоранинг бири икки бўлмайди, ҳамон ўша холодильниги, ҳамон ўша каталакдай, уйи, ошгандан болаларининг сони ошди, холос. Унинг қадрига етмадим чоғи?.. Ахир, аллақандай елимшиқ Остонақул бир думалаб китоб савдосига бошлиқ бўлиб кетган чоғида, мен бу бечорага кичикроқ амал ёки тузукроқ квартира олиб берсам... осмон узилиб ерга тушармиди? Ўзи келиб айтиши шарт эдими? Орияти бордирки, ҳеч нарса таъма қилмайди. Бордию, шунча йиллардан бери азбаройи раҳми келганидан хизматимни қилиб юрган бўлса-чи?.. Дарвоқе, ҳозир у нима қилади, халтани уйига опкетадими ёки анави студент болага берадими?

Шогирдининг бояги зардасини эслаб, ичида кулди. Шу тариқа, лабларида енгилгина табассум қотган кўйи, ширин уйқуга кетди. Ширин уйқуси дам ўтиб босириқ билан алмашинди. Эмишки, Чоршанбиев уни гувала деворга тақаб қўйиб, бири-биридан сархил ноклар билан ураётган эмиш...

Уйғонди. Тушни ёзиб қўйиш керак, деб ўйлади, лекин ёзишга эринди. Оёқлари совиб бораётганини сезди. Каравот ёнида турган курсидан қўшимча адёлни олиб, маҳкам ўрандию қайтадан ухлаб қолди.

VI БОБ

Қиссанавис

Муаллимлар тайёрлайдиган курсларни битириб, то урушга жўнагунимча Ўртақўрғон шаҳрида туз тотиб юрдим. Урушдан қайтиб, Ургутда бир йилча муаллимлик қилдим, у ердан Самарқандга кетдим, Самарқанддан — Тўрткўлга. Урганчу Хева, бу ёғи Бухорою Ғиждувон, Кармана атрофидаги қишлоқларда ишлаган пайтларим ҳам бўлди. Бир муддат Фарғона водийсига ҳам бориб турганман. Хуллас, Тошкентта келиб ўрнаш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гунимча, рўзғор тутиб, оилага бош бўлгунимча юртимизни роса кезганман.

Бу гапларни ижикилаб айтаётганимнинг боиси шундаки, менда недир муайян соғинч туйғуси йўқ эди. Қайга бўлмасин, бирдай қувонч билан кетаверардим. Дейлик, Назар ака билан Ошно ўзларининг Булдуруқларига ошиғич бориб-келишни канда қилишмасди, менда эса — борадиган жойнинг ўзи йўқ. Тўрт тарафим ҳам — қибла. Қайда туғилганимни билмагандан қайни аниқ соғинишимни ҳам билмас эдим-да.

Намангандаги етимхонада эсимни танидим. Лекин асл масканим Наманган эмаслигини билардим. Негаки, токи бозорда ушлаб олиб етимхонага топширгунларича неча-неча қишлоқларни, неча-неча шаҳарларни кезиб, бировдан бир бурда нон, бировдан шапалоқ тегиб, узун кунлару узун тунлар темир йўлларни ёқалаб юриб келганларимни аниқ-таниқ эслардим. Қишлоқда туғилганимни ҳам тушунардим, сабабки, дара оғзида яшардик, уйимиз ёнида учта баланд чинор бўларди, кейин, эс-эс биламанки, кичкинагина ўғил укам ҳам бўларди. Укамни эсласам, бас, уни кўтариб елкаларим оғриганини ҳам хотирлардим, баданимга чидаб бўлмайдиган санчиқ кирарди. Укамнинг ўғил бола эканини шундан англардимки, икковлашиб, тупроғи кўпчиган йўлларга чоптирганларимиз ҳам ёдимда қолган эди. Кейин бир ёмон сел келганини эслайман, бир парча ёғочга тирмашиб, бўтана сел ичида, совуқдан даг-даг титраб, лаҳза сайин сув ютиб, недир қуйи тарафларга оқиб кетганимни эслайман.

Водийга тушиб, сел суви темир йўлга яқин жойда ёйилиб-сусайиб кетганида, одамлар келиб қутқариб олувди. Қандайдир бир кампир қўлимга бир парча нон бериб, бошимни силаб йиғлаганлари ёдимда. Лекин нега ўша кампир ўзи мени асраб олмаганига тушунолмайман. Сезаманки, унинг асраб олгиси бор эди. Устара билан тақир қилиб қирилган бошимга томган кўзёшларининг тафти ҳалигача кетмагандай. Ўйлайманки, ё мен ўзим бегонасираб қочиб кетганман, ёки ўша кампир бечора бирор кори-ҳолга учраган.

Ҳали-ҳалигача, поездда ёки автобусда кетаётиб, водийларни кесиб ўтаётиб, узоқлардаги тоғлар бағрида қорайиб кўринадиган қишлоқларга орзиқиб термиламан — гўё менинг асл масканим ўша жойда, тоғ орасида, недир дара оғзида; гўё мен оқиб кетганимдан сўнг у жойларда вақт музлаб қолган, отам ҳам, онам ҳам

тирик, улар айни мен элас-элас эслайдиган навқирон ёшларида, тупроқ йўлга қийқириб чоптирадиган укагинам ҳам гўдаклигича қолган, мен ўзим етиб борсам, бас, ҳаётимиз буткул янгидан бошланади, ўшанда мен яна беш-олти яшар норасидага айланаман, қўлларимни ёзганча отам билан онамнинг бағрига отиламан, улар мени ердан азот кўтариб оладилар ва шунда бутун дунё, бу бешафқат ва бефарқ дунё айни мўжиза олдида ҳайратдан гунг бўлиб қолади!..

Сезаманки, бу юрт жуда кенг, бу юртнинг водийлари жуда кўп, водийларини ўраган тоғлари ҳам, тоғлари бағрида қорайиб кўринадиган қишлоқлари ҳам беҳисоб!

Эҳтимол, менинг хотиримга ўрнашиб қолган учта чинор аллақачон кесилиб кетган.

Хотирамда эса улар яшнаб турибди! Шундай қўл узатсанг етадигандай!

Отам дўмбира чаларди. Шуни ўйлаб, касби чўпон бўлган, деб тахмин қиламан. Негаки, дўмбира чўпон халқи учун мисоли тамға бўлган. Ҳозир энди унақа чўпонлар қолмаган ҳисоб. Ҳозир нуқул бўйинга кичкина радио осиб юришади. Лекин менинг отам дўмбира чаларди. Болалиқдан асраб-авайлаб олиб чиққан ҳақиқатим шуки, ёзганларимда чўпонлар най чалмайди, дўмбира чалади. Умуман, мен най чалган чўпонларни учратганим йўқ. Сибизға чалган бўлишлари мумкин, лекин сибизға най эмас. Ичимда аччиқ-аччиқ куламанки, мабодо етим ўсмасам, мабодо дўмбира чалган отамни етим бўлиб эламасам, балки менинг ёзганларимга ҳам най чаладиган чўпонлар кириб келармиди!.. Найчи чўпонларнинг қайдан пайдо бўлганини биров билмайди ҳисоб. Ёзишади, лекин чўпон қўлига тутқизилган най аслида французлар адабиётидан, машҳур пастораль қиссалардан, янада аниқроғи, Хлоя исмли чиройли қизнинг маъшуқи — Дафнис отлиғ йигитнинг қўлидан олинганини тасаввур ҳам этишмайди.

Тунов куни бу бегона найни Сайфиддин укамиздек зукко йигитнинг ҳикоясини ҳам учратиб қолдим. Жаҳлим чиқди. Қаттиқ уришдим. Хайриятки, укамиз тушунди, қизариб-бўзариб, хатосини тан олди. Мен ҳам қизишганим учун узр сўрадим. Иккимиз ҳам ўйланиб қолдик. Сездикки, адабиётимизни ёт тафсилотлардан тозалаш керак экан. Токи тафсилотлар бизнинг ўзимизники бўлсин, ўшанда бизнинг ёзганимиз ўзгаларга қизиқ туюлиши мумкин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Айни ёзувларнинг ярим илмий рисолага айланиб кетаётганининг яна бир сабаби шуки, менинг касб танлашимга отамнинг дўмбираси сабаб бўлган эди. Дўмбира — болаликдан қолган ягона белги. Дара оғзида ўсган учта чинордан кўра, дўмбира чаладиган чўпонни топиш осонроқ туюларди. Шу боиски, достончиларнинг тўғарагига мунтазам қатнардим. Ёзги таътил пайтларида достон ёзиб олгани қишлоқларга чиқиб кетардим, дўмбира чертган одамларнинг юзларига термилиб, ўзимга қадрдон белгиларни ахтарардим. Достонларни ўрганишим меҳрдан эмас, азбаройи ночорликдан эди. Меҳр кейин келди, армонларим юрагимнинг тубига чўкди, ўксам қуриди, дафъатан улғайиб қолганимни ҳис этдим, излаганимни тополмасимга кўзим етди ва шу тахлит, маскансиз бир соғинч билан қолавердим. Ўргамчикка ёзиб юрган нарсаларим ўзимга ёқмай бошлади. Сездимки, бугундан эътиборан менинг масканим — бутун бир юрт, минглаб даралари, даралари оғзида минглаб чинорлари бор юрт, энди мен шу юртнинг сувратини чизаман, шу юртдан ярамга малҳам излайман, излаб тополмаган манзилларим жилла қурса қоғозда қад кўтаради.

Ва бутун умрим бўйи шу ўйимга хиёнат қилмадим.

Кўнгли бут одамлардан фарқли ўлароқ, мен бу юртнинг тўрт тарафини ҳам бирдай тусадим. Қайга юз бурсам — мен йўқотган маскан ўша ёқда бўлиб туюлаверди. Шу сабаб, қайга юборишса чамадонимни кўтариб кетавердим — бирдай қувониб, бирдай ҳаяжонга тўлиб! Боя санаб ўтилган вилояту шаҳарларнинг барчасига соғиниб борганман, шоядки, ўша жойлардаги даралар оғзида учта азим чинорнинг қораси кўринса!..

Афсус, улар топилмади. Топилиши қийин эди. Руслар айтганидай, мен ғарам орасидан игна ахтарган эканман.

Туппа-тузук яшаб юриб, тузуккина ном қозониб, ували-жували бўлиб, борингки, кўнглимдаги дарзларни бир амаллаб бекитиб улгурган дамларим эди. Ёқубжон деган газетчи укамиз бор — одамнинг жонидай йигит. Шу укамиз билан сўзимиз соз тушиб гурунглашиб қолдик. Шунда у юзимга ғалатироқ тикилаётганини сездим. Рости, ғалати бўп кетдим. Ўзбекчилик ўзи бўладиган иш эмас, Ёқубжон укамиз ҳам анча хижил тортди, сўнг расми-русмини қилиб — гўёки мен мирғазаби шай турган хону унинг ўзи арзга келган фуқаро — бир қошиқ қонини сўраб, кейин гап қотди:

— Сизни бир одамга ўхшатдим, Саидқул ака.

— Кимга? — дедим, бепарво бўлишга уриниб.

— Бир лақай кишига, уям сизга ўхшаган қорачароқ эди.

Лаб-лунжим осилиб кетди чоғи, Ёқубжон баттар хижолат бўлди. Ўзбекман, ўзбекнинг ёзувчисиман, деб керилиб юрган одамга ғалати туюларкан. Рости, ўша куни еган-ичганим сингмади. Гарангсиб юрдим. Ўртанча ўғлим — тарихчи, кечқурун ўшандан сўраб кўрдим. Лақай дегани аслида ўзбекнинг бир уруғи экан. Ёқубжондан нега хафа бўлганимни айтувдим, ўғлим кулиб юборди:

— Биров сизга «ўзбексан» деб айтса, шунгаям хафа бўласизми!..

— Ҳа-я, — дедим хатомни тушуниб, — ҳали бу сўз ҳақорат даражасига етгани йўғ-а. Узр сўрамасак бўлмас экан.

Хуллас, Ёқубжонни топиб узр сўрадим. У айтган лақай киши аллақачон оламдан ўтган экан. Ёшроқ кетибди. Бечораҳол экан. Қайдан келганини, кимнинг хеши эканини билмас экан. Урушга борган экан. Уйланмаган, бола-чақаси йўқ. Серфарзанд бир темирчига ўғил тутинган экану ўшанинг уйда яшаб юраркан. Олтмиш биринчи йилда терламадан кетибди.

— Оти Холмўмин эди, — деди Ёқубжон. — Фамилияси — Ўлжабоев. Ўзининг фамилияси эмас, кейин олган, тутинган отасининг исмини олган.

— Менга жудаям ўхшармиди? — деб сўрадим негадир энтикиб.

— Ўхшарди, — деди Ёқубжон. — Тўғри, сизга шаҳар нуқси кўпроқ урган, лекин кўзлари... кўзлари жуда ўхшарди. Чап ёноғида таңгадай холи бор эди. Отиям шунга Холмўмин бўлгандир-да. Туғилган жойини тузукроқ эслолмасди.

— Селда оқмаган эканми?

— Билмадим, Саидқул ака. Лекин, уйимиз тоғда эди, деб гапирарди. Унда биз бола эдик, шунчаки эрмаклаб сўрайверардик-да, бу гапларнинг кейинроқ асқотиб қолишини қайдан билайлик. Тоғда туғилгани аниқ. Уйлари ёнида икки-учта терак бўларкан.

— Балки чинордир? — дедим илинж билан. — Тузукроқ эсланг, дўстим, бизнинг дарада учта каттакон чинор ўсарди, балки ундаям чинор бўлгандир?

— Йўқ, чинормас, — деб бош чайқади Ёқубжон. — Аниқ эслайман, икки-учта терак бўларди, деб айтган. У

www.ziyouz.com kutubxonasi

сизга ўхшарди, Саидқул ака, лекин айни сизнинг укангиз ёки акангиз бўлган деб айтишим қийин. Ёлғиз ўсганингиздан хабарим бор, шунга сўровдим-да. Ахир, сизда хол-пол йўқ-ку...

— Бор, — дедим. — Ўнг елкамда кичкина доғ бор.

— Нега унда отингиз Саидқул? Ўзи шу асл отингизми?

— Ўзимники бўлиши керак, — дедим. — Фамилиям ўзимники экани аниқ. Ўғил болаларнинг ярим етимхона директори Самиевнинг, қолган ярми завхоз Алимовнинг фамилиясига ўтган эди. Лекин меники бутунлай бошқача, унда сал-пал эсимни таниб қолган эдим-да...

— Эсини таниган одам қишлоғининг номини ҳам билади, — деди Ёқубжон. — Сиз эса эслолмайсиз. Мен айтган одамнинг исми Холмўмин эди, ёноғида холи бор эди. Сиздаям нор бор экан, лекин нега исмингиз Нормўмин эмас?.. Эсланг, Саидқул ака, балки сизнинг асл исмингиз Нормўминдир? Эсланг, эсланг-чи!..

Эслашга уриндим. Вужудим зўриқиб, бурнимдан қон тизиллаб отилгудай бўлиб, гўё ўтмиш йилларнинг қат-қат тахламлари остига кириб бордим, гўё кўзларимни катта очиб сув остига шўнғидим, нафасим қайтгудай бўлди, лекин йилт этган шуъла кўрмадим. Саидқул деган исм халал берди. Бу исмни неча йиллардан бери унвон тутиб, бу исм устига неча-неча яхшию ёмон кўргиликларни юклаб, ахийри у метинлашиб, мисоли мен тошбақаю Саидқул деган исмим устимдаги сангкосага айланиб кетган экан. Эҳтимолки, болалик пайтларимда эсламоққа уринсам бирор натижа чиқарди, лекин энди, қазо муҳлати яқин қолганида, Саидқул деган исмнинг исканжасидан қутулмоқнинг ҳеч иложи йўқ.

Лекин кўнглимда тугун қолди. Ёқубжонни аввалига лаънатладим, кейин олқадим. Негаки, у менинг мудроққа мойил танимга ғулғула солди, хаёлларимни остин-устин қилиб юборди, у менга Холмўминни — балки у менинг укам ёки акамдир, балки етти ёт бегонадир, лекин бирдай азиз сиймони — топиб берди. Менинг учта азим чинорим билан унинг учта адл тераги ёнмаён ва баробар қад кўтарди хаёлимда.

Кейин Ёқубжон укамизга эргашиб, узоқ вилоятдаги қишлоққа бордим. Бир тарафи — дашт, бир тарафи — тоғ, сойликлар ичида чилвирдай чўзилиб ётган қишлоқ экан. Кўҳналиги қабристонидан ҳам билинади. Ёз пайти эди, хас-хашаклари сарғайиб ётган эски пастак гўрларни оралаб, янгироқ қўйиндилар тарафга ўтдик. Эски гўрлар қаровсиз бўлса-да, бу тараф анча сариштали экан. Битта-яримта ниҳоллар экилган, қабртошлар қўйилган, марҳумларнинг исмлари ёзилган. Ниҳоят, кичкина қайрағоч тагидаги гўрга яқинлашдик.

— Шу, — деди Ёқубжон, овози бўғилиброқ. — Бўпти, Саидқул ака, мен кетдим.

Назокатли йигит эди Ёқубжон укамиз. Менинг ёлғиз қолишим кераклигини тушунди. Ўшанда холи қолдиргани учун ундан бир умр миннатдорман. Агар холи қўймаса эди, гўрни кўрсатиб, ана, Саидқул ака, мен айтган лақайнинг гўри шу, деб айтса эди, сўнг бошимда қаққайиб турса... худо кўрсатмасин, нималар бўлишини... балки мен умрбод етим бўлиб қолармидим!?

Ўйлаб, юрагим ортга тортиб кетади!

Хайрият, укамиз шуни тушунди. Индамай нари кетди. Мен рўпарамдаги гўрга қўрқа-писа кўз ташладим, бир-икки қадам олға жилдим... Устига чим босилган экан, четлари бирлашиб кетибди. Хас-хашаги ҳам бўлиқ. Бунинг учун бировни айбситиб бўлмайди. Сабабки, дашт тарафларда қабристон гиёҳлари ўрилмайди, майли, ўсаверсин, сарғайсин, уларда марҳумларнинг недир армонлари бордирки, жўн жойлардагидан дуркунроқ ўсади...

Гўр устидаги тош ҳам жуда оддий эди. Нари-бери тарашланган мармар парчаси, суратсиз, марҳумнинг номи ўйилган: *ЎЛЖАБОЕВ ХОЛМЎМИН...* Ўлган йили — олтмиш биринчи, туғилган йили... Ўйлаганимдай, у мендан кичик экан. Холмўмин мендан кичик, укам, укажоним!..

Гўр ёнида ўтириб йиғлайвердим. Етимчалигимдан тортиб, то бугунгача кўзёшларим кўп йиғилиб қолган экан, бариси шу ерда — Холмўмин лақайнинг қабри устида тўкилиб бўлди!

Қанчалар қийналиб кетганимни, қанчалар қийналиб яшаганимни ўшанда билдим. Ўзингиз ўйланг, топиниб борадиган бирорта гўри бўлмаган одамнинг аҳволини яхши деб бўладими, ахир! Топиниб борадиган бирорта гўри бўлмаган бир ғариб, ўзига ўхшаган яна бир ғарибнинг қабрини қора тортиб келса ёмонми? Хеш-ақрабосиз яшаш қийин, хеш ахтариб келиб, унинг бир ҳовуч хок бўлиб ётганини кўрсанг — ундан ҳам қийинроқ!

Укаммисан, бегонамисан, ўлмай турсанг бўлмасмиди, Холмўмин, деб йиғладим, мен сендан қарздор эдимку, қарзимни узолмай қолдим-ку?!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қабристонда қанча ўтирганимни билмайман. Салпал овунганимда кун оғиброқ қолган экан. Йиғлайвериб силлам қурибди, оёққа турганимда гандираклаб кетдим. Ёқубжонни дарвоза ёнидан топдим. Секин ёнимга келди. Юзимга қаради. Қарадию ғалати бўлиб қолди. Кўзларим шишиб кетганини ўшанда сездим.

— Узр, — деди, — ярангизни янгилаб қўйишимни билмовдим, Саидқул ака.

— Холмўмин қандай одам эди? — деб сўрадим.

— Яхши одам эди, — деди у. — Камтар, камсуқум... Жуда жўяли одам эди. Меҳнат қилиб чарчамасди. Мен унда ўсмир эдим, бир куни боғимизда ўнтача тўнкани кавлаб ташлаганмиз.

— Мардикорлик қилармиди?

— Ҳа. Отам кечқурун пул берганини эслайман. Лекин етим-есирларга бепул ҳам ёллашиб юрарди. Отам раҳматли билан унинг тутинган отаси ўзаро маслаҳат қилиб, Холмўмин акани уйлаб қўймоқчи бўлишувди, лекин улар мўлжал қилган бева кўнмаган...

— Нега?

— Билмадим, — деди йигит сал хижолат чекиб. — Холмўмин акани сал қорароқ деб айбситган экан... Кейин, Саидқул ака, ундаям, темирчи отасидаям тузукроқ пул йўқ эди-да. Темирчи-ку, жўжабирдай жон...

— Сурат-пурати қолмаганми?

— Тутинган укалари бор, ўшалардан сўраш керак.

Холмўминнинг тутинган укаларини бориб кўрдик. Тўнғичи — мўйлов қўйган гирдигум йигит, исми Абдужаббор экан — аввалига менга шубҳа билан қаради, сурат-пурати йўқ, деб айтди, кейин, тавалло қилганимдан сўнг, кичкина қутича келтириб, ичидаги бир тахлам суратни олдимизга қўйди. Афсуски, Холмўминнинг атиги иккитагина сурати бор экан. Иккисини ҳам ҳаваскор туширган бўлса керак, таниб бўлмайди. Гапим эришроқ чиқди, мабодо суратлар тиниқ бўлганида ҳам мен Холмўминни таниёлмаган бўлардим. Лекин Ёқубжон айтган нарса — кўзларимизнинг ўхшашлиги кўнглимдан ҳеч кетмасди. Суратлардаги одмироқ тўн ва эски дўппи кийган қирқ яшар кишининг кўзларини тузукроқ кўриб бўлмасди, қолаверса, у ёлғиз ўзи эмасди, атрофида бир гуруҳ болалар билан тушган эди.

Абдужабборга ўзимни танитдим. Меҳмонлигимни иззат қилиб, секин бош қимирлатиб ўтирди, кейин дабдурустдан:

— Раҳматли сизга хеш эмас, уни отам Регар тарафлардан топиб олган, — деб, суҳбатга чек қўймоқчи бўлди.

— Унақа қилма, Абдужаббор, — деб ялинди Ёқубжон. — Инсоф билан айт, Холмўмин ака бу кишига ўхшарди-ку?

— Ҳамма одам ҳам бир-бирига ўхшайди, — деди Абдужаббор. — Ҳаммасининг иккитадан оёғи, иккитадан қўли, қулоғи, кўзи бор.

— Кўзи ўхшарди, — деди Ёқубжон ўжарлик билан. — Эслаб кўр, Абдужаббор, кўзи ўхшарди-ку?

— Кўзи тупроққа тўлиб кетган, — деб баттар қўрслиқ қилди мезбон. — Тунов куни Жиззахда ўзимга ўхшайдиган бир йигитни кўрдим, кўзларидан ўхшарди, лекин бориб, «укамсан» деб айтганим йўқ-ку? Бу киши бекор кепти, раҳматли бу кишининг укаси эмас, у лақайлардан эди.

— Лақай ҳам ўзбек, — деб эътироз билдирдим.

— Ўзбек бўлиши мумкин, лекин сизнинг укангиз эмас. Боринг энди, ака, бошимни қотирманг. Укангиз бор экан, ўлмасидан бурун келинг эди, бугун келиб тупроққа эгалик қилманг, қўйинг, бечора тинч ётсин!..

— Одаммас экансан! — деди Ёқубжон жаҳли чиқиб. — Садқаи меҳмон кет-э!..

— Мен меҳмон айтган эмасман, — деди Абдужаббор. — Ўзларинг келдиларинг, ана, эшик очиқ, кетаверинглар!..

Ноумид бўлиб чиқдик. Чиқиб, Ёқубжоннинг машинасига ўтирдик.

— Хафа бўлманг, Саидқул ака, — деди у. — Бу ўзи шунақа, сал жиннироқ. Холмўмин акани яхши кўрарди, сизга бергиси келмаяпти.

— Хотирасини-я?! — дедим алам билан.

— Сиз хато қиляпсиз, Саидқул ака, — деди Ёқубжон. — Одамнинг хотираси ўзидан ҳам азизроқ. Гуноҳга ўхшайди бу гаплар, лекин бўлгани шу ўзи. Баъзида бировни тириклигида иззат қилмай, кўнглини топмай, кейин афсус аралаш эҳтиром кўргазамиз-ку, шу-да...

— Буям Холмўмин тириклигида иззат қилмасмиди? — дедим аламимга недир малҳам истаб.

— Йўғ-э, иззат қиларди. Айтдим-ку, яхши кўрарди, деб... Сизни кўп овора қилдим, Саидқул ака, бизнинг уйга борайлик, сал-пал дам олинг, эртага яна келамиз.

— Келсак бир иш чиқармикин?

— Тўғрисини айтайми?

— Тўғрисини айтинг, ука.

— Тўғриси, у сизга марҳумнинг хотирасини ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

бермайди. Ўжар йигит, мактабда бирга ўқиганмиз, феълини биламан.

— Ахир, у билан нимани талашяпмиз ўзи? — дедим фиғоним чиқиб. — Ахир, энди Холмўмин йўқ-ку, ерда ётибди-ку? Мениям кўнглимни тушунса, раҳми келса, шу йигит сизнинг укангиз эди, деб айтса асакаси кетадими! Ахир, мен усиз ҳам, марҳум менинг укам эди, деб айтишим мумкин-ку?

— Айтолмайсиз, Саидқул ака, — деди Ёқубжон комил ишонч билан, — Айтолмайсиз — ҳамма бало шунда. Токи Абдужаббор тан олмас экан, сиз Холмўминга ака бўлолмайсиз.

У ҳақ эди. Марҳумнинг ёнида юрган, кўзи кўзига тушган кишининг розилигисиз мен ўзимни ака деб тасаввур этмоғим қийин бўларди. Бу ғоят мавҳум чегара, кўзга чалинмайдиган чегара, лекин ундан ҳатлаб ўтмоқнинг душворлигини энди англадим. Ортга йўл йўқлигини, энди Холмўминнинг ёдисиз яшай олмаслигимни ҳам айни чоғда англаб етдим.

Эртаси куни яна Абдужабборнинг уйига бордик. Келишимизни билиб, дастурхон тузаб қўйган экан. Яхшигина меҳмон қилди. Бугун кечагидан очиқроқ туюлди. Лекин атай чет-чеккадан гапириб ўтирди, гапни чалғитди, Тошкентдан сўради, обу ҳаводан, нарху наводан... Аввал Тошкентга футболга бориб турардик, деди, энди бормай қўйдик, энди «Пахтакор»ни тарқатиб юборса ҳам бўлаверади, пахта кўр қилгурлар номни жуда пастга уриб юборишди...

— Абдужаббор, — деди Ёқубжон, тоқати тугаб. — Футболингни қўй, жўнгина қилиб айт, Холмўмин аканинг ёнғида холи бормиди?

— Борийди чоғи, — деди Абдужаббор дудмал қилиб. — Эсимдан чиқай дебди, қазосигаям анча бўп қолди-да ўзи...

— Талмовсирама, Абдужаббор. Холмўмин аканинг холи бор эди. Бу кишининг ҳам холи бор.

Абдужаббор бирдан жиддий тортди.

— Кўрмаяпман, — деди юзимга синчиклаб қараб. — Акам раҳматлининг холи чап бетида эди.

— Бу кишининг ўнг елкасида холи бор. Кўрсатинг, Саидқул ака, буям бир кўрсин...

Кўйлагимни ечмоқчи ҳам эдимки, Абдужабборнинг юзида мазах ифодаси пайдо бўлди.

— Овора бўлманг, — деди у. — Сизники — нор, кейин ўнг елка билан чап бетнинг ўртасида, эҳ-ҳе, қанча жой бор!.. Чап елкада бўлсаям бир нави эди.

— Инсоф қил, Абдужаббор, — деб ялинди Ёқубжон. — Бу кишининг исми аслида Нормўмин бўлиши керак эди.

— Қўйсанг-чи! — деб жеркиди Абдужаббор. — Боридан гапир, насясини йигиштир. Бу кишининг оти — Саидқул, икки кундан бери шуни такрорлаяпсан. Нормўмин бўлса, ана, паспортини кўрсатсин!..

— Паспортимда Саидқул ёзилган, — дедим. — Майли, ука, зоримиз бор-у, зўримиз йўқ. Майли, мен бугун кетаман, бу ерларга кейин бошқа қайтмасам керак, фақат битта саволим бор... Айтинг-чи, марҳум ростдан ҳам менга ўхшармиди?

— Йўқ, — деди Абдужаббор, сўнг кўзларини олиб қочди. Қийналиб «йўқ» деди, «ҳа» деб қўйса менинг яна қайтишимдан чўчиди. Кўнглидан ўтганини шундоққина сезиб турдим. — Сизга ўхшамасди, — деди сал туриб. — Холмўмин акам лақайлардан эди, отам раҳматли Регар тарафлардан топиб келган экан...

— У киши қишлоғида икки-учта чинор бўлишини айтаркан, — дедим охирги илинжга ёпишиб. — Шу гапларни сизам эшитганмисиз?

— Чинормас, қайрағоч, — деди Абдужаббор, бепарво бўлишга уриниб. — Гужум-пужум бўлса керак-да... Чойдан ичинг, меҳмон... Ё бизнинг сувимиз ёқмадими? Тошкентнинг суви жуда майин сув, чойи зўр чиқади. Ёзда футболга борганларимизда ичиб кўрардик... Энди боролмай ҳам қолдик, одам уялади, бу ёғи устма-уст ютқизиб тургандан кейин...

Гапимиз шу билан тугаганини сезиб, Ёқубжонга қарадим. У ҳам аҳволимни тушуниб турарди.

— Менга қара, Абдужаббор, — деди синфдош ошнасига босиб тикилиб. — Мени энди кўраётганинг йўқ. Агар гумоним ростлигига ишонмасам, Саидқул акадай кишини бу ёқларга бошлаб келмасдим. Ёшликда шеър-пеър ёзиб юрардинг, биргалашиб китоб ўқирдик, эсингдами? Саидқул аканинг ҳам китобини ўқиганмиз, ўша китобда сағирлигини ёзган, бир эслагин, худонинг бандаси!..

— Ўқисак нима бўпти, — деди Абдужаббор, пинак бузмай. — Бу киши улуғ одамлигини биламиз, лекин илинган улуғ одамга акамизни бериб юбораверамизми? Шеър-пеър бўлса, энди ўзимиз ёзмасак ҳам, бошқалар ёзганларини ўқиб турамиз. Қисса-писсаям ўқиймиз. Ҳо Абдуғаффор!.. — у ўтирган жойидан даҳлизга қараб овоз берди. — Кеча кўрсатувдим, ўша китобни опке!..

www.ziyouz.com kutubxonasi

Очиқ эшикдан ўттиз ёшлардаги жувон юзини рўмоли билан тўсиброқ кирди, эшитилар-эшитилмас салом берди, пойгакда ўтирган эрининг ёнига битта китобни секин қўйиб кетди. Китобни танидим: ўзимники, учтўрт йил олдин чиққани.

— Мана, — деди Абдужаббор. — Сизниям ўқиймиз, ака. Гапнинг рости, озгина ихлосимиз ҳам бор, лекин, ишонинг, жон ака, сизга Холмўмин акамни беролмайман.

— Ўлик-ку у! — деб бақирди Ёқубжон. — Ўлигиниям бермайсанми?

— Сенга ўлик бўлса, менга тирик, — деди Абдужаббор. — Айб сенда асли, бу кишини бекорга овора қилибсан.

Тағин ноумид бўлиб чиқдик. Аҳволим оғир эди. Абдужаббор ичкарида ҳаяллаб қолди. Ёқубжон иккимиз дарвозахонага етганимизда, ортимиздан югуриб етди.

— Мен сизни хафа қилдим, лекин сиз мени хафа қилманг, Саидқул ака, — деди. — Шу пичоқни опкетинг эсдаликка. Ўзим ясаганман, касбим — темирчилик...

Шундай деб, пичоқни қинидан чиқарди. Дандон сопли ўткир тиғ эди, сопига гуллар чекилган, ялтиллаган асл мол.

— Ололмайман, — дедим. — Яхши нарса экан, ўзингизга буюрсин.

— Энди буюрмайди, — деди Абдужаббор. — Ният қилдим, олмасангиз бўлмайди.

— Қўйинг, ука, қийнаманг...

— Холмўмин акам ясаган эди, деб айтсам оласизми?

Ичимда бир нарса узилиб кетгандай бўлди. Йигитга ялт этиб қарадим. Айтгани ростга ўхшарди — кўзларини олиб қочмади.

— Бераҳмроқ экансиз, ука, — дедим.

— Нима қилай, — деди у. — Жўнгина олсангиз айтмас эдим. Олинг, Саидқул ака, раҳматлидан қолган ёдгорлик эди, майли, сизам қуруқ кетманг. Акам ўзи ясаган, мен дам босиб турганман. Мениям аҳволимни тушунинг, ака. Ўртамизда йўқ нарса талаш бўляпти. Бир хил номард эшитса кулиши ҳам мумкин. Ўзингиз ўйланг, Холмўмин акам мени кўтариб катта қилган, укаларимни кўтариб катта қилган, оби-ёвғонимиз ўртада эди, хай, умри қисқа экан, бизнинг тузукроқ улғайганимизни кўрмасдан ўлиб кетди, расми-русмини қилиб кўмдик, қабриниям ташлаб қўйганимиз йўқ, қўлдан келганича қарашиб турибмиз... энди, шундай пайтда сиз келиб, биздан бу гапларни сўраб турсангиз... Укангизми, йўқми — бунисини билмайман, лекин у бизни ука деганию биз уни ака деганимиз аниқ, бугун келиб унинг хотирасини икки қўллаб сизга топширсам, унда мен нима деган одам бўламан?..

Абдужаббор дегани ғалати йигит экан. Биз бу ёқда, кўркаму кенг шаҳарларда юраверіб, эл устида устивор турган кўпгина ақидаларни унутиб қўйган эканмиз. Ўшанда мен ўзим ҳам, менга ҳамроҳ бўлиб борган Ёқубжон укамиз ҳам ўртада гов бўлиб турган туйғуга ном тополмай қийналган эди. Ёшлигида шеър-пеър ёзиб юриб, кейинчалик буткул ташлаб юборган темирчи йигит Абдужаббор ўша туйғуга ном топиб берди. Хотира рашки экан унинг номи.

Аввалига Абдужаббор ўлгудай хурофотчи, ўлгудай кўнгли тор бўлиб кўринди. Лекин мен хато қилган эканман. Унинг кўнгли кенг экан, дунёни сиғдиркан...

Ўшанда, акамнинг хотирасини сизга икки қўллаб топширайми, деб таъна қилганида, рости, лом-мим деёлмадим. Ночор қолдим, тирсагимни тишлагудай бўлдим... Ўқувчидан узр сўрайман, кейинги жумла ғалатироқ чиқди, ўзга тилдан ўтиб қолганини энди сезяпман — «локти кусать». Лекин бу ибора менинг ўшал кездаги аҳволимни яхшироқ ифода этаркан, шу сабаб, ўзгартириб ўтирмадим. Қолаверса, воқеалар суръати, боринги, баён суръати мени шошириб қўйяпти — хаёлим бўлинмаса, чарчоғим нари қочса, хуллас, менга қувват ато этса-да, умримдаги энг қизиқ, энг кулгили ва ўша кулги баробарида энг фожиали саргузаштимни чўлтоқ қилмасдан, бир уринишдаёқ қоғозга тушириб улгурсам...

* * *

Абдужабборнинг ҳовлисидан чиқиб, тўғри Тошкентга жўнадик. Укамиз машинани равон ҳайдаркан. Кетакетгунча йўлдаги манзилларнинг номларини атаб, номларига ҳам, аҳлига ҳам қисқача таъриф бериб борди: бу қишлоқда анжир зўр бўлади, бу қишлоқда фалончи олим туғилган, бунисининг қизлари чиройли, унисининг чинори кўп... Сезяпманки, мени чалғитмоқчи, дилимни сал бўлса-да равшан этмоқчи. Лекин мен чалғийдиган аҳволда эмасдим, ҳамроҳимнинг гапларига бош ир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғардим-у, хаёлим буткул бошқа томонда эди. Энг қизиғи, дилим у ўйлаганчалик хира эмасди. Алам бор эди, ғусса бор эди, лекин олдинда недир ёруғ бир кечмишлар ҳам борлигини пайқардим, Холмўминнинг қабри устида тўкилган кўзёшларим руҳимдаги жамики ғуборни ювиб юборган эди. Укамиз хижолат чекардики, мени оғринди, энди бу ёқларга қайтиб қадам босмайди, деб. Ҳатто мен ўзим ҳам, қишлоқда эканимизда, Абдужаббор бизни нохуш кутиб олганида, ноумид қилганида, айни ўйни ўйлаган эдим. Лекин йўлга чиқишимиз билан, хаёлимда ўшал кичик қайрағоч тагида дўппайиб турган қабр рўй-рост гавдаланди. Шунда мен охирги илинжимни ўзим умримда кўрмаган Холмўмин исмли, менга укалигидан бегоналиги рострок кимсанинг қабрига элтиб кўмганимни пайқадим. Энди у қабр менга бегона эмасди. Унга неча-неча йиллардан бери асраб юрган кўзёшларим тўкилди, бутун-бутун умидларим, армонларим айни кўзёш томчиларига қўшилиб тупроғига сингиб кетди, энди мен лоақал барбод бўлган умидларим ҳурмати, бу ерларга кўп бора келишим керак.

Ўшанда сездимки, ота-боболаримизнинг болажонлиги бежиз эмас экан. Токи фарзандлар кўп бўлса, акаукалар, опа-сингиллар бир-бирига суянса, бир-бирининг тафтини туйса, увол-савобига шерик бўлса — бундан бошқа бахт бўларканми дунёда! Бола ўрнига лайча етаклаб юрадиганлар ҳам одамми?!

Ў, биродарлар, мен бир аламзада фосиқни кечиринг-из, шу ерда бир гуноҳимни айтмасам бўлмайди. Лайчани бекорга эсламадим. Битта ширин неварагинам бор. Уларнинг сони кўп асли, бирор йигирмага етади, лекин шу биттасига меҳрим ўзгача. Оти — Барно. Отаси билан онасини яхши кўради. Гўё ота билан она — дунёнинг устуни. Гўё дунёда кимарсаю нимарса бор, барчасининг ота-онаси бўлмоғи керак. Қизалоқнинг мантиғи ғалати. Унингча, стол — стулнинг дадаси. Катталар кулишадики, йўқ, Барно, стулнинг отаси ёки онаси бўлиши мумкинмас, улар бариси — жонсиз. Неварам катталарнинг гапига тушунмайди, айтадики, улар кичкина, уларнинг отаси ёки онаси бўлиши керак. Шуларни эшитганда, беихтиёр хурофотга бериламан ва ўйлайманки, бу қизчага менинг соғинчим ўтган, менинг етимлигим зот сурибди. Айрича меҳримнинг боиси ҳам шунда. Шу боис, уни боғчага ҳам ўзим олиб бораман. Боя айтган гуноҳимга келсак, тўрт ҳовли нарида бир жуфт қўшнимиз бор, топармон-тутармон, мол-

га зўр берган эру хотин, битта боласи бор уларнинг, битта болани ҳафталик боғчага беришган, уйда ёлғиз ўзлари, кейин бир кучукча, маза қилиб яшайдилар. Бир куни эрталаб бобою невара боғчага кетиб бораётсак, қаршимиздан ўша қўшнилар лайчаларини етаклаб чиқиб қолишди. Неварам жониворларни яхши кўради, завқи келиб: «Бобожон, ана кучук!..» — деб қичқирди. Онаси қўлига тутқазган ширинкулчани ҳалиги кучукка ташлади. Лайча талпинди-ю, эгалари ипидан тортди. «Мумкинмас, Жека! — деб танбеҳ берди қўшни хотин. — Ерга тушиб ифлос бўлди!..» Гапнинг рости, жоним чиқиб кетай деди. Саломларига зўрға алик олиб, неварамнинг қўлидан тутдим. Лекин унинг жилгиси йўқ эди. «Бобожон, — деди, — кучукчанинг дадаси билан аяси қаерда?» Худо кечирсин, неварамга дабдурустдан: «Улар шу ерда, — деб юборибман. — Анави амакинг билан холанг». Қўшнилар гапимни рўй-рост эшитишди. Лаб-лунжлари осилиб кетди, лекин узр сўрашга тилим бормади, узр сўрашни истамадим ҳам. Неварам то боғчага етгунча миямни қоқиб берди: «Улар одамлар-ку, бобожон!..»

Кечқурун бобосининг хатосини уйдагиларга айтган шекилли, келиним мендан хафа бўлди. Қайнонаси ҳам унга қўшилди. Болага нотўғри тарбия бераётган эмишман. Хайриятки, ўғлим менинг тарафимни олди: «Парво қилманг, ота, булар шунақа, нозик бўп кетишган, тўғри айтибсиз, фарзандга қарамагандан кейин нима бўларди, ит-да!..» Келиним эрига эътироз билдирди: «Итлар боласига меҳрибон бўлади». Ўғлим кулиб юборди: «Унда нима деб аташни ҳам билмайман, фақат одамлар орасида учрайдиган бемеҳр махлуқ, деймизми, а?» Баҳсимиз низога айланиб кетишидан чўчиб турдим, йўқ, хайриятки, неварам келиб қолдию тилларга тушов тушди. У пиёлада совиб турган чойимни шартта ичдию бир энтикиб олиб: «Пиёланинг аяси — чойнак!» — деб айтди. Шу билан кўнглимиз ёришиб кетди. Неварам биз кулганимиздан салгина талтайиб, тиззамга чиқиб олдию ўзи англаган «ҳақиқатлар»ни бир бошдан санади:

— Ая — менинг аям, аянинг аяси — бувим.

— Қайси бири? — дедим кулиб. — Унисими, бунисими?

— Унисиям, бунисиям.

— Умуман, тўғридай. Лекин бу бувингнинг «қайнона» деган яна бир исмиям бордай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Дада — менинг дадам, дадамнинг дадаси — сиз, сизнинг дадангиз...

— Менинг дадам йўқ, асал қизим, — дедим кулиб. — Мен қип-қизил етимчаман.

— Қизилмассиз-у, нега алдайсиз? — деди неварам.

— Майли, қизим, шунчаки етим бўлақолай...

— Шунчаки етим дегани бобо бўладими? — деб сўради.

— Бобо бўлиш учун шунчаки етим аввал кўп қийналиши керак, болам.

Қарилик қурсин, шундай дедиму кўнглим бузилиб кетди. Кўзимдан ёш чиққан шекилли, неварам завқ билан қийқирди:

— Бобожон чақалоқ бўлди, бобожон чақалоқ бўлди, йиғлаяпти, йиғлаяпти!..

Ноилож кулдим. Неварамни бағримга босиб, юзкўзларидан ўпдим. Ўтирганлар ўйлашдики, азбаройи меҳрим жўшганидан кўнглим бузилди. Йўқ, янглишибман, хотиним сезган экан, ўғиллар, келинлару невaралар жой-жойларига кетганида, секин аҳвол сўради:

— Сизга нима бўлди, отаси, сафардан кейин ўзгариб қолдингиз?

— Ҳеч нарса, — дедим. — Нима, бемеҳрроқ кўринямманми?

— Йўғ-э, — деди хотиним. — Қайтага меҳрибонроқсиз, лекин дардчилроқдайсиз, тобингиз қочгани йўқми, ишқилиб?

— Отдайман, хотин. Сал-пал чарчаган бўлишим мумкин.

— Алдаманг, — деди хотиним. — Чарчоқ билан дардни фарқламасам, шунча йил бекор юрган эканманда!..

— Бу дард бошқа, хотин. Танга ҳеч дахли йўқ.

Унга ичимдагини айтолмадим. Журъатим етмади. Абдужабборнинг сўнгги гаплари ёдимда, Холмўминнинг хотирасини безовта қилгим келмади. Сафарнинг ҳар дақиқаси эсимда турарди. Ичимга сиғдириб юришим жуда қийин эди. Ахийри бир куни чидолмадим, хотинга учини чиқардим:

— Хотин, — дедим, — шу, менинг асли исмим Саидқул экани ростмикан?

Бечора тушунмади, юзимга аграйиб қараб қолди.

— Балки етимхонада беришгандир бу исмни, — дедим. — Балки ўзимнинг отим бошқачадир, дейлик, Апсамат, Худойқул...

— Оллоберган деяқолинг, — деди хотиним ғаши келиб.

— Ёки — Нормўмин, — дедим мен. Бу номни аташга журъатим етганидан қувондим, қувонганим баробар яна такрорладим: — Рост, хотин, менинг отим асли Нормўмин бўлиши керак эди.

— Ҳазилингиз қурсин, — деди хотин аччиқланиб. — Болалар эшитса нима дейди, ўйлаб кўрмадингизми!..

Шу билан гап тугади. Анча енгил торттанимни сездим. Гўё Искандарнинг шохини ичида пинҳон тутиб юриб, ахийри қудуққа айтган шоввоздек сездим ўзимни. Ўшал ондан бошлаб, иккига бўлиниб бораётганимни англадим. Саидқул Мардоннинг танига Нормўмин секин кириб олмоқда эди. Кечқурун, ҳамма дастурхон атрофида тўпланган пайти, арзанда неварам билан гаплашиб ўтириб, яна ўша гап эсимга тушди.

— Асал қизим, менинг исмим нимайди? — деб сўрадим.

— Сизнинг исмингиз — бобо, — деди у.

— Балли! — деб бошини силадим. — Энди сен айтчи, фаришта болам, Саидқул деган исм яхшими, Нормўмин деган исмми?

Шу ерда сал ғирромлик қилганимни пайқадим. Негаки, ишдан бўшаган пайтларда невараларни устимга миндириб, гоҳ тик, гоҳ тиззада «нортуя» бўлиб лўкиллайдиган одатим бор. Ўша нарса эсида турган экан, неварам ўйланиб-нетиб ўтирмади, ростини айтди:

— Нормўмин яхши, бобожон.

— Саидқул-чи?

— Саидқул — ёмон.

— Бекорингни айтибсан, — дея дашном берди бувиси. — Бобонг алжиб қопти, Нормўмин эмас у, унинг оти — Саидқул!

— Сиз ўзингиз — Саидқул! — деди неварам хафа бўлиб. — Бобом саидқул эмас, бобом — нормўмин! Нормўмин — яхши!..

Хуллас, боланинг «миясини айнитганим учун» хотиндан мен гап эшитдим, «бувини хафа қилгани учун» неварам онасидан гап эшитди, ноилож, бу хушфеъл ва жўяли одамларнинг суҳбатидан мосуво бўлиб, иккимиз менинг кабинетимга қараб қочдик. У ерда мен «нор» бўлдим, неварам «туякаш» бўлди, икковимиз қийқириб, ерда ётган хомаки қўлёзмаларни босиб-янчиб, роса ўйнадик. Ўшандан бошлаб, биров хафа қилса, бас, неварам ёнимга келиб, юринг, бобожон, биз нормўмин бўламиз, деб айтади....

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нормўмин бўлиш жуда оғир кечди — хайриятки, мурғаккина неварам бу гаплардан бехабар. Нормўмин бўла бошлаганимни биламан, уйдагиларнинг ороми бузилди. Ҳаммаси кўнглимга қараган, кийинсам кийимимни тутади, юрсам шиппагим ўнг туради, ювинсам сочиғимни узатади, кўчага чиққанимда каттароқ невараларни қўшиб юборади. Гапнинг рости, бунақа меҳрибонликдан жинни бўлиб қолай дедим. Бир куни кечқурун гузардан қайтсам, тўнғич қизим тўнғич куёвим билан келиб ўтирибди. Тўғриси, куёвларимнинг орасида шунисини кўп ёқтирмайман. То уй олгунларича бир ярим йил бирга туришган. Ўзига бино қўйганроқ, касбининг нуқси урганми, ҳаммага бирдай синчковлик билан қарайди. Қараши ҳам ўткир, этингни тешиб юборай дейди. Руҳий хасталар шифохонасига бош врач бўлганидан бери баттар салобат касб этган, қарашлари баттар ўткирлашганки, кўрмаганимга хурсанд бўламан. Хуллас, гузардан қайтсам, дўхтир куёвим менга интизор экан. Ноилож гаплашиб ўтирдим. Чой узатишди. Чойни олатуриб, беихтиёр қўлим қалтираб кетди — куёв буни сезди. Чой қошиқни мураббо олатуриб тушириб юбордим — куёв буниям сезди. Кўзларини лўқ қилиб, ҳар бир ҳаракатимни кузатиб ўтирибди. Қизимга қараб, йўқот-э бу матоҳингни, деб бақиргиларим келди. Энди, кўнгил экан-да, агар мен унинг ўрнида бўлсам, ўлай агар, тезаги тилладан бўлса ҳам, манави лўққўзни танламаган бўлардим. Буни кўрмай туриб, отаси яхши одам деб, отасига учдик. Бу ёғи тинчгина яшаб юришибди-ю, лекин мана шунақа... без бўлиб тикилишларини ҳеч сингдиролмайман. Отасига мутлақо ўхшамайди. Отаси колхозда сувчи, етимхонада бирга ўсганмиз, жуда беозор одам. Буям беозорга ўхшайди, лекин... лекин ёқмаса нима қилай, биродарлар!..

Махсус топшириқ олган шекилли, бир пас ўтириб кабинетимга ўтганимда ортимдан эргашиб келди. Жавондан битта китоб олиб очдию секин варақлай туриб, киши билмас суриштирди: Клара Цеткин нечанчи йил туғилган эди, дада? Билмайман, дедим, эсимдан чиқиб кетган, ўзинг ўқиб олақол. Кабинетингиз жуда тинч экан, деди пинак бузмай, невaралар халақит бермайдими, ўзиям неварангиз кўп-да, мен саноғига етолмайман, бирор йигирмага бордими? Билмайман, дедим яна, санаб кўрганим йўқ, анча бор шекилли. Бу йил қурғоқчилик бўлади чоғи, деб давом этди куёвим, об-ҳавогаям тушуниш қийин, аввалари ҳам шундай бўлармиди ўзи?

Начора, нечанчи йил қурғоқчилик бўлдию нечанчи йил намгарчилик бўлди — ҳаммасини аниқ-таниқ айтиб бердим. Хотирангиз тузук экан, деб мақтади куёвим, лекин Клара Цеткиннинг туғилган йилини билмаганингиз қизиқ... Агар шу сенга керак бўлса, майли, олақол, дедиму Клара Цеткиннинг туғилган йилини ҳам айтдим. Яна бир-икки савол берди ҳамки, жавобини айтдим. Индамай қўйиб берсам, Индонезиянинг пойтахти қаер, деб сўрайдиган чоғи бор. Ўзимни зўрға босиб турибман, ўртада қизим билан невараларим бўлмаса, куёвболанинг юзига оёғимдаги юмшоққина шиппак билан тушириб қоламан. Хайрият, Индонезиянинг пойтахтини сўрамади, бошқа, сал чигалроқ савол берди. Дада, Туркиянинг пойтахти ҳалиям Истамбулми ёки энди Измирга кўчганми, деб сўради. Овози бирам мулойим, бирам меҳрибонки, беихтиёр додлаб юборгинг келади!.. Шайтонга ҳай бериб, бақирмасдан, жўяли қилиб тушунтирдимки, ҳозир шу хонадан чиқсанг, Туркияга командировка олсанг, кейин самолётга билет сўрасанг, бас, билетга янги пойтахтини ёзиб беришади. Шаъмани тушунди чоғи, кабинетдан секин чиқиб кетди.

Шу пайт эшикдан суюкли неварам мўралади:

— Бобожон, нормўмин бўлайлик!

— Майли, — дедим полга «нортуя» бўлиб чўккa тушарканман. — Лекин келишиб олайлик, Нормўмин — менинг исмим, нортуя эмас, асал қизим.

— Анави куёв амакининг исми нима, бобо? — деб сўради неварам, келиб «нортуя»га минаркан.

Шайтон қитиқладими ё бошқа бир бало доридими, мен эсини еган чол, яна бола бечоранинг тарбиясини «бузиб» қўйдим:

— Унинг оти — Анқара! — дедим. Шу билан куёвдан қасдимни олгандай бўлдим, етказган ситамлари эсимдан чиқиб кетди, чўккалаб турган жойимда силкиниб-силкиниб кулдим, неварам бечорани йиқитиб қўйишимга сал қолди. Қарасам, неварам бўйнимдан маҳкам қучоқлаб олиб, менга қўшилиб куляпти:

— Анқара, Анқара!..

Бошқаларга гуллаб қўйишидан чўчиб, секин танбеҳ бердим:

— Анқайма, қизим, йиқилиб кетасан... Анқара — шаҳарнинг исми, тушундингми?

Лекин гапим кор қилса қани, қизалоқнинг баттар завқи ошиб, аввалгисининг ёнига янгисини ҳам қўшиб-чатиб ташлади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Анқайма, Анқара! Анқаяди Анқара!..

Ўша кундан эътиборан, неварам врач куёвимизни Анқара амаки деб атайдиган бўлди. Гапнинг рости, ўзим ҳам ичимда уни айни лақаб билан атардим. Лақаб уйдагиларга тушуниксиз туюлди. Қизчани койиган бўлишди. Айтишларича, қизча бу ёмон сўзни боқчадан ўрганиб келган эмиш. Куёвимизнинг ўзи лақабини эшитганда, ростдан ҳам анқайиб қолди, қизарди, бу гап кимдан чиққанини тушунди, лекин сир бой бермади. Шусиз ҳам кам келадиган одам, энди ойлар тугал қорасини кўрсатмайдиган бўлди. Лекин инсоф юзасидан тан олишим керак, ўша ғалати суҳбатимиздан кейин врач куёвим мени ҳеч қанақа жинни-пинни эмас, деб айтибди. Шунчаки толиққан бўлиши мумкин, дебди, исмини Нормўмин деганига ҳам парво қилмаслик керак, умуман, шоир халқи сал жиннироқ бўлади, ўзининг ҳаёти билан яшамайди, балки ўзга йўриққа кириб қолган пайтларида эси оғиб айтган бўлиши ҳам эҳтимол. Хотиним сал хавотирланиб, эрим шоирмас, ёзувчи, деб эътироз билдирган экан, врач куёвим дилтанглик билан қўл силтабди: э, бариси бир гўр!..

Кейинги гапни хотиним салгина хафа бўлиб айтиб берди. Айб ўзингизда, деди, бечорага Анқара деб лақаб қўйибсиз. Йўқ, дедим, бу сўзни Барно боқчадан топиб келган. Қаердан топиб келганини жуда яхши биламиз, деди хотиним заҳарханда қилиб, боқчада эсли-ҳушли одамлар ишлайди, сўкиш эшитса болаларнинг қулоғини бураб туради. Хотиннинг мантиғидан, ўлай агар, қотиб-қотиб кулдим. Бошқа гап қуригандай, беозоргина Анқара сўкиш бўлса-я!..

Ўйлаб кўрсам, руҳим андак бўшашиб бораётган экан. Ҳазил-ҳузул билан Нормўмин танимни буткул банд этибди. Буткул ўрганибман, эриш туюладиган жойи қолмабди. Бир кун келиб қарасам, кўнглим ўшал узоқ қишлоқни қайта қўмсаяпти, юрагимда недир аввал сезилмаган орзиқиш... кетгим келяпти. Гўё у ёқдан шумшук бўлиб қайтмагандайман, гўё Абдужабборнинг сўзлари унут бўлгандай, гўё у аччиқ гапларини айтмагандай, айтса ҳам, менга эмас, буткул бегона одамга айтгандай... Айни замонда, у ёққа борсам, яна ноумид бўлишимни ҳам сезиб турардим. Ноумид бўлишдан қўрқардим, лекин кўнглимдаги соғинч қўрқувдан устунроқ эди.

Қўлим ишга бормай, каловланиб юрганимда тасодифан уйга Яхшибоев келиб қолди. Вафони ваъда қилувдингиз, Саидқул, деди гулдираб, энди ваъдага вафо ҳам

қиласиз. Аввалги суҳбатларимиз эсимдан чиқиб кетган экан, барини эслатди, айтдики, мен билан Булдуруққа борасиз, бориб менга боғ экиб берасиз. Ёши улуғ одамни овора қилганимдан хижолат чекдим. Жоним биланг, дедим, лекин ўзимнинг ҳам битта сафарим бор эди. Авлиёга икки дунё — бир қадам, деди Яхшибоев, тагимизда машина бўлса, сафарнинг икковини битта қиламиз — вассалом. Меники нозикроқ бир сафар, Назар ака, дедим, бир ўзим бормасам бўлмайди. Қўйинг-э, Саидқул, деди Яхшибоев, ичимизда битта фариштa бўлса, уям Саидқул укамиз, деб юрардим, йўқ, сиз ҳам айниган экансиз, жонон-пононларга йўлиқибсиз чоғи?..

Яхшибоевнинг оғзи бепардароқ, бирор жойда айтиб юборса, кексайган чоғимда маломатга қолиб юрмайин, деб, воқеани бир бошдан айтиб бердим. Холмўминнинг дарагини топиб келган укамиздан тортиб, то қишлоққа борганимизу Абдужаббор ноумид қилиб қайтарганигача — барини сўзладим. Ҳаттоки асл исмим Нормўмин эмасмикан, деб азобланиб юрганларимни ҳам қолдирмадим. Яхшибоев гапимни бўлмай эшитди. Сўнг жиддий туриб сўради:

— Ишқилиб, бошпуртни Нормўмин деб ўзгартирганингиз йўқми?

— Йўғ-э, — дедим. — Хотин билан кичкина неварамдан бошқа ҳеч ким Нормўмин эканимни билмайди.

— Хайрият, — деди Яхшибоев. — Бошпуртни ўзгартирманг, ука, кейин гонорар-понорар келганда ололмайсиз.

— Гап гонорардами, Назар ака, — дедим ранжиганимни яширолмай.

— Сизга ақл бўлишдан худо сақласин, Саидқул иним, — деди Яхшибоев. — Лекин сиз гўдакка ўхшаркансиз. Биринчидан, ўша Холмўмин сизга ука бўлмаслиги мумкин, унда сизнинг Нормўмин эканингиз уч пул. Иккинчидан, сиз минг Нормўмин бўлманг, Холмўмин тупроқнинг тагида ётибди, тирилиб келмайди, меҳрингизни кўрмайди, Абдужаббор билан жанжалингизни эшитмайди. Ўша йигит ҳалиям инсофли экан, ўрнида мен бўлсам, сизни майиб қилардим.

— Эски ҳунардан қолган экан-да, — дедим аламимни босолмай.

— Қолган, — деди Яхшибоев пинагини бузмай. — Умуман, Саидқул ука, бутун саргузаштингиз сариқ чақага арзимайди. Ўлик жонни жанжал қилиб юрибсиз. Эшитган одам, оғзи қолиб, кети билан кулади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёмон ғазабим келди. Гўё ноҳақ шапалоқ еган одамдай, гарангсиб қолдим.

— Мен сиз билан ҳеч жойга бормайман, — деб чўрт кесдим. — Сиз менинг кўнглимга тупурдингиз, мен сизнинг бўлажак боғингизга тупураман!..

— Ҳаддингиздан ошманг! — деб дўқ урди Яхшибоев. — Ким билан гаплашаётганингиз эсингиздан чиқибди! Ғазабим ёмон, Саидқул укам, қасд қилсам чиритиб юбораман!..

— Э, қўлингиздан келганини қилинг!.. — деб бақирдим. — Чиқинг, кетинг!!.

Яхшибоев ғазабдан оқариб кетди, қўлга илинадиган бирор нарса ахтариб гирд атрофга кўз югуртирди. Шунда шовқинни эшитиб югуриб келган хотинимга назари тушдию бирдан бесаранжом бўлиб, гўё арз қилаётган боладай, унга дардини тўкди:

— Келин! — деди. — Буни сал йиғиштириб олинг, келин! Ақлдан озиб қопти, мени қувиб чиқаряпти!..

Хотиним гапга аралашмади. Бўсағада туриб, менга таъна билан қаради, айтмоқчи бўлдики, меҳмонгаям одам шунақа муомала қиладими?

— Мен сизни одам деб келувдим, ўртоқ Саидқул Мардон! — деди Яхшибоев алами келиб. — Сиз.... сиз бориб турган... Нормўмин экансиз!..

— Сиз ноинсофсиз! — деб қичқирдим мен. — Қанийди мен ростакам Нормўмин бўлсам, ўшанда бирор тайин масканим ҳам бўларди! Сизда маскан бор, ўртоқ Яхшибоев! Эсингиздами, Булдуруққа ҳафта-ой сайин жўнаб қолардингиз? Ўртақўрғонда бир кун ҳам тургингиз келмасди, эслайсизми?! Ҳамма ўзининг уйига кетарди, ҳаммaнинг ўз маскани бор эди, биргина менда йўқ эди ўша маскан!.. Шуни ҳеч сезармидингиз? Сезган бўлсангиз, мени лоақал бир марта Булдуруққа олиб кетган пайтингиз бўлганми? Ахир, мен етим эдим-ку? Ҳеч кимим йўқ эди-ку? Йўқ, сиз буни тушунмайсиз, ўртоқ Яхшибоев!.. Сиз мени сариқ чақага олмайсиз. Энди, қариган чоғимда ўзимга ўхшаган бир ғарибнинг гўрини бўлса-да қора тутганимда, сиз мени мазах қиласиз! Дунё кенг эмасми, ўртоқ Яхшибоев, шу кенг дунёда мен ҳам ўзимга бир маскан изласам, сизнинг бирор жойингиз камиб-нетиб қоладими?!. Сизга осон, ўртоқ Яхшибоев, сизда хеш-ақрабо бор, менга ўхшаб ўлик жоннинг жанжалини қилиб юрмайсиз!..

Яхшибоев гапимни охиригача эшитдими ёки эшитмасдан чиқиб кетдими, сезмай қолдим. Сезадиган аҳволда эмасдим. Хотиним суяб бориб, секин ўринга ётқизиб қўйди. Тинчлантирадиган дори берди. Қўл-оёқларимни уқалади. Хаёлим сал ўзимга келиб, бўлган гапни ётиғи билан тушунтирдим. Хайриятки, тушунди. Кўпдан хавотир олиб юрган экан, ниҳоят, сиримдан воқиф бўлиб, тинчланди, Анқара куёвингизни бекорга овора қилибмиз, деб ҳазиллашди...

Яхшибоев масаласига келсак, шу билан орамиз узилди, деб ўйлаган эдим. Гапидан қайтмайдиган, ғурури зўр одам, қайтиб остонамдан ҳатлаши қийин. Жиззакилигим учун кўнглим хижил тортса-да, унинг дийдорига жудаям зор эмасдим. У келди нимаю келмади нима, боғ қилмоқчи бўлса, ана, мендан бошқа мингта боғбон бор, соясига кўрпача соладиган шогирдлари кўп, майли, ўшалар экиб, ўшалар кўкартириб берақолсин....

Ҳафта ўтиб, ҳеч нарса бўлмагандай яна кириб келганида, гапнинг рости, қувонишимни ҳам, куюнишимни ҳам билмай қолдим. Ўзининг узрини айтиб ёки менинг узримни кутиб ўтирмади, дангал мақсадга ўтди:

— Сафар жабдуғини тайёрланг, Саидқул. Ўша қишлоққа ўзим борай дедим-у, лекин йўлни тузук билмайман, сиз бошлаб борасиз.

Сафарга иштиёқим кўпдан бор эди, лекин шу онда, дабдурустдан йўлга чиқиб, қисқа бир муддат ичида ўжар Абдужабборга рўпара бўлишимни ўйлаб, юрагим орқага тортиб кетди.

— Ҳалиги гал бир укамиз билан борувдик, — дедим вақтни чўзиш учун. — У асли ўша ёқдан, яна оборсак тузук бўлармиди...

— Вақт зиқ, — деди Яхшибоев. — Кейин, Саидқул, мен машинамга турли қаланғи-қасанғиларни ўтқизмайман.

Димоғи баланд эди Яхшибоевнинг. Менга меҳрибонлик кўргазиб, шунча йўлга обориб-опкелган укамизнинг қиёфасини кўз олдимга келтирдим. Яхшибоевнинг беписандлигидан ранжидим.

— Одамни кўрмай гапириш яхшимас, Назар ака, — дедим. — Укамиз бамаъни йигитлардан.

— Ҳадеб гапга тирғилаверасизми, Саидқул, — деди Яхшибоев. — Жуда инжиқ экансиз, мен сизга айтсам. Уни излаб овора бўлгунча, ҳозир йўлга чиққанимиз маъқул. Бир йўла Ўртақўрғон билан Булдуруққа ҳам ўтиб келамиз. Ҳамённи тўқроқ қилинг, керак бўп қолиши мумкин. Укангизнинг қабрига мармартош сотиб оласиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жиддий тўриб айтди бу гапни. Мазах қилгани сезилмади. Ҳамёним пучроқ эди, хайриятки, хотин невараларнинг кийим-пийимига деб асрагани бор экан, ўшани чўнтагимга солиб қўйди. Йигирма минут деганда сафарга шай бўлиб, Яхшибоев миниб келган «Волга»нинг ўриндиғига чўкдим.

Тошкентда сезмай юрарканмиз, Яхшибоевнинг нуфузи унча-мунча эмас экан. Одатда ёзувчи халқи ўзининг соясига салом бериб юради-ю, аслида уларни талабаю мактаб болаларидан бошқа кимса билмайди ҳисоб. Лекин Яхшибоевни ҳамма биларкан. Тошкентдан чиқиб, токи манзилга етгунча дабдаба билан кетдик. Ҳар район чегарасида деб айтсам ёлғон бўлар, лекин ҳар вилоят чегарасида кутиб олишлар, гул тутишлар, ҳурмату эъзоз, дастхатлару бирга суратга тушишлар.... Уйдан кўримсизроқ кийиниб чиққан эканман, салобатли раҳбарлар билан пўрим Яхшибоев кўришган жойларда ўзимни панага олишга мажбур бўлдим. Лекин Яхшибоев икки-уч учрашувдан кейиноқ найрангимни пайқаб қолди, олдидан бир қадам ҳам жилдирмай қўйди, суратга тушса ҳам, нуқул мени ёнига олади. Уятдан ўлиб бўлдим. Беш соатлик йўлни уч кун босибмиз-а!

Манзилга ҳам дабдабаю асъаса билан кириб бордик. Яхшибоев аввалроқ хабар берган эканми, район марказида яна иккита «Волга» қўшилди. Уч машина карвон бўлиб, пешинда Абдужабборнинг ҳовлиси ёнида тўхтадик. Абдужаббор кўмир тушираётган экан, майкачан, юз-бети қорага беланган, қўлидаги куракка суяниб турарди. Маҳаллий раҳбарлар уни бегона деб ўйлашди чоғи, парво ҳам қилмасдан, тўғри дарвозани очиб, ичкарига йўл бошладилар.

— Ўв ака, бу уйнинг эгаси бор! — деб қичқирди Абдужаббор. Сўнг менга таъна билан қаради: — Майда экансиз лекин, Саидқул ака, буларни кўриб юмшайди, дедингизми?

Индамадим. Ўз измим билан келмадим, деб айтишнинг мавриди ҳам эмасди.

— Шуми? — деб сўради Яхшибоев.

— Шу, — дедим баттар ўсал бўлиб. — Лекин, Назар ака, раҳбариятни аралаштириб бекор қилдик, ўзларининг раис-паиси билан келсак ҳам баҳарнав эди...

— Раис ўзимнинг укам, — деди Абдужаббор. — Менга гапи ўтмайди.

Шунда Яхшибоев топқирлик қилди. Дарвозадан нарига ўтиб бўлган кишиларга қараб:

— Биз адашибмиз, ўртоқлар, — деди. — Бошқа жойда кутишаётган экан. Майли, сизлар машинада кутатуринглар, биз Саидқул Мардонович билан уй эгасидан ҳол сўраб чиқамиз.

Уй эгаси жойидан қимирламади. Ҳовлига киргандар қайтиб чиқиб, машиналардан жой олишди ҳамки, Абдужаббор ўша кўйда — куракка суянганча, қилт этмай турарди.

— Қани, ука, бошла, — деди Яхшибоев.

— Сиз кимсиз? — деди Абдужаббор.

— Мен — Яхшибоевман, укажон, эшитган чиқарсан, Назар Яхшибоев!..

— Менам ўз уйимда Яхшибоевман, — деди Абдужаббор. — Сиз шу ерда қолинг, майли, Саидқул ака бир ўзи кирсин.

— Назар акаям кирақолсин, — деб ялиндим. — Бирга йўл юриб келдик.

— Нима, икковингизнинг киндигингизни боғлаб қўйибдими? — деб қўрслик қилди Абдужаббор. — Ўзингиз кираверинг-да. Нима, у киши пуркурорми?

— Прокурор эмас, у кишиям ёзувчи, — дедим. — Бирга Тошкентдан келдик.

— Яхшибоевни ўқимаганман, — деди Абдужаббор. — Майли, кирса кираверсин. Айтинг, майли, анавилар ҳам кирсин, барибир мендан бир гап ололмайсизлар.

Хайриятки, машинада пойлаб ўтирганларни чақирмасликка ақлимиз етди. Уйга кирсак, жон зоти йўқ экан. Абдужабборнинг ўзи кўрпача ёзди, дастурхон келтирди.

— Бола-чақа тезак тергани кетган, — деди. — Чой қўйдим, кетгунларингча қайнайди.

Ёлғон гапирганини сездим. Кўмир ғамланаётган жойда тезакка бало борми!

— Гап бундай, йигит, — деди Яхшибоев даромад-паромад қилиб ўтирмасдан. — Ўртоқ Саидқул Мардон марҳум укаси Холмўминнинг қабри устига мармартош қўйгали келди. Шунга ўзинг ёрдам берасан.

— Мени ўлдириб, ундан кейин қўяди, — деди Абдужаббор. — Тирик эканман, қабристонга оёқ босолмайди.

— Мармартошни қўяди, — деб такрорлади Яхшибоев. — Оёғиниям босади.

— Босиб кўрсин!.. — деб бақирди Абдужаббор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Важоҳати ёмон эди. Яхшибоевга ялиниброқ қарадим: орани бузиб қўйманг, бунинг феъли чарс, оқибати ёмон бўлади. Лекин Яхшибоев парво ҳам қилмади.

— Мармартош қўяди, — деди. — Устига «Холмўмин Мардонов» деб ёзади. Хоҳлаган жойингга бориб арз қилавер!..

— Ёзолмайди. Мен арзачи эмасман, ўзим ҳал қиламан!..

— Майли, унда ўзинг ҳал қил. Балки сен ўзинг «Холмўмин Мардонов» деб ёзиб берарсан!

— Мана! — деди Абдужаббор. — Мана, ёзиб беради! Керак бўлса, у ўзини Ўлжабоев деб ёздирсин! Акам тиригида Ўлжабоев эди, ўлгандаям Ўлжабоев бўлиб қолади!

— Сен боланинг миянгга қурт тушибди, — деди Яхшибоев бошини сараклаб. — Ёзувчи Саидқул Мардон сени деб фамилиясини ўзгартирсинми?

— Менга унинг кимлиги бир пул! Холмўмин акамни бу кишига бермайман.

— Нодон экансан! — деди Яхшибоев. — Холмўмин сенинг тутинган аканг, холос. Бу кишининг туғишган укаси. Тушундингми? Марҳум Холмўмин бўлса, бу киши — Нормўмин! Тушундингми! Тушунган бўлсанг, яна билиб қўйки, бу киши, Саидқул Мардондай атанган одам, йўқотган укасини топиб, давлатимиз берган исмидан воз кечди, бошпуртини Нормўмин деб ўзгартирди! Шуни сен тушунасанми, нокас!?

Шунда Абдужаббор ялт этиб менга қаради, қарадию шалвираб қолди. Ҳозиргина муштлашувга-да шай турган одам, бирдан сўнди, овози ҳазин тортиб сўради:

— Ростми, Саидқул ака?..

Индамай ерга қарадим. Яхшибоев номардлик қилган эди. У билан бирга келганимга минг бир пушаймон едим.

— Рост, — деди Яхшибоев. — Ишонмайсанми? Бошпуртини кўрсатсинми?

— Кераксмас, — деди Абдужаббор. — Ишонаман, лекин... Нега ундай қилдингиз, Саидқул ака?..

Жавоб беролмадим. Анча вақт жим қолдик.

— Майли, — деди Абдужаббор, ниҳоят. — Фақат сизлар овора бўлманглар, мен ўзим тошга ёзиб қўяман. Ўлжабоевни ўчираман-да, Мардоновни ёзаман... Тошнинг эскиси қолаверсин, Саидқул ака, ҳарна, одамларнинг кўзи ўрганган...

Хонадан қочиб чиққим келди. Туриб кетаётганимда, Яхшибоев қўлимдан маҳкам ушлаб, қайтадан кўрпачага михлаб қўйди.

— Гапир, йигит, — деб қистади у Абдужабборни. — Бошқа даъвойинг йўқми?

— Мен гапимни айтдим, — деди Абдужаббор. — Мендан акамни тортиб олдинглар, майли, бу ёғини худога солдим...

— Худони қўй, мактаб кўрмаган! — деди Яхшибоев. — Сендан ҳеч ким акангни тортиб олаётгани йўқ. Сен-ку бир қишлоқи нодонсан, лекин манави ёзувчи бўлмиш Саидқул Мардон ҳам сендан ортиқ эмас. Бир бечора марҳумнинг руҳини безовта қилиб юргунча... бошқа бир йўл тутсаларинг олам гулистон эди!.. Наҳотки, сен нодон, Абдужаббор, Саидқул Мардон ўзингга ака бўлганини тушунмаган бўлсанг? Тур ўрнингдан, бирор тўн-пўн топиб кел, номард!..

Ёпирай, бу Яхшибоев дегани одам эмас, кашмири бир жодугар экан. Ростдан ҳам, Абдужаббор иккимиз бориб турган нодон эканмиз. Асли айб унда эмас, менинг ўзимда экан. Ўша гал келганимда лаънати мармартошдан эмас, ака-укаликдан гап бошласам, ўртада шунча хижиллик бўлмас экан. Одамзоднинг кўнглини биламиз деб юраверарканмиз-у, аслида ғирт оми эканмиз.

Орадаги дилхиралик учди-кетди. Абдужабборга қараб, кўзлари намланганини кўрдим.

— Тўн сандиқда, — деди айбсиниб. — Хотин аразлаб кетган, ака...

— Ҳа, балли! — деб хитоб қилди Яхшибоев. — Аввал акангни бир қучоқла, кейин аканг акалик қилиб, қайнотангнинг уйига элчи бўп боради!

Иккимиз ҳам турдик. Қулочларни кенг ёзиб, маҳкам қучоқлашиб кўришдик. У ука бўлди, мен ака бўлдим.

— Э барака топкурлар-э, — деб кулди Яхшибоев. — Яхшибоев у, ўзбекнинг расму русмини биладиган! Сизларда ақида не қилсин!.. Қани, кетдик, Абдужаббор, келинни опкелайлик. Бу ёқда чойингни ўчириб қўй, чўпонга одам юбор!..

— Э, чой қўйганим йўқ эди, — деб тан олди Абдужаббор. — Айб санамайсиз, Яхшибоев ака, боя қўрс гапирдим, лекин сизниям ўқиганмиз!..

— Ўқимагансан! — деб хитоб қилди Яхшибоев гулдираб. — Ўқисанг, бунчалар нодон бўлмас эдинг! Сен манави Саидқул Мардонга ўхшаган илимилиқ ёзувчиларни ўқигансан, ҳақиқий классика назарингдан четда

www.ziyouz.com kutubxonasi

қолган!.. Яхшибоевни ўқисанг, жайрага ўхшаб ҳурпаймас эдинг!..

Яхшибоев дағдаға қиляпти-ю, Абдужабборнинг юзи ёришгандан ёришиб боряпти. Чамаси, хотини аразлаб, болаларини ҳам бирга олиб кетиб, эҳтимолки, укалари ҳам оғриниб, бечора ёлғиз қолган экан. Биздан узр сўраб, «пат-пат»ига ўтирдию ўқдай учириб кетди. Яхшибоев иккимиз ҳовлига чиқдик.

— Раҳбар укаларимизни бекор опкелган эканмиз, — деди Яхшибоев. — Улар воқеага расмий тус бериб юборади энди. Ҳар қалай, атанган одамсиз, майда-чуйда шов-шувлардан чеккароқ турсангиз маъқул. Нима дедингиз?

— Менга барибир, Назар ака, — дедим. — Бугун хурсандчилик қиладиган куним. Хабар берган экансиз, пешвоз чиқишди, энди буларни кеткизиб юборсак айб бўлади...

— Э, мен хабар қилганим йўқ, — деб кулди Яхшибоев. — Ўзлари хабар топган. Бу ёғи Ўртақўрғонга борганда сал эҳтиёт бўламиз, Саидқул, келганимизни бировга билдирмаймиз. Энди бизга рухсат, ука, мен раҳбар укаларимни олиб кетай, сиз ўзингизнинг укаларингиз билан бирор кеча қолинг, дийдорлашинг. Культурний бўлиб, ғулғул товуқдай ҳурпайиб ўтирманг, буларнинг тилида гапиринг. Мен қандай гаплашганимни кўрдингиз-ку, бўлди-да!..

Шу гаплар билан, дарвозадан ташқарига чиқдик. Машиналарда кутиб ўтирган ўртоқлар секин ёнимизга келишди.

— Қишлоқнинг тепасидаги шаршарани бузганларинг йўқми, Жонғози ўғлим? — деб сўради Яхшибоев жужун костюм кийган йигитдан.

Жонғози тараддудланиб қолди. Унинг ёнидаги сершалобат киши гапга аралашди:

— Сиз айтган шаршара бошқа қишлоқда-ку, домлажон?

— Йўғ-э!

— Бошқа қишлоқда, — деб тасдиқлади Жонғози ҳам. — Жайрақишлоқда у, домлажон.

— Ёнидаги уй-пуйлар ҳам турибдими? — деб сўради Яхшибоев.

— Уй бўлса топилар, — деди Жонғози. — Ўшоққа борамизми, домлажон?

— Адашибмиз-ку, — деб кулди Яхшибоев. — Сизларни роса овора қилдим-ку, а?

— Э, овораси бор эканми!.. — деб хитоб қилди Жонғози. — Йўли текис, машиналар соз, уч соатда бемалол етамиз, — шундай деб, машина рулида ўтирган шофёрга қаради. — Чори бобони чақир, биз боряпмиз!.. Меливойниям топсин, айт, уч соат вақт берамиз.

Шофёр йигит рацияни бурашга тушди.

— Эртага эрталаб бу ерга машина юборасиз, Жонғози ўғлим, — деди Яхшибоев. — Саидқул Мардоновични олиб кетади.

— Ҳали бу киши биз билан кетмайдиларми? — деди Жонғози ҳайрон бўлиб.

— Шундай бўп қолди, — деди Яхшибоев. — Бу киши шу ерлик бир бахши билан учрашишлари керак. Бахшининг кичкина бир достони бор экан, шуни бир эшитиб баҳолаши шарт экан.

— Қизиқ бўлди-ку, Саидқул ака, — деди Жонғози. — Жилла қурса, раисга топшириб кетсак бўлармиди...

— Э, раис ўзининг укаси, — деб кулди Яхшибоев. — Чўпонгаям одам кетган. Бугун Саидқул Мардоновичнинг илик ейдиган куни!.. Бўпти, биз энди кетдик, эртага район марказида учрашамиз!..

Улар жўнаб кетишди. Яхшибоевнинг фоли тўғри чиқди. Бирор соат ўтмай, ҳовлини тумонат одам босиб кетди. Битта юк машинаси тўхтаб, ҳисори қўйнинг кетмонкет хилидан тушди. Колхознинг раиси ҳам келди. У ростдан ҳам Абдужабборнинг укаси, бинобарин, менинг ҳам укам экан. Ортиқча дабдаба сезилгани ҳам йўқ. Эркаклар бир уйда, хотинлар бир уйда, шўрва ичиб, ош еб, секин гурунглашиб ўтирдик. Мадҳиялар ўқилмади. Шунчаки тарихимни сўрашди, холос. Лозим кўрганимни айтиб бердим. Эшитиб, жуда жўяли топишди. Раҳматли Холмўмин сизга ўхшаб кетарди, деб айтишди, укангиз бўлиши ҳам мумкин, агар укангиз бўлмаганда ҳам, мана, энди укангиз бўлди, у марҳум бўлса, ана, укалари тирик, бир эмас, икки эмас, бир йўла еттита, раҳматлининг гўри нурга тўлсин, сизга еттита ука топиб берди. Абдужаббор келиб, устингизда тўзисин, ака, деб, устимга тўн ёпди. Қуруқ қўл билан келганимдан уялиб ўтирувдим, раис укамиз, секин ёнимга тугун қўйди, сиз учун ўзим тўн олдим, ака, шуни Абдужаббор акамга ёпинг, бу бир киндигини ўзи кесган банда, хайриятки кўнибди, деб айтди, бу кофирга учрашиб юргунча, менга келиб юзлашмайсизми!.. Кўнглим тўлиқиб, раис укам берган тўнни Абдужабборнинг устига ёпдим. У менга белбоғ боғлади, мен — унга... Кечирасиз, ака, деб айтди, ме-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг феълим ёмонроқ, майли энди, ўтган ишга салавот, асли ўзи жимжилоқдан қон чиқариб, қондош бўлганимиз тузук эди, лекин кўриб турибсиз, биз етти йигитмиз, тўртта ҳамширамиз бор, ҳаммамизга қонингиз етиши ҳам қийин...

Узоқ тунгача гурунглашиб ўтирдик. Бир кўнглим бузилади, бир хурсанд бўламан, ниятимни ичимда ниҳон сақлаб, ҳаттоки хотинга ҳам айтолмай, сершубҳа куёвимнинг сўроқларига зўрға дош берганларимни эсласам, кулгиларим қистайди. Бўларкан-ку, деб ўйлайман, менинг ҳам кўнглим бут бўладиган дамлар бор экан-ку?..

Эртаси куни қабристонга ўтдик. Укам Холмўминнинг қабрини зиёрат қилдик. Абдужаббор укам ростдан ҳам жуда тезкор экан. Қўлида бир халта тутиб юрувди, қабристонга етганимизда ичидан қачов билан болға олиб:

— Мардонов деб ёзамиз, ака, — деди. — Ўлжабоевни ўчирамиз.

— Йўқ, — дедим. — Ўлжабоев ҳам қолсин. Ўлжабоев-Мардонов деб ёзинг.

Айтганимдай қилиб ёзди. Сўнг халтасидан зарбўёқ олиб, янги ўйилган ҳарфлар устидан суриб чиқди. Аввал ёзилганлари янгисининг олдида хирароқ кўринди чоғи, уларнинг ҳам устидан бўёқ сурди. Қабртош устида ярақлаган ёзув пайдо бўлди:

ЎЛЖАБОЕВ-МАРДОНОВ Холмўмин

Кейинроқ бу саргузаштларни уйдагиларга ҳам айтиб бераман. Улар ажабланишади, лекин бирортаси ҳам таъна қилмайди. Хотиним шунчаки дакки беради, холос. Кейин у Яхшибоевни улуғлайди, сиз бўшанг одамсиз, деб дашном беради, Назар Яхшибоевич халқ орасида кўп юради, халқнинг тилини билади, агар у бўлмаса, сиз укасиз, мен қайниларсиз, болалар амакиларсиз қоларди. Оилам марҳум Холмўмин укамнинг хотирасига ҳам, Абдужаббор бошлиқ етти оға-ини, тўрт опа-сингилнинг хешлигига ҳам кўникиб кетишади. Кўникиб кетишади, деб айтсам жуда хунук эшитиларкан. Йўқ, улар билан туғишгандай бўлиб кетишади. Шу воқеалар боис, Яхшибоев билан ҳам баттар қалинлашиб қоламиз.

Лекин ҳозирча мен Абдужаббор билан Холмўмин укамнинг қабри ёнида турардим. Чошгоҳда райондан машина келиб, мени олиб кетиши керак эди. У ерда

Яхшибоев билан учрашамиз, кейин Ўртақўрғонга ўтамиз, Булдуруққа ўтамиз. Ундан кейинги кечмишлар эса, бутунлай бошқа бобни, бутунлай бошқа оҳангни талаб қилади.

VII БОБ

Бемор

Тонгда уйғонди. Пастга тушиб, ҳовли айланди. Дарвозадан нарига ҳам чиқди. Катта кўчадан газета сотиб олди. Газета ўқимоқчи эмасди, лекин одамларнинг дўкон олдида турнақатор навбатга турганини кўриб, индамай ўтиб кетолмади, бориб навбатга турди. Бир қадам-ярим қадамдан силжиб, ахийри дўкон дарчасига етди. Газетга қўшиб, «Ғунча» журналини ҳам харид қилди. Қизиқ туюлди: қани, болаларга нималар ёзишаркин?..

Мийиғида кулиб, ортга қайтиб келаётганида, дарвозадан чиқаётган бадантарбиячи жувонга кўзи тушди. Аёлнинг юзи ташвишли эди.

— Бугун келолмайман, Назар Яхшибоевич, — деди. — Рухсат олдим, уйда болам касал...

— Тезроқ тузалиб кетсин, — деди Яхшибоев. — Куёв шу ердами, ишқилиб?

— Командировкада, — деди жувон.

— Телефон қилинг, тез етиб келсин...

Жувон унинг гапини эшитар-эшитмас, шошиб жўнаб қолди. Яхшибоев қоровулхонага кириб, харид қилган газеталарини кўзойнакли қоровулга ташлади.

— Ўзингиз-чи?

— Мен «Ғунча» ўқийман.

Қоровул хушфеъл экан, мириқиб кулди:

— Э, менинг бутунлай саводим йўқ, отажон!..

— Кўзойнак тақибсиз-ку? — деди Яхшибоев ҳам кулимсираб.

— Тақсам, ўқигани эмас, кўргани тақдим. Кўзим тузук кўрмайди, отажон. Қадоқчи бўлганмиз-да, отажон, синиққа қадалиб тикилганмиз, кейин кўз кўрмайдиган бўп қолган!..

— Биздаям савод ин қадар, — деди Яхшибоев. — Майли, газет қолаверсин, бировга берарсиз.

Яна бинога қайтиб кирди. Учинчи қаватга кўтарилди. Палатага кирса, фаррош хотин супуриб-сидираётган экан. Кайфияти соз эди, кампирни гапга тутди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Издраска, кампир! Қалай, отхона бўп кетибдими?

Фаррош хотин тушунмади. Яхшибоев ноилож русчага ўтди:

— Қулоқ оғирми, буви?

— Бувинг эмасман, — деди кампир оғриниб. — Ўзингнинг ёшинг нечада?

— Ҳа, бирор саксонни айтавер.

— Мен энди етмишга кирдим...

— Эҳ-ҳе, ҳали қиз бола экансан-ку! Отинг нимайди!

— Марфа Павловна.

— Марфа, дегин?.. Бизнингча Маърифат экан-да... Сендан илтимос, Маърифат, анави холодильникни бир қарасанг. Ичида кўп мева бор. Лоақал ярмини опкет.

— Бировнинг нарсаси керакмас, — деди Марфа Павловна хўмрайиб.

— Ноз қилма, Маърифат, — деди Яхшибоев. — Бировники эмас — меники. Икковимиз салкам тенгқур эканмиз. Уялма, ўзимнинг боғимдан келган.

Юзига тавозе бериб, кампирнинг нақ рўпарасига ўтди, қўлларини кўксига қовуштирди:

— Олмасанг хафа бўламан, Маърифат!..

Марфа Павловна озодаликни хуш кўраркан, қўлидаги супургисини ташлаб, ваннада қўлини ювиб чиқди. Холодильникни очди.

— Ого! — деб хитоб қилди. — Боғинг ростдан ҳам катта экан!

— Бутун Ўзбекистон — боғим! — деди Яхшибоев мақтаниб. — Хўш, қалай, куёвликка ярайманми?

— Алжима, — деди Марфа Павловна беозор кулиб. — Ўзимнинг чолим бор. Ҳадемай кўчиб келади.

— Қаердан?

— Узоқдан, — деди Марфа Павловна. — Неварам бу ерда ўқийди. Ёлғизланиб қолмасин деб, қизим ҳам келди. Улар кетгач, менам қололмадим. Ёлғиз қизим, ёлғиз неварам, соғиниб кетавердим-да!..

— Тўғри қипсан, Маърифат, — деди Яхшибоев. — Энди қолган қариндошларниям кўчириб кел. Ўзбекистон катта жой, одамлариям яхши, кейин... манавиндай... витаминлари ҳам кўп... Ҳаммамизга етади, Маърифат синглим...

— Кетардим-у, лекин энди кетолмайман, — деди Марфа Павловна. — Неварам ўзбекка эрга тегди.

— Ана кўрдингми! — деб хитоб қилди Яхшибоев. — Бу ёғи қариндош ҳам чиқиб қолдик. Сен бўлсанг, бировнинг нарсасини олмайман, деб ноз қиласан!.. Ол, Маърифат, олавер, синглим!.. Ҳадемай, ўзбекчаниям ўрганиб оласан.

— Оз-моз тушунаман, — деди Марфа Павловна ийманиброқ. — Лекин гапиргани қўрқаман. Уйда Саша ўргатади.

— Саша ким?

— Неварамнинг эри. Оти — Самад. Чевараларимга тил ўргатади. Ўзбекчани ўрганмасанг, онангни ташлаб кетаман, деб айтади. Шунақа ҳазилкаш йигит.

— Миллатчи экан-ку, — деди Яхшибоев мийиғида кулиб.

— Миллатчимас, — деди Марфа Павловна. — Яхши йигит. Боласи бўлгандан кейин отасининг тилини ўргансин-да. Қайтага, боласига қўшилиб, бизнинг Валя ҳам ўзбекчани туппа-тузук ўрганиб олди. Ҳар қалай, бозорга борса, ўзбекча гапириб, беш-ўн тийин нархини тушириб нарса олади.

— Маладес экан! — деди Яхшибоев. — Мени жуда хурсанд қилдинг, Маърифат синглим. Битта қўшиқ бўларди, ўша эсимга тушиб кетди: «Маша севар Омонни, Микола — Сорахонни!..»

— Микола — хохол, — деди Марфа Павловна. — Бизлар руслармиз.

— Сен, Маърифат синглим, миллатчиликни қўй! — деб пўписа қилди Яхшибоев.

Кампир, қулфи дили очилиб, уч-тўртта нок, икки-уч бош узум кўтариб чиқди.

Яхшибоев соатига дам берди. Деворга илиғлиқ соатнинг мурватини бурамоқчи эди, батареядан куч олар экан — қайта жойига илиб қўйди. Креслога чўкиб, «Ғунча»ни тиззасига қўйди. Кўзи кеча кечқурун дераза рафига кўчирилган гулдонга тушди: оқ нилуфар ҳамон яшнаб турарди. Муҳсина хонимнинг диди чаккимас, гул танлашни билади. Ётоғида «Икэбана» деган китоби ҳам бор. Ўшандан ўқиб олади шекилли. Барака топкур кўп яхши хотин-да, бирор дақиқа тиним билмайди, бу ёғи тўкилиб қолай дейди-ю, жамоат равнақини ўйлайди, токи меҳнат қилса, рўйхатларда турса, номи зикр этилса... Муҳсина хонимга ҳайкал қўйса арзийди, Муҳсина хоним аёлларнинг энг бегарази, бир тийинсиз ҳам ишлайвериши мумкин, бор-йўғи бадиий раҳбар лавозими берилса, бас. Эҳтимолки, бир тийин маошсиз ишлаши қийин бўларди, ҳар ҳолда, яқин-яқинларгача мояна оларди, лекин энди, четта суриб қўйишганида,

www.ziyouz.com kutubxonasi

мўъжиза юз бериб яна отга минса — мутлақо бепул ишлаган бўларди. Ҳар ҳолда, бу ёқда Назар Яхшибоев тирик, ҳамёни семизгина, ҳисобда борини Хўжа Насриддин фондига ўтказгани йўқ. Тўғри, шундай фикр ҳам йўқ эмас, баъзи-баъзида, уйдагиларнинг истибдодидан безган пайтларида ўйланиброқ қолади, айниқса, Муҳсина хонимнинг кўнгли кенг фаолият тусаганида, дейлик, ҳозиргидай — телефон устма-уст жирингласа, ноилож трубкани олсанг...

— Хизрни йўқласак бўларкан, хоним.

— Бугун шаҳарга тушолмайсизми, дадаси?

— Тушолмайман, хоним. Зарур ишларим бор, «Ғунча» ўқияпман.

— Ҳазилингиз қурсин, дадаси. Бугун эшитиб қолдим, анавини... оти нимайди.... директор-чи, ўшани бўшатишибди.

— Даминовми? — деб сўради. — Туппа-тузук ишлаётувди-ку?

— Таги чириган экан! — дея қувониб сўзлади Муҳсина хоним. — Душманим эди, кетибди, ажаб бўпти!

Муҳсина хоним симнинг нариги учида тантана қиларкан, Яхшибоев шошилинч ўйлай бошлади: шу ўзи етмай турувди. Ўрнига кимни қўйишади? Тузук одамми, гапга тушунадими? Ким бўлмасин, уни тезроқ, ҳали Муҳсина хоним бориб улгурмасидан аниқлаш керак. Муҳсина хоним тинч турмайди, театрни қамал қилади. Янги келган бечора ғофил қолиб, бор-йўғи мендан қўрққанидан, Муҳсина хоним Яхшибоевани қайтиб ишга олиши ҳам мумкин.

— Қарғиш олганнинг аҳволи шунақа бўлади, ўртоқ Яхшибоев! — деб шанғиллади Муҳсина хоним. — Мени кўчага ҳайдаб чиқарувди, мана, энди ўзгинасига навбат келибди. Сизниям бир чақага олмаган, ўртоқ Яхшибоев, шуниям бир эсланг!.. Суюнчисига сомса қилиб бораман бугун!..

— Шартмас, — деди Яхшибоев. У Муҳсина хонимнинг Тамара келин ёки Робига-Робия-Робидан пазандароқ эмаслигини биларди. — Ўзингизни уринтириб қўясиз, яхшиси, келинларга айтинг, қайнотани бир сийлашсин, нима, уларни сўқимга боқиб юрибманми!..

Шу ерда у андак шумлик қилди, Муҳсина хонимни чалғитмоқчи бўлди, токи у Даминовни эсдан чиқарсин, келинлардан, жуда бўлмаганда, ўғиллару неваралардан нолисин. Йўқ, ўйлагани чиқмади. Муҳсина хоним Даминовдан қаттиқ оғринган экан.

— Шўринг қурғур қабристонга директор бўп борармиш!.. — деб кулди.

— Ёмонмас, — деди Яхшибоев сал ғаши келиб. — Даромадли жой. Салқинроқдан жой берса, битта-яримтадан пора ҳам олса бўлади.

— Илоё, олган пораси тешиб чиқсин!

— Уят! — деди Яхшибоев овозини гулдиратиб. — Илғор хотин-қизсиз, неча марта айтганман сизга, худони ҳадеб тилга олаверманг, деб!..

Муҳсина хоним бирдан писиб қолди. Яхшибоев ичида кулди. Ўйладики, худоям бизга бир ўйинчоқ бўлди-да, бечора шу ҳолга тушарини тасаввур ҳам этмагандир? Айни ғаройиб ўйлар асносида сал «юмшади»:

— Хотирам ёмонлашибди, хоним, — деди. — Кеча мендан тавсия сўрашгандай бўлувди. Маданият ўчоқларидан бирига, деб айтишувди шекилли...

— Қайси ўчоқ экан? — деди Муҳсина хоним бирдан жонланиб. — Тавсия берадиган одам, бундоқ сўрамайдими?

— Ўша ўчоқ сизнинг театрингиз бўлса керак-да, — деди Яхшибоев. — Лекин мен тавсиямни айтдим.

— Ким экан?

— Чоршанби укамиз, — деб ёлғонлади Яхшибоев.

— Вой, у йигит — аммамнинг бузоғи-ку!

— Биринчидан, сигир зоти қирқ йил яшамайди, хоним, — дея жиддий туриб танбеҳ берди Яхшибоев. — Иккинчидан, Чоршанби укамиз гапимиздан чиқмайди.

— Сизда мантиқ йўқ, ўртоқ Яхшибоев, — деб кулди Муҳсина хоним. — Гапингиздан чиқмаса, етовдаги бузоқ экан-да! Лекин, балосиз, ўртоқ Яхшибоев! Сизга раҳматларим бўлсин!

— Тилингиз сал ғализроқ, хоним!..

Муҳсина хоним шарақлаб кулди. Сал кечикмадингми, Назарқул, деди Яхшибоев ўзига ўзи, бир умр тилини сўриб юриб, энди бугун таъна қиласанми?..

Нариги хонада недир шовқин эшитилди. Яхшибоев чўзилиб қараб, кечаги «элчи»ни кўрди. «Элчи» бош иргаб салом бердию яна кўздан ўчди. Холодильник эшиги очилди, қоғоз халталарнинг шариллаб йиртилгани эшитилди.

— Энди сал сабр қиласиз, хоним, — деди. — Чоршанбига буйруқ чиққанидан кейин гаплашамиз. Бугун келиб юрмасангиз ҳам бўлади, кимдир сомса опкелганга ўхшайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Чоршанбиевга олдиндан тайинлаб қўяверинг, дадаси, — деди Муҳсина хоним.

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, хоним.

Трубкани қўйиб, ўйланиб қолди. Наҳотки, энди Чоршанбиевни театрга директор қилишга тўғри келса?.. Театрни билмайди-ку, ёнидан ўтиб юрган бўлиши мумкин, лекин ичига кирганмикан? Қайтага, китоб савдоси ҳам бир нав эди. Ёки буни китоб савдосига, анави Остонақулни театрга ўтказамизми? Лекин энди кечроқ эмасми? Керакмиди ўзи шу гаплар? Остонақулдан қутулиш шартдай эди, лекин Суярқул бечоранинг жонҳолатда типирчилашини кўришдан не ғараз? Барибир кўнади у, кўнмасдан иложи йўқ, кўнмайдиган одам менга телефон қилиб маслаҳат сўраб юрмасди. Э садқаи одам, битта муовинники эплаб ололмагандан кейин!.. Бу ёқда қариб қуюлмаган хотин арралаб турса... Э, буларга озодликни ўйлаб топган одамниям!.. Пенсиягача озод бўлиб юрдинг, энди етиб қолар?.. Асли унинг умиди бадиий раҳбарликда эмас, бошқа ёқда — с а ҳ н а д а ! Гўё одамлар сенинг буришган юзингни саҳнада кўришга зордай!.. Чамаси, Чоршанби ростдан ҳам театрга директор бўладиганга ўхшайди. Ҳарна, ишончли одам, серзуғум кампирни бадиий раҳбарликка олмасликка ақли етади. Етмаса — еткизамиз...

Яхшибоев қўшни хонада недир йилтираб кетганини сезди. Қараса, «элчи» стол устига чиройли гулдон қўйяпти. Асл молга ўхшайди, биллур гулдон. Жимгина кузатиб ўтирди. Бир маҳал кўрса, «элчи» гулдонга бир даста атиргул келтириб, биттадан, авайлаб тера бошлади. Билдики, нозикроқ «элчи», Тўпори юборган эмас. Гулдон билан гул Тўпорининг хаёлига ҳам келмайди. Тўпори ҳаттоки идорасининг олдига ҳам макка экади, токи «олатов» зотли сигирлари емишсиз қолмасин. Бу «элчи»нинг қайдан келганини дарров билолмайсан. Ўзиям, ўзбек эли кейинги бирор қирқ йил ичида роса аралашиб кетди, кимнинг қайдан эканини фарқлаш ҳам мушкул.

Индамай ўтираверди. «Элчи» келтирган нарсаларини жойлаб бўлди чоғи, бу тарафга мўралади:

— Кечирасиз, домлажон, бугун эртароқ келлим.

Хайрият, чурқ этмаганим, деб ўйлади Яхшибоев, бола тилидан илинди. Савол берсам, бас эди, худди Афзаловнинг дарслигида ёзилгандай қилиб гапирарди. «Келлим» деди, шеваси Китобу Шаҳрисабзники. Бу шеванинг жабрини Яхшибоев кўп тортган эди. Бир замонлар, журналда муҳаррир муовини бўлиб юрган пайтларида, ўз таъбири билан айтганда, «кичкина» пайтларида, биргина машинкачи аёллари бўларди, Китобнинг қоқ ўртасидан эди, «бўлди»ни «бўлли», «ўлди»ни «ўлли» деб ёзавериб, корректор бечораларни кўр қиларди.

— Сизни аввал ҳам кўргандайман, ука, — деди у, — Чироқчидами, Қамашидами?..

— Чироқчидаям ишлаганмиз, домлажон, — деди «элчи» дудмал қилиб.

— Қаршида-чи?

— Қаршидаям ишлаганмиз, Самарқандда, Жиззахда...

— Гапни опқочманг, ука, — деди Яхшибоев қовоғини уйиб. — Сиз Китоб ёки Шаҳрисабзда туғилгансиз. Ким юборганини айтақолинг.

— Каттаконимиз, айтмагин, деб тайинлаган.

— Каттаконингизга айтингки, Яхшибоев мушук-сичқон ўйнашни ёқтирмайди, оқибати ёмон бўлиши мумкин.

— У киши сиздан қўрқмайди, — деди «элчи» кулиб.

— Қўрқмаса нега пора беради?

— Порамас бу, домлажон, азбаройи ҳурмат қилганларидан... Тезроқ соғайиб кетсангиз, бас, шуни тайинлаб юбордилар.

Э, каттаконинг билан қўшмозор бўл, деб ўйлади Яхшибоев, бунақа асаббозликда соғайиб бўладими. Китобу Шаҳрисабзда қандай танишим бор эди? Бу ерда Мурод Хидир деган журналист йигит бор, лекин унинг домангир жойи йўқ, қолаверса, атай «элчи» ёллаб, бунақа совға-саломларни юборишга қурби ҳам етмайди, топган пулини китобга сарфлайди. Хўш, яна ким бўлиши мумкин?..

Ўйлаб ўйига етолмади. Ноилож уҳ тортди.

— Сиз китоблик бўласиз.

— Йўқ, — деди «элчи». — Мана, сиз Булдуруқда туғилгансиз, лекин ҳеч ким сизни булдуруқлик деб айтмайди-ку?

— Даф бўлинг! — деди Яхшибоев жаҳли чиқиб.

— Хўп, домлажон, — деб қуллуқ қилди «элчи». — Бир оғиз гапингиз, бизлар кичик одаммиз.

«Элчи» ортига тисарилиб, хонадан чиқди. Гўё мазах бордай эди қилиғида. Шошма, деб ўйлади Яхшибоев, бу жуда қирчанғи кўринади, ҳавосиям баланд, жиддийроқ элчига ўхшайди.

— Кетмай туринг, элчи ука, — деди муроса қилиброқ. — Сизни тағин Шамси Тўраевич юборган бўлмасин?..

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тополмадингиз, домлажон, — деди «элчи» илжайиб. — Шамси Тўраевични биламиз, Эломонов акамизнинг уйларида кўрганмиз.

— Эломонов юбордими? — деди Яхшибоев ҳовликиб.

— Бэ! — деди «элчи». — Яна янглишдингиз, домлажон.

Яхшибоев янглишганини ўзи ҳам сезиб турарди. «Элчи» Эломоновники эмас, у Эломоновни менсимайди ҳам. Чамаси, менсийдиган жойи қолмаган. Эломонов деганлари марҳум Хушвақт Давлатовнинг кадрларидан эди, устози раҳматли бўлиб кетди. Ўзи бир муддат устозининг жойида турди. Бўшангроқ йигит эди, бир гал айланиб борганимизда тузукроқ кутиб олишнинг ҳам уддасидан чиқмаган, ўзидан ёшроқ бир муовини бор экан, Хўшшаевми, Қўшшаевми, ишқилиб, қандайдир «жуфт» фамилияси бўларди, ўша бизнинг кўнглимизни олган. Раҳбари учун узр сўраганки, азиз меҳмонлар, бизнинг шефимиз Замонович етим ўсган одам, бир тийинни ўн жойидан тугади, хафа бўлмайсизлар энди... Кейин ўша Хўшшаев қамалиб кетибди. Эломонов ҳам ишдан олинибди, қандайдир ҳафталик варақага муҳаррирликка ўтибди. Шеър ёзиб юрадиган сатанг бир хотини бор экан, ўша келиб жонимни қистовга олдики, Ошно билан гаплашсангиз, эримга ёрдам қилса, деб!.. Зўрға қутулдим. Ўртоқ Эломоновнинг бу иши ҳам ёмонмас, қайтага, бизга ҳамкасаба бўпти, хўш, бизнинг ҳунаримизни ҳурмат қилмас экансиз, нега менинг ёнимга илтимос билан келдингиз? Ушласа узадиган хотин экан. Аввал Муҳсина хонимнинг кўнглини олибди, маккор. «Саҳнамиз юлдузи» деб шеър битиб келган экан, кампир бечорага ўқиб бериб, кўзидан сел оқизибди, кейин дардини айтибди. Сўнг, икки хотин бир бўлиб, менга ҳужум қилишди. Оти эсимдан чиқибди... Гунафшами, Райҳонми, алламбало гулнинг номи эди, нақ ўлдирай деди, аммо-лекин! Хотин кўрганим бекор экан. Бизнинг Муҳсина хонимлар унинг олдида тўйга борсаям ярашаркан. Канадай ёпишиб олди-я!.. Лекин мен ҳам бўш келмадим. Ахийри, эрининг юлдузи ёнмасига кўзи етиб, ўзини ўртага тиқди: пьеса ёзаман, бирортасини «Ҳамза»га ўтказиб берасиз! Э қизим, деб хитоб қилдим, «Ҳамза»нинг ёнига мен йўлашим қийин, сизга йўл бўлсин! Сиёсат қилсангиз олишади, деди Гунафша-Райҳон, репертуарида биттаям хотин-қизнинг асари йўқ, айирмачилик бўлса шунча бўлар-да!.. Ночорликдан битта

пьесасини олиб қолдим, балки имкон туғилса, Муқимий театригами, бошқасигами ўтказишга уриниб ҳам кўрарман... Ҳалиям осон қутулдим, қутулдиму ўшал заҳоти эрига телефон қилдим. Саидмурод Замонович, дедим, нимаси бу, жилов ўзларида эмасми, хотинга кунингиз қолган экан, сал олдинроқ ҳаракат қилмайсизми, ёшлигида анча кўҳлик бўлган кўринади? Бечоранинг хабари йўқ экан, ёмон мулзам бўлди. Шундай мулзам бўлдики, беихтиёр юпата бошладим: майли, ука, чидайсиз энди, биздаям биттаси бор, сизникичалик бўлмаса ҳам, ҳар қалай, фариштадан анча йироқ туради, асли ўзи уйланмасак бўларкан, нима дедингиз? Бечора Эломоновнинг дарди кўп экан, бирдан ёрилди: уйланмасам бўлмасди, Назар Яхшибоевич, Хушвақт Давлатовичнинг шахсан ўзлари ўртага тушган эди. У ёғини суриштириб ўтирмадим. Хушвақт Давлатович бир замонлар кўп эътиборли одам эди. Менинг ўзимга ҳам кўп маслаҳатлар берган. Гарчи мен айтганига кирмасам ҳам, бошқаларнинг жон деб кирганларини эслайман. Ҳар қалай, ўзининг воҳасида атанган одам эди, озми-кўпми камчиликларини шогирдига мерос қилиб қолдирди, лекин шогирди сариштa қилолмади, мана, бугун ҳафталик варақага куни қолиб ўтирибди, бошқалар тугул, хотини ҳам менсимай қўйган.

Йўқ, деб ўйлади Яхшибоев, бу элчининг димоғи баланд, Эломоновга ўхшаганларнинг бунақа димоғдор элчи сақлашга қурби ҳам келмайди.

— Энди бу ерга рухсат сўраб кирасиз, элчи ука, — деди Яхшибоев. — Хижолат бўлиб қолманг, мен нодоннинг хонада иштонсиз ўтирадиган одатим ҳам бор.

— Э, домлажон, ўғил боланикиям айб бўларканми!..— деб кулди «элчи». — Лекин, майли, рухсат сўраймиз энди.

— Шундай қилинг, — деди Яхшибоев баттар ғижиниб. — Менинг палатам аммангизнинг уйи эмас.

«Элчи»нинг юзи оқаргандай бўлди, лекин бир сўз демайди. Бу кунингдан ўл, деб заҳарханда қилди Яхшибоев ичида, топшириқ қаттиқ бўлган экан-да!..

— Келмасангиз янаям яхши, — дея давом этди Яхшибоев. — Агар бу ерга ҳар куни нимадир опкелишингиз жуда шарт бўлса, майли, униям иложини қиламиз. Сизга ҳар куни кеп турди, ҳар куни ташиб турди, деб тилхат беришим мумкин.

— Бўлмайди, домлажон, — деб бош чайқади «элчи». — Каттаконимиз биздан тилхат сўрамайди. Меваларни бошқа

www.ziyouz.com kutubxonasi

касалларга тарқатасиз. Лекин озгина қази билан озгина қимронни атай ўзингизга атаб опкелдим. Тотиб кўрмасангиз, каттаконимиз хафа бўладилар.

— Қанақа қимрон? — деди Яхшибоев ажабланиб. — Нимайди у?

— Эсингиздан чиқибди-да. Бияники — қимиз, моякики — қимрон-да, домлажон. Эртагача хайр, домлажон.

«Элчи» чиқиб кетди. Энди қўлга тушдинг, деб ўйлади Яхшибоев, моядан гапирдингми, демак, қўлга тушдинг. Моя дегани қаерларда қолган ўзи? Қашқадарёнинг Косонида — бир, Бухоронинг Томдисида — икки, Наманганнинг Попида — уч, бу ёғи — Чимкент, Туркистон, Чоржўй... Йўқ, ҳисоб ошиб кетди. Бу йўсинда «элчи»нинг эгасини топиш қийинроқ. Таги китоблик эканини ўйласак, қимрон Косондан келган бўлиб чиқади, лекин у ёқларда бирор арзийдиган танишим йўқ, борлари ҳам бу ишга қўл уролмайди, қўрқади... Қимрон эмиш! Ҳе, қимронинг билан қирилгурлар!..

Ортиқ ўйлашга сабри чидамади. Бу тарафи — нонушта пайти — соат бонг уриб қолди. Ошхонага бориб, яна ўша камгап кампирнинг ёнида ўтириб тамадди қилди. Негадир Дароз кўринмасди. Хумкалла ёлғиз овқатланарди. Машқи пастроқ кўринди.

— Шеригингиз қани? — деб сўради Яхшибоев. — Тоби қочдими?

— Соппа-соғ, — деди Хумкалла беиштаҳа кавшаркан. — Овқат егиси келмасмиш.

— Нима бало, кеча кўпроқ отиб қўйдими? — деб кўз қисди Яхшибоев.

— Йўғ-э...

Палатасига қайтаётиб қўшниларининг эшиги ланг очиқ турганини кўрди. Балконга чиқадиган эшик ҳам очиқ, Дарознинг ўзи балконда сигарет бурқситиб турарди.

Хабар топибди, деб ўйлади Яхшибоев завқ билан, кеча биз гаплашган амалнинг дараги бунгаям етибди. Хумкаллага айтмаган, унга ишонмайди.

— Остонақул болам, — деди Яхшибоев ичкарига бош суқиб. — Кеча чиқолмадим, маъзур тутасиз энди. Бугун бизгаям норин кеп қолди, озгина киритиб берайми, Остонақул болам?..

Дароз бирданига жавоб қайтармади, сигаретасини бир-икки тортиб, ҳовлига улоқтириб юборди, сўнг ичкарига кирди.

— Мениям исмим бор, Назар Яхшибоевич, — деди тик қараб. — Сиздан илтимос, бундан бу ёғига ўз исмим билан атасангиз.

— Кечирасиз, ука, — деди Яхшибоев талмовсираб. — Исмингиз нимайди?

— Исмим — Бахшулло, — деди Дароз. — Фамилиям — Остонов.

—Э, қарилик қурсин, болам!.. — деди Яхшибоев бош сараклаб.

— Ўнғайсиз бўларкан, — деди Дароз. — Биздаям озгина иззат-нафс бор, Назар Яхшибоевич.

— Кечаям бормиди?

— Нима? — деб сўради Дароз унча тушунмай.

— Иззат-нафсингиз кечаям бормиди, деб сўраяпман?

Дароз салгина қизарди:

— Кеча иззатингизни қилиб айтолмадим...

— Ўтган куни-чи?..

Дароз Яхшибоевнинг майна қилаётганини сезиб, хўмрайди:

— Ҳадеб гап кавлайверасизми, Назар Яхшибоевич. Айтманг дегандан кейин... айтманг-да!..

— Хўп, ўртоқ Остонов, хўп десак қўясизми? — Яхшибоев ҳазиллашган бўлиб, иккала қўлини баланд кўтарди. — Биз — таслим, Бахшулложон, биз енгилдик!

— Шундай бўлсин, Назар Яхшибоевич.

Кейинги писанда Яхшибоевга кўпда ўтиришмади. Вой миясини еган пандавақи-мишиқи-аҳмоқ, деб сўкди ичида, бир кун ичида шунча ўсдингми ҳали? Тагингга ким селитра солганини биласанми ўзи? Яна бир қўнғироқ қилсам қаерга бориб тушарингдан хабаринг йўқми?..

У ошкора кулди. Остоновга кулгиси маъқул бўлмади, асабийлашди, қаттиқроқ гапиришга чоғланди... Шу пайт Яхшибоев унинг кўча кийимида эканига эътибор берди. Кўрдики, кетишга чоғланибди, ҳаттоки чамадони ҳам каравот ёнида тахт турибди.

— Шаҳарга чиқиб келасизми, ўртоқ Остонов?

— Бутунлай кетаман, — деди Остонов. — Топшириқ чиқиб қолди, чақириб олишяпти. Тузукроқ даволангани ҳам қўйишмайди улар, Назар Яхшибоевич.

Бечора камтарлик қилишга, босиғу бамаъни гапиришга чандон уринди ҳамки, асло эплай олмади, лабларининг таноби тортилиб, мамнунлигини ошкор этиб қўйди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сиз ҳали ёшсиз, ўртоқ Остонов, — деди Яхшибоев. — Биз қарияларни ҳам топшириқ билан чақиришса жон деб югурардик, афсуски, бизни чақиришмайди.

— Энди, қарилар — ошга, ёшлар — ишга-да, оқсоқол, — деб «кенглик» қилди Остонов.

— Э, балли! Энди, у ёқларда бизниям эсдан чиқариб юбормайсиз-да, ўртоқ Остонов, а? Тираж-пираж дегандай... ёрдам қўлини чўзиб турасиз-да?

— Ҳали хабарингиз бор экан-да, домлажон! — деб хитоб қилди Остонов. — Қаёқдан билақолдингиз?

— Кеча Суярқул укамиз айтувди, — деди Яхшибоев пинак бузмай. — Сизни жуда мақтади лекин, аввалроқ сал хафа қилиб қўювдим, жуда хижолатдаман, деб гапирди. Чамамда, сиз билан ярашмоқчи бўлса керак-да?

— Алдамаяпсизми, домлажон?

— Э, ука, қизиқмисиз! — деди Яхшибоев. — Сиздек зукко йигитларни алдаб бўларканми, ер тагида илон қимирласа биларсизлар!..

Остоновга мақтов ёқди, ёйилиб илжайди. Майли, деб ўйлади Яхшибоев, асли бундан Чоршанби минг бора беҳроқ эди, лекин буям умрида бирор амалга илинсин, жилла қурса, невараларига гапириб юрадики, мен китоб савдосини бошқарган кезларимда, деб!.. Суярқулнинг хурсандлигини айтганим ҳам тузук бўлди, у бечорада айб йўқ, ҳарна, манави тиррақи билан ишлаши осонроқ кўчади, бола-чақали одам, эшитган қулоққа ҳам ёмон, инжиқ Яхшибоевнинг шилқим қўшнисидан қутулмоқ истаб топган қилиғига бутун бошли ташкилотнинг раҳбари қурбон бўлиши инсофдан эмас. Бунисига суяк ташладим, энди унисигаям битта суяк ташланса — олам гулистон.

— Омадингизни берсин, Бахшулло Остонов, — деди. — Сиздек укаларнинг ўсгани — бизнинг ҳам ўсганимиз. Энди бизларни ҳам эслаб-эслаб турасиз, ука.

Остонов унинг кулаётганини пайқамади, салобат билан бош ирғади, розилик берди.

Чошгоҳда Чоршанбиев бир коса қаймоқ келтирди. Иссиққина, энди тандирдан узилган нони ҳам бор экан. Икковлашиб паққос тушириб олишди. Ўтган-кетгандан гаплашиб ўтиришди. Эмишки, Аввалбекнинг каттакон картинаси кўргазмага қўйилган экан, каттароқ рассомлардан биттаси даъвогар бўлганмиш, айтармишки, бу суратни мендан ўгирлаб олган, деб!.. Бу гапни эшитиб, Яхшибоевнинг хаёли паришон бўлди.

— Айбга санамайсан-у, Чоршанби болам, лекин шу ўғлим ўзимдан бўлмаган, — деди куюниб. — Бирор ишни эплаганини билмайман ҳали.

— Энди, ҳали ёшлигиям бор-да, Назар Яхшибоевич, — деб юпатди Чоршанбиев. — Бир тарафи — эркатойлик, сизни орқа қилади...

— Мен девор эмасманки, орқа қилса! — деди Яхшибоев баттар куюниб. — Ўзинг ўйла, Чоршанби болам, ахир, мен ҳам иссиқ жонман, бир кун бориб ўлиб қолсам, кейин нима қилади?..

— Ундай деманг, Назар Яхшибоевич...

— Нима дей, бўлмаса? Шалтоғини артавериб жонимда жон қолмади-ку! Бу нонкўр қачонгача мени қон қақшатади, ахир?!

Чоршанбиев бошини эгиб, ерга тикилиб ўтирди. Шогирдларнинг орасида маҳрами шу эди. Баъзида бу ҳам қилиқ чиқаради, лекин ёмонлигидан эмас, азбаройи яхшилигидан, устоз деб бировнинг этагини тутиб, энди ўша этакни қўйиб юборолмай, қийналганидан... Қўйиб юборса, бас, ўз кунини ўзи кўриб кетаверади. Биров унинг қўл-оёқидан боғлаб ҳам тургани йўқ. Бунақалар жуда оз қолди, жуда оз.

— Ким экан у, ўша даъвогар? — деб сўради Яхшибоев.

— Билмадим. Мен ўзи рассомларни тузукроқ билмайман. Ашурбойдан сўраш керак, санъат бўлимида ишлайди...

— Ашур-пашурингни қўй, Чоршанби болам, ўзинг аниқлаб кўр.

— Бир оғиз сўзингиз, Назар Яхшибоевич.

— Э, менинг кўрган куним қурсин, Чоршанби болам, — деди Яхшибоев уҳ тортиб. — Касал одам бўлсам, энди ўғлимнинг кетини артиб оламан деб, қандайдир нотаниш одамга ялинишга тўғри келади.

— Ялинманг, Назар Яхшибоевич, — деб маслаҳат берди Чоршанбиев, кейин бемаъни гап қилганини сезиб, беихтиёр илжайди. — Э, сиз ялиниб ўтирармидингиз, Назар Яхшибоевич, сиз нуқул дўқ урасиз-ку!..

— Барибир ортиқча ташвиш-да, болам, — деди Яхшибоев ҳам кулиб. — Бунақа дўқ ялинишдан ҳам ёмон. Муттаҳам эканингни сезиб, ўшанинг устига шармандалик қиласан, болам, шуни ўзинг англаб турганинг ёмон. Баъзида ўзимнинг ўргимчакка ўхшаб қолганимни сезаман. Эринмай тўр тўқийман, илинган жойга тузоқ ёзаман, қулоғим динг, бирорта ипи қимирласа, бас,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўша томонга қараб чопаман, токи ўлжа қўлдан чиқиб кетмасин!.. Менгаям оғир, Чоршанби болам, айниқса, анави Аввалбек деганинг... Сен балки буни билмассан, лекин менинг ғанимларим, бутун умидимиз Аввалбекдан, деб айтишаркан, токи бу расвою раддибало бўлсада, менинг ишларим чаппасига кетса.

— Менам бу гапни эшитганман, Назар Яхшибоевич.

— Эшитгансан-у, лекин айтмагансан. Сенинг ҳам дўстлигингга ишониб бўлмай қолди, Чоршанби болам.

— Айтсам, хабаркашлик бўларди-да, домлажон, — деди Чоршанбиев дув қизариб.

— Тўғри айтасан, майдакашлик қилмаганинг тузук. Сену биз бўримиз, Чоршанби болам, ғингшимоқ нелигини билмаймиз. Нима дединг?

Чоршанбиев жавоб қайтармади. Жимгина ўтирди. Бунгаям қийин, деб ўйлади Яхшибоев раҳми келиб, мен ўлсам бас, итнинг орқа оёгига ўхшаб қолади. Асли бировнинг этагини тутмаган маъқул, биргина пиру мингта душман орттирасан. Душманлар пирга эмас, кўпроқ муридга ҳужум қилишади. Энди бунинг ҳам ўзига яраша машғулоти бўлса тузук, токи мен ўлганда ҳам рўзғорини тебратишга қурби етсин. Кичкина бир амал керак бунга. Ўшанда ҳеч ким, сен Яхшибоевнинг думи эдинг, деб таъна қилолмайди.

— Чоршанби болам, сенга бизнинг хоним бирор нарса демадими?

Чоршанбиевнинг кўзлари бесаранжом бўлди.

— Айтавер, болам, бемалол айтавер, — деб далда берди Яхшибоев. — Сендан яширадиган гапим йўқ менинг.

— Дедилар-у, лекин мен ишонмадим. Сиз мени театрга бошлиқ бўлади, деб айтган эмишсиз. Эрталаб шунга чақирган эканлар...

Яхшибоев овоз чиқармасдан, силкина-силкина кулди. Барака топсин, Муҳсина хоним, икки-уч соат ичида шунча фаолият кўрсатибди.

— Ўзинг нима дейсан, Чоршанби болам? — деди Яхшибоев. — Ўзингдан эшитайлик.

— Билмадим, Назар Яхшибоевич, — деди Чоршанбиев ийманиброқ. — Эплолмасам кераг-ов.

— Ҳа, балли! Ҳолини билган ҳоримас, дейдилар. Лекин, агар сен ишни эплаб кетганингда ҳам, барибир хонимдан балога қоласан. У албатта сендан иш сўрайди. Шартини айтдими, ишқилиб?

— Айтди, — деб тан олди Чоршанбиев.

— Қўй, болам, — деди Яхшибоев. — Мениям тинч қўй, ўзингниям овора қилма. Майли, сенга шу ишни олиб ҳам берай, лекин у ерда, айниган бир кампирнинг зуғўми остида... шуям ҳаёт бўлди-ю!.. Ана, Ҳалима опа билан Тамара опа, қиладиган хизматини қилиб қўйиб, уйларида тинчгина ўтиришибди. Ҳеч ким уларни унутгани йўқ. Иззат қилиб чақиришади, маслаҳат олишади. Улар ҳазилакам аёллар эмас, халқ артистлари, хўш, Муҳсина хоним ким бўпти? Бор-йўғи хизмат кўрсатган, холос. Э Чоршанби болам, ҳалиям Яхшибоев метин экан!..

— Бўлди, Назар Яхшибоев, келинг, шу гапни унутайлик, — деб ялинди Чоршанбиев. — Бекор айтдим сизга. Асли менинг унақа ниятларим ҳам йўқ эди. Энди, хотинингиз қўймагандан кейин...

— Бадиий раҳбар бўлмоқчи у киши! — деди Яхшибоев баттар қизишиб. — Керак бўлса, Чоршанби болам, Даминовнинг театридан ҳам мен бўшатиб олганман уни! Ўзи бўшатишга Даминовнинг юраги нечта!.. Сен парво қилма, ишлар силжияпти, деб юравер, қани, касалхонадан чиқай, кейин бир жиддий ўйлашиб кўрамиз. Кўнгил қурғур қизиқ экан-да, Чоршанби болам, илинган артист хотин бадиий раҳбар бўлаверса, бунақада театр еткизиб бўладими? Жуда ишни кўнглинг тусаган экан, ана, кўча-кўйда нечта газет сотадиган киоска бўш ётибди, ўшанга ишга кир, маърифат тарқат, зиё соч, одамларнинг саводини ошир, аммо ҳаддингдан ошма!

Яхшибоев ўзи ҳам сал ошириб юбораётганини сезди. Етар энди, деб ўйлади, биргина Чоршанбини юпатиш учун оғиздан шунча кўпик сочиш шартми, бу бечора шусиз ҳам юпаниб, кўнгли недир умидларга тўлиб, қувониб, бахтиёр бўлиб ўтирибди-ку!..

Чарчаганини сезди. Озгина чўзилиб ётиш керак. Бугун бадантарбия ҳам бўлмади. Ўйлаб қаралса, ўша нарсанинг ҳам фойдаси бўларкан. Мушаклар бир-икки соат сирқираб юради-ю, сўнг тарқалиб кетади, руҳинг ҳам енгил тортгандай, кейин... бадантарбиячи жувоннинг ўзигаям ўрганиб қоларкансан. Бугун у йўқ, касал боласига қарагани кетди, йўқлиги дарров билинди.

— Майли, сен боравер, болам, — деди Чоршанбиевга юзланиб. — Мен бу ерда бекор ётибман, агар бирорта ўзингга мос иш топсанг, келиб, шу менга маъқул, эплаб кетаман, деб айтсанг, бас, бирор чора ўйлаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

топамиз. Кейин яна бир илтимосим бор, Чоршанби болам, сен бўш вақтларингда Оллоёрга қарашиб турсанг, бечора бир ўзи рўзғорга бош бўп қолди, анави Аввалдан умид йўқ, хуллас, Оллоёр уканг қийналиб қолмасин.

— Оллоёр ўғлингиз тузук, — деди Чоршанбиевнинг чиройи очилиб. — Бамаъни йигит.

— Мўминлиги ёмон. Сал асовроқ бўлса зиён қилмасди.

— Рўзғор бўйнида бўлгандан кейин асовлик қилиб бўладими? Кечаям борувдим, бозордан бир қоп картошка кўтариб келаётган экан.

— Машина-чи?

Чоршанбиев индамади. Яхшибоев тушундики, машина уйда бўлмаган. Аввалбек рулда, Муҳсина хоним қайгадир сафар қилганлар. Бу ёқда Оллоёр бечора, чайир хачирга ўхшаб, картошка тўла қопни ташиган... Оғир юк остида майишиб келаётган Оллоёр кўзига кўрингандай бўлди. Ичи ачиди. Кўзлари ёшланди. Мен ўлсам, биргина шунга қийин бўлади, деб ўйлади.

— Чоршанби болам, — деди секин, — сенда бирор таниш нотариус борми, шу ерга чақирсак бўларди-да...

— Э, қўйинг-э, устоз, — деди Чоршанбиев. — Қайтага келмасам бўларкан, келиб сизнинг кайфиятингизни бузdим...

— Ҳар эҳтимолга қарши-да, — деди Чоршанбиев синиқ кулимсираб. — Шу гап эсингда турсин. Майли, энди борақол, болам.

Бир кўнгли, кузатиб чиқай ҳам деди. Ҳар ҳолда, айни лаҳзада, Чоршанбиевнинг шунча йиллик шогирдлиги, умидворлиги ва садоқати эсланган чоғда, уни кузатиб чиқиш жоиз эди. Лекин Яхшибоев тўсатдан мадори куриганини пайқади. Зўрға чидаб турди, шогирди эшикни ёпиши билан, шошиб ўринга чўзилди. Танини бўш тутиб, икки-уч дақиқа ором олгач, сал енгил тортгандай бўлди. Кўзларини очди. Бурчакда ётган елимхалтани кўрди. Халта ичида кир пайпоқлари бор эди. Муҳсина хоним кўрмаган, кўришни истамаган пайпоқлар... Алами келди. Секин ўрнидан туриб, халтани кўтарди. Ваннахонага кириб, сувни очди. Пайпоқларга кўпиртириб совун ураркан, заҳарханда қилиб кулди. Мисоли Инжилдагидай, деб ўйлади, мен Ошнони топдим, Ошно Муяссарни топди, Муяссар Муҳсинани, Муҳсина — мени... Йўқ, ўхшамас экан. Инжилдаги рўйхат давомлироқ, бизники эса — кичкина бир ҳалқа.

Лекин бу ҳалқанинг пишиқлигини қаранг!.. Аслида, Муяссарни топган Ошно эмас, мен ўзим бўламан. Муяссар ҳам Муҳсинани излаб юрмаган. Муҳсина шундоққина ёнида эди, бир-бирига меҳрибон, бири-биридан уятчан, камтарину камсуқум, қирққокилу мингкокил. Йўқ, мен янглишдим, ўшанда улар иккови ҳам сочларини калта кесиб улгурган эдилар. Лекин улардан олдин яна бир қизгина бўлардики, дугоналар иккиси ҳам аслида ўшандан миннатдор бўлишлари керак!..

Бухоролик бир оғайнилари бўларди. Саидми, Соҳибми, Сулаймонми — ишқилиб, қи*фаси эсда-ю, исми эсда қолмаган. Ғайратли йигит эди, Ўртақўрғон шаҳрининг у кирмаган кўчаси йўқ эди. Аёлларга ўчроқ эди. Жуссаси кичкина эди-ю, нуқул йирик ва салобатли аёлларга кўнгли кетарди. Бир куни у Яхшибоев билан Ошно истиқомат қиладиган ҳовлига йигирма ёшлардаги семиз бир қизни етаклаб келди:

— Шошиб турибман, жўражонлар, — деди. — Мен келгунча Мойра шу ерда тура турсин.

— Мани исмим Моҳира, — деди семиз қиз фавқулодда ингичка овозда.

— Эркакларнинг гапига суқилма, — деб жеркиди Саидми, Соҳибми, Сулаймонми — ишқилиб, энди исми эсда қолмаган йигит. — Мойраям улуғ исм.

— Ман лунгичаи қоп эдиммики, «тура турсин» айтасиз! — деди Мойра аччиқланиб.

Яхшибоев билан Ошно беихтиёр кулиб юборишди.

— Синглимизнинг гапи тўғри, — деди Яхшибоев. — Қоп бўлса экан, бир жойда қимир этмай турса. Агар биз унга курси қўйиб берсак, унда нима бўлади?..

Мойра унга рағбат билдириб қаради. Рағбат билдиргани бухоролик оғайнига ёқмади.

— Буни курси кўтаролмайди, — деб тўнғиллади. — Бўпти, биз кетдик. Молимизни кечроқ опкетамиз.

— Аёл кишини ҳурмат қилиш керак! — деди Ошно бирдан қизишиб. — Сизни ҳам аёл киши туққан, жўра!..

Саидми, Соҳибми, Сулаймонми — ишқилиб, энди исми эсда қолмаган йигит Ошно билан тортишиб ўтирмади. Яхшибоевнинг ҳам шаҳарда недир иши бор эди, биргалашиб кўчага чиқдилар.

Бир-икки соатдан сўнг қайтиб келса, Мойра билан Ошно каравотда ёнма-ён, мисоли бир жуфт мусичадай искашиб ўтирибди, фарқи шуки, Ошно росмана мусичага, Мойра эса йирикроқ товуққа ўхшайди. Оббо, худо

www.ziyouz.com kutubxonasi

урибди-ку, деб ўйлади Яхшибоев аҳволни кўриб. Лекин сезинганини уларга билдирмади. Қалам ҳақига олинган соатига қаради (бунақа соатдан Ошнода ҳам бор эди), кейин Мойрага деди:

— Маҳтал бўп қолмадингми, Мойра? Балки мен ўзим кузатиб қўярман?

Мойра жавоб ўрнига жилмайди, Ошнога эркаланиб суйкалди.

— Моҳира кетмайди, — деди Ошно қатъий оҳангда. — Моҳира шу ерда қолади.

— Қолса жуда соз-да! — деди Яхшибоев. — Хўш, сен унда нега ялпайиб ўтирибсан, мактаб кўрмаган? Қоладиган бўлса, меҳмонни тузукроқ сийлаш керак, югуриб бозорга чиқиб, масаллиқ-пасаллиқ опкелмадингми?

Ошно хижолатдан қизарди, дик этиб ўрнидан туриб, камзилини эгнига илди. Яхшибоев тескари қаради. Ошно чиқиши билан Мойрага нима дейишини ўйлаб, ичида кулди, кулгиси юзига тепишидан чўчиб турди. Бежизга чўчимаган экан — Мойра унинг ниятини тушунди.

— Кетманг, акажон! —деб, Ошнонинг енгига ёпишди. — Бу киши мани қувлаб юборади!

Ошно ялт этиб Яхшибоевга бурилди. Феъли бузилди, камзилини ечиб, каравот устига улоқтирди.

— Ҳали шунақами? — деди ғазаб билан.

Яхшибоев индамади. Мойра Ошнонинг қўлидан тутиб, тағин ёнига ўтиргизди, бошини унинг елкасига қўйиб, Яхшибоевга мазахомуз тикилди.

— Мойранинг эгаси бор-ку, ошна, — деди Яхшибоев, ноилож қолиб. — Эгаси келса нима дейсан?

— Эгасимас у! — деб қичқирди Ошно. — У буни алдаган, бахтига зомин бўлган! Ўзинг айт, Моҳира, унинг қанақа ярамас эканини айт!

— Акам менга уйланмоқчи, — деди Мойра. — Анов ярамас уйланмайди!

— Эсинг жойидами, ошна? — деди Яхшибоев Ошнонинг тепасига бориб. — Ахир, сен бунинг олдида... филнинг думига қўнган пашшага ўхшаб қоласан-ку?

— Ҳақорат қилма! — деди Ошно сапчиб туриб. — Ҳозироқ Моҳирадан кечирим сўра!

— Кечирим сўрайми? — деди Яхшибоев Мойрага юзланиб.

— Шартмас, — деди Мойра. — Мандан кичкина бўлса на қипти, ҳали ўсади!

— Ўсаман ҳали! — деб қичқирди Ошно. — Умуман, гап жисмда эмас, инсоннинг руҳиётида!

— Э, сенинг руҳингга шоматалоқ! — деди Яхшибоев жаҳли чиқиб. — Жисмидан озгина тотиб кўриб, ўша заҳотиёқ соб бўпти-ку руҳинг! Сен, Мойра синглим, ҳовлига чиқиб тур, биз озгина маслаҳат қилиб олайлик, — деди у Мойрага ўгирилиб. — Кейин ўзим чақираман.

— Чиқма! — деди Ошно. — Чиқсанг — бу мени уради!

— Ман чиқмайман! — деди Мойра, сўнг ўрнидан туриб, печка ёнига борди-да, бўш қумғонни қўлига олди. — Қани, уриб кўринг-чи!

Яхшибоев иккиланиб қолди. Аҳвол у кутганидан жиддийроқ эди. Мойра жим қараб турмайди, солиб қолиши ҳам мумкин... Ургани ҳеч гапмас, лекин бағилласа ёмон — кўча-кўйга эшитилади.

Ноилож дераза нинг зах урган рафига ўтирди.

— Умуман, сен тўғри ўйлабсан, ошна, — деди бир оз ўтиб. — Бунақа олижаноблик менинг қўлимдан келмайди. Балки ростдан ҳам ўсарсан, лекин бунга етишинг қийин... суяги йирикроқ экан... Майли, билганингни қил...

— Ҳеч қанақа олижаноблик эмас бу, — деди Ошно. — Сен бунинг юрагини билмайсан, юраги тоза, жўра. Бечора кўп қийинчилик кўрган. Ҳатто саводи ҳам йўқ экан. Мен унга савод ўргатаман, зулмат ботқоғидан чиқариб оламан!..

— Чиқишни истамаса-чи?

— Истайди. Айтдим-ку, бунинг кўнгли жуда тоза, бунга озгина зиё керак, холос!

— Унда ЧСБга[1] киритиб қўяқол-да, уйланиш шартми?

— Шарт, — деди Ошно. — Уйланмасам, номардлик қилган бўламан. Ўзи розилик берди, келаси ҳафта комсомол тўйи қиламиз.

— Шошилма, ошна, — деди Яхшибоев. — Сўраб кўрдингми, бу ўзи комсомол сафида бормикан? Ў, Мойра, айт-чи, комсомолга аъзомисан?

Мойра қўлидаги қумғонни печка устига қўйди.

— Қанақа комсомол? — деб сўради ҳайрон бўлиб.

— Комсомол тўйидан воз кечишга тўғри келади, — деди Яхшибоев. — Лекин жўнгина загсдан ўтиш мумкин. Айт-чи, Мойра, бошпуртинг бордир?

---

[1] *ЧСБ* — чала саводни битириш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бошпурт?.. — деб қайта сўради Мойра, сўнг гап нимада эканини тушунди чоғи, шошиб хатосини тузатди: — Қоғозим бор, уйда турибди, эртага опкеламан.

Яхшибоев сал енгил тортди — паспорти йўқ одам билан гаплашиш осонроқ туюлди.

— Бугун опкелсанг бўлмайдими? — деб сўради.

Мойра тараддудга тушди.

— Эртага опкелади, — деди Ошно. — Эртага икковимиз бирга бориб опкеламиз.

— Ихтиёринг, — деди Яхшибоев, сўнг Ошнога майинроқ қилиб танбеҳ берди: — Унда нима қилиб ўтирибсан, чой-пой қўй, кўнглини ол бунинг. Икковлашиб мениям иззат қилинглар, бўлмасам, бугун кечқурун ҳеч қаёққа кетмайман.

Ошно шаъмани англаб дув қизарди, ўрнидан туриб:

— Ҳозир сув опкеламан, — деди-да, даҳлизга чиқди. Яхшибоев ўзича ҳисоб-китоб қила бошлади: маҳалла ҳовузи бирор ўн ҳовли нарида, то бориб-келгунча камида ўн дақиқа кетади.

Даҳлизда челакларнинг тарақлагани эшитилди. Эшик қия очилиб, Ошнонинг боши кўринди:

— Тағин сен кетиб қолма, Моҳира.

— Кетмайди, қўрқма, — деди Яхшибоев.

Ошно ҳовузга кетди. У ҳовлидан чиқиши билан, Яхшибоев дераза рафидан тушди, келиб, Мойранинг биқинига қўл юборди.

— Тегманг, акажон, қитиғим келади, — деб қиқирлади Мойра. — Ман ҳали қиз боламан.

— Ёшинг нечада? — деди Яхшибоев, қўлларига баттар эрк бериб.

— Йигирма бирда, — деди Мойра. — Лекин ҳали қиз боламан.

— Сабрли экансан, — деб мақтади Яхшибоев. — Менинг ўзимга тегақолсанг бўлмайдими, Мойра?

— Йўқ, — деди Мойра кескин, лекин ўзини олиб қочмади. — Ман у кишига ваъда бериб қўйдим.

— Нима бўпти? — деди Яхшибоев. — Ўзинг ўйла, икковинг кўчага бирга чиқсанг, сен бир тоғдай қизсан, у эса... чигиртканинг эркагига ўхшайди... Менга тегсанг — бошқа гап, бўй-бастимиз ҳам тенг келиб қолади.

Мойранинг шўхлиги тутди шекилли, қийқириб кулди:

— Вой, сиз ҳам мандан кичкинасиз!

Яхшибоевнинг энсаси қотди. Аҳмоқ, деб сўкди Ошнони, ростдан ҳам уйланиши мумкин бу аҳмоқ. Кўзи

очилмаган кучукдекки, биринчи бор кўрганининг кетидан эргашиб кетаверади!..

— Ваъда берганинг яхши-ю, лекин куйиб қоласанда, — деди куюнган бўлиб. — Ошнамиз — тузук йигит, лекин сал ишкали бордай...

Бу ёғига нималарни тўқиб-бичишини билмай, бир муддат қийналди.

— Ўртамизда қолсин-у, лекин сен ўзинг ҳам анча бевафо кўринасан, Мойра, — деди сал туриб. — Бир банда сени бизга ишониб ташлаб кетди, лекин сен бу ёқда...

— Қўймаса нима қилай, акажон? — деди Мойра. — Кейин ҳалиги киши шу чоққача келмади-ку?

— Сенга ўзи тирғалдими? — деб сўради Яхшибоев.

— Бўлмаса, қиз бола бошим билан ман тирғаламанми? — деди Мойра.

— Ў, бемаза! — деди Яхшибоев кулиб. Рости, у Ошнодан бунақа қилиқ чиқишини тасаввур этмаган эди. — Кўрдингми, беозор кўрингани билан бориб турган хулиган бу! Шоқул «кузур» билан ошначилик қилади! Шомат «кузур» ҳам буни танийди! — Яхшибоев бир вақтлар ўзига тобе бўлган машҳур безориларнинг номларини санади. — Булар ҳеч балодан қайтмайди!

Мойра қўрқди. Ҳиринг-ҳиринглари йўқолиб, бирдан жиддийлашди.

— Тегмасам бўлмас экан, акажон! — деди. — Булар мани сўйиб кетишади!..

— Қамалиб кетса нима қиласан? — деди Яхшибоев. — Бева қоласан-ку? Рости, булардан мен ўзим ҳам қўрқаман. Боя ўзининг олдида бу гапларни айтолмадим. Сенгаям тушуниб бўлмайди, Мойра, капкатта қиз, гавдаси мосроқларини топсанг бўлмайдими? Буям кичкина, боя эргашиб келганинг бухоролик йигит ҳам кичкина, йирикроғи мен бўлсам, мен ҳам кичкинаман...

— Кичкиналарнинг куймаланишини яхши кўраманда, акажон, — деди Мойра соддадиллик билан.

Яхшибоев ўзини тутолмади, пиқ этиб кулиб юборди. Мойра ҳам илжайди. Яхшибоев гап бутунлай бошқа томонга оғиб кетганини сезиб, шоша-пиша давом этди:

— Кичкина одамлар золимроқ бўлади, Мойра. Бўлмаса, ўзинг ўйла, ошнамизга безориликни ким қўйибди! Безорилиги ҳам майли, бу ёғини сўрасанг, бориб турган бузуқи бу! Ёшгина бир қизчани бузиб қўйган! Нозиккина, кўриб раҳминг келади!!!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бу ярамас маниям бузди, акажон! — деди Мойра, бирдан кўнгли бузилиб.

— Кўрдингми! — деб хитоб қилди Яхшибоев. — Сен бу ярамасни судга бериш ўрнига, тегмоқчи бўлиб ўтирибсан! У сенинг ҳаром тукингга ҳам арзимайди, Мойра!

— Уйланаман деса, ишонибман ман аҳмоқ! — деди Мойра.

— Ҳалиги бечораям шунга ишонган-да, — дея гапни илиб кетди Яхшибоев. — Сен-ку, Мойра, кап-катта қизсан, ақли-ҳушинг жойида, сен ўз йўлингни бир амаллаб топиб кетарсан, лекин анави қизчага қийин, жудаям қийин!..

— Мангаям қийин, акажон!

— Сенга куёвни мен ўзим топиб бераман, Мойра. Бир қарагандаёқ сезилади, сен жуда олижаноб қизсан. Ҳалиги қизчага раҳминг келсин, у бечора ўзини осиб қўйиши ҳам мумкин... Ҳали отаси билмайди бу гапларни. Иснод, дегин, Мойра синглим, бечоранинг қорнида боласи бор-а!..

Шу жойда Яхшибоев ўхшатиб бир хўрсинди.

— Ҳу яшшамагур!.. — деб ғудранди Мойра. — Ҳу марги мондаги!! Ҳу бошингни тахтага олай санинг!!!

Кейинги томошага Яхшибоев мутлақо аралашмади. Ошно келди, ичкари кирди — уятчан, одобли, озгина гуноҳи бордай... Кирдию ўша заҳоти Мойранинг чангалига тушди. Мойра ёмон ғазабланган экан, сал бўлмаса Ошнони бўғиб ўлдирай деди. Хайриятки, йигит бечора даҳлизга қочиб чиқди, даҳлиздан ҳовлига қочди, ҳовлидан — кўчага!..

Мойра кечгача жаҳлидан тушмади. Қарғаниб ўтирди. Кечқурун Саидми, Соҳибми, Сулаймонми — ишқилиб, энди исми эсда қолмаган йигит келиб, уни алдаб-сулдаб, ўзи билан олиб кетди.

Ошно бир ҳафтача ўқишга боролмади — Мойра ғазаб устида юзини ёмонроқ тирнаган экан.

Чап ёноғида хол қолди Ошнонинг, урушдан кейин, Ўртақўрғон сув омборини қуриб юрганимизда, ҳали мен жудаям кичкина, унинг ўзи-да кўп йирик бўлмаган пайтларда, суҳбатимиз соз тушиб қолганида, ҳазил аралаш кулдики, э Назар жўра, урушга борганимиз ҳам яхши бўлган экан, гўё ўша ёқда яралангандай кўринамиз энди...

Ўшанда ёмон тилим қичиди. Айтгим келдики, э ошна, Мойрани тезлаган мен ўзим бўламан, деб! Тилни тийдим, тийиб тўғри қилганимни кейинроқ сездим, кейинроқ, Ошно секин-секин юксалиб, мен ҳам унинг ортидан имиллаб бўлса-да йўлга тушганимда, гоҳ унинг илтифотига, гоҳ ғазабига дучор бўлиб, гоҳида уни олқишлаб, гоҳида лаънатлаб юрганимда. Сездимки, Ошно ўша чандиқ тарихини м е н и н г и ш т и р о к и м ғ - с и з эслаб қолгани тузукроқ. Унга менинг воқифлигимни билгани ҳам оғир ботади. Начора, улуғ одамларда ҳам анчайин латифанамо кечмишлар бўлмоғи мумкин, айни кечмишларнинг гувоҳлари тилига пишиқ бўлса, бас, улуғликка заррача путур етмайди.

Рости, Ошнонинг чап ёноғидаги чандиқ ҳеч ёдимдан чиқмайди. Айниқса — телевизорда, айниқса — Ошнонинг чиройли рангдор суратларида! Гап шундаки, экран ёки қоғозда айни чандиқ кўринмайди, уни пардозчилар бир амаллаб бекитишади, лекин мен аҳмоқ рўй-рост кўриб тургандайман!

Ўшанда, Мойра қизгина уни юлиб-юмдалаб ташлаганида, Ошнога раҳмим келди. Ошириброқ юборганимни сездим. Боз устига, Мойра қизгина ҳам таъсирчан экан, гапимга лаққа ишонди. Аслида шошмасам ҳам бўларди. Биринчидан, Мойранинг бошпурти йўқ эди — Ошно билан загсдан ўтолмасди. Агар загс урадиган тамғасиз эр-хотин бўлмоқни истаганларида ҳам ҳеч бокиси йўқ эди — Мойра қизнинг феъли маълум эди, бир ҳафта яшар-яшамас Ошнони ташлаб кетарди.

Дарвоқе, мен Мойрани яна бир бор учратдим. Йили ҳам, куни ҳам эсимда қолган. Эҳтимолки, ўша йил ва ўша кун туфайли Мойранинг ўзи эсимда қолган. Эллик учинчи йилнинг марти эди. Ўртақўрғондан Тошкентга кетардим. Поездимиз белгиланган муддатда, бийдай чўлнинг ўртасида, нақ беш дақиқа тўхтаб турди. Чўзиб гудогини чалди. Одамлар доҳий Сталиннинг ўлими боис ҳўнг-ҳўнг йиғлаган, оврўпоча нусхадаги хотинларнинг барчаси қора кийимда, эркаклар билакларига қора тасма боғланган... Купели вагон йўлагида маъюс турувдим, сал наридан аёл кишининг йиғлагани эшитилди:

— Энди на қиламиз, дадаси, энди нима қиламиз?!

Беихтиёр ўша томонга қарадим. Эшиги очиқ купеда йирик бир аёл ўзидан ҳам йирикроқ бир эркакнинг елкасига бош қўйиб йиғлар эди. Ёнларида иккита полвонгина ўғилчалари ҳам бор. Болалар аёлнинг андуҳи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га кўпда тушунмай, кўзлари жавдираб, недир жавоб истаб, оталарига термилар эдилар. Йиғлаётган хотиннинг кўзлари қизариб-шишиб кетган бўлса-да, дарров танидим. Мойра, Мойра қизгина... Ошнонинг улуғ тақдиридан бенасиб қолган, лекин бенасиблигидан бехабар, бинобарин, паҳлавон эридан, паҳлавон ўғилчаларидан, ўтаётган кунидан мамнун... ва бугун, элдан ортда қолишни истамай, эл ғамига шерик бўлиб йиғлаётган Мойра.

Дарвоқе, мен ёлғон сўзлаяпман. У пайтлар, эллик учинчи йилнинг баҳорида Ошнонинг улуғ тақдири хусусида ўйлаганим шунчаки лоф. Унда айни улуғ тақдирнинг шарпаси ҳам сезилмасди. Ошно шунчаки уддабурро, ичмайдиган, чекмайдиган, ёмон йўлга юрмайдиган одобли мансабдор эди, холос.

Мойра можаросидан бирор ҳафта ўтиб, Яхшибоев газета маҳкамасига борди. Бориб, кўп хотинли бир киши ҳақида ёзган фельетони юзасидан жанжал кўтарди. Яхшибоевнинг қўйган сарлавҳаси «Мов мушук» эди, лекин газетачилар «Ўғри мушук» деб ўзгартириб, охирига «... бу муштумзўр ва бу ўғри мушук қачонгача хотин-қизларимизнинг бахтларига чанг солади, унинг оёқларини кесиб, тирноқларини эговлаб ташлайдиган фурсат келмадими?!» деган сўзларни қўшган эдилар.

Ўртадаги жанжал сарлавҳа боис эмас, ўша кейин қўшилган сўзлар боис чиқди. Яхшибоев энди анча улғайиб, ўзининг ҳам, сўзининг ҳам қадрига етадиган бўлиб қолган эди. Йўқ, ўртоқлар, деб туриб олди, иккисидан бирини қилиш керак, мушукнинг ё оёғи кесилсин, ё тирноғи эговлансин, кесилган оёқнинг тирноғини эговлаш — аҳмоқнинг иши!

Баҳс қизигандан қизиб, ахийри муҳаррирнинг бўлмасигача етди. Муҳаррир икки тарафнинг ҳам арзини тинглаб, Яхшибоевга ён босди. Назарбек укамиз тўғри айтади, деди, сизлар мантиқни ундан ўргансангиз ёмон бўлмасди. Яхшибоевнинг фельетонини таҳрир этган кишиларнинг қовоқ-тумшуқлари осилиб кетди. Муҳаррир буни ҳам сезди. Ёқмадими, деб писанда қилди, балки бу йигитнинг ҳам оёғини узамиз, деб ўйлаётган чиқарсизлар? Узолмайсиз, ўртоқлар, деди, энди бу йигит ёзганларини шахсан менинг ўзимга келтирадиган бўлади!

Яхшибоев аввал бунчалик иззат кўрмаган эди, роса қувонди. Ходимлар изза бўлиб чиқиб кетишди.

— Хотин-қизларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этаётганингиз таҳсинга сазовор, — деди муҳаррир, икковлари ёлғиз қолишганда. — Булар ўзларининг ҳуқуқларини тўла таниб олса, ўшанда жамиятимизнинг не қадар тез суръатлар билан ривож этмоғини тасаввур қиласизми?..

Яхшибоев муносиброқ жавоб беришга улгурмади — хонага кулранг костюм-юбка кийган, сочларини иккита қилиб йўғон ўрган нозиккина бир қиз рухсатсиз кириб келди. Қўлида кичкина бир тугунча, келиб, тугунчани муҳаррирнинг столига қўйди.

— Эртароқ келдим, тоғамулло, — деди. — Ўқишимга шошяпман.

— Раҳмат, она қизим, — деди муҳаррир меҳри товланиб. — Танишгин, бу йигит — бизнинг фаол мухбирларимиздан, ўртоқ Назар Булдуруқ бўлади.

Яхшибоев қизнинг ҳурмати учун ўрнидан туриб таъзим қилди; энди у шаҳар зиёлиларининг кўпчилик яхши одатларини ўрганиб олган эди. Қиз ҳам жавобан камтарин бош эгди. Иболигина экан, шуниси Яхшибоевга ёқди.

— Муяссар менинг жияним бўлади, Назарбек ўғлим, — деди муҳаррир. — Ҳозирча толиба, нуқул «аъло»га ўқияпти.

Муяссар мақтовдан хижолат чекди, қизарди; буниси ҳам Яхшибоевга ёқди.

— Бизникигаям келинг, — деди қиз, кўзларини ердан узмай.

Яхшибоев тараддудланиб қолди.

— Эсим қурсин, — деди муҳаррир кулиб. — Мен Назарбекни асли ўзим таклиф қилишим керак эди, Муяссар қизим. Хўш, Назарбек, бугун кечқурун бизга атаб икки соатгина вақт топасизми?

— Кейинроқ, — деди Яхшибоев. — Сиз меҳмонга айтасиз-у, биз йўқ деймизми, бажонидил, лекин сал кейинроқ.

— Ихтиёрингиз, — деди муҳаррир. — Эшигимиз доим очиқ, Назарбек.

Муяссар хайрлашиб чиқди. Яхшибоев тушундики, жияни муҳаррирга тушлик овқат опкелибди. Тезроқ кетишнинг пайига тушди. Лекин муҳарррир кўнмади, тугунчани ёзиб, сирланган жез товоқ тўла ошни ўртага қўйди.

— Баҳам кўрамиз, — деди. — Бир ўзимнинг томоғимдан ўтмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Баҳузур, менинг қорним тўқ...

— Қўйинг шу гапларни, — деди муҳаррир. — Олинг, ука. Нега бир ўзимнинг томоғимдан ўтмаслигини биласизми? Сабаби шуки, уч йилча улуғ бир ёзувчига котиблик қилганман. Устод айтиб турардилар, мен қитирлатиб ёзардим. Бу орада даҳлиздаги қозонда ош дам еб ётарди. Тушга яқин устод ҳам, мен ҳам чарчаб, қоринларимиз очган пайтида айтардиларки, Нишонбек болам, энди сиз бориб овқат қилиб келинг, менинг ҳам ошим пишиб қолди! Улуғ одам эдилар-у, лекин уч йил давомида уч тўғрам нон ҳам бермаган, номард!

Бу гапдан сўнг Яхшибоев муҳаррирдан тортинмай қўйди. Икковлашиб, ҳаш-паш дегунча бир товоқ ошни еб бўлишди.

— Девдек йигит, яна қорним тўқ, дейсиз-а! — ҳазиллашди муҳаррир.

— Ош ўзи хушхўр бўпти-да, — деб кулди Яхшибоев.

— Муяссар жияним кўп пазанда чиқди, — деди муҳаррир. — Билсангиз, Назарбек, бизда оила йўқ, оиламиз ўн йил бурун қазо қилган, икки фарзандимиз бор эди, бири ҳам турмади. Сўққабошмиз энди. Барака топкур жияним иссиқ-совуғимдан хабар олиб туради. Ҳозир санъат соҳасига ўқияпти, битирса, бирор тушунадиган йигитга узатсам. Ўзингиздан қолар гап йўқ, ўқиган қизларнинг талаблари ҳам шунга яраша бўлади. Сизларга ўхшаган яхши йигитлар бор-у, лекин сизлардан умид йўқ, ўқишдан кейин қишлоққа кетасизлар. Менинг жияним умрида сигир кўрмаган, ўтин термаган, сал оқбилак бўлиб ўсган, у ёқларда қийналиб қолади. Яшириб нима қилдим, отамиз инқилобгача катта заминдор эди. Оврўпо тарафларда ўқиб келган экан, бизга ҳам саводдан юқтириб, вазиятни вақтида англаб, инқилобни, баъдаз янги ҳукуматни ҳам тан олиб, ерларию йиққан пулларини ўзи топшириб, ўттизинчи йилда дунёдан кўз юмди. Фарзандлардан икки қизу бир ўғилмиз. Айтишларича, отамиз хорижда ҳам уйланган экан, фаранги хотинидан ҳам болалари бор, деб эшитганмиз, лекин ўзи бизга оғиз очмаган. Ҳар ҳолда, мафкурамиз ўнгланиб, янги замон хизматида турибмиз. Энди жўн бир ташвишимиз шуки, боя айтганим — жиянимиз Муяссар. Олималикка майли бордай, демакки, шаҳарда қолиши керак...

— Тенги топилиб қолар, — деб гап қўшди Яхшибоев.

— Топилади, лекин қиз боланинг фасли сал қисқароқ-да, Назарбек, — деди муҳаррир. — Хай, сизга бир

ёрилай дедиму ёрилдим, лекин кўчага чиқиб, илинган кимсага, битта бўй етган жияним бор, шуни тузукроқ одамга узатмоқчиман, деб айтолмайман-ку?.. Сизга ҳам минг истиҳола билан сўзлаяпман. Ҳар қалай, хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ёзган одамсиз, уларнинг талаб ва ташвишларини яхши биласиз, шуларни ўйлаб, кейин айтдим бу гапларни... Даллолга ўхшаб қолаётганимни ўзим ҳам сезяпман. Лекин шундай эрса-да, Назарбек ука, сиздан илтимос қиламан, эсли-ҳушли дўстларингиз бўлса, шаҳарда қолишлари аниқ бўлса, балки бизникига олиб келарсиз?..

Яхшибоев розилик бергандай секин бош ирғади. Ғалати одам экан, деб ўйлади ичида, ростдан ҳам оврўпоча тарбия олган кўринади, ахир, жиянини бозорга солиб ўтирганидан кейин... Ё энди тартиб шунақа бўладими? Боя жияни ҳам, бизникига келинг, деб айтди, нима бало, булар ўзаро келишиб олганми? Йўқ, мени куёвликка чақирмаяпти, менинг қишлоққа кетишимни билади. Э, булар жуда ғалати одамлар экан!..

Кейин, йўлда кетаётиб, Муяссарнинг Ошнога мос тушишини ўйлади. Бўйлари ҳам баробар, нозикликлари ҳам бир хил, иккиси ҳам хушфеъл — худди узукка кўз қўйгандай. Ошно қишлоққа кетаман, деб гингшимоғи мумкин, лекин унини ўчириш қийинмас — Мойрани бир эслатсам, бас, писиб қолиши тайин.

Шу ўй хаёлида, шу ўйдан нашъа олиб, бир якшанба куни Ошнони муҳаррирнинг уйига етаклаб борди. Муҳаррир Ошнонинг газетага ёзиб юришини биларди, жуда илиқ кутиб олди. Жияни Муяссар чой ташиб турди. Муҳаррир Ошнонинг куёвликка номзод эканини англаб, ош устида келажак режаларидан гап очди. Мана, Назарбек ўқишни тугатиб қишлоққа кетмоқчи, деди у, сиз-чи? Ошно муҳаррир билан Яхшибоевнинг ўзаро битимидан буткул бехабар, икковимиз бирга кетамиз, деб жавоб қайтарди, Ҳотам Шўрога ваъда бериб қўйганмиз, қишлоққа қайтиб бормасак номардлик бўлади. Мен сизни жуда фаол талабалардан деб эшитаман, деди муҳаррир умидини узмай, балки шу ерда қолсангиз, илм билан машғул бўлсангиз, ўшанда жамоа ишига янада кўпроқ ҳисса қўшарсиз? Ошно фаол талаба эканини тан олди, лекин барибир шаҳарда қолишга унамади. Қишлоққа кетасизми, шаҳарда қоласизми, лекин оила масаласини жиддий ўйлаш керак, ёш дўстларим, деди муҳаррир, йигит кишига бола-чақа жудаям

www.ziyouz.com kutubxonasi

керак, хусусан, айтилмишки, оила — жамиятнинг ячейкаси... бу ёғи сиёсий вазият ҳам анча оғир, уруш бўлиши муқаррарга ўхшайди.

Муҳаррир айтмоқчи бўлдики, тезроқ уйланиб, тезроқ бола-чақа орттиринглар, зора урушга кетганда ортларингда тирноқларинг қолса!..

Яхшибоев шаъмани англади-ю, лекин мақсадни узил-кесил англаб етолмади. У Мойра можаросидан сўнг Ошнонинг бошини тезроқ икки қилиш тараддисида эди. Муҳаррир ҳам жиянига куёв топмоқ тараддисида. Хўш, иккиси ҳам бир ўйни ўйлаётган пайтида, муҳаррирнинг урушдан сўз очгани, бўлажак куёв фронтга кетса, кейин бу ёқда жияни болалари билан беваю сағир қолиши эҳтимолини назардан қочиргани таажжубга солмайдими?

Ошно уларнинг ниятини пайқамади. Муҳаррир гап орасида номзодни маъқул топганини, қишлоққа кетиш ёки кетмаслик каби майда-чуйда юмушларни ижобий ҳал этиш Яхшибоевнинг ўз зиммасида эканини енгил-елпи шаъмалар билан қистириб ўтди. Яхшибоевнинг нияти сал бошқачароқ эди. Унинг учун Ошнонинг тезроқ уйлангани муҳим, кейингисига — худо пошшо. Лапашанглик қилмаса, муҳаррирнинг оқбилак жиянчасини Булдуруққа опкетиб, ўша ёқда сигир соғишу тезак териш каби синовларда пишитиб-чийратади, бўшанглик қилса... э, майли, бу ерда қолса қолибди-да!..

Ошно эса, бошида айланган савдодан бехабар, уйга қайтаётиб нуқул урушдан гапирди. Биз ҳам борсак, Назар жўра, деди, бориб қаҳрамонлик кўрсатсак... ё биз боргунча тугаб қолармикан?..

— Бошлансин аввал, — деди Яхшибоев. — Кейин ўйлашиб кўрамиз.

— Лекин мен биринчи бўп кетаман!.. — деди Ошно.

Яхшибоев индамади. Яна муҳаррирнинг гапларини эслади. Ростдан ҳам, урушга кетсак бу ёқда уйланиб, бола-чақа орттириб кетганимиз маъқулроқ, деб ўйлади, ҳарна, кетимизда кимдир эслайдиган, йўқлайдиган одамимиз қолади-ку?..

— Ошно, — деди, — домланинг жияни ёқдими? Шунга уйланмайсанми?

— Йўғ-э, — деди Ошно қизариб, — мен унга муносиб эмасман-ку, Назар.

— Қўйсанг-чи, ошна. Туппа-тузук йигитсан.

— Муяссар — тоза қиз... менинг... гуноҳим кўп...

— Қўйсанг-чи, — дея такрорлади Яхшибоев. — Унда мен дунёдаги энг осий банда эканман.

— Сендаям... бўлганми?.. — деб сўради Ошно.

— Э, кўп бўлган! — деб ёлғонлади Яхшибоев. — Ахир, анави Шоқулу Шоматлар билан ошначилик ўзи бўладими, ўшалардан ўтган-да!..

Ошнонинг сал чиройи очилди.

— Муяссарга уйлан, — деди Яхшибоев. — Тоғаси билан ўзим гаплашаман. Кейин шу ерда қоласан.

— Қишлоқ-чи?

— Қишлоққача икки қадам. Бу ерда ўсиб-унишинг осон, кейин сенга мошина ҳам беришади, ўшанда, қарабсанки, Назар ошнангни кўргали ҳар якшанба кеп турибсан!.. Кейин, ошна, агар урушга кетсак, Муяссар тоғасининг ёнида бўлади, бехавотир урушасан ўшанда...

— Тўғри айтасан, Назар жўра. Яхши қизга ўхшайди ўзи.

Хуллас, Яхшибоев Ошнони кўндирди. Бу ёғи уруш ҳақидаги гап-сўзлар янада кўпайиб қолди. Ошно бир гал Булдуруққа бориб, ғалати хабар топиб келди. Эмишки, Ҳотам Шўро ўнта аргумоқни таблага тортган эмиш, уруш бошланса, отларни шахсан ўртоқ Будённийга топширармиш...

Бу орада Ошно Муяссар билан тузукроқ танишиб олди. Йигит қизни, қиз йигитни маъқул топди. Урушдан бир йилча олдин, мевалар ғарқ пишган кезда тўйлари ўтди.

Кейин уруш бошланди. Ошнони фронтга ҳомиладор хотини йиғлаб-йиғлаб кузатди. Яхшибоев бўйдоқлигича кетди. Бир укаси ўзи билан баробар, яна бири икки йилча ўтиб урушга жўнади. Улардан бири қайтмади. Яхшибоев унинг ўлимидан анча кеч, Узоқ Шарқдаги урушда ҳам қатнашиб, ниҳоят, қирқ олтинчи йилда юртга қайтганида хабар топди. Бирга ўқиган жўралардан биргина Ошно билан ўзи омон қолган экан. Ошно Ўртақўрғон вокзалида хотини, иккита ўғилчаси билан дўстини кутиб олди.

Улардан эшитиб билдики, муҳаррир тоғаси Сталинград ёнида ҳалок бўлган экан.

Сўнгроқ англаса, муҳаррир тирноқ ҳақидаги гапларини Яхшибоев билан Ошнога эмас, ўзига қарата айтган экан. Ундан қолган ёлғиз ёдгорлик шуки, урушдан ўттиз йилча ўтиб, муҳаррир ишлаган эски бино деворига мармар тахта ўрнатилди, тахтага исми шарифи ёзилди. Ошно бу ишга мутлақо аралашмади. Ўртақўрғонга

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзингиз бориб келасиз, ўртоқ Яхшибоев, мен борсам эришроқ туюлади, ҳар қалай, рафиқамиз боис хешлиги бор; энди, ўзингиз икки оғиз сўз айтиб, марҳумнинг руҳини шод этасиз; журналистлардан ҳам олиб кетинг, токи тадорик тузукроқ ёритилсин; ҳа, дарвоқе, Муҳсина хонимга биздан салом деб қўйинг...

Яхшибоев шунда дурустроқ эътибор бердики, Ошно у билан гаплашган кезларида, ҳатто расмий топшириқ берганларида ҳам, сўз охирида Муҳсина хонимга салом йўлларкан. Ҳатто Муҳсина хоним билан Муяссар хонимнинг ораларидан ола мушук ўтган пайтларда ҳам шу одатини канда қилмаган. Ўйладики, Ошно айни олижаноблигини ўзига одат қилиб олган. Мақсади — таъкид. Яъники, хотинларнинг майда-чуйда гапларининг бизга ҳеч дахли йўқ, Муяссар хоним Муҳсина хонимдан ранжиши мумкин, лекин Ошно бунақа ранжлардан устун туради, у ҳар қандай шароитда ҳам салом йўллашга қодир, қолаверса, унинг саломи ҳам кўп нарсаларни ўзгартириб юборишга қодир, дейлик, битта салом билан Муҳсина хоним ва Муяссар хонимни ўзаро яраштириб қўйиши мумкин. Турган гапки, айб — Муҳсина хонимда. Муҳсина хоним ўзига кўпроқ эрк беради, айниқса, дугоналигини пеш қилавериб, Муяссар хонимнинг энсасини қотиради. Лекин Ошно хотинига нисбатан саховатлироқ, унинг хотираси ҳам яхши, яхшилиги шундаки, у нақ қирқ олтинчи йилда, Ўртақўрғон вокзалида, урушдан қайтаётган ҳамқишлоғини «виллис»да кутиб олиб, сўнг ҳовлисига элтиб, сийлаб, иззат кўргазиб, дўстининг орден ва медалларини мақтаб, сўнгида, бўйдоқликдан безмадингми, жўра, деб ҳазиллашганини; ҳамқишлоғи ўнғайсизланиб, Булдуруққа борайлик-чи, бирортаси топилиб қолар, деб айтганида, хотинини чақириб олиб, эй Муяссар, бу ёққа қара, Назар жўрам Булдуруқдан қайлиқ излаб овора бўп юрадими, ўзингнинг яқинроқ дугоналаринг йўқми, деб сўраганларини эсда сақлайди.

Ўшанда Муяссар, иккита туққан бўлса-да, сахт-сумбати ўзгармаган нозикниҳол Муяссар, хушфеъл, камтарину камсуқум Муяссар, уялинқираб айтганки, биттагина дугонам бор, оти — Муҳсина, жуда чиройли қиз, сураткашнинг дўкони деразасида фотосиям илиғлиқ туради, шунақа чиройли қиз... Балли, Муяссар, деб хитоб қилган ўшанда Ошно, Назар жўрам мени сен билан таништирган, энди мен ҳам уни бўлажак рафиқасига таништираман, ўша Муҳсинани меҳмонга чақир, хўш, Назар жўра, танишмоққа тобинг борми?

Яхшибоев хижолат чекиб айтганки, йўқ, ошна, мен аввал сал ўзимга келиб олай, поезддан тушган одамни чиройли қизга рўпара қилма, тағин ёқтирмай қолмасин, сал-пал ювиб-тараб, ундан кейин кўрсат...

Буям тўғри, деган Ошно хурсандлик билан, билиб қўй, Муяссар, сену мен Назар жўрамдан бир умр қарздормиз, энди ўзим совчилик қиламан. Майли, деган Муяссар хоним, у вақтларда жўнгина Муяссар, нозикниҳол, хушфеъл, камтарину камсуқум Муяссар, лекин аввал ўзлари суратини кўриб келсинлар, агар маъқул топсалар, кейин сиз совчилик қиласиз.

Ошно унда анча қизиққон эди. Миясига келган ниятни амалга оширмоққа шошилган. Яхшибоев Муҳсинанинг кўнглини топганидан сўнг, ўзи росмана совчилик қилган. Кейинроқ, Яхшибоев Олия билан топишиб, Муҳсинага талоқ айтмоқчи бўлганида, совчи бўлиб борганини писанда этганки, ўртоқ Яхшибоев, бизнинг ўртага тушганларимиз бекор экан-да, а?

Лекин бу воқеалар анча кейин содир бўлади. Анча кейинки, бу пайт Ошно хийлагина ўсиб, ҳаттоки болаликда бирга ўсган жўраларини ҳам ҳурматлашга — «сиз»лашга ўтган эди.

Пешин ҳордиғидан кейин бир муддат боғ айланиб келиб, тўмба устида кичкина бир қутича кўрди. Олиб очса, қўл соати экан. Оддий қўл соати, тилла суви берилган. Оддий эканига амин бўлиб, кўнгли тинчланди. Ким ташлаб кетганини ҳам тушунди. Анави дўлвор йигит, Маматқулов Чорибой, шунчаки мухлис, умидворлиги йўқ. Чиқимдор бўпти бечора. Қайтариб берсинми? Йўқ, ўлганда ҳам олмайди. Соат бермаганман, деб мункир келиши ҳам мумкин. Анойимас уям, ўшанда, бизниям у томонларга қўярмикан деб «чўчиган» пайтидаёқ сезилувди, демак, Яхшибоевнинг чиқишини пойлаб тургану келиб тўмбага қўйиб кетган.

Маматқуловнинг қайси палатада ётишини аниқлаб, ўша заҳотиёқ телефон қилди:

— Чорибой ука, — деди, — менга пора опкелган экансиз?..

— Йўғ-э, домлажон! — деди Маматқулов лаққа тушиб. — Ўзимнинг пулимга олдим, домлажон.

— Мен сизнинг соатингизга зорманми?

— Кечиринг, домлажон!.. Тушунамиз, унчалик қимматидан эмас, лекин азбаройи ихлосимиз туфайли бу, домлажон. Тилласига қарздормиз энди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тўнка экансиз, Чорибой, — деди Яхшибоев. — Менга тилла соат бериш учун пора олишингиз керак.

— Бизда у одатдан йўқ, ишонинг, домлажон! — деди Маматқулов куйиб-пишиб. — Ишонмайсиз, бизди хотин олишимиз жуда қизиқ бўлган, биз хат ёзайдик, кейин укамиз хатди янгасига олиб кетайди. Сизди китобингизнинг ичига солиб оборайди!.. Эсда қолган-да, домлажон!..

Маматқуловнинг ўз шевасига ўтгани Яхшибоевни анча юмшатди. Бир муддат индамай турди, узрнинг давомини эшитди, сўнг жилмайиб туриб сўради:

— Поездга пул қолдими ўзи?

— Поездга етади, домлажон. Лекин бизди соатни олинг. Ўзингиз тақмасангиз, ўғиллар тақар...

— Минбаъд бунақа номаъқулчиликни қилманг энди, — деди Яхшибоев.

Кейин, Маматқуловнинг ғалати қилиғини ўйлаб ўтириб, совғани барибир қайтаришга аҳд қилди. Эгнига халатини илиб, чўнтагига соат солинган қутичани ташлаб, иккинчи қаватга тушди. Маматқуловни палатасидан топмади. Шериги ўринда ётган экан, ҳозир чиқиб кетди, деб айтди. Яхшибоев пастга, ҳовлига тушди. Маматқуловни гулзор атрофига қўйилган харракда кўрди — ёнида бир аёл, секин гурунглашиб ўтирган экан. Яхшибоевни кўриб, кўзлари олазарак бўлди.

— Домлажон, — деб пешвоз эди. — Келинг, домлажон... Биз бу ёқда Қурбоной опамиз билан гаплашиб ўтирган эдик...

Яхшибоев Қурбонойни уч йилдан бери кўрмаган эди. Юзида қон қолмаган, аввалги жуссасидан асар ҳам йўқ, чўпдай бўлиб ўтирибди. Ранги синиқ, кўзлари сўник, дарди ёмонга ўхшайди.

— Қурбоной қизим! — дея хитоб қилди. — Ўзингизмисиз?

— Мен, — деди аёл ҳазин овозда. — Танимадингизми, Назар Яхшибоевич, одамлик сиёғим кетиб қолибдими?

— Йўқ, қизим, танидим, танимай худо урдими! — деди Яхшибоев аёлнинг таънасига парво қилмай. — Сал озибсиз, холос. Лекин озғинлик сизга ярашади, ўзиям, танишган пайтимизда самбитдай қиз эдингиз-да!..

— Сизга бас келиш қийин, Назар Яхшибоевич, — деб ночоргина жилмайди аёл. — Мана, мениям бу ерга опкелишди.

— Бу ер жуда яхши жой, — деди Яхшибоев уни ортиқ гапиртирмай. — Сиздай машҳур аёлни опкелишгани яхши-ю, лекин мени хабардор қилишмаганига тушунолмай қолдим. Ё бизнинг обрўйимиз шунчалар тушиб кетдими, Қурбоной қизим, қадрдонларни шунчалар тез унутадиган бўлиб қолдингизми?

— Бутун ҳовлига чиқишим, — деди Қурбоной. — Уч кундан бери қимир этмай ётувдим.

— Шамоллабсиз-да, Қурбоной қизим?

— Далани сал дорилашган экан, билмай, муддатидан олдин оралаб қўйибдилар, — деди Маматқулов.

— Ҳай-ҳай, қизим, пахта илмини сувдай ичган одам ҳам шундай қиладими? — деб куюнди Яхшибоев. — Қалай, энди тузукмисиз?

— Тузукдайман... Қайт қилишим тўхтади.

— Э, сизга чўт эканми, отдай бўп кетасиз!..

— Айтганингиз келсин. У ёқда куёвингиз ҳам илҳақ бўлса керак, пахта пишган пайти, бир ўзи далада... ҳосилни кўзи қиймайди...

Яхшибоев аёлнинг киртайган кўзларига тикилиб ўйладики, дард дегани ёмон нарса, одамни бир зумда ўзгартиб қўяди, ахир, уч йил олдин мажлисда кўришган пайтимизда, мени тузукроқ танимаган қаҳрамон хотин шу Қурбоной эмасмиди? Минбардан қарсиллатиб гапириб, икки юз тоннадан терган йигитларни уялтириб, маррани минг тоннага элтмоқчи бўлган ҳам шу эмасми? Маррани айтганига элтди, ортда неча-неча теримчи қизлар шармандаи шармисор бўлиб қолди.

Қурбонойнинг кўзларида ғусса бор эди. Илгари бошқача эди бу кўзлар. Узоқни кўзларди улар. Чақнаб, чарақлаб турар эди. Қиз пайтида ҳам, кейинчалик ҳам, дейлик, бундан беш йилча муқаддам, каттакон мажлисда, Қурбоной Яхшибоевни танишни истамаган пайтда ҳам ёниб турар эди. Яхшибоевга унинг кўзлари бошдан ёққан. Ёзган мақоласининг номи ҳам эсида: «Юлдузни кўзлаган қиз...» Башорат қилган экан, Қурбонойи тушмагур ўн йилча ҳам ўтмай кўксига юлдуз тақди. Икки юзлик маррасини унутиб, уч юзга чиқарди, шодлик ва ҳазил аралаш Яхшибоевга телеграмма жўнатдики, Назар Яхшибоевич, сиз айтган юлдузларнинг бирини олдим, деб...

Кейин яна бир юлдуз олди. Лекин улар энди кўринмайди. Чамаси, уйда, кўчалик пўрим кийимларининг кўкрагида қолган. Энди ўзи касалхона кийимида, кўзлари киртайиб, довруғини унутиб, шунчаки бир бемор хотин бўлиб ўтирибдики, қараб раҳминг келади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Чорибой ука, — деди Яхшибоев раис йигитга. — Қурбоной опангиз билан танишиб кўп яхши иш қилибсиз, сўраб кўринг-чи, балки шаҳарда майда-чуйда ишлари бордир?

— Бажонидил, — деди Маматқулов. — Бозорга чиқиб келайми, опа?

— Раҳмат, ҳамма нарса етарли, — деди Қурбоной. — Энди мени тепага опчиқиб қўйинг, этим жунжикяпти.

Яхшибоев Маматқуловни кеткизиб, аёл билан озгина холи гаплашмоқчи эди, лекин доғда қолди. Қурбоной ё унинг ниятини пайқамади, ё гаплашишни истамади. Ўрнидан туриб, раиснинг қўлига таянди. Иккovлашиб корпус эшигига қараб секин юриб кетишди...

VIII БОБ

Қиссанавис

Район маркази жуда обод экан. Боғ-роғларини айландик, топилмайдиган китоблардан сотиб олдик. Маориф қўявермаганидан кейин мактаблардан бирида учрашув қилдик. Кўпроқ Яхшибоев гапирди. Районни мақтади, одамларини, табиатини, мактабларини... Гаплари ҳаммага ёқди. Қарсак чалиб олқишладилар. Ўйлаб қарасам, Яхшибоевнинг тутган йўли анча жўн, лекин жуда жўяли экан. Адабиётдан сўз очмади ҳисоб. Одамларнинг кўнглидаги гапларни топиб, сал куюниб, аммо қуюшқондан чиқмасдан, дейлик... ёлғондакам илғорлар ҳақида гапирди, кейин пахтакорнинг меҳнатига ўтди. Айтдики, бу иш — дунёдаги энг оғир иш, катталарнинг ҳам тинкасини қуритади, лекин теримга суяги қотмаган болаларнинг жалб этилишига асло чидаб бўлмайди, негаки, яна ўн беш-йигирма йилдан кейин жамиятнинг бор оғирлиги бугунги мактаб ўқувчиларининг елкасига тушади, токи биз уларнинг миясини юксак илмлар билан тўйинтирмас эканмиз, келажакда нуқул чаласавод одамларга кунимиз қолади. Бу ҳол — мантиққа ҳам, сиёсатга ҳам зид.

Унинг нутқи ўқитувчиларга ҳам, ўқувчиларга ҳам, учрашувга келган ота-оналарга ҳам бирдай ёқди. Менинг ўзимга ҳам ёқди. Яхшибоевга ҳавасим келиб ўтирдим. Рости, кейинги пайтларда унинг прозани ташлаб қўйганига, ўзини нуқул очеркларга урганига

ачиниб юрардим. Энди билсам, у танлаган йўл ҳам тўғри экан, очерк дегани одамларнинг кўнглига тезроқ етиб бораркан.

Учрашув тугаб, меҳмонлик иззатимиз ҳам битиб, райондаги ўртоқлар катта йўлдан бирор ўн чақиримча кузатиб қўйгач, яна иккимиз ёлғиз қолдик. Вақт пешинга оғиб борарди. Узоқда тоғлар қорайиб кўринади. Довон бор у ёқда. Ўша довондан ўтсак, Ўртақўрғонга секин тушиб борамиз. Довондан кўп марта юрганман. Тепасига чиқиб қаралганда, у ёқдаги воҳа нақ косага ўхшаб кўринади, сабабки, воҳа ортида ҳам баланд тоғлар бор. Улкан коса устида кўкиш ҳовур сузиб юради.

Пастга тушилгач, кўкиш ҳовур тарқалиб кетадию узоқлардан Ўртақўрғон шаҳрининг осмонўпар минораю гумбазлари ярқираб кўрина бошлайди.

Кайфиятим зўр эди. Кайфиятим зўрлигига Яхшибоев сабабчи эканини билардим, унга миннатдорлик билдиргим келарди. Лекин бировни ошиқча мақтаб ўрганмаганимданми, лутфим сал сийқароқ чиқди:

— Юртимизни яхши биларкансиз, Назар ака, ҳаттоки шаршарасиям эсингиздан чиқмаганини!..

— Қанақа шаршара? — деб сўради Яхшибоев тузукроқ тушунмай.

— Кеча айтдингиз-ку, шаршарага борамиз, деб?..

— Ҳа, у шаршарами, — деди Яхшибоев, сўнг кулди: — Таваккалига айтувдим, Саидқул ука. Тоғ бағридаги район бўлганидан кейин, қаеридадир шаршараси ҳам бўладида!..

— Йўғ-э, — дедим, — ахир, ёнидаги уйчаларини ҳам айтиб бердингиз-ку?

— Қизиқмисиз, Саидқул, — деди Яхшибоев баттар кулиб, — ахир, нечанчи асрда яшаяпмиз, эсингиздами шу? Ахир, табиатида шаршара бўлгандан кейин, ўша жойда истироҳат қиладиган уй-пуйлари ҳам бўлади-да! Пионер лагерлари, спорт лагерлари, дам олиш уйлари... бунақа нарсалар ҳар дарада тиқилиб ётибди! Умуман, агар билмоқни истасангиз, менинг бу районга биринчи марта келишим. Ёнидан ўтиб кетардим, лекин ичкарисига кирганим йўқ.

— Ахир, бизни кутиб олишди-ку, Назар ака?..

— Кутиб олишгани рост, — деди Яхшибоев. — Бир дўстимиз қаттиқ тайинлаган экан. Исмини айтишим шарт эмасдир?..

Ортиқ синчковлик қилиб ўтирмадим. Ўзимча, бизнинг бу тарафларга кетишимизни айтиб илтимос қил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган бўлса, балки союздагиларнинг бирортаси хабар бергандир-да, деб ўйладим.

— Кутиб олишмаса тузук экан, — дедим. — Одамларни ташвишга қўйиб нима қилдик.

— Озгина сабр этасиз, Саидқул, — деди Яхшибоев. — Бизни яна бир жойда кутиб олишади. У ёғи Ўртақўрғон билан Булдуруқда фақат иккимиз юрамиз. Эрталаб қўнғироқ қилувдим. Агар кирмай кетсак, кейин бошимиз таънадан чиқмайди. Ғаройиб йигит, мард-у, ўлгудай тўпори... Дарвоқе, лақабиям ўзи шунақа.

— Ким экан у?

Яхшибоев машҳур бир раиснинг номини айтди.

— Ахир, у бошқа областда эмасми?

— Ораси бир қадам, — деди Яхшибоев. — Сал юриб, чапга буриламиз, нарёғи — икки юз километр.

— Қадамингиз йирикроқ экан, — деб кулдим. — Икки юз чақирим-а!..

— Гингшиманг, Саидқул. Оборсам, кейин хурсанд бўласиз. Билсангиз, Тўпори ҳақида турли гаплар юради, биров ундай дейди, биров бундай... Лекин ўзи жуда ғайратли йигит. Ишларини кўрсангиз, оғзингиз очилиб қолади. Тоғларга йўл чиқарган, каналлар қазган! Лекин озгина ўзбилармонлиги бор, шуниси айрим ўртоқларга ёқмайди.

Раиснинг ишларини мен ўзим ҳам кўп эшитган эдим. Яхшибоевнинг у ҳақда ёзган очеркларини ҳам ўқиганман. Лекин дунёда нима кўп — машҳур раислар кўп, шулардан биттасини деб тўғри йўлдан четга қайрилишимиз оғир ботди.

— Бормайлик, Назар ака, — дедим. — Ўртақўрғон билан Булдуруқни келишувдик, лекин Тўпори маршрутимизда йўқ эди.

— Сабр қилинг. Ҳозир чапга қайриламиз.

Бирор чақирим юриб, серқатнов катта йўлдан чапга бурилдик. У ёғига кўзим илинибди. Уйғонган пайтимда серҳашам бир ошхона ёнига бориб тўхтаган эканмиз. Яхшибоев машина моторини ўчирди, сўнг:

— Шу ерда андак кутамиз, — деди, кейин ошхона олдига кўра қурган кабобпазни кўрсатди. — Анави боладан сўраймиз, балки Тўпори шу ерда чиқар?..

Машинадан тушиб, кабобпазга рўпара бўлдик. Яхшибоев ундан гап сўради. Кабобпаз ишини ёрдамчисига топшириб, бизни ошхона ортига, ҳовуз атрофига гирд экилган қайрағочлар соясига бошлади.

— Ҳозир кеп қоладилар, — деди. — Ўтириб туринглар, мен ҳозир чой юбораман.

У яна жойига қайтди. Қораси ўчиши билан Яхшибоев секин шипшитди:

— Тўпорининг «агенти» бу. Қурмагур ким келаётганини икки соат олдин билади. Телефон қилади чоғи-да. Тўпорига тус жиян бўлади.

— Бу ёғи неча соатлик йўл?

— Соатини сўраб нима қиласиз, Саидқул, — деб койиди Яхшибоев, сўнг кабоб кўтариб келаётган йигитга ишора қилди. — Биров сизни кет деб қистамаса, хурсанд бўлиб кутиб олса, озгина маишат қилсак қилибмиз-да, Ўртақўрғон бир жойга қочиб кетадими?

— Хуш кўрдик, меҳмонлар, — деди кабоб кўтариб келган қорамағиз йигит. — Йўлда ҳориб-нетиб қолмадингларми?

— Отдаймиз, — деди Яхшибоев. — Ўзинг қалайсан, Неъматжон болам?

— Юрибмиз-да, Назар ота, — деди Неъматжон. — Тезда иссиқ жигар опкелишади, ҳозирча жўнроғидан еб туринглар.

— Ҳаяллаб қолмаймизми?

— Йўқ, бир пасда тайёр бўлади. Қалай, озгина коньякдан ҳам опкелайми?

— Рулдаман, Неъматжон болам, рулдаман. Лекин бу ёқ... Саидқул акангиз тусасалар, унда — майли, опкелинг...

— Қизиқсиз-а, Назар ота, — деди Неъматжон, — энди кўргандай гапирасиз. Мен турганда сиз машина ҳайдайсизми?

— Тўғрику-я, лекин ўзингизнинг машинангиз нима бўлади?

— Униям ҳайдайдиган одам топамиз.

— Бўлмасам, Неъматжон болам, яна бир топшириқ бор. Токи раис келгунча бизнинг нозимизга чидайсиз энди. Жигарга борадиган одамга айтинг, ҳисори қўйникидан олсин, ҳисори қўй бўлгандаям, даштда боқилгани бўлсин!

— Пахтакорнинг ҳисорисини менсимайсиз-да, Назар ота! — деб кулди Неъматжон.

— Даштники тузукроқ, болам. Ўт-ўлани тозароқ. Қариган жонимизни сал аямасак бўлмайди. Топшириғимиз шу.

Неъматжон «топшириқ»ни бажаргани кетди.

— Тавба, — дедим мен, — жигарнинг жигардан фарқиям бўларкан-да?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бўлади, — деди Яхшибоев. — Бўлмаган тақдирда ҳам, худди бордай қилиб гапириш керак. Токи меҳмоннинг қадри ошади, яъники давра кўрганингиз билинади.

Беихтиёр кулиб юбордим. Ростдан ҳам, бу Яхшибоев деганлари анойи одам эмас экан. Ҳамма балони билади, ҳар қандай шароитда ҳам топқирлик қилади, умуман, унга бас келиш қийин — ё чийратиб қутулади, ё шундай чувалтириб ташлайдики, ипнинг учини топгунча она сутинг оғзингга келади.

— Сизга ўхшаганлар мени кўпда менсимайди, Саидқул ука, — деди Яхшибоев сихлардаги кабобни санчқи билан ликобчага тушираркан. — Лекин ўзлари сигир сути билан эчки сутининг фарқига бормайди. Мана, сиз, фарқига борасизми?

— Йўқ, — деб тан олдим.

— Жайдари қўй билан қоракўл қўйининг гўштини фарқлайсизми?

— Йўқ.

— Яхшибоев ҳаммасини фарқлайди, чунки унда тажриба бор, чунки у элга кўп аралашади. Яқинда бир зоминлик ғаддор устозини тандиркабоб билан сийлабди. Устози бир ҳафта касал бўлиб, зўрға ўзига келибди. Қани, ўша шогирд менга дуч келсин-чи, эчки гўштини унинг ўзига едирардим!..

— Асли ошпаз бўлсангиз бўларкан... — деб киноя қилдим.

— Чақмай қўяқолинг, Саидқул, барибир нишингиз ўтмайди, — деди Яхшибоев, сўнг бир муддат сукут сақлади, ликобчага туширган жазларини паққос тушириб бўлди, сўнг айёрона жилмайди. — Ошпазлик — шунчаки бир эрмак. Агар хоҳласам, мендан зўр ёзувчи ҳам чиқарди.

— Зўр ёзувчисиз шекилли?..

— Ана холос! Яна чақяпсиз, Саидқул ука. Ахир, кўр эмассиз-ку, менинг нечоғлик зўрлигимни кўрмасангиз? Анави мени нуқул мақтайдиган чала академикларга ҳам ўхшамайсиз, озгина бўлса-да виждонингиз бор. Зўр эмаслигимни ўзим ҳам биламан. Лекин ихлос қилсам, ҳаммадан зўр бўп кетардим. Афсуски, ялқовлик қилдим, майда-чуйда ғийбатларга берилдим, бировни бировга қарши қайрадим — хуллас, умрим ўтиб кетди. Аммо, ишонинг, мен билганни биттангиз ҳам билмайсиз.

Тентаклик қурсин, шу жойда менинг ҳам худбинлигим тутди. Гўё Яхшибоевдан қаттиқ ҳақорат эшитгандай, секин «писиллатдим»:

— Қанақасига зўр ёзувчи бўлардингиз, Назар ака? Сигир сути билан эчки сутини бошқалардан тузукроқ фарқлаганингиз учун эмасми?

— Эҳтимол, — деди Яхшибоев. Қизишмади, менинг аччиқланганимга шунчаки жилмайди, холос. — Эҳтимол, именно шу хислатим учун, яъники, сигир сути билан эчки сутини бошқалардан тузукроқ фарқлаганим учун ҳам энг зўр ёзувчи бўлардим. Агар барча билганимни шунчаки, катта гояларни ўртага тиқиштирмасдан, оддий ва жўн қилиб қоғозга туширганимда ҳам... ҳаммангиздан ўзиб кетардим!..

— Бўлмаса, нега?..

— Негалигини ўзим ҳам билмайман, — деб сўзимни илиб кетди Яхшибоев. — Йўқ, сабабларини англаш мумкиндай... Энг каттаси — меҳнатдан қочганим... Мен бошдан ялқов эдим, Саидқул. Жўрабоши бўлиб ўрганиб қолган эканман. Сиз билмайсиз, бир замонлар Ўртақўрғон безориларига бошлиқ эдим, дахма оғзида ўтириб, киссавурлардан «ўлпон» йиғардим.

— Билардим, Назар ака. Шоқул деган безори билан андак «ошна» ҳам бўлганмиз.

— Жўрабошиман мен, — деди Яхшибоев, кулмоқчи бўлди, лекин эплай олмади, шунчаки лаблари жийрилди, холос. — Кейин менда журъат етишмади.

— Журъатли очеркларингиз бор-ку? — деб эътироз билдирдим мен.

— Уларнинг тарихини билмайсиз, ука. Баъзиларини бировлар ёзиб, менинг номимни қалқон қилишган. Ўзим ёзганларим эса... аввал рухсат олиб, кейин ёзилган... Яъники, менга журъат этишга р у х с а т беришган!.. Қўйинг, Саидқул ука, дардимни қўзғаманг. Ўтиринг, енг, ичинг, лекин гап сўраманг!..

Неъматжон чой келтирди. Кейин чўнтагидан бир шиша коньяк чиқариб, стол остига қўйиб кетди. Яхшибоев шартта шишани олиб, оғзини очди, пиёлаларга секин қулқиллатиб қуйди:

— Озгинадан оламиз, Саидқул ука. Менинг дардимга парво қилманг, шуни олайлик, балки кейин зўр бўп кетарман... Ҳалиям кеч эмас, нима дедингиз?

— Унақа деманг, Назар ака, бирор ўнтача яхши ҳикояларингиз бордай.

— Бордай эмас, бор, — деди Яхшибоев. — Бирор ўттиз йил олдин ёзилган. Лекин кейин прозага қўл урмадим ҳисоб... Нуқул очерка, нуқул очерка... Жонимгаям тегди бу очерка!..

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Проза ёзинг, ким қўлингиздан тутиб турибди?

— Эсдан чиқиб кетган у гаплар, ука. Ёзишга уриниб кўришим мумкин, лекин эплашимга кўзим етмайди... Пишиқроқ таҳрирчи керак.

— Ўзимиз таҳрир қиламиз, — деб юборганимни билмай қолдим.

— Келишдик, — деди Яхшибоев. — Тузукроқ нарса ёзсам, албатта сизга таҳрирга бераман. Қани, бўлажак ҳамкорлик учун биттадан олайлик!

Олдик. Кейин, гапимиз юришиб кетиб, яна биттадан олдик. Неъматжон кабобнинг совиганини олиб кетиб, қайтадан қиздириб келгач, боз биттадан... ҳисори қўйнинг жигаридан қилинган кабоб ортидан ҳам биттадан... Тиллардан тушов тамом тушиб, адабиёт ҳақидаги гапларни бас қилиб, боражак манзилимизга ўтдик.

— Тўпори ғалати йигит, — деди Яхшибоев. — Ҳозир бошида гап айланган кўринади. Одам қанчалар машҳур бўлса, ғанимлари ҳам шунча кўп бўлади. Энди унинг кўнглини кўтармасак бўлмайди. Тўпори яхшиликни унутадиган йигитлардан эмас, Саидқул ука. Қўполлиги бор-у, лекин юраги нозик. Асл деҳқон фарзанди, қувлиги ҳам ўзига яраша. Лекин қувлиги учун айблаб бўлмайди, хўжалиги катта, шундай катта хўжаликни эплаш учун озгина айёрлик ҳам керак. Айёр тулки бўлиш керак бундай ҳолларда!..

Шу пайт ёнгинамиздан шарақлаган кулги эшитилди:

— Ёлғон айтяпсиз, Назар ота, бу ерларда тулки қолмаган!..

— Э, ана, ўзиям кеп қолди! — деб хитоб қилди Яхшибоев. — Тўпорилиги ёлғон бунинг, гап пойлашидан билаверинг, доғули бу!..

Ўгирилиб қараб, эллик ёшлардаги бир кишини кўрдим. Устида чанг босган пуфайка, оёғида латта этик, юзи офтобда қорайган, ҳаттоки озгина тўрлаган, лаблари йирикроқ, туяникига ўхшаш катта-катта тишларини ярқиратиб, кулиб турарди.

— Агар яна шунақа ғийбат қилганингизни эшитсам, бас, йўлдаги укаларга тайинлаб қўяман, сизни бу вилоятга қўйишмайди! — деб кулди у Яхшибоевга қараб. — Хуш кепсиз, Назар ота, хайрият-э, сизниям кўрадиган кун бор экан!

Икковлари иссиқ қучоқлашди. Кейин раис менга ҳам қўлини чўзди.

— Саидқул Мардон бу киши, — деди Яхшибоев. — Ўзимизнинг одам.

— Ўзимизнинг одам бўлса тузук экан, — деди раис менга илтифот билан илжайиб, сўнг ошхона тарафга овоз берди: — Бир қараб юбор, Неъматулло!

Неъматжон лаҳза ўтмай ёнимизда ҳозир бўлди.

— Таомни жуфт қилмабсан-ку, — деб таъна қилди раис. — Ё сенга ҳар гал ўргатишим керакми?

— Шўрва қўйиб юбордим, раис бува.

— Э, сени қара-ю, — деб баттар койинди раис. — Ахир, меҳмонлар шўрвани уйида ҳам ичишади. Бундоқ мияни ишлатмайсанми? Бор, нодон, анави тўрингни опкел!..

Неъматжон хижолат чекиб, ортига тисарилди. Раис гўё ҳеч гап бўлмагандай, Яхшибоевга кулиб қаради:

— Ҳозир тўр опкелади, бир балиқчилик қиламиз, Назар ота! Шу яқин йилларда гулмоҳи еганмисиз? Ҳозир ейсиз, манави ҳовузга мингтасини солиб қўйибман! Атай сиз учун!

— Лофчисиз, тўпорисиз! — деди Яхшибоев ишонмай. — Гулмоҳи ҳовузда яшамайди, тоғдаги дарёларда бўлиши мумкин.

— Гаров бойлашамизми, ютқизсангиз мен ўзим тўлайман?..

— Кимга тўлайсиз, ўзингизгами?

— Э, бунақада бўлмас экан... Хай майли, Саидқул Мардон акага!..

— Ишондим, — деди Яхшибоев. — Сирингизни айтинг энди.

— Сирим шуки, тоғдан трубада сув опкелганман, — деб жилмайди раис. — Сиз мени оми деб ўйлайсиз, лекин мен зўр ирригаторман. Ўша сув қирқ чақирим наридан келиб, шу ҳовузга қуйилади. Нарёғи тутзорларга чиқиб кетади. Билсангиз, бу ҳовузда балчиқ йўқ, Назар ота! Тагига тоза қум тўшалган, тушаётган суви ҳам зилол, хўш, балчиқ қайдан пайдо бўлсин? Лекин гулмоҳиси бор, Назар ота, атай сизни шу ерга қўнади деб урчитганман!..

— Балли, Тўпори ука!

Яхшибоев раисни лақаби билан атаганда сал ғалати бўлиб кетдим. Одамга эриш туюларкан. Лекин раиснинг ўзи заррача хафа бўлмади, шундан билдимки, буларнинг орасида жуда яқин, русларнинг таъбири билан айтганда, биргаликда бир пуд туз тотишган.

Базмимиз анча узоқ чўзилди. Бу орада ҳовуздан гулмоҳи тутилди, қовурилди, келди. Рости, бу балиқнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

таърифини кўп эшитиб-ўқиб юрардим-у, лекин мазасини билмас эдим — таърифидан минг чандон ўтиб тушаркан.

Ўша тун Тўпорининг қишлоғига жўнаб кетдик. Колхознинг меҳмонхонасига қўндик. Эрталаб турсак, қоровул чол, қўлида иккита паҳмоқ сочиқ, елка ишқайдиган «мочалка», ҳаммомга таклиф қилди. Биз ҳаммом қилиб чиққунча чорпояда нонушта ҳам тайёр турган экан. Чой устида Яхшибоев менга тегишди:

— Сиздан угина, биздан бугина, Саидқул, — деди. — Мана, биз сизга укаларингизни топиб бердик, энди сиз ҳам бир яхшилик қиласиз.

— Тиланг тилагингизни!.. — дедим мен ҳам.

— Йўқ, — деб кулди Яхшибоев, — бўлмас экан, Саидқул, айтардим-у, лекин таъмага ўхшаб қоларкан.

— Айтаверинг, Назар ака.

— Сизга Тўпори маъқул бўлдими?

— Қизиқ одам экан, — дедим. — Умуман тузукдай...

— Агар ёққан бўлса, шуни битта очерка қиласиз, Саидқул ука.

— Ўзи ёққани билан иш битмайди, иши ҳам ёқиши керак. Иши ёқса, албатта ёзаман.

— Раҳмат, Саидқул, — деди Яхшибоев. — Мен ёзсам бўлмасди, эскидан ёзиб юрган одами, ёзганини бот ҳимоя қиляпти, деб ўйлашарди. Қани, бўлмасам, Тўпорининг кабинетига борамиз...

Меҳмонхона жойлашган боғдан чиқиб, икки қаватли бинога етиб келдик. Идораси шу экан. Мени ҳайратда қолдиргани, идоранинг яланг жойда экани бўлди. Олдида бута тугул бир парча гулзори ҳам йўқ.

— Маккасини ўриб олибди, — деди Яхшибоев. — Шунақа қурумсоқ бу Тўпори. Гул экмайди, ахир, сигирлар гулга ишқивоз эмас-да... Лекин, айтиб қўяй, бу — унинг камчилиги, шу жиҳатларини рўй-рост танқид қилаверасиз.

Мен энди идора эшигига қараб бурилган ҳам эдимки, Яхшибоев қўлимдан тутди.

— Бу ердамас, — деди. — Идорада ўтирмайди у. Идорада ҳисобчилар ўтиради. Тўпорининг кабинети бошқа ёқда, мухбирлар тополмайдиган жойда.

Ҳайрон бўлдим. Лекин савол беришга улгурмасимдан, отларнинг кишнагани эшитилди. Очиқ дарвозадан ичкари кирдик. Отхона экан. Устига беда ғарам қилинган узундан-узоқ бир айвон, олд тараф ёғоч ғовлар

билан тўсилган, кета-кетгунча отларнинг тумшуқлари чиқиб турибди. Тўпорини чеккадаги бир туп оқ ўрик тагидан топдик. Ўша ерга стол қўйиб, нималарнидир ҳисоблаб ўтирган экан. Ёнида иккита телефон аппарати. Шундагина Яхшибоевнинг ҳазиллашмаганини сездим. Ростдан ҳам, Тўпорининг кабинети шу ерда — отхонада экан.

— Назар отадан қочиб қутулиб бўлмайди! — деди у бизга пешвоз чиқар экан. — Искабтопарнинг ўзи!

— Ўв бола, оғзингга қараб гапир! — дея дўқ урди Яхшибоев атай «сенсираб». — Искабтопар нимани топишини биласанми ўзи?

— Бир қошиқ қоним!.. — деб кулди Тўпори. — Тўпоримиз-да, Назар ота!

Кўришиб, ҳол сўрашиб, бахмал сирилган стол атрофидан жой олдик. Шу пайт ғов ортида иккита айғир қаттиқ пишқириб, бир-бирига оёқ кўтарди.

— Граф! — деб қичқирди Тўпори. — Меҳмонлар бор, жим бўл!..

Айғирлар бирдан жим бўлди-қолди. Тўпорига сал ҳайратланиб тикилдим чоғи, камтарлик қилишни лозим топди:

— Сайисхонамиз торроқ, Саидқул ака. Орада ғов бор, лекин тумшуқ чўзса бир-бирининг яғринига етади. Айниқса, Граф деганимиз ёмон. Тишлаган жойини узиб олади. Койиб турмасангиз бўлмайди. Граф қандни яхши кўради. Қанд бераётганда яхши гапираман, кейин, агар тўполон кўтарса, сал жаҳлансам, бас, қанд бермай қўяди, деб, жанжалини дарров тугатади. Зотли от, жудаям ақлли!.. Юринг, Саидқул ака, сизга бир мақтанай!..

— Мен бормайман, — деди Яхшибоев. — Отни энди кўраётганим йўқ.

— Сизни биров таклиф қилгани ҳам йўқ-да, Назар ота, — деди Тўпори. — Юринг, Саидқул ака.

Отлар турган жойга бордик. Бўз, жийрон, чавкар, қашқа, саман — хуллас, ҳамма туридан бор экан. Бариси совитилган, бариси чайир, сағрилари йилтирайдиган отлар.

— Йигирма бешта айғир бор бу ерда, — деди Тўпори. — Жами юзта. Пойгачиларини шу ерга йиққанмиз. Ҳозир сизга Графни кўрсатаман.

У айвон адоғига қараб кета туриб, ойнаванд оқ шкаф ёнида тўхтади. Эшигини очиб, «аптечка» деб ёзилган қутичани олди. Кулимсираб, қопқоғини кўтар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дию юзимга яқинроқ тутди. Кўрсам, ичи тўла чақмоқ қанд экан.

— Графнинг улуши.

Сал юриб, Графнинг ўзини ҳам кўрдим. Унинг бўлмаси бошқа отларникига нисбатан кенгроқ экан. Қўшни бўлмалардан ажратиб турган ғови ҳам қўшалоқ. Ўмгани кенг айғир, бўйни гажак, оёқлари узун ва ингичка. Табладаки шунчалар чиройли, пойгада қандай кўринаркан, деб ўйладим. Тўпори «аптечка»ни шкафга қўйиб, уч-тўрт чақмоқ қанд билан ёнимга келди. Граф олд тараф ғовга бақамти келиб, бўйнини чўзди, лабларини қимирлатди. Тўпори қандни кафтига қўйиб едирди.

Шу пайт рўпарадаги устунга телевизор осилганини пайқадим.

— Буям бир тентаклик-да, Саидқул ака, — деб кулди Тўпори. — Граф тушмагур телевизор кўришни ёқтиради.

— Йўғ-э!

— Рост, — деди Тўпори. — Қараб тураверади. Лекин энг яхши кўргани нима, топинг-чи?

— Тополмайман, ўзингиз айтақолинг.

— Қозоқнинг дўмбирасини яхши кўради. Қулунлигида чопиб юрган дашти биёбонида эшитган бўлса керак-да.

Ғалати бўлиб кетдим. Дўмбира биргина қозоқда эмас, ўзимиздаям бор, деб ўйладим, ахир, мен ўзим ҳам... нуқул отамнинг дўмбирасини соғинаман-ку? Эсимда қолгани ҳам ёлғиз шугина-ку... Худо кечирсин-у, лекин қаршимдаги тулпор назаримда кичрайиб қолгандай бўлди. Йўқ, гапим эришроқ чиқди, аниқроғи, уни ҳам ўзимдай етим экан, деб хаёл қилдим. Йўқ, сал бошқачароқ... қанақалигини ифода этгали сўзим етмайди... Ўзимни шу отга менгзадим, деб айтсам ростроқ бўларди, лекин баттар кулгига қолишдан чўчийман.

— Отнинг турган-битгани фойда, Саидқул ака, — деди Тўпори. — Отбоқар ҳеч қачон гриппга чалинмайди, шуни эшитганмисиз?

— Йўқ.

— Унда эшитиб қўйинг. Сабаби шуки, гўнг ҳидини ҳидлаган одам касал бўлмайди, — деб кулди Тўпори. — Албатта, от жониворнинг гўнгини ҳидласа...

— Э, яшанг, — дедим завқим келиб, — бу, дейман, отнинг тезагиниям тилло қилиб юбордингиз!

— Арзийди-да, Саидқул ака!..

Гаплашиб, Назар ака ўтирган стол ёнига қайтиб бордик. Шу пайт хизматчилар патнисда чой-нон келтиришди. Вазаларда нок, олма, узум пайдо бўлди.

— Узумингизни йўқотинг, ука, — деди Яхшибоев қовоғини уйиб. — Ҳозироқ йўқотинг.

— Э, бу узум бошқа жойдан, Назар ота! — деди Тўпори, сўнг қотиб-қотиб кулди. — Парво қилманг, Саидқул ака, — деди менга қараб. — Бир гал айтиб берувдим, тиллахона ёнидаги узумнинг ҳосили мўлроқ, деб! Ҳеч эсидан чиқармайди!..

— Бу номард атай ўша жойга эккан, — деди Яхшибоев жаҳлдан тушмай. — Яна шуни айтиб мақтанганини кўрмайсизми? Эмишки, ҳосилдор эмиш, эмишки, битта ўзи еярмиш! Тўпорилик ҳам эви билан-да!.. Бир куни кўрсам, битта очеркачи бола буни мақтаб ёзаман деб, худди шу нарсани — ҳожатхона ёнидаги узумни ёзибди! Ёшлардаям уят қолмади, Саидқул ука, булар ҳожатхонани адабиётга ҳам олиб киради ҳали! Қараб туринг, аниқ олиб киради!..

— Қўйинг Назар ака, бошқа гап қуриб кетганми? — деди Тўпори сал жиддий тортиб. — Келинглар, уят-уят гаплардан гаплашиб ўтирайлик!

Кутилмаганда Яхшибоев қийқириб юборди:

— Ўлманг, уккағарнинг боласи, Тўпори! — деди тиззаларига шапатилаб. — Сизнинг шу одатингизни яхши кўраман! Қалай у, ҳалиям тирикми? Уят-уят гаплардан гапиряптими?..

Мен, гапнинг рости, ҳеч кулолмадим. Чамаси, буларнинг х о с ҳазили эди бу. Анграйиб ўтирганимни кўриб, Яхшибоев кулгидан тўхтади, кўзёшларини сидириб олиб:

— Ҳозир, Саидқул ука, — деди. — Ҳозир айтаман. Буларда бир юмшоқ феъл раис бор. Колхозда раис, Оти Жониқул. Жуда мулойим одам. Оғзидан шалоқ гап чиқмайди. Бечоранинг бир айби шуки, ижрокомнинг раисидан қўрқади. Ижроком раиси ўзи сал бемазароқ. Юрган йўлида қилиқ кўрсатиб юради. Ҳали бўшаб кетмадими, Тўпори ука?

— Ҳозирча турибди, — деди Тўпори. — Лекин таги маҳкамроқ кўринади.

— Парво қилманг, бўшатиб юборамиз, — деди Яхшибоев. — Тошкентга ўтганда бир ёдимга солинг...

— Майли, юраверсин, Назар ота...

— Юрмайди, — деди Яхшибоев кескин қилиб. — Ёдга солиш эсингиздан чиқмасин. Хўш, энди ҳалиги

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жониқулга қайтайлик... Ижрокомдан қўрқиши шунчаликки, ҳаттоки ғийбатига ҳам аралашмайди. Ижроком ҳақида булар роса латифа тўқишади. Бир куни даврада ижрокомни латифага қўшишган экан, ҳалиги мулойим раис дарров ўзини олиб қочибди. Айтармишки, келинглар, жўралар, сиёсатни қўяйлик, уят-уят гаплардан гаплашайлик, деб!..

— Ўзи уят гап нималигини билмайди! — деб, қотиб-қотиб кулди Тўпори. — Мусичадай одам, хотинларгаям сизлаб гапиради.

— Тўпориликни кўрдингизми? — деб кўз қисди Яхшибоев. — Аёлларни сизлаш бу бандага кулгили туюлади.

Шунга қолганда мен ҳам ўзимни тутиб туролмадим. Яхшибоевнинг гапида ростдан ҳам жон бордай эди. Лекин Тўпори парво қилмади, яна хохолаб кулишга тушди.

— Ижроком қалай? — деб сўради Яхшибоев. — Янгироқ латифалардан борми?

— Бор-у, лекин кулгилимас, — деди Тўпори. — Ҳозир у киши шиорга ружу қўйганлар. Районда алвон илинмаган гўша қолмади ҳисоб.

— Яхшилари ҳам бордир?..

— Кеча айтишди, қабристоннинг тепасига «Хуш келибсиз!» деб ёзилган эмиш.

— Аҳмоқми у, ука? — деди Яхшибоев кулгисини йиғиштириб. — Мияси чайқалгани йўқми, ишқилиб?

— Тўнка у, — деди Тўпори. — Буйруқни берадию жойидан жилмайди. Кадрларига ҳаддан ташқари ишонади, кўчага чиқса эди, балки ўша қабристон устидаги ёзувга ҳам кўзи тушарди.

— Балки ёлғондир? — деди Яхшибоев. — Тағин буям латифа бўлмасин?

— Қанақасига латифа бўларкан! Райком секретари бориб, ўзи олиб ташлаган эмиш!..

— Барака топсин, ақлли йигит экан...

— Ақлли йигит-у, лекин сал қайсарлиги бор, — деди Тўпори. — Гапга кирмайди.

— Балки сиз ўзингиз қайсарроқдирсиз? — деди Яхшибоев. — Билиб қўйинг, сиз эмас, у сизга раҳбар. Гапига кўниш керак.

— Кўнамиз, Назар ота, кўнмай иложимиз қанча, — деб гудранди Тўпори, сўнг отхона четида ғарам бузаётган сайисларга қараб қичқирди: — Опкелинглар иккиучтасини!..

Зум ўтиб, сайислар учта отни эгарлаб келишди. Граф деганини дарров танидим, абзал остида баттар очилиб кетибди, юганлари кумушдан, тилла бўлиб ёнаётган мис узангилар... Беихтиёр достондаги сатрлар эсимга тушиб кетди: «Соқибулбул найча қўйиб қараса, Ғиркўкнинг қирқ қулочлик қаноти қирқ букланиб ётган экан...»

— Минсак бўладими, раис ука? — дедим. — Ё шунчаки кўрсатиб, кўзимизни ўйнатасизми?

— Э, мининг, Саидқул ака! Фақат юввошроғига мининг, ташлаб кетмасин тағин...

— Графни берсангиз, юввошми шу от?..

— Юввош, юввош... Сиз-чи, Назар ота, оёқнинг чигилини би-ир ёзмайсизми?

— Йўқ, — деди Яхшибоев. — Биз вақтида отни кўп минганмиз, майли, Саидқул суворий бўлақолсин...

Графни ёнимга етаклаб келишди. Эгари баланд экан. Бўйим расо эмаслигидан, ким билсин, неча мингинчи бор куюниб, секин узангига оёқ юбордим. Эгарнинг қошидан ушлаб, ўзимни тепага олганимни биламан, от турган жойида бир сапчиди. Зўрға ўзимни тутдим. Жиловни қўйиб юборишмаган экан, пайтдан фойдаланиб, узангини бир-икки айлантириб, оёғимга мослаб, сайис узатган қамчини қўлга тутдим.

— Э, Авазхон бўп кетинг-э, Саидқул! — деди Яхшибоев чапак чалиб. — Ярашди, лекин, от ярашди!..

— Балки мен отга ярашгандирман? — деб ҳазиллашдим.

— Э, суриштирманг, икковингиз ҳам зўр!.. — деб хитоб қилди Тўпори.

Ҳовли дарвозаси очиқ эди. Ўша тарафга бурдим. Сайислар отнинг жиловини қўйиб, ҳар бири биттадан отни миниб, ортимдан ҳайдашди. Улар минган отлар сал майдароқ туюлди. Эҳтимолки, юввошроқ ҳам бўлса...

Граф йўрға эдими, йўқми — бунисини билолмадим. Чавандоз халқи яхши билади, йўрға билан юғурик ўртасида йўртоқ деган бир юриш ҳам борки, ўрганмаган одамнинг ичини тўкиб ташлаши ҳеч гап эмас. Айғир айни ўша юришдан бошлади. Бунда ҳам уста чавандоз йўл топиши осон. Йўртоқнинг давоси шуки, вазнни эгарга эмас, узангиларга ташлайсиз. Афсуски, Графнинг узангилари барибир узунлик қилди (оёғим калталик қилди, деб айтишга худбинлик қўймайди). Ноилож отнинг жиловини бўшатдим. Изн текканини сезди чоғи,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Граф йўртоғини йиғиштириб, сал тезлади, яна бўшатувдим — кўпроқ тезлади... Бир маҳал қарасам, асфальт кўчада кетяпмиз, ёнимиздан тераклар лип-лип ўтиб боряпти, тезлик шундайки, эгардан учиб тушсам, омон қолишим даргумон. Шартта жиловни тортдим. Лекин от парво қилмади, баттар тезлашиб кетаверди.

— Меҳмон, чапга буринг! — деган овоз келди ортимдан. — Чапга буринг, пахтазор сал юмшоқроқ!..

Қулоқ тутиб, дупур ёлғизмаслигини сездим. Демак, сайислар ортимдан келишяпти. Иложи бўлса, етиб олишарди, лекин Граф уларнинг отларидан илдамроқ экан. Рости, юрагимга сал ваҳима тушди. От миниб, бунақа тез чопганини кўрганим йўқ. Йиқилсам ҳам юмшоқ ерга йиқилай деб, жиловни чапга бурмоқчи бўлдим, лекин от бўйсунса қани!.. Нима бало, ё бунинг сувлуғи оғзидан чиқиб кетганми!?. Сайис йигитлар иккови ҳам бақувват эканини билардим, агар етиб келишса, мени қутқаришлари осон, икки ёндан ўтишиб, икки қўлтиғимдан ушлаб, шундоққина эгардан узиб олишади, лекин... етиб келишармикан?..

Қийқириқлар узоқлашганини сездим. Йўқ, етишолмади. Граф ростдан ҳам зўр экан. Мени опқочиб кетди, энди бирор жойда нақ ернинг кўзига кўтариб уради!.. Яқин-ўртада байтал-майтал юрса ҳам тузук эди, ўша жойга бориб секинларди, лекин асфальт кўча бўм-бўш, жон зоти кўринмайди. Кўринмагани ҳам дуруст, тағин машина-пашина учраса каттароқ фалокатга йўлиқамиз!..

Жиловга ёпишиб, кучаниб тортдим. Фойдаси бўлмади. Учиб кетаверди. Шунда ёдимга бир нарса лоп этиб келди. Анорбоев айтувди, от опқочувди, зўрга «арра» қилиб тўхтатдим, деб!.. Барака топкур, шу ерда эслаганимни қаранг! Нимани «арра» қиларди, жиловни «арра» қилган-да!..

Оғиримни бир муддат эгарга ташладим. Хавфли эди, дуч келган лаҳзада учиб кетишим мумкин. Лекин мен таваккал қилдим, эгарга оғирни ташлаб, икки оёғим билан от танасини маҳкам қисиб, қўлларимни бўшатиб олдиму жиловни гоҳ чапга, гоҳ ўнгга тортиб, сувлуқни отнинг оғзида нақ арра қилдим! Жони оғиркан, бирдан секинлашди. Ҳалиги ҳаракатларимни бот такрорладим — от таққа тўхтади!

Хайрият-э!

Пешонамга тошган совуқ терни сидириб, отни кўча четига чиқариб турганимда, ортимдан сайислар етиб

келишди. Қўрққанимни яшириш учун, нотабиийроқ чиқса-да, ҳиринглаб кулдим, отнинг қуймичига икки қамчи туширдим:

— Ҳу, ёмонлагур!..

Граф турган жойида тепага сапчиди. Лекин боя еган азоби эсида экан, бир қадам ҳам олға силжимади.

Сайисларга қарамасдан, отни орқага бурдим. Гўё ҳеч гап бўлмагандай, жиловни озгинадан бўшатиб, йўрғасини кўрмоқчи бўлдим. Афсуски, Графнинг йўрғаси йўқ экан, жўн юришдан бирдан йўртоққа ўтиб кетаверар экан...

— Қанчага олгансизлар? — деб сўрадим ўнг томонимда келаётган сайисдан.

— Раис бува билади, — деди сайис. — Лекин бизни ёмон қўрқитдингиз, меҳмон. Шаҳарлик одам, ташлаб кетадими, деб ўйладик...

— Бекор ўйлабсиз, — дедим сир бой бермасдан.

Сайислар бошқа гап қўшмади. Отхонага қайтиб келсак, Яхшибоев билан Тўпори дарвоза ёнида туришган экан.

— Ҳаяллаб қолдингиз, Саидқул, — деди Яхшибоев, — ишқилиб опқочиб кетмадими?

— Опқочмоқчи бўлди, — дедим. — Лекин укалар ёрдам беришди.

— Йўқ, меҳмон ўзлари тўхтатдилар, — деди сайислар бир овоздан.

Эгардан тушиб, Графнинг жиловини эгаларига тутқаздим. Ичкари кирдик. Ўрик тагидаги столга қараб борарканмиз, бутун аъзойи баданим зирқираб оғриётганини сездим.

— Йўрғароғини кўрсатмайсизми, раис ука? — дедим. — Граф йўртоқ экан-у?..

— Йўрғасиям бор, кўрмабсиз-да... — деди Тўпори.

— Йўрғаси йўқ, — дедим. — Пойганинг оти, холос. Лекин кўриниши яхши экан.

— Отни биларкансиз, — деб мақтади Тўпори. — Ростдан ҳам йўрғаси йўқ бунинг. Нима бало, сайиснинг ўғлимисиз дейман?

— Сайиснинг ўғлимас-у, лекин Анорбоев билан кўп юрган, — деб кулди Яхшибоев. — Чорвадорни яхши кўрадиган бир киши бор, Саидқул иккови бирга кезишади.

— Э, ўша кишиниям бир кўрсатинг, Назар ота, — деди Тўпори. — Отни биладиган одамларни хуш кўра-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ман. Биз асли отбоқарнинг ўғлимиз, Саидқул ака, отни яхши кўрамиз. Бошқа ишларимизни айтолмайман-у, лекин уч-тўртта яхши тулпоримиз бор. Графни тўғри топдингиз, йўрғаси йўқ, икки-уч пойгада соврин олган, пойгага ярайди. Тезлиги «Жигули»дан қолишмайди. Синаб кўргандирсиз?..

— Отингизни қўйинг, тўпори йигит, — деди Яхшибоев. — Саидқул акангизга ишингизни кўрсатинг.

— Ишимиз оз-да, — деб камтарлик қилди Тўпори. — Агар жуда истасалар, майли, эртан-мертан кўрсатармиз...

Лоф бўлса ҳам айтишим керак, умрим бино бўлиб, Тўпоридай ғайратли одамни учратмаганман. Суҳбатда одам унчалик билинмайди, сафарда тузукроқ билинади. Тўпори билан ҳам сафар қилдик. Тўғри, сафаримиз қисқароқ бўлди. Икки кун ичида каттакон хўжаликни айланиб чиқдик. Пахтазорини кўрсатмади. Пахта ҳамма жойда бор, кўп кўргансиз, деб айтди, мен сизга бошқа нарсаларни кўрсатаман. Айтганидай, мен кутмаган нарсалар қадам сайин учрайверди: тивит рўмол тўқийдиган цех, ганч пиширадиган завод, доривор ўсимлик йиғадиган махсус бригада, асаларичилар, ҳаттоки мармар чиқарадиган карьери ҳам бор экан. Жами ўн миллион фойда берамиз, Саидқул ака, деди, озгинаси ўзимизга ҳам қолади, биласиз, водийда одам кўп, жуда тиғиз яшаймиз, ҳаммага иш топиб бериш қийин, насиб этса, ўшаларга атаб яна бир-иккита завод ҳам очамиз...

Томошанинг энг зўри кечга яқин бўлди. Тўпори мен билан Яхшибоевни машинага солиб, тоғ тарафга олиб кетди. Ортимиздан яна иккита машина эргашди.

— Запас машина бўлиши шарт, — деб тушунтирди. — Кейин мен бу шоферларни яқинда қабул қилганман, қани, баробар юроладими-йўқми?..

Йўлда ер текислаб ётган талай техникани кўрдик. Умримда учрамаган тракторларни кўрдим. Ўзимизнинг юртникига ҳеч ўхшамади.

— Японларники, — деб изоҳ берди Тўпори. — Анави америкалик бойларникидан ҳам бор. Нариги қирда ишлаяпти. Бизга кўп пул керак, Саидқул ака. Пул бўлса, яқин ўртада фойдани эллик миллионга етказамиз. Чўлда шаҳар қурамиз. Ана, труба ётқизиб қўйдик. Бу ёғи дарёдан сув келтирамиз. Насос сотиб олиш керак, станция қурамиз сув ҳайдайдиган...

Ҳамма ёқ тўзон, чанг. Одамлар ғиж-ғиж. Ҳамма ёқда иш, биров «полвон»да ариқ қазиган, биров трактorda тупроқ сурган, яна бировлар текислаган, кесган, қирққан... Рости гап, ҳайратимни яширолмадим. Ҳайратим Тўпорига ёқди.

— Ана, труба ётқизяпмиз, Саидқул ака, — деди. — Труба неча пулга тушишини биласизми?

— Қиммат бўлиши керак.

— Бепул! — деди Тўпори кулимсираб. — Сув баҳоси! Фақат ташиб келишга бензин пули кетган, холос.

Баттар ажабландим.

— Ҳозир тушуниб оласиз, Саидқул ака. Сиримни очаман-у, бировга айтиб юрмайсиз. Бировлар хўжасизлик қилади, мен бир тийинни ҳам тежайман. Қаердан газ ўтишини билсам, бас, ўша томонга одам юбораман. У пайтда газчилар аллақачон ишини тугатиб, рапортни топшириб, мукофотни олиб жўнаб қолган бўлади. Лекин ноинсофликни қарангки, улар ўтган издан юриб, чўлу биёбонларда ётган сон-саноқсиз трубаларга дуч келасиз! Тепага хабар қиласизми? Хабар қилган пайтларим ҳам бўлди, лекин тепадагилар пастроқдагиларга, пастроқдагилар ундан ҳам пастдагиларга айтиб, токи буйруқ газчиларга етгунича чўлда ётган трубалар тамом чириб битади! Ахийри газчиларнинг «сарқитини» бу ерга ташиб келадиган бўлдим. Айтсам ишонмайсиз, бирор юз километрга етди ерга кўмган қувурларим! Ҳаммасидан фойдаланяпмиз, сув шариллаб оқиб турибди!..

— Балли! — дея хитоб қилди Яхшибоев. — Киройи раис мана шунақа бўлиши керак!

— Йўқ, Назар ота, сал бошқача бўлиши керак, — деди Тўпори. — Агар менга сал эрк беришса эди, ўзим билардим қанақа ишлашни... Мана, ўзимизда қурилиш-ремонт колоннаси бор, кучимиз ҳам бор, лекин ҳуқуқимиз йўқ. Пулни бошқа ташкилотга ўтказишимиз керак. Акс ҳолда банка маблағ бермайди. Бошқа ташкилотга объектни буюртма қиламиз-да, кейин ўзимиз уларга пудратчи бўлиб оламиз. Буюртма олган ташкилот ақалли бирорта молхонани ҳам эплаб қуролмайди, бизнинг ҳуқуқсиз колоннамиз эса, ўтган йили бутун боғли ғишт заводини қуриб ташлади! Адолат қани, Саидқул ака?

— Мен бу тилсимлардан жуда йироқман, раис ука, — деб, ўзимнинг нодонлигимни тан олдим.

— Ёки йўл қурилиши... — деди Тўпори баттар куюниб. — Токи бирорта йўлни планга киритгунча роса

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўн йил кетади. Пландан кейин лойиҳаси тузилади, кейин қурилишнинг ўзига ҳам бирор ўн йил кетади. Хўш, мен нима қилишим керак? Қачон узоқ яйловларга йўл ўтказиб беришади, деб кутиб ўтираманми? Сурувни ўз оёғи билан яйловга юборсангиз, йўлда қанча вазнини йўқотишини биласизми? Йўқ, мен кутолмайман. Ўзимизнинг кучимиз билан йўлни қураман. Кейин бориб, йўл министрининг эшигини пойлайман, ахийри, минг туҳмат-шалтоқ билан, ялиниб-ёлвориб, баъзида шармандалик қилиб, дўқ уриб, тайёр йўлни уларнинг келажак планига тиркаб юбораман. Кейин гўё биз эмас, улар қурган бўлиб чиқади, қурилишга кетган харажатни бир амаллаб ундириб оламан-у, лекин мукофотни уларнинг ўзларига қолдираман! Қип-қизил муттаҳамлик-ку, акалар?

— Шуларни ёзиб чиқмайсизми? — деб сўради Яхшибоев.

— Фойдаси йўқ, — деди Тўпори. — Қайтага, бу гапларни билишмагани дуруст. Ҳозир менинг ўзимни ёзиб ётишибди.

Гап-гаштак билан тоғ бағрига етиб келдик. Кичикроқ бир сойнинг кўприги ёнида Тўпори машинасини тўхтатди. Тушиб, ортда қолиб кетган икки машинани кутдик. Тўпори машина юкхонасини кавлаб, ҳар иккимизга ҳам биттадан чакмон берди:

— Тоғ тараф салқин, шамоллаб қолманглар тағин.

Чакмонларни елкага ташлаб, йўл ёқасидан тошларга чиқиб ўтирдик. Асфальт йўл кўприкка етган жойда тугаб, нариги ёқда жўнгина тош тўшалган йўл кўринарди. Тош йўл кенг даранинг ўнг тарафидаги тоғ бағридан тепага ўрлаб, ошувда кўздан йўқоларди.

— Э! — деб хитоб қилди Яхшибоев. — Анави нима, кийикка ўхшайдими?

У кўрсатган тарафга қарадим. Келган тарафимизда, чапдаги яссироқ қир ёнбағрида тўрт-бешта кийик ўтлаб юрарди. Диққат қилсам, улар юрган жой сим тўр билан ўраб олинган экан.

— Дастлаб ўнтагина эди, — деди Тўпори фахр билан. — Ҳозир бирор эллик бошга етди. Чиройли-да ўзиям жонивор!.. Бировлар отиб қўймасин деб, атрофини тўсдим. Бирор ўн гектар жойлари бор, емиши ўзларига бемалол етади, қишда оз-моз ёрдам қиламиз, холос.

— Э, бу йигит бало, — деб мақтади Яхшибоев, — бирор йигирма мингта тивит эчкиси бор. Икки мингта қўтоси бор. Бу, дейман, қўтослар кўринмайдими?

— Улар тепада, — деди Тўпори. — Паст уларга иссиқлик қилади.

— Афандисиз-да, раис ука, — деб кулди Яхшибоев. — Сизга қўтоснинг нима кераги бор?

— Буям бир эрмак-да, Назар ота, — деб қўйди Тўпори.

— Эрмак ҳам қуриб кетсин, эрмак сонини икки мингга етказиш шарт эдими?

— Хато қиляпсиз, Назар ота, — деди Тўпори бирдан қизишиб. — Тўғри, қўтос сут бермайди, лекин жуни-чи? Гўшти-чи, гўшти? Нуқул тоғдаги гиёҳларни териб ейди, гўштининг турган-битгани даво! Мингта бўрдоқи қорамол кетидан камида юзта одам овора бўлади. Буларнинг мингтасига ўн кишилик бригада етиб ортади. Булар учун махсус яйлов ажратиб, ем-хашак йиғиб, бошқа қилиб юрмайсиз! Ўз кунини ўзлари кўради. Кони фойда-ку, наҳотки тушунмасангиз!.. Тиззадан келадиган қор тагидан емиш қидириб топади-я!..

— Бўлди, бўлди, биз енгилдик, ўртоқ раис! — деди Яхшибоев. — Сиз билан баҳслашиб бўлмайди.

Ортда қолган икки машина ҳам етиб келди. Яхшибоев «Жигули»га ўтиб, шу ердан қайтадиган бўлди. Тепада ҳаво сийрак, тағин товонимга қолиб юрманглар, деб ҳазиллашди. Тўпори билан мен аввалгидек «УАЗ»га ўтирдик. «Нива» ортимиздан юрди. Кўприкдан ўтиб, тош йўлга тушдигу тепага тирмашдик. Биринчи ошувдан осон ўтдик. Ундан сойликка эндик. Пастга кетаётиб, нариги довоннинг жуда баланд эканини кўрдим: қиялама йўл то тепага етгунча бирор ўн беш марта «буралган» экан.

Анча хавфли эди. Бир тарафимиз тик қоялар, бир тарафимиз нишаблик, йўл жуда тор, биттагина машина сиғадиган. Машина мотори зўриқади, ғилдираклар остидан тош кўчади, лекин Тўпори парво қилса қани! Қия йўл билан тоғнинг у четига етамиз, кейин, кенгроқ буримдан ортга қайрилиб, тоғнинг бу учига етамиз, кейин яна нариги четига... ҳар буримга етганда уч юз-тўрт юз метр баландлаб кетган бўламиз. Тепага кўтарилганимиз сайин ҳаво совиб боради.

Ўнинчи буримларга етганимизда Тўпори машинани тўхтатди.

— Қаранг, Саидқул ака, шу йигитларга ҳам ишониб бўладими! — деди жаҳли чиқиб. — Радиатори қайнаб кетибди!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пастда, еттинчи ёки саккизинчи буримда «Нива»нинг зўрға судралиб келаётганини кўрдим. Тўпори ўриндиқлар орасида турган рацияни «қўшди»-да, трубкани олди.

— Олд ғилдирагини уламайсанми, галварс! — деб бақирди. — Машинани соб қиласан-ку! Бўлди, энди сен озодсан, орқага қайтиб кетавер!..

«Нива» тўхтади.

— Ортга буриб олиш қийин-ку? — дедим ташвишга тушиб. — Бечора тажрибасиз экан.

— Тажрибали, Саидқул ака, — деди Тўпори жаҳлидан тушмай. — Юрак йўқроқ атай моторни зўриқтирди. Қўйинг, Саидқул ака, асабни бузмайлик, йўлнинг бу тарафи сал хавфлироқ... Чакмонга дурустроқ ўраниб олинг.

У яна машинани юргизди. Тоғ тепасига яқинлашганимиз сайин, йўл тобора қийинлашди, ҳатто буримлар ҳам анча нишаб ва тик эди. Ҳаво жуда совиб кетди.

— Сизга бир мақтанай дедим-да, Саидқул ака, — деб кулди Тўпори. — Ҳадемай тўрт минг метр тепада бўламиз. Йўл ўша ергача етган. У ёғига ўтиш қийинроқ, соя тараф, ўрмонлари бор, ўтлоғиям зўр, майнинг охирларида молларни ўша тарафга ўтказамиз...

— Қўтослар ҳам шу ёқдами? — деб сўрадим.

— Йўқ, қўтослар бошқа тоғда, униси баландроқ, унисига фақат отда чиқса бўлади. Тепада зўр манзаралар бор, Саидқул ака, — деди Тўпори. — Атай Тулпоркўлни кўрсатаман, деб опкеляпман сизни.

Қош қорайганда тепага етдик. Ғилдираклар тагида қор қисирлай бошлади. Чакмонга ўраниб олсам-да, этим жунжикканини сездим.

— Қор пастга тушибди, Саидқул ака,— деди Тўпори.— Тулпоркўлга ўтолмаймиз шекилли. Лекин узоқдан бўлсаям бир кўрсатаман, зўр кўл, ойнадай ярақлаб ётади!...

Айтганидай бўлди — сал ўтмай ғилдираклар қорга тиқилиб, машина тўхтади. Хайриятки, ўнг тарафимиз яссироқ сайҳонлик эди, чап тараф... чап тарафни айтмай қўяқолай... жарлик, туби-кети кўринмайди. Тўпори рулни ўнгга олиб, машинага газ берди. Қор қалин экан, бир қадам ҳам олға силжимадик. Машинани сал орқага олди, орқага олдию газни охиригача босиб, моторни вағиллатганча ўнг тарафга бурди. Машина бир силкиниб, йўлга кўндаланг туриб қолди. Тўпори яна газ берди, яна олдинга олмоқчи бўлди, лекин машина негадир ортга кетди. Беихтиёр эшикнинг дастагига қўл юбордим, ўзимни

ташқарига отмоқчи бўлдим чоғи. Қарасам, Тўпори рулга маҳкам ёпишиб ўтирибди. Лабларида андак истеҳзоси ҳам бордай. Қўрқа-писа ортга қарадим — машинанинг кейинги ғилдираклари жар лабидан бирор метр берида турибди, яна сал силжиса борми, нақ асфаласофилинга кетамиз!..

— Оббо касофат-э, — деб ғудранди Тўпори. — Машинага тузукроқ қарашмаган чоғи, илгари бунақа бўлмасди... Қани, яна бир уриниб кўрайлик-чи!..

У машинага газ берди. Бир маҳал қарасам, яна орқага силжияпмиз. Юрагим қинидан чиқиб кетай деди, лекин, номус зўрлик қилди, ўзимни ташқарига отолмадим. Машина таққа тўхтади, тўхтаган пайти ўриндиққа михлангандай бўлдим. Мотор зўриқиб увладию олға силкиниб, бир пасда қалин қор босган сайҳонликка чиқиб олдик. Эшикларни очиб пастга тушганимизда оёқларим нақ латтага ўхшаб қолганини сездим.

— Йўлни тузатиш керак экан, Саидқул ака, — деди Тўпори. — Анчадан бери чиқмаган эдик. Лекин сиз маладес экансиз, қўрқмадингиз!...

— Қўрқдим, ука, — дедим. — Машинадан ўзимни ташлай дедим-у, лекин аввал сиз ташлашингизни кутдим. Сиз нима бўлсангиз, менам шу-да...

— Тўғри қилибсиз, — деди Тўпори очилиб кулиб. — Барибир авария қилмасдик. Машинамиз зўр!..

— Шофёриям чаккимас, — деб мақтаб қўйдим.

— Албатта-да, униям жони ширин, Саидқул ака! Бу ерга баъзи ўртоқларниям опчиққанмиз.

Тўпори йўл министрининг номини атади.

— Қалай, у киши чўчимадими? — деб сўрадим.

— Чўчимадилар, — деди Тўпори, сўнг мийиғида кулиб қўйди. — Анча довюрак эканлар.

Сездимки, Тўпори айтаётган киши анча чўчиган, ажабмаски, ўзини машинадан ташлаган ҳам бўлса...

— Назар акаям чиққанми бу ерга?

— Э, Назар отани алдаб бўпсиз, — деди Тўпори. — Назар ота жонининг қадрини билади.

Юпқаю енгил туфлидаман, оёқларим совуқ еганини сездим. Тўпорининг оёғида кирза этиги бор эди. Чакмон берган одам, бир жуфт этик ҳам топса бўларди, деб ўйладим. Тўпори эса, худди фикримни ўқигандай, секин ҳиринглади:

— Хавотир олманг, Саидқул ака, термосда иссиқ чойимиз бор. Қани, изимдан юринг-чи.

У олдинга тушиб, этиклари билан қорни текислаб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

менга йўл очиб кетаверди. Ортидан юриб, баландроқ жойга етдим. Бу ердан довоннинг нариги тарафи кафтдагидай кўринар экан.

— Ҳаҳ қисталоқ! — деб ранжиди Тўпори. — Атай туман босганини қаранг-а!

Узоққа қараб, тоғлар орасини туман босганини кўрдим.

— Тулпоркўл ўша косада, Саидқул ака, — деди Тўпори. — Сизга бир кўрсатай деб эдим-а!..

— Кеч бўп қолди-да ўзи... — дедим. — Ҳеч бокиси йўқ, янаги гал келганда кўрармиз.

— Э, янаги гал бўладими, йўқми... — деб қўл силтади Тўпори. — Кўриб кетсангиз бўларди-да... Ҳай аттанг!..

— Нега бунча куюнасиз, раис ука, айтдим-ку, янаги сафар келамиз, деб?

— Яна чиқишга юрагингиз бетлайдими? — деди у.

— Сиз билан чиқаман, — дедим. — Бошқа шофёрга ишонишим қийин, лекин сиз билан — майли.

— Э, бешни ташланг, Саидқул ака! — деб хитоб қилди Тўпори. — Хайрият, менинг қадримга етадиган одамлар ҳам бор экан.

Дўлворгина йигит экан Тўпориси тушмагур. Шунақа суюндики, асти қўяверасиз. Қўл ташлашиб келишдик. Тулпоркўлни кўргали атай довонга чиқадиган бўлдик.

— Бу ердан туриб ҳам кўрамиз, — деди Тўпори. — Ўзига бориб ҳам кўрамиз. Энди, болалигимиз ўтган жойлар-да, Саидқул ака. Қариб қоляпманми, нуқул ўша жойни кўргим келаверади.

— У ёқдаям қишлоқ-пишлоқ борми, раис ука? — деб сўрадим.

— Йўғ-э, шунчаки бир кўл, — деди Тўпори. — Отамиз отбоқар эди, деб айтдим-ку. Ўша ёқларга йилқи ҳайдаб борардик-да. Баъзида отамиздан берухсат ҳам кетаверардим. Битта афсона бор эди. Тулпоркўлнинг номи шундан эканки, тагида қанотли тулпор яшаркан. Кимки ўшани эгарлаб минса, муродига етаркан... Тулпор йилига бир марта кўлдан чиқаркан. Қайси пайтда чиқишини ҳам билардик, айни жавзода, майнинг охирларида... Атай йилқини ўша ерга ҳайдаб бориб, уч-тўртта байтални кўл бўйида қозиқларга бойлаб, кейин қанотли тулпорнинг кўлдан чиқишини кутардик. Шум эканмиз ўша пайтлардаям, жилла қурса, байталга чопса, ўзи бўлмаса қулунини оламиз, деб ўйлаганмиз-да!.. Лекин чиқмади номард!..

У бирдан маъюсланиб қолди. Меҳрим ошди. Яхшибоев беписандлик билан Тўпори деб атаётган бу

киши фавқулодда зукко эканини пайқадим. Тулпоркўл ҳақидаги афсонани эшитиб, бугун отхонада гувоҳ бўлганим — эришроқ қилиқлари ҳам жуда жўяли туюла бошлади.

Ортга қайтдик. Икки-уч бурим пастга тушиб, кейин бутунлай бошқа йўлга ҳайдади. Буниси анча текис экан. Қайлардан юриб келаётганимизни тузукроқ кўрмадим ҳам. Машина чироқлари ёритган жойларнигина кўзим илғаб кетавердим. Бирор соат деганда тоғ йўли тугади, қандайдир қамишзорлардан, қуриб қолган кўл тубларидан ўтдик. Тўпори олдиндан тайинлаб қўйган чоғи, асфальт йўлга чиққанимизда учта «Жигули» машинаси бизни пойлаб турарди. Машинадан тушиб, оёқларнинг чигилини ёздик. Кейин ўша ернинг ўзида дастурхон ёзишди. Қоринни тўқлаб олдик.

— Энди «Жигули»га ўтамиз, Саидқул ака, — деди Тўпори. — Текис йўлда унга етадигани кам.

Йўлда яна гурунглашиб кетдик. Марказдан анча узоқда эканмиз, сойликлар бўйлаб, бирор ўнтача кичикроқ қишлоқни оралаб, гоҳ яна ялангликларга чиқиб, қувурлару лотоклар ётқизилган далалардан ўтиб, яна сойликларга тушиб... анча юрдик. Ҳовлилари тош деворлар билан ўралган, боғлари жуда обод бир қишлоқдан ўтаётган пайтимиз, Тўпори сал қизишиброқ изоҳ берди:

— Бу ер ёзувчиларнинг қишлоғи, — деди. — Сизга тегмасин-у, лекин қавмингиз жуда чатоқ бу ерда.

— Жудаям бизнинг қавмдан эмасдир? — деб ҳазиллашдим.

— Энди, ёзади-да, Саидқул ака, — деди Тўпори. — Ялпи саводхонлик деймиз-у, асли шу нарсанинг кераги йўқ экан. Ёмон ёзади, қисталоқлар! Эшитган чиқарсиз?..

— Эшитганман, — дея тан олдим. — Сизни зўравонроқ, деган гаплар юради.

— Буниси рост, — деди Тўпори. — Жаҳлим тезроқ, Саидқул ака. Ишёқмас бир-иккитасини тутиб олиб урганман.

— Раҳбарга ярашмайди, раис ука.

— Ярашмаслигини ўзим ҳам биламан, лекин чидолмасам нима қилай?.. Иккитаси зотли бузоқни ўғирлаб кетаётган экан, ўрнига ўзининг жайдари бузоғини ташлаб кетибди. Тутиб олиб, тавбасига таянтирдим. Кейин устимдан ёзишди.

— Бузоқниям ўғирлайдими, — дедим ҳайрон бўлиб. — Бегонасини онаси эмизмайди-ку?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Соддасиз-да, Саидқул ака, — деди Тўпори. — Бизда бузоқлар онасини кўрмайди, ҳаммаси бир жойда боқилади, эмизикдан сут ичади.

— Майли, — дедим, — бу ерда сиз ҳақсиз. Лекин хотин-қизлар масаласида ҳам айрим миш-мишлар юради...

— Бекор гап! — деди Тўпори. — Ёшликда бўлган, Саидқул ака. Яширмайман, анча бўлган. Энди ўшалардан биттаси ёзавериб тинкамни қуритади. Бормай қўйганим алам қилса керак-да!.. Мен айтсам, сиз тушунмайсиз, Саидқул ака. Ўзимга яраша ғанимларим бор. Сал ўжарроқман шекилли, бировларга ёқмайман. Нуқул оёғимдан олишади. Биттасини биламан, мен ҳақимда бирорта ёмон факт оборсангиз, нақ минг сўм чиқариб беради!.. Бойваччаликни қаранг!..

— Ростми шу?

— Ана, кўрдингизми, сизам ишонмайсиз. Лекин бор гап шу, Саидқул ака. Зўрроқ ишлайман дейман-у, баъзида уйқуларим қочиб кетади. Ҳали иш кўп, пенсияга анча бор, тинч-омон етиб олиш керак.

Шу маҳал бизни қувиб ўтишди. Тўпорининг бирдан авзойи бузилди, гапдан тўхтаб, машинага газ берди. Ҳаял ўтмай, ҳалиги машинани қувиб етдик. Тўпори сигнални босиб, олдинга ўтиб олди. Тундлиги йўқолди, менга айбдорона боқди-да:

— Ўзиб кетишларини ёқтирмайман, Саидқул ака, — деди. — Ўзим олдинда бўлсам дейман. Буям бир феъл экан-да...

Биргалашиб кулишдик.

— Назар акаям шу феълингизни биладими? — деб ҳазиллашдим. — Унга сал оғир ботмасмикан?

— Билмайди, — деди Тўпори. — Назар ота ҳозир қўшни районда юрибди. Менга ўхшаган ошналари сон мингта унинг. Бугун бир ўзингиз тунайсиз. Эрталаб кўришасиз у билан.

— Айтмабдиям, — деб ўпкаланган бўлдим. — Ўртақўрғонга тезроқ борсак бўлармиди?..

— Э, қизиқмисиз, Саидқул ака, — деди Тўпори. — Борасиз-да ўша Ўртақўрғонингизга.

Ўша тун меҳмонхонада бир ўзим тунадим. Уйқудан эрта уйғондим. Энди ювиниб бўлган ҳам эдимки, Тўпори кириб келди.

— Юринг, Саидқул ака, бир зўр жойга обораман!..

— Чой-пой ичсак бўлармиди?..

— Чойниям ўша ёқда ичамиз.

Ноилож ташқарига чиқдим. Чиқсам, айвон олдида иккита от эгарлоғлик турибди. Кечагина Граф лақабли от кўрсатган нағмалар ёдимдан чиқиб, шартта бирининг жиловидан тутдим.

— Дидингиз чаккимас, — деб мақтади Тўпори. — Ана, этик билан плаш опкелдим, кийволинг.

Иккимиз ҳам отланиб, қишлоқдан чиқиб кетдик. Аввалига отлар уюри ўтлаб юрган йўнғичқазордан ўтдик. Тагимиздаги айғирлар қулоқларини динг қилиб, безовталаниб, уюр тарафга овоз беришди, у томондан ҳам жавоб келди.

— Овора бўлмай қўяқол, — деди Тўпори, ўзи минган човкарнинг бўйнига шапатилаб. — Биялар эгали, сендан зўрроқ айғирлар бор у ёқда. Ростини айтсам, бизга от сақлагали рухсат йўқ, Саидқул ака, — деди у менга юзланиб. — Лекин сақлайман. Сақламай иложим йўқ, отни яхши кўраман.

— Отнинг қулоқлари орасидан беҳишт шамоли эсаркан, — дедим эски бир мақол ёдимга тушиб.

— Нима дедингиз, Саидқул ака? — деди Тўпори энтикиб. — Яна бир такрорланг!..

— Қулоғининг орасидан беҳишт шамоли эсаркан, — дедим. — Беҳишт нелигини биларсиз?..

— Билганда қандоқ! — деб хитоб қилди Тўпори. — Лекин роса топиб айтган экан, Саидқул ака! Шу гапингиз учун сизга битта от совға қиламан!..

— Олардим-у, лекин табламиз йўқ-да, раис ука, — деб кулдим. — Қўйинг, шу ерда тура турсин, ҳар гал келганда миниб сайр қиламан.

— Мен сизга рост гапиряпман, Саидқул ака! — деди Тўпори хафа бўлиб. — Тагингиздаги от сизники!

— Менам ростини айтдим, раис ука. Келганда минаман, ахир, ҳали кўп келамиз-ку...

— Бўлмаса... отингизнинг оёғиниям бир кўринг!.. Қалай, ўзим қамчи урайми?..

— Шартмас, раис ука.

Шундай дедиму отга қамчи тортдим. Ақлли экан жонивор, бирдан тезлаб кетмай, йирикроқ йўрғага ўтди, кейин йўрғасини бас қилиб, чунон чопдики... устиям бир текис, бирам текис!..

— Зўр экан! — деб қичқирдим. — Барака топинг, раис ука, жуда маза қилдим лекин!..

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Зўрмасини асрамаймиз! — деб қичқирди Тўпори, сўнг зум ўтмай ортимдан етиб келиб, отнинг жиловини тортиб тўхтатди. — Энди шу от сизники, Саидқул ака. Емишининг пулини тўлаб кетасиз, бу ёғи бизгаям осонроқ бўлади.

— Ҳозироқ тўлайми?

— Кейинроқ, Саидқул ака. Менгамас, буғалтирга тўлайсиз, — деб кулди Тўпори. — Э, нимасини айтай, Саидқул ака, от жониворга етадиган яна нима бор бу дунёда!.. Қараб туринг, сони бирор икки юзга етсин, чавандозлар тайёрлайдиган махсус мактаб очаман. Қишлоқ болаларини ўқитаман. От минмаган йигит ҳам йигит эканми!.. Қани, жиловни яна бир бўшатиб олинг, ака!..

Тўпорининг завқи менга ҳам кўчиб, жиловни тамом бўшатдим. Отларимиз ёнма-ён учиб кетишди. Салқин, эрталабки шабнам ҳидига тўйинган ҳаво юзимни, қулоқларимни музлатгандай бўлди. Отларнинг тумшуғидан ҳам, биз чавандозларнинг оғзимиздан ҳам оппоқ ҳовур уфурарди... Жонивор хомроқ бўлса қийнаб қўймай, деб хавотир олиб, жиловни тортган эдим, Тўпори тағин далда берди:

— Бешинчига ураверинг, Саидқул ака!

— Қанақа бешинчига? — дедим тушунмай.

— Бешинчи тезликка-да, — деди Тўпори хохолаб. — Совитилган от, қўрқманг, Саидқул ака!..

Отга қамчи босдим. Жони ачиди, тезлагандан тезлаб кетаверди. Жиловни бутунлай бўш қўйдим. От бошини силкитиб-силкитиб олишидан билдимки, у ҳам эркни хуш кўраркан, шодланиб-шодланиб чопяпти. Шу кетишда чорак соатча от қўйишиб кетдик. Гоҳ шеригим олдинга ўтади, гоҳ мен... Қишлоқдан чиққанимизда ғубор ичида кўринган тоғлар ҳам анча яқин келиб қолди. Эски хароба ёнида ўсган иккита қари тутга тенглашганимизда Тўпори отининг жиловини тортди-да, йўрғага ўтказди. Мен ҳам ундан кўрганимни қилдим.

Иккита чоғроқ тоғ орасидаги дара оғзига етдик. Тўпори шу ерда отдан тушди. Жиловни бута шохига боғлади. Мен ҳам эгардан тушдим.

— Бу ёғига сал пиёда юрамиз, — деди.

Отларни бутазорда қолдириб, ўзимиз дара ичкарисига юрдик. Бу тараф қалин чангалзор экан. Кираверишда қамишзор билан қиёқзор, оёқ таги нам, ҳар қадам босганда изингизда сув тўпланади.

— Эҳтиёт бўлинг, тўнғиз-пўнғизлар бор, — деб огоҳлантирди Тўпори. — Ҳужум қилса ёмон. Тўнғиздан қанақа қочиш кераклигини биласизми?

— Аввал ҳужум қилсин-чи, кейин кўрармиз, — дедим унинг ҳазиллашганини пайқаб. — Умуман, иланг-биланг қилиб қочади, деб эшитганман.

— Тўғри, — деб кулди Тўпори. — Тўнғиз бесўнақай нарса, бурилай деганда ағдарилиб кетади!..

— Унчалик эмасдир?...

— Ҳа, энди, бурилиб олиши қийин-да, — деди Тўпори пинагини бузмай.

— Қўтос асрабсиз, кийик асрабсиз, энди тўнғиз ҳам асрасангиз бўларкан, — деб ҳазиллашдим.

— Асрардим-у, лекин бўлмайди, — деди Тўпори. — Одамлар кулги қилади, сизга айтсам бўлаверади, бир лақабим — Тўпори, яна биттаси — Қобон... Хафа бўладиям, деб ўйлашмайди, топиб қўйган лақабларини қаранг!..

— Ростданми?

— Рост, — деди Тўпори кулиб. — Лекин тўнғиз асрашга эҳтиёж йўқ, Саидқул ака. Биринчидан, мен ўзим борман, иккинчидан, қўшни дарада тўнғиз зоти ачиб-бижғиб ётибди.

— Демак, бу ерда йўқ экан-да?..

— Қизиқмисиз, азиз меҳмонни тўнғизхонага бошлаб келаманми!.. — деб кулди Тўпори.

Гапнинг рости, гумоним анчагача тарқамади. Қиёқзору қамишзордан чиқиб, ёввойи бодом қалин ўсган жойга чиқиб олдик. Оёқ тагидаги нам ҳам йўқолди. Шу пайт олдинда нимадир қаттиқ шитирлаб кетди. Чўчиб тушдим. Бирор эллик қадам нарида недир қизил кўланка кўрингандай туюлди. Тўпорига қарадим: юзи ўта жиддий ва сирли эди.

Шу аснода бояги шовқин яна такрорланди. Диққат қилиб, олдинда парранда учганини пайқадим. Чангалзор орасидан қип-қизил оловдай чиқдию қанотларини париллатганча нарига бориб тушди.

— Қирғовул-ку! — дедим. — Қирғовулдан ҳам бор экан-да!..

— Бор, — деди Тўпори мамнун бўлиб. — Санаб сонигаям етолмайман!

Чангалзор ичига кириб боравердик. Устимга брезент плаш илиб тўғри қилган эканман, акс ҳолда кийимим аллақачон титилиб кетган бўларди.

Қадам босганимиз сайин қирғовуллар ҳуркиб учади. Модалари тузукроқ кўринмайди ҳисоб, лекин нар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лари... нарлари нақ лағча чўғ дейсиз!.. нақ олов бўлиб учади!..

Тўпори тамом ўзидан кетган, менинг борлигимни буткул унутиб, ҳансираб югуриб, буталарнинг шохларини синдириб, нуқул хитоб қилади:

— Уч-а, жонивор! Уч, аканг қарағайнинг хўрозлари!.. Яшавор, хўроз!..

Айб бўлса-да, айтиб қўяй, шунгача қирғовулни китобда кўриб юрардим-у, лекин тиригига дуч келмаган эдим. Тириги зўр бўларкан, тирigини кўрган одам бефарқ қолмас экан.

— Э хўроз! — деб бақирганимни сезмай ҳам қолдим. — Хўрози зўр экан!

— Э, ҳар куни эрталаб шу ерга келаман, ака! — деб қичқирди Тўпори. — Ўзиям бунақа чиройли қушни яратиш учун худоям бирор ҳафта овора бўлгандир!

— Бир ой денг, бир ой! — деб хитоб қилдим мен ҳам.

— Бундоқ оралаб юришга вақт қани! — деб қичқирди Тўпори. — Машинада келаман-да, узоқроқда тўхтатиб қулоқ соламан. Тонгдаги сайроғини бир эшитиб кўрсангиз эди!..

— Зўр экан!

— Ўзидан беролмайман-у, лекин патидан бераман, — деди Тўпори. — Патидан уйда бор. Атай териб кетганман!..

— Патидан биздаям бор, — дедим. — Раҳим Бекниёз совға қилган.

— Ишқивоз экан-да у кишиям? — деди Тўпори. — Бир опкелиб таништирмайсизми?

— Э, у киши Хоразмда, узоқ жой, — дедим.

— Э, шуям йўл эканми, айтсангиз, бас, мен ўзим машина юбораман!.. Шинаванда одамларни жонимдан ҳам яхши кўраман, Саидқул ака!

Шунда мен Тўпорининг асл номини топдим: шинаванда. Бу сўзга унинг ғайрати ҳам, уддабуронлиги ҳам, қизиққонлиги, қувлиги... жамики сифатлари жо бўларкан. Тиканли буталарни оралаб, юз-қўллари шилиниб, нафаси нақ бўғзига тиқилиб, қирғовулларни ҳуркитиб юрган бу ғалати одамга меҳрим ошгандан ошиб бораверди. Ёзаман, деб ўйладим айни кўрганимдай қилиб ёзаман, бу ерда қўшиб-чатмаса ҳам бўлаверади.

Ҳориб-чарчаб, яна отларни қантариб қўйган жойимизга келдик. Уловга миниб, ортга қайтдик. Тўпори бир юрган изидан юрмас экан чоғи, жиловни сал чапроққа олиб, баланд бир қирнинг устига бошлади. Қирнинг

усти текислик жой эканки, турли зироатлар яшнаб ётибди. Тўпори отларни тепароққа ҳайдади. Бирор чақиримча юриб, нишабликдан тепага чиқиб келган иккита йўғон қувурга дуч келдик. Ўша жойда отдан тушди.

— Сойликдан бу ёққача неча метр бор? — деб сўради Тўпори.

— Уч юзлар бордир! — деб тахмин қилдим.

— Тўрт юз, — деди Тўпори. Энди айтинг-чи, бу қувурдаги сув қаёққа оқяпти?

— Қаёққа оқарди, пастга-да! — дедим энсам қотиб.

— Пастга эмас, тепага, — деди Тўпори.

Ишонмадим. Тўрт юз метр тепага сув чиқариш учун қанақа насос керак бўлишини ўйладим. Лекин пастда бирор иншоат кўринмади, уч-тўрт тутми, қайрагочми — ишқилиб, барги қалинроқ дарахтлар қорайиб турарди, холос.

— Тепага сув чиқаришга қувур дош беролмайди, — дедим. — Физикадан хабаримиз бор, ука.

— Бу қувурлар махсус буюртма билан олинган, — деди Тўпори. — Лекин гапингизда жон бор, қувурда босим бирор ўн баробар кучлироқ.

— Насоси қаерда?

— Ишонмадингиз-а, — деди Тўпори ранжиб, сўнг қўлимдан етаклаб, уч юз метрлар нарига олиб борди. Азми қатъийлиги шунчалар эдики, нақ уч юз метргача қўлимни қўйиб юбормади. Келиб, қувурларнинг учи етган бетон ҳовузни кўрсатди: — Мана, қаранг, Саидқул ака!...

Сўнгги сўзларини шовқин босиб кетди ҳисоб. Кўрдимки, у ҳақ экан, сув ростдан ҳам пастдан тепага чиқаркан, чиқиб, қувурларнинг учи шу ерда тугаркан — бу тарафи бетон ҳовуз, нариги тараф девори жуда баланд, деворига пўлат тахталар қопланган, босим остида отилган сув гувиллаб бориб ўша тахталарга урилади, сон минг томчилар сачратиб, шашти синиб, чуқур ҳовуз тубига ағдарилади. Босим шунчалар кучлики, оёқ остидаги ер ҳам зириллаб туради.

— Минг гектарга етади бу сув, — деди Тўпори, отларнинг ёнига қайтганимизда. — Камида ўн тегирмон келади. Беминнатгина оқиб ётибди.

— Насосни қаерга бекиттансиз? — деб сўрадим. — Бунча баландликка сув чиқаришнинг ўзи бўладими?

— Тасодифни қарангки, ўзи бўларкан, — деди Тўпори. — Ҳеч қанақа насосимиз йўқ, Саидқул ака. Сойликнинг тепароғида уч-тўртта серсув булоқ бор, ўшаларни

www.ziyouz.com kutubxonasi

темир қувурга қамаганмиз, холос. Ўзи ўйноқлаб оқиб келавераркан!...

— Зўр! — деб хитоб қилдим. — Гений экансиз, ука!

— Гений? — деди Тўпори тушунмай. — У дегани нима, Саидқул ака, сўкиш-пўкиш эмасми?

— Ростдан ҳам тўпори экансиз, ука, — деб кулдим. — Шинаванда дегани, тушундингизми, шинаванда!..

Отларга миниб, майда йўрғалатиб, колхоз марказига қараб жўнадик. Анча йироқлаб кетган эканмиз, роса икки соатча вақтимиз кетди. Қишлоқ кўчаларига кириб борганимизда, йўл четида тўхтаб турган енгил машина биз билан баробар кетабошлади. Эътибор берсам, дераза сидан киночилар суратга олаётган экан. Беихтиёр отнинг жиловини тортдим.

— Юраверинг, Саидқул Мардонович! — деб қичқирди соқол қўйган армани йигит. — Бемалол юраверинг!

Отни тўхтатдим. Йўқ, деб ўйладим, булар раисни суратга олгани келишган, мен ўзимни ўртага тиқсам яхшимас. Хайриятки, киночилар ортиқча қистамай, машиналарини жилдириб, Тўпорининг бир ўзи билан ёнма-ён кетаверишди. Манзилга етиб, отни сайисларга топшириб, ўрик тагидаги «кабинет»га қараб юрдим. Яхшибоевни кўриб, дилим равшан тортди. Гарчи Тўпори билан танишишу бирга юришлар қизиқ бўлса-да, борар жойимиз — Ўртақўрғон шаҳри хаёлимдан бирор сония ҳам кетмаган эди.

— Ҳа, бевафо! — деб ҳазиллашдим. — Бизни ташлаб жўнаворасизми, деб қўрқувдим.

— Қўйишмади, — деди Яхшибоев. — Қарасам, сизлар жуда топишиб қолдиларинг, икки ошнанинг суҳбатига халал бермай дедим-да... Келсам, бу ёқда телевизорчи болалар турибди экан, гапларигаям тузук тушунмайман...

Шу пайт Тўпори отхона ҳовлисига кириб келди. Унинг кетидан киночиларнинг машинаси кўринди. Зум ўтмай, ҳамма бир жойга тўпланиб, ўзаро танишув бошланди. Серсоқол йигит режиссёр экан, бошлиқ сифатида ҳамкасбларини таништирди:

— Саша Кардин — оператор, Миша Фриденталь — сценарист, мен — Эдмунд Погосян, — группа бошлиғи...

— Саидқул Мардонов — журналист, — деб, уларнинг оҳангида ўзимни танитдим.

— Сизни таниймиз, — деб кулди Погосян. — Назар Яхшибоевич аллақачон таърифингизни айтиб улгурди. Энди бизга ёрдам қиласиз, Саидқул Мардонович.

— Майли-ю, лекин кинога ҳеч ишим тушмаган, — дедим. — Кейин, йигитлар, биз бугуноқ Ўртақўрғонга кетишимиз керак.

— Ўв Саидқул ука, сал инсоф ҳам керак! — деб хитоб қилди Яхшибоев. — Бу укаларимиз пойтахтимиз Москвадан йўл юриб келишибди. Лоақал биттагина интервью берарсиз?

— Э Назар ака, мен ким бўлдимки, интервью берсам! — дедим. — Ана, раис укамиз билан гаплашсин, қилаётган ишларини кўришсин!..

— Ишлари зўрми ўзи? — деб сўради Погосян.

— Зўр! — дедим. — Ўз кўзим билан кўриб келяпман. Жуда зўр ишлари бор экан.

— Бўлмаса, худди шу нарсани гапириб берасиз бизга, — деб қўймади у, сўнг операторга ўгирилди: — Саша, кассетани янгила, ўн минут... Юринг, Саидқул Мардонович, сизга зўрроқ бир натура танлайлик. Қарабсизки, яна ўн кундан сўнг бутун мамлакат сизни кўриб турибди! Биринчи программа, такрори ҳам ўша программада!..

Зум ўтиб, колхоз меҳмонхонаси олдидан жой танлашди. Бу ерда кичкина гулзор бор эди. Гулзор ўртасида кичкина фонтан ҳам бор. Ўша фонтан ёнига курси қўйиб беришди.

— Йўқ, бу менга маъқулмас, — деб норозилик билдирди Яхшибоев. — Гуллар кўриниб турсин. Қаранг, Саидқул, атиргуллар атай сиз учун очилиб турибди. Ҳадемай тўкилиб кетади, лекин сиз тарих учун уларнинг тасвирини бўлса-да асраб қоласиз!..

Тўғриси, шу ерда мен андак ожизлик қилдим. Ёзувчи халқи шусиз ҳам шуҳратга ўч бўлади, айниқса, телевизор деган нарса бор жойда етмиш икки томиримиз бирдан бўшашади. Бир ажойиб одам ҳақида икки оғиз рост гапимни айтсам, шу баҳонада ўзим ҳам элга кўринсам, хўш, бунинг нимаси ёмон?..

Камерани қаршимга ўрнатиб, микрофонни бурним тагига келтириб, бирдан буйруқ беришди:

— Мотор!..

Аввалига уялинқираб турдим, сал эзмаланиб-чайналиб, раис укамизнинг унвону даражаларини санадим, кейин қарасам, тилим бурролашиб боряпти, айтган сўзим ўзимга ҳам ёқяпти. Ҳаттоки, кичкина бир ташбеҳ ҳам ишлатдим, мазмуни шуки, Тўпори болаликда Тулпоркўл бағрида от боқиб юриб, қанотли арғумоқ кўлдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиқишини, чиққанида эгарлаб олиб кўкларга парвоз қилишни орзу этарди, афсуски, чўпчакдаги отларни эгарлаб олиш жуда қийин. Тулпоркўлдан қанотли тулпор чиқмади. Лекин, не саодатки, Тўпорининг қанотли тулпори бор — унинг орзулари, унинг ғайрати, унинг меҳнати...

Ўшанда мен самимий гапирдим. Ўйлаганимни айтдим. Ишонаманки, ташбеҳим ҳам ўрнига тушди. Режиссёр йигит рост айтган экан, бирор ўн кунлардан сўнг Москвадан кўрсатишди. Мени Москвадан кўриб, бечора, хотиним жуда хурсанд бўлди. Яшириб нима қилдим, ўзимга ҳам ёқди. Ҳафта ўтмай, марказий журналлардан биридан қўнғироқ бўлди. Бурцев деган киши экан. Телевизорда кўриб, ўша илғор раисни бизга очерк этиб берсангиз, дея илтимос қилди. Ваъда бердим. Ваъда бердим-у, устидан чиқолмадим. Негаки, кўрсатув ҳам, таниш-билишларнинг табриклари ҳам қанчалик ёқмасин, юрагимнинг тубида недир гумон туғилган эди. Бунинг сабаби шуки, Тўпорининг колхозидан жўнаб кетаётиб, Яхшибоевнинг машинаси юкхонасига анча-мунча совға-салом юкланганини пайқадим. Табиатим инжиқроқ, юкхонага яқинроқ бориб:

— Менга аталгани йўқми, Назар ака? — деб сўрадим.

— Сизга аталгани мана, — деди Яхшибоев чапдаги қутини кўрсатиб. — Очиб кўрасизми?

— Майли, — дедим. — Олинг, очамиз.

— Йўқ, — деди Яхшибоев. — Хафа бўлишади, Саидқул ака.

— Барибир хафа бўлишади, — дедим. — Мен совғани олмайман, Назар ака.

Яхшибоев қутини қўлимдан олди. Бизни кузатаётган хизматчилардан бирини чақирди:

— Ўв ука, манавини раисингга бериб қўй. Саидқул Мардоннинг ирими бор экан, деб айтасан.

Хизматчи йигит келиб, чаққонлик билан қутини олди.

— Менда ирим йўқ, — деди Яхшибоев кулиб. — Мен олавераман. Ажабмаски, миллионер раис бирор минг сўм пора солган бўлса. Нима дедингиз, ўртоқ Мардонов?

— Йўғ-э, — дедим хижолат чекиб. — Ундай деб ўйламадим, Назар ака!

— Буям бир гап-да, Саидқул ука, балки менга аталган қутини очиб кўрармиз? Ичидан пул чиқса, кейин ҳамкасабаларга гапириб юришингизга ҳам осонроқ бўлади.

Яхшибоев яна бир-икки аччиқ гапириб, узиб-узиб олди. Инжиқлик қилганларимга пушаймон бўлдим. Хайриятки, бу орада Тўпори келиб қолдию жонимга ора кирди. У билан қучоқлашиб хайрлашдик.

Йўлда Яхшибоев анчагача чурқ этмади.

— Тўпори оғринди, — деди ниҳоят. — Бекор қилдингиз, ука. Солса, қутига уч-тўрт кило туршак соладида, ноз-фироқ шартмиди?

— Сизам мени тушунинг, Назар ака, — дедим. — Мен у кишини салгина мақтадим, энди совға-салом олсам...

— Э, қизиқсиз-а! — деб хитоб қилди Яхшибоев. — Энди кўряпсизми? Ахир, буям сўзингизга олган гонорар эмасми?..

Хайрият, аразимиз тарқалиб, яна апоқ-чапоқ бўлиб кетдик.

— Тўпори яхши йигит, — деб мақтанди Яхшибоев. — Ўзимизнинг кадримиз. Биринчи бўлиб, уни ўзим ёзиб чиққанман. Яхшиликни унутмайди, иззат қилади. Сизу бизга шу керак-да. Лекин бир хиллари бор, дарров тумшуғи кўтарилиб кетади. Қурбонойни эшитганмисиз?

— Қайси? Қаҳрамон қизними?

— Худди ўшани, — деди Яхшибоев қовоғи осилиб. — Униям ёзиб чиққан ўзимиз эдик. Очеркамни эслайсизми? «Юлдузни кўзлаган қиз»? Лекин у қиз нарироқни кўзлаган экан, менсимай кетди...

— Нима бало, салом бермайдими? — деб сўрадим.

— Саломи қуюқ, лекин ичида бошқачароқ ўйлайди, — деди Яхшибоев. — Одам тез эсдан чиқарар экан-да, а? Бўлмасам, мишиғини артолмайдиган қишлоқи бир қизгина эди!..

— Сизу биз ҳам қишлоқимиз, Назар ака.

— Сизу биз эсини таниган қишлоқимиз, Саидқул, — деди Яхшибоев жаҳли чиқиб. — У қизгина эсини йўқотган қишлоқи. Фарқига борасизми шунинг?

Индамай қўяқолдим. У аёлни кўрмаганман-у, лекин довруғи Яхшибоевнинг довруғидан кам эмаслигини биламан. Эҳтимолки, Яхшибоевга ўзи бир маҳаллар тетапоя қилиб йўлга солган қизгинанинг бунчалик машҳур бўлиб кетгани ёқмас, балки ораларидан ола мушук ўтгандир... Қолаверса, Яхшибоевнинг феъли ҳалигиндай... баҳор ҳавосидай гап — тез ўзгаради. Ҳозир унга қўшилиб бировни ёзғирсам-у, замон ўтмай булар иноқлашиб, ўртада мен аҳмоқ бўлиб қолишим мумкин.

Умуман, бировни ёзғириш, Яхшибоевнинг ҳар бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўзига бош ликиллатиш шартми, нима, киндигимизни бойлаб қўйибдими?.. Ўртақўрғон йўлида кетяпмизми, Ўртақўрғон ҳақида ўйлаган маъқул эмасми?..

IX БОБ

Бемор

Оқсоч профессорнинг кайфи чоғ эди. Дуруствина ухлаган кўринади: юзлари қип-қизил, таранг, соқоли қиртишлаб олинган. Фақат атир ҳиди сезилмайди. Чамаси, ирими шунақа — носоғларнинг димоғини соғлом ҳидлар билан қитиқлагиси келмайди.

— Зўрсиз, ўртоқ Ваҳобов, — деди Яхшибоев. — Оғир касаллар йўқ шекилли?

— Бор, — деди Ваҳобов. — Катта касалхона, ўзига яраша оғири ҳам, енгили ҳам бор. Дейлик, сизга ўхшаб, ўзини ёлғондан касалга солиб ётганлар ҳам учрайди.

— Мен касалман, ўртоқ Ваҳобов.

— Алдаманг, — деди профессор. — Майли, дам олаверинг. Уйда тузукроқ шароит йўқми, дейман?

— Шунга ўхшашроқ, — деди Яхшибоев. Тан олмаса бўлмаслигини сезди, айни замонда профессорга меҳри ошди. — Чидайсиз-да, дўхтир...

Оқсоч профессор уни текшириб ўтирмади. Текширишга эмас, шунчаки раҳмат айтишга кирган экан. Гапидан маълум бўлдики, касалхонада хизмат қилувчи аёллар жуда хурсанд. Яхшибоевни бир оғиздан ж е н т л ь м е н деб аташибди. Сабабки, Яхшибоев ҳали қирчиллама йигит экан, йигитлиги қолмагандирки, аёлларнинг дидига мос сархил моллар савдосини ўйлаб топибди. Кеча вакил келиб, бош врачнинг ўзи, яъники ўртоқ Ваҳобов билан гаплашибди. Ўзаро келишувга биноан, атир-упаю бошқа аёлбоп моллар ортилган машина келар экан. Бош врачнинг ўзи ҳам қизларига атаб атир олмоқчи, шунга атай уйдан ҳамённи семизроқ қилиб келибди. Бу ёғи раҳмат айтиш фарз экан, қолаверса, ўртоқ Яхшибоевнинг ўзларида ҳам айрим истаклар бўлиши мумкин, дейлик, хотинига, келинларига, эҳтимолки... жазманларига (бош врач қиқирлаб кулди) бирор совға олар?..

— Жазманга оламиз, — деди Яхшибоев, сўнг чўнтагидан элликталик олиб узатди. — Шахсан сиздан илтимос, бола-чақа кўрса айб бўлади.

Профессор пулни олиб, халатининг чўнтагига солиб қўйди.

— Балосиз, Назар Яхшибоевич, — деб пўписа қилди. — Янгага айтаман. Ёки бу галча айтмай турайми?

— Машина қачон келаркан? — деб сўради Яхшибоев.

— Тушдан кейин.

Оқсоч профессор кетди. Яхшибоев ичида кулиб ўйладики, буям бизга ўхшаган ожизгина бир одам, дўхтир хотинлар қутқу қилса, лаққа тушиб менга раҳмат айтгани келаверибди. Майли, соддалик ҳам яхши, ким билсин, балки хотинига атир сотиб олар, хотини хурсанд бўлар... нимаси ёмон? Менинг «вакилим» хабар берибди. Қаердан келдийкин?.. Ким юборган бўлиши мумкин? Суярқул десам, йўқ, Суярқул китоб сотади, лекин булар атир-упа олиб келаркан, бинобарин, ёнида аёлларнинг сийнабандлари, лозимчалари, пайпоқчалари, лаббўёқ, эговча, қош терадиган мўйчинак...

Э, шунисига шукр қилавер, Яхшибоев, тақдирга таҳсинки, Булдуруқда қолиб кетганингда бундайин аломат нарсалардан буткул ғофил бўлиб юрардинг!..

Муҳсина хонимга қўнғироқ қилиб айтдики, шунақа гаплар, хоним, бугун махсус савдо ташкил этяпмиз, агар вақтингиз бўлса, тушдан кейин биргина келиб кетасиз, йўқ, яхшиси, келинларни юборинг, келиб ўзларига керагини олиб кетишсин, пулини мен бераман!..

Муҳсина хоним келинларни юборишни истамади, ўзи келишга ихтиёр билдирди, сўнг охирига озгина ёлғонни ҳам тиркадики, йўқ, дадаси, мен бормасам уят, сизни кўрмаганимгаям анча бўп қолди, кейин бошқа гаплашадиган гапларимиз ҳам бор.

Яхшибоевнинг гаплашадиган гапи йўқ эди. Боз келинларни юборишга ундади, боз рад жавоби олди, ҳатто балога ҳам қолдики, йўқ, сизга бир нима бўлган, жазман-пазман орттиргансиз, бўлмаса менга бунақа гапирмас эдингиз!

Яхшибоев айтдики, шундай ниятимиз ҳам йўқ эмас, хоним, лекин сиздан ўтадиганини топиш қийинроқ.

Муҳсина хоним шарақлаб кулди: эсингиз қурсин, мен жазман эмас, хотинман!

Яхшибоев ҳам ҳиринглади: шундай, хоним, хотинимсиз, лекин мен сизни мисоли жазманимдай яхши кўраман.

Яраш-яраш бўлди. Ширин-ширин сўзлар айтилди. Ширин сўзларни айтаркан, боягина оқсоч профессорга

www.ziyouz.com kutubxonasi

эллик сўм чиқариб берганини эслади, мийиғида кулдики, бечора ростдан ҳам содда экан, худди дастёр болага ўхшайди, ёки у шумроқми, ахир, бош врач, унвони — профессор, наҳотки қўлига теккан элликталикни арзимас «совға» дея қабул этишга ҳам ақли етмаса?.. Ҳар ҳолда, койимади. Ошно бир гал ёмон койиган эди. Худди Маматқуловга ўхшаган галварс эканман, туғилган кунига соат совға қилувдим, олди-ю, тавбамга таянтирди, ўртоқ Яхшибоев, деди, биламан, сиз мендан кўпроқ пул топасиз, лекин мендан бойроқ эканингизни намойиш қилишингиз шартми?.. Биз китоб ёзолмаймиз, ўртоқ Яхшибоев, деди, лекин ўзимизга яраша ориятимиз бор, сиздақа китоб ёзадиганларга ўзимизни ҳақорат этишга йўл қўймаймиз!..

Яхшибоев шу сўзларни эслаб ҳайрон бўлди: ўзбек тилида-ю, мутлақо ўзбекча эмас. Русча ҳам эмас, бошқа тилда ҳам эмас, барча тилларнинг йиғиндисими ёки?.. Ким билсин... Ишқилиб, анча ғалати тил. Қанча бўлди Ошнонинг шу тилда гапираётганига? Ўн йилми, йигирма йилми, ўттизми?..

Эътибор берса, Муҳсина хоним ҳали-ҳамон сўзлаётган экан: дадаси, менинг ишим масаласини ҳам бир ўйлаб кўринг.

Ўйламай ваъда бериб юборди: бўпти, келаверинг, шу ерда гаплашамиз.

Ичида сўкинди. Падарига лаънат бунақа турмушнинг, деб айтди, ўз уйингда тинчиб ўтиролмасанг, ҳаммага сазойи бўлдинг, Яхшибоев, овсар бир кампирдан қочиб юрганингни ҳаттоки анави соддадил оқсоч профессор ҳам билади. Дарвоқе, у ростдан ҳам содда эдими? Гапларидаги заҳару заққумлари қайга кетди? Ахир, қочириғу киноялрни жуда қийиб ташларди-ку? Наҳотки, бугун тушликдан сўнг сотилажак атру бўйи димоғини бир лаҳзада шунчалар нозик этиб қўйган бўлса?..

Ишонма, Яхшибоев, буларга ишонма, ўзингга ҳам ишонма, айниқса — ўзингга! Ахир, ўзингни яхши биласан-ку? Тотаётган барча лаззатлару чекаётган барча азобларимиз — ўзимиз туфайли эмасми?

Хаёлдаги нутқни шу ерда тугатди. Кейин телефондаги нутқни ҳам қисқа қилди:

— Бўпти, келинг, кейин ўйлашиб кўрамиз. Келинларга ҳам айтинг, керагини ёзиб беришади...

— Хўп, дадаси, албатта айтаман. Нина Ричи фирмасими?

Яхшибоев трубкани жойига илдию хотини келинларга ҳеч балони айтмаслигини сезди. Йўқ, Муҳсина хоним уларга айтмайди, Муҳсина хоним келинлари билан бир хил бўй таратмоқни истамайди. Атирни нима деб атади? Нина Ричи, дедими? Қанақа Нина, қанақа Ричи? Ё Рина Ничими?

Ёхудопарвардигор!..

Ҳайратини айнан шундай — қ ў ш и б ўйлади. Бало бу, Муҳсина хоним, овсарлиги бекор, ахир, Нина Ричи ёинки Рина Ничини билган кампирни овсар деб бўларканми!..

Оллоёрнинг ишхонасига телефон қилди. Кенжа ўғил жойида экан.

— Оллоёр, — деди Яхшибоев, — бу ёқда атир-патир сотаркан, келинга олмайсанми?

— Олардим-у, вақтим йўқ, дада. Кейин... пулниям мазаси йўқроқ...

— Ўзим бераман...

— Шартмас, дада. Қаерда сотаркан ўзи?

— Касалхонада. Ўзинг келолмасанг, келинга айтиб қўй.

— Қўйинг, дада. Касалхонада бўлса, касалларга атаб опкелишгандир? Энди ўша ергаям тумшуқ суқсак уят бўлар?

— Балли, ўғлим! — деди Яхшибоев. — Шундай дерсан, деб ўйловдим.

Ўйламаган эди буни. Шунчаки, Муҳсина хонимга қасдма-қасд қўнғироқ қилди, холос. Оллоёр ҳам Рина Ничини билмайди. Шуниси яхши. Кеча Сокинага қўшилиб келди. Сокина гаплашиб ўтирди, бу эса чурқ этмади ҳисоб. Синглисининг қўлидан боласини олиб, дераза ёнига бориб, ташқаринй кўрсатди — чақалоқ юпанди. Оллоёрнинг энг зўр сифати шуки, унинг қўлида йиғлаётган чақалоқлар бирдан юпанади-қолади. Оллоёр уларни юпатмайди, умуман гапирмайди, шунчаки... мулойимгина боқиб туради, холос. Муҳсина хонимга мулойим боқиши ҳам ёқмайди. Кўзингни лўқ қилма, деб бақиради, барибир фариштамассан!..

Шу жиҳатдан Аввалбек тузук. Аввалбекнинг кўзига қараган одам унинг фариштa эмаслигига бирдан иқрор бўлади. Инкорга ҳожат қолмайди ҳисоб.

Энди, жиддийроқ ва ростгўйроқ бўлсак, Ошнонинг тили билан айтганда, олдимизда жиддий бир масала турибди, ўртоқ Яхшибоев, агар умрнинг қолган қисми ўтган қисмидан анча оз эканини ҳисобга олсак, умри-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мизнинг ўтган ва қолган қисмларида йиққан обрў-эътиборимизни ва озгина мол-дунёмизни тақсимлаш вазифаси юзага чиқади. Обрў-эътиборни ҳаммага хомталаш қилиб юборса бўлади, лекин мол-дунёга келганда қариндош-уруғларнинг кўнглига ҳам қараш керак.

Хўш, омонат дафтарчада — Муҳсина хоним биладиган; омонат дафтарчадан ташқарида — Муҳсина хоним билмайдиган, жамийки сармоямизнинг ҳисоби қанча?

Яхшибоев ҳисоблашга эринди. Тахминан бўлса-да, сармоянинг анча эканини тасаввур этди. Сўнг ўзига айни эски услубда мурожаат этдики, хўш, ўртоқ Яхшибоев, қандай тақсимот қиламиз? Дейлик, бугун эмас, эртага, майли, бир ой кейин, майли, бир йил кейинроқ, ахийри бир кун.... шогирдимиз Чоршанби нотариусни бошлаб келганида... кимга қанча улуш тегади?

Умуман, улушга бўлиш шартми? Улушга бўлинса, сармоянинг туси қочмайдими?

Дейлик, бўлинмаса, бутунлигича... Муҳсина хонимга қолса... унда нима бўлади? Чамаси, пора бериб бўлсада, бирорта театрга бадиий раҳбарликни олади. Буниси аниқ. Кейин-чи?.. Дейлик, бизнинг устимизга икки газлик мармартош қўяди. Йўқ, сал оғирроғидан қўяди. Бу жойда иззату нафс деган бало бор, кимки ўликнинг устига оғирроқ тош бостирса, ўшанинг обрўси ҳам салмоқлироқ бўлади.

Умуман, обрў-эътиборни ўлчайдиган тарозини қабристон дарвозаси ёнига ўрнатса бўларкан.

Аввалбек-чи? Фарзандларнинг аввалию сарвари Аввалбек? Унинг меросдан унумли фойдаланмоғига шубҳа йўқ. Камида учта ўйнаш орттиради, устахона сонини учтага еткизади — ҳар бир жазмани учун алоҳида. Сўнг уч йил ичида ичиб тугатади меросни.

Сокина ҳисобга кирмайди. Қиз бола — бировнинг хасми. Эрининг топган-тутгани бир умрга етиб ортади. Уларга кичкина бир улуш бўлса, бас, токи куёвбола пора-мора олиб юрмайди.

Ягона номзод — Оллоёр. Бахтинг чопди, Оллоёр!.. Кул, ўйна, бахтиёр бўл, Оллоёр!! Шошма, Оллоёр, бир пас шошмай тур, сиз ҳам салгина шошманг, ўртоқ Яхшибоев, ахир, Оллоёрни тўқим урилган хўтик деб атаган ким, сиз ўзингиз эмасми, ўртоқ Яхшибоев? Хўтик-ку, бир амаллаб кунини кўрар, лекин мероснинг тақдири нима бўлади?

Яхшибоев ўлмай туришга қарор қилди. Ҳали Чоршанби келса тайинлаш керак, нотариусни шошмасин. Йўқ, сиз бундай совуқ гапирманг, устоз, нафасни иссиқ қилинг, ҳали кўп яшайсиз, деб айтди-ю, лекин ўзи бирорта қари нотариусни топгани аниқ. Ихтиёр этилган лаҳзадаёқ опкелади бошлаб. Чоршанби — зўр йигит, ишни дўндиради, нотариус чолнинг ёнида дўхтири ҳам бўлади, ишончли дўхтир, зукко дўхтир, одамнинг юзига бир қарашнинг ўзидаёқ, миясини еб битирганми ёки оз-моз қолдирганми... шуни аниқлайдиган шоввозни етаклаб келади.

Яхшимас, ўртоқ Яхшибоев, сиз ундан аллақандай Суярқулга муовинликни қизғаниб юрибсиз!

Яхшибоев бир ўзи қолди. Пастак креслога чўкиб, оёқларини рўпарадаги курси устига ташлади. Қулоғига чалинган эдики, оёқ тепароқда бўлса мияга қон кўпроқ келади, бинобарин, анча яхши ишлайди. Ўйладики, мияни асли тананинг ўртароғига жойлаштирса бўларкан...

Чошгоҳда Қўзибой сим қоқиб, Назар Яхшибоевич, малол келмаса Қурбонойнинг палатасига бир кирсангиз, деб илтимос қилди. Яхшибоевга малол келди: тобим йўқ, ука, ўзингиз чиқақолинг. Қўзибой сал довдирадиган, сўнг, алами келди чоғи, таъна билан гапирди: келиб, бир бечораниng ҳолидан хабар олсангиз тахтдан тушиб қолмассиз, ака?..

Яхшибоев тайинли гап айтмади. Трубкани шақ эткизиб жойига ташлади.

Қўзибойни яхши эсларди. Қурбонойни очерка қилиб газетга чиқарганида бу йигит эринмай излаб келган. Рангпар, озғин, юзида недир синиқлик, келиб айтганки, э Назар ака, биз-ку одам бўлолмадик, даст калталик қилди, ўқиёлмадик, бор-йўқ топганимиз битта хотин олишга етди, энди сиз шу хотинниям тортиб олмоқчисиз... ахир, эркак киши турганида хотиннинг ўзиб кетиши ғалати бўларкан-да!

Яхшибоев йигитнинг дардини тушунса-да, номига дағдаға қилиб кўрди: қайси асрда яшаяпсиз, йигит? Нега хотин-қизларнинг йўлига тўғаноқ бўласиз? Кўнглингиз жам бўлсин, қизимизга айтамиз — сиздақа феодал эрнинг баҳридан ўтади-қўяди!

Йигит ростдан қўрқдими ёки хотинини яхши кўрар эканми — ишқилиб, замзамадан сўнг писиб қолди. Шунда Яхшибоев қаҳ-қаҳ уриб кулдики, э ука, парво қилманг, нима, биттагина очеркада мақталгани билан аёл киши устингизга чиқиб олармиди, далада у, уйда сиз устун бўлсангиз, бас-да!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўзибой ювваш йигит экан, устунлик хусусида қайта оғиз очмади. Аввалига Қурбонойни сал-пал қизғаниб, каттаю кичик йиғинларга бирга қатнаб юрди, сўнг, уялди чоғи, уйда қўним ўтирадиган бўлди.

Ўша очерк учун Ошно дўстини роса мақтади. Мазмуники, сиз, ўртоқ Яхшибоев, халқимиз тарихида янги саҳифа очдингиз, энди юзлаб ва минглаб қурбонойлар гуркираб униб чиқади — гўё халқ дегани кенг бир шудгордай, қурбонойлар эса ҳовучлаб сепилган чигит доналаридай!

Қурбоной ўшанда тажрибасиз эди. Гурунгда қарсиллатиб гапирса-да, минбарларда ўзини йўқотиб қўярди. Шундай кезларда, мадад истаб ҳайъатдаги Ошнога ёки олд қатордаги Яхшибоевга қарарди. Ошно аёл бечоранинг қарашларини мутлақо сезмасди, лекин Яхшибоев сезарди, сезиш на, бош силкиб дал-да берардики, дадил бўлинг, қизим, дадилроқ, чўчиманг, гапираверинг!..

Яхшибоев қаҳрамонидан мамнун эди. Билардики, Қурбонойни шу даражага еткизган — унинг ўзи. Ҳатто мухбирлар ҳам аввал Яхшибоевдан рухсат олиб, кейин Қурбонойнинг ёнига боришарди. Ёзганларини ҳам аввал Яхшибоевга келтириб кўрсатишарди. Яхшибоев мақолаларни ўқий туриб Қурбонойнинг соддалигидан завқланарди. Ахир, номи юртга таралган аёл бўлса-ю, икки оғиз гапининг бирида «менга Яхшибоев Назар ота ёрдам бердилар», «мен Яхшибоев Назар отанинг ўгитларидан руҳландим», деб турса, уни қувликда айблаб бўларканми!..

Яхшибоев роса яйрарди-да, сўнг ҳалиги сўзларни ўчириб ташларди. Англардики, бу ҳам бир фазилат — обрў ортса ортадики, асло озаймайди. Боз устига, бир вақтлар матбуотда озми-кўпми меҳнат қилиб, хушомадгўй танқидчиларнинг шарҳларини шахсан таҳрир этиб, ўзига дохил мақтовларни қизил қалам билан ўчириб қўйганларини хотирлардики, ўчирилган жойларни кўриб, тобе ходимларнинг ҳайрати ошарди. Ҳурмат ҳам шунга яраша бўларди. Ўша ходимларнинг ҳаммаси тирик, ҳалигача уларнинг тиллари бийрон, мабодо гап очилиб қолгудай бўлса, Яхшибоевнинг к а м т а р л и г и н и эсламасдан иложлари йўқ!

Кейинчалик, Қурбоной хиёл тўлишиб, минбарларнинг ҳадисини олиб, бировларнинг далдасидан воз кечиб, ўзи ҳам ҳайъатлардан жой эгаллади. Энди у минбарда туриб биргина Ошнога қарарди. Ошно ҳам энди

унинг қарашларини пайқарди, пайқаш ҳам гапми, Қурбонойнинг оташин чақириқлари битганида чапакбозликни ўзи бошлаб берарди.

Орадан анча йиллар ўтди. Яхшибоев семизроқ бир асарга чалғиб, Қурбонойни салкам унутиб юборган эди. Бир куни Ошно ҳузурига чақиртириб айтдики, шу куз Қурбонойнинг даласида бўлсангиз, ўртоқ Яхшибоев, қизингиз беш юз тонна термоқчи экан... Яхшибоев сал оғринганини яширолмади: менинг мухбирлик қиладиган вақтим ўтган, оқсоқол, Чоршанби деган шогирдим бор, аломат йигит, ўзимдан ҳам ўтказиб очерка қилади, боринг-ки, у ёзса-да мен қўл қўйсам?.. Тушунмабсиз, ўртоқ Яхшибоев, деди Ошно беозоргина кулиб, сизни насрингиздан айирмоқчи эмасмиз, илтимосимиз шуки, Қурбоной қизингиз ҳақида йирикроқ нарса ёзсангиз, талабгорлар тиқилиб ётибди, лекин сиз ёзганингиз бошқача-да, ўртоқ Яхшибоев, ахир, «юлдузни кўзлаган қиз» деб ёзиб, қизингизга юлдуз олиб бердингиз, ажабмаски, ўзингизга ҳам биттагинаси тегса...

Яхшибоев, қизимиз юлдуз олганидан кейин бизга қарамай қўйди, оқсоқол, деб эътироз қилмоқчи бўлди, лекин ботинмади, қолаверса, танида ширин бир орзиқиш туйди («Хўш, яна, Яшин ёшулли юлдуз тақиб юрибди, ундан камлик жойимиз борми?»), жилмайиб сўзладики, маъқул ўйлабсиз, оқсоқол, эртагаёқ чўлга кетаман, лекин жой масаласи қандай бўларкин?..

Жой масаласи аллақачон ҳал қилинган экан. Ошнонинг ҳар воҳада биттадан сўлим қароргоҳи бор, ўшалардан бирини атади: ўзимизга меҳмон бўласиз-да, ўртоқ Яхшибоев! умуман, сизга жуда ҳавасим келяпти, ўртоқ Яхшибоев, чўлнинг кузи ўзгача бўлади-да! айниқса — мезон фаслида!..

Кейинги сўзларни эшитгач, Яхшибоев энтикиб кетди. Юрагида қўтир бойлаб ётган яралари қайта тирналгандай бўлди, ўша эски ва эриш ташбеҳини эслади:

О с м о н м е з о н л а р д а н й и л т и р а б ё т а р д и.

Зора ёзсам, деб умид қилди, зора энди ёзолсам, жилла қурса, ўша армонимни ёзолмаганимни ёзсам!.. Қўлдан келар? Жудаям қуриб-қовжираб қолмагандирмиз?.. Лоақал бирор учқуни бордир?.. Ахир, Қурбоной деганлари нима? Тадрижи аён-ку? Ўзимиз лойдан ясаб, кейин жон ато этганмиз, бу ёғи Ошно озгина безак берган, холос. Тинчу осойиш жой бўлса, Муҳсинанинг хархашаси эшитилмаса, не ажабки, Қурбоной қиссаси-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни юмалоқ-ёстиқ қилиб ташлаб, сўнг ўзимнинг армонларимга ўтсам!..

Қабулдан кўнгли тоғдай кўтарилиб чиқди. Чиқдию Қурбонойга ошиғич телеграмма жўнатди:

ТОПШИРИҚ БЎЛДИ НҚТ РОМАН ЁКИ ҚИССА ЁЗИШ КЕРАК НҚТ КУТИНГ НҚТ ЯХШИБОЕВ

Телеграмма изидан ўзи ҳам жўнади. Чўл марказига етганида Қурбонойдан жавоб келди:

МЕНГА ЁЗУВЧИ ЭМАС ВРГ МУХБИР КЕРАК НҚТ ШОДМОНОВА

Яхшибоев қаттиқ ғазабланди. Чўл раҳбарларидан бирини пилдиратиб жўнатдики, бригадир Шодмонова ўртоқ Яхшибоевнинг ҳузурига — қ а р о р г о ҳ г а зудлик билан етиб келсин.

Таъкид таъсир этган шекилли, Қурбоной элчиликка борган чўл раҳбаридан қисқагина мактуб юборди:

«Назар ота, мажбуриятим оғир, узун кун далада юрибман. Пахта байрамида кўришсак маъқул. Бир қошиқ қонидан ўтишингизни сўраб, қизингиз Қурбоной».

Мактуб оҳанги минг юмшоқ бўлмасин, мазмуни эскича эди — Қурбоной Яхшибоевни кўришни истамасди. Баттар ғазабланиб, чўл раҳбарларидан уч-тўрттасини олдига солиб, Қурбоной меҳнат қиладиган колхозга борди. Келса, раис билан партком секретари қайгадир қочиб улгурибди. Яхшибоев аёлнинг бригадасига қараб ҳайдади. Раҳбарлар ҳам унинг ортидан эргашдилар. Лекин Қурбонойни топишолмади. Эри Қўзибой машинада пахта териб юрган экан. Уялинқираб, Қурбоной қизингиз меҳмон кутмовди, кийим-пийимини алмаштиргани уйга кетди, деб жавоб қайтарди. Айни суҳбатда ҳозир бўлган чўтир ҳисобчи масхараомуз тиржайдики, Яхшибоев бунда бошқачароқ бир синоат борлигини пайқади.

Дала билан қишлоқ ораси анча йироқ эди — камида ўн чақирим. Аёлни кутиб ўтирмасдан, тўғри қишлоққа қараб ҳайдадилар. Қурбонойнинг дарвозасига рўпара тўхтаб, уч-тўрт машина бирданига сигнал берди. Лекин ичкаридан жавоб бўлмади. Аёл ростдан ҳам кийим алмаштираётган экан. Хийла замон ўтиб, дарвозанинг чап табақасидаги дарчанинг зулфаги тушиб кўчага Қурбоной чиқиб келди. Чиқиб, йўл ўртасида турган гуруҳга томон икки-уч қадам ташлади. Шу икки-уч қадамдаёқ ҳоли аён бўлди — юзини доғ босган, гумонаси деярли ростга айланган, ҳозиргина эгнига илиб олган кенгу мўл коржомаси ҳам қаппайган қорнини яширолмайди.

Чўл раҳбарларига зарда билан қарадики, бечоралар ночор илжайишга мажбур бўлдилар — Яхшибоев буни рўй-рост кўриб турди. Зардаси бежизмас, деб ўйлади, буларнинг бошига чиқиб олган экан, қани, менга нима муомала қиларкан?..

Аёл унга зарда қилмади. Доғ босган юзига жиндай кулги бериб, юмшоққина қўлини узатди:

«Овора бўпсиз-да, ота».

«Овораси бор эканми, тилла қизим, сизни кўриш ҳам бир бахт ўзи».

Қурбоной киноянн пайқади, лекин пайқамасликка олди:

«Ёзувчининг оқибатлиси ўзингиз экансиз, ота».

«Мен ёзувчи эмас, мухбир бўп келдим, тилла қизим».

«Иш кўп, ота, ҳаттоки мухбиргаям вақт тополмайман».

«Тушунаман, тилла қизим, лекин сизни кўрмай кетолмадим.... Кўрганим тузук бўлди. Соғу саломат эканингизни билдим. Бўлмасам, нуқул газетада ўқиб юрардим... Кечиринг-у, тилла қизим, мен газетга кўп ишонмайман...

«Чакки қиласиз, ота, газет дегани — сиёсатимиз ойнаси-ку?..»

«Бу гапларни ўзим айтувдим, эсингиздан чиқмаган экан-да?..»

«Қани, уйга киринг, ота, меҳмон бўлинг...»

«Киролмайман, тилла қизим, хизматдаги одаммиз...»

Қурбоной бу шаъмани ҳам тушунди, тушунса ҳам, боз таклиф қилди, овозида озгина ялинчоқлик ҳам бор эди; умид оҳангики, бир бор туз еган жойга қирқ кунлик салом... Аёлнинг тарзига боқиб, Яхшибоев унинг қизарганини сезди, ишқилиб, юзидаги қўнғир доғлар билинмай кетди. Қизаргани ростдирки, доғлари билинмай кетгандир. Дилда мамнунлик туйди, мамнунлик баробарида шайтоний бир қаҳқаҳа ич-ичини қитиқлади. Мисингиз чиқди-ку, тилла қизим, деб ўйлади, Яхшибоевни назарга илмай кетувдингиз, энди уйга таклиф қиляпсиз, лекин Яхшибоевнинг ичкарига киргиси келмаяпти, боисини тушунган чиқарсиз?..

Боягидақа туманли гапларни бас қилиб, бирдан жиддий тортди, ҳатто хўмрайди, хўмрайиш асносида Қурбонойнинг шашти пасайиб қолаётганини сезди, раҳми келди, лекин аввалги азмидан қайтмади. Айтдики, сиз уйга кириб ётганингиз маъқул, тилла қизим, сизга мухбир эмас, доя керак экан, биз энди бешик тўйига келамиз!..

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аёл қарғанмоққа шайланди, лекин чўл раҳбарларидан бири, бугун элчи бўлиб келгани, сал чаққонлик қилди — билагидан тутиб, секин ҳовлига олиб кириб кетди.

Яхшибоев кўчада қолган раҳбарларга юзланди-да, раҳмат ўртоқлар, катта раҳмат, майнавозлик бундан ортиқ бўлмайди, деб ачитди. Чўл раҳбарлари мулзам бўлдилар. Уларнинг энг йириги бўшашиб, қизариб-бўзариб илтимос қилдики, бу гаплар шу ерда қолса, Назар Яхшибоевич, қизимизнинг муҳлати ҳали узоқ, ваъда қилинган тоннани ўзи териб берса!..

Яхшибоев индамади. Шарт бурилиб, ўтирдию тўғри Тошкентга қараб ҳайдади. Келибоқ Ошнонинг қабулхонасига учради. Етиб борган жойи Биринчи Ёрдамчининг кабинети бўлди. Нарига ўтолмади. Иложи йўқ, Назар ака, деб тушунтирди Биринчи Ёрдамчи, хориждан обрўли меҳмонлар келган. Ошно бугун ҳам, эртага ҳам ўшалар билан банд экан, индинга улар билан Самарқандга ўтаркан, ажабмаски, тўрт кундан кейин бўшасалар...

Тўртинчи куни Ошнонинг ҳузурига кирди. Ошнонинг кайфияти зўр эди. Хориждан келганларда юрт яхши таассурот уйғотган чоғи, нуқул Самарқандни мақтади. Қадимий шаҳарларимиз — бизнинг фахримиз, деб айтди, уларни бунёд этган халқимизга, усталаримизга минг раҳмат, гарчи золим эрса-да, халқни шу ишларга сафарбар этган Темурлангга ҳам раҳмат айтгинг келади, турган гапки, унинг реакцион моҳиятини унутмаган ҳолда...

Яхшибоев Ошнонинг гапини бўлмасдан охирига довур эшитди, сўнг ўзининг гапини узоқдан бошладики, оқсоқол, бугунги халқимиз ўтмишдаги халқимиздан ҳам бунёдкорроқ, хусусан, сизнинг доно раҳбарлигингиз остида чўлу биёбонларга ҳужум қилиб, асрий қақроқ ерларда чаманлар ундириб, тақирлар ўрнида янги шаҳарлар барпо этмоқда. Қалтис хато қилганини англаб, ўшал заҳоти тилини тишлади. Лекин Ошно кенглик қилди, хатони сезди-ю, ҳазилга бурди: қўйинг-э, ўртоқ Яхшибоев, ўхшатиш ҳам шунақа беўхшов бўладими, индамасам, мениям Темурлангга менгзаб юборасиз-а! Йўқ, азизим, халқимиз ўз иродаси билан қақроқ чўлларга ҳужум қилди, ўз иродаси билан чаманлар ундирди, биз ҳам шу халқнинг фарзандимиз, шунчаки камтарин раҳбар фарзандимиз, холос. Хўш, ўртоқ Яхшибоев, чўл сафаридан барвақт қайтибсиз, наҳотки шунчалар тез ёзиб ташлаган бўлсангиз?..

Яхшибоев бир муддат ўйланиб туриб, ростини айтишга қарор қилди:

— Ёзолмадим, оқсоқол, — деди, — илтимос, шу ишни бошқа бирор ғайратлироқ кишига топширсангиз.

— Гапингиз тушуниксиз, азизим, бир ҳафта бурун сиздаям ғайрат зўр эди-ку?

— Менинг ғайратим зўр эди-ю, лекин қизимиз Қурбоной кўз бўяб юрган экан-да, оқсоқол.

— Наҳотки? — деди Ошно ҳайратланиб. — Ахир, у ҳеч бўёқ ишлатмасди-ку, ўртоқ Яхшибоев?!

— Ишлатаркан, — деди Яхшибоев. — Бекор мажбурият олибди, бўғоз ҳоли билан беш юз тонна теролмайди, оқсоқол.

— Ёмон-ку! — деб хитоб қилди Ошно. Ҳаяжони ошиб, ўрнидан ғоз турди. — Ёмон бўпти-ку, ўртоқ Яхшибоев!

Яхшибоев индамади. Ошно сал тинчланди, жойига қайтиб ўтирди-да, қаншаридан кўзойнагини олди. Шунда Яхшибоев дўстининг кўзлари бедорликдан киртайиброқ қолганини пайқади.

— Уят! — деди Ошно афсусланиб бош чайқаркан. — Биз уларга ишонсаг-у, улар бизни шарманда қилишса! Ҳеч ким уни мажбур этгани йўқ эди, узрини айтсин эди, дўхтирдан қоғоз олсин эди, лекин бунақаси... Энди халқ нима дейди, ўртоқ Яхшибоев?

— Ишқилиб, чиройли чиқмади-да, оқсоқол...

Ошно асабийлашиб, столидаги имзога маҳтал қоғозларни четга суриб ташлади. Бунгаям қийин, деб ўйлади Яхшибоев, бир бошида шунча ташвиш, ахир, қайси биримиздан ҳам бохабар турсин!..

— Узр, оқсоқол, — деди. — Кайфиятингизни бузди м.

— Йўқ, ўртоқ Яхшибоев, ҳақиқатни айтганингиз яхши бўлди, — деди Ошно. — Энди бу найрангларни шахсан ўзингиз фош этасиз. Биламан, жуда оғир бўлади сизга. Қурбоной ўз фарзандингиздай бўлиб қолган, лекин бошқа чорамиз йўқ. Фазилатини айтган одамнинг, қусурини айтишга ҳам қудрати етади. Биз сизга тўла ваколат берамиз, ўртоқ Яхшибоев!

...Яхшибоев бир ҳафта деганда каттакон фельетон ёзди. Ёзаётганини сир тутди. Қурбонойни ҳам, ўзини ҳам аямади. Мардлик қилабилганидан кўнгли ғурурга тўлиб, қўлёзмани газетага элтди. Муҳаррир фельетонни диққат билан ўқиб чиқди, сўнг Яхшибоевнинг қўлига қайтариб берди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қўрқяпсизми? — деб сўради Яхшибоев. — Қўрқманг, ваколатим бор.

— Қўрқаётганим йўқ, Назар Яхшибоевич.

— Бўлмаса — нега? Ё мақолам ёмон ёзилганми?

— Яхши ёзилган, лекин... Тушунинг, Назар Яхшибоевич, мен иккиюзламачилик қилолмайман!..

Яхшибоев тушунмади. Шунда муҳаррир газетанинг янги номерини олиб, биринчи саҳифадаги катта фотосуратга ишора қилди. Яхшибоев кўзойнагини тақиб қараса, ўзи билан Қурбонойнинг сурати, иккиси ҳам жилмайиб, шоду хуррам бўлиб, пахта терадиган комбайн ёнида суҳбатлашиб туришибди. Орт тарафда — поёнсиз пахтазор, оппоқ момиқ чаноқлардан кўпириб-тошиб ётибди. Суратнинг тепасида йирик ҳарфли бир ёзув: «МАРРА — 500 ТОННА!»

— Ахир, бу ёлғон-ку! — деди Яхшибоев ғазабидан бўғилгудай бўлиб. — Эски суратни беришибди-ку!?

— Иложим йўқ, Назар Яхшибоевич, — деди муҳаррир. — Ёлғон ростга нисбатан илдамроқ бўлса не қилай?

Яхшибоев ночор қолди. Демак, чўл раҳбарлари уни роса боплашибди. Суратга тузукроқ тикилди — Қурбонойнинг айни хипчабел, айни юлдузни кўзлаб юрган пайтлари. Омадини қарангки, ёнида кимсан ношукур банда Яхшибоевнинг ўзгинаси илова бўлиб турибди!

— Кечикдингиз, Назар Яхшибоевич, — деди муҳаррир. — Тўғриси, бу ишга Александр Шоймардонович аралашдилар. Қурбоной у кишининг навларини экар эмиш.

Яхшибоев кечикканини ўзи ҳам сезди. Бирор чора истаб, шу ернинг ўзиданоқ Ошнога қўнғироқ қилди, лекин жавоб бўлмади. Александр Шоймардонович, юзни урай деб қолган ғўзашунос чол азалдан ғаними эди, унга боришга ор қилди.

Хуллас, ўшанда Қурбонойга бас келолмади. Кейинроқ, орадан икки йилча ўтиб, байрам йиғинида Қурбонойни узоқдан кўриб қолди — ёнида Ошно, ғўзашунос олим Александр Шоймардонович, марказдан келган бир-икки вакил, ўшаларга гап уқтирмоқда экан. Яхшибоевга кўзи тушиб, секин бош ирғади, ҳатто табассум қилгандай ҳам бўлди, яъники, тинаю аразлар етар, келинг, яраш-яраш қилайлик, деган маънода, лекин Яхшибоев кекчироқ эди — тескари бурилди.

Қурбонойга қасдма-қасд Тўпорини топди. Ёш йигит экан, вақтида полвонлик қилган экан, ҳозирча бригадир,

лекин кейинчалик ўсишдан умиди бор, маълумоти — ўрта, зарур бўлса, қишлоқ хўжалиги институтида сиртдан ўқиши ҳам мумкин, муҳими — ғайратли, ориятли, оқибатли йигит.

Ошно билан унинг юртига бориб, дала айланиб юрганида, худди тайинлаб қўйилганидек, Тўпори уларнинг йўлидан чиқди. Эгнида мойга беланган коржома, тап тортмай кўришди.

— Механизатор укамиз Олимбой, — деб таништирди уни Яхшибоев. — Ҳам механизатор, ҳам бригадир... уқувли йигит...

— Бу хўжалик йилида неча тонна пахта термоқчисиз, ука? — деб сўради Ошно. — Уч юзга етадими?

— Бэ! — деди йигит. — Юз эллик терсак ҳам катта гап. Биз унақа уч юз, тўрт юз тонна терадиганлардан эмасмиз, отам.

— Нега? — деди Ошно ҳайрон бўлиб.

— Ёлғончи эмасмиз-да, отам!.. Энди, одам боласи тугул, девнинг боласиям унча теролмас!..

— Полвон йигитга ўхшайсиз-ку, ука, — деб таъна қилди Ошно.

— Полвонлигимиз рост, бу воҳада йиқитмаганимиз қолмаган. Бозам билмадик, балки бошқа сиру синоати бордир, энди бизлар учинчи класс-да!..

Ошно халқ орасида кўп кезса-да, халқ ибораларини унчалик тушунмас эди, шу сабабки, йигитга савол берди:

— Учинчи класс шофёр экансиз-да?..

— Бэ! — деди йигит кулиб. — Шопирлигимиз — биринчи класс! Саводимиз учинчи классда қолиб кетган, отам. Ўнинчини битирганмиз-у, лекин... барибир учинчи класс-да!.. Тўпорилигимиз бор-да, отам!..

— Аттестат бўлса, институтга кириб ўқиш керак.

— Бэ! Бизни институтга олармиди, отам! Агар сиз ўзингиз киритиб қўймасангиз...

Йигитнинг очиқ-сочиқлиги Ошнога нашъа қилди. Беихтиёр кулиб юборди:

— Ростдан ҳам тўпори экансиз, ука, мени жиноятга ундаяпсиз. Хўш, Назар Яхшибоевич, нима қилдик, жиноятга қўл урамизми?

— Сизга ярашмас, оқсоқол, — деди Яхшибоев ҳам илжайиб. — Сизнинг номингиздан ўзим жиноят қилсам қандай бўларкин?..

— Кейин менга тўнкаб юрмайсизми, ишқилиб?..

— Йўғ-э, оқсоқол!..

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ошнонинг машқи дуруст эди. Ўзи даштда туғилиб ўсган эмасми, бу яшил воҳани кезиб маст бўларди ҳар гал. Ери равон эди бу воҳанинг, йўллари — равон, тили — равон, ҳаттоки пахтазорларнинг гирдини ўраб олган шамшод теракларининг кўкка бўй чўзиши ҳам равон!..

— Хўш, бу йилги режалар қалай, ука? — деб сўради йигитдан. — Гектаридан олтмиш центнер бўладими?

— Бўлмайди, — деди йигит. — Ўттиз сентир ёлғонсиз оламиз. Олтмиш олсак, кейин ер туғмай қўяди. Кейин биз қолоқ биргадга ўтишга мажбур бўламиз.

— Қолоқ бригадани кўтарсангиз ёмонми?

— Ёмон, отам, кейин ўша қолоқ биргаднинг ерини туғмас қилиб қўямиз. Энди, ерни ўгит билан куйдириб юбормай туриб, ҳалиги олтмиш сентирни олиш қийинда, отам!

Яхшибоев билдирмай йигитнинг биқинига туртди.

— Турта верманг, ака, — деди йигит. — Кураш тушавериб, этим ўлган.

— Қолоқ бригадага ўтишни сиз шундай тушунасизми? — деб сўради Ошно, чап қоши хиёл кўтарилиб.

— Энди, буни учинчи класс одам ҳам тушунади-да, отам, — деди йигит жаҳл билан. — Ахир, қайси аҳмоқ илғор бригадани ташлаб, қолоқ бригадага ўтади? Илож бўлмагандан кейин ўтади-да! Ўгит бериб куйдирган жойида қолса, янаги йил ўн сентир ҳам ололмайди-да, отам!..

— Хато қилмаяпсизми, ука?

Йигит жавоб қайтаришга улгурмади. Ошно сал нарироқда одоб сақлаб турган воҳа раҳбарларини имлаб чақирди.

— Қолоқ бригадаларга талабгор учарларга жиддийроқ эътибор берилсин, — деди. — Ерни аяш керак, ўртоқлар. Биласиз, план ошса ошадики, асло камаймайди. Биздан кейин келадиган раҳбарларнинг ҳам жонини аяшимиз керак, ахир, улардан ҳам план талаб қилинади!.. Кейин яна бир гап....

Воҳа раҳбарлари одоб билан тинглаб турдилар, биттаси ҳам гап қўшмади — Ошнонинг гапини бўлиш расм эмасди. Йигитнинг тажрибаси кам эди, расму русмлардан буткул бехабар эди.

— Тўғри айтасиз, отам! — деди у. — Дарахт ҳам бир жойда кўкаради!

Ғалати жиҳати шуки, Ошно бу йигитнинг шанғилигидан заррача бўлсин оғринмади, қайтага ёқтирди

уни. Ёқтиргани ростдирки, тагдорроқ бир ҳазилга раво кўрди:

— Раҳбарларнинг айбини очиб қўйдингиз, ука, тағин булар билан орангиз бузилиб қолмайдими?..

Йигит воҳа раҳбарларига қараб, мийиғида кулиб қўйди:

— Сизнинг гапингиздан кейин бузилса тўғри келмас-ов, отам, — деди. — Энди, бу акамларнинг ғаши келса нимаям қиларди, олса — биргадликни оладида! Биринчи класс шопирмиз, автобазга қараб кетаверамиз-да!..

— Баракалла, азамат! — деди Ошно.

Шу-шу, йигитнинг йўли очилди-қолди. Аввал район газетаси Ошнонинг сўзини такрорлади: «Баракалла, азамат!», кейин область газетаси жўр бўлди: «Балли, азамат!» У ёғи не бўлгани шундан маълумки, бугунги кунда ўша азамат миллионер колхозга раис, қўша-қўша нишон олган, мукофот олган. Лекин унинг энг катта бисоти — Тўпори деган лақаб. Бу лақабни Ошно суйиб қўйган. Ошно суйиб қўйгани боис, бу лақабни ҳар ким ҳам айтавермайди. Ошнонинг ўзи айтади, Яхшибоев айтади, яна бир-икки ҳадди сиғадиган киши... Аслида Тўпори жудаям унчалик тўпори эмас, ичидан пишган, ўлгудай қув, қувлиги шунчаликки, бирор ўн беш йилдан бери Ошнога довдирроқ бўлиб кўринмоқнинг уддасидан чиқяпти.

Тўпорининг айби — манманлиги. Полвонлик қилгани, курашда енгиб чиққанлари сабаб бўлиб, бировга ён бергиси келмайди. Унча-мунча одамни менсимайди, унча-мунча одам билан гаплашавермайди. Ўлгудай эркатой, машинани нуқул қизил чироққа қаратиб ҳайдайди, шундан завқ олади. Демакки, Ошно қўйган лақабда ҳам андак жон бордай...

Тўпори Қурбонойдан минг бора оқибатлироқ. Яхшибоевнинг кўнглини қолдирган эмас. Ғайрати зўр, ишлари ундан ҳам зўрроқ. Бир гал Яхшибоев ожизлик қилди, Тўпорига пишанг бериб, сиз ҳали Қурбонойларни ярим йўлда қолдириб кетасиз, деб айтди. Шунда Тўпори кулиб юбордики, э Назар ота, белда белбоғим бор менинг, келиб-келиб хотин киши билан рақобат қиламанми! Энди, хотин бўлсаям димоғи баланд-да, ука, деди Яхшибоев, одамни одам ўрнида кўрмайди. Э, қўйинг-э, Назар ота, деди Тўпори, у бечора простой биргад бўлса, сиз — ном қозонган шоирсиз-а!.. Мен шеър ёзмайман, ўв учинчи класс, бесавод, деб хитоб

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилди Яхшибоев, мен очерка ёзаман, қиссаю роман ёзаман! Э, барибир эмасми, деб қўл силтади Тўпори, шоир билан очеркачининг фарқига бормасам ҳам, сиз билан Қурбонойнинг фарқига бораман, бу гапларни қўйинг, ота, мардроқ бўлинг, ўша аёл ҳам керакдирки, далада ризқини териб юрибди.

Яхшибоев мундоқ танига ўйлаб қараса, Тўпори ҳақ-дай. Ҳай, майли, бу аёл бир адашса адашибди, хатосини ўзига айтди, чўл раҳбарлари — тумонат одам олдида қаттиқ изза қилди. Қолаверса, ҳомиладорлик айб эмас. Бечора хотин, фалон тонна тераман, деб ваъда бериб қўйган-у, кейин ҳалигиндай... қизиқ кўйга тушиб қолган, ҳаммаям тирик жон, ҳаммадаям майл бор, фалон ойда пахта мавсуми бошланади, деб, эр-хотинликни қатъий жадвалга солиб бўлармиди!..

Шундай деб ўйларди, ўзича бир муросага келган бўларди-ю, лекин ҳар гал Қурбонойни кўрганида аввалги хусумати қайтадан хуруж қилганини сезарди. Сабабки, Қурбоной ўша изза чеккан дамларини унутгандай эди, гўё ҳеч гап бўлмагандай... узр сўрамасди, хижолатдан қизармасди, аксинча, шунча гаплардан кейин ҳам иззат талаб қиларди! Шу боиски, Қурбонойга дуч келса, бас, ёнидаги сўзга етар одамларга, қаранглар, анави ғўдайган хотинга бир қаранглар, деб айтарди. Сўзга етар одамлар Қурбонойга қарашарди, кейин, ҳеч балога тушунмай, Яхшибоевнинг ўзига қарашардики, э оғажон, бу хотинниңг ғўдайганини кўрмадик, ўзи бир япалоққина нарса экан-ку!..

Қўзибой ўзи келди. Хотини билан Яхшибоевнинг ораси носозлигини билганиданми, қимтиниброқ кўришди. Қанча вақт ўтибди ҳамки, у ўзгармабди: ҳамон рангпар, ҳамон озғин, кўзларида недир мутелик аломати — эҳтимолки, қайғу туфайли, ҳар ҳолда, бошига иш тушган одамнинг қарашлари ҳар доимо ҳам қаттиқ бўлавермайди. Каловланиб қолгани рост экан — столга қўйилган бир ликоб тўла сархил нокни пакқос еб ташлаганини ўзи ҳам сезмади. Яхшибоев «элчи» келтирган мевалардан яна ювиб келди, дастурхонга қўйди, меҳмон ўнғайсизланмасин, деб, ўзи ҳам озгина тотинган бўлди.

— Мен хонадан камроқ чиқаман, Қўзибой ука, — деди. — Аввалроқ билмаган эканман, қизимизнинг бу ерга тушганига анча бўлдими?

— Бир ҳафтача бўп қолди, — деди Қўзибой.

— Энди тузукми?

— Эрталаб яна шайтонлади. Мениям кеча чақиришувди. Аҳволи оғирроқ кўринади, Назар ака...

— Тузалиб кетади, — дея далда берди Яхшибоев. — Парво қилманг, Қўзибой ука, бу ернинг дўхтирлари зўр.

— Кўзим етмай қолди, Назар ака, — Қўзибой, кўзлари ёшга тўлиб, қўлидаги нақш олмани дастурхонга қайтариб қўйди. — Бўшанганига уч ойча бўлувди. Ўғил туғувди, Назар ака, биласиз, тирноққа зор эдик, бўйидаги нуқул тушиб кетарди...

Яхшибоев бу гаплардан буткул бехабар эди.

— Бола тирикми, ишқилиб?

— Шукр, тирик, — деди Қўзибой. — Энамнинг қўлида. Қари энам бор, шунга ташлаб келабердим, эчки сути бериб боқяпти... Энди, бу энағарнинг рулга ўтирганига ўламан-да, Назар ака!.. Оладиганингни олиб бўлдинг, энди уйда тинчгина ўтирмайсанми!..

Яхшибоев индамай турди. Сездики, Қўзибойнинг дардлари чўнг, дардларини тамом тўкиб солмоқчи — тасалли кор қилмайди.

— Худонинг зорини қилдим, Назар ака, чиқма, деб айтдим, сенга керагини ўзим териб бераман, деб айтдим, энди қилаётган ишимиз эмас, агар мўлжалга етмай қолса, ана, бошқаларни ҳашарга чақирамиз, деб айтдим, лекин... лекин бу кўнмади, Назар ака! Нуқул, мажбуриятим, мажбуриятим, дейди, катталарга сўз бериб қўйганман, юзим шувит бўлади, деб саннайди!.. Ахир, катталар ҳам одам, катталарнинг хотинлариям туғади, деб айтдим, улар ҳам аҳволингни тушунар, дедим!... Қулоқ солмади лекин!

— Бекор қипти, — деди Яхшибоев. — Пахта — азиз, лекин одам ундан ҳам азизроқ.

— Бунисини сиз биласиз, — деди Қўзибой йиғламсираб, — лекин менга қолса, шу... пахтасининг... эналарини, дейман!..

— Бемаъни гап! — деди Яхшибоев ғазабланиб. — Кўрнамаклик қиляпсиз, ука! Пахта — бизнинг нонимиз, нонни сўккан одамни энди кўришим!..

Яхшибоев қаттиқроқ танбеҳ бермоқчи эди, лекин тилини тийди — йигитнинг алами ўзига етарли эди. Яхшибоев унинг аламини тушунди, лекин аламзадалигини ҳеч сингдиролмади.

— Энди, Қурбоной қизимиз мени кўп хушламайди, ука, — деди босиқроқ оҳангда. — Мен бу гапларга аралашиб юрмасам...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Уни қўйинг, — деди Қўзибой. — Сизнинг ёнингизга мен келдим.

— Сиз келганингизни кўриб турибман, — деди Яхшибоев сал кесатиб. — Хўш, муддао нима?

— Хотинимни тузатиб берасиз!

Яхшибоев анграйиб қолди. Қўзибойга тузукроқ разм солди: йўқ, қарашлари тик, айниганга ҳеч ўхшамайди. Даъвойингдан ўргилдим, мишиқи, деб ўйлади ичида, мен дўхтир эмасманки, хотинчангни тузатиб берсам?..

Ўйи шу бўлди-ю, бутунлай тескарисини айтди:

— Тузатамиз, ука, сиз хавотир олманг, албатта тузатамиз. Шундай ажойиб қизимизга дард йўлиқса-ю, биз бепарво қараб турсак бўладими? Қаҳрамон-ку у, фахримиз, кўркимиз, шарафимиз, замонамизнинг етук вакиласи, халқ ишига жонини тикканлардан-ку!.. Юринг, ука, юринг, қизимизнинг ҳолидан хабар олайлик. Эски гиналарни эслаб ўтирган мен ҳам тентак эканман, бу гапларни йиғиштирайлик! Юринг, ука, биргалашиб далда берайлик!..

Эгнига халатини илиб, белбоғини бойларкан, сўзларнинг қалашиб келаётганига эътибор берди. Анави оқсоч Ваҳобов тўғри айтади, деб ўйлади, ичим равон, ичимда сўз турмайди, маъно бўлиши шарт эмас, гапириб турилса, бас, эшитаётган одам ўзи недир бир маънога йўймоғи тайин, айниқса, Қўзибойга ўхшаш маъноюмададга муҳтож одам бўлса!..

Яна нимадир шалдироқ сўзларни айта туриб, холодильникнинг эшигини очиб, ичидаги мева-чевалардан бир халтача қилиб олди, сўнг халтачани Қўзибойга узатиб, секин илжайди:

— Қуруқ қўл билан бориб бўлмас, иним... Ўзингизга кўтартирганимга хафа бўлмайсиз, бу масканда соғ одам — ёлғиз ўзингиз.

Қўзибой, гўё Яхшибоев ҳозироқ бориб хотинини оёққа турғизиб берадигандай, жонсарак бўлиб қолди. Юзига табассум қўнди, халтачани ҳам шошиб-пишиб олди, кўкрагига маҳкам босди — хушфеълу сертавозе...

— Рост, — деб ҳиринглади. — Соғ одам — ёлғиз ўзим.

— Юринг, укажон!.. Бир кўнглини кўтарайлик!..

Қўзибойнинг енгидан ушлаб, палатадан йўлакка чиқди. Йўл-йўлакай таъзиму тавозеларни қабул этиб, гоҳ чапга, гоҳ ўнгга бош ирғаб, қоғоз халта кўтариб келаётган бир-икки танишидан узр сўраб, лифт эшигига довур етди. Ичкари кириб, биринчи қаватнинг тугмасини босди. Пастга тушиб, лифт эшиги очилганида, Қўзибойнинг қўлидаги халтачани олди.

— Сиз чиқиб, боғни бир айланиб келсангиз, ука, — деди. — Қизимиз мени бошлаб келганингизни сезмагани маъқул.

Қўзибой қувониб бош ирғади, лифтдан чиқди. Яхшибоев иккинчи қаватнинг тугмасини босди. Яна таъзим, яна тавозе, йўлак ўртасида пешвоз чиққан Маматқулов... Пойинтар-сойинтар лутфлардан сўнг сўраб билдики, Қурбоной ётган палатадан ўтиб кетибди, унинг палатаси лифтга яқин, катта зинага ҳам яқин, демак, касали ҳам оғир. Маматқуловнинг бундай икир-чикирлардан хабари йўқ, лифт биқинидаги палата эшигига қадар дадил бошлаб борди, сўнг эшикни чертиб овоз берди:

— Домла кептилар, опажон!..

Яхшибоев уни эргашиб киради, деб ўйлаган эди, лекин Маматқулов хийла фаросатли экан, эшикни хиёл очиб қўйди-да, нари кетди.

Яхшибоев бир зум туриб қолди. Ўнғайсизроқ эди. Тузук-қуруқ саломни ҳам бас қилиб юриб, энди дабдурустдан кириб борса... Боз устига, аёл киши, аёл кишининг дарди бир ҳисса-ю, дийдиёси минг ҳисса, баски, унга гал бермай, ўзимиз дийдиёдан бошлаймиз, бетни қалинроқ қилиб кираверамиз энди, у ёғига гап топилиб қолар... Ўйлаб қаралса, сурбетлик ҳам ярим давлат. Лифтга яқинлигидан билингки, қизимизга шифо керак, лифтдан узоқ турганларга нисбатан кўпроқ шифо керак. Бизда эса, қўлда тутилмиш қоғоз халтага тиқилган мева-чевадан ўзга нарса йўқ.

Ичкари кирди. Секин томоқ қирди, номаҳрам эканини билдирди:

— Қўзибой ука, бир қарайсизми?..

Ичкаридан жавоб келавермади. Тағин Қўзибойни чақирди. Кулгиси қистади: у ҳозир ташқарида сайр қиляпти, хотини оғир аҳволда, бошида ўтираверіб кўнглиториққан, ташқарида, гулзор теграсига қўйилган харраклардан бирида офтобга танини тоблаяпти-ю, биз бу ёқда руҳини йўқлаяпмиз.

Бир муддат ўтиб, ичкаридан «киринг» деган овоз келди. Яхшибоев яна бир бор томоқ қириб, секин хонага ўтди.

Қурбоной тўшакда ётган экан. Кўз кўзга тушганида, Яхшибоев унинг сал ғижинганини пайқади, лекин сир бой бермасдан, каравот пойида турган курсини эшикка

www.ziyouz.com kutubxonasi

яқинроқ сурди-да, атай инқиллаганча («биздаям дард оғир, қизим!») ўтирди. Қўлда тутган қоғоз халтасини деворга суяб қўйди.

— Қарилик қурсин, — деди, — аввалига хабарим бўлмади, кейин кирай десам... салгина иймандим, қизим. Кейин ёшим улуғлигиям бор, қари ҳолим билан мен кириб юраманми, деб... Одам одамга омонат, қизим, биздаям беш кунлиги борми-йўқми, бу ёғи кўнглимиз тинч бўлиб, ҳаммадан рози бўлиб, ҳамма биздан рози бўлиб кетсак...

Қурбонойнинг юзи қилт этмади. Рангидан қон қочган, қўлларининг томирлари бўртиб қолган... жим ётаверди.

— Нима қилай, — дея давом этди Яхшибоев; гапи ишончлироқ чиқиши учун росмана хўрсиниб ҳам олди, — ўғилларнинг бу ерга опкелиб ташлаганига бирор ўн беш кунча бўп қолди, ҳафтада бир келишса келишади, бўлмаса — буям йўқ, аҳён-яҳёнда хотин келиб ғингшийди, ҳаммасининг дарди битта — Яхшибоевдан яхшилаб пат юлиш. Э, нимасини айтай, Қурбоной қизим, бир пайтлар хўроз эдик, энди патимиз юлинавериб... адо бўлдик... Вазнимиз ҳам жўжа вазнидай, ҳеч тарози босмайди... Сиз ҳарна гиройсиз, қизим, сизга тузукроқ қарашар, лекин менга ўхшаганларга илтифот йўқдай, ҳафтада битта укол қилса қилар, бўлмаса... Кетай десам, кўча-пўчада йиқилиб қолишдан қўрқаман. Олтмиш ёшим бўлсаям майлийди, лекин ошиброқ кетган-да, қизим, эсдан чиқарсам бўлмайди-да, қизим, осонроғидан берса, жилла қурса Қўзибой инимни юборарсиз, қўлига белкурак тутиб, ўзи тепкилаб-тепкилаб кўмар, деган илинжда келдим ёнингизга, Қурбоной қизим! Илоё, менинг маъракамни ўтказиш учун ҳам соғ-омон туринг, қизим!..

Тинмай гапираркан, юзи уятдан қизиб бораётганини сезди. Ичида ўзини юпатдики, Қурбоной ҳеч қачон тепага чиқмайди, ўзи ётган данғиллама палатани кўрмайди, ғофил қолаверади, ахир, Қўзибой унга, Яхшибоевни мен ўзим чақирдим, деб айтмайди-ку?.. Балли, Яхшибоев, гапираверинг, бетимнинг қалини — жонимнинг ҳузури, яна гапиринг!..

— Юрагим ёмон, Қурбоной қизим! — деб зорланди у. — Жигар ҳам ишдан чиққан, ўпкангда доғ бор, деб айтишди! Шунча дард билан ётибман бу ерда! Ҳалиям тузук бўп қолганим, биринчи кунлари оғзимга сув томизиб ўтиришди... Сиз ҳали ёшсиз, Қурбоной қизим, ҳали жуда бардамсиз, обрў-эътиборингиз зўр, қолаверса, шу ердасиз, худо кўрсатмасин, ўлиб-нетиб қолгудай

бўлсам, ўзингизга васиятимни айтиб кетай, деб келдим, қизим!.. Бошқалардан умидим камроқ, тиригимда керакдирман, лекин ўлганимдан кейин қадрим бир пул бўларини сезаман. Васиятим шуки, ўлигимни Булдуруқ-қа обориб кўмишса, Қўзибой инимга айтсангиз, ўзи шу ишга бош бўлса! Бу ерда бошқа хешларим йўқ, қизим. Сиз ҳам менга ўхшаган дала одамисиз, кўнглингизни оғритган бўлсам, менинг гуноҳимдан ўтинг, ахир, тирик жон ҳар турфа таҳликага дучор бўлади-да, нима дедингиз? Қўзибой келса, айтинг, мендан ҳам кун ора хабар олиб турсин, тағин қобоғимни ёпадиган одам топилмай қолмайин!..

Қурбоной қимир этмай ётаверди. Нафас олаётгани ҳам сезилмасди. Яхшибоев сал хавотир билан қаради, йўқ, хайрият, киприклари аҳён-аҳёнда очилиб юмилаётган экан. Беихтиёр унинг ёшлигини эслади, чамаси, ўн беш-ўн олтиларда, сочлари қўнғироқ, чиллаширгина бир қизалоқ эди дастлаб кўрганида, кейин тўлишди, кейин бу ерда яна... чиллашир бўп ётибди.

— Булдуруқдан узилиб кетганмиз Қурбоной қизим, — деди ўкингандай. — Ака-укалардан ҳам бордай эди, кейин... Э, ҳозир ҳам улар бор, лекин мен улар учун йўқман. Сизга осонроқ, Қурбоной қизим, сизда хешу ақраболар кўп, сизни сўраб келадиганлар ҳам кўп... Менчи? Мен бечорада бирор мансаб бўлмаса, қариб-чуриб қолган чол бўлсам... ким ҳам сўраб келарди...

Қурбоной бери ўгирилди. Кўрпани қўли билан сал ҳимариб қўйди.

— Кепсиз, раҳмат, Назар ота, — деди ҳолсизгина. — Ўзингиз ҳам бетоб экансиз, узилиб-нетиб қолманг...

— Йўғ-э, — деди Яхшибоев. — Сизни ёлғизлатиб қўйсам тузук бўлмас. Ҳамшира келгунча кутақолай. Бу, дейман, Қўзибой инимни чақирмабсиз-да?

— Инингиз шу ерда, — деди Қурбоной, сўнг кўзларини юмди.

— Кеп қолгунча ўтирай...

— Боринг, Назар ота. Сизни кўргим келмайди, — деди Қурбоной кўзларини очмай. — Иззатингиз борида кетинг, Назар ота.

Яхшибоев ўрнидан турди. Тўшакка михланиб ётган манави устихон хотин айни чоғда ўзидан кучлироқ эканини туйди, ҳар ҳолда, бу ер унинг хос жойи, ҳар ҳолда, у манави хотинни эмас, хотин уни итдай қилиб ҳайдаяпти. Аламини ичига ютиб, эшикка йўналди. Лекин Қурбонойнинг овозини эшитиб тўхтади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қўзибой инингизга айтиб қўйинг, мен энди тузалмайман, шунга яраша тараддисини кўрсин...

Яхшибоев ортга қайрилди: Қурбоной ҳамон ўша алпозда, кўзларини чирт юмиб ётарди.

— Нафасни иссиқ қилинг, қизим, — деди. — Бу гапнинг ўрни эмас-у, лекин ҳали кўп қаҳрамонликлар қиласиз. Ишқилиб, тузалиб кетинг, қизим, ўшанда мени ҳалигиндай... менсимай юрсангиз ҳам майлига, лекин тузалиб кетинг...

Қурбоной кўзларини очди, ночор илжайди.

— Нодон эканман-да, — деди. — Нимагаям бунча бурним кўтарилиб кетувди, Назар ота? Урғочилигимни унутиб, емга тўйган ҳангидай ҳанграшни менга ким қўювди?

Яхшибоев индамади. Назарида, аёл алаҳлаётгандай эди. Ажабмаски, дард оғирлик қилиб, эсига путур етган бўлса...

— Мўндидай хотин бўлиб, эримнинг пайтавасини ювиб, ёвғонини пишириб юрганим тузук эмасмиди, Назар ота? Сизга топингандан кўра, шайтонга топинсам бўлмасмиди? Сизни худо чоғлабман-а!.. Ўзингиз ҳам шунга иқрор бўлиб, манглайимга нақ бугунни ёзиб қўйган экансиз ўшанда; эрниям, рўзғорниям унутдим, кейин бир пайт қарасам, битта тирноққа зор эканман...

— Ўғилча кўрибсиз, — деб ғудранди Яхшибоев. — Табриклаймиз, Қурбоной қизим.

— Ўғлинг етим қолади, дейсиз-да?

— Йўғ-э, Қурбоной қизим...

— Барибир, жонимни оғритолмайсиз, — деб лоқайдгина кулди аёл. — Овора бўласиз, жони оғримайдиган бўп қолдим. Дўхтирлар оғритмайдиган укол қип кетишди... Энди борақолинг, Назар ота. Хавотир олманг, тинчгина кетаман, сизни ҳеч ёзғирмайман, сизниям худо яратган, ахир...

Яхшибоев бир зум аёлнинг юзига тикилиб турди. Лекин Қурбоной унинг хонада борлигини унутгандай, кўзларини оппоқ шифтга қадаб ётар эди.

— Бу гапни менга айтдингиз, лекин бошқага айта кўрманг, Қурбоной қизим, — деди Яхшибоев. — Биз худони инқилобдан нарига ташлаб келганмиз-у, сиз уни қайта тирилтирмоқчи бўласиз!.. Тилга сал эҳтиёт бўлинг, Қурбоной қизим, акс ҳолда, сизни тарихдан ўчириб ташлаймиз! Ҳамма довруғи ёлғон эди, деб айтамиз!..

— Билганингизни қилинг, Назар ота, — деди Қурбоной, сўнг терс ўгирилиб олди.

Яхшибоев серрайиб қолди. Яқин орада бундайин ночор аҳволга тушмаган эди. Номи ҳарб борки, биттадан зарб топиб берарди. Лекин манави рамақижон хотинга бас келолмади. Қайтага, бу хотин бақириб-чақирса, уввос тортиб қарғанса, боринғки, лозимини бошига илса дуруст эди!..

Ғазаби бўғзига тиқилиб, йўлакка чиқди, сўкинмоқчи эди, аммо оғзидан недир бир бетайин ғўлдираш чиқди ва айни шу кўйда, — ғўлдирай-ғўлдирай лифтга қадар етди. Кўрсаки, ортидан Маматқулов илашибди, илжайиб, нақ мулозимат рамзи бўлиб турибди. Яхшибоев шошиб лифтга кирдию тугмачани босди. Янглиш босган экан — лифт тепага эмас, пастга қараб кетди. Эшиклари икки ёнга шовқинсиз очилган пайтда касал кўргали келаётган уч-тўрт киши четроққа сурилиб йўл беришди — Яхшибоевнинг ташқари чиқмоқдан ўзга иложи қолмади.

Ҳовлида одам гавжум. Кўнгли гап кўтармай, кўзларини ерга қадаганча, ўртадаги гулзорни кесиб, узоқроққа — боғ ичкарисига қараб кетди.

Анча юриб, нафас ростлагани тўхтади. Диққат қилса, юрак зарби сал зўрайган экан. Халат чўнтагидан ҳабдори олиб, тилининг тагига ташлади. Бўшашганча, тарвақайлаб ўсган хашаки олма остидаги харракка бориб ўтирди.

— Э! — деб бошини сараклади. — Ёқарди-ку, қизим? Иззатингизни от қилиб миниб олувдингиз-ку, қизим?

Йўлакнинг учроғида бировнинг қораси кўринди. Яқинроқ келганида таниди: яна ўша Маматқулов! Қўлларини булғаб, кет, дея ишора қилди, кет, бор ўша гирой опангнинг ёнига, зора ияк танғишга муносиб кўрса!..

Маматқулов имони тушунди. Бери келишга юраги бетламади. Гўё бутунлай бошқа бир ташвиш билан юргандай, бир муддат тўхтаб, дарахтларнинг учларини томоша қилган бўлди, сўнг ортига бурилиб, касалхона биноси томон илдам юриб кетди.

Сенгаям Қурбоной опангнинг касри урди, деб ўйлади Яхшибоев заҳарханда билан, опанг фириб бермаса эди, Яхшибоевнинг оғзи куймаса эди, ажабмаски, битта очерка билан сен фақирнинг ҳам йўлинг очилиб кетарди, лекин энди кеч, иним, оғзим куйди менинг, бу ёғи

www.ziyouz.com kutubxonasi

шартим кетиб партим қолди, энди улоққа ярамайман, эҳтимолки, тадрижингни бошламоққа қурбим келар, лекин такомилингни кўрмоққа умрим қисқалик қилади, сен мени тинч қўй, иним, менга Қурбонойнинг камоли ҳам етади!...

Ўйлагани сайин хуноби ошаверди.

Ёқарди-ку, дея бот эслади, бу энагарга ёқарди-ку, биз ҳам авваллари яхши эдик-ку? «Отажоним, агар сиз бўлмасангиз!..» деб вижирлайдиган қушча қани? «Мен бир оддий деҳқон қизи» деб камтарлик қиладиган ким эди? Шу гапни гўё отаси қўйган исмдай қилиб айтарди, нафас олмай, паузасиз айтарди: м е н б и р о д д и й д е ҳ қ о н қ и з и ! Содда эканмиз-да, эшитиб кулардик биз, аниқроғи, мен ўзим кулардим, Ошно эса жилмаярди, лекин унинг жилмайиши менинг кулгиларимдан минг ҳисса мазмунлироқ эканини Қурбоной қизимиз ўшандаёқ тушунган экан-да? Деҳқон қизи эмиш!.. Қани ўша деҳқон? Автовокзалда қизига писта соттириб қўйган нашаванд чолми? Унинг асл касби ҳолвафурушлик эди шекилли? Нимаси деҳқон? Деҳқон етиштирган ғалла унидан пашмак пиширгани учунми?..

Э Қурбоной қизим, агар мен нодон бўлмасам эди, сенинг бутун толеи тақдирингни елкамга юк қилмасдим? Сени қай фурсатда ортмоқлаб олганимни билмайсан-да! Чувринди чопончада эдинг, оёқларингда эски калиш, эндигина қори ариган кўча четида писта сотиб ўтирардинг. Кўриб раҳмим келди сенга. Раҳмим келди-ю, лекин кўзёши тўкадиган ниятим йўқ эди. Кўзёшини бошқа биров тўкди — лаънати Ҳалим! Ҳалимдай юмшоқ кимса эди. Ўшанда не ишларга масъул бўлганию ҳозирда қайга йўқолганини билмайман — ишқилиб, нимагадир дохиллиги бордирки, Ошно билан менга ҳамроҳ бўлиб юрувди. Ўша Ҳалим сенинг ҳолингни кўриб айтдики, во дариг, манави қизчалар ҳам бу дунёдан ғофил ўтиб кетади-да, а? Унинг ғингшигани Ошнога ёқмади, сабабки, сен писта сотиб ўтирган кўча ҳам, унга туташ кўчалар, бутун шаҳарчаю унинг гирдини ўраган музофотларнинг барчаси унинг тасарруфида эди. Сенинг тақдиринг учун ҳам Ошно жавобгар эди. Ҳалимнинг гапларини таъна деб тушунди, ёқтирмади. Энсаси қотиброқ айтдики, э ўртоқ Ҳалим, сиз замон суръатига ҳали тушуниб етмабсиз, бу замон шундай ажойибки, бугунги пистафуруш — эртанги зарбдор!..

Кейин, Ҳалим деганимиз сени буткул унутиб, машинада ўтирган кўйи пинакка кетганида, Ошно менга юзланди-ки, мен сал каттароқ гапириб қўйдим, ўртоқ Яхшибоев, энди бу ёғига уялтириб қўймассиз?.. Бошқа гап-сўз бўлгани йўқ. Пешинга бориб ўша районда мажлис бўлди. Ошно катта нутқ сўзлади, сўнг бошқалар... Шўрим қуриб, охиррогида менинг ҳам фамилиямни атаб қолишди. Айтадиган гапим йўқ, бир зум чайналиб туриб, кутилмаганда Ошно берган ваколат ёдимга тушдию тилимнинг тушови ечилди. Ўртоқларнинг бошларига таъна тошларини ёғдирдимки, тарбия сусайиб кетган, ёшларга эътибор йўқ, натижа шуки, тоғни талқон қиладиган йигитларимиз иштонбоғ сотади, қизларимиз — писта!..

Қаттиқ олдим ўшанда, Қурбоной қизим. Сал ўтиб эшитдимки, жиякфуруш йигитлардан бир гуруҳи заводга сафарбар этилибди, пистафуруш қизалоқлардан пахтакорлар звеноси тузилибди. Ўша звено аъзолари ичида сен ҳам бор экансан, Қурбоной қизим.

Шу, холос. Пистафуруш дугоналаринг ҳар ёнга тарқалиб кетиб, сен ўзинг тракторчи Қўзибой туфайли звенода қолганингни бирор йил ўтиб билдим — район раҳбарлари мақтаниб гапиришди. Сўнг машинага солиб, далага опчиқишди, сени кўрсатишдики, мана, Назар Яхшибоевич, танишинг, сергайрат қизимиз Қурбоной!

Бориб Ошнога ҳисобот бердимки, сиз б а ш о р а т қ и л г а н зарбдор қизимизни кўриб келдим, оқсоқол. Минг бир ташвишли одам эмасми, Ошно сени ҳадеганда эслайвермади. Ноилож таржимаи ҳолингни сўйладим. Ҳолвафуруш чолнинг пистафуруш қизи эканинг Ошнога унча маъқул тушмади. Сал ўзгариш киритсангиз, ўртоқ Яхшибоев, деди, умуман, Ширмоной қизимизни... йўқ, кечирасиз... Қурбоной қизимизни назардан қочирмаганингиз таҳсинга лойиқ, лекин шунга яраша таржимаи ҳол ҳам топсангиз, дейлик, у асли деҳқон қизи бўлса... айбга буюрмайсиз-у, лекин ҳолванинг ғўзадан узоқлиги мени сал хижолат қилиб турибди...

Начора, амри Ошно — вожиб, сенга янги таржимаи ҳолингни ёд олдирдим, Қурбоной қизим. Ўзим айтиб турдим, сен чумолихат билан ёздинг, сўнг мен хатоларингни тузатдим, сен қайта кўчириб ёздинг; ҳолвафуруш чолни эсдан чиқариб, пахтакор чолнинг қизига айландинг, яъники — м е н б и р о д д и й д е ҳ қ о н қ и з и !

Мойдай ёқарди сенга, Қурбоной қизим! Айниқса — очерка ёзиб шиширганларим! Мухбирларнинг серқат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нов бўлиб қолганлари! Мажлисларнинг тўрларида ўтиришларки, кўрганнинг кўзи куярди! Аввалига қизариб-қимтиниб тўрга ўтардинг, кейинроқ таклиф кутмасданоқ тўғри тепага чиқиб кетаверардинг!..

Ёқарди-ку, Қурбоной қизим?!

Азалдан ношукурлигинг бор эди, ҳатто Қўзибойдай жўяли йигитга тегиб шошилмадимми, деб ўйлай бошладинг, ҳаттоки бошқа бировни топишга ҳам уриндинг, биттасини аммамнинг ўғли, деб таништирганинг ёдимда, лекин Яхшибоев сезгир эди, Қурбоной қизим, ўз вақтида монелик қилиб улгурди, негаки, бошқа эр топсанг, бас, Ошно тўқиган чучмалгина таржимаи ҳол чегарасидан чиқиб кетардинг, ўшанда Ҳалим чапак чаларди, Ошнонинг б а ш о р а т и уч пулга қиммат экани билиниб қоларди!..

Энди сен атанган хотин бўлмоққа маҳкум эдинг, Қурбоной қизим!..

Палатага шалвираб қайтди. Ҳамшира тўмба устига қўйиб кетган ҳабдориларни бир қултум сув билан ютиб, ўрингa чўзилди. Кўп ухлай олмади, босириқдан чўчиб уйғонди. Яна ўша бемаъни туш — шоширди Чоршанбиев уни қизғиш деворга тақаб қўйиб, бири-биридан сархил ноклар билан ураётган эмиш!

Бўралаб сўкинди. Барисига анави лаънати «элчи» айбдор, ҳамма ёқни олмаю нокка тўлдириб ташлади. Нияти соғ эмас унинг, бир учи тушдаям аён беряпти... Айбдор ўша лаънати-ю, бу ёққа бечора Чоршанби устозини «нокбўрон» қилиб ўтирибди!..

Иримчи бўлмаса-да, тушини ўйлагани сайин юраги торикиб кетаверди. Ахийри бош врачга телефон қилди:

— Уйга кетсам, ўртоқ Ваҳобов, ҳарна, ўлан тўшагим тузук...

Профессор Ваҳобов тайинли бир гап айтмади, номига юпатган бўлди, холос:

— Диққат бўлаверманг, ўртоқ Яхшибоев. Сизни хафа қилганимиз йўқ шекилли?..

Овозида таъна сезилгандай бўлди — шуниси Яхшибоевга ўтинқирамади.

— Хафа қилиб кўринг-чи!.. — деб, трубкани зарда билан жойига ташлади.

Бирор ўн дақиқа ўтиб, Ваҳобовнинг муовини Раҳматов бир гала врачу ҳамширалар билан кириб келди. Яхшибоев ётган жойидан қўзғалмади.

— Аъёнлар бўлиши шарт эмасди, — деди сал ғижиниб. — Айт уларга, касалларга қарашсин.

Раҳматов ўзига тобе одамлар олдида дакки эшитаётганидан сал аччиқланди, лекин гап қайтарарга журъати етмади, ортидан эргашиб келганларга қараб, «бораверинглар!» дегандай ишора қилди.

— Ўзингнинг ҳам келишинг шарт эмасди, — деди Яхшибоев, «аъёнлар» чиқиб кетишгач. — Менга анави омонатчи хотинни юборсанг бас эди, Раҳматов болам, ундан усти бошимни олардим, холос.

— Парваришимиз ёқмадими, Назар Яхшибоевич? — деди Раҳматов. — Анча дуруст бўп қолдингиз-ку.

— Аввал ҳам дуруст эдим.

— Албатта, албатта, — дея шоша-пиша маъқуллади Раҳматов. — Аввал ҳам отдай эдингиз, энди, бизда сал ҳордиқ чиқардингиз-да... Озгина сабр қилсангиз, Назар Яхшибоевич.

— Йўқ, бугуноқ кетаман.

— Илтимосимнинг боиси бор, — деди Раҳматов синиқ илжайиб. — Сизга биттагина путёвка тўғрилаб бермоқчи эдик. Карлсбадга... Чехословакия... Хоҳласангиз, Болгарияга юборамиз, денгиз бўйида Златни Пясци деган зўр курорти бор...

— Бормайман, — деди Яхшибоев. — Мен Булдуруққа жўнамоқчиман.

— Булдуруққа йўлим тушмаган, — деди Раҳматов. — Лекин, баҳаво жойлар, деб эшитганмиз.

— Ёлғон гапирма, Раҳматов болам, — деди Яхшибоев, — Булдуруқда курорт-пурорт йўқ, ҳавоси ҳам яхшимас. Саратонда, авжи гармселда бориб қолсанг — нақ онангни кўрасан!

Раҳматов хижолат чекди. Бир муддат ерга кўз қадаб турди, сўнг тағин тилга кирди:

— Бошқа ёққа юбориш қўлимиздан келмайди, Назар Яхшибоевич...

— Шартмас, — деди Яхшибоев. — Дунёнинг эллик етти мамлакатида бўлганмиз, Раҳматов болам.

— Қолган-қутган армонларингиз ҳам бордир, Назар Яхшибоевич? — деди Раҳматов. — Келинг, бошқа юмушлар бўлса, биз ҳам бир сафар хизматингизда бўлайлик!..

— Мангу яшамоқчиман, — деди Яхшибоев, — ниятинг астойдил бўлса, шу масалада сал ёрдам қилолмайсанми?

— Э, у нарса қўлимиздан келмайди, Назар Яхшибоевич, — деди Раҳматов. — Бизники — вақтинчалик муолижа. Энди, сизда тан оғримаса...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Кафолатини олганмисан? — деб зарда қилди Яхшибоев. — Таним оғримаса, нега бу ерда ушлаб турибсан? Ўша путёвкангни уйга обориб берсанг чурранг тушадими, Раҳматов болам?

Раҳматов ўсал бўлди. Сал туриб, оппоқ халатининг чўнтагидан кичкина чорбурчак қутича чиқариб, тўмба устига қўйди. Яхшибоев англадики, атир опкелди, ўша ўзи Ваҳобовга тайинлаган атир...

— Нина Ричими? — деб сўради мийиғида кулиб. — Лотинчадан саводинг бор, ўқиб кўр-чи.

— Нина Ричимас, — деди Раҳматов. — Диор фирмаси.

— Дуруст, — деди Яхшибоев, — лекин Нина Ричи бўлса маъқулроқ эди. Хўш, хизматингиз эвазига хизмат қилайлик энди, ўртоқ Раҳматов?

— Яна озгина даволансангиз...

— Эсинг жойидами!

— Профессорнинг ҳам фикри шу...

— Қўйсанг-чи, Раҳматов болам, — деди Яхшибоев энсаси қотиб. — Очиқроқ гапирсанг бўлармиди. Балки йўғонлардан бирортасига қуда бўлмоқчидирсан? Ё каттароқ амалдан умидинг борми? Билиб қўй, Ваҳобовнинг ўрнини олиб беролмайман, сен бу жойга лойиқ эмассан. Лекин жўнроқ катта вазифалар бўлса, майли, айтавер... Совчилик бўлсаям — марҳамат. Совчилик қилишга қурбимиз етади ҳали!..

— Ўғилларни уйлаб, қизларни чиқариб бўлганмиз, Назар Яхшибоевич.

— Балки ўзинг уйланмоқчидирсан?

— Йўғ-э!..

— Айтавер, тортинма, Раҳматов болам...

— Ўша илтимос — яна озгина даволансангиз...

— Сабаб? Нима бало, ўлиб қоладиган бирор ишкалим борми?

— Нафасни иссиқ қилинг, Назар Яхшибоевич! — дея хитоб этди Раҳматов. — Отдайсиз, Назар Яхшибоевич.

Раҳматовнинг мужмаллиги аввалига сал завқлантирган бўлса, энди ғашига тега бошлади. Ётган жойида бир-икки асабий ғимирлаб олди.

— Бу менинг ўзимга дахлдор гап эмас... — деб чайналди Раҳматов.

— Ўв, ширин бола! — деди Яхшибоев тоқати тоқ бўлиб. — Нега сен мунча ўлиб-тириласан? Ахир... тумовратиб юбординг-ку!

— Сизни кўргали бир киши келмоқчи эканлар, Назар Яхшибоевич... Отларини айтолмайман, ҳаддим сиғмайди...

Яхшибоев чуқур тин олди. Шу гапни кутган эди. Кимдир шу хабарни етказишини биларди, лекин манави жипириқ Раҳматов... Ўйлаб туриб, ростакамига оғринди. Ошнонинг маҳкамасидан хабар етган-у, лекин Ваҳобов ўзи қолиб, манави... «ширин бола»ни юборган... Нимаси бу — менсимаганими? Ундай десак, менинг кетмаслигимни кўзлаб, курорт-пурортларни қалаштириб ётибди-ку? Ваҳобов ўзи бош қўшмаса, манави Раҳматов боланинг бировни хорижга дам олгани юборишга қурби етармиди!..

Ўрнидан туриб, каравотдан оёқларини тушириб ўтирди. Бир маҳал қараса, Раҳматов ҳам битта курсини олиб, унинг рўпарасига қўндирмоқчи...

— Майли, сен борақол, Раҳматов болам, — деди Яхшибоев шошиб. — Ваҳобовга айтиб қўй, бу гапни ҳамма ёққа овоза қилиб юбормасин. Мен бир касал одамман, шов-шув асабимга ёмон таъсир қилади.

— Хўп, Назар Яхшибоевич, — деб таъзим қилди Раҳматов.

— Атир опкеганинг учун раҳмат.

— Янгамларга совға, — деб ҳиринглади Раҳматов. — Димоғингизни қитиқлаб юрсинлар...

Яхшибоев унга хўмрайиб қаради. Хайрият, Раҳматов ортиқ хиралик қилмади, тансиҳатлик тилаб, секин чиқиб кетди.

Яхшибоев тағин ўрнига чўзилди. Шу алпозда анча вақт, токи Муҳсина хоним лопиллаб кириб келмагунича ётаверди. Хотини келтирган егуликларини нариги хонада қолдириб, бери ёққа кирди. Эрига яқинлашиб, юзидан чўлпиллатиб ўпди-да, юқтирган лаббўёғини бармоқлари билан сидириб ташлади, боз ўпиб, боз бўёғини сидирди. Яхшибоев синчиклаб қараб, Муҳсина хонимнинг кўзларида недир ҳадик аломатларини кўрди. Сабабини бугунги нохуш суҳбатга йўйди, яъники — Қурбонойнинг ёнида сал-пал ранги оқариб қайтган бўлса эҳтимол...

Ётган жойидан турди, курси суриб ўтирди. Муҳсина хоним тўшакнинг ғижимланган ғилофини тартибга солган бўлиб, бир четига омонатгина чўкди.

— Харидлар зўр бўлдими? — деб сўради Яхшибоев.

— Ўлсин! — деди Муҳсина хоним. — Очирит экан. Сабрим чидамади. Биттаси айтдики, сиз ўзингиз олган эмишсиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Падарлаънат Раҳматов айтган, деб ўйлади Яхшибоев, шуни ичингда сақлаб турсанг ёрилиб ўлармидинг, онаси бузуқ!..

— Ана, — деди у ҳафсаласизгина, тўмбага ишора қилиб.

— Вой, шу биттагинами? — деди Муҳсина хоним. — Кўп олдилар, деб айтишди-ку?

— Қолганларини ўйнашларимга атаб яшириб қўйдим, — деди Яхшибоев.

— Иддао қилманг, дадаси, — деди Муҳсина хоним. — Ўзингиз, келинларгаям ол, деб айтдингиз-ку?

— Тумбочкада пул бор, бориб керагича олаверасиз. Анави қутичани Сокинага беринг. Фаранги атир эмиш, ким билсин, уларнинг Ўртақўрғонида бунақа матоҳ топиладими, йўқми...

— Керак бўлса, эри обберсин! — деди Муҳсина хоним. — Эркак номи бор, сепига олганиям етади!..

Ў, энағар хасис, деб ўйлади Яхшибоев, ўзинг туққанингга қиймайсан-а, энағар, бу ўзи мушукнинг закаридай нарса бўлса, етмишга киргунча суркаганларинг дарё бўлар?..

— Кўп олди, деб айтишди-ку? — дея такрорлади Муҳсина хоним.

— Кўп бўлса, дўконда кўп, бориб олаверинг!..

Муҳсина хоним аразлади. Каравотдан илкис туриб, дераза ёнига борди-да, ўша жойда қаққайиб тураверди. Саҳнадаги машқи қолмабди, деб киноя қилди Яхшибоев, саҳнадаям аразчи хотинларни ўйнаётганида айни шундай... декорация четига бориб, уч-тўртта чўпдан қаланган ёлғондакам дераза ёнида серрайиб турарди. Саҳнадаги араз тушунарли, сабабки, томошабин саҳнадан йироқ ўтиради, қовоқ-тумшуғинг осилганини ҳадеганда сеза қолмайди, шу боис четроққа ўтиб туришинг шарт... Бу ерда-чи? Томошабин турқингни аниқ-таниқ кўриб турганида театру кўрсатишга бало борми?

Хийла замон бурун, галатепалик Эломоновнинг ишлари чаппасига кетиб, хотини ёрдам сўраб келганини эслади. Оти ё Райҳон, ё Гунафша эди. Ўша хотин ҳам бирор ёруғлик чиқаридан умидини узганида худди шу алпозда — қалин дарпардалар тортилган деразалар ёнига бориб турган эди. Сўнг, Яхшибоев ундан гап сўраганида, бечора Эломоновни сен ўзинг ёмонроқ йўлларга солмадингми, деб сўраганида, икки қўли билан икки чаккасини ушлаб: «О, не маломат!..» дея хитоб қилган эди.

Бир муддат қизиқсиниб кутиб қолди. Гўё Муҳсина хоним ҳам айни аснода Гунафшага ўхшаб хитоб қиладигандай...

Муҳсина хоним хўрсинди, холос. Хўрсиниғи сал шовқинлироқ эрса-да, Яхшибоев парво қилмади. Билардики, хўрсиниқ ортидан йиғи келмоғи жуда қийин. Негаки, Муҳсина хоним — салобатли аёл. Ҳар ҳолда, умр бўйи улуғвор бўлишга ҳаракат қилди. Яхшибоев эсладики, бундан неча ўн йиллар муқаддам, у ўзи бошқа бир аёлга кўнгил қўйиб, Муҳсина хонимнинг жавобини бермоқчи бўлганида ҳам айни улуғворлик намоён бўлган. Муҳсина хоним айтганки, майли, Назар ака, мен нимаям дердим, зорим бор-у, зўрим йўқ, кўнглингиз тусаганини қилинг.

Қизиқ экан-да, деб ўйлади Яхшибоев, бир қарашда шу сўзларни айтган аёл хоксордай туюлади, лекин бу хоксорлик негизидаги улуғворлик, ўктамлик, кенглик... О, шуурга сиғмайди бу!..

Ўшанда ҳам Муҳсина хоним хўрсинган эди. Хўрсинган-у, лекин йиғламаган. Кейинчалик ўзи айтардики, ўксам қаттиқ менинг, ўртоқ Яхшибоев, ҳадеганда йиғлай олмайман, айниқса кинода панд беради шу одатим, ноилоҳликдан дори суркалган рўмолчани кўзга суртаман...

Шуларни хотирларкан, алами қўзиди. Ўзи ҳам хўрсиниб ўйладики, куюнганларинг бир пул, ўшанда ҳам бир пул эди, бахтингдан бўлиб, худо Ошнони яратган, Ошнога атаб Муяссар хонимни яратган, Муяссар хонимга атаб сени яратган, яъниким — сирдошу тенгдош дугонани... Мен эсам, асли Олияга аталган эдим, лекин сенга насиба қилиб белгилашди, йўриқдан чиқиб кетолмадим, ўзимни сотдим!..

Хўрлиги келди.

У айни хотиротдан қочиб яшарди. Айни хотиротни ўйласа, бас, ўзини ерга отиб ургиси келарди. Кўпроқ ўйласа гўё ўлиб қоладигандай!..

Ўлишдан қўрқарди. Айниқса, кейинги беш-ўн йил ичида.

Бир гал Чоршанбига айтди. Болам, деди, мен бир Олия деган хотинни яхши кўрардим. Чоршанби ҳайрон бўлди. Нега буни эслаб қолдингиз, устоз, деб сўради. Шунда Яхшибоев айтдики, э Чоршанби болам, эслаганимнинг боиси шуки, Олия ёнимда бўлса эди, мен сал тузукроқ одам бўлардим!..

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чоршанби устозининг дардини тушунмади. Унинг наздида, Яхшибоевнинг нолишлари шунчаки бир тантиқлик эди, холос. Ростдан ҳам, ейиш-ичиши жойида бўлса, обрў — тахт, унвону даражалар — тахт... яна қандай армон бўлиши мумкин?..

Ўшанда Чоршанби рўй-рост кулди. Яхшибоев ўйланиб қолдики, менда одамлик сиёғи йўқолибди, ана, бухоролик афанди бир чол бор, оти Шариф Нурхон, бирор саксонни қоралаб борган-у, нуқул ўн саккиз ёшида бойнинг қўлида қарол бўлиб юриб, унинг Сафия деган қизига ошиқ бўлганидан сўзлайди: Сафияхон ёшгина эди, ман ўзим ҳам ёш, деворнинг бу ёғидан ман олма оқизардим, у ёғида Сафияхон тутиб оларди!..

Қизиқ, шу гапларни айтганида саксон яшар чолга одам ишонарди. Менга-чи? Мен муҳаббатимни айтсам биров ишонадими? Чоршанби ишонмаслиги табиий, лекин манави хотин, Муҳсина хоним, манави ҳарсиллаган атирпараст кампир, ўшал кунларнинг жонли гувоҳи... лоақал шу ишонар? Жилла қурса, ўшанда хўрсинганларини тан олар? Ё буям инкор этадими?

Яхшибоев хотинига ўқрайиб қаради, лекин Муҳсина хоним буни сезмади — у ҳамон дераза ёнида аразлаб турарди.

Кимдир нариги хонага кирди.

— Домлажо-он! — деган овоз келди, сўнг эски коржома кийган нотаниш кимса бу тарафга мўралади. — Домлажон, ваннани ремонт қилмоқчийдик, ўшанга майда-чуйда...

— Ваннанинг бузилган жойи йўқ, — деди Яхшибоев.

— Буйруқ шунақа, — деди коржомали кимса. — Жўмракларни янгилаймиз, чет элники, зўр!..

— Кейинроқ, — деди Яхшибоев. — Кейин ремонт қиласан.

— Майлингиз, лекин ашқол-дашқолни шу ерга ташлаб кетаман...

— Билганингни қил, — деди Яхшибоев. — Ташлаб кетасанми, қайтариб опкетасанми...

— Ташлаб кетаман, — деди коржомали киши. — Буйруқ шунақа, домлажон. Бугун-эрта битказиш керак.

У ваннахона эшигини очиб, неларнидир ичкарига қўйиб чиқди, сўнг йўлакка чиқиб кетди. Бу масканда ҳамма бирдай ҳожатбарор, деб ўйлади Яхшибоев, ҳаттоки сантехник деганлари ҳам... Турган-битгани мўъжиза!

Муҳсина хоним тик тураверіб толиқди шекилли, келиб аввалги жойига — каравот четига ўтирди. Тўмба устидаги атирни кўра бошлади.

— Менам учта олдим, — деди. — Очирит катта экан, биттасига роса ялинувдим, навбати яқин экан, шугинани олиб берди.

Яхшибоев индамади. Ичида, тинч ўлмайсан, деб ўйлади, кўзинг тўймайди сенинг. Ғазабланди. Аччиқроқ гапиришга чоғланди-ю, лекин бирдан ўчди. Фойдаси йўқ энди, умр ўтди, йўсинларнинг охири кўриниб қолди, чидамоқдан ўзга чора йўқ энди.

Қанча қолдийкин, деб ўйлади, бир йилми, бир ойми? Балки бир-икки кундир?! Кўнглига ваҳм оралади. Чалғишга уринди. Қарасаки, бояги ғазаби ҳам жўяли экан, сабабки, ғазабланганингда ўзингни бу дунёда устивор сезасан — ҳали бу ёғи кўпдай, тугаб-туганмайдигандай!..

— Директор шогирдингизга айтдингизми? — сўради Муҳсина хоним.

— Қайси шогирдим? — деб талмовсиради Яхшибоев, гарчи Муҳсина хонимнинг мақсадини англаб турса-да.

— Анави... театрга директор бўлгани-да.

— Чоршанбими? Йўқ, хоним, у ҳали директор бўлганича йўқ. Бўлганидан кейин айтамиз.

— Мен телефон қилувдим, дарров гапни чалғитди. Ҳалитдан бурни кўтарилиб кетибди... Бўлмағур нарсаларни айтиб вайсади!..

Яхшибоев ғижинди. Ўзини мажбур этиб жилмайди. Жилмайиши сўниб битмасидан, хотинига шошиб қаради:

— Хўш, хоним, нималар деб вайсади у?

Муҳсина хоним ерга қаради.

— Тилим бормайди, дадаси...

— Айтаверинг.

— Яшшамагур, устозим васият ёзмоқчилар, деб айтади!..

Яхшибоев ишонмади. У Чоршанбиевнинг феълини жуда яхши биларди. Эҳтимол, қўрқоқлиги туфайлидир, лекин шунча замонлардирки, устозини бировга сотган эмас. Чамаси, Муҳсина хоним гап кавлаган-у, гарчи Чоршанбиев сир бой бермаса-да, ўша суҳбатнинг ўзиниёқ орқа қилиб, секингина мақсадга ўтяпти...

— Айтдимки, бекорларни айтибсиз, у киши васият қилганларидан кўра, мен ўзим васият қилганим яхши!..

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Раҳмат, хоним, — деди Яхшибоев. — Сиз — оқибатли хотинсиз. Вайсақи шогирдимга ўз вақтида танбеҳ берибсиз. Бунақа гап бўлгани йўқ ўзи.

Муҳсина хоним гарангсиб қолди. Яхшибоевнинг мавзуга бунчалар тез нуқта қўйишини кутмаган эди. Бир муддат индамай ўтирди. Сўнг узоқроқдан гап бошлади:

— Тамара келин тағин жанжал бошлади. Аввалбек кечаям ичиб келган эмиш...

— Яхшимас, хоним, — деди Яхшибоев. — Касал одамга хуш хабарлар жуда-жуда керак.

— Ўғлингиз-да, мен нима қилай, — деб хўрсинди Муҳсина хоним. — Оллоёрдан нолимайман, лекин, агар тўғрисини айтсам, унинг бўшанглигини ҳеч сингдиролмайман.

— Рўзғорини эплаб турибди-ку, хоним.

— Гап рўзғорни эплашдами?

— Ундай деманг... Оллоёр — бамаъни йигит.

— Қаттиққўлроқ эмас, хотинигаям бўш гапиради. Тутиб олганим йўқ-у, лекин уйдан ўзининг уйига нарса ташийдими, деб гумон қиламан...

— Аввалбек ёмон ичибдими?

— Чўчқадан фарқи йўқ!

— Оллоёр ўғлимиз акасига дакки берса бўлармиди?..

— Айтдим-ку, бировга сўзи ўтмайди, деб! Битта хотинни эплаб ололмагандан кейин!!.

— Аввалбекнинг хотини нима дейди?

— Э, уям бир гўр! Уям уйдан ўзининг уйига ташийди!..

Яхшибоев зерикди. Суҳбатнинг давоми не бўларини олдиндан биларди. Ўша эски мазмун: Аввалбек ичади; Оллоёр ўлгудай бўшанг; келинларнинг қўли эгри; биргина Муҳсина хоним оппоқ, биргина Муҳсина хонимга ишонса бўлади, айниқса — васияту мерос масаласида! Мунча кўзинг оч, энагар кампир, сенга мерос чи кора, у ёққа орқалаб кетасанми?

— Сиз ақлли хотинсиз, хоним, — деди Яхшибоев, оғир сўлиш олиб. — Ақлли хотин сал босиқроқ бўлади. Жонингиз ачиши тўғри, жаҳлингиз чиққани ҳам тўғри, лекин... фойдаси бўлармикин? Балки бошқачароқ чора ахтариш керакдир? Биласиз, мен анча йил яшадим. Одам кўп яшагандан кейин анча-мунча молу дунё ҳам йиғилиб қоларкан...

— Қўйинг, дадаси, — деб уялган бўлди Муҳсина хоним. — Қўйинг бу гапларни, гўё мен шу гапни деб келгандай бўп қолмайин... Агар шуни айтаверсангиз,

қайтиб келмайдиган бўламан, — айни сўзлар устида Муҳсина хоним андак нозлангандай туюлди. — Кейин сизга ким ширин-ширин овқат пишириб келади?

— Майли, — деб илжайди Яхшибоев. — Лекин сал ёлғон ишлатдингиз, хоним. Менга ширин-ширин таомларни ойдай келинларим пишириб беради, сиз бу ёққа опкеласиз, холос.

— Ахир, уларга ўзим ўргатганман-да, дадаси!..

Яхшибоев эътироз билдириб ўтирмади. Сабабки, икковининг ҳам гапи ёлғон эди. Овқатни келинлар эмас, Робиға-Робия-Роби пиширган. Улар бир замонлар пазанда бўлишган-у, энди ҳаваслари сўниб-битган. Яхшибоев иккала келиннинг ҳам Муҳсина хонимнинг кўнглини олиш учун тансиқ таомлар пиширганларини эслайди. Лекин Муҳсина хоним асло бўшашмаган, гўё келин бечоралар пиширган таомлардан нуқул куйик ҳиди келарди, куйик ҳиди келмаганида — ё шўри ошиб кетарди, ё тузи камроқ бўларди!

Қатттиққўл қайнона эди Муҳсина хоним!

Қаттиққўллиги тутса, бас, озиб-ёзиб бозордан гўшт олиб келган пайтларида Робиға-Робия-Робидан эшитган койишлари ҳам эсидан чиқиб кетарди. Хизматчи хотин айтардики, уй бекаси ҳид билмайди, яккаш димланганроқ масаллиқ опкелади, деб...

— Энди, хоним, сиз билан маслаҳат қиладиган ишларимиз бор, — деди Яхшибоев. — Бир бошда — бир ўлим. Эртами-кечми — ишқилиб, тақдирнинг тазйиғига тушаримиз тайин. Ёлғиз маҳрамим — ўзингиз...

— Қўйинг, дадаси!.. — Муҳсина хоним қўлларини театручасига силкитиб, эрига эътироз қилди. — Қўйинг, мен сиздан олдинроқ кетай, дадаси!

— Навбат талашиб ўтирмайлик, хоним. Келинг, мен олдинроқ кетай...

— Эгоист! — деди Муҳсина хоним кўзларига ёш олиб. —Мени зор қақшатиб кетмоқчимисиз?..

Яхшибоев бирор дақиқа кутиб турди — Муҳсина хонимга ҳаяжонини босишга имкон берди. Кейин, хотини жўнроқ тусга тушгач, секин давом этди:

— Қолдирадиганим сизгаям, болаларгаям етиб-ортади, хоним. Дафтарчадаям, сиз билмайдиган чет-чақалардаям озми-кўп... Топилади-да, ишқилиб!..

— Чап чўнтагингиз ҳам бор экан-да, дадаси! — деб эркаланди Муҳсина хоним. — Жазманларга сарфлар экансиз-да!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўқ, хоним, — деди Яхшибоев. — Сарфласам, аллақачон сарфлаб улгурардим. Ҳаммаси бус-бутун турибди. Қарз дафтарини айтмасам ҳам бўлади, ўзим қайтариб ололмадим, энди сизларга ҳам қайтариб беришмаса керак. Гап бундай, Муҳсина хоним... Васиятни иккита қиламиз. Бирини тез кунда тузамиз, иккинчисига сал сабр қилсак ҳам бўлаверади. Сабабки, менинг яна бир-икки йил яшаш эҳтимолим ҳам йўқ эмас. Кейин яна битта чакана васият ҳам борки, буниси сал нозикроқ. Хабарингиз бор, хоним, ёшликда андак айниган пайтларимиз ҳам бўлган. Сизнинг қадрингизга етмай адашганмиз, битта-яримта сулувроқ аёлларга кўз ташлаганмиз...

— Кулни кавлаб нима қиласиз, дадаси!..

— Энди, тавба қилмасам кўнглим тинчимайди-да, хоним.

— Мен сизни аллақачон кечирганман, дадаси.

— Энг ёмони шуки, хоним, мен фақат сизнинг эмас, ўша ўзим кўз ташлаган муштипарларнинг олдида ҳам гуноҳкорман.

— Улардан кечирим сўрашингиз шарт эмасдир? — деди Муҳсина хоним сал жиддийлашиб.

— Кечирим сўраш шарт эмас, лекин... жоним қийналади-да, хоним...

— Нима бало, ўйнашдан бола орттирганмисиз?

— Мероснинг ярмини ўшаларга қолдирсам, хоним. Тириклигимда рўшнолик кўрмади улар, энди, ўлганимда ортимдан сўкиб юришмасин!..

— Кўп! — деди Муҳсина хоним.

— Сизга қоладигани ҳам озмас, хоним!

— Мен озлиги ёки кўплигини эмас, адолат бўлишини гапиряпман, дадаси, — деди Муҳсина хоним. — Менга ҳеч нарса керакмас, мен ҳам эрта-индин ортингиздан кетадиган одамман, бу ёқда қоладиганларни ўйланг, дадаси!..

— Биттаси Аввалбек бўлса, у — гирт пиёниста. Оллоёр — аммамнинг бузоғи! Келинларнинг қўли эгри! Кимга қолдирай? Робиягами?..

Шундай дер экан, кўнглидан кечдики, бор меросни Робиға-Робия-Робига қолдирса тузук бўларди, негаки, бу дунёда биргина шу аёл унга холису ҳалол хизмат қилди, бирор марта иддао қилгани йўқ, биргина шу иззатга молик!..

— Нима қипти! — деб хезланди Муҳсина хоним. — Робия ҳам бегона эмас, ўлса, ўзимиз кўмамиз.

— Робия — ҳали бақувват, — дея ҳазилга бурди Яхшибоев. — Сизда мантиқ йўқ, хоним. Аввал ҳаммани ёзғирдингиз, энди ҳаммани фариштага чиқаряпсиз, қайси гапингизга ишонай?..

— Жоним ачиганидан айтдим-да, дадаси, — Муҳсина хоним сал юмшади, мулойим оҳангга ўтди: — Пиёнистами, бўшанг-латтами, иккови ҳам ўзингизнинг зурёдингиз...

— Сокинагаям бир улуш бериш керак, нима дедингиз?

— Хайрият, қизингизниям эсладингиз. Ўша улушни жазманларингиздан олиб берасиз.

— Инсоф қилинг, хоним, — деди Яхшибоев. — Агар сиздан яширсам, чет-чақадаги пулимни сездирмай ошириб юборсам нима қилардингиз? Мумкин эди-ку, хоним? Дов-даскакни ҳисобга қўшмайлик: ҳовли-жой, машина, ўғилларга теккан лаш-лушлар... Бу ёғиям бирор юз мингни қоралаб борар?

— Ёмонсиз, дадаси! — деб койиди Муҳсина хоним. — Олтмиш мингни мендан бекитган экансиз-да!..

Яхшибоев сармоясини тахминан айтган эди. Муҳсина хонимнинг гапидан сўнг омонат дафтарчадаги пули бирор қирқ минг эканини эслади. Майнанг бутун, кампир, деб ўйлади, дафтарчанинг яна иккитаси йигирма йилдирки туғиб-урчиб ётганини билсанг борми, қувончдан ёрилиб ўлардинг!..

— Майли, хоним, олтмиши — сизларга, — деди илжайиб. — Қолган қирқини анави бечораларга берсак...

— Ўндан тўрти кўплик қилади, — деди Муҳсина хоним. — Уларга бир қисм берсангиз ҳам кифоя. Ўн минг ҳам катта пул!..

— Йўқ, хоним, жилла қурса уч ҳисса беринг!

— Икки ҳисса!..

— Майлингиз, хоним. Энди, хоним, буниси норасмий бўлади. Ўйлангки, мен сиздан йигирма минг сўмни яшириб қолдим. Хўпми?

— Хўп, — деди Муҳсина хоним хушламайроқ.

— Балли! Бу ёғига жиддийроқ қулоқ тутинг. Расмий васиятнинг мазмуни шуки, унда бир-иккита шартимни айтаман. Агар мен оғирлашиб қолсам, то жон таслим қилгунимча парваришимни бўйинга оласиз. Ёлғиз ўзингиз эмас, албатта. Ўғиллар, келинлар — хуллас, бутун бир оила бўлиб менга қарашасиз. Буниси — биринчи васият. Лекин у иккинчи васиятсиз кучга кирмайди. Тушундингизми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тушунмадим, дадаси, — дея тан олди Муҳсина хоним.

— Бунинг маъниси шуки, агар кўнглимдан чиқариб парвариш қилсангиз, жоним бўғзимдан чиққунича хору зор қилиб қўймасангиз, ана унда иккинчи васиятга имзо чекаман. Розиман, бутун мол-мулким бола-чақамга қолсин, деганим бўлади бу!..

— Бизни ҳақорат қиляпсиз, дадаси! — деди Муҳсина хоним огриниб. — Наҳотки, биз сизни ташлаб қўйсак?!.

— Эҳтиёт шарт, хоним, — деди Яхшибоев. — Оғзим куйган менинг. Кейин, қаригандан кейин миям айниброқ қолган бўлиши ҳам мумкин-ку... Энди, пули борнинг нози ҳам бўлади-да, хоним, шугина нозига чидамасдан бўлармиди... Нима дединг?

— Ихтиёрингиз, дадаси. Маҳрам бўлгандан кейин, бир тийинсиз ҳам қараб туриш — менинг бурчим. Сал-пал гуноҳим бўлиши тайин гап, ахир. Мен ҳам ишлардим, ижод қилардим, шунга яраша фурсатим кетарди, агар вақтида кўнглингизни ололмаган бўлсам, унда — кечиринг, кўнгилга тугун қилиб кетманг, дадаси!..

Муҳсина хоним хўрсинди. Яхшибоев безовта бўлди. Росмана видолашувга ўхшайди-я, деб ўйлади, тағин худо уриб жон таслим қилиб қолсам нима бўлади!..

Ўйлари ўзига нашъа қилди. Бу дунё ўзи бир бозор, деб кулди, қара, эру хотин савдо қилиб ўтирибмиз-а! Сал кўримлироқ бўлса эди, балки латифага айлантириб юборармидик!.. Мазмуни шуки, мана, хоним, ёстиғимни тўғрилаб қўйганингиз учун минг сўм олинг, нариги ёнга агдариб қўйганингиз учун — минг сўм, бурнимни артганингиз учун — икки минг, оғзимга қошиқ тутганингиз учун ҳам яна шунча! Қизиқ, тувакни тозалаб келгани неча пул тураркан?

Ишқилиб, бу кўргиликка дучор қилмасин! Осонроғидан берсин!..

Муҳсина хоним каравотдан шитоб билан туриб, Яхшибоевнинг қўлтиғидан олди.

— Васиятингиз ҳам қуриб кетсин! — деб койиди. — Овқатланиб олинг, йўқса, ростдан ҳам васиятчи бўлиб қоласиз!..

Шўхчан койиниб, эрининг биқинларидан чимчилаб, росмана туртиб-суртиб, нариги хонага олиб чиқди. У ердан юмшоқ курсига ўтқазди. Келтирган тугунини стол устига қўйиб очган эди ҳамки, хонани димлама

ҳиди тутиб кетди. Яхшибоевнинг оғзи сув очди. Дарров қўлига қошиқ тутди.

— Қошиқмас, вилка тутинг, — деб танбеҳ берди Муҳсина хоним. — Қачонгача қишлоқи бўлиб юрасиз, ўртоқ Яхшибоев?

Сервантдан вилкаю бошқа анжомларни олиб, ликобга димламадан уйиброқ солди. Салфетка келтирди. Гулдонни сал четроққа сураркан, бурнини жийирди:

— Шу гулга тикилиб ўтирибсизми, дадаси?

— Келмаганингизга анча бўлди-да, хоним, — деди Яхшибоев. — Битта хира пашша келувди, ўшанинг қўйиб кетгани...

— Яна қадримга етмаганингиз қизиқ!..

Муҳсина хоним сўлинқираб қолган гулларни деразадан ташқарига отиб юборди.

— Э, гулдон иккитами? — деб ажабланди. — Ўша опкелдими? Хрусталга ўхшайди.

— Ўса... ўса опкиган... — деб ғўлдиради Яхшибоев оғзидаги овқати билан.

Муҳсина хоним «элчи» келтирган гулдонни қўлга олиб, синчиклаб томоша қила бошлади. Гулдон тубига ёпиштирилган думалоқ зарҳал қоғозни ҳижжалаб ўқиди: Б О Х Е М И А . Сўнг қоғозчанинг бошқа жойдан олиб ёпиштирилган-ёпиштирилмаганини текшириб кўрди. Кўнгли таскин топди шекилли, мамнунлик билан илжайди:

— Обрўйингиз анча баланд, ўртоқ Яхшибоев.

— Порага ўхшаб қоляпти-да, хоним.

— Йўғ-э, ундай деманг... иззат қилишгани бу... Сиз тамадди қилиб туринг, дадаси, мен бир дўхтирдан хабар олай...

— Шартмас, хоним, буларнинг парвариши яхши.

— Ўзимнинг дўхтиримга бораман, ҳу тошимни опташлаган хирург хотин бор-ку, ўшани бир кўрай...

Яхшибоев ёлғиз қолди. Шошилмай овқатланди. Сўнг, нафси қонгач, бўшаган идишларни ваннахонада ювиб чиқди, қуруқ сочиқ билан артиб, тағин сервантга териб қўйди. Ишни саришта қилиб бўлиб, кўнглида ажиб бир ором туйди. Сўнг бу ором зориқарли бир соғинч билан алмашиндики, бундан кўп йиллар олдинги бир ҳолатни эслади. Ўшанда Олияга ошиқ эди, Муҳсина хоним билан оралари очиқ бўлай деб қолган... ҳар ҳолда, шу аҳдда қатъий турган кезлари эди. Муҳсина хоним билан гаплашмасди. У пиширган овқатни емасди, ўзи кўчага чиқиб, иккита нон билан бир коса

www.ziyouz.com kutubxonasi

қаймоқ келтирарди. Бир бурда нонни қаймоққа ботириб еб олиб, сўнг алмисоқдан қолган машинкаси «ундервуд»ни чиқиллатишга тушарди. Чарчаган чоғларида эски тосда кир юварди: кўйлак-иштонларини, пайпоқларини... Қўллари оқем бўлганини кўриб ўзича хўрланар, хўрлик қандайдир тотли бир ғазабга айланар, ғазаб эса куч бағишлар эди. Стол ёнига келса, бас, дағал, одми, лекин бирдай рост сўзларни ёзарди ўшанда!.. Ўшанда иш ҳам унарди!

Энди эслаб ҳайрон қоласан. Демакки, ғазаб замирида недир ёруғ қисматдан умидворлик ҳам бор экан-да!?

Кейин у Муҳсина хоним билан ярашди. Ярашмоқдан ўзга чораси ҳам йўқ эди. Бу орада Олия бир муддат ҳибсга тушган, сўнг озодликка чиққан, сўнг хайр-маъзурни ҳам унутиб, отасининг юртига кўчиб кетган эди.

Дарвоқе, ўшанда хайр-маъзурга ҳожат қолмаган ҳам эди.

Аччиғу тиззиқдан топгани шуки, кейинчалик, Муҳсина хоним билан ярашиб, аввалги майлларини сал-пал унутиб, бинойидай яшаб кетганларида ҳам, кир-чирларини ўзи ювадиган бўлди.

Таржимаи ҳолини ёзиб юрадиган олимларга айтардики, мен жуда замонавий ёзувчиман, чойимни ўзим қайнатаман, пайпоғимни ўзим ювaман. Олимлар ишонмасди. Олим халқи жуда қизиқ, наҳотки, Яхшибоевнинг кир пайпоқларини эски тосга солиб, мағзавада эзғилашини тасаввур этиш шунчалик қийин иш бўлса?..

Умидворлик яхши нарса, деб ўйлади у, умидворлик шуки, неча йиллардан бери жуфти ҳалолимнинг киримни эзиб бермоғини кутаман. Эҳтимолки, шу нарса мени дунёда тирик тутиб турган бўлса... Умидворлик шунчаки, бу ерда ҳам кир пайпоқларни елимхалтага солиб, ваннахонага ташлаб қўйибман. Кўрдимикан, кўрармикан, деб!..

Кайфияти бузилди. Тумтайиб олди.

Хотини бир даста атиргул кўтариб келди. Кулиб, очилиб-сочилиб келдики, нақ мурувват рамзи! Танидан тош олиб ташлаган хирург хотиндан пичоғини олгану касалхона ҳовлисидаги бахмал атиргулларга қирон келтирган!.. Ҳеч ким миқ этмаган. Муҳсина хонимни ҳамма билади, гулзор қоровули мум тишлаб турган, ажабмаски, атиргуллар ҳам бошларини шундоққина пичоққа тутиб беришган бўлса!..

Эрининг кайфиятини сезмади. Атиргулларни саралаб, доғ теккан баргларини териб ташлади. Эски гулдонга биттагина атиргул қўйди — эски одати бўйича, энг сарасини, энг хушбўйи ва энг бахмалини. Қолганларини «элчи» келтирган гулдонга жойлади. Сўнг икки гулдонни ҳам кўтариб, ваннахонага ўтди.

— Дадаси! — дея овоз берди. — Менинг ишимни гаплашмадингизми?

Яхшибоев ғижинди. Додлаб юборишдан ўзини зўрға тийди.

— Чоршанбини ҳали тайинлашмади, деб айтдим-ку, хоним!

— Менга бошқа жой бўлса ҳам майли, масалан, каттароқ маданият саройи.

— Э, бўлмайди-э, хоним, маданият саройи сизнинг шаънингизга тўғри келмайди.

— Муносибини топиб берарсиз?..

— Яхшиси, тинчгина уйда ўтираверинг, хоним. Васиятдаги шартларим эсингиздан чиқдими?

— Қанақа шарт?

— Э, шунчаки, арзимаган... — деди Яхшибоев, овозига имкон қадар мулойимроқ тус бериб. — Шартки, уйда шукргина қилиб ўтирасиз, болаларга бош бўлиб... Невараларга қарашасиз, келинларга маслаҳат берасиз... Тушунтиролдимми, хоним?

Жавоб бўлмади. Яхшибоев хотинининг айни аснодаги ҳолатини ўзича тасаввур қилди. Ажабмаски, ойнадаги аксига қараб турган бўлсаю жағи осилиб тушганини ўзи ҳам кўрса!..

Кўнгли қувончга тўлди. Э, аҳмоқ чол, деб койиди ўзини ўзи, шу пайтгача қаерларда юрувдинг? Чораси топиларкан-ку, чораси тил учида турган экан-ку?... Худди шундай, Муҳсина хоним, уй қизи бўласиз энди, йўқса, бир тийин ҳам тегмайди сизга, ҳаммасини ўйнашларимга васият қиламан!..

— Муҳсина! — деб қичқирди. Жавоб ололмагач, сал асабийлашди: — Муҳсина! Елимхалтани кўрмадингми?

Сенсираганини пайқаб ўнғайсизланди. Номардлик-ку, ўртоқ Яхшибоев, деб ўйлади, шунча йил сизлаб юриб, энди сенсираганинг нимаси?

— Хоним! — деди. — Елимхалта борми ўша ерда?

— Кўрмаяпман!..

— Тузукроқ қаранг, хоним. Ичида васиятларим турибди.

Яхшибоев қулоқларини динг қилди. Сездики, Муҳсина хоним кир пайпоқлар солинган елимхалтани ердан кўтариб олди, ҳар қалай, дами чиқмай қолгани

www.ziyouz.com kutubxonasi

бежизмас, бурун жийиряпти чоғи?... Нима қилади энди, ювадими?

Ичкаридан чуқур хўрсиниқ келди, сўнг сув жилдирагани эшитилди. Бир муддат ўтиб, Муҳсина хоним хонага чиқди. Манглайидаги ажинлари кўпайган, қобоқлари шишган, қизарган... Наҳотки, йиғлаган бўлса?

— Нимайди у, хоним? — деди Яхшибоев, хотини қўлларида чорбурчак қути тутганини кўриб.

Муҳсина хоним индамади. Қутини столга қўйди. Кўзларида таъна аломатлари сезиларди. Яхшибоев қути оғзига сирилган пишиқ қоғоз тасма йиртилганини пайқади. Димоғига сезилар-сезилмас атир ҳиди урилди. Англадики, бояги коржомали кимса ҳам «элчи»нинг одами экан, пора ташлаб кетибди, энагар!..

— Атирга ўхшайди-ку, хоним, — деди хиёл ўнғайсизланиб. — Жазманларга атаб олувдим, начора, билиб қолдингиз... Опкетаверасиз энди.

— Опкетмайман, — деб бош чайқади Муҳсина хоним.

— Опкетасиз, — деб такрорлади Яхшибоев. — Ичида анча матоҳ борга ўхшайди, ҳаммага етади, сизгаям, келинларгаям, Сокинага... Хоҳласангиз, маҳалла устидан сепасиз, кўчамиз туну кун атир уфуриб турадиган бўлади.

Хотинидан гап кутиб ўтирмай, қутини унинг халтасига солди.

— Бу ёғини тезлаштирамиз, хоним. Тайинлаб қўйганман, эрта-индин нотариус келади.

Муҳсина хоним тағин индамади. Яна бир муддат дераза ёнига бориб турди — аразлаган бўлди. Яхшибоев парво қилмади. Ичкари хонага ўтиб, ўзи ёмон кўрадиган олифтароқ бир ёзувчининг китобчасини ўқий бошлади. Кеча Чоршанбидан атай опкелишни илтимос қилди. Шогирди ҳайрон бўлдики, э устоз, унақанги жипириқларни ўқиб нима қиласиз? Нодонсан, болам, деб койиди Яхшибоев, илоннинг бошини вақтида янчиш керак, токи у аждарҳога айланмасин, иложи бўлса, умуман тухумдан чиқармаслик керак, тушундингми, болам?.. Қани, кўрайлик-чи, бу боди болаларда замон руҳи бормикин?

Ўқишдан зерикди. Аллақандай Мустафо чолу унинг ҳовлиси, ҳовлини ўраган четан деворлару чолнинг ўзини қуршаган бир-иккита овсарроқ қариялар... Жойларнинг номлари сал танишроқ туюлди. Фақатгина ўз қишлоғининг номини кўрмади, лекин Галатепа деган

номни эслади, хусусан, галатепалик Раим раис билан булдуруқлик Ҳотам Шўронинг гаровини. Гўё улар бир замонлар гаров ўйнаган экан. Афсуски, тафсилотларини хотирига келтиролмади. Хотирлаш анча қийин эди, айниқса — Муҳсина хоним нариги хона деразаси ёнида аразлаб турганида!..

Йўлак эшиги қарсиллаб ёпилганида китобни отиб юборди. Ўрнидан туриб ваннахонага ўтди. Хайрият, кир пайпоқлар солинган елимхалта ҳам, атир солинган чорбурчак қути ҳам ҳеч жойда кўринмади. Қиқирлаб кулаётганини сезиб, ўзига танбеҳ бердики, жинни бўлма, ўртоқ Яхшибоев!.. Юзини совуқ сувда чайиб, ваннахонадан чиқди. Бориб, сервант тагидаги юмшоқ креслога ўтирди. Баданига тотли бир ҳовур оралаганини пайқади.

Энди уйга бемалол борсам бўлади, деб хаёл қилди, қани, мушугимни пишт деб кўришсин-чи!.. Қизиқ, ҳозир Муҳсина хоним қаерларда кетаётган экан? Пиёда келмагандир? Аввалбекни пастда пойлатиб қўйган чиқар?.. Ў, номарднинг боласи, бирров кириб чиқсанг бўларди-я!.. Қўрқасанми ё?.. Ўйладики, Муҳсина хоним бутун заҳрини ўғилга сочади: аввал бозорга ҳайда, Аввал! аввал сенинг кўкингни кияман, Аввал! хотин олишдан аввал боқишни ўйла эди, Аввал! авваллари озу кўп обрўим бор эди, Аввал, энди хору зор бўлдим, Аввал!..

Завқи кўпга чўзилмади. Бирдан маъюс тортди. Ўйладики, жўнгина, тинчу тотув яшаса ҳам бўларди. Йўқлигу тўқлик деганлари — бариси бир пул, худо меҳрдан айирмасин. Хотинми шу, фарзандми шулар, қузғун-ку, ўлаксахўр булар! Пойлаб туришибди-ку? Тезроқ ўлақолмайсанми, ўртоқ Яхшибоев?.. Меҳрни пулга сотиб олгандан кейин, юришдан не мурод?..

Дори ичиб тинчланди. Яна аввалги аҳдига қайтдики, уйга кетади, ўзи — хон, кўланкаси — майдон бўлиб яшайди, ором оғушида, мисоли аршдагидай! Фақат озгина сабр қилиш керак, холос. Эрта-индин Ошно келади. Келиб кўради, ҳол-аҳвол сўрайди, жилмаяди, далда беради, сўнг айтадики, Булдуруқни соғиндим, Назар жўра, бирга бориб келсак? Начора, Яхшибоев кўнади. Зора кейин Ошно ваъдасини унутса. Унутмаса, бирга боришга мажбур бўлади. Булдуруқ аҳли йиғинга йиғилади. Ошно қисқароқ нутқ сўзлайди. Сураткашлар суратга туширади. Қарабсизки, яна бир афсона тайёр! Орқада шовуллаган адл тераклар, олдиндаю икки ёнда

www.ziyouz.com kutubxonasi

турфаранг лолалар, минбарда — Ошно, ҳайъатда — Яхшибоев, д о х и л л и к майидан маст бўлган маҳаллий фаоллар — ана сизга оқибат, ана сизга меҳр, ана сизга киндик қони тўкилган жой!

Йиғилганларнинг айримлари истеҳзо билан кулганини Ошно кўрмайди. Яхшибоев кўради, лекин сиртига чиқармайди. Сафардан қайтишда секин гап қотадики, қишлоққа озгина сув келтирсак, оқсоқол. Ошно унга ҳайрон бўлиб қарайди: сув бошқа жойларга ҳам керак, ўртоқ Яхшибоев, пахтакор районлар йил сайин кўпайиб боряпти, Булдуруқнинг суви ўзига етарли, наҳотки яшнаб турган теракларни кўрмаган бўлсангиз!?.

Шу, холос. Энг ёмони — йўриққа юрмай туриб зерикиб улгурганинг.

Х Б О Б

Қиссанавис

Вақтни бой бермай, сафаримизнинг Ўртақўрғон қисмини қоралай бошладим. Бундаги илк тафсилот шу эдики, Яхшибоев сўзининг устидан чиқди — еттан манзилимизда бизни биров кутиб олмади, ўзимиз эркин айланиб юрдик. Шаҳар кўчаларини пиёда кезиб борарканмиз, Назар ака айтдики, трамвай депоси ёнида битта «намунали ошхона» бўларди, ўшанда биринчи қалам ҳақини ювганмиз, деб. Ўша жойни бир амаллаб топдик. Энди бу ер «намунали» деб аталмас экан. Буфети ҳам йўқ. Шунчаки бир лағмонхона. Эскидан сақланиб қолган ёдгорлик — оққушлар сузиб юрган кўллару дарахт тагида най чалиб ўтирган йигит-қизларнинг суратлари. Яхшибоев сурат солинган девор тарафга қараб юрди.

— Биттадан овқат опкелинг, Саидқул, — деб буюрди менга.

Ошпаз туйнуги ёнида одам кўп экан. Лекин мижозлар бизнинг меҳмон эканимизни сезишдими, навбатсиз ўтказиб юборишди. Иккита серқайла лағмон, икки туюр нон олиб, Яхшибоев ўтирган столга элтдим. Овқати мазали экан, паққос туширдик. Хизматчи хотин бўшаган идишларни йиғиштириб кетди. Битта аччиқ чой сўровдик, дарров дамлаб келтирди.

— Бизнинг сарсонлигимиз мана шу ердан бошланган, Саидқул, — деди Яхшибоев маъюсланиб. — Деворлар ўша-ўша, лекин стол бошқачароқ эди. У пайтлар

намунали ошхоналарга нуқул раҳбарлару фаоллар келишарди, негаким, овқати арзон бўларди. Кечки пайт таом нархи қимматлашиб, ресторанга айланарди. Ўриндиқлари ҳам ўшанга яраша, тўқима креслолар...

— Кажава... — дея гап қўшдим.

— Ҳа, балли, кажава ўриндиқлар, — деди у. — Сиз сўзни мендан кўпроқ биласиз, Саидқул.

— Унчаликмас.

— Хўп денг энди... — Яхшибоевнинг қовоғи уйилгандай бўлди. — Хуллас, бизнинг ёзувчилик касалимиз шу ердан бошланган. Кейинчалик Ошномиз айни ўтиришни кўп марта эслади. У киши айтдиларки, менинг ўша кунги сарфу харажатим Булдуруқдаги бир латифага ўхшаб кетаркан. Бизнинг қишлоқда «Алмардоннинг биринчи ови» деган нақл бор. Сизга айтувдим чоғи?

— Йўқ, Назар ака, ҳеч эслолмайман.

— Ҳай, майли, яна айтсам ҳам бўлар, — деди Яхшибоев мийиғида кулиб. — Бир замонлар Булдуруқда Алмардон деган бола бўларкан. Ўша бола ўсиб-улғайиб, балоғат ёшига етай деганида қишлоқнинг нариги четида яшайдиган бир одамнинг эшагини ўғирлаб кетибди. Булдуруқда гап ётармиди, эшакнинг эгаси хабар топиб, сўроқлаб келибди. Келиб кўрса, эшаги ҳовлида турганмиш. Кириб, дарров қозиқдан ечиб олибди. Боплаб сўкай деса, Алмардон кўринмасмиш. Ноилож сўкишни нася қилиб, гов ёғочини тушириб, эшакни ҳовлидан етаклаб чиқиб кетаётган экан, бирдан Алмардоннинг энаси пайдо бўлиб, қўлига ёпишибди: «Жон ака, ташлаб кетинг! Жонимни сўрасангиз сўранг, лекин бу харгинани опкетманг, ахир, бу харгина — Алмардоннинг биринчи ови-я?!.» Хуллас, Алмардоннинг энаси таблада турган тулпорини ечиб бериб, ўғирлиқ эшакни олиб қолган экан. Бизнинг биринчи қалам ҳақимиз ҳам шундай бўлган, Саидқул, яъниким, эшагидан тушови қиммат! Эсласам, ўша пайтлар жуда бахтиёр эканмиз...

— Ҳозир-чи?

Яхшибоев гапимни серқатроқ деб хаёл қилди чоғи, бир зум синовчан тикилиб турди, сўнг ўйланиброқ:

— Билмадим, ука, — деди. — Ҳозир энди пири бадавлатмиз шекилли. Ҳар қалай, юбилейларда танқидчи укаларимиз шундай деб ёзишади-ку... Лекин, Саидқул, ўшанда ростдан ҳам бахтиёр эдик. Сиз балки гофилдирсиз, лекин биз бир вақтлар ёмон йўлларга ҳам киргандай бўлувдик...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Хабарим бор, Назар ака, — дедим ортиқча гўллик қилиб ўтирмай.

— Э, бари бир ҳаммасини билмайсиз, — деди Яхшибоев. — Сиз билганларингиз — шунчаки ҳолва. Кўп савдолар кечган бу бошдан. Лекин бу ерда соврилган пулимиз ҳалол пул эди.

У яна нималарнидир эслади шекилли, жимиб қолди. Бир пиёладан чой ичиб, секин қўзғалдик. Яна шаҳар айландик. Кўпроқ Яхшибоев юрган йўллардан юрдик. Сўнг бир жойда, чамаси менинг ҳам бу ерда ўқиганимни хотирладими, секин гап қотди:

— Бир гап айтсам хафа бўлмайсизми, ука?..

— Аввал айтинг-чи, кейин ўйлашиб кўрармиз...

— Айтсам, Саидқул, ўша чоғларда сизни писанд қилмасдим. Оз-моз раҳмим келарди, холос. Лекин, барибир, буям бир адашган банда-да, деб ўйлаганларим рост. Ёзиб-чизиб юришларингиз кулгимни қистатарди. Рост, Саидқул, ёмон ғашим келарди, баъзи-баъзида, қўйсанг-чи, жипириқ, сенга ким қўйибди, деб айттим келарди.

— Э Назар ака, инсоф қани? — дедим мен, ростдан ҳам ранжиб. — Ахир, детдомингни китоб қилиб ёз, деб айтган ким, сиз эмасми? Китобни чиқаришга ёрдам берган киши-чи? Ўшаям сиз эдингиз чоғи?

— Албатта мен, — деди Яхшибоев кулиб. — Энди, бўларкан-да, Саидқул. Қўйинг, хафа бўлманг. Хафа бўларингизни билсам, бу гапларни айтиб юрмасдим.

— Айтардингиз, — дедим, ҳамон ўзимга келолмай. — Сиз айтиб ўргангансиз, Назар ака.

— Бу гапингиз ҳам рост, — деди Яхшибоев бирдан жиддий тортиб. — Хулласи калом, сизни кўпда менсимасдим. Тўғри, Ошно сизни тиришқоқ бола, деб мақтагандай бўларди. Ўзингизга ҳам айтган чиқар?

— Айни марҳаматдан қуруқ қолганмиз.

— Кесатманг, Саидқул. Айтмаган бўлса, бу унинг азбаройи камсуқумлигидан, камтарлигидан. Лекин унинг сизни мақтаганига, мана, мен ўзим гувоҳман. У мақтарди, лекин мен ишонмасдим. Демакки, мен янглишган бўлиб чиқдим. Меҳнаткаш йигит экансиз, ҳузурини кўриб юрибсиз. Ҳар ким ўз кунига омон бўлсин. Биз бу ёқда бир-биримизни камситиб ёки бир-биримизни осмонга кўтариб мақтаб юрганларимизни сариқ пуллик нафи йўқ. Кимнинг кимлигини вақт кўрсатади.

— Вақт-ку кўрсатар-а, лекин биз ўзимиз кўролмаймиз-да.

— Бўлди, Саидқул, асабни бузаверманг. Бу ёғи ҳакамликни вақтга ташлаб қўйиб, вақтдан умидвор бўлиб ўтиришга сизу бизда фурсат ҳам йўқ. Кутмай, зорланмай, борини дастурхонга тўкиб турганимизнинг ўзи-да катта давлат.

Эътироз билдирмадим. Сафаримиз қариётган чоғда орани бузгим келмади. Чидайсан энди, Саидқул, дедим ўзимга ўзим, сен унга ҳамроҳсан, ёшинг ҳам берироқ, чидайсан энди...

Яна юриб кетдик. Йўлимиз ўша машҳур «Левича бўлбор»дан ўтарди. Хиёбонга яқинлашганда кичикроқ бир кўчани кесиб ўтдик.

— Кулоҳ шу кўчада яшарди, — деди Яхшибоев. — Ўша бизга устозлик қилган одам. Айтувдим-ку, олимларнинг шапкасини киярди деб?.. Ўшанинг кўчаси. Чапдан еттинчи уйда турарди. Ўғиллари бор, деб эшитаман. Лекин улар бу уйда яшамайди, қишлоқда қолишган. Уйни Кулоҳ арзонгаровга сотиб ўзи қишлоққа муаллимчиликка кетган. Уй харид қилган одамдан ширинкомани мен олганман. Сутфурушлик қиларди. Аммо-лекин, Саидқул, Кулоҳ деганимиз асли зўр одам эди. Бизни кўп қўллаган. Ўшанинг ёрдами туфайли қорнимиз тўйган, эгнимиз кийим кўрган. Сўроқлаб келишса ёки ўзим топиб олсам, болаларига бирор яхшилик қилардим...

Хиёбондан ўтиб, дорилфununнинг мармар қоплатиб янгиланган бинoларига тенглашганимизда, Яхшибоев биқинимга туртди:

— Қаранг, Саидқул, Симхонинг будкаси!..

Вужудимга титроқ оралади. Ботинибироқ қаролмадим. Назаримда, ҳозир ўша тарафдан марҳум этикдўзнинг «Саидқул ако!» деган хитоби эшитиладигандай эди.

— Симхоям зўр одам эди, — деди Яхшибоев.

Тағин юрагим увишди. Будкага қарадим. Эшиги ёпиқ эди. Деворлари мовий рангга бўялган, устида кичкина қизил байроқча ҳилпираб турарди.

— Симхо урушга борувди, — деди Яхшибоев. — Фронтдаям бир марта кўришганмиз. Днепрни кечув пайти эди. Лекин нариги қирғоққа етган-етмаганини билмайман. Бечора шаҳид бўлиб кетган чиқар...

— Уни урушдан кейин учратувдим, Назар ака, — дедим. — Бир қўлидан айрилган экан.

— Қаранг-а! — деди Яхшибоев шодланиб. — Мен бехабар эканман. Энди, бу ёқларга кам келамиз-да, Саидқул.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яхшибоевга урушдан кейин бир муддат Ўртақўрғонда турганини, сўнг марказга кўчиб, яна бир муддат Ўртақўрғон театрини бошқариш учун қайтиб келганини эслатиб ўтирмадим.

— Қўли бўлмаса, қайтиб этикдўзлик қилолмагандир? — деди у.

— Касбини ташлагани йўқ, — дедим. — Кейинроқ этикдўзларга катта бўлди, лекин ўшандаям мум билан сўзонни унутмади.

— Сиз мендан оқибатлироқ чиқдингиз, Саидқул, — деб мақтади Яхшибоев. — Бу ёқларга кўпроқ келаркансиз...

Дорилфунун биноси ёнида, бу ерда ўқитган ва ўқиган табаррук зотларнинг номлари битилган лавҳалар остида бир зум сукут сақладик.

Бир маҳал қарасам, атрофимизни ёш-яланг ўраб олибди. Мен-ку, пана-пастқамда юрадиган одамман, сурат-пуратларим чиқмайди ҳисоб. Сездимки, улар Яхшибоевни таниб қолишди. Салом бериб, андай ийманиброқ ёнимизга келишди. Назар ака одамлар эътиборида бўлишни хуш кўрмайдими, хурсанд бўлиб, ёшлардан ўқишларини, туриш-турмушларини суриштира кетди. Ёшлар ҳам, анча дадиллашиб, ундан дастхат талаб қилишди. Кимдир конспект дафтарини тутди, кимдир ёндафтарини тутди. Қоғоз тополмай, жўраси ёки дугонасининг дафтаридан бир варақ йиртиб узатганлар ҳам бўлди. Кўрсам, бу тадорик ҳеч тугамайдиган. Яхшибоев бетоқатлигимни пайқади чоғи, менга кулиб қаради:

— Қани, Саидқул, сизам мундоқ ёллашиб юборинг.

Хуллас, Назар аканинг довруғидан бир чеккаси бизга ҳам тегиб, ўзимга ўхшаган бўшангроқ, дастхат олишдан умидини узиброқ турган бир-икки камтарин-камсуқум студент укаларимизнинг дафтарларига имзо чекдим:

«Назар Яхшибоев номидан — Саидқул Мардонов.»

Кечқурун студентларнинг недир тантанаси бор экан, ўшанга таклиф этишди. Ваъдани қуюқ қилиб, бир амаллаб қутулдик. Яхшибоев билагимдан тутиб, тағин хиёбон ичкарисига бошлади:

— Кетдик, Саидқул, буларнинг домлалари чиқиб қолишлари мумкин. Сизу биз норасмий келган одамлармиз, ўз билгимизча айланайлик...

Хиёбоннинг ичкарисида бўш харрак топиб ўтирдик. Яхшибоевнинг ранги хиёл оқарган эди. Сабабини мўлроқ пиёда кезганимиз, боз устига, ёшлигимиз кечган жойларда кезганимиздан кўрдим.

— Ишимиз, Саидқул, анча инжиқ иш-у, лекин мана шунақа дастхат-пастхат ёзган пайтларингда жамийки машаққати эсингдан чиқиб кетади, — деди Яхшибоев. — Лекин шу кунга етгунча қанча азият чекмадик! Боя мен Кулоҳни бекорга эсламадим. У жуда мўл-кенг одам эди, ўзи қўл учида кун кўрарди-ю, лекин бизларга недир зўр дунёларни ваъда этарди. Измида бўлса, ўша дунёларни олиб ҳам берарди. Кайфи ошганида масту мақтанчоқ бўлиб қолишлари ҳисобмас. Аслида у жуда кам ичарди. Беғараз эди, салга алданарди. Афсуски, биз у истагандай Жулқунбой бўлолмадик, ука. Жулқунбой ростдан ҳам ягона экан. Унга эргашиб ёзганлар ҳам учради, аммо бирортаси ҳам ўхшатолмади, қайтага, халққа кулги бўлди. Бугун қарасам, биргина армоним қолибди. Бунинг адабиётга мутлақо дахли йўқ. Ўша сизга айтганим — Булдуруқда боғ қилолмадим. Армонки, қолган ҳаммасини бир тийин қилади: обрўйимни ҳам, унвонимни ҳам, борингки, бутун хонумонимни!..

Мен индамай ўтиравердим. Яхшибоевнинг армони оддий — ҳаммада ҳам бўладиган жўн ва шу баробарида ғоят самимий армон эди. У бугун негадир бошқача эди, овозида чуқур бир ҳасрат сезиларди.

— Айтинг-чи, Саидқул, — деди у бир маҳал, — айтинг, наҳотки, мен адашган бўлсам?

— Саволингиз қизиқ, — дедим. — Етмишни уриб қўйган одам шунақа гапларни айтса эриш туюларкан.

— Эришми, йўқми — бунисини билмайман, — деди Яхшибоев. — Лекин бу савол аввалроқ келмаган бўлса не қилай?

— Аввалроқ келмагани ростми ўзи?

— Қаёқда! — деди Яхшибоев. — Келишга келган, лекин ўйлаб кўришга ҳафсала бўлмаган чоғи. Асли мен Булдуруққа қайтиб кетишим керак эди. Ажабмаски, бир куни бориб кимсан Ҳотам Шўронинг ўрнини ҳам олардим. Бугунги нуфуз, бугунги довруқ назаридан туриб қаралса, Ҳотам Шўро тутган мавқе кулгилироқ туюлади. Халқни саводи билан эмас, азбаройи ғайрати билан ушлаб турган одам эди у. Қолаверса, ўша пайтлардаги Яхшибоев учун Ҳотам Шўродан улуғроқ зот бу дунёда йўқ эди. Баски, Булдуруққа қайтсам, Ҳотам Шўродай бўлиш истаги мен учун энг зўр орзулигича қоларди, эҳтимолки, бир амаллаб ўша зўр орзуга эришардим, кўнглим таскин топарди, ўзимга ўхшаган камбағал

www.ziyouz.com kutubxonasi

қизга уйланардим, бола-чақа орттирардим, кейин ўша-ларнинг даврасида, дунёдан мутлақо рози бўлиб, кўз юмардим.

— Ўнгланмаган тақдир экан-да, — дедим, гапни ҳазилга буриб.

— Йўқ, Саидқул, — деди Яхшибоев. — Ўнгланмагани — буниси, мен саксонни урай деганда эришганим. Униси, Булдуруқда қолгани — асл тақдир, ўнгидан келмаган асл тақдир.

— Билмадим, Назар ака, ҳеч ишонгим келмаяпти. Ахир, ўзингиз ҳам, Ошно ҳам... ёмон яшамаяпсизлар шекилли?

Эътироз қилдим-у, ўша заҳоти тилимни тишладим. Биз шу пайтгача Ошнони очиқчасига муҳокама этмаган эдик. Аниқроғи, мен ўзим уни тилга олишдан истиҳола қилардим. Гўёки Ошнонинг номини қўшсам, бас, унинг нуфузи ўртага кириб, оқибатда мен Яхшибоевни андак камситгандай бўлиб чиқардим. Аммо янглишган эканман. Ошнонинг номини эшитгач, Яхшибоев асло оғринмади, қайтага, беписанд қўл силтади:

— Э, қўйинг-э, Саидқул! — деб хитоб қилди у. —Мен Булдуруққа кетсам бас эди, ўшанда Ошно деганимиз, агар у бир эмас минг худо бўлсаям, мени қишлоқ бағридан асло узиб ололмасди. Узиб олиш уёқда турсин, унинг ўзи ҳам узоққа бормасди, мен билан изма-из Булдуруққа қайтиб кетарди. Тақдир деганлари қизиқ ўйин экан, Саидқул ука. Агар мен ўшанда Ўртақўрғондан тўппа-тўғри Булдуруққа кетсам эди, кейинроқ бориб колхозга ёки шўрога раис бўлардим, Ошномиз эса, қишлоқдаги катта мактабга директор бўларди, қиш келди дегунча мактабига кўмир сўрайвериб жонимдан безор қиларди. Лекин у зўр муаллим бўларди, негаким, одоби жойида, кийиниши саришта, ичмайди, чекмайди. Ширин-ширин гапириб не-не одамларнинг кўнглини гуллатарди, ажойиб шогирдлар етиштирарди, хуллас, бугунги кунга келиб, ҳар иккимиз ҳам пенсияга чиқиб, соқолни калта кузаб, мўйсафидлар гурунгининг тўрида, мен ўзим — шўро ёки колхоз ишини дўндирганимдан, у эса — қанча шогирдидан кандидату қанча шогирдидан дўхтур наук ундирганидан лоф уриб ўтирардик!..

Яхшибоевнинг гапларида рад этиб бўлмайдиган мантиқ бордай эди. У ҳозир ноз-поз қилаётгани йўқ, рост сўзлаяпти. Англадимки, Яхшибоев самимият асносида ғоят жозибали одамга айланаркан, жозибаки, яна қайтиб ўша оддийгина мантиқ билан изоҳ этилади.

Дилдаги тугун ечилгандай бўлди. Сафаримиз яна қанча чўзилган бўлса, Яхшибоев шунчалик очилиб бораверди. Мен ўзим ҳам ундан ортиқ ҳайиқмай қўйдим. Ўзим билмаган, билсам ҳам тушунмаган сиру асрорлар юзидан парда кўтарилгандай эди. Кўнглимда бачкана бир ғурур уйғондики, э, бу дунёда ҳақиқат ҳам бор экан-ку, ахир, мана, Яхшибоевдай олиймақом зот мени тенг кўриб гаплашиб юрибди, борини яширмаяпти.

Эҳ, ожизлик қурсин, ожизлик қурсин!..

Энди билсам, олиймақом зот ёлғизликдан қийналиб кетган экан. Атрофида неча-неча шотирлари бўлса-да, не-не улуғлар билан ошу қатиқ эрса-да, бировга ичини ёролмас экан.

Менга ёрди ичини. Бирор сўзи қолмадики, баҳам кўрмаган бўлса. Ўшанда кўнглимни тўлдирган бачкана ғурур сўниб битиб, ҳовурим босилиб, ўзимдан ўзим нафратланиб... ўйлайманки, Яхшибоев бошда ҳам, кейин ҳам мени сариқ чақага олмаган экан. Агар сезган бўлсангиз, одам ўзи менсимаган кимсаларга сирларини кўпроқ айтади. Сабаб — ҳолатнинг ўз ичида, яъники — м е н с и м а с л и к д а .

Ожиз ақлим етган ҳақиқат шуки, бизнинг беҳисоб гурунгларимизда маталнамо бир ҳолат бор экан. Гўё Ошно — Искандари Зулқарнайн, Яхшибоев — Искандарнинг шохини кўриб ичига сиғдиролмаган сартарош, мен эсам — қудуқ, чуқур ва зимистон қудуқ. Яхшибоев бор гапини ўша бўм-бўш қудуққа айтаверган, айтаверган, айтаверган. Қудуқ жим турган. Бечора сартарош билмаганки, айтилмиш сирлар бир кун бориб қудуқ тубидан ғаров шаклида ўсиб чиқади.

Қолгани ўз-ўзидан аён. Сир деган нарса ғаров бўлиб ўсса, бас, кимдир муқаррар келиб ғаровни кесадию сибизға ясайди ва бу сибизға нуқул битта куйни чалади: Искандарнинг шохи бор, Искандарнинг шохи бор!..

Энди қисқа муддат Ошно мавзусига ўтсак...

Қисса аввалида — «манзара» деган ўта китобий ном ва ҳар бири алоҳида рақам олган ёзувларда — Яхшибоев номига кўпроқ урғу тушган экан. Шундай бўлмоғи табиий эди. Чунки биз учун Яхшибоевнинг таржимаи ҳоли асосий муддао эди, Ошно мавзуси эса, шунчаки иловаю изоҳ сифатида қўшилган эди, холос.

Лекин ёруғ дунёда муқим нарса йўқ. Вақт ўттани сайин Ошно мавзусига доир воқеаларнинг кўлами

www.ziyouz.com kutubxonasi

кенгайиб, залвори ошиб, охир-оқибатда Яхшибоевнинг қаламга олинган жамийки саъйи ҳаракатлари Ошно мавзуси учун дастлабки туртки бўлгани сезилиб қолаверди.

Ошно мавзуси — улкан қўриқ. Уни очмоқ учун улкан салоҳият керак. Биз эса, ҳолимизни билиб, айни улкан мавзунинг Яхшибоевга дахлдор кичикроқ лавҳалари билан чекланамиз.

Яхшибоевнинг дастлабки пайтларда Ошнога васийлик қилгани бор гап. Лекин унинг васийлиги, бинобарин, дўстидан устунлиги Ўртақўрғон рўзномаси муҳаррирининг уйига Ошнони бошлаб борганию муддат ўтиб уни муҳаррирнинг нозикниҳол жияни Муяссарга уйлантириб қўйгани билан тугайди.

Ошнонинг кейинги тақдири ўша муҳаррирнинг номи билан чамбарчас боғлиқ. «Номи билан» деётганимизнинг боиси шундаки, муҳаррир урушнинг биринчи кунларидаёқ кўнгилли бўлиб фронтга кетган ва Сталинград остонасида кўплаб ўзбек ўғлонлари қаторида ҳалок бўлган эди. Ошно эса, айни ўша йили оғир ярадор бўлиб, госпиталда узоқ даволаниб, ниҳоят, қирқ учинчи йилнинг кеч баҳорида Ўртақўрғонга қайтиб келди. Муҳаррирнинг ўлимини ҳам шу ерда эшитди. Нияти — шаҳарда қисқа муддат туриб, сўнг хотини Муяссарни олиб Булдуруққа кетиш эди. Лекин бу ният амалга ошмай қолди. Чунки шаҳар маъмурлари уни излаб келишди ва уч-тўрт кун ичида Ўртақўрғон рўзномасига муҳаррир этиб тайинлашди. Шундагина Ошно марҳум қариндошидан фақатгина ҳовли-жойи ва мансабини эмас, балки каттакон обрўсини ҳам меросга олганини тушунди.

Айни тушунча ёш ўғлонга қанот бағишлаганини айтмасак ҳам бўлади.

Дастлаб шаҳар аҳли уни «ўртоқ муҳаррирнинг домоди» деб атарди. Токи бу номдан безиб, озгина ғурур пайдо қилиб, ўзи ҳам «ўртоқ Фалончиев» деган номни олгунича бир-икки йил ўтди. Рўзномага келсак, уруш йилларида у жуда кичкина эди — ҳозирги район газеталарининг ярмича.

Уруш тугаб, Яхшибоев ҳам Ўртақўрғонга қайтганида Ошнонинг рўзномаси тўрт марта йириклашиб, росмана газета шаклида чиқа бошлаган эди.

Еттинчи манзара

Ошно қирқ олтинчи йилнинг кеч баҳорида икки ўғлию хотини Муяссарни олиб Ўртақўрғон вокзалига чиққанида, катта бир эшелон тўла аскарларни кутиб оларини биларди, лекин улар орасида ўзининг жўраси Назар Яхшибоев ҳам борлигидан бехабар эди.

Паровоз пишқириб-пишқириб тўхтади. Перрон четида қатор тизилган пионерлар сур тортиб, ноғора чалдилар. Юк вагонларининг ҳайҳотдай очиқ эшикларидаги ғовлар сурилиб, юзлари иссиқдан қорайган қизил аскарлар пастга сакраб туша бошладилар.

Назарни бирданига кўролмади. Шовқинга алаҳсиб, дўстининг вагондан сакраганини кўздан қочирган экан. Бир маҳал қараса, йигирма-ўттиз қадам нарида гимнастёркасининг орқаси тердан оқарган жуссадор аскар кетиб боряпти. Новча, қорувли, йирик одимлайди — Назарнинг ўзгинаси! Юраги қинидан чиқай деди, қителининг ёқа тугмаларини бўшатди, бақирмоқчи бўлди, лекин товуши чиқмади... Катта ўғилчасининг қўлидан тутиб, аскарнинг ортидан юрди. Қўлида кенжа боласи билан Муяссар ҳам унга эргашди. Янглишмаган экан, қизил аскар шу кетишда вокзалнинг ичкари майдонига ўтдию қишлоқлардан келадиган от-уловлар турувчи бурчакка йўл тутди.

— Домод! — деган хитоб келди орқадан. — Қайга кетяпсиз, домод!

Ошно ортга қайрилди. Кўрсаки, бошлиқлардан бири, қўлини сермаб перронга чорлаяпти.

— Нутқингиз нима бўлади, домод?

Ошно ғолиб аскарларга қарата нутқ сўзлаши кераклигини шундагина эслади.

— Ўзингиз сўзлай қолинг, устод! — деб бақирди у.

Қизил аскар от-арава бекатига жадаллаб борар эди. Ошнонинг нутқи ҳам аслида мана шунақаларга аталган — ҳамшаҳару ҳамқишлоқларга. Лекин булар нутқни пойлаб ўтиришмайди. Келадилару вагондан сакраб тушадилар. Сўнг уйга ошиқадилар...

Бекатда от-улов камроқ эди. Қизил аскар уларга яқинроқ бориб тўхтади, юзларига тикилди, таниш излади. Аравакашлар бир зумда уни ўраб олишдию сўроққа тутишди: ким, кимларнинг хеши, яна кимларни кўрди, қайга бормоқчи?

Ошно қизил аскар берига ўгирилганида рўй-рост таниди. Назар, Яхшибоев Назар, тепишиб ўсган жўраси!..

www.ziyouz.com kutubxonasi

Юраги ҳаприқиб турса-да, ўзини босди, секин ёнидан бориб, парвосиздай сўради:

— Жонузоқ арабни кутяпсизми, аскар йигит?

Назар ялт этиб қаради. Бир зум серрайиб турди — кўзларига ишонмади. Сўнг бир сўз демай бағрига босди. Икковининг ҳам кўксидан чуқур хўрсиниқ отилиб чиқди, икковининг ҳам кўзидан ёш тирқиради.

— Жўражон! — деди Ошно энтикиб.

— Тирик экансан, ошна!.. — деди Яхшибоев.

— Одамни танимай кетибсан, жўра!

— Пешвоз чиқиб эдингми, ошна!..

— Муяссар ҳам шу ерда, Назар жўра. Ана, турибди!..

Яхшибоев Ошнони бағридан бўшатмай, ёнига қаради. Муяссар икки-уч қадам нарида чақалоғини кўтариб турарди. Ортида яна биттаси, ўғил бола, дадасининг бегона амаки билан қучоқлашганига ҳайрон боқиб турибди... Яхшибоев қўлларини бўшатиб, улар томонга ошиқди. Онасининг ортига бекиниброқ турган болани даст кўтариб, юз-кўзларидан ўпди, сўнг уни ўнг кўксида тутиб, Муяссар билан кенжасини чап кўксига босди — девқомат, адл, бағри кенг!..

— Тўнғичинг йигит бўп қопти, — деди кулиб. — Культурнийроқ от топиб қўйгандирсан?

— Ҳа, — деб илжайди Ошно. — Оти — Комрон.

— Яхши исм экан.

— Ўзиям яхши бола, Назар тоғаси, — деб гап қўшди Муяссар.

Яхшибоев унга миннатдорона боқди. Эсладики, Муяссарни «келин» деб атарди. Лекин келин ўзини янада яқинроқ тутяпти, «амакиси» эмас, «тоғаси» деди, баски, ўзини сингил тутяпти.

— Балли, Муяссар синглим, — деди. — Умрингиз узоқ бўлсин. Бизам, мана, омон қайтдик, энди бу ёғи умримиз узоқ бўлади. Нима дединг, ошна?

— Тўғри айтасан, Назар жўра, — деди Ошно. — Энди биз ўлмаймиз.

Яхшибоев Комронни ерга қўйди-да, қаддини ростлади. Шунда кўксидаги орденлари жаранглаб кетди. Ошно диққат қилсаки, нишонлар жуда кўп, энг саралари, медали кам...

— Назар жўра, — деб ҳазиллашди, — юлдузни йўлхалтага яширганмисан дейман?..

— Йўғ-э, — деди Яхшибоев, — борини тақиб олганман, ошна. Ўзингдаям кўпдир?

— Менда озроқ, — деди Ошно. — Лаънати фашист мўл-кўлроқ орден олишгаям қўймади. Ярадор бўп қолдим, жўра, қирқ иккинчи йил эди...

Яхшибоев дўстининг бўй-бастига синчиклаб қаради.

— Э, энди битиб кетган, — деди Ошно сал хижолат чеккандай. — Бир-икки осколка бор, униям опташлаймиз.

Яхшибоев яқинроқ келиб, яна қучди. Бу гал авайлаброқ қучди. Аяганини Ошно сезиб турди, сезгани баробар дўстига меҳри ийди.

— Кетдик, Назар, — деди. — Аввал бизникига борамиз.

Яхшибоев тайсаллади. Юзида тарадди, Ошнога ялиниброқ боқди:

— Улов гаплашсак девдим, ошна.

— Барибир, бугун Жонузоқ карвон келмайдиган кун.

— Эсингда экан-а? — деб илжайди Яхшибоев.

— Эсдан чиқарканми!

— Инжиқ чол эди лекин. Ёдингдами, карвоннинг йўлини тўсмайсан, деб айтгани? Энди бизни танирмикан?..

— Билмадим. Бошқа кўрганим йўқ. Балки дунёдан ўтиб кетгандир... Парво қилма, от-улов топамиз. Қани, юр энди...

Ошно Муяссарнинг қўлидан кенжасини олиб, вокзал майдонининг нариги тарафига йўл бошлади. Яхшибоев тағин Комронни кўтариб, бир қўлида халтаси, унга эргашди. Атай лўкиллаб юрди, Ошнога тенглашиб, секин байт ўқиди:

Эй Комрон, оҳиста рон, к'оромижонам мерават...

Ошно кулди. У ҳам Саъдийнинг ғазалини ёд биларди. Дўстининг ғазални андак бузгани ҳам хуш ёқди, атай туяюриш қилгани ҳам...

— Комрон кўп яхши йигит бўляпти, — деди жилмайиб. — Фақат мен фронтдан келганда андак бегонасираб тургани ёмон бўлди, йўқ, энди тузук йигит нуқси уриб қолди, кўрмайсанми, сендан ҳам чўчимаяпти...

— Э, ота ўғил! — деб мақтади Яхшибоев. — Энди, бизам хотин олиб ўғил кўрсак, отини ўзинг қўйиб берасан-да, ошна? Ё менам Комрон қўяверайми?

— Ихтиёринг, — деб кулди Ошно. — Ноёб исм лекин.

— Бўпти, — деди Яхшибоев, — ўғилчанинг отини Комрон қўяман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кейинчалик, Муҳсина хонимга уйланиб, ундан ўғил кўрганида, Яхшибоев айни ваъдасини эсдан чиқарган эди. Комрон дегани у пайтларда ростдан ҳам камёб исм эди, сўнгроқ, Ошно юксалгандан юксалиб бир даражага етганида бу исм жуда кенг расм бўлдики, юртнинг улуғларидан тортиб, жўнроқ фуқароларига қадар — ҳамма-ҳамма ўғилларию невараларини эзгу умидлар билан Комрон атадилар. Комрон исми гўё кафолатнома эди, Комрон исмини кўксига таққан йигитчаларнинг йўллари ҳам жуда тез ва равон очилиб кетаверарди. Ҳиндистон шоҳи Бобур ва ўғилларининг реакцион фаолиятини қаттиқ ва аёвсиз фош этган танқидчилар ҳам айни исмни эшитганда хижил тортиб қолар эдилар.

Лекин у пайтда, қирқ олтинчи йилнинг кеч баҳорида, Ўртақўрғон вокзалида, чошгоҳ маҳали, фронтдан зафар билан қайтган Назар Яхшибоев дўстининг беш яшар ўғлини кўтариб чеккароқда қантарилган «эмка» ва «виллис»лар тарафга кетаётганида, ҳали юрт оғалари комронпарастлик касалига йўлиқмаган эдилар. Унда Яхшибоев анча содда эди. Соддалиги шунчаки, дўсти «виллис»лардан бирининг эшигини очиб, қўлидаги йўлхалтани ичкарига узатганида:

— Э! — деб хитоб этган эди. Ошнонинг завқи келган, дўстига маънолироқ боқиб:

— «Э» эмас, «ҳа»! — деб, кетидан камтарона илжайган эди.

Сўнг улар — Ошно билан оиласи орқа ўриндиқда, Яхшибоев олд ўриндиқда, шофёрнинг ёнида — Ўртақўрғон шаҳри кўчалари бўйлаб ғизиллаб кетдилар. Дўстларнинг завқи чунон ошган эдики, бир чеккаси шофёрга ҳам юқиб, машинани тез ҳайдади, якка-дуккам учрайдиган машиналарни, кўчаларни тирбанд қилган оту эшак қўшилган жўнроқ уловларни бирин-кетин қувлаб ўтиб, пиёдаларни шошириб, тирқиратиб бораверди.

— Назар жўра, — деди бир маҳал Ошно, дўстининг елкасига қўлини ташлаб, — Назар жўра, сенга жўра эканимдан фахрланаман!

Яхшибоевнинг ҳам кўнгли фахрга тўлди. Ахир, арзийди-да! Атай сени кутиб олгани хотинию болалари билан чиқса, сенинг иззатингга етай деб атай чиқимдор бўлиб машина ёлласа... дўст дегани шунчалик-да, ахир! Дарвоқе, унинг ўзи ҳам чаккимас, айниқса — машина ҳар силкинганида жаранглаб кетадиган ордену медаллари билан, бир йил ёки икки йил эмас, беш йил ҳам эмас, нақ олти йил урушгани билан, шунча қирғинлардан омон келгани билан!..

Юраги тўлиқди унинг. Юрагини кафтига баркашда тутгандек тутиб, дўстига инъом қиладиган шашти бор эдики, ҳовлиқиб деди:

— Мен ҳам фахрланаман, ошна. Бу дунёда сенинг борлигинг, Муяссар синглимнинг борлиги... яхши-да, ошна! Тирик кўришдиг-а!!.

Йиллар ўтиб, Ошно юксалиб, Яхшибоев ҳам унинг ортидан эргашиб, иккови ҳам ўзича бир даражага етганларида, Яхшибоев эҳтиётсизлик қилиб, торроқ бир даврада қирқ олтинчи йилнинг кеч баҳорида Ўртақўрғон шаҳри кўчаларида елиб кетаётган машинада туйган фахрини айтиб беради. Кўпчилик ишонмайди унга. Лекин ишонганлар ҳам, ишонмаганлар ҳам бирдай бош силкитиб маъқуллайдилар. Яхшибоевга шогирд тутиниб юрган ношукурроқ бир йигит шу гапдан сўнг латифа тўқийдики, сичқон бир куни филни учратибди-да, унга қараб, сен менинг авлодим эканингдан фахрланаман, деб айтибди. Латифа Яхшибоевнинг ҳам қулоғига тегади. Лекин у парво қилмайди. Жипириққа бориб айтинглар, деди у, билиб қўйсин, мен жудаям сичқон эмасман, Ошно фил бўлса, мен — камида каркидонман, фил сал юввош бўлиши мумкин, лекин каркидоннинг шохи қаттиқ, сузгани омон қолмайди!..

Писанда латифагўйнинг қулоғига етганми, йўқми — буниси номаълум. Лекин Яхшибоевнинг ўзи собиқ шогирдига қасд қилмагани аниқ. Ҳозир унинг исми ҳам эсда қолмаган. Бир йили Чоршанбиев қаттиқроқ зотилжамга чалиниб, нақ уч ой касалхонада ётганида, Яхшибоев қўлсиз-оёқсиз қолганида ўша шогирдини кўмакка чақирмоқчи бўлган-у, исми ёдига келавермаган. Ўшанда кимдир Одилбек Жумаев деган йигитчани тавсия этиб, то бу манмангина болакайни қора ишларга ўргатгунича озмунча асаби кетмади!..

Шаҳарнинг эски қисмига, дов-дарахти мўл маҳаллага етиб келдилар. Яхшибоев ҳовли эшиги олдида ўсадиган икки туп тут қирқилиб, ўрнида уч туп кичикроқ қарағай экилганини кўрди. Ошнога ажабсиниб қаровди, у маъюсланиб изоҳ берди:

— Тутлар қуриб қолди, жўра. Ким билади, шулар ҳам урушни сезганми?..

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ошно дўстининг йўлхалтасини олиб, ичкарига йўл бошлаган ҳам эдики, шофёр ҳайиқиброқ овоз қилди:

— Кутаймми ё кетаймми, каттакон?

— Кетаверинг, — деди Ошно, сўнг дўстига кулиб боқди: — Сен бирор кун меҳмон бўларсан, Назар жўра?

— Кирмасдан муҳлат сўрайсан-а! — деб ҳазиллашди Яхшибоев.

— Назар акам ҳақлар, — деди Муяссар ҳам кулиб. — Аввал кирсинлар, сўраш қочмас...

Шундай дедию ўзи болалари билан илдамлаб кетди. Яхшибоев эшикдан нари ҳатлаб, бир муддат тўхтади. Удумни унутмаган эди, ҳар қалай, аёл киши меҳмонхонани шай қилиб улгургани тузук...

Дарвоза олдида турган «виллис» шитоб билан ўрнидан қўзғалди.

— Тоғанинг мошиними? — деб сўради Яхшибоев, муҳаррирни назарда тутиб.

— Тоғаники, — деди Ошно, — лекин менга насиб қилган экан.

— ?..

— Қайтмадилар. Менам шу ерда хабар топдим. Муяссар мендан яшириб юрган экан.

...Ўша куни Ошно Яхшибоевни уйида олиб қолди. Аввалига ғамгин бўлиб ўтирдилар. Муҳаррирни ёдлашди, қолган дўсту биродарларни — биров ўлган, биров бедарак йўқолган... тирик қайтгани жуда кам. Лекин муттасил қайғу юракларга сиғмади. Яна ёшлик ва умидлар ғолиб келди — келажакка дохил гаплар бошланди. Ошнонинг бугунги кунда Ўртақўрғон газетасига муҳаррир эканини эшитиб, Яхшибоев жуда хурсанд бўлди.

— Зўр-ку! —деб хитоб қилди у. — Мениям ишга олсанг, ошнасини тиқиштиряпти деб ғийбат қилишмайдими?

— Нега? — деб хафа бўлди Ошно. — Сендай кадрлар жуда оз, жўра. Ахир, сен фронтовиксан!

— Овора бўлма, — деди Яхшибоев. — Мен Булдуруққа кетаман.

— Қолсанг тузук, — деди Ошно. — Шаҳарда оз бўлса-да умидвор йигит-қизлар бор, уларга ёрдам қилиш керак.

— Ўзинг ёрдам қилаверасан.

Шу пайт Муяссар ош сузиб кирди.

— Сен ҳам ўтир, Муяссар, — деб таклиф этди Ошно. — Назар акангнинг жамолига тўйиб ол, бугун эрта Булдуруққа кетса, кейин қайтиб кўрамизми, йўқми...

— Ўртақўрғондан Берлинга етган одамга Булдуруқдан Ўртақўрғонга кеп-кетиш чўт эканми! — деб кулди Яхшибоев. — Тез-тез кеп турамиз, ошна. Мен аввал бирор ишнинг бошини тутай... Айтмоқчи, Ҳотам Шўро соғ-саломатми? Борсам, дурустроқ иш берар?..

— Беради, — деди Ошно. — Лекин сен шу ерда қолсанг тузук.

— Бўлмайди, ошна. Икковимиздан бировимиз қишлоққа қайтмасак — ғирт номардлик.

— Ориятли йигитсан-да, жўра! — деб завқланди Ошно. — Орденларни тақиб қишлоққа кириб борсанг... роса байрам бўлади-да!

— Ошириб юбординг, ошна.

— Оширсам арзимайдими? Менга қара, жўра, тўғрисини айт, бўйдоқликдан безмадингми?

— Булдуруққа борайлик-чи, — деди Яхшибоев хижолат чекиб, — бирортаси топилиб қолар...

— Топилиб қолар эмиш! Талаш бўп кетасан-а, ўз қадрига етмаган нодон!..

Яхшибоев индамади. Уялди. Қизарди. Кейинчалик, йиллар ўтиб, айни ўша ҳолатни — дўсти ва келини олдида уялиб қизарганларини эслаб ажабланадиган бўлди.

Муяссар дўстларнинг гапи нозиклашиб кетишини билиб, секин хонадан сирғалиб чиқди. Лекин Ошно бўш келмади:

— Эй Муяссар! — деб чақирди хотинини. — Бу ёққа кел, ўтир, маслаҳат бер. Назар жўрам Булдуруқдан қайлиқ излаб овора бўлиб юрадими, ке, шуни бегона қилмайлик, ўзингнинг яқинроқ дугоналаринг йўқми?

Муяссар пойгакка, дастурхон учига омонатгина чўккалаб ўтирди, сўнг:

— Биттагина дугонам бор ўзи, — деди уялиб. — Оти Муҳсина...

— Анави чиройли қизми?

— Ўша... Жуда чиройли қиз. Суратқашнинг дўкони деразасида фотосиям илиғлиқ турарди, ўзи жанжал қилиб олдириб ташлаган.

— Йў-ўқ, бўлмайди! — деб кулди Яхшибоев. — Жанжалкаш экан, бўлмайди.

— Уялганидан жанжал қилган-да, Назар ака, — деди Муяссар, дугонасини ҳимоя этиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сулув қиз лекин, Назар жўра, кейин армон қилиб қолмагин!

— Сулув бизга тўғри келмайди, ошна, — деди Яхшибоев. — Рашким ёмон менинг.

— Ақлли қиз у, Назар ака, — деди Муяссар.

— Балли, Муяссар! — дея хитоб қилди Ошно. — Назар жўрам мени сен билан таништирган, энди мен ҳам уни бўлажак рафиқасига таништираман. Ўша дугонангни бугуноқ меҳмонга айт. Хўш, Назар жўра, танишмоққа тобинг борми?

— Йўқ, ошна, — деди Яхшибоев кулимсираб. — Мен аввал сал ўзимга келиб олай, поезддан энди тушган одамни сулув қизга рўпара қилма, тағин ёқтирмай қолмасин. Аввал мундоқ ювиб-тараб, кейин, майли, кўрсат.

— Буям тўғри, — деди Ошно мамнунлик билан, сўнг хотинига юзланди: — Билиб қўй, Муяссар, сену мен Назар жўрамдан умрбод қарздормиз, энди мен ўзим унга совчилик қиламан.

— Майлингиз, — деди Муяссар. — Лекин аввал ўзлари бир кўрсинлар, маъқул топсалар, кейин сиз совчилик қиласиз.

— Ақлинг бутун, Муяссар, — деди Ошно. — Ана, битимга ҳам келдик. Қани, ўртоқлар, энди ошга ҳужум!..

Эртаси куни Ошно дўстини Булдуруққа кузатди. Зарур ишлари бор экан, ўзи боролмади-ю, машинасини берди. Боролмагани учун қаттиқ узр сўради. Иложи бўлса бу ёққа қайтиб кел, деб тайинлади, мени ёлғизлатиб қўйма, жўра. Сендан қарзим кўп, деб таъкидлади, зора ёнимда бўлсангу бирор улушини узолсам...

Қучоқлашиб хайр-хўш қилдилар. Мижжаларига ёш қалқди, кўнгилларида ғусса уйғонди. Бу туйғу улар иккови ҳам фронтга кетаётиб эслаб қолган чорасизлик ҳиссига ҳеч-ҳеч ўхшамасди. Қайтиш бор, кўришмоқ ҳам муқаррар, лекин негадир ғуссали... Ким билсин, балки ўшанда улар ҳар иккиси ҳам ёнма-ён, аммо буткул танҳоликда ўтишларини элас-элас пайқашган чиқар? Унда иккови ҳам навқирон эди, анчайин ғуссани менсимас, ҳатто ғуссадан ҳам лаззатланишга қодир эдилар.

Қирқ олтинчи йилнинг кеч баҳорида Булдуруққа қайтиб борганини Яхшибоевнинг ўзи латифага айлантириб юборади ва таржимаи ҳолини ёзган хушфеъл олимга ҳар гал қўшиб-чатиб, ўзгартириб ҳикоя қилади:

— Аҳмоқ эканмиз-да, болам. Булдуруққа кириб бориб, дуч келган одамдан «яхшибаевский дом где?» деб сўрабман-а? Бечора довдираб қолди. Лекин тушунган экан, дарров қишлоқнинг пастки овулини кўрсатди: «Ана тама, ана тама!..» Кейин, десанг, болам, аскар йигит уйига кириб борди. Отаси Яхшибой чўпон билан онаси Малла опа уввос тортиб пешвоз чиқишди. Ёздингми, болам?.. Балли, фақат Малла опани аслига тўғрилаб ёз, Малоҳат дегани булдуруқчасига Малла бўлади... Энди аскар йигит остона ҳатлаб уйга киради-да, бирдан хитоб қилади: «Какая грязь, прямо свинарник!» Ёздингми? Буниси — ҳолва. Шифтга кўзи тушгандан кейин тамом худо уради, «... твою мать, разве можно жить в таком доме!» деб ҳайратланади.

Олим шўрлик бу гапларнинг ҳаммаси ёлғон эканини сезиб туради, лекин эътироз билдиролмайди — батафсил ёзиб олаверади.

— Ёзавер, — дейди Яхшибоев кулиб. — Ўлганимдан кейин чиқарасан.

— Нафасни иссиқ қилинг, домлажон!

— Тўғри-да! — дейди Яхшибоев. — Сизлар тўқиб юрганларингдан кўра, мен ўзим тўқиб қўяқолганим дуруст эмасми?

— Дуруст, лекин образ сал сустлашиб кетмайдими?.. — дея секин эътироз билдиради олим.

— Йўқ, қайтага, шунда образ тағин очилади, болам. Хўш, ёз яна... Ана ўша аскар бола, яъниким, мен, Яхшибоев Назар Яхшибоевич, уйдаги ивирсиғу қурум босган вассаю болорлардан жирканган йигит, эртаси куни лом-мим демасдан отасининг чўпон таёғини олиб, ўтарни яйловга ҳайдаб кетади. Унинг олифталиги бир кунлик эди, холос!

— Ёзувчилик қайда қолди? — деб сўрайди биограф олим.

— Ёзувчилик кейин келади. Чўпон бола яйловда зерикиб ўтирганида урушда кўрганларини чўлтоқ қалам билан бир парча қоғозга тушира бошлайди, ўшанда унинг ўтари чўлга ўтлаб келган бошқа ўтарга қўшилиб кетади-да, чўлтоқ қалам соҳиби Ҳотам Шўродан қаттиқ сўкиш эшитади!..

— Оддий чўпон проза ёзади! — деб хитоб қилади биограф олим. — Ибратли воқеа бу, домлажон, ҳайратга солайдирган даражада ибратли!..

Яхшибоев индамайди. Тўқилган жўн афсонага биограф олим яна ўзидан ҳам қўшишини сезиб туради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўшанда афсона баттар жўнлашади ва ахийри қуруқ бир ахборот тарзига киради: ёш ёзувчи ижод билан чўпон меҳнатини баробар олиб борди, планларни доимо дўндириб бажарди, қиёсан айтиш мумкинки, мабодо ундан бугунги улкан ёзувчи чиқмаганида ҳам, юртга машҳур қаҳрамон чўпон чиққан бўларди.

Биографга ҳақиқатни айтмайди. Ҳақиқат шуки, у қирқ олтинчи йилнинг кеч баҳорида Ошнонинг «виллис» маркали машинасида Булдуруққа кириб келади. Йўл йўқлигидан машина қишлоқнинг пастки овулига ўтолмайди, чоғроқ бир сойликка тушиб, ўртадан кесган жар олдида тўхтайди, ортга қайрилади, Яхшибоев эса йўлхалтасини елкага ташлаб, уйгача пиёда кетади. Ҳовлига кирганида сигир соғиб ўтирган онаси Малла опа тошдай қотиб қолади, чотига қистирган сатилини туширириб юборади, сигир чўчийди, сатил билан соғувчини қўша қилиб тепади, аёл бечора орқага ағдарилиб тушади, ўғил бориб уни кўтариб оладию беҳуш эканини кўради. Шовқинни эшитиб ичкаридан ҳасса суянган чол — Яхшибой чўпон чиқади. Ўғил беҳуш онасини кўтариб, унинг истиқболига югуради.

— Келдим, ота, — дейди. Лекин ота уни эшитмайди, унинг қулоқлари оғир бўлиб қолган, ўғлининг қўлида беҳуш ётган аёлга ажабсиниб қарайди, ҳатто юзини секин ушлаб-сийпаб кўради, сўнг уйга кириб эски ёғоч чўмичда сув олиб чиқади-да, аёлнинг юзига сепади. Сув томчилари ўғилнинг ҳам юзига сачрайди. Шунда у унутилиб кетган бир ҳидни — қозон четига битадиган қасмоқ ҳидини туяди; қозонда сут қайнаган, сут чўмичда шопирилган, чўмичга қасмоқ ҳиди уннаган. Она сал ўзига келади, шунда ўғил уни яйдоқ ҳовли ўртасида тиккайган супага элтиб қўяди. Намат излаб ичкари кириб, шипшийдам хонани, қурум босган шифтни кўради, лекин жирканмайди, аксинча, хўрлиги келади, чоғроқ шолча билан қуроқ кўрпачани олиб чиқиб, супага, онасининг ёнига тўшайди-да, отаси билан икковлашиб онани ўша жойга ўтқазишади. Яхшибоев яна бир бор уйга кириб чиқади — болиш опкелади, буларни ҳам онасининг биқинига қўяди, сўнг ўзи четроққа чўкади. Ота ҳассага суянган кўйи қаққайиб тураверади. Шунда Яхшибоев онасининг кўк кийганини илк бор пайқайдию юраги ўртаниб кетади, отасига ялт этиб қарайди:

— Сендан хат келмади, болам, — дейди Яхшибоев чўпон. — Укаларингдан келди, сендан келмади... Хайрият, тирик экансан, болам!..

Она бечора шоша-пиша бош ирғайди, секин ҳиқиллаб йиғлай бошлайди, сўнг йиғи уввос йўқловга айланади.

— Мен келдим-ку, эна!.. — дейди Яхшибоев, баттар ўртаниб.

Она бечора аввалгидай бош ирғайди, тасдиқлайди, лекин йўқловдан ўзини тиёлмайди. Шундагина Яхшибоев тушуниб етади: у ўзи келди, укаларидан фақат хабар келган, шум хабар, «қорахат», қузгундай қопқора!!.

Ота ҳам ўзини тутиб туролмайди, таёғини отиб юборадию кампирининг ёнига ўтириб, унинг елкасига бош қўйиб йиғлайди. Ўғилнинг ҳам елкалари титрай бошлайди. Лекин у йиғлашга улгурмайди. Ҳовлига элу юрт оқиб кела бошлайди — майибу мажруҳ аскарлар, ўғилдан ажраган чолу кампирлар, эрдан ажралган бевалар — ҳаммаси интизор, ҳаммаси юпанчга зор!..

Унинг ўзи эртаси куни йиғлайди. Отасининг ўтарини чўлиғидан сўраб олиб, чўпон таёғини кўтариб даштга чиқади. Чошгоҳда қўйларни сувлатиб, тушга яқин қишлоқнинг кунботаридаги тепаликка ётқизади-да, ўзларининг уйларига қарайди, ёнларидаги уйларга қарайди, қишлоқнинг юқори қисми кўм-кўк, пастки тарафи эса дов-дарахтсиз эканини кўради. Ўзларининг тақрондек ҳовлилари саҳнида недир бир кичкина қора ўралашиб юрганини кўради, сўнг бу қорага яна биттаси қўшилади... отаси билан онаси... сингиллар уйли бўп кетган... икки укаси йўқ... келмайди... ҳувиллаган ҳовли, қари чол билан кампир, бири кар, бирининг кўзи хира, иккита ўғлидан айрилган...

Умрида биринчи бор ўзини ажратиб-унутиб ўйлаши эди — гўё у йўқдай, гўё узоқдаги ҳовлида куймаланиб юрган икки қора нуқта унинг отаси билан онаси эмас, йўқ, ўзининг тус отасию тус онаси, лекин унинг ўзи ҳам қайтмаган, ўлган, булар шунчалар ғариб, шунчалар кимсасиз!.. Юрагига олов туташди, куйди, жизғинак бўлди, қўй сийдиги анқиган қаттиқ ерга ўзини урди:

— Ў эналарингни, Гитлер!!.

Умрида сўкинмаган биограф олимга шуни айтасанми?

Йўқ, у ишонмайди. Китобий гапларни рост, рост гапларни китобий деб ўйлайди у. Унингча, сен қирқ олтинчи йилда урушдан қайтиб, сўнг бир-икки йил меҳнат фронтида жавлон уришинг маъқулроқ, чорва планларини дўндиришинг, мамлакатни тиклаш ишига

www.ziyouz.com kutubxonasi

муносиб улуш қўшмоғинг... Э, кўп, жуда кўп унинг талаблари!

Кейинроқ қайғу сал сусаяди. Яхшибой чўпон ҳассасини ташлайди, танига сал мадор кириб, чўлиғининг ёнига тушади. Она ҳам умид билан яшай бошлайди. Айниқса, яна бир йил ўтиб, олинган иккита «қорахат»нинг бири ёлғон чиқиб, ўртанчаси Қобил қайтиб келганида. Қобил сал асабийроқ бўлиб қайтади — боши ликиллайдиган, юзи пир-пир учадиган. Бир-икки йил ўтиб, куёв кутавериб қариқизга айланган бировига уйланиб, бола-чақа кўриб, калласининг ликиллаши йўқолганида ҳам «Қобил кантужин» деган лақаби қолади.

Яхшибоевнинг чўпонлиги эса, нари борса бир ҳафтага чўзилди, холос. Бир куни Булдуруқнинг ғарбидаги яйловда сурувни ёйиб юрганида Ҳотам Шўро от чоптириб келди — узангиси битта, эгарнинг бир тарафида ёғоч оёғи посанги бўлиб турибди. Келдию чўпоннинг қўлидан таёғини олиб, ҳу узоққа отиб юборди.

— Одам бўлмадинг, энағар! — деб бақирди. — Уч кундан бери пойлаб ўтирибман, келиб печатингни олмайсанми?!

— Йўғ-э, — деди Яхшибоев. — Мен маълимликка ўқиганман, жуда ёрлақасангиз, ана, мактабдан дарс обберинг...

— Маълимликда хор бўласан, энағар! — деди Ҳотам Шўро. — Ҳозирча мактаб бор, дарс ҳам бор, лекин кейин бариси йўқолади-ку... Беш йил тугал хотинлар бола туғмади-ку, энағар, шуни ҳеч ўйлаб кўрдингми? Энди сен кимни ўқитасан? Уйлан тезроқ, туғдир хотинни, кўпроқ туғдир, йили итидан топиб уйлан, айт, йилига икки марта туғсин!.. Одам керак, энағар, одам йўқ, одамнинг бари урушда ўлиб кетди, хотинлар қолди фақат, ҳаммаси бева, ҳаммаси эрсираган, эрга тегмагани ҳам бева, ҳеч ким олмайди энди, оладиган одам ҳаммаси қирилиб кетди!.. Ўзим туғдирардим, лекин иложим йўқ, макиён бўп қолганман, энағар! Энди сен хўроз бўлиб колхозни қўлимдан олсанг ўласанми?!.

Ўшанда юрагига ҳазил сиққанига қойилки, Яхшибоев Ҳотам Шўро ҳақида ҳангома ёзди. Эркаклар урушга кетган, қари раис бир гала хотин-халажни хирмонга йиғиб олиб, одам йўқ, энағар хотинлар, деб нолийди, туғинглар, деб ялинади, ўзим туғдирардим, лекин макиёндан фарқим йўқ, деб айтади, хўрлиги келиб йиғлайди, хотинлар унга қўшилиб йиғлайди...

Эски қўрада, биров кўриб қолишидан хавфсираб,

чўлтоқ қаламда ёзди, ёзатуриб кулди, кўзларидан ёшлари қатор бўлиб оқаётганини билмай кулди. Гўё ўша хирмонни ўзи кўриб тургандай эди. Гўё ўзи ўша эрсираган қиз-жувонларга айлангандай, гўё унинг ўзи ёғоч оёқли раис чолдай... Раис чол бўлиб, байталига қамчи босиб нари кетган ҳам ўзи, кулишиб-йиғлашиб, кейин адирдаги буғдойзорга тарқалиб кетган, сийналари қақшаган қизу жувонлар ҳам унинг ўзи!..

Қизиқ тақдир экан. Ошнога элтади ўша ҳангомани. Лекин Ошно босмайди. Босиғи билан тушунтириб айтадики, мавзуни қалтис олибсан, жўра, совет бевараларининг оғир қисматидан кулишга ўхшайди бу, обрўли раисга ҳам тегиб кетибсан, макиён деб атабсан, яхшими шу? Макиён бўлмасдан уруғлик буқами, деб куюнади ўшанда Яхшибоев, макиён бўлмаса аёлларнинг қисматига ачинармиди, инсоф қил, ошна, ахир, аслида уям шу муштипарларнинг бири, муштипарларнинг тақдирига шерик, агар қўлида бўлса эди, уларга атаб эрларини, не-не навқирон йигитларни тирилтириб бермасмиди?..

Йўқ, Ошно унинг важҳларига қулоқ солмайди. Лекин дўстининг ҳангомасини ёдидан чиқармайди. Ўзи бундайроқ мансабга миниб юрган пайтида, ҳали баландроғига сакрамасидан бурун, эллик учинчи йилда, Яхшибоев Муҳсинадан кўнгли совиб, Олияга муҳаббат қўйганида эслаб қолади, сўнг ўзи муҳаррирга қўнғироқ қилиб ҳикояни чиқартиради, кейин ҳикояни гўринг нурга тўлгур Шариф қаттиқ уради. Ошнонинг келажакни билгани шундан ҳам аёнки, гўринг нурга тўлгур Шариф худди у тахмин қилган айбларни тақади: муаллиф совет тулларининг оғир қисматини мазах қилган; босмачилар билан курашган, бир оёғидан айрилган ногирон бўлса-да, уруш йилларида мамлакат ичкарисидаги меҳнат фронтида беқиёс жасорат кўрсатган соф виждонли колхоз раисига лой чаплаган...

— Чўпон таёғини судраб қадрингни оширмоқчимисан, энағар? — деб ўшқирган эди ўшанда Ҳотам Шўро. — Ҳужжатинг бор, келиб шунга яраша ишни қилмайсанми? Номардсан сен, анави жўранг ҳам номард! Икковингни не умид билан шаҳарга жўнатиб эдим! Оғзимнинг елини совуриб гапирганларим эсингдан чиқдими, энағар!? Жўранг шаҳарлик хотинчасининг бутига тиқилиб ётибди, йилда бир марта келмайди, тагида машина, бурни кўтарилиб кетган, газетида бегоналарни мақтаб ётибди! Келиб, бизнинг дардимизни сўрамайдими? Жуда ўсиб кетган

www.ziyouz.com kutubxonasi

экан, ана, Булдуруққа бир тегирмон сув келтирсин! Қара, ҳамма ёқ қақраб ётибди-ку, қизиғар? Жуда ёзувчи бўп кетган экансан, ана, икковинг бамаслаҳат Тошканга хат ёз, бизга сув керак, деб ёз, бева-бечораларни тўплаб имзо қўйдир!..

— Ошнам лайлак ҳайдаб юргани йўқ, Шўро бува, — деди Яхшибоев қовоқ солиб. — Масъул лавозимда у, ишониб топширишган унга... Биздан бўлак ташвиши ҳам оз эмас.

— Қишлоғигаки қайрилмаса-я, қизиғар!.. — деб ғудранди Ҳотам Шўро.

— Ҳақорат қилманг!

— Ҳақорат қилсам, пишириб ейсанми! — деб баттар қизишди Ҳотам Шўро, сўнг бирдан бўшашди, базўр эгардан тушиб, жиловни уловнинг бўйнидан ошириб олди-да, бу тарафга чўлоқланиб келди, ёғоч оёғини чўзиб ўтирди. — Чарчадим, Назаржон, — деди зорланиб. — Келиб муҳрни оларсан, деб ўйловдим. Сенда савод бор, менда икки-уч оғиз чийратма сўкишдан ўзга савод йўқ, болам. Худога шукр, эсон-омон қайтдинг, бошқаларнинг кўпи келмади, лекин менинг додим етган экан, ўққа учмадинг, соғ-омон қайтдинг, энди ол мансабингни... Ўн йилдан бери кутаман, ўн йил-а!..

— Ўн бир йил, — деди Яхшибоев. — Беш йил ўқидик, кейин олти йил у ёқда... Раис бўлишим қийин, Шўро бува, мен ўқишнинг сал енгилини танловдим, ҳисоб-китобдан мазам йўқроқ.

— Ҳисоблайдиган нарса ўзи йўқ, болам, — деди Ҳотам Шўро. — Ҳисоблайдиган пайт келгунча у ёғини ҳам ўрганиб оласан.

— Биргадликдан бошласам...

— Майли, биргадликдан бошлайсанми, бошқасиданми — ишқилиб, тез орада қўлимдан муҳрни олсанг бўлди. Анави санғи жўранг... келмайдими энди?

— Билмадим, Шўро бува. У ердаги мансаби анча улуғ, қўйворишмаса кераг-ов.

— Ўзга юртда султон бўлма, ўз юртингда ултон бўл!..

— Жуда ошириб юбордингиз, Шўро бува, Ўртақўрғон бегона юрт эмас, ўзимизнинг эл.

— Барибир, колхози бошқа-да!..

Яхшибоев мийиғида кулди. Ҳотам Шурога Ўртақўрғонда колхоз йўқлигини тушунтириб ўтириш фойдасиз эди. У шаҳарга ўзи борган, бир вақтлар боргану мактаб ундирган, нўғой муаллималардан бир йўла бештасини

бошлаб келган, район марказида ҳам бўлган, молияга учраган, банкага кирган, шаҳар одамларини кўрган, лекин фикр ин қадар — ўша-ўша.

Рости, завқи келди, ичида унинг соддалигидан кулди. Лекин Ҳотам Шўро, гарчи у қишлоғу шаҳардаги тартибу таркибни тугал билмаса-да, донишмандликдан маҳрум эмасди. Туғилганидан то ўлгунича бировнинг бир тийинини емаган бу содда одамнинг ғалати бир ақидаси бор эди. Мен колхозчидан бир чақа пора олмадим, дер эди у, районга ҳам бир тийин пора бермадим, ўзимни мақтамоқчи эмасман-у, лекин ҳамма шундай қилса, масалан, колхоз районга пора бермаса, район областга пора бермаса, област республикага пора бермаса, республика Масковга пора бермаса... қандай соз бўларди-я! Ўшанда коммунизм бўлмасаям, эл-юртнинг қорни ўртача тўйиб яшарди.

Кейинчалик Яхшибоев Ошнога Ҳотам Шўронинг айни гапларини кулиб ҳикоя қилади. Ошно негадир кулмайди, аксинча, жиддий туриб дакки берадики, бу гапларга исбот керак, ўртоқ Яхшибоев, умуман, сиз бунақа енгил-елпи гапларни бас қилинг, акс ҳолда душман қулоғига чалиниб, кераксиз миш-миш тарқалиши мумкин. Хўш, ўртоқ Яхшибоев, деб сўрайди салмоқ билан, сиз қаерда бизнинг системадан яхшироқ системани кўрдингиз; ҳамма тенг ҳуқуқли; ҳамма баробар меҳнат қилади; меҳнатига яраша ҳақ олади; ўқиш бепул; медицина бепул; дам олгани борсангиз профсоюз йўлланма беради; бу гаплар эса — гирт кўча гаплар, хўш, айтинг-чи, қайси колхоз районга пора берибди, қайси район областга пора берибди, област-чи?.. Балки сиз мени ҳам порахўрга чиқарарсиз? Майли, мен порахўр бўла қолай, ўртоқ Яхшибоев, лекин сиз нега республикага туҳмат қиласиз, хай, майли, республика — ўзимизники, республика сизни кечирар, лекин Москвага туҳмат қилишга қандай ҳиддингиз сиғди? Дунё бедарвоза эмаски, илинган гапни байроқ қилиб юрсангиз! Инкор этмайман, бу хил қабиҳ ишлар оз бўлса-да, айрим жойларда учрайди, айниқса, таъминот соҳасида, лекин сиз битта-иккита экспедитор ёки ревизорнинг хатосини олиб бутун жамиятнинг ёқасига ёпиштирасизми?.. Жамиятимиз жуда пок, ўртоқ Яхшибоев, жамиятимизнинг юзи жуда ёруғ, бир-иккита гўсхўрнинг ифлослиги унинг ойдек гўзал жамолини хира қилолмайди! Агар шундай деб ўйласангиз, бекорга овора бўласиз!..

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яхшибоев Ҳотам Шўронинг, бу пайтга келиб ўлиб кетган Ҳотам Шўронинг ибтидоий фалсафасини сал бўлса-да замонавийроқ қилиб тушунтиришга уринди: жамият жуда улкан машина, оқсоқол, шундай улканки, унинг икки юз эллик миллионта мурвати бор, битта мурвати ишламаса ёки қинғирлик қилса, бас, бутун машинанинг ҳаракатига путур етади. Одамлар сизга мурват эмас, деди Ошно қовоғини солиб, мурватда ирода йўқ, одамларда ирода бор, ақлу идрок бор, фаҳму фаросат бор... ҳайронман, ўртоқ Яхшибоев, қачон биз жамиятга бу қадар механистик қарашга барҳам берамиз, наҳотки, сиз, ёзувчи бўлатуриб, шуни тушуниб етмасангиз? Билмадим, оқсоқол, деди Яхшибоев мулзам бўлиб, майли, жамият машина бўлмай қўяқолсин, майли, у жонли ва онгли мавжудот бўлсин, лекин унинг равнақи ҳар бир конкрет одамнинг ҳалоллиги билан ўлчанади, токи битта бўлса-да қаллоб бор экан, жамият равнақи сусаяди! Эклектика, деб хитоб қилди Ошно, дунёқарашингиз Ҳотам Шўро даражасида қолиб қотган экан, ўртоқ Яхшибоев, ҳайф сизга университет, ҳайф сизга илғор назария!..

Ўшанда Яхшибоев бошини хам қилиб ўтирди. Бўлди, газабга учрадим, деб ўйлади, энди менга ҳам равнақ йўқ, шайтон йўлдан урди, гапириб нима қилардим, жамиятнинг поклигига шунчалар зор эдимми, ўзим пок бўлмагандан кейин, бировнинг ортидан кун кўрганимдан кейин, бировнинг таҳоратига намоз ўқиганимдан кейин... зарилми шу гаплар? Э, оламни сув босиб кетмайдими! Бунгаям жон керак, ахир! Ҳотам Шўронинг гапида буткул бошқа маъно бор эди. У жамиятни сидирғасига поклamоқчи эмасди. Йўқ, орзуси янада баландроқ эди — ҳар бир одам ўзини ўзи покламоғини истарди. Ҳотам Шўро анойи эмасди, агар ҳамма лоақал ўз ҳалқумини покласа эди, ана унда кўрардингиз жамиятнинг равнақини, ошнам!.. Менинг шўрим қуригани шуки, ҳалқумим билан лафзимнинг ораси очиқ эди, йўқ, лафзим — ҳалқумим эди... Қани у поклик? Олти йил қон кечиб келган одам, минглаб шаҳарлару қишлоқлар ўрнида харобаларни кўрган одам, турмаларнинг деворларидаги қонли ёзувларни, ўликларнинг саржин қилиб тахланганини кўрган одам, уруш тугаса, бас, ер юзида ёмонлик қолмайди, жамийки наҳс Гитлер билан жаҳаннамга кетди, деб ўйлаган одам... шу кўйга тушармидим? Тушдим-ку, ахир? Тушса бўларкан-да! Қайси шайтон мени йўлдан урди? Ким у, оти нима унинг?!.

Алами қўзиди. Ошнонинг кўзларига тик боқди, аччиқ-аччиқ таъналарни юзига отмоқчи бўлди. Лекин улгуролмади. Ошно чаққонлик қилди. Болаларча илжайиб, гўё бир вақтлар Мойра деган кўча гўзалига илиқиб қолганида айбсинганидай, уялинқираб, қимтининқираб секин гап қотдики, ўртоқ Яхшибоев, сиз мендан кўпроқ китоб ўқигансиз, Максим Горький деган ажойиб пролетар ёзувчиси бор, ўртоқ Ленин унга юксак баҳо берган, қолаверса, сиз амал қилаётган методни ҳам ўша табаррук зот ихтиро этган, яъники — ўша ажойиб киши айтган бир гап бор: дунёда яхши одамлар жуда оз, лекин уларнинг салмоғи жуда бисёр; умуман, ўртоқ Яхшибоев, яхши одамлар ўзларининг ибратлари билан жамиятни олға жилдирадилар, мана, улардан бири — Қурбоной қизингиз, неча юзлаб ва неча минглаб хотин-қизларимизга ибрат бўляпти. Қурбоной қизимиз сиз ўйлаганчалик яхши эмас, деб эътироз билдирди Яхшибоев. Тўғри, гапингизда жон бор, деди Ошно, Қурбоной қизингизнинг таржимаи ҳолида айрим нуқсонлар бор, масалан, унинг яқин ўтмишда пистафуруш-савдогар бўлгани — бориб турган қусур, лекин биз учун унинг т у з а л г а н и муҳим эмасми, ўртоқ Яхшибоев, наҳотки, айни ибратли жараёнда ўзингизнинг ҳам ҳиссангиз борлигидан фахр этмасангиз?

Йўқ, Яхшибоев фахр этадиган аҳволда эмасди; бу пайт — Қурбонойнинг менсимаслик касали хуруж қилган пайт эди.

Ҳотам Шўро ҳақидаги ҳангома эса, асл ҳангома эди. Уйдирма, бошидан адоғигача уйдирма-ю, лекин турган-битгани рост — унда Яхшибоев кулиб йиғлаган, йиғлаб кулган эди. Унда Яхшибоевнинг лафзи пок эди, умидлари ҳам, ниятлари ҳам бирдай оппоқ...

Буни у кейинроқ тушунди.

Қирқ олтинчи йилнинг баҳори тугаб, ёз фасли кирганида Ҳотам Шўро унга битта чўбир от бериб, даштга бригадир қилиб чиқарди. Устида сарғайган аскар гимнастёркаси, ўттизта аёл, беш-олти ўсмир, учта чолу битта қўли йўқ ҳисобчига бош бўлиб юрди. Бўш қолди дегунча, сиёҳқалам олиб бир балоларни ёзарди. Колхозчилар ҳайрон бўлардики, наҳотки, қирқта кишининг меҳнат кунини ҳисоблаш шунча қийин бўлса? Ёшгина тул жувон бўларди, оти — Кунсулув эди, қирқ тўртинчи йилда эрга теккану чилласини ҳам чиқармаган. Айниқса шу синчков эди, неча меҳнат куни олганини билмоқ истаб, нуқул писиб келарди-да, елка оша қарар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Яхшибоев уни сезиб қолса, бас, Карим ҳисобчидан ялиниб олган қалин дафтарини шартта ёпарди. Вой, бўйнингизда чумоли юрибди, деб хитоб қиларди Кунсулув, келинг, ўзим олиб ташлай... Олиб ташларди ҳам. Ҳар гал чумолини олиб ташлаганида Яхшибоевнинг бўз тани жимирлаб кетарди. Кунсулувнинг кўзлари ўткир эди, чумолию майда-чуйда қўнгизчаларни топишга уста эди. Чумолидан қўрқарди шекилли, ҳар гал йигитнинг бўйнидан олиб ташлаётганида бармоқлари титраб-титраб кетарди, нафаси иссиқ эди унинг, гўё тепангда битта эмас, иккита қуёш куйдириб тургандай... айниқса икки ўрим сочи бўйнингни илондай ўрагани ёмон эди.

Яхшибоев чидарди. Ким билсин, бошқачароқ тақдирдан умиди бўлганми ўшанда... Уяларди, Кунсулувдан қочиброқ юрарди, атай ўзини аёллар кўпроқ жойларга урарди, атай довдирроқ қизларга хушомад қиларди. Довдир қизларнинг юзлари нақш олмадай қизаришини кўринг эди. Энг хунуклари ҳам малика бўп кетарди ўшанда!.. Раҳми келарди уларга, иложи бўлса-да, бир юмалаб қирқта йигитга айланса, қирқта қирқин қизга уйланса, қирқини ҳам бахтли қилса! Лекин бирига ҳам дахл қилмади-ку? Сабаби не? Виждони зўрлигими?

Энди ишонгинг келмайди. Энди у гапларга сал енгилроқ қараш мумкин. Лекин унда қийинроқ эди... Бир куни пешинда, хирмонда дон совуриб, ҳориб-чарчаб, шабада тинган пайтида сомон ғарамига ёнбошлаганча ухлаб қолди. Нафаси қайтиб уйғонди. Кўрса, устида Кунсулув ётибди, икки қўлини юзларига маҳкам босган, елкалари қалт-қалт титраган... Илкис силкиндию тагидан сирғалиб чиқди. Аёл ғарамдан пастга думалади. Думалаган пайтида ҳам қўлларини юзидан олмади. Пастга тушиб, тупроққа беланди.

— Миянг жойидами, чилласи чиқмаган тул! — деб бақирди Яхшибоев.

— Чиллам чиқмагани рост, — деди аёл тупроққа беланиб ётган жойида. — Чимилдиғим ҳам йиғилгани йўқ.

— Чимилдиқ — эскилик сарқити! — деб бақирди Яхшибоев.

— Мен ўзим сарқит эмасман-ку, акажон!.. — деди Кунсулув. — Яхши кўрсам нима қилай, акажон?!. Опкетинг мени, майли, қаёққа десангиз ҳам кетавераман, опкетсангиз бас...

— Эсингни йиғ, бор, машоғингни тер! Эл нима дейди, ўйламадингми, энағар?

— Қиз кўп-да, а? Туллигимдан ҳазар қиляпсизми?

— Уруш, Кунсулув, уруш... туллигингга мен айбдор эмасман.

— Қиз бўлсам қарардингиз!.. Қизман мен, акажон, ишонмасангиз... ана, похолга ётқизиб кўринг!

— Энди шу гапни элга ёйишинг қолди. Уятинг йўқ экан, Кунсулув!

— Элга ёймайман, сиз билсангиз бас-ку, акажон!.. Ўн гулимдан бир гулим очилмаган, акажон! Тозаман, акажон, Нуъмон аравакаш опкеладиган сувнинг ярмини ким ўғирлашини билмайсиз-да!.. Гўримга ғишт қалайди, лекин мен на қилай, акажон, кўнглим сизни тусаса, мен бечорада не айб?.. Ё сизга бир бало бўлганми, акажон, нега ҳеч қарамайсиз?!.

Яхшибоевнинг юзига қон тепди. Бир хаёли тупроққа беланиб ётган аёлни шарт кўтариб, ғарамга босиш бўлди, лекин... Лекин бу истак ғазабдан эканини сезиб турди. Бундайроқ жўн истак ҳам бордай эди, аммо одамлар кўришидан чўчиди.. Чўчимаганда ҳам, ҳамма нарса аён эди. Кунсулув энди ўзиники, аламзадалик қилмаса, бас, қасдлашмаса, бас — ўзиники!..

Секин бориб, аёлни ердан турғазди. Сочига илашган хас-чўпларни олиб ташлади. Чанг босган кичкина дағал қўлини олиб секин лабига босди — китобларда ўқиган эди, олти йил урушиб ҳам эсидан чиқмаган экан! Аёл бечора унга анграйиб тикилди, сўнг шошапиша кўйлагини қоқа бошлади.

— Шошмайлик, Кунсулув, — деди Яхшибоев. — Биламан, сен яхши... қизсан, лекин сал шошмайлик. Мениям кўнглим тусайди сени...

Шундай дедию шарт қайрилиб, ангорга оралаб кетди. Сал ўтмай шудгор бошланди. Бир гектарча жой эди. Хотин-халаж билан бирлашиб, шугина жойни шудгор қилиб, қовун-тарвуз уруғини қадаган эди. Палаги узайиб қолган экан, билиб-билмай, яшил пайкални эзғилаб, бандларини узиб кетаверди. Шудгордан нарига ўтганида, ортидан от дупури эшитилди. Қараса, Ҳотам Шўро...

— Нима қиляпсан, энағар чўпоннинг боласи! — деб бақирди раис. — Кўкка кўзинг ўрганмаган-да а? Битта аёл боқмаса, шунинг қасдига палакни узасанми палакат?!

Яхшибоев ҳайратланиб тикилди унга. Тикилдию дарров тушунди — раиснинг бўйнига кичикроқ дурбин осилган экан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳолингга қараб юр, бола, йўқса нақ кўзингни ўйиб оламан!

— Э, менда нима айб! — деб қичқирди Яхшибоев. — Ўзи кеп тирғалди-ку?..

— Шундайми?.. — деди Ҳотам Шўро сал ўйланиб. — Кунсулув эдими?

— Ўша, бошқа ким бўларди!..

— Номардлик қилма, — деди Ҳотам Шўро. — Кўнглинг бўлса, уйлан шунга. Яхши нарса лекин, тул қолган-у, бўй қизларга бўй бермайди. Уйлан, итдай хизматингни қилади... Уйлан, энағар, қизлигини қовуриб ейсанми?

— Гап-сўз кўпаяди.

— Гапдан қўрқасанми ҳали? Э укам, билмабсан-да, бу, одамзод дегани Одам Ато замонидан бери гапиради-ку? Жағи тинганини ҳеч бир эшитганмисан? Уйлан-да, номард, Кунсулув бўлмаса — Ойсулув, тул бўлмаса — бўйдоғи, қачонгача белга бойлаб юрасан, баччағар? Шунча хотин-халажнинг орасида юриб, ҳамманинг кўнглини бузасан-ку? Эгали бўл-қўй! Нима қиласан, уларни ҳам, ўзингни ҳам қийнаб?..

Яхшибоевнинг унагиси бор эди. Унагиси борки, бир куни онасига маслаҳат солди: мен шу Кунсулувга уйлансам, эна. Она бечоранинг жаҳли чиқди. Оринг борми, деб қичқирди, шунча бўй қиз турганда Кунсулувга уйланасанми? Яхшибой чўпон аксинча, жўяли қилиб гапирди: қўй, кампир, буни уришма, азбаройи одамлигидан бу, бир тул бечорага қайишганидан, нега ўғлингни койийсан, ахир, урушни очган у эмас, гирмон қисталоқ-ку? Гирмонни ер ютсин, деб қарғанди она, ўғлим омон келганига яраша тенгроғидан топсин-да, отаси, сатта[1] қиздан сайлаб олмайсанми?

Яхшибой чўпон ўлгудай содда одам эди. Кечқурун ўғлини ёлғиз қилиб, секин маслаҳат бердики, элу юртнинг удуми шу, болам, агар шу Кунсулувга кўнглинг кетган экан, аввал мундайроқ бир қизга уйланиб, кейин бўйида бўлмасидан ҳайдаб юбориб, расми-русмини келтириб, ундан кейин Кунсулувнинг ўзига оғиз солсанг бўлмасмикан, Назарбой?.. Яхшибоевнинг жаҳли чиқди: бўлмағур урфни деб яна бир бечорани қурбон қилиш нимаси, ота? Яхшибой чўпон пинагини бузмади: мундайроқ бир хунугига уйлансанг ҳеч нарса бўлмас, болам?.. Ўғил баттар ғазабланди: бориб турган хурофот

[1]Юзта демоқчи.

бу, ота! Яхшибой чўпон ҳам бўш келмади: менинг бўлганим шу, болам, сут билан кирган эди, энди жон билан чиқади!

«Мен-чи? — деб сўради ўшанда Яхшибоев алам билан. — Сизнинг болангизман-ку, нега мен ўзгара олдим-у, лекин сиз...»

«Сен сутнинг устидан ароқ ичиб қўйгансан, болам».

Отанинг хурофоти ҳам, элу юртнинг урфу удумлари ҳам — бариси ўз йўлига. Кейинчалик Яхшибоев худди шу мавзуда — бўй йигит эр қилган хотинга уйланиши мумкинми ёинки бева эркак қиз болага уйланиши мумкинми — ёзилган семиз-семиз китобларни ўқиб кулади, ўша китобларни таҳлил этиб неча-неча газетаю журнал саҳифаларини банд этган танқидчилардан ҳам кулади. Мажлисларда сўзга чиқиб, э нодонлар, адабиётнинг вазифаси — муайян одамнинг иффатига қоровуллик эмас, деб айтади, адабиёт виждонни муҳофаза этади, холос, иффат ҳам, ғурур ҳам, нафосат ҳам шунда!..

Айтади-ю, лекин гапларига ўзи ҳам ишонмайди. Энди бу гаплар унчалик тўғри келмайди. Унинг ўзига тўғри келмайди. Бу гапларни у жуда эрта, эллигинчи йиллар атрофида, гўринг нурга тўлгур Шарифга ўхшаган олимлару ёзувчилар Алпомишу Гўрўғлиларни калтак олиб ҳайдаб юрган пайтларида ўйлаган эди. Унда бу ўйлар ярашарди. Энди эса — кулгили. Худди ўша семиз китоблару уларнинг сон-саноқсиз таҳлиллари каби кулгили.

Фақат битта ҳис қолмаган, тинчлик бермайди у, уйқудан бездиради. Ўйлайдики, асл тақдир Булдуруқнинг даштида, дони чош хирмон ёнида, чоғроқ похол ғарами тагида қолиб кетди. Ўйлайдики, Кунсулув дегани кундан-да, ойдан-да сулувроқ эди. Муҳсинадан минг бора беҳроқ! Ҳаттоки Олиядан ҳам яхшироқ. Олиядан яхшилиги шундаки, Кунсулув ундан қурбон талаб қилмасди, ўзи садқаю ўзи қурбон бўларди; иккови бир тану бир жон бўлиб яшарди — бир уй тўла бола, қўрада сигирлару қўйлар; кенг бир ҳовли, ҳовлида — сон-саноқсиз дарахтлар, бариси ям-яшил, қишин-ёзин яшил. Ўйлайдики, Кунсулув билан бўлса, бас эди, олмалари қишда ҳам гулларди!..

Энди унинг бор-йўқлигини билмайди. Эсда қолгани: сочлари иккита ўрилган эди, кўзлари яшилроқ, қарашлари тик эди.

Шу, холос.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Саккизинчи манзара

Қирқ олтинчи йилнинг йигирма саккизинчи декабрида Ошнодан кичкина мактуб келди. Мактуб йигирманчи декабрда ёзилган экан. Шаҳар почтасидан районга, райондан то қишлоққа етгунича роппа-роса саккиз кун ўтибди. Муҳими — ичидаги мазмун эскирмагани. Янги йил базмига таклиф.

Ошнони соғинганини ўшанда сезди. Икки кунни бир амаллаб ўтказди. Ўттизинчи декабрь кечқурун жуда эрта ётди. Кўзи илинавермади. Тўшакда тўлғаниб ётиб, вақтни бир амаллаб саҳарга етказди-да, ўрнидан турди. Ҳовлига чиқди. Бостирмада турган отини эгарлади. Бир тўрва емни от бошига илди, бир тўрвасини хуржуннинг кўзига солди. Сўнг ювинди. Талабалик давридан қолган шаҳарбоп кийимларини кийди. Бошига отасининг тулкитумоғини бостириб, отини ечгани борди.

Булдуруқдан чиққанида қор ёға бошлади. Шамол ҳам рўпарадан эди. Оти ҳам, ўзи ҳам қийналди. Йўл йўқ. Бийдай чўл. Тонг оқарганида тулкию қорсоқларнинг излари, товушқон излари кўзга чалинди... Итлар ўйнаганми, бўрилар ўлжа талашганми — қори тит-пит қилиб ташланган жойлар. Пасту баланди билинмайди. Ўнг тарафдаги ясси тоғларни элас-элас қора олиб, улардан жудаям узоқлашмай, жиловни тик тутиб, шарқ тарафга йўл солиб кетаверди.

Қорни очганидан билдики, чошгоҳ келибди. Қўйнидан тугун олиб, бир бурда нон синдирди. Нонниг суви қочган экан, томоғига тиқилган пайтларида, тумоғига илинган қордан олиб оғзида эритди. Бир пайт чап тарафдан арава излари чиқиб келганини кўрди. Соат ўтмай, икки аравани қувиб етди. Суриштириб билдики, йўлида тўғри кетаётган экан. «Қизил қаҳрамон»дан бўламиз, деди ёшгина аравакаш, Абдулла раиснинг колхозидан.... Овози негадир қалтираб чиқди. Шуни сезди чоғи, унинг шериги, соқоли сийрак пачаққина чол секин тасалли берди: чўчима, болам, эни бегонага ўхшамайди, кимнинг авлодидан бўласан, полвон йигит?

— Яхшибой чўпоннинг улиман, — деди Яхшибоев, — булдуруқлик чўпон бор-ку, ўшанинг ули!..

— Биламан, — деди аравакаш чол. — Иккитаси қайтибди, деб эшитувдим, сен қайси бирови бўласан?

— Каттаси, — деди Яхшибоев. — Ўртанчамиз ҳам қайтди, кенжамиз қолиб кетди, бува.

— Э, урушнинг эналарини!.. — деди чол. — Кенжаларнинг шўрини қуритди-да, болам, кенжа ўз оти билан кенжа-да, ҳали суяги қотмаган-да, ўзини ўтгаям, сувгаям ураберади-да...

— Катталардан ҳам кўпи қолиб кетди у ёқда, уруш ёш танламас экан, бува.

— Йўқ, болам, — деди аравакаш. — Ёш танлайди, болам, катталардан қайтгани кўп бўлди, уруш аввалам-бор навжувонга қирғин келтирди...

Чол жимиб қолди. Шунда Яхшибоев от жиловини тортиб, орқароқда келаётган ёш аравакашдан аста сўради:

— Кенжаси қайтмаганми буванинг?

— Кенжаси, — деди йигит ҳам овозини пасайтириб. — Ўн тўққизида кетувди, бизлар унда бола эдик.

— Уйланиб эдими?

— Уйланувди, — деди аравакаш йигит. — Боласи бор, энаси кетиб қолган. Чол ўзи ёлғизқўлли, кампири ўлган, неварасиниям ортмоқлаб юради, бировга ишонмайди. Қаранг, ака...

Яхшибоев дурустроқ разм солиб, олддаги арава устига уйилган юк орасидан кичкина бир бола мўралаб турганини кўрди. Нари борса — етти ёки саккизда, ғаму ташвишлардан холи, кўзлари қувгина, устига жул ўралганки, кичкина бир тирқишдан сапчадеккина бошча чиқиб турибди. Чамаси, етимлигини тузукроқ пайқамайди. Пайқамагани ҳам дуруст. Дунё кўрган бола эмасми, Яхшибоев отини сал қистаб яқинлашиб борганида ҳам, жўрттага қовоғини уйганида ҳам чўчимади, тик боқиб кетаверди.

— Ўзингни танитганинг яхши бўлди-да, Яхшибойнинг ули, — деди чол, орқасига қайрилиб. — Сайдалибой сал чўчувди.

— Нимамдан чўчийди? — деб кулди Яхшибоев. — Устимда — пальто, маълимнамо одам бўлсам?..

— Э, гап кийимдами, болам. Энди-ку, юрт сал тинчиди, лекин уруш маҳали ҳар хил каззоблар пайдо бўлувди-да... У ёқда — Гитлер ҳароми, бу ёқда шунақалар... Э, нон ташиганнинг шўри қурсин эди, болам. Сайдалибойнинг қари отасиниям шу йўлда сўйиб кетишган-да!..

— Ундайларни отиш керак эди! — деди Яхшибоев ғазабланиб.

— Отилган, болам, — деди чол. — Жонузоқнинг карвонини тўсган экан, шарт милтиғини чиқариб отиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ташлаган. Қўрқмаган-да, болам, Жонузоқ қўрқмаган, бунинг отаси Тешабой қўрққан, бўлмасам, бунинг отасига Абдулла раис яшириқча наган бериб қўювди. Энди, Жонузоқда отнинг калласидай юрак бор-да, болам!..

— У кишини менам кўргандайман, — деб эслади Яхшибоев. — Бизди бир вақтлар шаҳаргача бепул обориб қўювди. Ошнам билан ўқишга кетаётувдик. Шу кўрганим — кўрганим, ҳозир ҳам юрибдимикан?

— Ўтган йил бир учратувдим, — деди чол. — Бақувват эди. Э, ундай одамлар мингта кирадн, болам. Биздан олдин биттагина карвон юрган экан, қара, излари тайпоқ-тайпоқ, бугун чошгоҳда ўтгандай...

— Етиб олса бўлармикан? — деб сўради Яхшибоев, негадир ҳаяжонга тушиб.

— Қийиндир-ов. Туя секин юради-ю, йўли унади. Дарғомдан ўтиб қўйган чиқар. Лекин бу арабнинг карвонига ўхшамайди, қара, туяси озроқ, нари борса — ўн бештача... Сен шошилма, болам, ҳозир-ку баҳарнав, шамол зўрайса қийналиб қоласан, ҳаммамиз бараввар кетаберганимиз маъқул, дардлаши-и-иб, биров-бировга эш бўли-и-иб... Нима дединг?

— Маъқул. Карвон арабники эмаслиги аниқми?

— Оқ соқолим билан сенга ўтирик сўзлайманми, болам!

— Соқолингиз оқ-у, лекин озроқ экан-да, бува! — деб ҳазиллашди Яхшибоев.

— Бунинг гапини қара, Сайдали! — деб илиб кетди аравакаш чол. — Бу, дейман, булдуруқлик мардумнинг кўнгли ҳеч исимади-исимади-да!..

Гангур-гунгур гурунг қилиб кетаверишди. Қишнинг совуғи ҳам унутилгандай. Йўқ, унутилмаган, пальтодан ўтиб боряпти-ю, лекин анави жулга ўралган етти яшар болага қараб, унинг совқотмаётганини кўриб, сенинг ҳам юрагинг илийди. Олдинда — чолнинг араваси, оқ ахтага қўшилган; орқада — Сайдали, малла оту сал чоғроқ араваси билан; икки ўртада — Яхшибоев, тагида қора чўбири, гоҳ олдроққа ўтиб чол билан гаплашади, гоҳ ортроқда қолиб Сайдалидан гап сўрайди... аравалар ғичирлайди... отлар бетиним пишқирадн... қор босган йўл секин-секин қийилиб боради...

Кеч кирдими, совуқ зўрайди. Аравакашларнинг устлари қалин эди, парво қилишмади. Яхшибоев отининг жиловини Сайдалининг аравасига боғлаб, ўзи ёнма-ён юриб кўрди. Пиёда юриб бадани қизигач, тағин отга минди. Йўлдаги от-уловлар ҳам кўпайди, йўлнинг тарҳи

ҳам очилгандай бўлди — биров шаҳардан, биров шаҳарга кетиб борар эди.

Ниҳоят, Дарғомнинг лопиллаган кўпригидан ўтдилар. Дарёнинг суви қуриган, ўзани жаҳаннамдай қорайиб кўринар эди.

Ўртақўрғон бозори биқинидаги қатор карвонсаройлардан бирига бориб тушганларида кеч шом эди. Араваларнинг юкини тушириб, шотиларни тепага «лайлак» қилиб қўйишди. Отларни ичкарига — сайисхонага киритдилар. Яхшибоев чўбирини тўрдаги охурга боглаб, тумшуғига тўрва илди.

Пул бермоқчи бўлиб, саройбоннинг ҳужрасига кирди. Кўрса — эски таниши, ўша, Ошно икковини роса лақиллатиб, уч-тўрт кун тугал отларнинг тезагини куратган одам.

— Ҳа, амак, — деб ҳазиллашди, — ўқишга киритиб қўймайсизми?

Саройбон тушунмади. Чамаси, у неча йиллар бурун қишлоқдан келган иккита мишиқи ўспиринни алдаганини унутиб юборган эди. Кўрдики, туппа-тузук кийинган бир одам, карвонсарой аҳлига ўхшамайди.

— Юринг, меҳмон, — деб ялтоқланди, — сизга жойингизни кўрсатай. Алоҳида хонамиз бор, энди, чувринди-пувриндига аралашмай, тинчроқ ором олсинларда...

Яхшибоев унга пул берди. Отимдан хабар олиб туринг, деб тайинлади, мен кечроқ келаман, балки келмасман, лекин битта жой тахт тургани маъқул.

— Битдан мўлми? — деб сўради охирида.

— Йўғ-э, ака, — деди саройбон. — Битни синф сифатида тугатиб юборганмиз.

Ошнонинг ҳовлиси чароғон эди. Қори куралган, ғиштин йўлаклари саранжому саришта, йўлак четидаги гул пушталари қипиқ билан ёпилган, дарвозахонада бир чироқ, йўлаклар устида иккитаси, сўнг, айвонсифат узун бостирманинг тагида ҳам қатор чироқлар, кўк, пистоқи, қизил — мисоли томошабоғ!..

Ошно уни маҳкам қучоқлаб олди. Мўйнали пўстини елвагай ташланган экан, сирғалиб ерга тушди. Шошиб кўтариб олди, сўнг бир қўлида пўстинни тутганча, униси билан дарвозанинг тамбасини ўтказди.

— Э, отинг кўчадами? — деб сўради, дўстининг ўрма қамчисига кўзи тушиб.

— Ташлаб келдим, тайинли жойда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тезроқ юр, — деди Ошно. — Юпунроқ турибман, шамоллаб қоламан.

— Оббо! — деб кулди Яхшибоев. — Нозиклашиб қолибсанми, ошна, Булдуруқнинг совуғи қаттиқроқ эдику, чидардинг-ку?..

Ошно ҳам унга қўшилиб кулди. Сўнг йўл бошлади. Бориб кенг даҳлизга кирдилар. Бурчакда каттакон печка бозиллаб турган экан. Ошно унинг бошидан тумоғини олиб, илгич тахтанинг тепасига ташлади, пальтосини ечишга ҳам ёрдамлашди.

— Янгилаб олмабсан-да, — деди. — Ё пулинг йўқми?

— Пул бордай, — деди Яхшибоев. — Энди, шунга ўрганиб қолган эканман.

— Дарғом музлагандир?.. Йўлда қарамадингми?

— Қуриб ётибди, — деди Яхшибоев. — Эсингдан чиқдими, ҳар йил қишда қуриб қолади-ку?

— Тўғри-тўғри, — деб бош иргади Ошно. — Қуриб қолиши тайин, тог яқин бўлгандан кейин қуриб қолади-да... Узоқдан оқиб келадигани қуримайди.

— Ҳотам Шўро Дарғомдан бир ариқ сув сўраяпти, — деб эслади Яхшибоев. — Шуни гаплашиб берсанг бўларди. Ўзимиз ариқ қазиб оборардик. Икки-уч буримдан ўтказсак бас эди, нарёғи — нишаблик, сув ўзи оқиб бораверади.

— Яхши, — деди Ошно, — ўйлашиб кўрамиз. Менинг бир ўзимнинг қўлимдан келадиган иш эмас бу, мен бор-йўғи камтарин бир газетчиман, лекин катталар билан гаплашсак, балки кўнишар?..

— Бизга кўп эмас, бир арик сув керак.

— Юрақол, — деб қистади Ошно, — кейин гаплашамиз. Меҳмонлар маҳтал бўп қолишади. Йўқ, аввал ўзингни бир ойнага солиб ол...

Ошно бурчакка имо қилди. Яхшибоев одам бўйи келадиган тошойнага ҳадиксираб яқинлашди. Анчадан бери ўзига қарамаган эди, кўрсаки, қадди-басти тузук, фақат кийимларининг оҳори кетган... Асли орденларини тақиб олса бўларкан...

— Соқол ўсибди-да, ошна, — деди. — Эрталаб олувдим, йўлда ўсиб улгурибди.

— Парво қилма. Ё устара берайми?

— Даҳмаза бўп кетар. Хай, майли, борига барака-да, ошна!..

Ичкари хонага ўтдилар. Ўртада — тўкис дастурхон ёзилган стол. Меҳмон кўп эмас. Тўрт нафар аёлу иккита эркак. Муяссар келин билан Ошнонинг ўзлари. Яхшибоев тўққизинчи киши бўлди.

— Ўртоқлар, танишингиз, — деди Ошно, Яхшибоевнинг елкасидан туртиб олға сураркан, — бу киши менинг мактабдош дўстим, ота қадрдоним, суянган жўрам Назар Яхшибоев бўлади.

Муяссар пойгакда экан, иргиб туриб, Яхшибоевнинг тирсагидан тутиб, ўртароқдан, сулувгина бир қизнинг ёнидан жой кўрсатди. Меҳмонлар ҳам ўринларидан қўзғалиб, «ўтинг-ўтинг» қилдилар. Яхшибоев эркаклар билан қўл бериб сўрашди. Бири, кексароғи ва улуғвори — Искандар Шоймардонов экан. Униси — ёшроғи ва чиройлиси — Орифий. Тахаллусим, деб тушунтирди, а так исмим Ориф, шеърларимни ўқиган чиқарсиз, йигит?

Яхшибоев дудмалроқ қилиб бош иргади. Энди жойига ўтирган ҳам эдики, ёнидаги сулув қиз нозиккина қўлини узатди:

— Муҳсина.

Яхшибоев ялт этиб Муяссарга қарадию унинг маъноли илжайганини кўрди: ўша, ўша мен айтган Муҳсина.

— Назар, — деди Яхшибоев, қизнинг қўлини авайлаб ушларкан. — Булдуруқдан келдим, колхозда бригадирман.

— Қаҳрамон бригадир! — деб мақтади Ошно. — Яқинда раис бўлади.

— Йўғ-э, — деди Яхшибоев қизариб. — Ошнамиз ошириб юборяпти.

— Рост-да, жудаям рост-да!.. — деди Муяссар. — Мани ўртоғим ҳеч ёлғон гапирмайдилар.

Яхшибоев ёнидаги қизга тузукроқ қаради: сулув, ёши йигирма учларда, Муяссардан анча ёш, ундан-да нозикроқ, ундан-да кўркам... Муҳсинага мудом тикилгани Орифийнинг ғашига тегди чоғи:

— Муҳсинахон — бўлажак санъаткор, ўртоқ бригадир, — деди гўё қизни ўзига тобе қилгандай. — Бизга қарийб ҳамкасаба... Дарвоқе, сизнинг ҳам ҳамкасабангиз бор бу ерда, ана, домлажонимиз Александр Шоймардонович. У киши — ғўзашунос олим.

Ғўзашунос олим камтарона жилмайди. Ёнидаги рус хотин ҳам тавозе кўрсатди. Чамаси, улар эр-хотин эдилар.

— Тақдирнинг ҳазилини қаранг, йигит, — деб кулди аёл. — Бу кишининг асл исмлари Искандар эди, энди

www.ziyouz.com kutubxonasi

Александр бўп кетдилар. Мениям исмим асли Клавдия, лекин энди Комила опа бўп кетганман...

— Жуда соз-да, ўртоқлар! — деб хитоб қилди Ошно. — Ҳақиқий байналминал бу, ҳаракатдаги байналминал! Александр Шоймардонович — улуғ олим, ғўзанинг эртапишар навларини излаяптилар, айтишларича, яқин ўн йил ичида пахтани сидирғасига мошинада теришга ўтарканмиз.

— Ғўза барги тўкилмаса мошина теролмайди, — деб изоҳ берди Александр Шоймардонович. — Сиз, Назаржон, қанақа чигит экасиз?

— Ғўза йўқ бизда, — деди Яхшибоев. — Еримиз лалмикор.

— Ҳай аттанг, — деб бош чайқади олим. — Парво қилманг, ўзлаштириб юборамиз ҳали. Ўзбекистонда бир қарич ҳам ўзлаштирилмаган ер қолмайди. Ҳаммасига пахта экамиз ҳали!..

— Бизда сув йўқ, — деди Яхшибоев. — Еримиз яхши, лекин сувимиз йўқ.

— Сув келади, — деди Шоймардонов. — Дарёларни тўсамиз ҳали. Ана, жанубда Ўртақўрғон сув омборини қурмоқчимиз.

— Бизнинг қишлоқ чеккада қоларкан, домла.

— Тепадаям қурамиз. Тоғлардаги музларниям эритамиз. Ҳали кўп ишлар қиламиз!.. Ана, дўстингиз ҳам бизнинг лойиҳаларга ишқибоз, газетасидан каттакон минбар ажратмоқчи!..

Ошно бош эгиб, камтарлик қилган бўлди. Яхшибоев гапга аралашолмай қийналди. Олдида турган таомлардан тотингани қўл чўзди. Йўлда кавшаган бир бурда нони, қорни очқаган эди. Энди бир бурда яхна гўштни олган ҳам эдики, Орифийнинг лаби жийрилганини кўрди.

— Вой, сизга вилка қўймабмиз-ку, — деди Муҳсина унинг жонига ора кириб. — Ҳозир опкеламан...

Дик этиб ўрнидан турдию жавондан тоза пичоғу санчқи келтирди. Санчқини чап қўлига, пичоқни ўнг қўлига тутқизди. Ҳаракатида недир бир таъкид бордай эди. Яхшибоев дарров тушунди, демак, вилкаси чап қўлда, пичоғи ўнг қўлда тутиларкан. Кулгиси келди, лекин сиртига чиқармади. Индамай овқатини еяверди. Гурунгга аҳён-аҳёнда қулоқ тутиб қўярди: шаҳар шимолида яна бир водокачка қурилди... поездларнинг қатнаши ёмон... битта детдом тугатилди, сабабки, бева аёллар болаларни боқиб олишди... инқилобнинг ўттиз йиллигига тайёргарлик қандай боряпти, хусусан, сизнинг

газетангизда... олимларни сафарбар этиш керак... шеърлар керак, йирик полотноларни босиш имкони кам, жамики имконият Тошкентга ўтиб кетди, барча идоралар ўша ёқда, Ўртақўрғонда ҳам бирор кичикроқ нашриёт очилса зиён қилмасди... менда ваколат йўқ, ваколатим бўлса, ўзим билардим нима қилишни... хўш, нима қилардингиз, ўртоқ Орифий?..

Яхшибоевнинг нафси сал ором олди. Оғзини сочиққа артиб, секин бош кўтарди, Орифийнинг салгина хўрозланиб турганини кўрди.

— Воҳамиз маданиятини гуллатардим! — деб хитоб қилди у.

— Сизга ишонса бўлади, — деди Муяссар. Унинг овозида Яхшибоев андак киноянн илғагандай бўлди. Ажабсинди. — Қани у — театрни иккита қилганингиз?

— Бўлади, — деди Орифий. — Вақт керак, холос. Ахир, Муҳсинага ўхшаган кадрларни бекорга тарбия қиляпмизми? Буларга ҳали катта майдон керак. Нима дедингиз, Александр Шоймардонович?

Ғўзашунос олим ёнидаги аёллар билан секин гаплашиб ўтирган экан, саволни тузукроқ тушунмади:

— Суғориладиган майдон бизда ҳали оз, — деди.

— Кўнгиллар қақраб ётибди, — деди Орифий, унинг ғапларига бошқача тус бериб. — Уларга зўр маданият керак. Кўнгил қўриқларини ўзлаштириш иши — энг буюк иш. Умрни тикишга арзийдиган иш.

Давра қарсак чалди. Муяссар яна бир бор мийиғида кулиб қўйди.

— Мана, дўстимиз, лалмикор йигит, — деди Орифий сал руҳланиб, Яхшибоевга бармоғини ўқталиб. — Сўраб кўринг, Александр Шоймардонович, бунинг кўнгли зиё тусамайдими? Тусайди! Ана, ўзи айтсин!..

Яхшибоев ғижинди. Хайриятки, Муяссар унинг аҳволини тушунди.

— Орифийжон, — деди юмшоқроқ қилиб. — Назар ака сиз ўқиётган дорилфунунни етти йил олдин битирган.

— Нега бўлмаса бригадир? — деб хитоб қилди Орифий. — Ё бу киши иқтисодни ўрганганми?

— Иқтисодни, иқтисодни, — деди Яхшибоев баттар ғижиниб. — Энди ўша билимларни ҳаётга тадбиқ этиб ётибмиз.

Муяссар кулиб юборди. Ошно ҳам унга қўшилди. У жуда босиқ эди бугун, меҳмонларга кўпроқ эрк бериб қўйган эди, ўзи жуда кам гапирарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Назар Булдуруқни эшитганмисиз? — деди Муяссар Орифийга синовчан қараб.

— Эшитганман, — деди Орифий. — Бир-иккита китоби чиққан. Шу кишими?

— Шу, — деди Муяссар.

— Ўшамисиз? — деб сўради Орифий Яхшибоевнинг ўзидан.

— Э, у одам бошқа, — деди Яхшибоев кулиб. — У одам урушга кетган.

— Қайтмадими?

— Қайтмади.

— Тўғри, — дея гапга қўшилди Ошно. — Урушга кетди-ю, кейин Ўртақўрғонга қайтмади. Туппа-тузук қалами бор эди лекин.

Яхшибоев дўстининг таънасини тушунди. Секин елка қисиб, иложсиз эканини билдирди. Сўнг эски аҳдларини эслатгиси келди: ахир, икковимиз ҳам Булдуруққа кетмоқчи эдик-ку? Сал туриб, фикридан қайтди. Айтса, Муяссарнинг оғринишидан чўчиди. Муяссар келинни яхши кўрарди. Муяссар келин унинг иззатига етган доимо. Мана, бугун ҳам таклиф этган, манави мирзақуруққа яккалатмай ўтирибди. Тузук, Муяссар келин тузук, Ошно Булдуруққа борганида бундан ортигини топиши қийин, майли, иккови қўша қарисин.

— Урушга борганмисиз? — деб сўради Орифий.

— Борувдик.

— Бизам борганмиз, — деди Орифий.

— Қайси фронтда бўлгансиз?

— Ҳаммасида.

— Орифий — ҳақиқий аскар! — деди Александр Шоймардонович. — Ўзининг оташли сўзлари билан курашган аскар! Унинг учун қадаҳ кўтарайлик!..

Яхшибоев бошда кўпроқ алаҳсиган экан. Қарасаки, қаршисида қадаҳи лиммо-лим турибди. Чўқиштириб ўтирмади, дадилроқ бўлай деб, қадаҳни олдию шартта сипқорди. Булдуруққа борганидан бери ичмаган эди — кўкрагини куйдириб ўтди.

Ошнога қаради. Ошно қадаҳини шунчаки ҳўплади, холос. Қойил, деди ўзича, зуваласи пишиқ бунинг, урушда юрибки ичишни ўрганмагандан кейин... темир экан-да!..

— Муҳсина, сен юр, ошга қараймиз, — деди Муяссар. — Назар ака, сиз-да юринг, тузини кўрасиз.

Яхшибоев унинг нима ниятда чақирганини сезиб, дув қизарди.

— Э, мени қўйинг, келин, — деди уялиб. — Мен бир саҳройи... ошнинг тузини билармидим!..

Аёллар чиқиб кетишди.

— Орифий ука, — деб илтимос қилди Александр Шоймардонович, — шеърлардан ўқинг.

Орифий ноз қилиб ўтирмади. Кўзларини юмиб, гавдасини майда-майда тебратиб шеър ўқий бошлади. Шеърлари ҳажвийроқ мавзуда эди: арақнинг зарари, хурофотга қарши, мулланинг қилмишлари, қиз-жувонга кўз олайтирган эшон. Меҳмонларга, айниқса, ғўзашунос олимга маъқул бўлди.

— Газетага оборинг, номерга тушурамиз, — деди Ошно, қарсак чаларкан.

— Аввал борини босинг, ака, — деди Орифий. — «Бўри билан чўпон»им ҳалигача бўлимда чанг босиб ётибди.

— Униям босамиз. Кўпроқ қилиб босамиз.

— «Бўри»нгиз босилмаса керак-ов, — деб ҳазиллашди Александр Шоймардонович. — Исполком раисининг исмига сал уйқаш экан...

Шу ерда Яхшибоев ҳам ўзини тиёлмади. Ростдан ҳам, шаҳар ижрокоми раисининг исми Бўривой эди. Лекин ўзи — бутунлай акси, қўзидай юввош одам. Арзга кирган одамларга қўшилиб йиғлайди. Ҳар ҳолда, ўша одам ҳақида айни латифанамо гаплар юриши рост.

— Исполкомдан рухсат олиб берайми? — деб хўрозланди Орифий.

— Шартмас, — деди Ошно, салгина қизариб. — Ўзимиз ҳал қиладиган гап экан-ку, — шундай деб, Яхшибоевнинг ёнига келиб ўтирди, унинг қадаҳини тўлдирди. — Ол, жўра, совқотиб келгансан.

— Ўзинг-чи?

— Менга бўлмайди, буйракнинг мазаси йўқ. Окопда шамоллатиб қўйганман.

— Йўғ-э, — деди Яхшибоев ишонмай, — шунча йил қору ёмғир кечиб, бунақа гапни биринчи марта эшитяпман.

— Аввал билинмовди, — деди Ошно, — энди билиняпти. Булдуруқ қалай, жойида турибдими?

— Турибди. Болаларинг дурустми?

— Дуруст. Энди ўзинг қачон уйланасан?

— Уйландим, — деб ёлғонлади Яхшибоев.

— Ростданми? Нега тўйга айтмадинг? Кимга уйландинг ўзи?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Борганда кўрасан, — деди Яхшибоев жилмайиб.

— Э, ёлғонни йиғиштир!.. — деди Ошно.

— Бугун анави саройбонни кўрдим, — деди Ошно. — Ёдингдами, ҳу қишлоқдан келганимизда қўнган жойимизни... Йўқ, саройи бошқа шекилли-ю, саройбони ўша... Битлаб кетувдик-ку, эсингдан чиқдими?

Ошно жавоб бермади. Ҳатто айни эсловни ёқтирмагандай бўлди. Яхшибоев сездики, у Орифий тарафга ўгринча бир қараб ҳам олди — гўё гапларини биров эшитишидан чўчигандай. Лекин Орифий гап эшитадиган аҳволда эмасди, кўзларини юмиб шеърини ўқирди: қалбим торин юрагимга созладим...

— Бефаросат экан-ку, — деб ғудранди Яхшибоев.

— Қўявер, — деди Ошно. — Сенга ўхшаганлар шаҳардан қочгандан кейин... кунимиз шуларга қоладида.

— Келсам, газетангдан иш берасанми? — деб ҳазиллашди Яхшибоев.

— Йўқ, — деди Ошно бош чайқаб. — Ошна-оғайнигарчилик қилишга ҳаққим йўқ. Лекин бошқа зўрроқ иш топиб бераман.

— Ахир, буям ўшанинг ўзи-ку! — деб кулди Яхшибоев. — Ошна-оғайнигарчиликнинг ўзгинаси!

Ошнога унинг кулгани ёқмади. Аразлагандай жимиб қолди. Кейинги сафар кўрганидан бери сал тўлишгандай туюлди. Йўқ, тўлишмаган, ранги тиниқлашган. Унда ёзнинг бўсағаси эди, офтобда қорайган эди... Лекин ўшандаям Ошно ўзи билан Булдуруқдан бирга келган ўсмирга асло ўхшамай қўйган эди. Ҳа, дарвоқе, ўсмир қандай қилиб болали-чақали одамга ўхшасин, нимаси билан, ҳуснбузари биланми?.. Э, бор бўл-э, Назарбой, битта нарса бари бир ўзгармабди-ку, ахир! Қара, Ошнонинг ёноғига қара, ахир, Мойра босган тамға кетгани йўқ-ку!.. Умуман, бунинг ранги тиниққанми ёки заҳил тортганми? Заҳил тортгани ростга ўхшайди. Ахир, ўзи бўладими шунча дов-даскакка эга бўлиб ўтириш? Қийналса керак? Ориятли йигит эди-ку? Энди-ку баҳарнав, энди унинг номини билишади, обрўси бор, лекин дастлаб анча қийналгандир? Чеккан изтиробларини жуда бўлмаганда ичкуёвнинг дардларига тенглашиб қолар?.. Йўқ, ҳар ҳолда, бунинг кўп гапларни унутгани аниқ. Йўқса, ўзини бундан бирор ўн-ўн икки йил олдин талаган битларни эшитиб хавотирга тушмасди, атрофга ўгринча боқмасди. Сизга осонроқ, Назарбой, сиз таржимаи ҳолингиздан уяладиган даражага етмадингиз.

Шуниси қизиққи, бу даражага Ошнодан кўра, сизнинг етмоғингиз муқаррар бўлиб туюларди. Ахир, бошдан олғирроқ эдингиз-да!..

— Ошна, — деди секин, — мендан ор қилаётганинг йўқми?

— Э, ўл-э, Назар жўра! — деди Ошно. — Ҳавасим келади сенга, ростини айтсам. Баъзида уяламан, бунга ишонишинг қийин... Гўё тайёрига айёр бўлиб ўтирган-дайман...

Хайрият, деб ўйлади Яхшибоев, сезгирлиги қолмабди бунинг, ичимдагини ўқиб ўтирган экан. Умуман, ўқиш шарт ҳам эмас. Бошига тушган банда билади-да!

— Қизиқ экансан, ошна, — деди у бирдан меҳри жўшиб. — Менданки хавотир олсанг, унда ким қолади сенга — бу ёруғ дунёда қайишадиган? Агарки бугунги кунингдан норози экансан, унда мени сўксанг тузук, ахир, барисига мен ўзим сабабман-ку?

— Оиламиз тузук, — деди Ошно уялинқираб. — Сендан миннатдормиз, жўра.

— Бўлмаса, нега ҳадеб ғингшийверасан?

— Одат-да, одат, — деб илжайди Ошно. — Сени сал эртароқ кутувдим, гаплашадиган гапларим бор эди, намунча кеч келмасанг?..

— Булдуруқдан келиш ўзи бўладими, яна тағин қишда...

— Айтмоқчи, Муҳсинани кўрдинг-а?

— Хўш?..

— Энди, айтаман-да... Рости, менинг бу гапларга хушим йўқроқ, лекин Муяссар қўймади... Яхши қиз лекин, кейин армон қилмайсан.

— Ичсам майлими?..

— Қизиқмисан, ичгани қўйилган-ку бу... Мен ўзим ичмасам...

Яхшибоев шишадан қадаҳини тўлдириб ичди. Мусиқа эшитилди. Кимдир қарсак чалди. Кўрдики, Орифий қўлларини икки ёнга ёйиб, елкаларини дириллатиб рақсга тушаётир. Қарсак чалаётган — Александр Шоймардонович. Олим. Ғўзашунос. Сув омбори қурадиган одам. Дарвоқе, буларнинг барини бир одам удда қилармикан?..

— Ишқилиб, мамнунмисан? — деб сўради Яхшибоев.

— Нолисам барибир ишонмайсан, — деди Ошно кулимсираб. — Ишларим тузук, обрўдан ҳам бордай. Лекин ўзим ёзмаяпман. Ёзмоқчи бўламан-у, лекин қўл

www.ziyouz.com kutubxonasi

бормайди... Гўёки ҳеч маҳал мақола-пақола ёзмагандайман.

— Виждонли одамсан-да, — деди Яхшибоев. — Эсласанг, биз у пайтларда нон учун ёзардик.

— Бекор гап! — деди Ошно. — Кўнгил учун ҳам ёзган пайтимиз бўлган.

— Орифий ҳам кўнгил учун ёзади... Кўнгил бир чақага арзимаслиги ҳам мумкин.

— Қўй бу гапларни, ярашмас экан. Ҳа, айтгандай, бу гапларни Булдуруқдаям айтасанми? Айтмасанг кераг-ов... омон юрибсан-ку!..

Яхшибоев кулиб юборди. Адашган бандалармиз, деб ўйлади, бутунлай ўзга лаҳжаларда лақиллаб юрибмиз, отамиз билан онамиз тушунмайдиган лаҳжада... Шундай бўлиши табиий шекилли? Ҳаёт, тадрижий такомил, тараққиёту аксилтакомил... Иборалар жуда кўп.

Бу мендан нима истайди ўзи, деб ўйлади, наҳотки, мени унутиши шунчалар қийин бўлса, ахир, мен ўзим Булдуруқда юрганимда уни ҳар куни ҳам эслайвермайман-ку, бу ҳам мени тинч қўйса бўлмайдими? Нега тортинади бунча, нега бунча уялади? Ахир, мен унга ҳеч нарсани таънаю таъма қилаётганим йўқку? «Муяссар қўймади» эмиш!.. Балки сен ўзинг қўймагандирсан?..

Муяссарга дугона бўлса, унда буям бирор амалдорнинг қизи ёки жияни чиқар, деб ўйлади, энди, Ошно билан иккимизнинг киндигимиз шунчалар қаттиқ бойланган экан, бу бечора ҳам ўзига ўхшашимни хоҳлаб қолгандир? Ҳарна, ёнингда яна битта ўзингга ўхшаган одам бўлса яхши-да, жамийки гуноҳни иккига бўлиш-чи? Ёмонми шу?..

— Ўртақўргонга келсам, яна ўгрибоши бўлиб кетаман-да! — деб киноя қилди Яхшибоев. — Ўзинг ўйла, мелисага тушсам, кейин сўраб-суриштириб сенга ошна эканимни билиб қолишса.... хунук бўлади-да, ошна!

— Парво қилма, мелисадан ўзим чиқариб оламан, — дея кўз қисди Ошно. — Одам ўлдирмасанг, бас.

— Буни қара-я! — деб бошини сараклади Яхшибоев. — Шунчалар ўсиб кетганингни билмаган эканман!..

— Бас қил, Назар!..

Ошно аччиқланишга уринди, лекин улгуролмади. Муяссар билан Муҳсина хонага кириб келдилар. Қўлларида — ош тўла лаганлар. Ҳил-ҳил пишган беҳи ҳиди димоқларга урилди. Ошно бармоғини дўлайтириб дўқ қилган бўлди-да, ўзининг жойига кетди. Муҳсина ош

тўла лаганни Яхшибоевга берди. Яхшибоев лаганни ўртага қўйиб, сўнг курсини сал четга суриб, Муҳсинага йўл бўшатди.

— Ажойиб! — деб мақтади Александр Шоймардонович. — Кўп хушхўр ош бўпти-да!

— Ишонманглар бунга, — деб ҳазиллашди хотини. — Мениям қилган ошимни шунақа мақтайди, менинг қанақа пазанда эканимни... ана, Орифий ўзи айтсин!..

— Пазандасиз, янга, — деди Орифий. — Пазандасиз ягона!

Яхшибоев пайқадики, Муҳсина унинг олдига қошиқ суриб қўйяпти. Ғаши келди. Намунча меҳрибон бўлмаса, деб ўйлади, бекорга овора бўласан, ойимқиз, бу ерда қошиқда еганим билан, Булдуруққа бориб қўлда ейвераман.

Қошиқда олиб тотинди. Ош ростдан ҳам мазали эди.

— Зўр! — деди Муяссарга қараб. — Зўр ош бўпти, келин.

— Автори ёнингизда ўтирибди, — деди Муяссар.

Яхшибоев Муҳсинага қаради-ю, индамай қўяқолди. Таърифни Орифий илиб кетди:

— Муҳсинага таҳсинлар бўлсин! Бир армоним бор эди... Қирқ тўртинчи йилда, фронтда юрганимда, бомба тагида қолиб ўйлаганларим шуки, жоним омон қолармикан, бориб Муҳсинахоннинг қўлларидан палов ермиканман!..

— Қўйсангиз-чи, шоир ака, — деди Муҳсина. — Сиз мени танимасдингиз.

— Энди, шоир одамда тасаввур кучли-да! Ҳозир аминманки, ўшанда аниқ сизни тасаввур этувдим. Энди сиз ҳам урушни бир тасаввур этинг, Муҳсинахон, ўқ мисоли ёмғирдай ёғилиб турибди, ҳар қадамда бомба портлайди, жон деганингиз қил устида!.. Ўшанда ёзганман манави сатрларни: Ўқлар бўронидан сени соғ-омон, Олиб чиқдим, эй, янгроқ созим!..

— Айни ўшандами? — деб кесатди Яхшибоев ўзини тутолмай. — Ахир, ўқ ёғиб турувди-ку?

Орифий унга қараб ҳам қўймади. Яна шеър ўқиди, яна Муҳсинага хушомад қиларга ўтди:

— Фашист мерган эмас экан, Муҳсинахон, мана, соғ-омон қайтдик, лекин мужгон ўқидан қутулмоқ насиб этмаган экан...

Муҳсина қизарди. Негадир Муяссарга таънаомуз қаради, сўнг Орифийга юз бурди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Уруш кўрган одам ҳам шунақа енгилтак бўладими?

Орифий ҳиринглади. Гўё ҳеч нарса бўлмагандай, ошга уннади. Муяссар ўрнидан туриб, патефонга пластинка қўйиб келди. Бирор ўн минут жимгина тамадди қилдилар. Яхшибоев секин назар солди: ёнидаги қиз жуда оз овқат еди, тортиниб, қисиниброқ ўтирди.

— Соатингиз борми? — деб сўради бир маҳал бетоқатлик билан.

— Шошиляпсизми? — деди Яхшибоев соатига қараб.

— Қачон ўн икки бўларкин?..

— Ҳали бор озроқ...

— Холам кутиб қолади. Ҳаяллама, деб тайинлаб эди...

— Ота-онангиз бу ерда эмасми?

— Бухорода... Онам қолган, иккита синглим бор. Отам урушда ўлган.

Яхшибоев жимиб қолди. Бу қиз у ўйлаганидан сал бошқачароқ экан. Ҳар ҳолда, бу ерлик эмас, узоқдан келган, ҳали ёш, Муяссарга қанақа алоқаси бўлиши мумкин?..

Сал ўтиб шуни сўради.

— Узоқ қариндошмиз, — деди Муҳсина. — Тўғриси, менга эмас, мен турадиган уй эгасига... холага қариндош. Холанинг эри отамнинг кичик тоғаси эди, уям урушдан қайтмади. Ошнангиз фронтда эканида яқинлашиб қолдик, келиб рўзғорига қарашиб турардим, кўпинча тунаб қолардим.

— Дугоналиги рост экан-да.

— Рост... Муяссар опа билимли аёл. Ошнангизни яхши кўради.

— Уларни мен ўзим таништирганман.

— Биламан, Назар ака, Муяссар опам айтган...

Яхшибоевга ёқди «Назар ака» дегани. Кўнгли эриб бораётганини сезди. Қизга тузукроқ разм солди. Чиройли эди, юзлари оқ, бўйинлари оқ, бармоқлари ингичка, нозик, енги узун барқут кўйлакда, кўйлаги тим кўк рангли, гуллари ҳам кўк, бирданига кўзга чалинавермайди, ёқаси тепароқдан ўйилган, ёқасининг чап буржида кўк капалаги бор, қанотларини ёзиб турибди, чиройли капалак, сидирға кўк ипакдан, қиз гапираётганида қанотлари билинар-билинмас қимирлайди....

Яхшибоев унинг тарзига ром бўлиб қолаётганини пайқади, атай гапни чет мавзуга бурди:

— Орифийни бекор хафа қилдингиз, — деди овозини пасайтириб.

— Э, ўлсин... — деб шивирлади Муҳсина бошини бу тарафга сал эгиб. Сочлари Яхшибоевнинг юзига тегди, димоғига атиргул ҳиди урилди. — Фронтга бор-йўғи уч марта борган у, икки марта агиттеатрда, бир марта олмақоқи ортилган эшелонни кузатиб.... Йўлда бўмбардимон бўлганми ёки ўзи тўқиганми, ҳадеб ўшандан вайсайди... Созини ўқлар бўронидан соғ олиб чиққанмиш... Э, синиб майда-майда бўлсин шунақа соз!.. Сиз билмайсиз, Назар ака, бир вагон олмақоқини Москвада сотган бу ярамас, отилмаганига шукр қилсин!..

Қиз аччиқланганида чиройли бўлиб кетаркан. Яхшибоев шунисига маҳлиё эди ҳозир. Беихтиёр гап қотди:

— Капалагингиз чиройли экан.

— Ростданми? — деб ғамза қилди қиз.

— Рост. Капалакни бизда «гўбалак» дейди.

— Биздаям, — деди қиз негадир қувониб. — Капалак эмас бу, Назар ака, бу — ниқоб, маска.

Яхшибоев тушунмади, аграйиб қараб қолди.

— Ўлсин!.. — деб кулди Муҳсина. — Биттаю битта кўйлагим шу, ёқасини куя еб қўйибди... Ўша жойини капалак тикиб бекитдим.

— Чевар экансиз!.. — деб мақтади Яхшибоев.

— Ноиложликдан, — деди Муҳсина. — Янги йилга бир ясангим келди-да. Сиз билмайсиз, уруш пайтида аёллар жуда қийналди, йигитларни кутиш бир ҳисса-ю, башанг кийинолмаслик бир ҳисса...

— Рост-а! — деди Яхшибоев, бошини сараклаб. Сўнг баралла кулиб юборди. Озгина кайфи ҳам бор эди, шу таъсир қилдими ёки қизнинг у ўйлагандан одмироқ чиққаними — ишқилиб, шодон кулди. Давранинг диққатини тортди.

— Нима гап? — деб сўради Орифий.

— Шундай... — деди Яхшибоев, сўнг қиз билан кўз уриштириб олиб, секин киноя қилди: — Кўкдаланинг бозорида олмақоқи пуллаганим эсимга тушиб кетди...

Орифийнинг туси ўзгармади. Шунчаки маломат бўлса керак-да, деб ўйлади Яхшибоев, майли, маломат бўлгани ҳам маъқул, ахир, бу бечора ҳам бир бало сатрларни тўқиштириб юрибди бу дунёда боумид. Яшайверсин-да!

Тўрдаги деворга илинган соатга кўзи тушди. Ўн иккига атиги беш дақиқа қолган эди. Шарт ўрнидан туриб, тўлқинланиб, мезбону меҳмонлардан изн ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўрай демасдан, ўртадаги «шампанский»ни олди, очди, аёлларнинг олдиларидаги узунчоқ қадаҳларга тўлдириб қуйди, Муҳсинанинг қадаҳини ҳам тўлатди. Сўнг ўзига арақ қуйди.

Девордаги соат ўн иккига бонг ура бошлади. Ҳамма ўрнидан турди. Қадаҳлар чўқишди. Яхшибоев бир маҳал қараса, ҳамма ўтирган-у, улар Муҳсина иккови юзма-юз турибдилар. У қадаҳини сипқордию шошиб жойига чўкди.

— Мен сизни бойвачча қиз деб ўйловдим, — деди қизга секин.

— Камбағал қизман, Назар ака.... — деди Муҳсина.

— Йўқолсин золим синфлар!.. — деди Яхшибоев кулиб. — Яшасин йўқсиллар!..

Муҳсина қадаҳни шунчаки лабига текизиб, яна столга қайтариб қўйди. Буниси ҳам Яхшибоевга ёқди. Қизнинг барқут кўйлаги ёқасига қўнган капалакка тағин кўзи тушди. Ягона пўрим кўйлаги шу экан, деб ўйлади, яширмади-я!.. Завқланди, сўнг раҳми келди — гўё қўлида бўлса дунёнинг зару зебини унинг пойларига сочадигандай!.. Ярашаркан, деб ўйлади, бундан зўрроқларини кийса, ким билсин, қанақа очилиб кетади!

Афсуски, Ўртақўрғонга қайтиш йўқ, деб ўйлади, қиз бу ерда қолади, кимгадир, дейлик, анави Орифийдақа сўзамол маймунга насиб қилади. Рашки келди... Кейин ўзига танбеҳ бердики, ўл-а, бригадир Яхшибоев, куни кеча Кунсулувга кўнглинг суст кетиб юрувдинг-ку? Лекин негадир виждони қийналмади. Сабаби — Муҳсинанинг яқинлиги; шундоқ биқинингда ўтирибди, тирсаги тирсагингга тегай-тегай дейди. Кейин бунинг анқовлиги ҳам бордай. Ҳар ҳолда, Муяссардан топшириқ олгани аён, лекин ўзини бозорга солишга уринмади, суйкалгани йўқ.

Бирдан ўзининг ҳам Ошнога ўхшаб айни хонадай шинам, бўртма мебель билан безатилган (кейинчалик жиҳозларнинг «барокко» деб аталишини билиб олади) хонада, фозил дўстлар даврасида яшагиси келиб кетди.

Бир маҳал Муяссар яқин келиб, секин қулоғига шивирлади:

— Йигитмисиз ўзи, Назар ака?.. Ҳадемай қушча учиб кетади, жилла қурса ошёнини билиб келинг.

Яхшибоев уялди. Уялганини ҳали-ҳалигача эслаб ҳузур қилади. Ўшанда қизарганини сездими, Муҳсина кулиб юборди:

— Муҳсинани кузатиб қўйинг, деб айтдими?

— Эшитибсиз-да, — деди Яхшибоев баттар хижолат чекиб.

— Эшитиш шартми, — деди Муҳсина. — Муяссар опам қизиқ-да, Назар ака, фикри-зикри биз икковимизни таништириб қўйиш. Сизни кечикди деб зир югурганини кўрмадингиз!..

— Ростданми? — деди Яхшибоев. Уялганини унутгандай бўлди, кўнглида меҳр уйғонди. — Улар менга жуда қайишади, Муҳсинахон, — деди. — Сизни менга айтишгани, эҳ-ҳе, баҳорда эди!.. Эсимдан ҳам чиқиб кетган экан...

— Хафа бўламан-а!.. — деб жилмайди Муҳсина.

— Қайтиб олдим, — деди Яхшибоев унга оҳангини мослаб.

— Мен келажакда артист бўлмоқчиман, — деди Муҳсина. — Худди Ҳалима опага ўхшайдиган зўр артист бўлмоқчиман. Муяссар опам режиссёр бўлмоқчи эди, лекин рўзғорга ўралашиб қолди. Афсус қилаётгани йўқ, тағин ошнангизга чақиб юрманг.

— Ҳалима опа бўлиш қийиндир-ов, Муҳсинахон.

— Кўнглимни чўктирманг, Назар ака.

— Қийинлигини айтдим, холос.

— Сиз унчалик зўр томошабин эмассиз, — деди Муҳсина сирли кулиб. — Йўқса, сезардингиз... бугун сизга атаб томоша қўйилганини. Режиссёри — Муяссар опам. Артистлар — мен билан Орифий...

— Э, уям артистми? — деди Яхшибоев. — Балки сизнинг қайлигингиз ҳам бўлиб чиқар?

— Қўйсангиз-чи, — деди Муҳсина қовоғини солиб. — Шунчаки бир қўғирчоқ-ку Орифий деганингиз. Амали — Александр Шоймардоновичнинг жияни экани, холос. Александр Шоймардонович — ошнангиз билан қалинроқ, иккови ҳадеб ғўзани гаплашади. Келажакда катта режалари бор эмиш...

— Ҳеч балога тушунмадим.

— Нимасига тушунмайсиз? — деди Муҳсина. — Сизу мен бўлмасам, Муяссар опам Орифийни бошига урадими? Яна янги йил базмида-я!.. Сизни рашк қилсин деб чақирган-да!..

— Мен тузукроқ рашк қилолмадим шекилли... — деб ғудранди Яхшибоев.

— Хафа бўлманг, — деб юпатди Муҳсина. — Яхши ният билан қилган Муяссар опам, сизнинг артист қизлардан чўчишингизни у қайдан билсин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Чўчимадим, Муҳсинахон... Дорилфунунда беш йил ўқиганмиз, ахир.

— Унда янаям соз, — деди Муҳсина илжайиб, сўнг нозиккина қўлини узатди: — Келинг, энди бу ёғига яраш-яраш...

— Уришмадик чоғи?..

— Уришмасак ҳам... Балки кейин уришиб қолармиз... Лекин ҳозирданоқ яраш-яраш... Келсангиз албатта хабар қилинг.

— Билмадим, — деди Яхшибоев. — Баҳорда бир келмасам... Иш кўп, синглим, колхозчилик-да...

— Майли, баҳорда бир келинг.

— Тўй қиламизми? — деб ҳазиллашди Яхшибоев.

— Ўйлашиб кўрамиз. Бу ёқда Орифий қисталанг қилмаса...

— Орифийга тегманг. Мендан топшириқ шу.

— Шеър ёзиб бошимни айлантирса-чи?

— Парво қилманг. Мен ҳам шеър ёзиб келаман.

— Сиз носир эдингиз чоғи? — деб кулди Муҳсина. — Эсдан ҳам чиқиб кетгандир? Ёзиб турибсизми?...

— Сизга атаб ёзаман энди...

Шуниси кифоя. Яхшибоевнинг ўша тун Муҳсинани уйигача кузатиб қўйгани, йўлда айтилган шаъмаю илмоқлар шусиз ҳам семириб кетаётган қиссамизга оғирлик қилади.

Аммо бир нарсани айтиш шарт: у айни ўша қирқ еттинчи йилда бири сирлироқ тарзда «М.га...» ва яна бири ошкора тарзда «Муҳсинага» аталган иккита ҳикоя ёзди. Ҳикоялар Муҳсинага аталгани билан, воқеаларнинг барчаси Кунсулувга дохил эди. Ёшгина бева-нинг тақдирига ачиниш бор эдики, бу ҳикояларни танқидчилар Яхшибоев тузукроқ нарсалар ёзолмай қолган пайтларда газета архивларидан излаб топишади, қайта эълон қилишади ва ҳатто сезгирроқ биттаси ёзадики: «бу бевани севмай туриб, унинг тақдирига бунчалик эш бўлиш мумкин эмас».

Кунсулувни севиб ёзилган айни қайғули ҳикоялар бечора аёлнинг ўзига хиёнат қилади. Ҳикоялар шаҳарга жўнатилиши биланоқ, мафкуравий йўналиши ҳам, маҳорат савияси ҳам бирдай маъқул топилади. Ошнонинг газетасида бирор жумла қисқармай босилади. Мақтов олади. Яхшибоевнинг росмана ёзувчи экани таъкид этилади, унинг Булдуруқ даштида юргани ҳам таҳсинга сазовор деб топилади, яъники — ёзувчи халқ

орасида, ёзувчи ҳаётнинг қайноқ оқимида, оддий одамлар билан бирга бунёдкорлик қиляпти. Яхшибоевнинг иккинчи ҳикояси билан баробар худди ўша номернинг ўзида Яхшибоевнинг ғаллакор бригадаси планни бажаргани ҳақида хабар ҳам босилгани бежиз эмас — адабиёт ва ҳаётнинг уйғунлигини яна бир бор таъкидлашни истаган эди Ошно.

Яхшибоев билан Муҳсинанинг ўша янги йил кечасидан сўнг мактуб ёзишганлари аниқ. Гарчи бу ёзишмаларнинг қиссага айтарли дахли бўлмаса-да, эслатиб қўйган маъқул: қирқ еттинчи йил баҳорида Булдуруқ почтачиси Ибройим чўлоқ, кайфи бор эканми, бир даста хатни боши узра кўтариб: «энағар Яхшибой чўпоннинг улининг шаҳарда хотини бор экан!» деб айтган экан.

Маст одамнинг гапига биз бугун унчалик эътибор бермаймиз. Лекин у пайтлар, айниқса — Булдуруққа ўхшаган чет қишлоқда, келадиган жиндай хабарга ҳам интиқ бўлиб яшайдиган жойда, Ибройим чўлоқнинг сўзларидан сўнг узунқулоқ маҳобатлар урчигани муқаррар. Эҳтимолки, бу миш-мишларнинг бир чеккаси Кунсулувга ҳам бориб етган бўлса...

Кунсулув эллигинчи йилда қайнотасининг уйидан отасининг уйига кетади. Ўша йили Худойназар деган подачига эрга тегади. Болалари борми-йўқми, ўзи ҳозир тирикми — буни Яхшибоев билмайди.

Азоб берадиган хотиротдан қочиб яшайди у.

Ҳар ҳолда, Кунсулувдан воз кечмоқ унчалар осон бўлмагани аниқ. Лекин унинг қирқ еттинчи йилнинг баҳорида Ўртақўрғонга келгани, Муҳсина билан кўришгани, кўришмоқ на, Бўзтоғ этакларига бирга сайрга чиққани ҳам ою кундай равшан.

Ўшанда улар бирор ўн киши эдилар. Муяссар ҳам улар билан боришга мойил эди, лекин эрининг кўнглига қаради; Ошнонинг ишлари кўп экан, шуни баҳона қилди. Кейинроқ Яхшибоев ўйладики, Ошно бор-йўғи кичкина одамларга қўшилмоқни истамаган экан. Қизлар етти киши эди, йигитлар — бор-йўғи учта. Қизларнинг баъзилари Муҳсина билан ўқир экан. Яхшибоев даврага тезда сингишиб кетди. Негадир янги танишлар дашту даладан эмас, адабиётдан сўрашарди. Гўё унинг чўбир отни миниб далада куйиб юришини билмагандай. Шуниси Яхшибоевга ёқди. Ғурурланди. Пинжида Муҳсина бор эди, ҳалиги гапларни эшитиб қиз ҳам қувонарди, у қувонгани сайин Яхшибоевнинг ғурури янада ортарди. Муҳсина қизларнинг ичида энг кўрка-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ми эди. Эгнида одми чит кўйлак, бошида одмигина чит рўмол эрса-да, ясанган маликалардан ҳам ўтиб тушарди лекин!.. Гўбалак қани, деб сўраган эди ўшанда Яхшибоев, гўбалак учиб кетибдими? Э, гўбалакниям куя еб қўйди, деб кулган эди Муҳсина, сўнг қўлларини икки ёнга ёзиб, эркаланиб, тантиқланиб қочган эдики, етолмейсиз, етолмейсиз, етолмейсиз!..

Ўҳ, ёшлик, ёшлик! Ўшанда Яхшибоев етган эди, етгану қиз бечорага қарчиғайдай ташланган эди, агар Муҳсина уялмаганида, агар қуйироқда қараб турган бир тўда қизлар бўлмаганида эди!.. Йўқ, барибир ўзини тутолмади. Етдию маҳкам қучди, сўнг лабидан куйдириб ўпти!..

Бўзтоғ этакларидан шаҳарга қайтишганида, ҳамма уй-уйига тарқаб, Яхшибоев билан Муҳсина Ошнонинг ҳовлисига боришди. Ошно ишдан чарчаб қайтиб, хобхонада андак ором олаётган экан. Муяссар унинг номидан узр айтди. Дўстингиз жуда қийналиб кетди, деб нолинди, ҳозир бошқа ишга ўтказишмоқчи эканлар, иззат қилишгани яхши-ю, мен тентак жуда қўрқаман, ахир, бу киши қўл учида ишлаб ўрганмаганлар, тағин янги ишда узликиб қолмасмиканлар?.. Яхшибоев унга тасалли бердики, йўқ, ошнамиз жуда пишиқ, ҳар қандай ишни ҳам эплаб кетаверади. Қарангки, айни суҳбат устига Ошнонинг ўзи ҳам чиқиб қолди. Ўв, Назар, жўраммисан, ёки бориб турган ғанимми, деб хитоб қилди, ўз ҳолимни ўзим биламан, хўш, янги ишга ўтсам, сен келиб ёрдам берасанми? Қишлоқда туриб ҳам ёрдам бераверамиз, деди Яхшибоев кулиб, биз у ёқда моддий бойликлар яратамиз, сен бу ёқда бошқариб турасан. Беҳазил, деди Ошно, сен шаҳарга келишинг керак, болаликдаги гапларни унут, шаҳару қишлоқ — бариси бир юрт, ҳеч ким сени яккалатиб қўймайди, келсанг, ўзимиз уйлантириб қўямиз, нима дединг, Муяссар?.. Муяссар жавоб бермай, Муҳсинага қаради. Муҳсина дув қизариб хонадан қочиб чиқди. Оббо, деди Ошно, намунча уятчан бу дугонанг, Муяссар, бўлажак артистга ҳеч ўхшамайди-я!.. Қилиғингиз қурсин, деб жилмайди Муяссар, қиз бечорани хижолат қилдингиз, энди бу уйга келмайдиган бўлади! Келади, деди Ошно комил ишонч билан, Назар бор экан, у келмай қаёққа боради, аммо-лекин, сенгаям қойилман, жўра, шундай кўркам қизни дарров ром қилиб олдинг-а!.. Унчалик-мас, деди Яхшибоев уялиб, шунчаки танишмиз, холос. Энди, одам аввал бундоқ танишиб, ундан кейин уйланади-да, жўра, деб ҳазиллашди Ошно, ахир, у эски замонлар ўтиб кетди-да — келиннинг юзини гўшангада кўрадиган!.. Хўш, қалай, деди Яхшибоевни гапиртирмай, маъқулми, тўйни бошласак ҳам бўлаверадими? Муҳсина яхши қиз-у, бир жиҳати бор, деди Яхшибоев очиғига кўчиб, мен бу ердан уйлансам, кейин, табиийки, болачақа кўрсам, кейин улар Булдуруқдан узилиб қолмасмикан? Қизиқ-ку гапларинг, деди Ошно ҳайратга тушиб, сен қайси замонда яшаяпсан, жўра, биз бу ёқда маҳаллийчиликка қарши курашиб ётсаг-у, бу акам тиштирноғи билан булдуруқчилик кайфиятига ёпишиб олсалар! Энди, юрт-да, деб эътироз билдирди Яхшибоев, энди, болалар ота юртини билса тузук-да... Билади, деди Ошно, билдириш сенинг бурчинг, жўра, хўш, қалай, розимисан?

Яхшибоев узил-кесил жавоб айтолмади. Булдуруққа қайтиб кетди. Бориб, уч-тўрт кун яшаб сездики, кўнгли негадир алағда, қанот чиқарса-да шаҳарга учиб кетса... Токи бу туйғуни унутгунича бор ой ўтди. Хайриятки, бу орада арпага ўроқ тушдию бошдан-оёқ ташвишга кўмилди-қолди.

Буғдой ўрими ҳам тугаб, хирмонлардаги дон-дун ташиб олинган бир кез эди. Райондан чопар келиб айтдики, бохабар бўп туринглар, эртага ижроқўм раиси келаркан. Келса келавермайдими, деб менсимади Ҳотам Шўро, ҳар ой кўриб юрганимиз ижроқўм-да, ё энди шох чиқарибдими? Э Ҳотам бува, деди чопар хўрсиниб, ўзимизнинг раис эмас, тепароқдан, нақ Ўртақўрғондан келаркан. Ҳа, унисими, деди Ҳотам Шўро, унисими ким эди, Мирзақуловми? Мирзақулов кетган, деди чопар, янгиси эмиш.

Ижроқўм раисини кутиб ўтиришганида колхоз идорасининг шип-шийдам ҳовлисига чанг босган пастаккина «Москвич» кириб келди. Эшигидан кутган амалдорлари эмас, Ошно тушди. Тушибоқ, машина ёнига чўлоқланиб борган Ҳотам Шўрони қучоқлади, кейин бошқаларни — ҳаммаси таниш, ҳаммаси қадрдон!

— Назар жўра, қочиб қолдинг-а! — деб хитоб қилди у, четроқда турган Яхшибоевга кўзи тушиб. — Ё, Булдуруқ дегани — тупканинг таги, тополмайди, деб ўйловдингми?

Жўралар иссиқ кўришдилар. Ошно Яхшибоевнинг тирсагидан тутиб, секин ичкарига бошлади. Сал юриб ортга бурилсаки, бошқалар жойидан жилмабди, Ҳотам Шўро бетоқат, икки кўзи ҳовли дарвозасида.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳа, Шўро бува, — деди Ошно, — юрмайсизми энди?

— Ҳозир бораман, болам, — деди Ҳотам Шўро, — сен ўзимизнинг одам, айбга буюрмайсан, анави раисниям кутиб олайлик.

— Оббо! — деди Ошно шўх кулиб. — Юрақолинг, раисга бало борми!

— Йўғ-э, — деди Ҳотам Шўро, — ҳарна, катта одам, ҳар куни ҳам келавермайди, иззатига етмасак хунук бўлар...

Ошно индамай бориб, Ҳотам Шўронинг қўлидан тутди, унинг қулоқларига нимадир деб шивирлади, сўнг иккови бошлашиб Яхшибоевнинг ёнига келдилар. Яхшибоев кўрсаки, Ҳотам Шўронинг оғзи қулоғида, ҳа-деб ишшаяди.

— Э Назарбой, бу, қизиқ иш бўпти-ку!..

— Нима бўпти, — деди Яхшибоев, — ҳўкиз туғибдими, Шўро бува?..

— Э, қачон сенинг эсинг киради, — деб ранжиди Ҳотам Шўро. — Сенга гап айттан мен ўзим аҳмоқман. Ғофилсан сен, дунёдан бехабарсан. Анов куни келган чопарга суюнчи беribмидик ё йўқми?

— Йўғ-э! — деди Яхшибоев. — Ростданми?

— Рост бўлганида қандоғ! — дея, ёғоч оёғи билан депсинди Ҳотам Шўро. — Навбат ўзимизга тегибди, Хорунбой ўша раиснинг ўзгинаси экан!

— Писмиқ! — деди Яхшибоев, сўнг Ошнонинг елкасига мушт туширди. — Олдинроқ айтсанг ўласанми? Йўқ, ростини сўзла, тағин бизни алдаётган бўлма, ғунажин азобига йўлиқасан лекин!

Ошно жимгина кулиб тураверди. Яхшибоев сездики, бу гапларда ҳеч маҳобат йўқ. Ошно ростдан ҳам катта амалга минибди. Ранги ҳам тиниқ, салобати ҳам ошгандай... Орага чегара тушганми, йўқми — шуни билмоқ истаб, дўстига тузукроқ тикилди, лекин кўрмади ўша чегарани, раисни эмас, ошнасини кўрди, уялиниқираб илжайган ошнасини, гўё ўзининг айни саодатидан айбсинаётган ошнасини!..

— Яша! — деди тўлиқиб. — Э, сенинг юрагингга қойил! Шунча гапни ичингда сақлаб юрибсан-а!..

— Куйгандан мен куйдим! — деди Ҳотам Шўро. — Эрталаб битта товуқни ушлатиб, патини юлиб қўювдим. Билсам сўймас эдим-а, ҳай аттанг!..

— Э Шўро бува, — деб кулди Ошно. — Раисга товуқшўрва бор-у, ҳамқишлоққа йўқ экан-да!..

— Қўй, паст кетма бундай, — деди Ҳотам Шўро. — Сенга товуқ ярашмайди, болам, сенга атаб қўчқор сўяман.

— Шартмас, — деди Ошно, бирданига ранжиб. — Шартмас, Шўро бува. Умуман, мен бунақа келмоқчи эмасдим. Кутиб олиш ҳам шарт эмасди. Шўрим қурсин, қайси куни қишлоққа ўтаман, деб гуллаб қўйибман. Улар сизга чопар юборибди. Яхшимас, Шўро бува, хушомадгўйликдан қачон қутуламиз, а? Наҳотки, мен ўзим туғилиб ўсган қишлоқдан ҳам иззат талаб қилсам!? Умуман, қуллик кайфиятидан қачон қутуламиз? Қўшни қишлоқдан бирор оқсоқол келса, униям шундай кутиб оламизми? Асло! Қўшни қишлоқнинг оқсоқоли ўзи келиб, ўзи кетади. Амалдор бўлса — бошқа гап. Уни кутиб олиш шарт. Фаолларни йиғиб, пойига поёндоз тўшаймиз..

— Сен эканингни қайдан билай, — деди Ҳотам Шўро. — Катта келади, кутиб олинглар, деб топшириқ бериб кетди-да... Кейин, Хорунбой, бизда унақа поёндозлар ўзи йўқ...

— Энди бемаъни топшириқларга қулоқ солманг, Шўро бува, — деди Ошо. — Сиз инқилобчи одамсиз, босмачига қарши курашгансиз. Керак бўлса, ўша катта одамлар келиб сизнинг этагингизни тавоф қилишсин!

— Йўғ-э, болам, унчаликмас, — деди Ҳотам Шўро хижолат чекиб. — Энди юртчилик, ҳамма одамнинг ҳам қадрига етсак деймиз-да... Лекин сенинг келганинг дуруст бўлди, энди сен менинг жонимга оро кирмасанг бўлмайди, манави кофирга айт, айт шу кофирга, — Ҳотам Шўро Яхшибоевга бармоғини бигиз қилди, — олсин раислигини, мен энди ярамай қолдим, кел, пайсалга солмайлик, бугуноқ мажлис қилайлик.

— Шошилманг, Шўро бува, — деди Ошно. — Менам бундоқ қишлоқни айланай, тағин одамлар, бу баччағар туғилган жойига мажлис қилгани келибди, деб мазаммат этиб юришмасин.

Ошно Булдуруққа ўз майли билан келган экан — салкам бир ҳафта турди; азали жойларга кўнгил сўраб борди, оқсоқоллар билан гурунглашиб, бир талай насиҳату бир дунё дуо олди. Энг эсда қоладигани шу бўлдики, битта илғор соғувчи хотиннинг кўзи ёриган экан, эри келиб илтимос қилдики, Ошно, аввалига сал хижолат тортиб, кейин беҳад севиниб, хай, майли, бизнинг ўғилчага эш бўлиб юрсин, бунинг ҳам исми Комрон бўлсин, дея ном ҳам қўйиб берди (кейинчалик бу бола-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кай Ошно фаолият кўрсаттан давр тарихини ёзиб ўттиз етти ёшида академик бўлади). Ҳафсаласи етганини қарангки, Булдуруқнинг мурғак аҳлига атаб машинасига бир қоп ўйинчоқ ортиб келган экан; шофёри, Николай деган сап-сариқ йигит, бола-бақрага улашиб чиқди.

Яхшибоев хурсанд эди. Боиси аён: Ошно керилиб кетмабди, қадрдонларни унутмабди, қайга борса уни ёнида олиб юрди, йўл-йўриқ сўради, қай дастурхонга қайси таом тортилмасин, лаганнинг серёғу сергўшт тарафини Яхшибоевга ўнглаб қўйди, энди, дўст дегани шунча бўлар-да!..

Ошнонинг ўша сафаридан иккита муҳим тафсилот қолди.

Биринчиси Ошно машинасига ортиб келган ўйинчоқларга дохил. Гап шундаки, Булдуруқ болалари магазинларда сотиладиган ўйинчоқларга ўрганмаган эдилар, шу сабабдан, ота-оналар айни ғаройибот қаршисида фарзандларидан-да ошароқ лол қолиб, фарзандлардан-да ошароқ чўчиб, ҳадиксираб, инжиқланиб қўл чўзган болакайларнинг қулоқ-бошига тарсаки тушириб Ошнонинг совғаларини чет-чақага авайлаб бекитиб қўйдилар. Кейинчалик, Ошно юксалгандан юксалиб, аввалроқ жўн суратлари, сўнгроқ рангли суратлари минглаб, юз минглаб чоп этиладиган замон келганида, Булдуруқ аҳли ҳам эл қатори айни суратларга атаб махсус токчалар ажратдики, айрим токчалардаги суратлар тагида ўйинчоқ қуёнчалар, айиқчалар, қўзичоқлар, маймунчалар, шерчалару филчалар ва бошқа бир талай мавжудотларнинг жажжи нусхалари ҳам турарди. Токча эгалари, яъники, ўз замонида тарсаки еб, ўйинчоқларни тузукроқ ушлаб кўришга ҳам улгурмаган болакайлар, эндиликда танбалу ношуд авлодларига чексиз бир фахр ва росмана куюниш билан панду насиҳат қилардиларки, ана, ўйинчоқ совға қилган Катта Амаки, у киши бу ўйинчоқни сени яхши ўқисин, отаси билан онасининг гапига қулоқ солсин, нуқул «беш» баҳо олсин, деб совға қилган, яхшироқ ўқи, ер юткур (галварс, бебош, безори, бетайин), агар яхши ўқисанг, Катта Амакидай бўласан, одамлар сениям суратингни токчага қўяди!

Биринчи тафсилотнинг Булдуруқдан етишиб чиққан сон-саноқсиз мансабдор шахсларга ибрат бўлгани тайин.

Иккинчи тафсилотга биргина Яхшибоевнинг ўзи гувоҳ. Бу тафсилотни у ҳеч қачон ташига чиқармаган. Ташига чиқарса ҳоли хароб бўларини сезган.

Ошно Булдуруққа келганининг эртаси эди. Чошгоҳ маҳали Яхшибоевни машинасига солиб, қишлоқ жанубидаги каттакон қир тарафга олиб кетди. Иссиқ эди, боз устига йўл ўрлов, машинанинг суви қайнаб, қирнинг ярим белига ҳам чиқолмади. Тушиб, Николайга рухсат бердилар. Бир маҳал Ошно кулиб туриб таклиф этдики, қани, Назар жўра, бир чопайлик, ким олдин тепага чиқаркан?

Шундай дедию илдам югуриб кетди. Яхшибоев унинг ортидан чопди. Ошнога тенглашиб, унинг елкасига илиғлиқ, фронтдан ўлжа қилиб келтирилган дурбинни юлиб олди.

— Аямай қўяқол, Назарбой, — деб кулди Ошно. — Барибир сендан олдин чиқаман!

— Чиқиб бўпсан! — деб қийқирди Яхшибоев.

Ёнма-ён, пишнаб, ҳарсиллаб, тепага қараб чопиб кетавердилар. Йўлда Ошно устидаги сарғиш жужунча кителини ечиб отиб юборди. Зум ўтмай ортдан етиб келиб, Яхшибоевнинг елкасидан олға итарди:

— Суягинг оғирроқ, Назарбой, сал ёллашай!..

— Аввал ўзингга боқ!

— Мен шунчаки тўлишганман, холос.

— Хомсемизсан!

— Кўп гапирма, чарчаб қоласан!..

Ошно хохолаб кулганича, мисоли улоқдай енгил-енгил сакраб, ўйноқлаб, илдамлаб-ўзиб кетаверди. Яхшибоев ҳарчанд уринди ҳамки, унга етолмади.

Тепага чиқиб, Ошнонинг қўлларини икки ёнга силкитиб-силкитиб нафас ростлаётганини кўрди.

— Буниси ҳисобмас, Назар жўра, — деди Ошно кулимсираб. — Дурбин оғирлик қилди сенга. Умуман, ҳолинг хароб, Назарбой, беваларнинг ортидан кўп югурсанг керак-да, силланг қуриб қолибди.

— Югуриб бўпсан, — деб тўнғиллади Яхшибоев. — Ҳотам Шўро кўриб қолса, нақ пешонангдан дарча очади!

— Ҳотам Шўро — зўр одам, — деди Ошно. — Сен унга туҳмат қилма, сен тентакнинг ҳолингни тушунмасаям, беваларнинг ҳолини тушунади.

— Бу гапинг рост, — деб илжайди Яхшибоев, беихтиёр Кунсулувни эслаб.

Қўлидаги дурбинни кўзларига тутиб, қишлоқ тарафга қарайди. Аввалига тоғ этагидаги арчазор кўринди, арчазор этагидаги булоқ, булоқ этагидаги боғ, оққа бўялган уй, Ошнонинг туғилган уйи, қишлоқдаги ягона

www.ziyouz.com kutubxonasi

оқ уй, Яхшибоевнинг ўзи оҳак топиб келган, атай оққа бўяган, жўрам энди катта одам бўп кетди, ўзига ўхшаган катталарни етаклаб келса уялмасин, деб...

Пастроқда яна бир-икки боғ, пастроқда мевали дарахтлар камайиб, ўрнини қайрағочлар олади, бу тарафларга булоқ ёз пайтлари етиб келмайди. Янада пастроқда қайрағочлар ҳам йўқолади — жўну қуруқ ҳовлилар, атрофи ўралган ёки ўралмаган майдончалар, майдончаларнинг бир буржида молхонаю яна бир буржида мўриси хунук қўққайган пастак, ясси томли лойшувоқ кулбалар.

Қишлоқдан ташқарида ҳам кўзга илингудай нарса йўқ. Тап-тақир қирлару сойликлар, ўт-ўлани жавзога етмасдан куйиб жизғинак бўлган. Ҳадемай Қарши тарафдан гармсел келадию олов пуркай бошлайди, қуму тупроқни мисоли сел қилиб ёғдиради, кўз очирмайди, туну кун тинмай эсади, жонга тегади, эрта тонгда суякларинг зирқираб уйғонасан.

Атрофдан кўз узиб, Ошнога қаради. Бу пайтда Ошно ерга чордона қуриб ўтирарди. Чамаси, у ҳам гуссага берилган эди.

— Қишлоғимиз жуда хароб-да, Назар, — деб овоз берди секин.

— Нимасини айтасан, — дея бош ирғади Яхшибоев. — Аввал билинмасди, лекин юрт кезиб келганингда сезиларкан...

— Ота-бобомизнинг топиб маскан тутган жойини қара!..

— Лекин, баҳорда зўр, — деди Яхшибоев дўстига тасалли бериб. — Бекор баҳорда келмадинг, ошна. Ўт-ўлан яшнаб турган пайтда келсанг эди, икков ялангоёқ шудринг кечиб юрардик. Мунақаси эсингдан ҳам чиқиб кетгандир... Аммо-лекин, мен юриб кўрдим, бир ёқда ўт-ўланлар, бир ёқда қизғалдоқлар... йиғлагинг келади, аммо-лекин!

— Йиғладингми? —деди Ошно илжайиб.

— Йиғладим, — деб тан олди Яхшибоев. — Кўнглим бузилиб турувди ўзи. Рости, мен ҳали бир қўним топганим йўқ, ошна. На хотин бор, на бола-чақа бор... Ишдан қочмайман, биласан буни, лекин тутиб турган ишим ҳам омонатдай. Ҳотам бува, раисликни ол, деб қўймайди, бадкорлик қилиб, чин кўнгилдан айтмаётгандир, деб ўйлайман, лекин қараб турсам — чин кўнгилдан айтяпти. Биласан, қишлоқ жойда раислик катта амал, лекин мени буям қувонтирмайди.

— Шаҳарга опкетаман сени, Назар жўра.

— Э, оғзим бор деб гапирасан-да, — дея қўл силтади Яхшибоев. — Шаҳарнинг ўзи бўладими, битимдан бошқа давлатим бўлмаса менинг, шаҳарда нима қиламан?

— Ишлайсан, уйланасан, ана, Муҳсинага... ёмон қизми у?

— Яхши қиз, — деди Яхшибоев. — Лекин мен...

— Э, қўй шу инжиқлигингни! — деди Ошно койиниб. — Яхшиси, мен билан юр, ўзим ишга жойлайман, биргалашиб ишлаймиз. Сен билмайсан, Назар жўра, лекин менинг ниятларим кўп. Қара, анави сарғайган даштга қара, анави хароба қишлоққа қара, наҳотки, сену мен бу масканни гуллата олмасак!? Гуллатамиз, жўра! — Ошнонинг бўтзига йиғи тиқилди, хўрлиги келди, сўнг, зўр бериб ютиндию дўстининг кўзларига кулиб қаради. — Гуллатамиз, Назар жўра! Бу ерлар ҳам сонга киради, яшилдан либос кияди, боғу бўстонга айланади!..

— Энди, сен катта одамсан, — деди Яхшибоев, — ҳув бирда айтиб эдим, Дарғомдан бир ариқ сув олиб берсанг, деб...

— Ҳаммаси бўлади, Назар! — деб хитоб қилди Ошно. — Қараб турасан, ҳали бу ерлар лолазор бўлади! Ажабмаски, Булдуруқ деган совуқ номдан қутулиб, Лолазор деган рангин бир номни олса!!.

— Балли, ошна! — деб қийқирди Яхшибоев ҳам завқланиб. — Рост айтасан, бу ер ҳали лолазор бўлади! Сув келса, бас, лолазор бўлади!

— Сув ҳам келтирамиз, Назар жўра!

— Ў яша, ота ўғли, аканг қарағайнинг ошнаси!!.

Яхшибоев Ошнони маҳкам қучоқлади. Азот кўтариб, чирпирак айлантирди.

— Белни синдирасан, ўв бесўнақай! — деб қичқирди Ошно, ранги ўчиб.

Яхшибоев чўчиди. Дўстининг фронтдан яродор бўлиб қайтганини эсдан чиқарган экан, бирор кори ҳол рўй бермадими деб чўчиди. Ерга қўйиб, билагидан тутиб, секин юзига боқдики, дўстининг жонига садқа бўлса!... Хайрият, Ошнонинг афтига қон югурди, қайтадан думоғи чоғ бўлиб, дўстига гап қотди:

— Сенсиз бир ўзим ёлғизланиб қоламан, Назар. Шаҳарга бор, жиддийроқ бир маслаҳат қилайлик. Энди адресим бошқа, ҳукумат уй берди.

— Тоғанинг жойи тузук эмасмиди? — деб сўради Яхшибоев соддалик қилиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Яхши-ю, лекин тоғанинг уйи-да, — деб илжайди Ошно, сўнг секин ёрилди: — Тўғри келмади, жўра, юзимга биров солмайди-ю, лекин... Бамисоли ичкуёв эдим-да...

— Тўғри қипсан! — деди Яхшибоев. — Бирда менинг ҳам хаёлимга шу гап келувди.

— Дўстки шуни ўйлагандан кейин, ғанимдан не умид, — деди Ошно. — Муяссар тузук, бетимга солмайди, қолган қариндошлар ҳам жуда меҳрибон. Хушвақт Давлатович деган бир ўртоғимиз бор, шу киши маслаҳат берди. Қарасам, маслаҳати жуда жўяли.

— Тўғри айтибди, энди сен — катта одам, бировнинг уйида туриш ярашмайди.

— Бас қил, Назар, — деди Ошно, қовоғи солиниб. — Катталикка бало борми, ўша сен билган жўрангман-да...

Яхшибоев недир деб эътироз билдирарга оғиз жуфтлади, лекин ботинмади. У Ошнонинг ўша ўзи билган жўрасидан сал бошқачароқ эканини сезиб турарди. Камтарлик қилгани яхши, лекин катталиги, қўли узунлиги бор гап, узатса ҳамма жойга етади, буниси яхши, айниқса, у туғилиб ўсган масканга яхши, бу маскандан ҳам хароброқ жойни излаб топиш жуда қийин, ҳамма ёқ шипшийдам, кўзни қувонтиргудай зироати йўқ, лекин Ошно жаҳд этса, бу ёқда элнинг ўзи ҳам бош қўшса, бас, Булдуруқ дегани нақ шаҳарга айланиб кетар!

У яна сарғайган қирларга боқди, кичик воҳа тубида ҳансираб ётган қишлоққа боқди, лекин кўнглида азалги андуҳни туймади, андуҳ қайгадир учиб кетгандай эди. Тўлиқди, тўлиққани баробар Ошнога эшиттирмай, секингина шивирлади: ҳали бу ерлар лолазор бўлади!..

Бир ой ўтиб, Яхшибоев шаҳарга бориб ўрнашди. Ошно уни олдинроқ ўзи бошқарган газетга ишга киритиб қўйди.

Уч ой ўтиб, Яхшибоев Муҳсинага уйланди. Тўй зўр ўтди. Булдуруқдан Ҳотам Шўро бошлиқ бирор ўнтача киши келди. Келин тарафдан ҳам шунча одам келди. Қолганлари Ошно билан Яхшибоевнинг танишбилишлари, каттаю кичик раҳбарлар, журналистлар, домлалар эди. Давра хийла олачалпоқ эрса-да, гарчи куёв йигит шуни ўйлаб ийманиб турса-да, тўйда Булдуруқ аҳлининг узун чопонию кандир желагидан кулган кимса бўлмади. Қайтага, улар келиб, ўзларидан

чиққан икки саодатманд инсон — Яхшибоев билан Ошнонинг иқболини янада бўрттириб кўрсатгандай бўлдилар.

Хуллас, тўй яхши ўтди. Ошно янги келин-куёвга тоғанинг уйида тураверишни маслаҳат берди. Лекин Яхшибоев унамади — қарам бўлиб қолишдан чўчиди. Умуман, у Ошно ишлайдиган муҳташам бино яқинига йўламасди ҳисоб. Ўзининг ишхонасида ҳам унаётган кезлар эди, уйга келса — ёшу кўркам хотини, иссиқ-совуғи тайёр, биттагина шалоқ столлари бор, гоҳ Муҳсина ўтириб ролини ёдлайди, гоҳ Яхшибоев ўтириб ҳикоясини ёзади. Ижара кулбалари торгина эди, лекин Муҳсина асло инжимади. Қўяберинг, Назар ака, деди, ҳали бизга атагани ҳам бордир. Яхшибоев унинг сўзларига инонди. Кайфияти зўр эди, ҳикоя тугул, шеър ёзса ҳам арзийдиган!..

Яхшибоевнинг энг яхши ҳикоялари, қилни қирққа ёрадиган ҳалол танқидчиларни ҳам ўйга толдирадиган ҳикоялари ўша ижара кулбада ёзилган эди.

Бу кулба, аниқроғи, кичкина даҳлизу кичкина хона, шаҳар четида эди. Тагидан ариқ ўтарди. Тунлари каламушлар чийиллаб безор қиларди. Муҳсина қўрқарди, Яхшибоев юпатарди. Аҳил эдилар. Қўрқоқ, деб қуларди Яхшибоев, каламушдан қўрқасанми? Ўзингиз қўрқоқ, дер эди Муҳсина ерга боқиб, кўксига тушган икки ўрим сочининг бирини секин силаб. Ўзингиз қўрқоқ, дер эди, кампирдан қўрқасиз. Ростдан ҳам, Яхшибоев ўзларини ижарага қўйган сержаҳл кампирдан чўчирди, йўқ, чўчимасди, шунчаки, қишлоқи эканига бориб ийманарди, айниқса — тунлари... Муҳсина туйғуларга тўймасдан, эҳтирос оғушида ширин-ширин хитоблар қилганида унинг оғзини кафти билан тўсардики, жим, кампир эшитади!.. Бўлмаса, кампирнинг кулбаси айри турарди бу ҳовлида, кампирнинг қулоқлари сал оғирроқ эди, кампир уларнинг тўс-тўполонини мутлақо эшитмасди. Муҳсина эридан ботирроқ эди, баралла айтардики, эшитса — гўрга, қўйинг кампирни, уни йўқ деб ўйланг, Назар акажон, ўзимнинг акажоним, излаб-излаб топган акажоним, сизлаб-сизлаб ўтаман энди!..

Бу сўзлар унинг ўзиники эди, ёдаки сўзлар кейинроқ келди. Келдию гулдай аёлнинг юзига ниқоб бўлиб ёпишдики, сидириб ташламоқнинг чораси топилмади.

Ғалати дамлар экан, энди эслаб ишонмайсан, Ўйлайсанки, ўша мен эдимми, ўша Муҳсина эдими?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Агар ўшалар биз бўлсак, бугунги риёкор чол билан шанғи ёсуман қайдан келди? Ўртада нелар бўлди ўзи? Не синоат? Қайси девнинг афсуни аралашди?

Ўртада нелар бўлди ўзи?..

Тўққизинчи манзара

Ўртада яна бир муҳаббат боби борки, бундан йигирма саккиз йил муқаддам, Ўртақўрғонда, аниқроғи, Ўртақўрғондан ўттиз чақирим чеккада, кетмончилар чумолидай сочилган сойликлардан бирида, «штаб» деб аталмиш брезент капа ёнида, бошига қизил дуррача танғиган, хушқад, хушрўй аёлни ранжитганидан бошланади. Аввали айтган эдики, умримда инжирнай аёлни биринчи бор кўришим, деб... Буниси анча жўяли чиққан. Сўнг айтган эдики, умримда кўп аёлларни суйганман, лекин уларнинг орасида бирорта ҳам найнови бўлмаган, деб!.. Шуниси инженер аёлга ёқмаган. У новча эди, лекин бесўнақай найнов эмас. Кўзлари мовийга мойилроқ. Яхшибоев суриштириб билдики, дурагай экан: онаси — рус, отаси — тожик. Кейинроқ ҳазил қиладиган бўлдики, онанг — рус, отанг — тожик, сен ўзинг — ўзбексан, Олия. Сабабки, Олия ўзбекчани чийлаб гапирарди. Новча эди, кўзлари мовийга мойил эди, сочлари тим қора, юзлари бежирим, гўё Ўртақўрғон сув омбори қурилишида эмас, атир-упа чиқарадиган озода фабрикада ишлайдигандай. Яхшибоев қурилишга келганининг иккинчи куни эди. Танишув дебочасида, Ошно, штаб бошлиғи, ҳукуматнинг қурилишдаги вакили, Олиянинг қўлидан тутиб, секин олға итарган эдики, Назар жўра, танишиб ол, ўртоқ Мўминшоева Олия Мубиновна, маҳаллий инженерларимиздан, энг ишонган ва суянган кадримиз...

Танишиб-синашиб қолганларида Олия тергар эди: айтинг, сиз суйган хотинлар ростдан ҳам кўп эдими? Яхшибоев пинак бузмай айтарди: ҳа, кўп эди, лекин бариси пакана эди, мен бечора, қачон новча аёлни учратаман, деб армон қилардим.

Аслида, шунгача у Муҳсинадан ўзга аёлни кўрмаган эди. Олияга ҳам умид боғлагани йўқ, шунчаки шўхлик қилди, шўхлиги ҳали не балоларга гирифтор этарини ўйламади, ўйлайдиган пайт келганда қараса, Муҳсинани тамом унутибди, хаёлида нуқул Олия, хушқад, хушбичим, кўзлари мовийга мойил, сочлари тим қора аёл. Уйда ҳам, кўчада ҳам ўшани ўйлайди. Ҳаттоки хобхонада ётганда

ҳам эслаб кетаверади. Хайриятки, Муҳсинанинг ўрнида ҳам уни тасаввур этмоқнинг иложи йўқ, хайриятки, Муҳсина умуман ўйламоққа имкон бермайди, қучганида ҳам, суйганида ҳам бирдай гапиради; ижарачи сержаҳл кампирдан қутулиб, қарзу қавола қилиб ҳовли олганларидан бери айниқса очилиб кетган, овози ҳам очилган; овози жуда майин, овози жуда машқли, ўн саккиз яшар қизнинг овозига ўхшайди, ноз қилади, истигно қилади — хуллас, ўзини унутиб бошқаларни ўйлашларига имкон бермайди; ўнлаб ролларни ёд билади, гоҳ Офелия, гоҳ Дездемона, гоҳида Жамила, гоҳида Нурхон... турли сўзлар, турли кайфиятлар... бариси аралаш-қуралаш бўлиб кетадики, уларнинг орасидан Муҳсинанинг ўзини ахтариб топиш қийин.

Балки шу боис Олияга оғиб кетгандир? Муҳсинанинг ўзини йўқотгани, ахтаргани, чандон ахтаргани-ю лекин тополмагани боис?

Яхшибоев хотин жинсига тегишли саҳна қаҳрамонларини (гўринг нурга тўлгур Шариф ҳушёрлиги тутмасдан жўнроқ суҳбат қурганларида уларни «қаҳрамонкалар» деб атарди) новча деб тасаввур этолмайди — бариси Муҳсинага бўйдош. Шукр қилардики, кўнгилнинг тубида севикли бир аёл бор, Олия, новча, хушбичим, хушрўй, кўзлари мовийга мойил, сочлари тим қора, ҳеч кимга ўхшамайди, ягона, якто!..

Унинг бандаси бўлмоқ қанчалар соз!

Сув омбори қурилишига, «Ўртақўрғон ҳовузи» номли газетага муҳаррир бўлиб борганидан, токи қурилиш ҳам, газета иши ҳам тугаб бўлгунича, бу ёғи яна шаҳарга қайтиб ҳам бир-икки йилча Олиянинг бандаси бўлиб юрди. Энди эслаб армон қиладики, дўзахга тушсам ҳам майлийди, Муҳсинанинг жавобини беришим керак эди, деб!..

Алам қилади, лекин — начора.

Олиянинг ортидан шунча вақт югурди, ахийри унга эришди, озгина муддат яқинлик қилди. Муҳсинанинг талоғини айтиб, Олияга уйланмоқчи бўлганида Ошно кўнмади. Талоқнинг дарагини эшитиб, шошилинч чақириб олиб, уч марта хитоб қилди: у я т, ў р т о қ Я х ш и б о е в ! С и з д а н б у н и к у т м а г а н э д и к, ў р т о қ Я х ш и б о е в ! ! Х а л қ н и м а д е б ў й л а й д и, ў р т о қ Я х ш и б о е в !!!

Қизиқ, Ошно ўша пайтлардаёқ халқнинг номидан гапирар экан. Гўё ўн миллионлик халқ Яхшибоев билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муҳсина хонимнинг қўйди-чиқдисини кўриш учун суд залига келадигандай!

Ошнонинг монелиги Яхшибоевнинг ғашини келтирди, айтдики, ўртоқ Фалончиев, ундовлари кўпайиб кетмадими?

Ошнонинг туси ўзгармади. Яхшибоев шундан хулоса қилдики, Ошно ўзини батамом тутиб олибди, ҳаттоки ғазаби келганида ҳам бўғилмайди, оқармайди, қизармайди, қайтага, гинаомуз жилмаяди.

Яхшибоевнинг иддаосидан Ошно сал ҳушёр тортди, хафа бўлди чоғи, хўрсинди, сўнг айтдики, узр, ўртоқ Яхшибоев, сиз билан ҳамон дўстмиз, деб хаёл қилибман, ундов белгилари учун ҳам узр, ўзим пайқамаган эканман, ўртоқ Яхшибоев, лекин сиз яхши пайқабсиз, ҳар қалай, ёзиб юрган одамсиз-да...

Хаёлга келганини қарангки, ўзи не аҳволда-ю, Ошнога ёзмай қўйгани алам қиляпти, деб ўйлади. Ҳаттоки ачинди унга. Алам қилармиди, йўқми — ишқилиб, кейинчалик Ошно бунга ҳам я р а ш и ғ л и бир изоҳ топди: ҳар ким қўлидан келганини қилиши керак, мен ёзишга ожизлик қиламан, қоғоз қоралаб моҳирроқ ўртоқларга кулги бўлишимдан не маъно?

Мардлик — яхши нарса, айниқса — таниқли одамларнинг мардлиги. Ошно қирқ йил тугал бирор сатр ҳам наср ёзмади, ёзмагани учун не-не моҳир одамларнинг таҳсинига сазовор бўлди: инсофли экан, ёзолмаслигини тан олди, ахир, чиқариш қўлидан келарди-ку!.. ана, бижғиб ётибди-ку! ана, ўзлари тугул, хотинлари, қизлари, куёвлари... токи неваращ чевараларига қадар... ҳаммаси ёзиб ётибди-ку!

Ошнонинг иқрорида андак намойишкорлик бўлиши ҳам мумкин эди, лекин Яхшибоев билардики, Ошно ихлос қилса чинакам моҳир бўлмоқнинг уддасидан чиқарди; бир йўла икки жабҳани эплашига кўзи етмади, бинобарин, чин маънода камтаринлик қилди. Ошно ҳазиллашиб айтардики, арбоб аҳлидан биргина яхши шоир чиққан, Алишер Навоий деган киши, шоир бўлганда ҳам беназиру беқиёс!.. Кейин, ўзининг ҳам арбоблиги бўртиб қолмаслиги учун, камтарликнинг иккинчи босқичига ўтарди: жосуслардан Даниель Дефо, қулфурушдан Артюр Рембо, дўхтирдан Чехов чиққан. У айни рўйхатни истаганча давом эттиришга қодир эди. Шундан ҳам аёнки, умр бўйи адабиётга ҳаваси сўнмаган, умр бўйи китоб ўқиган, эҳтимолки, ўзларини моҳир санаб чиранмачоқлик қиладиган маҳмадана зукколарни мот этиш учун ҳам шу нарсаларни билган.

Лекин бу тафсилотлар кейинги даврларга тааллуқли. Кейинги даврларки, дейлик, Фаластиндан қувилган бир шоир келиб Ошно билан суҳбатлашади, Абу Нувосу Ал Мусулийнинг байтларини аслида эшитиб ёқа ушлайдики, қанийди, ҳамма арбоблар ҳам шундай бўлса!...

Меҳмонлар билан гаплашиш қанчалар осон. Меҳмонларнинг кўзлари доимо ўнг бўлади. Меҳмонлар доимо мўъжиза излашади. Мўъжиза бўлмаган жойлардан ҳам мўъжиза топишади. Бусиз мумкин эмас, бусиз саёҳатнинг маъноси йўқолади.

Дўстларнинг суҳбати эса оғирроқ кечади. Айниқса — эски дўстларнинг суҳбати. Ўшанда Яхшибоев, гарчи минг гумонга борса-да, гарчи қўрқса-да, бор-йўқ умидларини тикиб бўлса-да, Ошнога ростини айтди. Сен «ўртоқ Яхшибоев»ни қўй, ошна, деди, жўнроқ гапир, менинг аҳволимни ҳам тушун, сенга умуман сал осонроқ, сен дўстлигингни ҳар қадамда таъкидлашинг мумкин, ҳар бир таъкиддан сўнг обрўинг терак баробар ўсади, лекин мен-чи?.. Мен дўстликни пеш қилолмайман, пеш қилсам бас, ҳамма, биринчи навбатда — сен ўзинг, бу муттаҳам бирор нарса таъма қиляпти, деб ўйлайсан, билиб қўй, сендан дўстлик таъма қилмайман, майли, ўз ҳолимга қўйиб бер, мен шу Олияга уйланай, Муҳсинадан ажралай, уям бир кунини кўриб кетар, болаларни ташлаб қўймайман, бунисидан хотиринг жам бўлсин, рости, сен энди катта одамсан, сен билан дўстлашиш ҳам хавфли, сен билан ёнма-ён юриб юксалиш мумкин, лекин сен учиб кетсанг, бас, ёнингдагилар тугул, ортингдагилар ҳам бирин-кетин учиб кетади, тақдирлари барбод бўлади; агар ростдан дўст бўлсанг, мени тинч қўй, ошна, менга халал берма, охирги илтимосим шуки, менга қасд қилма, қўлламаслигинг мумкин, лекин асло қасд қилма, одамзод мўрт бўлади, синдириб қўйишинг мумкин...

Ошнони умрида охирги марта сенсираши эди. Кейин бу хил муомала, номига бўлса-да, бирор марта ҳам такрорланмади. Ошнонинг ўзи баъзида ийиб кетиб «сен»га ўтарди-ю, рағбат кўрмасди. Яна расмий оҳангга қайтишига тўғри келарди: ўртоқ Яхшибоев, Назар Яхшибоевич, муҳтарам дўстимиз, ҳурматли адибимиз ва ҳоказо.

Ўйлаб қаралса, ўшанда Ошно жуда самимий гапирган экан. У айтдики, сендан воз кечолмайман, Назар

www.ziyouz.com kutubxonasi

жўра, чунки ичиб қўйган қасамим бор. Энди сен гапга тузукроқ қулоқ сол, деди, сен Муҳсинасиз яшашинг мумкин, лекин мен Муяссардан воз кечолмайман, Муяссар Муҳсинадан воз кечолмайди, мен сендан воз кечолмайман... бу ёғига чидайсан, жўра... кўриб турибсанки, бу ҳалқани ҳеч узиб бўлмайди, янаям ўйлаб кўр, Муҳсина сен ўйлаганчалик ёмон эмас, ақлли, дидли аёл, танилиб боряпти, энди сен болалари билан кўчага қувиб чиқарсанг, эл нима дейди?

Тўппа-тўғри, Ошно айни ўша пайтдан бошлаб элу халқ номидан гапира бошлаган экан.

Элни ўртага тиққани Яхшибоевга ёқмади. Ўртоқ Фалончиев, деди, менга сизнинг дўстлигингиз керак эмас, қасамингизни қайтариб бердим, энди мени тинч қўйинг, қасд қилсангиз ҳам майлига, озод замонда яшаяпмиз, нари борса, ёзганларимни бостирмайсиз, лекин оттириб юборишга кучингиз етмайди!..

«Нодон экансиз, ўртоқ Яхшибоев! Иззатингизни билмас экансиз! Бўпти, боринг, сизга ёмон бўлса, биз учун яхши у, Муҳсинахондек санъаткор аёлни кўчада қолдирмаймиз, кўрасиз ҳали, тенгини топиб узатамиз ҳам!...»

«Билганингизни қилинг».

«Сизга рухсат, ўртоқ Яхшибоев».

«Рухсатсиз ҳам кетабераман, бу ёғига миямни қотирмасангиз бас!..»

Иддао қилди-ю, тағин Ошнонинг авзойи ўзгармаганини кўрди. Қиёфаси майину мулойим эди. Гўё куйингандай, жони ачигандай, жони ачигани боис аччиқроқ гапиргандай. Ахир, ошна-да, жони ачийди-да!..

Бир ҳафта ўтиб, Муҳсинага узил-кесил айтди: ажрашамиз.

Муҳсина эътироз билдирмади: майли, дадаси, сизниям қийнаб қўйдим, бир ёқда — саҳна, бир ёқда — болалар, вақт топиб ҳолингиздан хабар ололмасам, сиз айтганча бўлақолсин...

Яхшибоев гангиб қолди. Хотин уввос тортса, жанжал кўтарса бир нави эди, лекин бунақаси — жимгина, хоксор бўлиб туриши, жўяли гаплар айтиши тушига ҳам кирмаган эди. Тузукроқ баҳона чиқиб қолар деб, атай гап қўзғади: мен бошқасини топдим, Муҳсина, кўп ўйладим, иккиландим, лекин унга уйланмасам бўлмас экан.

Муҳсина шунда ҳам ўзини йўқотмади: нимаям дердим, дадаси, зорим бор-у, зўрим йўқ, кўнглингиз тусаганини қилинг.

Яхшибоев баттар авжига минди: кўнглим ўшани тусайди!

Муҳсина индамади. Хўрсинди, холос. Хўрсинишга қайси пьесадан олинганини Яхшибоев чақолмади. На Офелия ва на Дездемона бундай хўрсинарди. Уларнинг хўрсиниқлари нозикроқ, айни саҳнабоп эди, улар хўрсинганларида кўкраклари енгилгина кўтарилиб-тушар эди. Муҳсина жўнроқ хўрсинди, сўнг саҳнага ярашмайдиган қилиқ қилиб, бурнини тортди. Бошқа бир сўз демай қўшни хонага ўтди. Раҳми келди Яхшибоевнинг. Асли Муҳсинанинг айби йўқ эди. Иккита бола туғиб берди, иккиси ҳам — ўғил. Бирига Яхшибоев ўзи исм қўйди — Аввалбек бўлди. Унисига отаси исм берди — Оллоёр бўлди. Оллоёр экани кўпда ёқмади. Лекин чол кишига қаттиқроқ гапирмади. Майли, ўсаверсин-чи, кейинроқ ўзгартириб олинар. Қолаверса, охирги фарзандлари эмас, пушти-камар ҳали тўла, қолганларига замонавийроқ, мафкуравийроқ исмлар ҳам топилиб қолар... Хуллас, унда, у замонда, барчаси жўяли эди. Унда Олиядан дарак йўқ эди. Унда Муҳсина ёқарди. Ёқмайдиган ягона жиҳати шу эдики, у ҳар кеч ёки кеч оралатиб саҳнага чиқарди, гарчи Алпомиш газетларда узлуксиз урилиб турса-да, саҳнада юрган ботирлар ҳали кўп эди, негадир ҳамма ботирлар парда ёпилиши олдидан ўларди ва Муҳсина ўлаётган ботирларнинг бошларида ўтирар эди. Шу, холос. Бугун эса, аҳвол бу... ёқмайди. Дастлаб жуда аҳил эдилар, шаҳар четида, ижарада, ғариб бир кулбада, жаҳлдор кампирнинг ғазабидан қўрқиброқ яшар эдилар. Кулба тагидан ариқ ўтарди, тунлари каламушлар чийиллаб безор қиларди, Муҳсина қўрқарди, Яхшибоев юпатарди. Бугун келиб, хоналар кўп-у, олдинги иноқлик йўқ.

Яхшибоев ҳарчанд уринмасин, кўнглида шафқат топмади. Йўқ, шафқат бордай эди, лекин муҳаббат йўқ, муҳаббат сўнган, қолган-қутган учқунларини ҳам ҳозиргина ўзи тепкилаб ўчирди.

Ё тақдири таваккал, дедию шаҳд билан ичкари хонага ўтди. Қайғурма, Муҳсина, деди, ёлғизланиб қолмайсан, Ошно ўзи сенга эр топиб бермоқчи.

Муҳсина унга ялт этиб қаради. Хўрлиги келди, йиғисини аранг босиб айтдики, уялинг, Назар ака, мени бунчалар изза қилманг, майли, ошнангиз сизни уйлантириб қўяқолсин.

Яхшибоев яна уни ғазаблантиришга уриниб кўрди: унинг топгани менга ёқмайди, Муяссар иккови сени топишган эди, оқибатини кўриб турибсан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муҳсина чидади, индамади. Бешикдаги боласини ечиб олиб кўкрак тутди. Сути қочган экан, бола эмолмай йиғлади. Алла айтди. Алласи негадир шўхроқ эди:

Йиғлама, йиғлама, болажон,
Ёнгоқ чақиб бераман,
Тошбақанинг оёғига
Ишлар тақиб бераман...

Атай ўктамлик қилаётганини Яхшибоев сезиб турди. Бетоқат бўлди. Хайриятки, бола тезда овунди, асалу ёғ омухтаси суртилган эмизикни шимиганча ухлаб қолди. Муҳсина ўрнидан турди. Бешикка ташланган рўмолини олиб бошига танғиди — гўё номаҳрамдан ийманган-дай!..

«У жудаям чиройлими?»

«Сенга баробар кеп қолади».

«Артист эмасдир?..»

«Инженер».

«Хотиндан ҳам инженер чиқаркан-да».

«Артист чиққандан кейин... инженер ҳам чиқсин-да!..»

«Сизга артистлигим ёқмайди, Назар ака. Лекин мен ёмон хотин эмасдим-ку? Худолиғ юзасидан айтинг, бирор марта ножўя қадам босдимми? Ярим йилдан бери уйда ўтирибман, кўнглим саҳнани тусайди, лекин илож-им йўқ. Артистлигимни айбситманг, Назар ака, менга теккан касал бу. Иккита қўчқордай ўғил туғиб бердим, лоақал шуни ўйламадингиз, Назар ака!..»

«Болаларга қарашиб тураман».

«Шартмас, Назар ака. Ўзим боқиб оламан».

«Балки болаларни кўрсатмайман ҳам дерсан?»

«Нега? Келиб кўраверасиз, ўзингизнинг пуштингиз... Фақат озгина сабр қилинг. Бизлар тузукроқ бошпана топиб олайлик. Кейин — майли, қаршилигим йўқ...»

«Шу уй сеники. Болалар билан қолаверасан».

«Қололмайман, Назар ака. Майли, сиз ўзингиз шу ерда туринг, сиз эркак одамсиз. Бизга биттагина хона топиб берсангиз, бас, бу ерда яшашим қийин, ҳарна, маҳалла-кўйчилик... сўрашади...»

Яхшибоев муросани кутмаган эди — мамнун бўлди. Ҳафта деганда яхшигина бир уйни ижарага олди. Ўша ерда ўзи бирор ойча яшаб, рахту рехтини тузатди. Муҳсинани кўч-кўрони билан олиб кетгани келиб, ҳовли дарвозасига қулф урилганини кўрди. Қўшни хотин чиқиб айтдики, кичкинаси билан касалхонага тушибди. Каттаси ҳам ўзи билан экан. Эрим сафарда юрибди, сафардан қайтса айтинг, Аввалбекни олиб кетсин, деб тайинлабди.

Яхшибоев сўраб-суриштириб, улар ётган касалхонани топди. Ичкарига қўйишмади — юқумли касалларни даволашар экан. Қоровул чол озгина пора олиб, бирор ўн дақиқа йўқолиб кетди-да, Аввалбекни етаклаб чиқди. Ой тугал айри яшаб, кўздан чиқарган экан — бола бир муддат бегонасираб турди. Яхшибоевнинг кўнгли бузилди. Болани қучоқлаб, юз-кўзларидан ўпди. Шундагина унинг қўлчасида тумордек бир хат борлигини пайқади. Хотини йиғлаб туриб ёзган шекилли, сиёҳқалам икки-уч жойда чаплашиб кетган экан. Билдики, Оллоёрнинг мияси шамоллабди, юқумли дард экан-у, Аввалбекка юққани йўқ, Муҳсина — рози, Яхшибоев қайтадан уйланиши мумкин, фақат у касалхонадан чиққунча Аввалбекка қарашиб турса бўлди...

Аввалбекни эргаштириб, ижарага олган ҳовлисига қайтди. Ишхонага хабар юборди: бир ой отпуска сўрайман. Аввалбекни ювинтириб, қорнини тўйғазиб, боя-ги хатни боз ўқиб чиқди. Миясига келган фикрдан ўзи ҳам чўчиб тушди: атай қилган, атай шамоллатган, мочағар! Болани ўлдириб бўлса ҳам, мени йўлдан қайтармоқчи!!

Аввалбекни рўпарасига ўтирғизиб, ниятини айтди: аянг касалхонада ётибди, ўғлим, энди сенга янги ая оберраман.

Аввалбек мантиқни тушунмади: ўзимнинг аям борку, дада?

Ортиқ қийнаб ўтирмади болани. Бозорга чиқиб, егулик харид қилиб келди. Йўл-йўлакай магазиндан уч-тўртта ўйинчоқ ҳам сотиб олди. Келтириб айтдики, Аввалбек ўғлим, ўйинчоқларни янги аянг бериб юборди.

Аввалбек суюниб чапак чалди: янги аям яхши экан!

Яхшибоев эски «масала»ни қўзғади: янги аяни опкелаверамизми, ўғлим?

Аввалбек «масала»га бошқача ёндошди: майли, аям иккита бўлақолсин, опкелинг, дада.

Яхшибоев «янги ая»ни олиб келолмади. Олияга бориб айтдики, сал сабр этасан, зарур ишлар чиқиб қолди. Олия кутиб ўрганган эди, қолаверса, жудаям умидвор эмасди, рози бўлди. Яхшибоев ортга қайтиб, Аввалбекка унинг исмини ҳам айтди: янги аянгнинг исми — Олия.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Икки-уч кун ўтиб, яна бир талай ўйинчоқни қўлга киритиб, бола тамом кўнди: майли, дада, Олия аям бўлақолсин.

Кўзи оч эди Аввалбекнинг. Ҳалигача, яъники минг тўққиз юзу саксон учинчи йилнинг октябрига қадар, Аввалбек ғашини келтирган пайтларда бот ва бот эслайдики, сен, бола, туққан онангни тўртта ўйинчоққа сотгансан, деб!..

Тўрт ой тугал касалхонага қатнади. Муҳсинани бекорга ёзғирган экан. Ичкарига зўрға рухсат олиб, кўз кўзга тушиб англадики, хотини беайб экан, бечора чўп бўлиб қолибди, бўлмаса, ейиш-ичиши жойида, ўзларига алоҳида палата, дори-дармон ҳам етарли, лекин боланинг аҳволи ўзгармаган, бир кун ҳушёр бўлса, икки кун беҳуш, нуқул кўзлари ёшланади, инграйди, на онани, на отани танийди...

Яхшибоев врачга учради. Ёшгина аёл экан, кўзларини ерга қадаб айтдики, умид жуда кам, Назар Яхшибоевич. Бош врачга учради. Унвони доцент экан. У пайтлар бунақа унвонлар жуда кам эди. Сусти босди, ялининқираб, аҳволини баён этди, қараса, доцент ҳам унга ялингандай боқяпти: умид кам, Назар Яхшибоевич, умид йўқ ҳисоби, лекин болани оёққа турғизамиз, бир ёғи — сизнинг ҳурматингиз, у ёғи — тепадан топшириқ... Хуллас, оёққа турғизамиз.

Яхшибоев хурсандлигидан бош врачни қучоқлаб олай деди. Қучоқламоқчи бўлганида, доцент бошини хам қилиб айтдики, қувонишга ҳали эрта, Назар Яхшибоевич, бола оёққа турганида ҳам... нарёғи қийин... бу касалнинг номини м е н и н г и т дейишади, тузалганда ҳам ақли ноқис бўлиб қолиши мумкин.

Менингит ростдан ҳам ёмон экан. Бола ярим йил деганида ўлим чангалидан қутулди. Нина санчилавериб, бадани илма-тешик бўлиб кетди. Дори ёйилмай қотган жойларида тошдай қаттиқ гурралар қолди. Йиринг бойлаган жойларини кесиб ташлашди — ўрнида чуқур-чуқур чандиқлар...

Бола нимжон бўлиб ўсди, учга кирганда зўрға тетапоя бўлди, тўртга кирганда тили чиқди, камгап, одамови, мўмин-мулойим... Хайриятки, ақли кўтоҳ бўлиб қолмади. Бирор ўн ёшларда сал-пал эт олди, кейин бу ёғига туппа-тузук ўсди, улғайди, уйланди, бола-чақа орттирди, бугунги кенжа ўғил Оллоёрга айланди.

Қийин дамлар эди ўшанда. Ошно, гарчи оғринган эрса-да, уларни ташлаб қўймади, ўзи бормаса ҳам, касалхонага хотини Муяссарни юбориб турди, кейин т о п ш и р и қ ҳам бердики, бош врач бўлмиш доцент ҳадик аралаш, болани албатта оёққа турғизамиз, деб айтганлари — худди ўша боисдан.

Ўнинчи ва энг кўримсиз манзара

Бу орада Олия қамоққа тушди. Гуноҳи оғирроқ эди — сув тарайдиган тўғонлардан бирининг қувватини тузукроқ ҳисобламаган экан, айни ўша тўғондан сув қочиб, ўзан ёқасидаги ўнтача уйни, ўнтача сигирни ва яна битта чақалоқ беланган бешикни оқизиб кетди. Уйлар бузилди, сигирлар чўкди. Ёғоч бешик шарофати билан чақалоқ омон қолди-ю, лекин етказилмиш моддий зарарнинг ўзиёқ бир одамни қамашга етиб-ортарди.

Суд бўлди. Яхшибоев судга борди. Олияни кўрди. Олия негадир ундан уялмади. Қора курсида ўтирганча жилмайиб бош ирғади. Умуман, у ўзини сал ғалатироқ тутди — айбловчи айблаганида ҳам, уйсизу молсиз қолган гувоҳлар куюниб сўзлаганларида ҳам, кейин, ҳукм зикри олдидан ярғоқбош оқловчи чиқиб оқлаганида ҳам... бирдай жилмайиб ўтирди. Устида байрамларда киядиган пўрим кўйлаги, сочларини чамбарак шаклида турмаклаган, чиройли, гўё кўркамлиги жабрдийдалару ажримчиларнинг ғашига тегарини сезмагандай, очилиб-сочилиб ўтирди. Ярғоқбош оқловчи уни турмадан асраб қолишга, жилла курса муддатни қийишга чандон уринди ҳамки, натижаси бўлмади. Нутқи жуда кулгили чиқди. Ўзбекчаю тожикчани аралаш-қуралаш қилиб айтдики, ҳурматли гражданин рафиқ судиёлар, ин духтар ҳали ёш, авом халқимиз духтарларидан имрўз қадар инжирнай чиқмаган, шу яктагина духтаримиз инжирнай бўлиб эди, пешонамизга ортиқ кўринди, уй бузилса боз яна уй қурамиз, инак ўлса боз яна инак харид қиламиз, лекин ахир... сувга оққон яктагина писарча омон қолдилар-ку? Ҳурматли ва иззатли граждданин рафиқ судиёлар ва гражданин рафиқ даъвогарлардан ўтинчимиз шулким, улар курсии сиёҳда ўлтирган инжирнайи зебога раҳм қилсалар, каттароқ иштарафи жарима солиб, духтаримизни ҳибсдан озод қилсалар!.. Ҳовузи Ўртақўрғонга жам этилмиш об, яъники сув шул қадар бисёрки, тўғонга зўр келиб, тўғонни ағдариб, даҳ нафар уйни, даҳ нафар инакни ва яна як нафар писарчани оқизиб кетди, аммо-лекин уй топилади, инак ҳам топилади, баъдаз... писарча омон қолганларидан кейин,

www.ziyouz.com kutubxonasi

яктагина инжирнай духтаримизни суд қилиб турмага солишимиз шартми? Боз қилмайдурман, деб ваъда берсину бу ёғи омон-омон бўлсин!..

Яхшибоев Ўртақўрғонда таниқли эди. Залга келиб ўтирганини одамлар билди. Суд раиси ҳам билди, билгани шуки, у ўтирган бурчакка қарамасликка уринди. Қораловчи гапириб, оқловчи гапириб, сўнг яна қораловчи гапириб, Олиянинг ўзи охирги сўздан воз кечиб, суд ҳайъати маслаҳатхонага кириб, сўнг залга қайтиб чиқиб, республика номидан беш йил қамоқ муддатини эълон қилди. Одамлар тарқалди. Маҳбусани милиционерлар олиб кетди. Яхшибоев залда ёлғиз қолди, чиқиб кетолмади. Шунда суд раиси секин келиб айтдики, майли, Назар Яхшибоевич, хайрлашиб олинг, мошинани бир муддат сақлаб турамиз. Гўё гуноҳкордай, кўзларини ердан олмай гапирди. Яхшибоев индамай, судья кўрсатган эшикка қараб юрди. Эшик орти узун бир йўлак экан. Йўлакнинг нариги учида — иккита милиционер, берироқда, оқ девордан ярим чиқиб турган голланд печи ёнида — Олия, хушқад, хушрўй, пўрим кўйлагида, кўзлари мовийга мойил, сочлари тим қора, залдаги мағрур жилмайишлари йўқ, мунғайибгина турибди.

— Шундай бўп қолди, Назар ака, — деди. — Мени ёзғириб юрманг.

— Келолмадим, — деди Яхшибоев ўпкаси тўлиб. — Балки бир уриниб кўрармиз, Олия?

— Шартмас, — деди Олия, — Ўзим уриниб кўрдим, лекин нафи бўлмади. Ростдан ҳам айбдор эканман чоғи.

Ўзи не кўйда-ю, Яхшибоевнинг аҳволидан ҳам хабардор экан;

— Қийналибсиз, Назар ака. Бола тузалиб қолдими?

Яхшибоев индамади.

— Ўзингизни эҳтиёт қилинг, — деди Олия. — Тағин менинг касримга қолиб юрманг.

Шундай деб, Яхшибоевни маҳкам қучди. Қолган-қутган ўктамлиги ҳам йўқолди, кўзларидан шашқатор ёш оқизиб, ўкраб-ўкраб айтдики, менинг заррача айбим йўқ, Назар ака, майли, мени суймай қўяқолинг, уйланмасангиз ҳам майлига, айбим йўқлигига инонсангиз бас, айбсиз деб ўйласангиз у ёқларда юришим ҳам осонроқ бўлади, Назар ака!..

Во ажаб, кейин эслаб ҳеч ишонмади, ишонгиси келмади, замонлар ўтиб, ўксаси қотиб кетганидан кейин, айни ўша лаҳзаларни ўйлаб куладиган, ҳаттоки сўкинадиган бўлди, лекин ўшанда — узундан-узоқ йўлак ўртасида, оқ девор ичидан ярми туртиб чиққан қоп-қора голланд печи ёнида, елкасига бош қўйганча ўкраётган хушқад аёлнинг тим қора сочларини силаб, сас чиқармасдан... юм-юм йиғлаган эди!

Олия унга ҳеч маҳал бугунгидай, бемажолу беумид турганидай яхши кўринмаган эди. Уни суйиши тайин эди. Лекин аввалари, нотаниш гўшаларда — Самарқанду Бухоро, Қўқону Фарғона, Хеваю Урганч, эҳ, Олияни у қайларга олиб бормаган эди! — эмин-эркин бирга юрганларида, хусусан, у норғулу бақувват, аёл эса хушқад, хушфеъл, бир-бирларига меҳрибон, бир-бирларига муносиб... халойиқнинг ҳавасини келтириб, сиртдан саодатманд, лекин ич-ичларидан зил кетиб (ахир, бу намойиш аслида хуфя эмасми?) юрганларида ҳам, олдинроқ, Олия уни менсимасдан, менсиганда ҳам балки эгали эканини ўйлаб, ўзини олиб қочиб юрганида ҳам, кейинроқ, тақдирга тан бериб, ўзини унга тамом топширганида ҳам... оппоқ чойшабларга иболи бурканиб ёки оппоқ чойшабларни отиб юбориб, илондек тўлғаниб, юз-кўзларидан хассос ўпганларида ҳам... бунчалар суймаган эди. Сездики, аввал суйганлари бекор экан, суйган пайтлари ҳали суйишни билмас экан. Шунда хаёлига ярқ этиб бир жумла келди: улар бир-бирини кўзёшига беланиб суйдилар.

Бу жумла савил қолди. Ўзи ёзмади, шогирди Чоршанбиев эплаб ёзолмади, ҳатто — ҳолатни айри тушунди чоғи, — лабини жийириб кулдики, йиғлаб туриб ҳам суйиб-эркалаб бўладими, Назар Яхшибоевич, воқеа қайда кечяпти ўзи, кўчадами ёки тўшакда?..

Яхшибоев ғазабланди, лекин воқеанинг суд биносида, гувоҳлар ўтирадиган узундан-узоқ йўлакда кечганини айтолмади. Пайқадики, бу жумла энди ўзига ҳам кулгили туюла бошлаган экан. Ғазаби ҳам шунчаки, зўракироқ, азбаройи худбинликдан... ғирт самимий жумла, маҳоратдан холи.

Энг оғир йил эди ўша йил. Бир ёғи хотин билан кенжатой ўғил касалхонадаю ўзи тўнғичи билан уйда, бир ёғи Олиянинг аҳволи бунақа оғир, яна бир ёғи шуки, Ўртақўрғонда ҳам Шариф Валломат деган зўр танқидчи чиқиб (гўринг нурга тўлгур Шарифнинг ўзгинаси!), қалам аҳлини қон қақшатмоқда эди. Ғанимларини бирин-кетин яксон қилиб, бир муддат каловланиб қолди-ю, Алпомишу Гўрўғлига осилиб юрди. Лекин бундан муроди ҳосил бўлмади, кўнгли қурбон тусаб, янги ғанимларга — ҳали тирик юрганларга ўтди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яхшибоев тилга тушиб улгурган ёзувчи эди. Энди у қамровни анча кенг оларди; қолоқ ва саводсиз Туркистон аллақачон илғор ва саводхон Ўрта Осиёга айланиб, миллий республикалар тузилган, бинобарин, маҳаллий халқлар ҳам ўзларининг мустақил атамаларини олиб, уруғчилигу элатчилик каби зарарли қусурлардан фориғ бўлиб, уруш йилларида бошқа халқлар билан жипслашиб, бир жону бир тан бўлиб, янги даврга қадам ташлаётган пайтлар эди. Гўринг нурга тўлгур Шариф, Яхшибоевнинг ҳикоя ва қиссаларини синчиклаб ўқиган экан, ёмонроқ қаҳрамонлар орасидан битта тожик, битта қирғиз ва битта қозоқни топиб даъво қилдики, Яхшибоев — қардошлик душмани, Яхшибоев — миллатчи унсур, умуман, Яхшибоевни тийиб қўядиган фурсат келди. Яхшибоевнинг ўзи танқидда жўн арифметикадан ўзга жиддийроқ маъно тополмади. Кичкина «луқма» ёзиб раддия билдирдики, қардош халқ вакилларидан бор-йўғи учтаси ёмон экан, лекин яхшиларини ҳам санашни унутмайлик, умуман, модомики гап миллатчилик хусусида экан, ана, ўртоқ Шариф яна бир ҳисоблаб кўрсин, мен ёзган нарсаларда салбий ўзбеклар ҳам топилади.

Ҳафта ўтмай, гўринг нурга тўлгур Шариф навбатдаги мақоласини эълон қилди:

«Ҳа, ўртоқлар, Назар Яхшибоевнинг салбий ўзбеклари ҳам кўп, ҳатто ҳаддан ташқари кўп, лекин барибир уни миллатчилар рўйхатидан ўчириб бўлмайди. Диққат қилсак, Назар Яхшибоевнинг ўзбеклари шунчаки жўн ўзбеклар эмаслигини кўрамиз. Уларнинг бири Ўшда, яъники қирғизлар диёрида туғилган, яна бири Чоржўйда, яъники туркманлар диёрида туғилган, бошқаси Хўжандда, яъники Ленинободда, биродарларимиз бўлмиш тожиклар диёрида туғилган, боз бир қаҳрамони борки, буниси Чимкентда, яъники қозоқлар диёрида туғилган. Хўш, нега бу салбий қаҳрамонлар яккаш қардош халқлар диёрида туғилади? Хўш, қозоқ ёки қирғиз, туркман ёки тожик биродарларимизнинг диёрлари шунчалик ёмонмики, унда туғилган ўзбеклар сидирғасига салбий бўлса? Ўртоқ Яхшибоев нимага шаъма қиляпти? Муҳит ёмонлигигами? Бу кишини «ўртоқ» дейишимиз ножоиз асли, лекин — майли, ҳозирча озодликда юрган экан, айни атамани ундан аямайлик ва яна бир бор суриштирайлик: сиз ким билан биргасиз, ўртоқ Яхшибоев? оғаини халқларни бир-бирига қарши қўйишдан мақсадингиз нима? қилаётган ишингиз шунчаки сиёсий кўрлик-

ми ёки онгли тарздаги сиёсий бузғунчиликми? сизнинг устозларингиз ким, ғайри унсурлардан эмасми? халқларни ўзаро гиж-гижлашни сизга ким ўргатди? сиз кимга хизмат қиляпсиз ва бу хизматингиз эвазига нима оляпсиз — доллармi ёки фунт стерлинг?..»

Гўринг нурга тўлгур Шариф чатоқ эди, нуқул белдан пастидан оларди. Яхшибоевни ҳам бирор йилча обориб-опкелиб турди. Ўргилай бир замон экан, хайрият, омон қолди. Омон қолиб ўйладики, йўқ, энди мен ўлмайман, камида мингга кираман.

Олия — турмада, ўзининг аҳволи — бу қадар, Ошно ҳам қайгадир писиб кетган, писмаган-у, лекин баттар юксалган, юксалгани баробар узоқлашган. Ўша кунларда Муҳсина жонига ора кирди. Қўлида касал боласи билан бир йил тугал уйда ўтирди, тикиш-бичишга уста экан, буюртмалар олди, эрнинг сармояси тугаб, бирор сатри ҳам босилмай турган пайтларда оилани ўзи тебратди.

Олия ҳибсга олинганидан сўнг бир ярим йил ўтиб, айни баҳор фаслида, биғиллаб-биғиллаб кичкина чақалоқ туғилдики, унга Сокина дея исм қўйдилар. Исмида озгина ирими ҳам бор эди: бир ёғи — йиғлоқи бўлмасин деган ният, бошқа тарафи — падарлаънати Шариф Валломат сал тинчирмикан, деган бир илинж.

Бу орада Ошно Ўртақўрғондан кўчиб кетадиган бўлди. Энди Ўртақўрғон унга торлик қилиб қолган, кенгроқ фаолият кўрсатсин, деб, марказга таклиф этишган эди.

Сокинанинг чилласи чиққан куни (билганини қаранг!) Муяссар хоним билан қўлтиқлашиб кириб келдилар. Ортларидан шофёрлари каттакон тоғора кўтариб кирди. Муяссар хоним Муҳсинани қучоқлаб ўпди. Муҳсина бу хил иззатни кутмаган эканми, уввос тортиб йиғлаб юборди.

Эҳ, қанчалар ночор эканини ўшанда сезди Яхшибоев!

Ошно унга қўл берди, сўнг елкасидан секин қучди. Аёллар тарафга ишора қилиб, мулойим жилмайди. Айтмоқчи бўлдики, парво қилма, буларники ҳисобмас, асли буларнинг лойи кўзёши билан қорилган. Хотини ўкраб йиғлаётганини, Муяссар хоним уни сал жеркиброқ юпатаётганини эшитиб, Яхшибоевнинг баттар хўрлиги келди. Шариф Валломатнинг «шарофати» билан ишдан кетиб, тиш кавагига бекитганини ҳам еб-йитириб, ҳаттоки бир-иккита гиламларини ҳам сотиб, шип-шийдам

www.ziyouz.com kutubxonasi

уйда, хотинию учта боласи билан ғариб бўлиб ўтирганини биларди, лекин айни ҳолатни бировнинг кўзи билан кўрмаган эди, бугун кўрди, кўрганда ҳам Ошнонинг кўзи билан кўрди, алами қўзғади, бир хаёли Ошнони сўкиб ҳайдамоқчи ҳам бўлди («Нега келдинг? томошагами? аҳволимни билардинг, нега олдинроқ сўрамадинг?»), лекин журъати етмади, аксинча, ялтоқланиб сўзладики, ивирсиқ учун узр, ўртоқ Калонов, бошқа бир ҳовли топувдик, юкларни ўша ёққа элтиб қўйиб, бу ёғи сал омонат ўтирибмиз.

— Э, — деди Ошно, — ҳали бу ҳовлини сотдингизми, ўртоқ Яхшибоев?

— Нархини келишолмай турибмиз, — деб ёлғонлади Яхшибоев.

— Унисининг нархи қалай бўлди, қиммат эмасми?

— Ярмини тўладик.

— Бекор қипсиз, ўртоқ Яхшибоев, — деди Ошно. — Ўзингизга жабр қипсиз. Биз Тошкентга кетадиган бўлиб қолдик, бизнинг ҳовлига кўчиб ўтсангиз дуруст эмасми?

— Қурбимиз етармикан?..

— Қурбга бало борми! — деб кулди Ошно. — Соддалигингиз қолмабди. Ҳукумат қурган уй, арзимас ижарани ҳақини тўлаб турсангиз бас-да.

Яхшибоев бунақа марҳаматни кутмаган эди, тағин кўнгли бузилди. Ошно унинг аҳволини тушунди чоғи, ҳовли ҳақидаги гапларни тугатиб, бошқа мавзуларга ўтди. Янги лавозимдан чўчияпман, ўртоқ Яхшибоев, деди, афсуски, энди рад қилмоқнинг ҳеч иложи йўқ. Ишқилиб, бундан бу ёғи бизни унутиб юборманг, марказга борганларда мундоқ кириб туринг, ҳарна, туғишган бўлмасак ҳам, тепишиб ўсган биродарлармиз, оилаларимиз ҳам яқин, ажабмаски, келажакда қуда-анда бўлиб кетсак.

Яхшибоев тек ўтирди — Ошно билан қуда-андачилик қиларига ҳеч кўзи етмади.

Муяссар хоним Муҳсина хонимни суяди, деди Ошно, усиз марказда зерикиши турган гап, энди, сиз ўзингиз, тушунган эр сифатида, дугоналарнинг фироғини енгиллатиш чораларини ҳам ўйлаб кўрарсиз, ўртоқ Яхшибоев?.. Яхшибоев бошини эгиб айтдики, хўп, ўртоқ Калонов, сиз нима десангиз — шу. Ошнога унинг камтарлиги маъқул тушди. Яна бир-икки маслаҳатини атай таъкидлаб айтди:

— Муҳсина хоним — ноёб талант, — деди. — Унинг қадрига етинг. Сизга топшириқ шу, ўртоқ Яхшибоев.

— Хўп.

— Ўзингиз ҳам ижодни ташлаб қўйманг, сиздан ҳам умидимиз катта. Муҳсина хонимдек аёлнинг йўлдоши ҳам талантли бўлиши фарз. Уқдингизми, дўстим?

— Уқдим.

— Янги ҳовлига бир ҳафта ичида кўчиб ўтасиз. Тегишли ўртоқларга кўрсатма берилган, транспортни ўзлари ташкил қилишади.

— Хўп.

— Бу ҳовлини сотиб, пулини рўзғорга ишлатинг.

— Хўп.

— Бу ёғи Шариф ака билан қалинроқ бўлишга ҳаракат қилинг.

— Хўп.

Яхшибоев рози бўлди-ю, хато қилганини пайқади. Ахир, Шариф Валломат билан қанақасига қалин бўлиши мумкин, бошга мағзава тўкиб турганда-я?!

— Менинг кўзим ўнг, — деди Ошнога қарамай, — лекин у ўзи ёмон одам.

— Ёмон бўлса — ўзига, — деди Ошно. — У сиз билан ярашмоқчи бўлиб юрибди. Келса, ноз қилиб ўтирманг. Душман битта бўлсаям озайгани яхши.

— Хўп.

— Муҳсина хонимни эҳтиёт қилинг. Янги ҳовлининг шарт-шароити анча тузук. Болаларга ҳам қулай. Гаражи бор, боғи бор. Хўш, Муҳсина хоним энди саҳнага қайтаверса ҳам бўлади. Зудлик билан бирорта хизматчи ёлланг.

— Хўп.

Ошнонинг т а ъ к и д л а р и кўп эди. Яхшибоев гап қотмади ҳисоб, нуқул маъқуллаб ўтирди. Рости, хурсанд эди. Айниқса — Шариф Валломатнинг ярашмоқчи эканидан хурсанд. Ҳадеб бош ирғайверса эришроқ туюлишини ўйлаб, ўзи ҳам секин гап қўшди:

— Умуман, Шариф ака ғалатироқ шахс.

— Шахс эмас, шунчаки бир тўтиқуш, — деди Ошно кулимсираб. — Тўтиқуш-у, жаллодликка ҳам хуши бор. Бу гапни ўзига айта кўрманг. Жаллод дегани бировнинг амрини бажаради, хўш, мен кимнинг амрини бажаряпман, ҳукмдоримни топиб берасан, деб жанжал қилиши мумкин.

— Хавфли экан, — деди Яхшибоев эти жунжикиброқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Парво қилманг, ўртоқ Яхшибоев, — деб юпатди Ошно. — Шариф акага айтилди, энди сизни тинч қўяди.

Яхшибоев ўйланиб қолди: хўш, нега э н д и тинч қўяди? Нега унга э н д и айтилди? Ёинки а в в а л сал бошқароқ айтилган эдими?

Гумонини ташига чиқаролмади. Чўчиди. Аҳволини чамаи чўт қилди. Ҳозирча чўнтагида ҳемири ҳам йўқ, бир амаллаб ҳовлини сотса, Ошнонинг ҳовлисига ўтса, шароити зўр, болаларга қулай, бу ёғи хизматчи ҳам ёллайди... Иддаога бало борми! Талантни асрамоқ керак. Шундай т о п ш и р и қ бўлди. Ошно кулиброқ айтсада, бариси — жиддий. Энди унинг жилмайишларига ишониб бўлмайди. Эҳтимолки, энди у йиғлаганда ҳам жилмайиброқ йиғласа керак...

— Дугонажоним сизни еру кўкка ишонмайди, — дея гапга суқилди Муяссар хоним. — Шунчалар суядики, бошқа одам бунақанги бахтдан ёрилиб ўларди!

Муяссар хонимга топган ташбеҳи ёқди. Қиқирлаб кулди. Ошно хотинига жилмайиб қаради. Кўпроқ жилмайди чоғи, аёлнинг туси ўзгарди, хижолат чекди:

— Илоё, омон бўлинг, — деб ғўлдиради.

— Раҳмат, Муяссархон, — деди Яхшибоев аёлни хижолатдан қутқариш учун. — Фақат мен гумроҳлик қилиб... Муҳсинахоннинг қадрига етмаяпман шекилли.

— Шундай ўйда эканингиз тузук, дўстим, — деди Ошно рағбат билдириб. — Баъзида мен ўзим ҳам, Муяссар хонимнинг қадрига кўпда етмаяпманми, деб ўйлаб қоламан. Биласиз, иш кўп, нуқул ташвиш...

— Ёлғон айтяптилар, — дея тантиқланди Муяссар хоним. — Бу киши оила учун доимо вақт топадилар.

— Ҳар ҳолда, ўртоқ Яхшибоевнинг вақти меникидан кўпроқ бўлмоғи керак, — деди Ошно. — Ёки мен нотўғри гапирдимми?

— Тўғри, ўртоқ Калонов, — деди Яхшибоев. — Ҳаракат қиламиз, ўртоқ Калонов.

Шундай деб, зўрма-зўраки ҳиринглади. Алами келди. Ўйладики, бу гапларнинг ўришу арқоғи аллақачон тахт қилиб қўйилган, энди булар пухтароқ қилиб поёндоз тўқишяпти, холос. Кейин ерга ташлаб, оёқ артишади.

Ўзларининг измларини бировнинг бўйнига тақдир қилиб ортишяпти, деб ўйлади, тақдир эмас, бориб турган бўйинтуруқ, энди у Олияга асло эш бўлолмайди. Бу тақдирда Ошнога ўрин бор, Муяссар хонимга ўрин бор, уларнинг қадрдонлари бўлмиш Муҳсина хонимга

майдон анча кенг, ажабмаски, бу тақдир бор-йўғи Муҳсина хонимнинг тинч ва осойиш яшамоғи учунгина ўйлаб топилган бўлса... Токи унинг кўнгли бут бўлсин, умр дафтарига доғ тушмасин, мен эсам... мен ким бўпман, шунчаки бир и л о в а , холос!

— Кўрган куним қурсин, ўртоқ Яхшибоев, — деб зорланди Ошно. — Бир қарашда, фаолият деганлари жуда зўр нарсадай туюлади. Лекин унинг кўлами қанчалик кенгайса, одамзод сирдошга шунчалик зор бўлар экан. Сиз — менинг сирдошимсиз, дўстим, фақат сизга дардимни бемалол айтишим мумкин.

Яхшибоев унинг сўзларини таҳдид деб тушунди, шу боис, таскин бермоққа ошиқди:

— Тўғри айтасиз, ўртоқ Калонов. Мен тилига пишиқ одамман.

— Балли, ўртоқ Яхшибоев! Фақат биргина илтимос: гапларимни тазйиқ деб ўйламасангиз.

Яхшибоев индамай қўяқолди. Боя ўйлаганлари ҳолва экан. Таҳдид эмас бу, бориб турган тазйиқ. Ошно зукко одам, сўзни чертиб танлайди. Закийлигини ўзи ҳам сезмаса керак. Ҳасадинг келади унга. Одамзод хотинини ҳам шунчалар суядими, ахир? Устига гард юқтирмайди-я! Унинг ҳаловатини ўйлаб нималар қилмайди дейсиз! Жўрани қурбон беришдан ҳам тоймайди. Дарвоқе, энди жўра эмас, энди у — д ў с т ... Бечора, бояқиш... вой сенинг қоқиндиғинг бўлай!..

Муҳсина хоним гапга қўшилмади. Хоксоргина бўлиб ўтирди. Савол сўрашганда ҳам жавоб бермайди, эрига мўлтираб қарайди — изн сўрайди.

Яхшибоев ачинди унга. Қийин, деб ўйлади, нияти ёмонмас бунинг, неки қилса мени ўйлаб қиляпти, мени қизғанганидан, азбаройи суйганидан... агар суймаса, унда болалар туфайли, м е н и н г болаларим туфайли.

Иззат шунчалик бўлар?!

Кўнгли муздай эди. Сездики, энди ҳеч қачон илимайди.

Меҳмонларга «олинг-олинг» қилиб ўтирди, сабаблию бесабаб илжаяверди. Ўзича, такаббурона куляпман, деб ўйлади, лекин илжайиши мулозамат ўрнига ўтаётганини кўриб англадики, кибри буткул йўқолибди, довдирлиги, дали-ғули экани, думбулликлари... бариси беиз йўқолибди, уларнинг ўрнида —шунчаки бир табассум, шунчаки бир ялтоқланиш, ожизликки, бу энди ҳеч кимни ажаблантирмайди, айниқса — Ошно билан Муяссар хонимни.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нархи бир пул бўлганини ҳам шунда пайқади. Ўзини қимматроқ сотишга чоғланди, токи кейин садақа сўралганда айни шу қимматроқ нархи буларнинг ёдида турсин. Жилла қурса, бай пулини очиқ-ойдин айтиб олиш керак. Ёлғиз экани писандмас, майлига, булар уч киши бўлса — отасининг гўрига! Яхшибоев ҳам ёлғиз эмас, у айни лаҳзада ҳам мол, ҳам молфуруш ва ҳам даллол эмасми? Ҳар ҳолда, харидор дегани олаётган молининг феълини тузук-қуруқ билиб олгани маъқул, токи унинг қисир-бўғозлиги ҳам, сузонғичлигию тепонғичлиги ҳам ниҳон қолмасин.

— Оқсоқол, — деди Ошнога боягидай ялтоқланиб қараб, — Ўртақўрғон ҳовузини қурган пайтларимиз эсингиздан ҳам чиқиб кетгандир?

— Нега?.. — деди Ошно. Сергакланди чоғи, чап қоши хиёл кўтарилди. — Буюк қурилиш... замона шарофати... нега эсдан чиқаркан, ўртоқ Яхшибоев? Сиз ўйлаб гапиряпсизми?

— Полвон йигитлар кўп эди.

— Ўзингизга ўхшаган, — Ошно кутилмаганда лутфга ўтди. — Кўрсатган ғайратларингиз ҳам эсимизда, ўртоқ Яхшибоев.

— Полвон аёлларимиз ҳам кўп эди, — деди Яхшибоев. — Эсингиздами, оқсоқол, Мўминшоева деган инженер аёл бўларди?..

Ошно бирдан жиддийлашди. Яхшибоев сездики, айни мўлжалга урибди.

— Умуман эсимда бордай... — деб чайналди Ошно.

— Ўша қамалибди.

— Йўғ-э!

Яхшибоев фурсатни бой бермай, аёлларга қаради — иккисининг ҳам лаблари гезарган, жағлари осилай-осилай деб турибди.

— Ҳай аттанг! — деди Ошно. — Айби йирик эканми?

— Билсам сиздан сўрармидим, — дея қўрслик қилди Яхшибоев қолган-қутган журъатини йиғиб. — Шу, оқсоқол, ўша аёлга кўнглим суст кетгандай ҳам бўлувди. Ўзингиз таништириб қўйгансиз, эсдан чиқдими?

— Сезмаган эканман, Назарбой жўра, — деди Ошно, сўнг хотинига кулиб қаради: — Эшитяпсизми, Муяссархон, қадрдонимизнинг суюлганини?

Муяссар хоним хандон отиб кулди — қадрдонларининг суюлганига мутлақо ва қатъиян ишонмаслигини билдирди. Муҳсина хоним ҳам дугонасига қўшилиб кулди:

— Вой, ҳазилингиз ҳам бор бўлсин, дадаси!..

— Аёл ноҳақ ётибди, деган гумоним бор, — деди Яхшибоев. — Унга бирор ёрдам беролмайсизми, оқсоқол?

— Гумонингизни текшириб кўрамиз, — деди Ошно жиддийлашиб. — Айби йўқ бўлса... бўшатиб юборишади.

— Барака топинг, оқсоқол.

— Бечора аёл!.. — дея бемаврид хитоб қилди Муҳсина хоним. — Ундаям бола-чақа бордир?

— Хотирингиз жам бўлсин, боласи йўқ, — деди Яхшибоев унга тик қараб. — Бола қилиб улгурмаган. Оилали бир эркакка дуч келган экан.

Муҳсина хоним бақрайиб қолди. Чамаси, эридан бундайин сурбетликни кутмаган эди. Вазият анча жиддийлашди. Ошнонинг қовоғи солинди:

— Назарбой, — деди таҳдид билан, — тағин ўша эркак ўзингиз эмасмисиз?

— Мен ўзимман, оқсоқол, — деди Яхшибоев.

— Вой, ўйлаб гапиряпсизми!.. — деб қиқирлади Муяссар хоним. — Шу ҳазилингиз учун дугонам сизни ташлаб кетади-я!

— Кетмайди, — деди Яхшибоев. — Кетса, аввалроқ кетган бўларди. Тўғрими, Муҳсина?

Муҳсина хоним индамай бош ирғади. Ўзини соддабаёвликка солди — гўё бу гапларнинг унга дахли йўқ, шунчаки пайров, қўйди-чиқди пайрови, бехатару безиён, негаки, айбдор айбини юз фойиз бўйнига оляпти хўрозланиши бекор бунинг, ахир, ким ҳам осонликча жон бергиси келарди!..

— Ўртоқлар, — деди Ошно томоқ қириб, — ўртоқлар, бўлди энди, ўзимизга дохил гапларга қайтайлик, бегоналарни гапириб нима қилдик?

— Майли, — деди Яхшибоев. — Лекин, оқсоқол, ўша аёл ҳам сизга бегона эмас, чунки сиз — юрт оғаси, у — сизга сингил. Тўғрими?

— Маъқул, — деди Ошно чиройи очилиб. Ийди, ийгани баробар недир марҳамат қилгиси келди: — Гап бундай, ўртоқ Яхшибоев, биз бу масалани жиддий қараб чиқамиз. Сиз эса, кўнгилни тўқ тутиб, ижодни гуллатаверинг!

— Шартми шу? — деб сўради Яхшибоев.

— Албатта-да, — деб кулди Ошно. — Яна бир шарти шуки, янаги ҳафтадаёқ биз турган ҳовлига кўчиб ўтасиз. Яна бир шартки, Муҳсина хоним тезроқ саҳнага қайтсинлар. Кейин...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бу шартларни аввалроқ ҳам айтувдингиз, оқсоқол.

— Гапни бўлманг, Назарбой, — деб жеркиди Ошно. — Бу галгиси анча жиддийроқ. Ўзингиз ҳам тузукроқ иш топинг. Қалам ҳақига оила тебратиш қийин.

— Бир-икки жойга ариза берувдим, ишга олишмади.

— Сиз яна ариза ёзинг, — деди Ошно. — Ўйлайманки, бу гал илтимосингизни рад этишмайди.

— Майли, оқсоқол, фақат менинг шартим ҳам эсдан чиқмасин.

— Бу ёғини бизга қўйиб беринг, — деди Ошно, сўнг хотинларга юзланди: — Бу кишининг шарти — ўша аристон аёл. Дўстимга нима бўлган, а? Жуфти ҳалолининг ёнида тап тортмай қандайдир бегона хотинни гапиради-я! Уни озод этишга ёллашсам, тағин ўшанга уйланиб кетмайдими бу? Хўш, ким кафиллик беради?

Муяссар хоним билан Муҳсина хоним бирдан сергак тортдилар. Яхшибоев ҳал этгувчи фурсат етганини англади.

— Мен кафиллик бераман, — деди. Шундай дедию аёлларнинг юзлари ёришиб кетганини кўрди.

— Вой, намунча ваҳима!.. — деб ҳазиллашди Муяссар хоним. — Кафолатга бало борми! Дўстингиз ёруғ дунёда ёлғиз бир аёлни — менинг дугонам Муҳсинахонни яхши кўради. Тўғрими, Назар ака?

— Сиз доимо тўғри гапирасиз, Муяссархон.

Яхшибоев ортиқ савдолашиб ўтирмади, жавобни қисқа қилди. Сўнг эр-хотин меҳмонларнинг бир-бирларига қараб, маънодор жилмайганларини пайқади. Буларнинг вазифаси битди, деб ўйлади, шунга келишган эди, энди секин жилаверишса ҳам бўлади.

Янглишмаган экан — меҳмонлар тезда чиқиб кетишди. Уларни кўчагача узатиб қайтди. Қайтса, Муҳсина хоним стол тўрида маъюс ўтирган экан. Қўйиб берилса, тавба қиладиган чоғи бор. Хайриятки, Яхшибоев олдинроқ гап қотди:

— Овқатга уннанг, хоним. Ҳали замон ялоқхўрлар кеп қолиши мумкин.

— Уят бўлди, дўстингизни тузукроқ меҳмон қилолмадик, — деди Муҳсина хоним. — Суҳбатга аралашмоқни менга ким қўювди...

— Энди хизматчи ёллаймиз, — деб юпатди Яхшибоев. — Овқатни ўша қилади, сиз суҳбатдан четда қолмайдиган бўласиз.

— Назар ака, уларни атай чақирганим йўқ, — деди Муҳсина хоним овози сал қалтираб.

— Қизиқ гапирасиз, хоним, — деб илжайди Яхшибоев. — Дўст бўлгандан кейин келади-да. Меҳмонга айтиб тўғри қилибсиз. Боз устига, улар бошқа ёққа кўчиб кетишлари керак, яна қачон кўришамиз...

— Энди қийналиб қолмаймизми, ишқилиб?

— Йўқ, хоним, қийналмаймиз. Ошномизнинг дасти баттар узун бўлади энди.

— Сизни яхши кўрарканлар, дугонам айтди.

— Энди мени ҳамма яхши кўраверади, хоним.

— Ёмонми?..

— «Ёмон» деб ким айтди? Яхши, хоним, яхши бўлганда қандай!.. Тузукроқ овқат қилиб, кейин қўшниларга чиқиб туринг. Ким келганини кўрмаганингиз маъқулроқ.

Афсуски, Муҳсина хоним ўша кеч келган меҳмонларнинг барчасини кўрди, ҳаттоки уларга чой қуйиб ўтирди. Яхшибоев англадики, унга ҳам алоҳида т о п ш и р и қ бўлибди. Ичида, баттар бўл, деб ўйлади, майли, ҳаммасини кўр, ҳамма гапни эшит, зора ўзингнинг ҳам худди мен каби қўғирчоқ эканингни пайқасанг...

Кечки меҳмонларнинг аввали — гўринг нурга тўлгур Шариф Валломат эди. Келиб, бўккунича еб-ичиб, Жулқунбою бошқа «унсурлар»ни роса сўкиб, охири Яхшибоевнинг ҳали чоп этилмаган қўлёзмаларини олиб кетди. Сўнг ярим йилча ўтиб, ўша қўлёзмалар чоп этилганида, изидан икки-уч тақриз чиқарди. Тақризларида Яхшибоев тамом оқланган эди. Ўшандан бошлаб, то Шариф Валломатнинг қазосига қадар, улар иккови жуда иноқ яшадилар — гўринг нурга тўлгур Шариф, дўсти Яхшибоевнинг ғанимларига мисоли қутурган кўппакдай ташланиб юрди.

Яна бир меҳмон — Ўртақўрғон шаҳрининг энг атанган адвокати эди. Келиб, егулигу ичкиликдан озгина тотиниб, маҳбуса Олия Мўминшоеванинг номидан ариза битганини айтди; айб Олияда эмас, тўғонни ночорроқ қилиб лойиҳалаштирган олимларда, қолаверса, аёлни судда ҳимоя этолмаган нодон оқловчида экан.

Учинчиси олим — адвокатга қўшилиб келган ирригатор олим эди. У емай-ичмай, камтарину камсуқум бўлиб ўтирди. Адвокат уни таърифлаб айтдики, бу киши мавзедаги барча сув ҳавзаларини беш бармоғидай билади, кимсан зукко ғўзашунос олим Александр Шоймардоновичнинг суянган шогирди, ҳозир бу киши-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни ҳам устозига қўшиб Тошкентга таклиф этишган, агар зарурат бўлса, устози иккови қайси воҳада қанча ёмғир ёғишини, ҳаттоки литрига қадар, ҳисоблаб беради, шу жиҳатдан, ҳибсдаги Олия Мўминшоевага катта ёрдами тегиши мумкин. Ростдан ҳам, унинг ёрдами тегди: аёл ярим йил деганда оқланиб чиқди.

Меҳмонлар Олия ҳақида гапираркан, Муҳсина хонимнинг юзи қилт этмади — Яхшибоев ҳайратга тушди. Ғазабланди. Меҳмонлар эшитмайдиган қилиб, секин қулоғига гапирди:

— Оромингиз сал қимматга тушмадими, хоним?..

— Йўқ, — деди Муҳсина хоним баралла овозда. — Сизга қимматга тушган бўлса эҳтимол.

Ўҳ сен, ғари маккор, деб ўйлади, илон экансан, сени қўйнимга солган мен ўзим аҳмоқ!.. Уролмади, сўколмади, қайтага, дами ичига тушиб, ғамгин тортди. Ҳоли аянчлигини ўйлаб, бирдан йиғлагиси келди. Бўғзига қадалган тугунни бир зўр билан ичга ютди-да, жўнроқ ўйлай бошлади. Энди кўнгил ўнгланмайди, деб ўйлади, бир умр ёмон кўриб ўтаман, во дариғки, «қалб» дегани билан «қаллоб» деганларининг илдизи бирлиги рост экан!..

Тўртинчи меҳмон — ижроком вакили — ҳаммадан кейин келди. Унинг келишини Яхшибоев кутмаган эди. Вакил Яхшибоевга тузукроқ эътибор бермай, Муҳсина хонимнинг ўзидан, қайси кун кўчсангиз қулайроқ, опажон, деб сўради. Муҳсина хонимнинг, гарчи анчадан бери ишга чиқмаган эрса-да саҳна машқи эсида қолган экан — кўзларини ерга қадаб, кўчиш муддатини рўзғор эгаси билади, дея жавоб қилди. Яхшибоев, ноилож, хаёлига келган бир кунни атади.

Кўчишга ўзи аралашмади. Негаки, у яна бир бор ариза ёзган, бу гал аризаси инобатга ўтиб, тузуккина лавозимда — ўттиз нафар ходим, котиба ва ҳатто иккита муовин билан иш бошлаган эди.

Кейинчалик, ўзи ҳам Ўртақўрғондан Тошкентга кўчиб, янги жойда эришган каттароқ лавозимларидан ҳам воз кечиб, биргина нуфузнинг кучи билан яйраб яшаётган кезлари, тожик оғайниларининг таклифини қабул этиб, қўшни диёрга сафар қилганида Олиянинг дарагини эшитди. Олия қамоқдан қутулибоқ ота юртига қайтган, шу ерда бир помири тожикка тегиб, учта боласи билан ҳур ва фаровон кун кечираётган экан. Бориб бир кўрай деди-ю, ботинмади. Ёнида Муҳсина

хоним бор эди, боз устига, гумонали эди — ярасини тирнашни истамади.

Тўртинчи фарзанд туғилмагани — бутунлай бошқа масала. Ҳомилани олдириб ташлагани учун юрак бетлаб бир шапалоқ урганида Муҳсина хоним дугонаси Муяссар хонимга қўнғироқ қилгани, Муяссар хоним эри Ошнога арзу дод айлагани, Ошно эса дўсти Яхшибоевга қўнғироқ қилиб қойигани, бирор йилча юксак меҳрини дариғ тутгани... ким билсин, яна неча муддат Муҳсина хонимга мутероқ бўлиб яшагани ҳамон ёдида турибди, ҳамон аламини қўзғайди. Токи Муҳсина хонимнинг сонсиз-саноқсиз хархашалари Муяссар хонимнинг ҳам, Ошнонинг ҳам меъдаларига тегиб, ахийри яна бир бор юқоридан қўнғироқ бўлиб, «Ўртоқ Яхшибоев, бу инжиқ хотинни сал тийиб олинг-э!» деган рухсат бўлгунича, эҳ-ҳе, яна қанча қовун пишиги ўтади!

XI БОБ

Бемор

Эрталаб, нонуштадан қайтиб келиб, одати бўйича йўлақдаги дераза рафига суяниб ҳовлини томоша қилаётган пайти эди. Кўрса, «элчи» қурмағур касалхона дарвозасидан чиқиб кетяпти. Эни ўшаники, йўқ, адашмади, ўшанинг ўзи, неча кундирким кўраверіб шаклу шамойили ёд бўлиб кетди.

Палатага кириб амин бўлдики, «элчи» бу гал анча шошибди, келтирган пакетларини холодильникка жойлаштиришга ҳам улгурмай, барисини стол устида қолдирибди.

Навбатчи ҳамширани чақириб уришди.

— Касалхонами бу ёинки карвонсарой? — деб сўроқлади. — Илинган қаланғи-қасанғи кириб келаверса-я!

Ҳамшира индамай турди. Навбатчи врач келди, кейин бўлим мудири, бошқалар... Ҳаммасининг юзида хижолат, ҳаммаси сукутда.

— Миллион сўм пулимни ўғирлашди, деб даъво қилсам-чи? — деди Яхшибоев бош врач муовини Раҳматов ҳам етиб келганида.

— Бизда ҳеч ўғирлик бўлмаган, Назар Яхшибоевич... — ботинмайгина эътироз билдирди навбатчи ҳамшира.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Жим бўлинг, қизгина! — деб жеркиди уни Раҳматов. — Домла кўчма маънода гапиряптилар. Қандайдир бетайин кимсалар домланинг вақтларини ўғирлашяпти. Домла учун вақт дегани миллион сўмдан ҳам қиммат, шуни тушуняпсизми?

Навбатчи ҳамшира баттар мулзам тортди. Яхшибоев йиғин аҳлига қараб илжайишга уринди:

— Узр, инжиқлик туюлиши мумкин, лекин айтмасам бўлмасди, ўртоқлар.

— Э, айтиб тўғри қиласиз!.. — деди Раҳматов. — Орамизда гина-кудурат бўлмасин, ҳаммасини очиқ юзга айтиб олайлик.

— Балли, Раҳматов болам! — деди Яхшибоев муросага келиб. — Қизимизга жазо бериб юрманглар, ҳали ёш экан.

— Жазо бериш керак, токи эсидан чиқмасин...

— Шусиз ҳам эсидан чиқмайди. Билингки, мен уни васийлигимга олдим. Токи кетгунимча. Кетганимдан кейин ҳам. Уқдингми, Раҳматов болам?

Раҳматов бош эгиб, уққанини билдирди.

— Энди санитар хотинларга айтинглар, менинг палатамдаги лаш-лушларни йиғиштириб олишсин.

— Кетяпсизми, домлажон? — деб сўради Раҳматов ташвишга тушиб.

— Кетмайман, — деди Яхшибоев. — Анави халта-палталарни, ичидаги лаш-лушлари билан... Хушомадга опкелишган. Порага. Уқдингми, болам?

Яхшибоев йиғилганларни тонг қолдириб, виқор билан нари кетди. Ўл-а, деб ўйлади, касалхонани нақ саҳнага айлантириб юбординг-ку! Лекин зўр бўлди, айниқса — бошланиши! Хотимаси ундан ҳам зўр! Энди Яхшибоев бу ердан тузалиб чиқиб кетади-ю, то яна тумовга учраб қайтиб келгунича афсона кезиб юради: оқсоқол — принципли одам; оқсоқол — порани ёмон кўрадилар; оқсоқол бир гал сезиб қолиб шундай тўполон қилганлар!!!

Ҳамшира қизгинани ҳимоя этгани-чи?

Яхши, деди ўзича, Муҳсина хонимдан унча-мунча юққани рост экан.

Йўлакнинг нариги учига бориб қайтганида йиғин тарқаб улгурган эди. Биргина навбатчи ҳамшира стол ёнида ўтирибди. Юзлари қизарган, ботиниб қараёлмайди.

— Қизим, — деди Яхшибоев секин. — Чироғингиз ёниқ қолибди...

— Раҳмат, — деди қизгина шошиб. — Раҳмат...

Шошиб чироқни ўчирди. Уйқу қўнган киприкларини пирпиратиб илжайди. Яхшибоев ҳам илжайди. Оталарча, меҳри жўшиб. Қараса, қизгинага раҳми келиб кўзларидан ёш оқизадиган...

Қарияпмиз, деб ўйлади, болафеъл бўлиб қоляпмиз, сал нарсага кўнгил бузилаверади энди...

Ўзининг палатасига кирмади; эшик очиқ экан, ҳали фаррош кампирлар «элчи»нинг изларини йўқотиб улгурмаган. Ёндаги эшикни тақиллатди. Ичкаридан овоз бўлди. Кирди. Қўшниси, хумкалла олим, дераза олдида ўтириб соқол олаётган экан. Елка оша қарадию шошиб ўрнидан турди, каравотдан сочиқ олиб, совун суркалган юзини артди:

— Келинг, домлажон!..

— Ўртоқ Остонов кетдиларми?

— Кетдилар, — деди Хумкалла. Овозида недир ғайирлик зуҳур бўлди.

— Хосиятли палата экан палатангиз, болам, — деди Яхшибоев. — Ўртоқ Остонов тепага кўтарилиб кетган эмишми?

— Кўтарилмай баттар бўлсин, — деб тўнғиллади Хумкалла.

Ёқмабди, деб ўйлади Яхшибоев, халқ тўғри айтган ўзи, дўстни душман қилмоқ эрсанг — бирига амал бер, деб!.. Нима қилдик энди, ажралиб кетишсинми? Ё буниям кўтариб юборамизми?

— Болам, — деб гап бошлади, — тузалиб қолдингизми?.. Отингиз хаёлимдан кўтарилибди, Эркинов эди шекилли? Вадим Анваровичми?..

— Эркинов, — деди Хумкалла. — Эркинов, домлажон. Отим Шамси, Шамси Қамарович.

— Зўр экан-у, ҳалигача билмаганимни! — деб ажабланди Яхшибоев. — Қарилик-да, Эркинов болам. Энди эсдан чиқмайди. Шамси Қамарович! Қандай ажойиб! Ҳам шамс, ҳам қамар! Қандай замонавий бирикма! Менга яна бир бирикма жуда ёқади: Александр Шоймардонович! Ўзи ёқмайди, жипириқ бир чол, лекин исми ёқади. Александр Шоймардонович! Танийсизми уни?

— Э, у кишини танимайдиган одам борми! Гениал ғўзашунос-да!

— Гениал эмасдир-у, лекин ақлли одам. Баҳога сахий экансиз, демак, сиз ҳам ҳали кўтариласиз. Бириккита долзарб мавзу бор, шуни ёзинг. Сиздек бақув-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ват очеркачига мендек бир қари тулки маслаҳатчи бўлмаса қийин, нима дедингиз?

— Бош устига, домлажон! Узр, бу ўтиришда... соқол олаётиб... Мен бир чой қўйиб юборсам...

— Шартмас, жоним укам, шартмас. Сиз баҳузур соқолни олаберинг. Мен бир ҳол сўраб қўяй дедим-да... Дарвоқе, нега бу ерда ўтирибсиз? Ваннада сув йўқми?

— Қоронғи у ер, Назар Яхшибоевич. Лампочка куйиб қолибди.

— Нима бало, ўртоқ Остонов кетатуриб суғуриб олиб кетдимикан? — деб талмовсиради Яхшибоев.

— Йўғ-э, синган бўлса ахлатга чиқариб ташлагандир-да.

— Алдаяпсиз. У киши опкетиши мумкин, менимча, жудаям мумкин.

— Вообшимто мумкин, — деб илжайди Эркинов. — Рости, шу гап менинг ҳам хаёлимга келувди, домлажон.

— Аммо-лекин, назари пастроқ экан дўстингизнинг, — деб кулди Яхшибоевич. — Лампочка магазинда тиқилиб ётибди, олганга яраша анави... артадиган қоғозни ўрами билан кўтариб кетмайдими, ҳарна, тахчил матоҳ-да.

Иккови бир зум кўз қадашиб турдилар. Ахийри Эркинов чидолмади, пиқиллаб кулиб юборди:

— Авлиёсиз, домлажон!

— Маҳобатдир-э, Шамси Қамарович? — деб ўсмоқчилади Яхшибоев.

— Рост, домлажон, опкетгани рост, қоғознинг ярмини опкетибди...

— Маломатингиз ошиброқ кетди, ука, ахир, у бор-йўғи ярмини олибди-ку, — деди Яхшибоев ёлғондакам қовоқ уйиб. — Инсофли экан.

Ортиқ гап кавлаб ўтирмади. Менам жуда паст кетяпман, деб ўйлади, эрмагим Остонақулга ўхшаган ипирисқи майдакашлар бўп қолди. Манави, Эркинов, Шамси, боз устига — Қамарнинг боласи, буям ундан беҳроқ эмас. Палахмоннинг тоши булар, кимнинг сопқонига тушса, ўшанинг ғанимига бориб тегади. Илоё тегмасдан кетсин, бунақа тошларни вақтида токчага териб қўйган маъқул, олиб отишга қулай.

Палата эшиги секин чертилди. Рухсат бўлгач, ичкарига оқсоч профессор бош суқди:

— Бир минутга, Назар Яхшибоевич, сизда ишим бориди...

— Кираверинг, дўхтир. Тортинманг.

— Хуфяроқ гап эди-да, — деб хижолатомуз илжайди профессор.

— Менинг ўртоқ Эркиновдан яширадиган сирим йўқ, — деди Яхшибоев. — Гапираверинг.

Эркиновга қараб, унинг талтайганини кўрди; ўтиргиси, сирни эшитгиси бор эди.

— Боринг, — деб шипшитди Яхшибоев. — Бир шамоллаб келинг, Эркинов болам.

Эркинов илдам туриб, эгнига пиджагини илди:

— Мен бир шамоллаб келай, — деди баралла овоз чиқариб. — Сизлар бемалол гаплашиб олинглар.

Оқсоч профессор ичкари кирди. Эркиновнинг чиқиб кетгани сабаб бўлдими, гўё бу даргоҳ ўзиники эмасдай, қимтиниброқ турди, ҳатто қизариндики, Яхшибоев, айни ҳолдан завқи ошиб, мулозимат қилишга мажбур бўлди:

— Қани, дўхтир, уялманг, чўкинг бу ерга...

Профессор кўрсатилган курсига ўтирди.

— Укалардан ҳол сўраб юрувдим, — деди Яхшибоев чуқур сўлиш олиб. — Бизнинг аҳволимиз маълум, энди буларга қувват берсин, биз етмаган кунларга ҳам булар етсин!..

— Эркиновнинг касали оғирмас, — деди профессор.

— Э, ёшларни жин урармиди, касалнинг зўри мана, бизда-да, дўхтир!

— Сизникиям баҳона, Назар Яхшибоевич, — деб жилмайди профессор. — Ҳали бақувватсиз. Тишларингиз бутун.

— Тиш бутлиги — насиба бутлиги.

— Бизда тиш йўқ, Назар Яхшибоевич, лекин насибадан умид узмаганмиз.

— Хизмат, дўхтир? — деб сўради Яхшибоев муқаддима чўзилиб кетганини пайқаб. — Кабинкага чақирсангиз бўлади, мен ўзим борардим?..

— Бўлмасди, — деди профессор. — Мен ўзим сизга ялиниб келдим. Биттагина аппарат керак касалхонага.

— Пул йўқми?

— Лимитни еб бўлганмиз. Кўп пул ажратувди, лекин бу аппарат янги чиққан, ҳисобга киритмаган эканмиз.

— Пул-ку, топилар, лекин сизга жўн пул керакмасда, ўртоқ Ваҳобов? Тўғри тушундимми?

— Валюта керак, Назар Яхшибоевич.

— Афсуски, ёрдам беролмайман, дўхтир. Менинг китобларим чет элларда босилмайди, мени фақат ўз халқим ўқийди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Чет элда босилаётганлар ҳам ўзимиз қатори, Назар Яхшибоевич.

Демакким, Ошно келаркан, деб ўйлади Яхшибоев, анави Раҳматовга ҳам шу тайинлаган, токи Яхшибоев кетмай турсин, озгина хизмат қилсин, кейин — майли, тўрт тарафи қибла, уйида ўладими, саҳрога бош олиб чиқиб кетадими, лекин аввал шу битта аппаратни ундириб берсин.

— Сиз роман-поман ёзиб турасизми, ўртоқ Ваҳобов?

— Йўғ-э, маломат қилманг, Назар Яхшибоевич.

— «Ўзимиз қатори» деганингизга айтдим-да, — деди Яхшибоев пинак бузмай. — Аммо-лекин, ёзсангиз бўларди, сердаромад иш.

Профессор мазахни сезди, огринди, лекин чурқ этмади.

— Қанча пул керак? — деб сўради Яхшибоев.

— Ярим миллион.

— Кўп экан. Госплан ҳал қиладими?

— Улар жуда хасис, Назар Яхшибоевич. Биласиз, аппарат менга эмас, касалларга керак. Бугун яна биттаси нобуд бўлди.

— Аппарат сизгаям керак, ўртоқ Ваҳобов, — деди Яхшибоев. — Бу касалхонага с и з бошлиқсиз, обрўси ҳам с и з н и к и. Агар ўшандай аппаратдан учта сўраб, кейин иккитасини қишлоқ касалхонасига жўнатганингизда эди — мен сизга ишонардим. Ҳозирча, кечирасиз-у, ишонолмай турибман. Дейлик, Какайди қишлоқ касалхонасига.

— Қаерда у?

— Билмадим, лекин шунақа қишлоқ бўлиши мумкин-да, ўртоқ Ваҳобов.

— Ёрдам беролмайсизми? — деди профессор ҳафсаласи пир бўлиб.

— Қисталанг қилсангиз, иложим қанча, мажбур бўламан, — деди Яхшибоев. — Менгаям жон ширин, тағин жаҳл устида маргимуш-паргимуш бериб қўясизми... Ёрдам беришга мажбурман. Лекин бу — жуда майда масала, ўртоқ Ваҳобов. Гапириб ўтиришга арзимайди. Сиз аввал ўзингиз бир уриниб кўринг, кучингиз етмаса, ана унда бизга келасиз.

Ваҳобов индамади. Қаттиқ ранжиди. Ранжигани ростдирки, югургудай бўлиб палатадан чиқди. Яхшибоев деразага юз буриб ўтирган эди, ёнгинасидан ҳилпираб ўтган оқ халат этагини кўришга улгурди, холос. Қайрилишга хуши бўлмади.

Балли, ўртоқ Яхшибоев, деди, ал-қасосул мин-ал-ҳақ, озгина қитиқлаганимиз тузук бўлди. Ўзига ўзи ўхшамай қолди бу оқсоч дўхтир, кимсан профессор, кимсан Ваҳобов, нуқул киноя қиладиган, ичимнинг равонлигидан, ичимда сўз турмаслигидан нақл этадиган Ваҳобов, икки гапининг бирида «азизим» деб эркалайдиган Ваҳобов, мушук-сичқон ўйнайдиган Ваҳобов, хўш, энди ким мушугу ким сичқон бўлди?..

Бировга қолган кун — кун эканми!..

Кекчиман, деб ўйлади, эсимдан чиқмайди ҳеч гап. Ўшанда, бу бечора аския килганида, чирой очиб кулгандай ҳам бўлувдим, ва ажаб, роса ўтиб кетган эканда... мадда ёрилиб кетди-я... Лекин, барибир, номардлик бўлди, Ваҳобовнинг ожизроқ пайтини пойлаганим ёмон бўлди. Энди дори-порини аяши мумкин, лекин... маргимуш бермаслиги аниқ. Мағрур экан қурмағур, киборгина, билимли, дидли, дунё ўзимники деб ўйлайди — мисоли чиройли хотиннинг эридай!.. Дарвоқе, бунинг хотини кексароқ, ўзининг тишлари тушиб кетган, сунъий жағ билан юрибди, хотиниям бирор марта тиш ташлаган чиқар? Ажаб, бировни чўян қозондай қизитдим-у, ўзимнинг кўнглим муздай. Асаб мустаҳкам шекилли-да?..

Секин ўрнидан туриб, ташқарига — йўлакка чиқди. Дераза ёнида турган Эркиновнинг ёнига борди. Эркинов ялтоқланиб илжайди.

Буниям анави Остонақулга қўшиб жўнатиб юборсам бўларкан, деб ўйлади Яхшибоев, хира пашша бўлади энди, бекор кирдим, бекор гаплашдим... Энди бирор маврид кутишга мажбурман, бирорта мансабми, хушхабарми...

— Ҳамширага айтинг, Шамси Қамарович, — деди, — сартарош Мишани чақириб берсин...

— Ўнғайсизроқ-да, домлажон.

— Ўрганинг, Шамси Қамарович. Уялган қиз эрсиз қолади.

— Майли, — деди Эркинов. — Сизам соқол олдирасизми, домлажон?

— Мени қўятуринг, болам. Соқол олдирсам чиройли бўп кетаман. Бугун мени кўргали кўп одам келади, мундоқ... касалга ўхшаб турмасам бўлмайди. Асал қизим! — деб чақирди Яхшибоев навбатчи ҳамширани. — Мишани топинг, бу кишининг палатасига кирсин. Кейин монтёр боланиям топинг, бу кишининг чироғи ўчиб қолган эмиш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Лампочка бор, Назар Яхшибоевич, — деди ҳамшира. — Запас олиб қўямиз.

Ҳамшира стол ғаладонини кавлашга тушди.

Яхшибоев ўзининг палатасига кирди. Даҳлизчада секин хиргойи бошлади-ю, дарров жим бўлди. Ичкарида кимдир ўтирганини сезди. Шошилмай, ваннахонага кириб, юз-қўлини чайиб, артиниб, шундан кейингина ичкарига ўтди. Янглишмаган экан: тўнғич ўғил келибди. Негадир севинмади, шу пайтгача бирор марта келмаганини эслади, сўнг бадгўйлик билан ўйладики, буям бекорга келмаган, онаси қузгун бўлгандан кейин, қузғунчаям ҳид-пид олиши тайин-да.

— Аввал, — деди хиёл ажабланган бўлиб. — Сенмисан?

— Ада, — деди Аввал, сўнг ўрнидан туриб, отасини қучоқлади. — Тузалдингизми, ада?

— Тузаляпман, тузатмай қўярмиди.

Тузалмасам сенга соз бўларди, деб ўйлади ичида, ҳарна, мерос-перос дегандай. Васият-пасият деган нарсани эшитиб келган чиқарсан?..

— Келолмадим, ада.

— Келувдинг, болам. Аянг билан келувдинг, — деб эслатди Яхшибоев. — Ичкарига кирмасанг ҳам, мен сезиб турдим-да. Ота бўлгандан кейин сезади-да, болам.

Диққат қилса, кўнгли бузилиб боряпти. Ўзини ўзи ёмон кўриб кетди. Бўлди-э энди!

— Киролмадим, ада, уялдим, — деди Аввалбек. — Кирсам сўкар эдингиз.

— Сўкмас эдим, болам, — деди Яхшибоев. — Асли сени болаликда кўпроқ сўкиш керак эди, энди жуда кеч... Хўш, нега уялдинг?

Аввалбек индамади. Бошини қуйи солди. Яхшибоев кўрдики, ўғли қарий бошлабди. Бошида пиёладай тепакал; сочини ортга силлиқ тарашида шу синоат бор экан. Ранги синиққанроқ. Йўқ, бошдан шундай, бирор йигирма ёшидан бери — наша-паша чекса керак. Чизган суратлари ҳам ўзига ўхшайди — сўникроқ. Қизилу яшил ранглар деярли учрамайди — гўё бу суратларни Яхшибоевнинг фарзанди чизмагандай. Сураткашларнинг раиси худди шу гапни айтган: ўртоқ Яхшибоев, бу суратларни сизнинг ўғлингиз чизмагандай, уларда бахт ва шодлик нафаси сезилмайди.

Мен унинг бахтидан қиймадим чоғи, деб ўйлади Яхшибоев, еб-ичиши жойида эди, кийиниши, юриш-туриши жойида эди, хотин жонивордан ҳам иккита об-

бердим, иккисини ҳам кўнгил бериб олди, кўнгил берган-у, хотинликка олмаганлари ҳам унча-мунча бўлса керак. Уй ҳам оббермоқчи эдим, ўзи унамади. Менга ёқмади-ю, лекин тўғри қилди, сабабки, ўзига тузукроқ, алоҳида рўзғор тутиб, алоҳида ташвиш чекмайди, топган-тутгани чўнтакка қолади. Шу ишларига қараганда анча ақлли йигитдай, лекин нега унда бугун бунчалар маъюс?..

— Союзга ўтдингми, Аввал? — деб сўради Яхшибоев. — Эсимдан чиқибди суриштириш.

— Бир йил бўлди-ку, — деди Аввал ғижиниброқ.

Ҳа, дарвоқе, суратқашларнинг раисига айтганига ҳам бир йилдан ошди. Аввалбекнинг суратлари сўниклигидан раис қурмағур худди ўшанда нолиш қилувди. Ғингшиди лекин, ёшлардан нолиди, одобни билмайди булар, деди, буларнинг қўлига ўтса борми, ҳамма ёқни остин-устин қилиб юборишади, гўримизга тупуришади, Назар Яхшибоевич!

Турган гапки, унга Яхшибоев ишонмади. Раис анча суллоҳ эди. Йўқ, суллоҳлар сал ақлли бўлади, бу — гирт аҳмоқ. Қарига ёшни ёмонлайди, ёшга қарини ёмонлайди, ўзича кафтларини бир-бирига ишқалаб ҳузур қиладики, бопладим бу лақмаларни!

Ўзича лақиллатдим, деб юради-ю, ёшлару қариларнинг орқаворотдан иноқлашиб кетганидан, ўзаро мулозамат қуюқ эканидан буткул бехабар: аввал сиз, оқсоқол! йўқ-йўқ, аввал сиздан, сиз ёшсиз, укажон!

Лекин, суратқашларнинг раиси нафини билади. Энди, шуниям билмасинми! Аввални союзига қабул қилганида камтарлик қилиб келмади, лекин ўзига унвон тегканида келди, келиб Ошнони мақтаб ўтирди, гўё қаршисида Яхшибоев деган жонли одам эмас, балки Ошно қўйиб кетган магнитофон тургандай: энди, у киши жуда буюк одам... у кишининг бевосита раҳбарлиги остида... у киши маъқул кўрсалар... замон руҳини у кишидан ўргансак арзийди...

Ўшанда Яхшибоев ғижинди. Вой сен пандавақи, ростданам магнитофон бўлиб мансабингдан учириб юборайми, деб ўйлади, лекин унвондор рассомнинг серфарзанд эканини эслаб, ғазабини тийди. Бир ҳисобда, суратқаш бечора ҳам ўзича ҳақ эди. Сабабки, Аввалбек суратқашлар союзига Ошнонинг сурати билан ўтди. Сурат аслидан кўчирма эди. Сеансга бир соатча сарф бўлди-ю, лекин тайёргарлиги роса бир ойга чўзилди. Ошно ўшанда пахта билан овора эди: бугун — у воҳа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да, эртага — бу воҳада. Хайриятки, Муяссар хонимнинг кўнгли дугонаси Муҳсина хонимни тусаб қолдида, Ошно билан Яхшибоев ҳам уларнинг висолига илова бўлиб, каттакон ҳовлининг кенг саҳнида учрашдилар. Мольберт тайёр эди, бўёқлар тайёр эди. Радиочиларга қойилки, айни ўша соатда каттакон бир областнинг пахта планини бажартиришган экан, шунинг шодиёнасини эфирга қўйиб юборишди. Бир ёқдан Рўзмат Гойипов рапорт беряпти, бир ёқдан артист халқи қарсиллатиб ашулани оляпти, фарғонача, хоразмча, фузулийча; дастурхон жуда тўкин, ҳаво очиқ — иссиқ ҳам, совуқ ҳам эмас; дастурхон атрофида Ошно билан Яхшибоев иккиси ёлғиз, иккисининг ҳам кайфияти чоғ, иккисининг ҳам хаёлида миллионлаб эгатларга сочилган теримчилар, осмонни ўпай деб турган улкан пахта хирмонлари — фахр, шуур уфқидаги алвон шафақлар! Шунда Яхшибоев секин таклиф қилдики, оқсоқол, шундай ажойиб кунда бир суратга тушсак. Ошнонинг суратга тушишга майли бор экан, хиёл афсусланиб айтдики, иложимиз йўқ, ўртоқ Яхшибоев, Уста Абрам командировкага кетган. Яхшибоев Ошнонинг шахсий фотографи Москвага махсус плёнка ундиргани кетганидан воқиф эди. Агар рухсат берсангиз: сураткаш ўзимиздан чиқарди, деди, мана, фарзандимиз Аввалбек муҳаррирликка ўқиган. Э, шундайми, деди Ошно жилмайиб, бу, ўртоқ Яхшибоев, фотограф тузук эди-да, рассом халқи одамни сал толиқтиради-да. Албатта, оғир иш, деди Яхшибоев, сизу бизки пўзага туриб шунча қийналамиз, рассом бечораларнинг аҳволини тасаввур этаверасиз. Ошно сал юмшади. Майли, деди, ёш авлоднинг кўнгли қолмасин, ўғлингиз рассом эканидан бехабар эканман, ўртоқ Яхшибоев, мен уни дипломатликка ўқитасиз, деб ўйлаган эдим. Яхшибоевнинг юраги шув этиб кетди. Ҳозир юзимга солади, деб ўйлади, мен ўғлингни ўқишга киритиб қўювдим, дипломатликка ўқиётувди, энди нега рассомлик қилиб юрибди, деб айтади!.. Йўқ, бекорга хавотир олган экан, Ошно ортиқча гап кавлаб ўтирмади. Аввалбекнинг дипломатлик ўқишини ташлаб, рассомлик қилиб юрганини кечирди. Бу орада Аввалбекнинг ўзи уйдан чиқиб келди. Эгнида одмироқ кийимлар, шими ҳам, кўйлаги ҳам ёзувсиз, сидирға матодан — Яхшибоев либослар Оллоёрга тегишли эканини дарров пайқади — саломлашиб, одоб билан бир муддат сукут сақлаб, кейин, буйруқ бўлгач, гўё энди эшитгандай хиёл ажабланиб, хижолат чекиб, чўчиб-ҳадиксираб, уйга қайтиб кириб, гўёки махсус тайёргарлик кўрган бўлиб, ахийри дастурхондан сал нарига учоёқ мольбертини ўрнатди. Ошно жиддийлашиб, курси суянчиғига яғрин ташлади. Аввалбек фанер тахтачага мойбўёқлардан лахта-лахта сиқиб чиқариб, илдам ишга киришди. Яхшибоев мольберт ёнига бориб, Ошнога қаради: рангли суратлардаги аксига жуда ўхшабди, кенг стол ортида ёлғиз ўзи ўтирибди. Ҳорғинроқ қилиб чиз, деб секин шивирлади ўғлига, ҳорғин бўлсин, ўйчан бўлсин, кейин анави совуқ бўёқларингни камроқ қил... Ошнонинг ҳурпайиброқ олганини кўриб, унинг ҳам ёнига борди. Чарчабсиз, оқсоқол, деди, лекин чарчоқ сизга ярашаркан, энди, шунча халқнинг ташвишини чеккан одам ҳорийди-да... Лутф Ошнога ёқди шекилли, ростдан ҳам юзига ҳорғин тус берди — гўё хаёли паришон, гўё эл ғами елкасидан юк бўлиб босган... Яхшибоев ичида кулди. Четроқда турган курсига жимгина бориб ўтирди. Ичкаридан хотинларнинг шўх қийқириғи келди — Муяссар хоним билан Муҳсина хонимнинг гурунги авжида эди. Қийқириқ яна такрорланди. Ошно сал безовталанди чоғи, маънодор томоқ қирди. Яхшибоев уй остонасида туриб, юрт оғасини ағрайиб томоша қилаётган Робиға-Робия-Робига секин имо қилди: айт, ўчиришсин. Хизматчи хотин ичкари кириб айтди. Кулги секинлашди, сусайди. Лекин ғўнғир-ғўнғир овозлар ҳам шўх эди. Нимадан кулади булар, деб ўйлади Яхшибоев, тағин биз иккимиздан кулаётган бўлса-я? Шунақа гумони бор эди. Бошдан бор эди шунақа гумони. Гарчи Муяссар хоним катталик қилиб, Муҳсина хонимдан пайти-пайти билан аразлаб турса-да, аслида тили бир буларнинг. Ажабмаски, бир замонлар икки дугона маслаҳат қилиб, мана, ихтиёримизда Булдуруқдан тентираб келган иккита содда-меров бор, биридан арбоб, унисидан арбобга маддоҳ ясаймиз, деб келишиб олишган бўлса! Кейин улар қуръа ташлаган, арбоблик Ошнонинг, маддоҳлик менинг чекимга тушган. Шунақа бўлиши мумкинми? Жудаям мумкин. Э, бу хотин зотининг макри қирқ эшакка юк бўлади. Ана, биттаси, галатепалик Эломоновнинг хотини, Гунафшами, Райҳонми — ишқилиб, қайсидир гиёҳнинг отини қўйиб олган ўзига, ўшаям эридан амалдор ясагани аён-ку! Айтмоқчи, уларнинг ўғлиям рассом эмиш, кимсан Шамси Тўранинг суратини чизган деб мақташарди. Тўғри, Шамси Тўра Ошнонинг қаршисида бургут ёнига қўнган попишакдай гап, лекин улар учун

www.ziyouz.com kutubxonasi

катта-да... Қолаверса, гап катта-кичикликда эмас, йўриқнинг ўхшаш эканида. Эндиликда Шамси Тўра Эломоновдан юз ўгирди, хўш, пайти келса, Ошноям биздан юз ўгирадими?.. Дарвоқе, Эломоновнинг тақдирини ҳозирча ўнгласа бўлади. Бу жуда осон, дейлик; ҳозир уни эслаган бўламизу Ошнога айтамиз.

Айтди ўшанда. Ошно Эломоновни ҳадеганда эслайвермади. Лекин Яхшибоев билардики, эслайди, эслаши аниқ, кимсан Давлат Хушвақтов ўзи уйлантирган, ўзи мансабга қўйган кимсани эсламай иложи йўқ, сабабки, у пайтларда Хушвақт Давлатов Ошнодан нуфузлироқ эди, бинобарин, унинг шогирдларига андак ғайирлиги бўлган, хусусан, Эломоновга ҳам. Хайрият, Ошно эслади, лекин баҳона топди: ўзингиз ўйланг, ўртоқ Яхшибоев, беобрў одамни қайта тикласак, боз устига, у одам Галатепадан бўлса, орамиз анча яқин, тилига кучи етмаганлар бизни маҳаллийчилик қиляпти, деб ўйлашмайдими? Доғули эди Ошно. Яхшибоев яна бир бор тан берди. Ноилож қолиб дедики, агар рухсат бўлса, мен ўзим унга ёрдамлашсам, шунга ваколат берсангиз. Майли, деди Ошно, ёрдам беринг, лекин ваколатингизни ошириб юборманг, ўртоқ Яхшибоев. Шу жойнинг ўзидаёқ Бакировга қўнғироқ қилиб Ошнодан салом айтди, сўнг, ўртоқ Эломоновга бирор иш берсангиз, деб тайинлади, енгилроқ бўлса ҳам майли, дейлик, газет-пазетдан. Бакиров хушламай турди, эътироз қилдики, ўртоқ Эломонов газет ишини мутлақо билмайди, деб. Унда редактор қилиб тайинланг, деди Яхшибоев аччиқланиб, редакторликни эплайди! Шу билан гапни тугатиб, яна дастурхон ёнига қайтди. Ошно муқим бир алпозда тураверіб толиққан бўйнини сал буриб ҳазиллашди: мен бехавотир жон таслим қилсам ҳам бўлавераркан, ўртоқ Яхшибоев, сиз топшириқ беришни зўр ўрганибсиз. Энди, оқсоқол, Бакировга ҳаддимиз сиғадида, деди Яхшибоев айбдорона жилмайиб, ҳали кичкина эканида, катта ўқишни эндигина тугатай деб турганида уни ёнингизга етаклаб борган мен ўзим эдим-да. Гуноҳга қолasиз, ўртоқ Яхшибоев, деб койиган бўлди Ошно, кадрларингиз хато қилса, биринчи навбатда сиз ўзингиз жавоб берасиз.

Бакиров панд берганини, Эломоновни бор-йўғи ҳафтада бир чиқадиган варақага муҳаррир этиб тайинлаганини Яхшибоев кечикиброқ билди. Ғазабланди, лекин бундоқ танига ўйлаб қараса — Бакиров ҳақ экан. Эломоновнинг лойи бўшроқ. Ҳозирча, токи муовини Қўшшаев қилган қилғилиқларнинг ҳиди босилгунча сабр қилган маъқул, кейин, ажабмаски, бирор шаҳар-паҳаргами, район-пайонгами ижроқўм раиси қилиб ўтказилса, ана унда тузук бўлади, токи пенсияга чиққунича ўша жойда ғимирлаб юраверади... Лекин ҳозирча бу гаплар йўқ. Ҳозирча Аввалбек Ошнонинг суратини чизяпти, совуқроқ рангларни камроқ ишлатиб чизяпти, мана, чизиб тугатди ҳам, хонимлар ҳам чиқди, уларни Яхшибоев чақирди. Келиб, иккиси ҳам суратга тикилиб қолди. Яхшибоев Ошнога қаради, кўрса, Ошнонинг юзида қўрқувга ўхшаган бир нарса. Вой содда, деб кулди ичида, қиз боланинг кўнглига ўхшайди бунинг кўнгли, хунук кўринмоқдан чўчийди.

Сурат яхши чиқди. Фақат Муяссар хоним қийиқ топишга уринди: кўзлари ғамгинроқ. Хайриятки, Ошнонинг ўзи суратини бориб кўрди, маъқул топди, айниқса — ўйчанлигини, ҳорғинлигини. Сўнг Муяссар хонимга кулиб дедики, тўғри айтасиз, хоним, сиз қаршимда бўлмаганингиздан кейин албатта кўзларим ғамгин бўлади-да!..

Кейинроқ сурат сал тўлдирилди. Сабабки, Ошно бўм-бўш стол ёнида ёлғиз ўтирган экан, теграсига бир гала ёзувчини, бир гала олимни, бир гала артистни чизиб, нақ бир деворни оладиган қилиб катталаштириб, сўнг муаллиф бўлмиш фарзандларнинг сарвари Аввалбек «Илму ирфон гулшани» деган номни отаси Яхшибоевдан қарзга олиб, суратқашларнинг союзига элтдики, ҳамма қарсак чалиб қабул этди — суратиниям, ўзиниям.

Мана, бугун, касал отани кўргали келиб, бошини хам қилиб ўтирибди. Шундоқ келмасди, бирор балони бошлаб келган: ё машинани симёғочга оборіб урган, ё маст бўлиб мелисага тушган, ёинки... Яхшибоев ортиқ бош қотириб ўтирмади, Аввалбекнинг ўзи айтарини кутди.

— Ота, — деди Аввалбек. — Маслаҳат сўраб келдим.

— Хўш, ўғлим?.. — Яхшибоевнинг қулоқлари динг бўлди. Аввалбек «ота» сўзини камдан-кам айтарди, «ада»га кўпроқ ўрганган эди, Муҳсина хонимнинг ўргатганики, кўпроқ пул сўралганда, қўлланади. — Хўш, ўғлим?

— Сизнинг хотинингиз нечта? — деб сўради Аввалбек.

Яхшибоев бунақа саволни кутмаган эди. Ўғлига тузукроқ қаради: йўқ, маст-паст эмас, наша чеккан бўлсаям кеча ёки бурноғи куни чеккан, туппа-тузук ўтирибди.

— Бир вақтлар менга ая обберамаи деган эдингиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яхшибоев бу гапни қачон айтганини аниқ эслай олмади. Чамаси, Олияга хуштор бўлиб юрганида айтгандай. Тўғри, фақат ўшанда айтиши мумкин эди. Олиядан бошқасига тузукроқ кўнгил қўймаган, кўнгил эмас, шарт қўйганки, болангга эмас, ўзингга алимент тўлайман, деб. Сўнг ҳаммасини бир-бир эрга бериб қутулган.

— Тушунмадим, болам, — деди Яхшибоев талмовсираб.

— Хотинингиз нечта, деб сўрадим.

— Саволингга жавоб бермасам, болам, одамни уялтирма. Биласан, оила — муқаддас нарса. Жазман-пазман бўлган бўлиши мумкин, лекин мен доимо сизларни ўйлаганман, сени, укангни, синглингни...

— Аямни-чи?

Яхшибоевнинг жаҳли чиқди:

— Нима, сен бу ерга терговчи бўп келдингми?

— Сўрадим-да, ада, нега жаҳлингиз чиқади, — Аввалбек тамакидан сарғайган тишларини кўрсатиб кулди.

Э худо, деб ўйлади Яхшибоев ғижиниб, бу ҳали мендан олдинроқ кетади, афт-ангорига қара, исқирт, қилтириқ, маймуннинг ўзгинаси, ўзимдан бўлганига ишонгим келмайди.

— Сен сал босиқроқ бўл, ўғлим, — деди у ғазабини босиб. — Ўзбекчиликда ўғил отадан бунақа гапларни сўрамайди. Ҳар банда ҳаддини билгани маъқул. Жазман асраш сенинг қўлингдан келмайди, болам. Битта хотинни эплаб юрсанг ҳам катта гап.

— Эплаёлмай қолдим, ада.

— Унда нашани ташла.

— Нашадамас гап, кўнглим йўқ унга. Ҳайдайман.

— Ҳолингга қара, ўв! — деди Яхшибоев овозини баландлатиб. — Биринчидан, сен ҳали хотин ҳайдайдиган чоққа етишганинг йўқ, у сени ҳайдаса ярашади.

— Билмадим, ишқилиб, ажрашамиз... Шунга келувдим.

— Аянг нима дейди?

— Аям келини тарафда.

Хайрият, деб ўйлади Яхшибоев, Муҳсина хонимнинг ҳам серсавоб қилиқлари топилади. Аслида у киши савобга муҳтож эмас; ўғил талоқ айтса, келин уйдаги лаш-лушларни талоққа қўшиб кўтариб кетишидан чўчийди, холос. Аввалбек эса мутлақо чўчимайди. У онасига нисбатан ақллироқ, Тамаранинг чўлтоқ супургини

ҳам олиб кетмаслигини билади. Тамара эрдан ҳам, уйдан ҳам, айниқса қайнонадан аллақачон безор бўлиб улгурган, уни бу ерда ушлаб турган ягона нарса — қаппайган қорни. Ортиқча асабийликдан қўрқади, зиёни тегмасин дейди. Аввалбекка қолса, ажабмаски, гумонасини вақтида олдириб ташлатган ҳам бўларди. Буниси аниқ, анча ой аввал, ҳали қорин қаппаймасдан туриб, эр-хотин бир-икки ҳафта тўрсайиб юришган эди. М а с а л а ўшанда муҳокамага қўйилган. Аввалбек ундаган, Тамара кўнмаган. Энди, қарабсизки, манави олабўжи қилтириқдан ҳам зурёд қолади. Тамара — жўнгина рабочийнинг қизи, отасининг илғорлиги қизига қўйган замонавий исмидан нарига ўтмаган, жўжабирдай жон, уйда яна икки-учта қизи бўй етиб турибди, энди бу қайтиб борса ортмоғини орқалаб... яхшими шу?

— Аҳмоқсан, Аввалбек! — деди Яхшибоев. — Асли туғилмасанг бўларкан.

— Мендан сўраб ўтиришмаса не қилай? — деб ҳиринглади Аввалбек.

Гап таъсир қилмайди, деб ўйлади Яхшибоев. Ўйладию бирдан осойиш топди. Барибир, фойдаси йўқ эди. Биринчи бор сўкиши эмас, лоф бўлсаям бирор минг бора моховга ошна қилиб сўккандир?.. Балки шунинг учунмики, териси қалин бунинг, жуда қалин, кўзини лўқ қилиб тураверади. Бугун нима ниятда келганини тушуниб бўлмаяпти. Тамарадан бежизга ажралмоқчи эмас, бирорта рассом-пассом қизалоққа илиқишиб қолган бўлиши мумкин. Тавба, мана шу маймундан, илинган хотинга эргашиб кетадиган мана шу бузоқдан босиқ-мулойим дипломат чиқишини ўйлаган Ошнонинг ҳам дидига қойил!..

— Энди кимга уйланмоқчисан? — деб сўради Яхшибоев.

Аввалбек шу гапни кутган экан, сал чиройи очилди.

— Биринчи хотинимга, — деди, сўнг отаси ҳайратга тушиб улгурмасидан давом этди: — Бўлмади, ада, Тамара яхши одам, лекин... кўнглим биринчи хотинимда экан, кечикиб билдим, асли ажралмасам бўларкан, лекин аям қистаб қўймади, туғмас деди, бало деди, баттар деди, мана энди, қўлдан чиқариб ўтирибман...

— Туққан эмишми? — деб секин гап қўшди Яхшибоев.

— Ўғил туғди, — деди Аввалбек фахр билан, гўё ўзи туққандай. — Исмини Назар деб қўйди.

— Эри кўнибдими?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Э, эрми у, латта-ку!.. — Аввалбек, чиройи тобора очилиб, беписанд қўл силтади. — Номига эр-да, ада.

— Шу, мен бугунги ёшларнинг ишларига кўпда тушунмайман, Аввалбек ўғлим, — деди Яхшибоев. — Бугун ажрашади, эртага ярашади. Хўп, майли, Тамарага ,талоқ айтдинг ҳам дейлик, лекин эртага яна яраша-ман деб ялиниб бормайсанми?

— Гап битта, ада, бормайман. Оқ фотиҳа берсангиз, бас.

Яхшибоев ўғлидан айни сўзни эшитиб ҳайратланди. Ҳайрати тарқаб ўйладики, э, сен садқаи оқ фотиҳа кет, сенга берилган фотиҳа манзилига етмасдан қорайиб куйиб кетади.

— Мен розиман, болам, — деди, сўнг секин иҳранди. — Бир кунлик умрим борми-йўқми, сизларга атаганман. Лекин Тамарани ҳозирча ташлаб қўйсак бўлмайди.

— Уям шу фикрда, — деди Аввалбек.

— Ким? — деб сўради Яхшибоев тушунмай. — Тамарами?

— Йўғ-э, Тамара ҳеч нарсани билмайди. Биринчи хотиним шундай деяпти. Биласиз-ку, ада, у жуда юмшоққўнгил.

— Рост айтасан, болам, — деди Яхшибоев. — Ростдан ҳам юмшоққўнгил. Сен энди чўпоннинг боласидан ҳам бир ҳикмат эшит. Битта бўрибосар итимиз бўларди ўтарни қўриқлайдиган. Шунга ялоқда овқат берардик. Отам раҳматли нашавандроқ одам эди, итини ҳам ўзи қатори кўрарди, ўтарнинг ҳурматини қилиб, итининг ялогини ҳар наврўзда янгилар эди. Буни қараки, Олапар деган бўрибосар янги ялоқда ювинди ялаганидан кейин эскисига қайрилиб ҳам қарамасди.

— Мени итга ўхшатманг, ада!

— Ўхшатмадим, болам, сен унга ўхшамайсан. Айтмоқчиманки, агар Олапар сенинг ўрнингда бўлса аввал қўйган хотинига қайтиб яна уйланмасди.

— Мен уйланаман!

— Билганингни қил, болам. Лекин икки эр кўрган хотин бирига қаноат қилармикан?..

— Сиз муҳаббат нелигини билмайсиз, ада! Муҳаббат ўзини ўзи тўйғазади!

Ол-а, деди Яхшибоев ичида, сен қилтириқни тўйғазиши мумкин, лекин уни тўйдиролмайди. Худо кечирсин-у, лекин собиқ келин сал йўрғароқ эди, ўзим билмайман, сезганим йўқ, лекин Оллоёр бечора ҳали

бўйдоқ эканида бир-икки бор шикоят қилиб келганки, ада, келинингиз қўймаяпти, деб!.. Хайриятки, инсофи бор экан кенжа ўғилнинг, аканинг хасмига кўз олайтирмади, хайриятки, менинг ёнимга додлаб келди, хайриятки, келинники боз хуруж қилса дош беролмай юрмасин деб Оллоёрнинг ўзини ҳам уйлаб қўйдим. Тўғри қилган эканман, мана, иккови аҳилу иноқ яшаб юрибди, гулдай фарзандлари бор, тўнгич келин эса... кетди, энди униям фарзанди бордай, лекин фарзанд кимники экани аниқ эмас... Тўймайди у, икки нафси ҳам ёмон унинг, опкетган лаш-лушлари озлик қилган шекилли, яна бир марта Яхшибоевнинг хонадонига салб юриши қилмоқчи, бу гал юришида бандаи мўмин Яхшибоевни қурбон қилиб, меросдан каттароқ улуш олиб кетмоқчи! Мана, оласан!.. Яхшибоев қандайдир салбу-жалбчиларнинг юришларидан қулайдиган қўрғон эмас, пойдевори мустаҳкам, калити тайин жойда турибди — иштонбоғга осиғлиқ, сенга ўхшаганларнинг қўли етмайди!

— Болам, — деди сал ўзини босиб, — мен-ку розиман, лекин аянг билан уканг рози бўлмайди-да. Боз, биласан, Оллоёрга собиқ келиннинг турқи кўп ёқмайди.

— Укам билан эмас, мен билан яшайди у, — деди Аввалбек.

— Кечирасан, мен билмабман, — деб кесатди Яхшибоев. — Лекин укаям бир кунлик эмас-да. Мен ўлсам, бир-бирларингга суянасан деб ўйловдим-да, ўғлим, бу ёғи қандай бўларкан? Қолдирадиган озгина меросимни икковингга улашиб берсам, ўзаро иноқ бўлиб, кам-кўстни тўлғазиб яшайсизларми, деб эдим-да, болам. Иккиланиб қолдим, Аввалбек, сен бу ёқда муҳаббат деб турганингдан кейин...

— Барибир уйланаман, ада!

— Унда меросдан маҳрум бўлсанг-чи? — деди Яхшибоев.

— Мерос керакмас менга! — деб баттар хўрозланди Аввалбек. — Майли, меросни бутунича Оллоёрга қолдираверинг!

Яхшибоев, ичини ит тирнагандай, ёмон безовта бўлди. Васиятнинг овозаси бунгаям бориб етибди, деб ўйлади, кейин бу анави манжалақи собиқ келинга айтган, кейин собиқ келин бунга яхшилаб сабоқ ўргатганки, майли, рози бўл, ҳамма меросни Оллоёр олақолсин, деб!.. Яъники, унда Тамара ҳамма нарсадан маҳрум бўлади, унда Тамара кетади, кейин мен келаман, деб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўргатган, Оллоёр — аммамнинг бузоғи, Оллоёр — виждони бор аҳмоқ, улушингни ўзингга қайтариб беради, деб ўргатган, қанжиқ! Доғули ёсуман, бунинг ҳам макри собиқ қайнонасининг макридан кам эмас. Йўқ, ёсуманларга қоладиган меросим йўқ менинг!..

— Майли, Аввалбек, мен розиман, — деди Яхшибоев. — Муҳаббатни танлаб тўғри қилибсан. Тамарани ўйлаб қайғурганинг ҳам дуруст. Биринчи хотинингга ҳам раҳмат айтиб қўй, жуда олижаноб экан. Меросни Оллоёрга қолдираман. Лекин Тамарани боласи билан хор қилиб қўйсак ҳам бўлмайди, яхшиси, сенинг улушингни Тамара билан боласига васият қиламан. Зора шу арзимас нарса уларнинг ярасига малҳам бўлса... Шу гапларни тўнғич келинга бориб айтсанг. Менимча, уям ишимизни маъқул топади. Майли, энди бор, болам, бориб хушхабарни етказ, ажабмаски, суюнчига собиқ ва бўлажак келинимиз девзирадан ош дамлаб келса!..

Аввалбек индамай ўрнидан турди. Аҳволи анча аянчли эди. Недир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади, лекин айтолмади. Хайрият, деб ўйлади Яхшибоев, хайрият, озгина йигитлик сиёғи қолган экан, гапини қайтариб ололмаяпти. Начора, энди иккинчи хотин билан қолишга мажбур. Биринчи хотин учинчи хотин бўлиб қайтиб келмайди. Собиқ келиннинг ақли-ҳуши жойида, мерос Тамарага ўтганидан кейин ўлганда ҳам бунга тегмайди. Шунча қирғиндан омон чиққан экан, Яхшибоев деган қирчанғи қазо муҳлати етиб ўлганида ҳам сендақаларга таслим бўлмайди. Оллоёрга меҳрим баланд эканини биласизлар, Оллоёрнинг бўшанг эканини биласизлар, Оллоёрнинг сахий эканини биласизлар, лекин Яхшибоев деган қирчанғи чол сиз билган бўшанг ва сахий Оллоёрни шунақа хасис қилиб қўйсинки, нақ чангаллаб қоласизлар! Васиятга шундай бир модда илова қиламизки, Оллоёр меросдан йилига фақат фалон сўм олиши мумкин, дейлик, йилига уч минг сўм, бир тийин ҳам ортиқ эмас, қани, ўшандаям сенларга сахийлик қилиб кўрсин-чи! Сахийлик қилолмайди, ўзиям ҳаддидан ошиб кетолмайди, майда чайнаб ейишга мажбур, майда чайнаганда Яхшибоевнинг яхшию ёмон йўллар билан топган пули бир неча авлоднинг умрига ҳам етиб-ортади!..

Яшанг, ўртоқ Яхшибоев! Яша, Назар, яша, Яхшибой чўпоннинг соддагина ули!

Завқланди. Камдан-кам бўларди бунақа қувноқ дақиқалар. Одамзод ўзининг зукколигини вақти-вақти билан

англаб турса яхши-да, ахир! Беихтиёр ўзини Ошно билан қиёслаб кўрди. Ошнонинг донолиги аниқ, лекин унинг донолиги сал мавҳумроқдай, сал расмийроқдай, унинг донолиги, сирасини айтганда, кўпроқ ёдаки сўзлар билан ифода этилади, Ошно одамнинг кўнглини эмас, омманинг кўнглини ўйлайди, лекин билмайдики, омманинг кўнгли дегани — аслида одамнинг кўнгли, аввал биттасининг, сўнг иккитасининг, ахийри, кўпла-аб одамларнинг кўнгли!.. Ошно биров билан ёлғиз қолишдан чўчийди, чамаси, ўзидан катталар билан ёлғиз гаплашганида унча-мунча дакки эшитган бўлса-ю, энди, ўзидан кичкиналар билан гаплашганида ҳам ўша таниш ҳадик туйғусидан қутула олмаса!.. Ошно гўё ўзининг ўзгачароқ эканидан ийманиб яшайдигандай, гўё унинг ғурури кемтиқдай, гўё юксалганига ўзи ҳам ишонмаётгандай... Ахир, неча ўн йил бўлди-ку пастдаги нарвоннинг олиб қўйилганига!

Асли мен унинг ўрнида бўлишим керак эди, деб ўйлади, Ошно бечоранинг соддалиги бор, уни ишонтириш ҳам, алдаш ҳам осон, мени эса, ишонтириш мумкин-у, лекин ҳеч қачон алдаб бўлмайди, негаки, мен аввало либоснинг астарини кўраман, кейин аврасига солиштираман, негаки, менинг хотирам зўр, юксалган чоғимда нарвонни пастда унутиб қолдирмайман, йўқ, ўзим билан томга чиқариб оламан, токи кейин ҳам асқотиб қолиши мумкин, токи ёнғин маҳали пастга сакраб оёқларим синиб кетмасин!.. Негаки, Ошнонинг Муяссар хонимдан ўзга кимарса борки, бирортасига ҳам муҳаббати муқим эмас, мана, мен ўзимни, кўз очиб кўрган дўстини, ўттиз йил ичида бирор ўттиз марта унутиб, ўттиз бора қайта эслади, ҳатто бир гал Ўртақўрғонга сургун ҳам қилди, ҳар гал қайтиб эслаганида мен бечоранинг ярамга малҳам суркадим деб ўйлайди, билмайдики, ҳар гал қайтиб эслаганида кўнглимда чандиқ қолади! У яхшидан ҳам яхшироқни излайди, янги топган яхшиларини не биландир сийлайди, собиқ яхшиларнинг ранжишини асло ўйламайди, мудом сийлагувчи одам ахийри бориб сийланувчилар қўлидаги ўйинчоққа айланиб қолишини тасаввур ҳам этолмайди. Энг ёмони — мақтовни ёқтиргани, мақталган пайтида шамдай эриб тамом бўладики, тафтига қўлини иситиб олганлар қанча! Агар мен унинг ўрнида бўлсам эди, қаттиққўлроқ бўлардим; бировни бесабаб сийламасдим; сийлаганимда ҳам, биров буни билмасди, бинобарин, сийлов умидида мени йўлдан урадиганлар бўлмасди,

www.ziyouz.com kutubxonasi

бинобарин, мақтовлардан суюлиб кетмасдим; ахир, мана, неча йилдирки, бировга бўйин бермайман; муҳаббатимни ҳам, нафратимни ҳам биров сезмайди — ҳаммага бир хилдайман; ўзим тенгига ҳасад қилмайман; пастроқларни ўз исми қолиб отасининг исми билан атайман; каттароқларни ҳам вақти-вақти билан чақиб оламан; натижа шуки, мендан чўчишади; биров яхши кўрмайди, бунисини биламан, лекин нафрат деганлари сийловталаб муҳаббатдан минг бора аъло эмасми? Қолаверса, нафрат деганимиз аслида нафрат ҳам эмас, шунчаки ҳадик, эҳтимолки, нафратга айланиши мумкин ҳам эди, лекин ошкоралик ғанимларга наф келтирмайди, завол келтиради, баски, ошкор этилмаган нафратни ўйлаб бошимни қотирайми? Ошнонинг ўрнида бўлсам эди, сал кенгроқ бўлардим, холос. Ошно-чи? Ошно — ўта кенг. Ошно меъёрни билмайди. Биров беш кило пахтани бошқалардан кўпроқ терса, бас, «балли, азамат!» — деб қучоқлайди, оғиз-бурун ўпишади. Мен-чи? Мен нима дердим? Мен айтардимки, тузук, ҳаракатингиз маъқул, ғайрат қилаверинг. Шу, холос. Ана ўшанда газет саҳифаларида жавлон урадиган «азамат»ларнинг сони ҳам камроқ бўларди, бинобарин, гап кам-у, иш кўпроқ бўларди. Ўзимдан каттароқлар буйруқ берганида «хўп бўлади!» демасдим, «ўйлаб кўрайлик» дер эдим, ёқмаса ёқмасин эди, лекин ўйлаб кўриш ҳали тақиқланган эмас, бир амаллаб чидашарди.

Хаёл суриш ҳам тақиқ этилмаган, дейлик, ҳозиргига ўхшатиб, кимлигингни унутиб, бор-йўғи Аввалбек деб аталмиш нашаванд овсарнинг орзусига ғов бўлганинг сабаб, ўзингни камида Олатов чоғлаб турган чоғингда.

Ҳарҳолда, Ошно — Ошно, сен эса ҳозирча Яхшибоевсан, аввалроқ ҳам шундай эдинг, рўзи қиёматда ҳам айни номга «лаббай!» дейишинг тайинроқ. Дарвоқе, маҳшарда фамилияни айтиб чақиришмайди.

— Борақол, болам, — деди хастароқ оҳангда. — Бориб айт, Робиға юмшоқроқ овқат қилиб келтирсин. Таксига пулинг борми?

Аввалбек мазахни бирдан пайқади. Газабини зўрға босиб:

— Минг сўм керак, — деди. — Қарзим бор, узмасам бўлмайди.

— Минг сўм оғизнинг ели экан-да, болам, — деб уҳ тортди Яхшибоев. — Минг сўм учун мен неча марта ўлиб-тирилишимни биласанми?

— Сизда кўп, бобой! — деди Аввал хунук тиржайиб.

Хайрият, деб ўйлади Яхшибоев, ана энди ўзингга ўхшадинг, болам, ота билан гаплашиш ярашмайди сенга, сенга бобой билан гаплашиш осонроқ, бобойнинг синиши ҳам осон, бобой тушмагур сенга минг сўмни садақа қилиб юбориши мумкин, лекин буям ниманингдир эвазига бўлиши керак-ку, хўш, ниманинг эвазига, бекордан-бекорга минг сўм олаверасанми, галварс?

— Беш юз етар?

— Минг сўм! — деб чўрт кесди Аввалбек.

— Тўрт юз! — деб, бирданига таҳдидга ўтди Яхшибоев.

— Тўққиз юз! — деб сал пастроққа тушди Аввалбек.

— Уч юз эллик!

— Саккиз юз!

Ортиқ савдолашиб ўтирмади Яхшибоев. Дафтарчасини олиб, уч юз сўмга чек ёзиб берди. Аввалбек чекилган рақамдан норози бўлди, қовоқ солган кўйи палатадан чиқди.

Ғунончани қайириб олдик, деб кулди Яхшибоев ичида, энди тагидаги «Волга»ни ҳам Тамара келинга хатлаб берсак, унда оёқларига тушов тушадики, анави байталчанинг атрофида кишнаб айланишлар тамом эсидан чиқиб кетади.

Афсус қилдики, шундай қизиқ ташбеҳлар зое бўляпти. Эринчоқ эдим, йўқ, ғайратли эдим, лекин илмим етмади, осонига ўргандим. Ахир, анави чоршанбию жумабойлар сўзнинг қадрига етармиди! Ўзим, ўзим, мен ўзим бўлишим керак эди!!.

Хўш, нега бўлолмадим унда?

Мени Ошно бузди, деб ўйлади, лекин ўйига ўзи ҳам ишонмади. Сабабки, Ошнони мен ўзим яратдим, деган ботиний бир ғурури бор эди.

Фақат уни кейинчалик идора этолмадим, у тушган кўйнинг бор кўламини бошдан тасаввур этмаган эдим, пайти келиб жуда шошдим, боиси — Ўртақўрғонда ҳаяллаб қолганим, Ошнонинг ортидан бу ерга вақтида келмаганим. Келсам эди, унинг бирор қадами ҳам назардан қочмасди, рост маънода ҳам шу — Назардан қочмасди. Мен кечикиб келдим. Келганимда Александр Шоймардонович Ошнонинг пинжига кириб улгурган эди, икковлашиб бор дунёни оппоқ пахтага буркашга битим тузишган, асов дарёларни

www.ziyouz.com kutubxonasi

жиловлашга киришган эдилар. Ғўзашунос чол юриш иштирокчиси эди, мен эса, шунчаки келиб қўшилган бўлдим, холос. Иборалар кўп, ибораларнинг маънолари ҳам кўп, ҳар бирини чақиш керакки, кейин қўлингда фонус бўлиб йўлингни ёритади. Энди ўйлаб қарасам, ғўзашунос чол тажрибалироқ экан. Ўша кезларда, ўша қирқ олтинчи йил кетар кечаси Ошнонинг уйида учрашган пайтимизда, чолнинг жияни Орифий алмойи-алжойи шеърларини ўқийвериб қулоқни юлиб қўлга олиб берганида, мен Муҳсинани ундан рашк қилиб аҳмоқ бўлганимда, биз ҳали шунчаки пиёдалар эканимизда, ғўзашунос тушмагур пиёданинг бири муқаррар тарзда фарзинга чиқишини сезган экан. Ажабмаски, нуфузини ишлатиб, Ўртақўрғон сув омбори қурилишига Ошнони, айни Ошнони бошлиқ қилиб жўнатган ҳам унинг ўзи бўлса!.. Ғўзашунос чол янглишмади, Ошно юксалдию суву ҳавонинг ихтиёри унинг қўлларига ўтди. Ерни қўлга олдики, нуқул ўзи билан шогирдларининг навларини эктирди; сувни қўлга олдики, иккита азим дарёнинг йўлини тўсиб, ҳар қадамда биттадан тўғон, ҳар икки қадамда биттадан сув омбори қуриб, Оролни қуритди; бандаргоҳи бор шаҳарларни, юзлаб кемаларни қирғоқдан ўнлаб километр нарига отиб юборди, қуйи ўзан лабидаги иккита воҳани қуритди, аввал гужумларини, сўнг олмаю ўригини, ҳали навбат одамларига ҳам келади!..

Ғўзашунос чол маккор чиқди. Эндиликда шундайин қудратлики, агар Африқода бирор давлат тўнтариши бўлса, энг аввал, бу ишда Александр Шоймардоновичнинг қўли йўқмикан, деб сўрашади.

Пиринг шайтон бўлса, мазҳабинг маълум.

Лекин, жиддийроқ ўйласак, Ошно бошдан эҳтиёткор эди-ку?

Бугун хашаки армон билан эсланадиган беғубор ёшлик дамлари ростдан ўшандай эдими? Ёшлик, дорилфунун... Ёшлик жудаям беғубор бўлмагандирки, дорилфунунда сафларни тозалаш кампанияси борар эди, домлалару талабалар сафи сийраклашиб қолар эди ҳамки, тозалаш тугай демасди. Яхшибоевга биров дахл қилмасди, у чапани эди, кўкрагини очиб юрарди, сиёсатдан гапирмасди — ундан қўрқишарди. Лекин Ошно қандай соғу омон қолди? Ошно фаол эди, хушбичим эди, хушмуомала эди, яхши ўқирди — ҳасадга арзигулик эди! Бугунги дўст — эртанги душман, ўзим доғсиз қолайин деб ўзганинг юзига лой чаплаш...

кўп эди бунақаси, кўп эдики, бугунги нуроний чоллардан анча-мунчаси балчиқ юқи кетмаган қўлларини бекитолмай гаранг. Ошнонинг бугун ҳам қўллари оппоқ, ўшандаям оқ эди. Иродани қаранг! Тазйиқ темирдан эди-ю, Ошно чап бериб кетарди. Э, у пайтларда Ошно эмасдиям, шунчаки, Булдуруқ деган гадойтопмас қишлоқдан ўктамроқ ҳамқишлоғи Назарга эргашиб келган соддагина ўсмир эди! Лекин зеҳн... зеҳни дуруст экан-да, а? Бўлмаса, тозалаш пайтида у ҳам минбарларга чиқишга мажбур эди. Бошқалар минбарга чиқиб, очиқдан-очиқ: «Булар — душман, буларнинг хатоси — кечирилмас, бизнинг йўлларимиз ҳеч қачон кесишмайди!» — деб хитоб қиларди. Ошно эса бақирмасди. У бугун лаънатлар бўронидан эгилган одамларнинг руҳи билан қачонлардир юзма-юз келишини биларди, уларга ачинарди, аяб гапирарди: «Келинглар, улуғ келажакни биргаликда қурайлик. Бўлинганни бўри ер, деб айтишади, орамизда бўлинганлар ҳам, бўрилар ҳам бўлмасин, ҳамжиҳат бўлайлик, мафкурани ростлаб, саодат дамларини ҳам биргаликда кўрайлик».

Қизиқ, бирор марта ҳам сўкмаган экан-а?

Қизиқ, нега унинг «таслимчилик» руҳидаги сўзлари ўшанда бирор кишида ҳам шубҳа уйғотмади? Бирор сеҳрли жозибаси бор эдими, мисоли Муҳаммаднинг пешонасидаги нурдай?..

Тозалаш мажлисларидан ижара кулбаларига қайтиб маъюс бўлиб қоларди. Айтардики, қийналдим, Назар жўра, мағзава тўколмадим, ким ҳақу ким ноҳақ эканини биз билмаймиз, балки улар ҳақдир, балки — булар, рости гап, кечалари уйқум қочади.

Яхшибоевнинг уйқуси яхши эди. Ошнонинг ҳадигини кейинчалик тугал тушунди. Лекин унда тузукроқ эътибор ҳам бермаган, шунчаки юпатиб айтганки, сени биров чертса, бас, қон қусдираман, ошна!

Соддаликни қаранг!

Маълум бўладики, Яхшибоев сиёсат учун яратилмаган экан-да? Бўлмаса, униям жуда аҳмоқ деб бўлмасди, пухтагина эди, макри одмироқ эрса-да, бўлажак сиёсатчини лақиллатиш учун бемалол етиб-ортарди.

Бир ёқдан беради, бир ёқдан уради, деб айтганлари тўғридай. Хайриятки, ўшанда эҳтиёт бўлишни ўйламагани. Ўйласа бас эди, бир балога гирифтор бўларди. Эҳтиёткорлик Ошнога ярашади, анави ғўзашунос Шоймардоновга ярашади, негаки, ғўзашунос ҳам аслида сиёсатчи, бўлмаса, ўша йилларда бошқа миллат ва-

www.ziyouz.com kutubxonasi

килига уйланиб, Клавани Комилага айлантириб, ўзини Искандардан Александрга айлантириб олармиди? Аралаш никоҳ эди бу. Сиёсат ва қўрқув аралашган никоҳ. Янгича Комилаю янгича Александрлар юртимизда кўп, ажабсинадиган жойи йўқ, лекин ғўзашунос чолнинг эллик олтинчи йилга келиб Комилани яна Клавага айлантириб, қўлига талоқ хатини бергани-чи? Ўзининг исмини ҳам яна қайтиб «Искандар» қилиб олди, лекин халқ, барака топсин бу халқ, эсда сақлаб қолган экан — ҳали-ҳануз Александр Шоймардонович деб атайди. Ҳозирги хотини ҳам Комила, бу Комила ҳам анча қариб қолди, лекин нариги Комиланинг талоқ хати қўлига текканида бу Комила ёш эди, аспирантка эди, ғўзашунос Александрнинг ортидан чигит солинган тоғорачани кўтариб юрарди. Тоғорачадаги чигитларнинг мағзи пучроқ эди, лекин мағзи тўқ чигитлар четда қолиб, миллионлаб гектарларга айни тоғорачадан уруғ сепилди, сабабки, тоғорачанинг эгаси бошқалардан зўрроқ, нуфузлироқ, доғулироқ, қабиҳроқ, палидроқ, ифлосроқ, балою баттарроқ чиқди!

Искандар ҳам шунақа бўладими?

Ташбеҳлар ноўрин, деб ўйлади Яхшибоев, қиёслаганда бунинг рақиблари тугул, оғиз-бурун ўпишган ҳарифлари ҳам фариштага айланиб қолади!

Алами қўзиди. Ошнони сўкди. Бузоқ, деди, ғўзашуноснинг етовидаги бузоқ, аслида уям ҳариф, бошқа ҳарифлар билан қўшилиб, еру сувни ҳалфана қилиб ейишди. Яйловлар йўқолди, боғу роғлар йўқолди, бугунги кунда Яхшибоев бозордан бир кило гўштни саккиз сўмга, бир кило ўрикни уч сўмга олади!

Халқ нима деб ўйлайди, ўртоқ Яхшибоев?!

Шуни эслаб кулди. Халқ нима деб ўйлаётганикан? Жим турибди шекилли. Ҳа-я, жим турмаганда ҳам, дардини мен билан Ошнога айтармиди!

Сирасини айтганда, мен ҳам халқнинг бириман-да. Қалинлик, дўстлик, ошнолик, боринги, ҳарифлик деганлари бариси ёлғон аслида. Бариси — сароб, босиброқ тикилганда тарқаб кетади. Лекин тикилиб қарайдиган одам йўқ. Эҳтимол, кейинроқ топилиб қолар... Ҳозирча мен усталик қиляпман, йўлини топяпман. Жарбдийда бўлиб кўриниш қийин эканми! Ана, Саидқул Мардонни Булдуруққа обориб, итдай ишлатиб, роса икки гектар жойга боғ эктириб, роса дийдиё қилдимку? Уям лаққа тушди, ишонди. Умуман, ишончли одам

у. Ўлигингни ишониб топширсанг ҳам бўлади. Ҳар ҳолда, итларга ташлаб юбормайди. Худодан қўрқади. Йўқ, одатда бунақалар худосиз бўлади, булар кўпроқ ўзларидан қўрқишади, виждон деб аталмиш азиз матоҳлари бор, ўшани кўтариб югурганлари югурган; аравага қўшилган отдай ҳоришади, пешонадан реза-реза терни артиб олишади, билишмайдики, қўллари — бўм-бўш, ҳеч вақо йўқ, Искандари Зулқарнайннинг қўлидай, бўш, бўм-бўш! Искандар сал ақллироқ бўлган, у борйўғи ўлаётган пайтида қўлларини бўшатиб олган, лекин Саидқул Мардонга ўхшаган афандиларнинг қўллари туғилган чоғидан бери бўм-бўш!

Лекин Ошно менга панд бергани рост. Ҳамма ёққа сувни сувдай оқизган одам, мендан бир тегирмон сувини аяди. Биргина шу армоним рост эди менинг. Лекин Ошно армонимни ушалтирмади. Сабаби — Булдуруқнинг ўйдим-чуқурлиги, текислаб бўлмаслиги, пахта унмаслиги. Ваъдаси эсдан чиқди. Аввалроқ эсида эди, ҳатто қишлоқнинг номини ҳам ўзгартирган эди, ҳаттоки муҳр заказ қилган эдики, бундан буён ва то абадул-абад Булдуруқ қишлоғи Лолазор деб аталсин. Хайриятки, Ҳотам Шўро муҳрни йўқотиб қўйди, атай йўқотдими ёинки тасодиф туфайлими, лекин Ошно иккинчи гал муҳр заказ қилишга эринди — энди жабҳа кенгайган эди, энди юксалиш пайти келган эди.

Демак, Ошно мени алдади, деб айтишга ҳаққим борми?

Йўқ, собитроқ туриш керак, ўртоқ Яхшибоев, дарахт кесилганда ёнидаги бачкиларнинг омон қолиши қийин. Кучайса ё битта, ё иккитаси кучаяди, лекин уларнинг ҳам томири туташлиги доимо эсда туради. Омон қолганида ҳам, ҳеч қачон дарахт номини ололмайди, бачки дея аталаверади. Бачки минг улғайганда ҳам четда қолиб кетаверади, кесилган дарахт ўрнига бошқаси экиладики, бунисибутунлай бошқа дарахт.

Садоқатли бўлишга онт ичди.

Ич-ичида алам туйдики, йўриқдан чиқиб кетмоқнинг ҳеч иложи йўқ. Бир душманим тўғри айтиб эди, мен тан олиб эдим, лекин тўғри гапларини бошқаларга ҳам айтиб юрмасин деб, Шарифнинг, гўринг нурга тўлгур Шарифнинг қўли билан яксон қилиб ташладим, қайтиб ўнгланмади. Уям бир дарахт эди асли, ёнида бачқилари ҳам бор эди. Шарифнинг оташи зўрлигини қарангки, дарахтни ҳам, бачкиларини ҳам қуритди — худди тагига бутифос қуйгандай қилди. Лекин ўша душманим

www.ziyouz.com kutubxonasi

закий инсон эди. Гапимиз чап тушиб қолганида айтган эдики, э Назар, сен бор-йўғи чиябўрисан, холос, арслон ўзи ов қилади, ўлжасини тириклай тутиб иссиқ қонини ичади, чиябўри эса, арслондан қолган-қутган ўлимтигу майиб-маслуқларни териб юради. Ўзига бино қўйган эди душманим, лекин арслонга дуч келолмади, бор-йўғи чиябўрига ем бўлди, холос. Чунки бу пайтга келиб чиябўри кучга тўлган эди, бу пайтга келиб бир замонлар кимсан Гўрўғлию Алпомишларга қарши гурзи кўтариб чиққан паҳлавон — гўринг нурга тўлгур Шариф Валломатдек синалган соҳибқирон аслида ўша чиябўринг бир панжасига айланган эди.

Йўқ, энди ортга чекиниб бўлмайди.

Бир соатча ўтиб, қабулга тайёргарлик бошланди. Палатани ювиб-супуриш аслида Марфа Павловнанинг иши эди, лекин кампирга ишонишмаган чоғи, иккитагина озода врач хотин, бири супурги, бири латта осилган таёқ кўтариб келишди. Пилесос судраган йигит ҳам врачлардан эди.

Безовта қилишгани Яхшибоевга ёқмади. Оҳори кетмаган кийим кўтариб кирган аёлни қувиб юбориб, каравотига ялпайиб ётиб олди. Фаррошликка келган хотинлару эркаклар иш бошлаёлмай, гаранг бўлиб турдилар. Хабар кетган чоғи, бош врач муовини Раҳматов музокарага келди.

— Домлажон, — деди ялтоқланиб, — бошқа бир палата ҳозирлаб қўйдик, беш минутга ўша жойда дам олиб ётсангиз. Беш минутга, бор-йўғи беш минутга... Унгача палатангизни ярақлатиб беришади.

— Э, бор-э! — деб қўл силтади Яхшибоев. — Мен касал одамман, сенга қолса, келадиган одамни пастга тушиб кутиб ол, деб айтарсан?..

Раҳматов кўрсаткич бармоғини лабларига босди: тсс!.. Кулгили эди. Яхшибоев унинг майдалигидан кулди. Танини енгил титратиб куларкан, завқ билан ўйладики, сен бунгаям ён бер, ўртоқ Яхшибоев, ахир, айни лаҳзалар Раҳматовнинг умридаги энг ёрқин лаҳзалар бўлиши ҳам мумкин-ку? Балки бу кейинчалик бола-чақаларига, ўртоқ Фалончиев ўртоқ Фалончиевни кўргани келганида мен палатадан ахлат ташиганман, деб мақтаниб юрар? Хайриятки, анави оқсоч профессорнинг ўзи келмагани, бўлмаса, унгаям ҳурматим қолмас эди.

— Вазифанг оғир, Раҳматов болам, — деди ниҳоят, кулгисини бас қилиб.

— Илтимос, домлажон, — деб қўлларини кўксига қўйди Раҳматов.

— Ҳаддингдан ошяпсан, болам.

Раҳматов асабийлашди. Қўлини кўксидан олиб, оқ халатининг чўнтагига тиқди, мушт қилиб тугмоқчи эди, лекин ўнг чўнтак торлик қилди, баттар асабийлашиб, чўнтакдан дўппайиб турган нарсани олди.

Атир экан. Қутиси йилтироқ, ёзувлари йилтироқ, чиройли қутича — бир тарафи шаффоф, ичидаги шишача кўриниб турибди.

Яхшибоев супурги кўтарган врач хотиннинг кўзлари ҳайратдан катта очилганини кўрди. Аслроғи шекилли, деб ўйлади, бу бечора бақа бўп қолди-я.

Индамай ўрнидан турди-да, шиппагини оёқларига илди.

— Ўн иккинчи палата, — деди Раҳматов қувониб. — Энди, айбга буюрмайсиз-да, домлажон.

Яхшибоев йўлакка чиқди. Ўн иккинчи палата тўрроқда эди. Боришни истамади — нима қилади дазмолланган чойшабни ғижимлаб? Лифтга қараб юрди. Пастга тушиб, кузги атиргуллар очилган майдонни кесиб ўтди. Майдон четида ўтирганлар ўринларидан туриб таъзим қилишди. Алик олди. Икки оғиздан илиқ сўз айтган бўлди. Кўрсаки, узоқ бурчакда ҳалиги қишлоқи раис... оти нимайди... Ҳазратқулов, йўқ, Маматқулов мўлтираб қараб турибди. Яқин келиш тугул, бош иргаб саломлашишга ҳам юраги дов бермайди. Бечора, деб ўйлади, сенгаям етибди-да Ошнонинг хабари, бу ёқда анави аҳмоқ Раҳматовнинг сир сақлайман деб лабига бармоқ босганига ўлайми! Сен ҳали соддасан, болам, деб ўйлади, бу жойларга ўша к и ш и н и н г келишини тасаввур ҳам этолмайсан, унинг мени кўргали келишини эшитиб, куни кеча мен билан гаплашганларинг ёдингга тушиб, ҳаяжондан ёрилиб ўлай дединг-ми? Бу нарсалар бизга жуда таниш, Маматқулов укам, отинг Чорибой эди чоғи? Анави таъзим қилганлар ҳам аслида мендан ҳуркади, болам, лекин уларнинг таомили бошқа, уларники ёлғон, сеники рост, болам, сен ҳали бузилиб улгурмадинг, ҳали белинг қаттиқ, букилиб ўрганмагансан, агар менга букилиброқ таъзим қилсанг, кейин, қишлоққа қайтиб, ўзингдан ўзинг ҳазар қилиб қолишинг ҳам мумкин, Чорибой болам. Шундай, ўртоқ Маматқулов, ҳали оҳори кетмаган раис укам, сен анави таъзимчиларга ишонма, ҳозир сен ийманиб, бу одамлар Яхшибоев ўлса ҳассакаш бўлади, деб ўйлаёт-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган чиқарсан? Йўқ, болам, менинг ҳассакашим йўқ — шуниси алам қилади!

Ёшгина бир ҳамшира гулдаста келтириб тутди. Эсладики, аввал ҳам гул берган эди бу қиз, лекин унда кимлигимни билмасди, билмагани боис, самимий узатган эди гулини, лекин бу гал... бу гал намойишкорлик бордай. Ҳаттоки тиззагинасини букиб таъзим ҳам қилди. Вой қизгина, фариштa қизгина, вой сен бокира қизгина, бузилишинг шунчалар осон экан-да, а?

Сенгаям Ошнонинг дараги етибди-я!

Секин гулни ҳидлади, лекин димоғида гул ҳидидан ҳам ўткирроқ ва муаттарроқ бир бўйни туйди. Қараса, ёнидан тўрхалта кўтарган бир соҳибжамол ўтиб боряпти, бўй ҳам ўшаники, нима бало, атирга чўмиладими булар?!

Атир сал кўпайиброқ кетди, деб ўйлади, биргина бадантарбиячи хотин атирга бефарқроқ чиқди, қолган ҳаммаси, ҳамма одамлар, ҳамма палаталар атир ҳидига бурканди-қолди.

Виқор билан, солланиб-солланиб кета бошлади. Қум тўшалган йўлак тоза қилиб супурилган экан, сув ҳам сепилган экан, йўқ, ҳаттоки қумнинг ўзи ҳам янгиланган экан.

Эътиборингдан айланиб кетай, одамзод! Бахшилар топиб айтган лекин: дам — бу дамдир, ўзга дамни дам дема! «Ушбу дам»ни қўшиб таҳрир қилган достоншунослар ушбуни пишириб ебди, асли яхши, асли — ҳақиқат! Яша, ўртоқ Яхшибоев, бу кунингдан ўл, лекин айни дамни яшаб қол! Бу дунё омонат эканини унутма!

Рўпарасидан хумкалла Эркинов чиқди. Юзида тавозе, югуриб келиб пинжига кирди.

— Устоз! — деди тўлиқиб. — Бир маслаҳат бор, деб эдингиз, шунга...

Оббо, деб ўйлади Яхшибоев ғижиниб, шогирд яна биттага кўпаядиган бўлди. Хира пашша бу, ўлгандаям шогирд бўлолмайди. Зуваласи хом, шогирд дегани чўбир отдай пишиқ бўлиши керак, бу эса бир марта улоққа ярайди, холос.

— Сабр қилинг, Шамси Қамарович, — деди табассум қилиб, — сизга бериладиган топшириқни аввал бир пишитиб олайлик.

Эркинов таъзим қилди. Эргашмоқчи эди, лекин ортдан етиб келган Раҳматов халал берди.

— Домлажон, унутиб қолдирибсиз, — деди у, — сайрга чиқибсиз-у, лекин буни унутибсиз.

Яхшибоев унинг қўлидан ҳассасини олди. Чиройли ҳасса эди. Аждар бошли ҳасса. Аждарининг турқидан одам қўрқадиган ҳасса. Шогирди Равилбой совға қилган эди буни, қайдандир узоқдан — Голландияданми, Португалияданми олиб келган экан. Ажнабийча ёзуви ҳам бор. Лекин бу замонда ёзувга ҳам ишониб бўлмайди, ажабмаски, Ачавотдаги ажнабийларнинг ёзуви бўлиб чиқса...

Ҳассани ўртароғидан тутиб, чап кафтига шапиллатиб уриб кетаверди. Хиёбон узун эди; узун, серсоя, салқин, ён тарафлардаги дарахтлар тубидаги ўтлар ҳалигача ям-яшил, ердан диккайиб чиққан темир найчалар учида шабнам пуркалиб турибди.

Атир кўпайиброқ кетди, дея бот эслади, ишқилиб, яхшиликка бўлсин. Биз бечораларга эрталаб юз ювадиган ироқи совун билан, соқол қиртишлагандан сўнг суркайдиган мундайроқ атир ҳам кифоя эди, лекин Ошноға ярашмас экан-да...

Киноя қилаётганини сездию шайтонга ҳай берди: ношукурлик қилманг, ўртоқ Яхшибоев.

Хаёлига келган қалтис фикрдан чўчиб тушди. Нима бўларди, деб ўйлади, анави қумлоқ майдончага югуриб қайтсам-да, қизғиш қумни тепкилаб туриб Ошнони баралла бўралаб сўксам... нима бўларди?

Таъзим қилавериб букланиб қолган қадларни ростлаш учун недир бир олижаноб иш қилиш керак-да, ахир! Ўшанда қадлар тикланади, анави «ҳассакашлар» қўлингдаги ҳассани тортиб олиб, чалажон қилиб савалайди! Қизиқ томоша бўларди, лекин!..

Дарвоқе, Мирза Охун лақабли бир яҳудий фотограф бор, касби арзимас-у, лекин фоли йирик, секин бош ликиллатиб, секингина жилмайиб айтадики, вот уйдет катта, и будет тамаша!

Лекин ҳозирча томоша бошлангани йўқ. Томоша умуман бўлмаслиги ҳам мумкин — билет олганлар пулига куйиб қолади, холос. Ҳозирча атир сепишяпти, тушажак тундаги уйқу ҳаром бўлди деявер!..

Иримчи эди Яхшибоев. Ошно билан биринчи бор аразлашиб қолганларига ҳам шу атир сабаб бўлувди. Ўртақўрғонга «сургун» қилинишидан сал олдин, олтмишинчи йилларнинг ўртароғида Сурхондарёнинг Тожикистонга туташ бир районига бордилар. Обод жойлар экан, боз устига, Ошно билан урушда қатнашган бирикки фронтовик жўралар ҳам топилди, уларни ҳам бирга олиб юриб, йўл-йўлакай тузукроқ мансаблар билан таъ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мин этиб, ахийри, илғор бир колхозга етдилар. Колхоз Ошнонинг келишига пухта ҳозирлик кўрган экан — бечора кун бўйи тасма кесишдан бўшамади. Гоҳ янги мактабда тасма кесади, гоҳ янги боғчада тасма кесади, гоҳ — касалхонада, гоҳ — ҳаммомда... Кун пешиндан оққанда қишлоқ четидаги улкан молхонанинг тасмасини кесишга борди. Зўр молхона экан лекин. Ем-хашак ўзи келиб турибди, сув ўзи келиб турибди, гўнг деган нарса ўзи ташқарига чиқиб кетяпти — хуллас, сигирларнинг ўзларига иш қолмаган ҳисоб — сут беришса, бас. Елинлари ерга тегай деб турган ҳар зотдор сигирларки, Яхшибоев бунақасини умри бино бўлиб кўрмаган эди. Молхона унга ёқди. Ҳайрати ошгандан ошаверди. Бир маҳал қараса, молхона ҳавосидан кўкракни тўлдириб-тўлдириб шимиряпти, молхона ҳавоси бутунлай ўзгача, ғирт ифори, йўқ, ифор деганлари ҳам ип эшолмай қолади, нақ мушку анбар, гўё «Минг бир кеча» ичига кириб қолгандайсан, гўё сен шаҳзодасан, ҳозир хипчабел малика муқом қилиб киради, йўқ, у аллақачон кирган, фақат кўзга чалинмай турибди — париларнинг одати шунақа ўзи, аввал кўзга чалинмай туради-да, кейин бирдан пайдо бўлади, ҳушингни оғдиради, бир қарашда кўнглини забт этолмасанг «пирр!..» этиб учиб кетиши ҳам мумкин... Ана шунақа анвойи ҳидлар!

Ажабки, пари йўқ эди, шунчаки сигирлар, зотдор-у, лекин барибир сигир, охурдаги емишни еб бўлиб, энди ҳузур қилиб кавш қайтараётган сигирлар.

Ана сенга назокат! Ана сенга меҳмондўстлик! Нозик димоқлар озорланмасин деб, сигирларнинг жунига атир суртиб чиқишибди-я!

Маъмурчилик замон бу, бўлмаса, мингта сигирга атир етказиб бериш осонми!

Хайриятки, пиқ этиб кулиб юборганини биров сезмади. Ошно район раҳбарлари билан гаплашиб турганида, четроқда қолган колхоз раисининг ёнига борди. Раис ҳали ёш эди, қорақошу қоракўз эди.

— Қаерда таълим олгансиз, мулла йигит? — деб сўради.

— Москвада, — деди раис фахр билан, — Тимирязев академиясида.

— Кадрларимиз кучайиб боряпти, — деди Яхшибоев Ошнога қараб. — Отасига раҳмат ўша Темирниёзовнинг, яхши ўқитибди.

Ошно киноядан пайқамади. Дўсти улуғ олимнинг номини бузиброқ айтганидан хижолат бўлди, холос.

— Молхона яхши қурилибди, — деди район раҳбарларига юзланиб. — Энди мана шунақа олижаноб молхоналарни кўпайтирайлик.

Э худо, дунё бунчалар тор бўлмаса! О л и ж а н о б м о л х о н а л а р, ахир, бу асли Ошнонинг ибораси-ку? Расм бўлиб кетган экан-да? Қайси куни анави Чорибой укамиз Маматқулов ҳам шу гапни айтгандай бўлди, демак, юққан экан-да унгаям?..

Олижаноб молхоналар! Ахир, буям бир шиор экан-да, а?

Нодон Яхшибоев, аҳмоқ Яхшибоев, шўринг қуримаса, уч-тўрт бор бирга сафар қилибоқ ўзингни х о с одам чоғлаб қолармидинг!

Ўша суҳбатни аниқ-таниқ эслади. Жавзо кирмаган эди — буниси аниқ. Сабабки, Сурхон дегани анча жанубда, жавзода ўтлар сарғайиб улгуради, лекин унда кўм-кўк эди, улар тушган машина қизғалдоқлар қоплаган қиру адирларни оралаб елиб борарди. Олдинда кўк чироғи липиллаган «Волга», орқароқда яна бир қатор «Волга»лар, ўртада ўзлари, оғир, учганда ҳам имиллайдигандек туюлувчи чиройли лимузин, қўшнилар юртига — Регар шаҳрига томон борар эдилар. Шофёр билан уларнинг орасида шиша девор бор эди.

— Сурхон аҳлининг ишлари ёқдими, ўртоқ Яхшибоев? — деб сўради Ошно.

— Тузук, — деди Яхшибоев. — Мен бу ёқларга биринчи бор келишим. Қиёслаш имкони йўқ.

— Ёзувчи одам кўпроқ кезиши керак, айниқса — сиздек босиқ ёзувчи. Енгилтак ёзувчиларимиз ҳам бор, ўртоқ Яхшибоев. Кеча биттаси очерк ёзиб, мениям қўшибди: «Хорун Калонович шарақлаб кулди».

— Ўқидим, — деди Яхшибоев. — Умуман маъқулдай.

— Менга маъқулмас, — деди Ошно. — Илтимос, унга айтиб қўйинг, минбаъд мени қўшмасин. Мен қумғон эмасман — шарақлайдиган!..

— Хушомадни ёмон кўрасиз, оқсоқол, — деб мақтади Яхшибоев. — Бир гал саратонда лойга ботиб қолганимиз ёдингиздами? Тупроқ йўлдан борувдик, чанг кўтарилмасин деб сув сепишган экан?..

— Шундайми? — деди Ошно хиёл ажабланиб. — Эслаёлмайман, ўртоқ Яхшибоев.

— Энди, сиз кўп юрасиз-да, оқсоқол, — деди Яхшибоев, — қайси бириям эсингизда турсин... Унда, лоақал бугунги молхона эсда тургандир?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Молхона зўр қурилибди.

— Баҳаво экан, оқсоқол, шуниси менга ёқмади. Мен чўпон боласиман, жўнликни хуш кўраман, дейлик, сигирдан атир ҳиди эмас, гўнг ва жун ҳиди келишини истайман.

— Кекчи бўлиб қолибсиз, ўртоқ Яхшибоев, — деди Ошно жилмайиб. — Тушунинг, азизим, ҳамма ҳам сиздек зукко эмас. Бировлар борки, тавозе қиляпман деб ўйлаб, аслида хунук тиржайиб қўйганини билмай қолади. Яъниким, лутф деганлари ҳам одамига яраша. Сизда — анча нозик, буларда — сал қўполроқ... Лекин, бариси бир лутф-да, ўртоқ Яхшибоев. Биз сизни жуда қадрлаймиз, аммо буларни ҳам сиздан кам кўрмаймиз...

Яхшибоев бирдан ҳушёр тортди.

— Оқсоқол, — деди муросасозлик билан, — балки бу сизга ёқмас, лекин лутф билан хушомадни фарқлашимиз керак. Хайриятки, қоракўз раиснинг инқилобдан кейин туғилгани, олдинроқ бўлсайди, юрт оғалари келганида хотинини ҳам тортиқ қиларди!..

— Оббо сиз-э, ўртоқ Яхшибоев! — Ошно тиззаларига уриб кулди. Қаттиқ кулди. Кулгиси шиша деворлардан нарига ҳам ўтди шекилли, рулдаги шофёр безовталанди, ортга қарамоқчи бўлди, лекин т а о м и л н и бузмасликка ақли етди.

Анави очеркачи тўғри ёзибди, деб ўйлади Яхшибоев, бу ростдан ҳам қумғондай шарақлаб кулади.

— Тағин бировларга анави баҳаво молхонани гапириб юрманг, ўртоқ Яхшибоев, — деди Ошно сал жиддийлашиб, сўнг, сал ўйлаб туриб, яна жилмайди. — Гапирсангиз ҳам майли, барибир биров ишонмайди. Эҳтимолки, аҳмоқликдир бу, лекин, ўртоқ Яхшибоев, бариси сизу бизни иззат қилишганидан. Халқимизнинг меҳри дарё. Дарвоқе, жўн дарёни жиловлаш мумкин, лекин меҳр дарёсини асло тўсиб бўлмайди.

Ошно охирги сўзларини т а р и х у ч у н айтаётганини Яхшибоев сезиб турди, лекин негадир эслаб қолишга иштиёқ йўқ эди. Ошнонинг кўп кулиб, кўп жилмайгани ҳадигини оширган эди, кўнгли аниқлик тусади:

— Оқизиб кетадими, оқсоқол?.. — деб секин сўради.

— Оқизиб кетиши ҳам мумкин. Тошқин одам танлаб ўтирмайди, ўртоқ Яхшибоев, қаттаю кичик баробар унга...

Хайрият, Ошно э с л а т д и. Бавосита бўлса-да, барибир эслатди. Ўртақўргонни, сув омборини, тўғонни, Олияни, сувга оқиб кетган-у, ёғоч бешик туфайли омон қолган гўдакни, Олиянинг озодлиги эвазига Яхшибоевни сотиб олганини эслатди.

— Тўғон бошида турган одам-чи? — деб кесатди Яхшибоев. — Аямайдими? Меҳр дарёси-ку бу дарё?.. Дарғаси бор-ку бу дарёнинг?

— Дейлик, у кўрмай қолади, — деди Ошно тик қараб, юзидан тавозени узмасдан, — шунақа бўлиши ҳам мумкин-да, ўртоқ Яхшибоев?..

Ошкора таҳдид эди бу. Таҳдид не бўлиши Яхшибоевнинг эсидан ҳам чиқиб кетган экан, эшитиб ғамгин бўлиб қолди. Ҳарна, иззат-эътиборга ўрганган одам, назардан қолгиси келмасди. Шаккоклик қиларга тоби бордай эди, лекин кучи етармикан?.. Шаккоклик — йўқчилик дегани асли, иззат йўқ, обрў йўқ, ола қарашлардан ўзга ҳеч нарса йўқ. Эвазига — озгина ғазаб ва озгина ғурур билан яшайсан, холос.

Яхшибоев ўшандай яшашга уриниб кўрди. Ошно уни бир муддат тинч қўйди, сафарларга Александр Шоймардоновични олиб кетадиган бўлди. Яхшибоев ҳам ўзича сафар ихтиёр этди, ҳеч кимга айтмасдан шаҳардан чиқиб кетди. Тоғдаги чўпон танишининг ўтовида бирор ўн кун беташвиш яшади: қирғизлардан қимиз олиб ичди; тандиркабоб еди; икки-учта ҳикоя ёзди. Тунлари ўтов ёнига чиқиб юлдузларга боқди, оламнинг бемисл чексизлигини қайта-қайта идрок этди, ўзининг, бошқаларнинг, ҳаттоки Ошнонинг ҳам айни бемисл олам олдида арзимас зарралар эканини ўйлади.

Шаҳарга қайтса — ҳамманинг юзида ташвишу ҳадик. Билсаки, ўн кундан бери Ошно бетўхтов сўроқлаётган экан. Бориб, унинг тундлигини кўрди. Умрида биринчи бор Ошнони бунчалар тунд кўриши эди. Ҳайиқмади, кўзларига тик қаради. Узр, деди, сал кечикдим, аввалроқ огоҳ этмаган экансиз, ўзимга яраша ишларим бор эди. Ошно унинг кўзларидаги саркашликни пайқади, совуққина жилмайди, сўнг, ҳол-аҳвол ҳам сўрамай, бирдан расмий оҳангга ўтдики, сиз, ўртоқ Яхшибоев, фақат ўзингизни эмас, элни ҳам ўйланг, зудлик билан Ўртақўргонга кетишингиз керак, у ёқдаги ишларни тартибга солиб бермасангиз бўлмайди. Яхшибоев бу гапларнинг шунчаки лалми дўқ эканини сезиб турарди, андак ялинса, важ кўрсатса қоларини ҳам биларди, лекин ўша ўн кунлик озодлик шавқи сўнмаган экан, паст тушгиси келмади.

«Сургун» муддати роса уч йилга чўзилди. Ўзи ҳам, Муҳсина хоним ҳам Тошкентга унвондор бўлиб қайтди-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар. Муҳсина — майли, лекин ўзининг унвонида мазах бор эдики, Яхшибоевнинг хўрлиги келарди, имкон топса-да, ўша фармонни бекор қилса. Хайриятки, анави хушфеъл олим болаларнинг эс-ҳуши кирарли-чиқарли бўлса ҳам, Яхшибоевнинг илк унвони — «хизмат кўрсатган артист»ни эсламасликка фаросатлари етади.

Ошно пешин ҳордиғи маҳали келди. Ёнида профессор Ваҳобов билан бўйдор бир йигит бор эди. Ранги синиққан экан — буни Яхшибоев узоқ сафар заҳматига йўйди. Отасига раҳмат, шунча баҳру уммонларни кезиб юрса-да, тепишиб ўсган жўрасини унутмабди.

Яхшибоев айни ҳолатда кўришиш таомили қанақа бўлишини билмай, бир зум каловланди. Ошно ўзи қутқарди уни, зуд юриб келиб бағрига босди. Қучоқлашган пайтларида Яхшибоев Ошно оёқ учларида кўтарилганини сезди, хижолат бўлди, беихтиёр тиззаларини озгина букди. Ўйладики, манави дўхтир билан қўриқчига бало борми жўралар учрашган пайтда!..

— Бурга тепдими, ўртоқ Яхшибоев!? — деб хитоб қилди Ошно. Хитоби сунъийроқ чиқди. Унинг ҳам гувоҳлардан хижил экани сезилди. — Бу нима қилиқ, — деди овозига андак шўх тус бериб, — нега ялпайиб ётибсиз бу ерда?

— Негалигини, мана, луқмонлардан сўрайсиз, — деди Яхшибоев профессорга ишора қилиб. — Жавоб сўрасам кўнмайди, бу ёғи — кампания даври, четроқда қолиб кетганим алам қилади, лекин — начора, ётибмизда...

Ошно Ваҳобовга қаради.

— Бир ҳафтада рухсат берамиз, — деди профессор. — Бу кишининг дарди оғирмас, лекин сал дам олишлари керак.

Яхшибоев сездики, профессор инжиганини унутмабди, хаёлида — ўша аппарати. Буниям, анави камгап боланиям кеткизиш керак, деб ўйлади, суҳбатга халал беради.

— Тўғриси, булар мени гаровга ушлаб туришибди, — оқсоқол, — деди Яхшибоев кулиб. — Битта аппарат бор экан, шуни раҳбарлардан ундириб оббермасангиз жавоб йўқ, деб рўй-рост айтишди.

— Ҳали ҳибсдаман, денг? — деди Ошно сал ажабланиб. — Сиз бунақа зўравон эмасдингиз шекилли, ўртоқ Ваҳобов?..

Ваҳобов зўраки илжайди.

— Буниям тушуниш керак, — дея давом этди Яхшибоев, — ўзини эмас, менга ўхшаган бедаво беморларни ўйлайди. Бор-йўғи ярим миллион турар экан.

— Валюта қатъий ҳисобда, ўртоқ Яхшибоев, — деди Ошно жиддийлашиб.

Яхшибоев хато қилганини сезди. Касал одамнинг гаплари сал бошқачароқ бўлиши керак эди. Тўғри, турқтароват касалга ўхшайди, соқол ўсган, кўзлар киртайган, ранг заъфарон, лекин гаплар анча т и р и к. Ярашмайди, беморга ярашмайди.

— Энди, оқсоқол, — деди иҳраниб, — у аппарат сиз ўйлагандай тахчил матоҳ эмас. Москвада бор, Ленинградда бор, Киевдаям бор, бу ёғи қозоқ дўстларимиз билан тожик дўстларимиз ҳам сотиб олиш тараддисида. Энди, шугина арзимас нарса бизларда бўлмаса... уят эмасми?

— Оббо сиз-эй, ўртоқ Яхшибоев, миллий ғурур, денг? Биз сизни анча камситибмиз-да, а?..

Ваҳобов саросимага тушди. Чамаси, у орзу қилган аппарат Душанба тугул, Москванинг ўзида ҳам йўқ эди ҳали. Яхшибоев Ошнога сездирмай имо қилдики, парво қилма, розилик берса, бас, тафсилоти эсидан чиқиб кетади.

— Беморингиз жуда таъмагир чиқди, профессор, — деди Ошно кулиб. — Тезроқ рухсат бермасангиз, яна бир балоларни талаб қилиб қолиши мумкин. Майли, касал одамга рад жавоб этиш ўзи қийин. Сиз бирор ҳафтадан кейин телефон қилинг, профессор, эсга солишсин. Хўш, яна қандай илтимослар бор?..

Профессор зийрак эди, иззати битганини сезди. Недир жўяли бир баҳона топиб, палатадан чиқди.

— Сиз ўртоқ Саломов билан боғланинг, Темирбек, — деди Ошно ҳамроҳ бўлиб келган бўйдор йигитга қараб. — Агар Тўраев сўраса, шу ерга, ўртоқ Яхшибоевнинг кабинетига... узр, палатасига улашсин.

Йигит ҳам Ваҳобовнинг ортидан жўнади.

Яхшибоев дурустроқ диққат қилди. Ошно ғамгин эди. Ранги баттар заҳил тортибди, ёноғидаги чандиқ билинмай кетибди — устидан чуқур бир ажин тушибди. Аввалги сафар кўрганида бу ажин йўқ эди.

— Узоқда турибки ҳол сўрадингиз, оқсоқол, мен фақирнинг бошим осмонга етди, — деди Яхшибоев. Кўнгли бузилди, кўзлари намланганини сезди. — Минг раҳмат, оқсоқол.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қўйинг, Назарбой, — деди Ошно уни исми билан атаб, — болаликдан бери синашта бўлсак... Биз яна кимгаям сиғинамиз...

Яхшибоев Ошно расмиятни қўйиб исми билан атаганига ажабланмади, аташи шарт ҳам эди, касал кўргали келганда андак хонаки илтифот бўлмасдан иложи йўқ, лекин анави — «сиғингани» нимаси?

Нега у бунчалар мулойим бугун?

Яхшибоев ҳушёр тортди. Эсладики, қайси куни узоқ мамлакатда туриб сўроқлаганида ҳам овозида зорланиш бордай эди. Юртни соғинганини айтувди, илгариям сафарга кўп чиққанини, аммо бу гал ўзгача соғинганини...

«Қариб қоляпмизми, жўра?»

Дарвоқе, ўша кунги суҳбатнинг «жўра»сиям бор эди. Ошно тугул, Яхшибоевнинг ўзи ҳам унутиб юборай деган «жўра». Нима бало, бунинг тагига сув кетдимикан? Нега бу ерга келди? Менинг нимамга сиғинади, ана, гирой маддоҳлари бор-ку, ҳар гал ишлари тушганида «Сиз — Отамизсиз!» деб тушларида ҳам тамшанадиган!

Тушунолмади. Тушунса, ваҳма босарини пайқади. Атай меровлик қилиб, чет-чақадаги гапларни бошлади:

— Жонимдан безор бўлдим, оқсоқол, — деди. — Бир хира пашша ҳафта тугал тинчлик бермайди, бирор ғаним қатлимга юборган уни, нуқул хушомад қилади, нуқул совға-салом кўтариб келади...

— Иззат қилишганидан, — Ошно Яхшибоевнинг дийдиёсига парво қилмади. — Эл севган адибсиз, Назар Яхшибоевич.

— Э, эл севмай баттар бўлай! Ўлгудай сурбет, турқини кўрсам жинни бўп қолай дейман!..

Ошно ортиқ рағбат кўрсатмади, жиддийлашди:

— Асабийлашманг, ўртоқ Яхшибоев, соғлиқни ўйланг.

— Э, мени қўяберинг, — деди Яхшибоев чуқур уҳ тортиб. — Сафарингиз яхши бўлдими?

— Тузук. Эндигина йўлини топиб келаётган ўлка экан. Кичкина орол. Табиати гўзал. Асосан туристлар ҳисобига кун кўради. Уч-тўртта балиқ заводи бор.

— Савод, маданият масаласи қандай?

— Унчаликмас. Биз уларга ўз тажрибамизни айтдик. Инқилобгача бор-йўғи икки фойиз саводхон бор эди, ҳозир — юз фойиз, деб айтдик.

— Ишонишдими?

— Менимча, кўп ишонишмади. Энди, ўртадаги фарқ жуда катта-да, Назар Яхшибоевич, фан ва техника жуда гуллаб-яшнади-да.

Яхшибоев гап мавзуси четга оғиб кетганини сезди. Ошно ёзувчи ёки журналист эмаски, кўрган-билганларини газетга сотиш олдидан оғзаки пишитиб оляпти, деб ўйласанг. Агар бирор дарди бўлмаса ҳозир ўрнидан туради, вақти оз бунинг, бемор кўргали йигирма минут сарфласа ҳам катта гап.

— Қайтишлари билан яна сафарга чиқадилар, деб эшитдим, — деди Яхшибоев. — Яна хорижгами?

— Йўғ-э, — деди Ошно, — хорижга яна боришга имкон қайда. Энди бир вилоятлардан хабар оламиз. Болали аёлга ўхшаб, у ёқларда ҳам кўнглим алағда бўлаверди.

— Пахта тузукми?

— Тузук.

— Менам радио эшитиб тураман, — деб ёлғонлади Яхшибоев. — Хоразм билан Самарқанд ғайрат қилаётган эмиш.

— Уларнинг ҳаракати ёмонмас, лекин Қўшдарё ўзиброқ теряпти.

— Дарвоқе, Ёшулли дипломни олдими?..

Яхшибоев қалтис гапирганини пайқадию тилини тишлади. Ошнога шу нарсани эслатиш шарт эмасди. Воҳага раҳбар қилиб тайинланган кишининг бор-йўғи ўрта маълумоти борлигини кўпчилик билмасди. Ҳатто Ошнонинг ўзи ҳам буйруқ чиққанидан кейин билди...

— Хотирингиз жам бўлсин, ўртоқ Яхшибоев, — деди Ошно унчалик хушламай. — Ёшулли институтда сиртдан ўқирди. Хатога келсак, уни ўз вақтида тан олганмиз... Қолаверса, кадримиз ишончни оқлади, суръати ёмонмас.

Яхшибоев бошдан Ёшуллини ёқтирмасди. Бир гал воҳага борганида қабул қилмасдан районма-район қочиб юрган. Бундоқ қараганда, иззатини жойига қўйгандай эди — жой тайёр, борадиган манзиллар аниқ ва бири-биридан баҳаво, ҳатто Ёшулли минадиган махсус самолёт ҳам хизматида, фақат унинг ўзи тутқич бермайди.

Кекчи эди Ёшулли. Яхшибоевнинг Ошнони рашк қилиб, ўзига «горилла» деган лақаб қўйганини кечиролмасди. Кейин унинг каттакон бир мажлисда чаласавод раҳбарларнинг узундан-узоқ рўйхатини ўқиб берганини ҳам ҳеч унутолмасди. Рўйхат бошида Ёшуллининг номи бор эди. Ёшулли нодон эди. У ўша кезларда Яхшибоевнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ошно билан яна аразлашиб қолганини билмасди. Билса эди, чаласаводлар рўйхати шунчаки дўқ-пўписа — зора Ошно озгина чўчиса, деган илинж аломати эканини пайқарди.

— Энди, бу ерда ётишингиз ярашмайди, Назарбой, — деди Ошно сўлиш олиб. — Сизсиз анча қийналиб қоляпмиз.

Аён бўлдики, Ошно кетмоқчи эмас — дард билан келган. Ишқилиб, яхшиликка бўлсин. Ҳозир у недир бир камчиликдан сўз очади, турган гапки, тасодифий камчилик, социализм учун характерли эмас, лекин шундай бўлса-да...

— Бирор топшириқ борми? — деди Яхшибоев гапни чўзиб ўтирмай.

— Касал одамга топшириқ бериб бўларканми, — деб кулди Ошно. Кулгиси беўхшов чиқди. — Биргаликда Булдуруққа борсак, деган илтимосим эсингиздами?

Ошно дардини айтолмай қийналаётганини Яхшибоев тушуниб турди. Булдуруқ — шунчаки бир баҳона. Агар кўнгли ростдан ҳам Булдуруқни тусаб қолган бўлса, унда ёмон — бунинг тагига сув кетгани аниқ.

— Озгина маслаҳат бор, балки йўлда бафуржа гаплашармиз, — деди Ошно сал туриб.

Яхшибоев тинчланди. Хайрият, баҳона экани рост чиқди. Булдуруқни бошига урадими Ошно!

— Дарвоқе, оқсоқол, мен Булдуруқда боғ қиляпман, — деб мақтанди.

— Ғоят олижаноб! — деб мақтади Ошно. — Бизнинг номимиздан ҳам кўчат эккандирсиз?..

— Эсдан чиқибди, — деди Яхшибоев атай. — Рости, кўчатни Саидқул Мардон экиб берди. Ҳу Ўртақўрғонда етим бола бўларди-ку, ўша...

Зеҳн солиб турди. Ошнонинг юзи қилт этмади. Чамаси, у Саидқул Мардонни буткул эсдан чиқариб юборган эди.

— Эсимда... — деб гудранди. — Айтинг, қабулга бир келсин.

— Қачон?

— Кейинроқ. Яхшиси қишда. Ҳозир вақт тиғиз, тушунасиз...

Қишда қабул тайинладими, ҳали умиди бор, деб ўйлади Яхшибоев, хўш, унда нега бунчалар маъюс?..

— Қолган ишга қор ёғади, оқсоқол, — деди. — Лоақал бўлажак суҳбатнинг мавзусини айтсангиз, мен шунга яраша тайёргарлик кўрсам.

Бу гап Ошнога маъқул тушди. Чамаси, ўзининг ҳам пайсалга солгиси йўқ эди.

— Тайёргарлик маъносида бўлса — майли, — деди. — Гап шундаки, бир-икки танқидий мавзулар чиқиб қолди. Бир қарашда арзимас камчиликлар. Аслида ҳам арзимас. Лекин камчилик деган нарса умуман бўлмаса тузук-да, Назар Яхшибоевич. Мавзуга харидорлар кўп, лекин сиз синашта одамсиз.

Яхшибоев бошини қуйи эгиб, миннатдорлик билдирди. Ошно яна нималардир деб чайналди, лекин мақсадга бақамти келавермади. Чамаси, айтмоқчи бўлган фикри фақат ўзига тегишли эди. Бировга айтмаган, бировга айтиб ҳам бўлмайди, акс ҳолда, ўнинчи даражали бирор амалдор орқали жўнгина топшириқ бераверса ҳам бўларди.

— Қўшиб ёзиш деган гаплар ҳам чиқиб қоляпти, — ниҳоят, Ошно гапнинг учини чиқарди.

— Хабарим йўқ экан.

— Талмовсираманг, — деди Ошно оғриниб. — Эшитган чиқарсиз.

— Эшитган нарсаларимнинг ҳаммасига ишонишим шартми?

— Текшириб кўрилса зиён қилмайди.

Яхшибоев қараса, Ошно ҳаливери ичини ёрмайди. Обдон эзғилаб кўради, пишитади, кейин... Эҳтимолки, кейин ҳам тайинлироқ бир гап айтмас.

— Оқсоқол, — деди секин, — аввал мен айрим фикрларимни айтсам, маъқул бўлса, шунга яраша маслаҳат берсангиз...

— Маъқул.

— Йўқ, аввал сиз эшитинг. Самарқандда бир гирой бор. Уни қайси журналист топганини билмадим, лекин довруғи анча баланд. Етмиш центнердан ҳосил олади. Ери юз гектар, лекин аслида икки юз...

— Геройларга тегманг, ўртоқ Яхшибоев.

— Мен ўз кўзим билан кўрганман, оқсоқол, ери кўп, юқори ҳосил яшириқча ер эвазига.

— Унга тегманг, ўртоқ Яхшибоев, — деб такрорлади Ошно. — Балки тузукроқ сорт беролмаган олимлар бордир?

— Александр Шоймардонович, — деди Яхшибоев узоқ ўйламасдан.

— Эсингиз жойидами!.. — Ошнонинг жаҳли чиқди. — Бошқаси қуриб кетганми сизга! Академик олимга тил тегизасизми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Билмадим унда, — деди Яхшибоев ҳафсаласиз. — Акс ҳолда лўлича муолижа бўлади, холос.

— Тушунолмадим, — деб асабийлашди Ошно.

— Шунчаки, қон чиқариш... Эсингиздами, оқсоқол, Булдуруқда лўлилар чаккани устара билан секин тилиб қон чиқарарди?..

— Зарбулмасални қўйинг, ўртоқ Яхшибоев, — Ошно жилмайишга уринди, лекин ўхшатолмади. — Сизнингча, жарроҳлик қилиш шунчалар шартми?

— Шарт, оқсоқол. Менимча, жудаям шарт. Керак бўлса, мана, мен ўзимни қурбон қилишим мумкин. Ўзимни ва яна бир кишини.

Бу гап Ошнога таъсир қилди:

— Шартмас, Назарбой, — деди. — Сизни авайлашимиз керак.

— Бошқа илож йўқ, оқсоқол. Дейлик, мен ўзимни, ўзимга қўшиб Тўпорини қурбон қилишим мумкин.

— Бемаъни гап! — Ошно ўрнидан туриб кетди.

— Чиданг-да, оқсоқол, — деди Яхшибоев. Танига недир куч оқиб кираётганини сезди, баттар ялпайиброқ ўтирди. Шу лаҳзада ўзининг Ошнодан устун эканини сезди, яйради. — Мен ўзимни аямаяпман-ку?

— Халқ-чи, ўртоқ Яхшибоев, халқниям ўйламайсизми? Сиз айттандай жарроҳлик қилсак, халқ обрўсига доғ бўлиб тушмайдими?

Яхшибоевнинг энсаси қотди. Индамай ўтираверди. Ошно торикди, сал муросага келди:

— Дейлик, Кенжабоевни... — деди секин. — Камчиликлари аён, ишни эплаёлмади.

Кенжабоевни эслади Яхшибоев. Пачаққина бир ўзбек, таёқдай тўғри, тўғрилиги — бошига бало; ўзи емайди, бировга ҳам едирмайди, дабдабани хушламайди, плани учма-уч ёки маррага етмайди, сабабки, қўшимча ери йўқ, икки тоғ қопқасида чигит ундиради, холос.

— Кенжабоев халқ эмасми?

Ошно индамади.

— Халқнинг ўзига ташласак-чи? — деди Яхшибоев. — Ким яхшию ким ёмонлигини айтиб берар?

— Анархия бўлади, ўртоқ Яхшибоев!

— Каттароқ қурбон берилмаса бўлмайди, оқсоқол. Жиддийроқ ўйлаб кўринг. Ҳозирча мен кичикроқ бир тадбирни пишитиб тураман. Мақола тайёр. Бир вақтлар Александр Шоймардонович йўққа чиқарган эди. Энди фаҳм қилсам, ўзингиздан ҳам фатво бўлгандай...

— Хўш?

— Ҳозир у одам бетоб.

— Қурбонойми? — деди Ошно ранги бўрдай оқариб.

— Худди ўзи. Балки мен индамаган ҳам бўлардим, оқсоқол. Ҳар нечук, ўзимнинг ҳам ҳиссам бор унинг ёлғончи бўлишида. Лекин бир гап бўлдики, мен ортиқ чидолмайман... Мени ўламан деб қўрқитмоқчи бўлди, бунисиям майли, лекин... агар ўлсам, икки қўлим оқсоқолнинг ёқасида кетади, деб айтди!.. Уни шу кўйга солган — шахсан сиз экансиз!

— Қурбонойни мен ўлгандан кейин фош этасиз, ўртоқ Яхшибоев!

Яхшибоев Ошнонинг титраб кетганини сезди. Ошириб юбормадимми, деб ўйлади, сал рандаланса ҳам бўларди, тем более у бечора бу гапни айтгани ҳам йўқ, шунчаки бўҳтон, лекин у мегажин баттарроғига ҳам арзийди — лақиллатгани етар!

— Қурбонойни фош этиш керак, — деди Яхшибоев қатъий. — Кейин навбат Ёшуллига... Ёшуллининг кимлигини яхши биласиз, оқсоқол.

— Ўртоқ Яхшибоев!.. — деди Ошно бақиргудай бўлиб.

— Лаббай, оқсоқол? — деди Яхшибоев пинак бузмай. — Гапиринг.

Ошно, гўё бўғилгандай, томоғини ишқалади. Ростдан ҳам бўғилган экан, овози хирқираб эшитилди:

— Назар, — деди, — худо кўрсатмасин, бировга ўлим тилаган ёмон, лекин менга қолса...

— Биламан, оқсоқол, — деди Яхшибоев, — сизга қолса, аввал менга навбат берардингиз.

— Йўқ, Назар, — деди Ошно титраб-қақшаб, — икковимиз бир кунда ўлганимиз маъқул. Ўшанда сен менга мағзава тўкишга улгуролмайсан!

— Мағзава тўкмайман, — деди Яхшибоев жилмайиб. — Бор-йўғи менгаям очиқроқ гапириш имконини бердингиз. Истаган пайтда йўқотиб юборишинг мумкин, — у ўзи ҳам сезмаган ҳолда «сен»лашга ўтди. — Ёдингдами мени сотиб олганинг? Савдомиз Ўртақўрғонда пишувди! Олияни қаматиб, озодлиги эвазига мени сотиб олувдинг! Хунимдан қолган озгина насяни эслатишга ҳаққим борми, йўқми?!.

— Тезроқ тузалинг, ўртоқ Яхшибоев, — деди Ошно эшикка йўналиб. — Безовта қилганим учун узр. Гапимни қайтиб олдим, мен сиз билан Булдуруққа бормайман!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ошно илдам чиқиб кетди. Яхшибоев номига йўлаккача кузатган бўлди. Кўрса, дўстига ҳамроҳ бўлиб келган бўйдор йигит четроқда кутиб турибди. Қатор тизилган палаталарнинг айримларида эшик қия очиқ. Эшиклар ортидан бировлар ўгринча мўралаган, тўрда — йўлакнинг охирида оқ халат кийган касалхона раҳбарлари маҳтал бўлиб кўз тиккан...

Ошно унинг чиққанини сезди. Бир-икки қадам юриб, ортига қайрилди. Бош иргади — хайрлашган бўлди. Яхшибоев ҳам мардумкўрсинга қўлини кўксига қўйди.

Бинойидай манзара, деб ўйлади, озгина чекиниш бўлди-ю, лекин — майлига, ахир, эрта-индин унинг ҳам чекиниши бор-ку? Ўшанда ҳисоб тенглашиб қолар?.. Қайрилиши, бош иргаши муқаррар эди, шуни билдимки, ортидан чиқдим, чиқмасам гап-сўз кўпаярди, бундоқ эса — манзара жуда кўримли, ахир, болаликдан қадрдон кимсаларнинг дийдоридан улуғроқ нарса борми, айниқса — дўстлардан бири бемор эканида!..

Суҳбат оғирроқ кўчди. Ошно ғазабланди. Лекин Яхшибоев унинг ғазабига кўникиб қолган. Муҳими — мақсадни ошкор қилди. Энди унга эришмоқ шарт. Қурбоной билан Шоймардоновда азалдан қасди бор. Пайт пойлаб юрарди, мана бугун ўша п а й т келди. Ошнонинг ўзи қутқу берди. Уям сезаркан. Дарвоқе, у бошдан ҳам сезиниб юрарди. Муттаҳамларни қаттиқ сўккан кезлари кўп бўлган — токи етмиш еттинчи йилгача, инқилобнинг ҳам, ўзининг ҳам олтмиш йиллик тўйигача. Етмиш еттинчи йилдан кейин сўколмай қолди. Сабабки, ўзининг ҳам лафзи булғанди. Етмиш еттинчи йилнинг баҳорида Катта Пахтакор келдию бу ёғи ҳаммага омон-омон бўлди. Катта Пахтакор аслида пахтакор эмасди, лекин пахтани жонидан ортиқ кўрарди. У кишининг маслаҳати билан «Олтинтоғ альпинисти» деган миллий ўйин ҳам таъсис этилган эдики, бўз йигитлар пахта бунтига ким тезроқ чиқади, деб куч синашар эдилар. Яна бир гал кекса сувчининг қўлидан тутиб, «бу қўл — тилла қўл», деб таърифлаб эдики, ҳамма ёққа сувчи сурати ва Катта Пахтакорнинг ҳикмати битилган алвонлар илинди, ҳаттоки Қўшдарё воҳасида кафти тепага қараган қўлга ҳайкал ҳам ўрнатилди. Ҳайкал ганчдан эди-ю, сиртига тилла ранги суртилган эди. Афсуски, бу қўлнинг умри узоқ бўлмади, шўри қуриб, ўтроқ лўлилар яшайдиган қишлоқ ёнига, каттакон йўл ёқасига қўйилган экан, қишлоқ аҳли соддалик

қилиб, бу ёдгорлик бизнинг тиланчилиқда ўтган ўтмишимизга ишора, деб янглиш тушуниб, қоронғи бир кечада «тилла қўл»ни ўғирлаб кетишди. Ёшулли ёмон қутурди ўшанда, лекин айбдорни тополмади. Топарди ҳам, лекин лўлилар жамоаси йиғилиб келиб, ҳаммамизни қамайсан, деб қолишидан чўчиди. Яна битта ҳайкал қурамизми, деб Ошнога маслаҳат солди, лекин бу пайтга келиб Катта Пахтакор оламдан ўтдию лўли жамоасининг гуноҳи унут бўлди. Лекин унгача бўлган воқеалар ҳам чакки эмасди, хусусан, Катта Пахтакорнинг етмиш еттинчи йилда иккинчи марта келиши... Келиб айтдиларки, «5» рақами — жуда яхши рақам, аммо «6» рақами ундан ҳам яхши, баски, «5» рақамини «6» рақамига айлантириш жуда осон, пастдаги кемтикни бекитиб, кейин тепадаги тўғри чизиқни салгина тепага эгасиз — тамом-вассалом! — «5» рақами «6» рақамига айланади-қолади! Ошно кайфи хушлигида айни ҳазилни ғурур билан гапириб юрарди: рақамни алмаштириш чўт эмас, лекин ортидаги «миллион»ни қайдан топамиз, оқсоқол!

Қизиқ, деб ўйлади Яхшибоев, ўша суҳбатда бўлганим йўқ, лекин кўриб-эшитгандайман. Ошнонинг ҳазили ҳам, Катта Пахтакорнинг ҳазили ҳам жуда жўяли кўчган. «Минг» сўзи минғиллаб айтилади, тарози босмайди, «миллион» сўзи-чи? Завқ билан айтилади у, залвори сезилмайди, мисоли ҳавода кезган мезондай енгил!..

Қизиқ, деб ўйлади Яхшибоев, ўшанда Катта Пахтакор нима деган экан? Шу ўй баробарида Катта Пахтакорнинг унутилмас овозини эслади, нималар деганини ҳам аниқ-таниқ тасаввур этди: н а д о , Х а р у н ч и к , н а д о!!.

Худди шундай. Бу сўз ўша йилларда Ошнонинг тилидан тушмасди — н а д о! Қайдан олингани сезилиб турарди.

Ошнога қўшилиб ғарбий воҳага борганини эслади. Катта мажлис бўлди. Ҳамма бўғзигача мажбуриятни олди. Охирида Ошнонинг ўзи гапирди. Унда Ошно жуда руҳли эди, гапини эшитган одамга руҳини юқтирмай қўймасди. Дарвоқе, уям ваъда бердики, воҳани гуллатамиз, азиз ўртоқлар, қақроқ чўллар обиҳаётга ғарқ бўлади, тепароқдан нақ саккиз миллиард кубометрлик сув омбори қурамиз! Қийқириқ, қарсак бўлиб кетди! Уни тик туриб олқишладилар. Сурон тиниб, ҳамма яна жойига ўтириб бўлгач, Ошно ҳеч гап айтмагандай, воҳа раҳбарига юзланди-да, жўнгина сўради: бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

йил сизларда ҳам маккани совуқ уриб кетгандир, ўртоқ Маткаримов? Воҳа раҳбари саволни кутмаган экан, дабдурустдан довдираб қолди, сўнг шошиб хитоб қилдики, тўғри, устод, бу йил анча оғир қиш бўлди, олдинроқ экканимиз учун маккани совуққа олдириб қўйдик. Оғиркарвон одам эди ўртоқ Маткаримов, дарров тушунолмади, нафақат у, зал тўла халойиқ ҳам тушунмади — пурмаъно саволга жавоб ахтариб, бир-бирларига аграйиб боқдилар. Хайриятки, Ошно хатосини сезди, уларга тасалли бердики, хавотир олманглар, азиз ўртоқлар, кечки маккадан оз-моз омон қолгани бор, қолаверса, бошқа воҳаларда ҳам эртачи макка битмади ҳисоб, давлат суғурта идоралари табиий офатни ҳисобга олади, бу ёғи «оқ олтин»ни қиш-қировга қолдирмай йиғиб-териб олсак — марра бизники!

Деҳқонларнинг ҳайратланганича ҳам бор эди — ўша йили макка жонивор бир унди, бир унди!.. Яхшибоевнинг шаҳардаги бир тутам ерига экилгани нақ икки қулоч бўлиб бўй чўзганидан кейин, далада экилгани нечоғлигини тасаввур этаверасиз. Фақат макка экилган дала кам эди, бедапоя кам эди, нўхатпоя, обию лалми полизлар кам эди... ҳамма жойга пахта экилди. Мевазор боғларга трактор тушди, кундаков қилар-қилмас, устидан чигит экиб юборилди. Қўриқлар очилиб, ҳали сизот сув оқиб кетадиган қувурлар ётқизилмай туриб, уларга ҳам чигит экилди. Александр Шоймардоновичнинг уруғ солинган тоғораси нақ қайнар хумча эди — ҳамма ёққа сепилди, токи қишлоқдаги болалар боқчаларининг гулзорларига ҳам чигит экилди.

Катта Пахтакор «надо!» деб турди.

Ошно унга жўр бўлди: «надо!»

Воҳа раҳбарларининг икки қўллари кўксида: «бажарамиз!»

Лекин марра узоқ чиқди — бажаришолмади. Ўша йили Қурбоной бир ўзи минг тонна терди — бажаришолмади. Қурбонойнинг издошлари ғайрат қилдилар — бажаришолмади.

Ҳар куни соат иккида радиодан қамчидай қарсиллатиб айтишардики, ғайрат қил, пахтакор, урин, пахтакор, сурин, пахтакор — озгина қолди!

Озгинаси — бир миллион эди.

Катта Пахтакор шахсан ўзи яна бир бор келиб кетди: «Надо, Харунчик!..» Бу гал овозида норозилик бордай эди: ю қ о р и н и н г т а л а б и ш у!

Ошно Катта Пахтакордан ҳайиқарди. Бу ёғи — олдинда олтмиш ёши. Ё тўлиқ тантана, ёинки пенсия. Ғамгин тортди. Воҳа раҳбарларини йиғиб олиб, ҳосилдан ташвишдаман, деб айтди, пахтакорларимиз ғайрат қилишлари керак, ваъдага вафо — марднинг иши!

Йўқ, у бекорга ташвиш тортган экан — план байрамда бажарилди.

Катта Пахтакор қўнғироқ қилиб мақтади: яшанг, азиз дўстим! Ошно камтарлик қилди: халқ яшасин, халқнинг иши бу!

Ошно Катта Пахтакор билан суҳбатини катта мажлис минбарида туриб оқизмай-томизмай айтиб берди, унинг и с с и қ в а к а т т а к о н саломини топширди. Ошнодан кейин Ёшулли сўзга чиқди: бажариш оғир бўлди, ўртоқлар, лекин биз и ч к и р е з е р в л а р н и ишга солдик! Ёшуллидан кейин Маткаримов минбарга кўтарилди-да, кўксини ҳам, бошини ҳам мағрур кўтариб хитоб қилдики, биз ҳосилдорликни қирқ центнерга кўтардик!!

Аён бўлдики, олти миллион тонналик осмонўпар «оқ олтин» тоғлари Ошнонинг олтмиш ёшига совға экан.

Худди бир шоир айтганидай: «юнонлардан қўрқурман, ҳадя келтирсалар ҳам».[1]

Тантаналар зўр бўлди ўша йил. Ошно олтмишга кирган куни газетда сурати чиқди, ёнида — чиройли фармон.

Яна бир гала киши мукофот олди. Рўйхат катта эди, шу сабаб, ҳар бир область газетаси ўзига тегишли қисмини босиб чиқарди.

Йигирмата шоир ҳашар қилиб, «Тантана» деган манзума ёздилар. Бастакорлар куй басталадилар — оратория бўлди. Аммо битта манзума кам кўринди шекилли, Ошно етмишга кирганида кўпроқ ёзилар деган умидда Ёзувчилар союзига ўша йилнинг ўзида юз нафар янги аъзо қабул қилинди. Ажаб қаноат!..

Руҳ кўтаринки эди.

Болага ўхшайди, деб кулди Яхшибоев юмшоқ ўринда тепага қараб ётаркан, ким айтади раҳбару йўлбошловчи деб!..

Палата жимжит эди. Пашша учса ҳам эшитилади, лекин учадиган пашшанинг ўзи йўқ, деразаларнинг

[1] Вергилий сатри.

www.ziyouz.com kutubxonasi

сиртидан майда тешикли симтўр тутилган — пашша тугул, чанг зарраларини ҳам тутиб қолгудай.

— Болага ўхшайсан, Ошно, — деди овозини баралла қўйиб. — Қизалоқлар шунақа аразлайди, энди сенминам ўйнамайман, деб! Булдуруққа мен билан бормас эмиш! Борасан, ошнам, бориб томоша қиласан, икки кўзинг ҳам очиғ-у, ҳеч балони кўрмайсан. Сўқирлик ёмон, лоақал ўзингни сал чеккароқдан туриб кўролмасанг ёмон!..

Йўлакда қизларнинг кулгани эшитилди. Бечора ҳамшираларга, деб ўйлади Яхшибоев, овозларини соғиниб қолишибди, Ошно келганида сақлаган сукутларининг қасдини олишяпти.

Нариги хона эшиги очилди. Юмшоқ, шипиллаган товуш — бадантарбиячи хотин шиппак кийиб келяпти. Оти нимайди?.. Ҳа, Анбар, Анбар отин...

— Подъём, Назар Яхшибоевич!

Овози шўх-у, кўзлари ғамгин. Худди Ошнонинг кўзларидай. Нима бўлдийкин, буниям алдашдими?..

— Эртага, Анбарой, эртага... Бугун юрагим ёмонроқ.

Кўксига қўлини қўйди. Сезса, ростдан ҳам зарблар тезлашгандай.

— Графикни бузяпмиз, Назар Яхшибоевич.

— Э қизим, сиз графикни айтасиз, бу ёқда дунё бузилиб боряпти-ку, — деди Яхшибоев. — Майли, эртага қиламиз машқни, бу ёқда мен озгина куч йиғиб олай... Маъқулми, хоним?

— Шўхсиз, Назар Яхшибоевич, — деб кулди Анбар.

— Ўзга илинж қолмаса на қилай. Буям бир таскинда. Суяксиз тил, айланавераркан-да, Анбарой.

— Палатанинг ҳавоси ўзгача-ку? Фаранги атир, нима бало, жазманингиз келувдими?

— Топдингиз, Анбарой. Жудаям инжиқ. Чиқиб кетаётганида кўрмадингизми?

— Мен ишга энди келишим, Назар Яхшибоевич.

— Дугоналарингиз айтгандир?..

— Йўқ, — деди Анбар. — Дугонам йўқ ҳисоби. Бу ерда ярим ставка ишлайман, келаману кетаман.

— Топармон хотин экансиз, куёвбола хурсандми, ишқилиб?

— Бўлмаса-чи!

Озгина кулишиб, бадантарбиячи хотин кетди. Ҳамшира келди. Уколини қилиб, у ҳам кетди. Энди навбат кимники?.. Сокина келмоқчи эди, лекин қўлида касал

боласи бор, қўнғироқ қилиб турибди — шуниси ўзи кифоя. Чоршанбининг келиши аниқ. Ажабмаски, бироргта нотариусни ҳам бошлаб келса. Ҳожатбарор йигит, баъзида шуниси ғашга тегади. Шу билан тамом. Бугун кеч бўп қолди, Ошнонинг келиб-кетгани хабари эрта чошгоҳгача тарқалиб улгурса ҳам катта гап. Қарабсизки, тушга яқин гурас-гурас бўлиб кела бошлайдилар. Дарвоқе, суҳбатга «тафсилот» тўқиб улгуриш керак. Минг лаънат бунақа ҳаётга, тузукроқ бир нарса ёзиш ўрнига аллақандай суҳбатларнинг мақбулроқ тавсифини бичишга мажбурсан! Ўзингнинг бичилганинг шу!..

Йўқ, шартмас уларни қабул қилиш. Раҳматовга айтиш керак, токи дарвозахонага ҳам, навбатчи ҳамшираларга ҳам тайинласинки, ўртоқ Яхшибоевнинг тоблари қочиб турибди, парҳезлари қаттиқ.

Умуман, бу ердан жўнаворилса ҳам бўлади энди. Ошно келди. Озгина муолижа бўлди. Руҳият тузук. Битта-иккита янги латифа ҳам бордай... Тўғри, Ошно яна бир марта келиши ёки қўнғироқ қилиши мумкин, лекин шугина нарсани деб касалхонада ялпайиб ётиш шартми? Ҳамма гап очиқ-ойдин айтилди, энди масала Ошнонинг муқим қарорга келишига боғлиқ. Уйга борсаям бути йиртилмайди.

Нариги хона эшиги нозик чертилди. Рухсат бўлгач, оқ халат кийган чиройли хотин кирди. Уни Яхшибоев илгари кўрмаган эди. Авроқчи экан, саломлашиб, ширин-ширин сўзлаб, стол устига чийдан тўқилган саватчада гул қўйиб кетдики, Яхшибоев боисини сўрашга ҳам улгурмади. Ўйлаб кўрса, чий саватчада гул келтириш — олиймақом таомилга тегишли.

Чиройли хотиннинг ҳурмати деб ўрнидан турган эди, тағин ётиб олди. Столдаги саватчага дурустроқ қаради: гуллар дуркун эди, гўё қоғоздан ясалгандай. Демак, фармойиши яқинда берилган, Ошно бу ердан аразлаб чиқиб кетганидан сўнг. Бу нимаси бўлди? Яраш-ярашми? Ёинки културний одамнинг юзкўришмас бўлиб кетаридан олдин қилган илтифотими?

Чиғириқ ўзи секин ғижирлаб айланиб ётувди, деб ўйлади, сен бир қаровчи эдинг, бўшаган мурватини сал тортсанг, мойсираган жойига озгина мой суртсанг бас эди, яна минг йил бўлсаям айланаверарди, лекин сенга чиғириқ суръати суст туюлди, ажабки, булдуруқлик бўёқчивачча кўнглига кибр уя қурди, ўзингни салкам худо чоғладинг, шўринг қуриб жўн чархпалакни ч а р х и ф а л а к тусмол этдинг, кучаниб-кучаниб пишанг

www.ziyouz.com kutubxonasi

бердинг, қарабсанки, ўзинг ҳам чирпирак бўлиб айланиб кетяпсан, челакларнинг бири бут бўлса, бирининг таги ўйиқ, қайси қандайлигини кўролмайсан — тўхтатишнинг ҳеч иложи йўқ, айланиб турган жойида созлашинг қийин, ўзинг омон қолсанг ҳам катта гап, шу боиски, чора излаяпсан, менинг ёнимга келишинг ҳам бежиз эмас, биласанки, бир ипга бойланган бузоқларимиз, узиб кетиш йўқ, бири қаттиқроқ тортса униси бўғилиши тайин, биласанки, мен сени сотолмайман, балки ўзим ҳам талавасага тушиб, сенга бирор чора излай бошларман?..

Ташбеҳга бало борми! Турган-битгани бачканалик!

Боягим гапим — гап. Қурбон бериш керак. Пастлик қилиб, биргина Қурбоной билан Шоймардоновни атадим, сабабки, уларнинг турқи ёқмайди. Лекин буям аслида л ў л и ч а муолижа. Буларнинг юзтасини қўшиб боғласанг ҳам битта саржин бўлмайди. Шунчаки қўғирчоқлар, димоғи шишган пистафуруш билан миясига қурт тушган ғўзашунос чол, уммон тагида ҳар наҳанглар ётибдики, Ошнонинг ўзи ҳам улардан қўрқади.

Дадилроқ бўл, Ошно, ўзинг тан ол, ўзинг фош эт, ўзинг қайтадан тартибга сол, ҳозирча жилов қўлингда турибди, шундан фойдаланиб қол, Карбало даштига чиқ, бошингга кул сеп, токи тан олинган гуноҳлар рўйхати кейинроқ бориб в и ж д о н л и к и ш и н и н г т а з а р р у с и г а айлансин!

Наҳотки, шунгаям ақлинг етмаса?

«Булдуруққа сиз билан бормайман, ўртоқ Яхшибоев!» Хўш, борганингда нима қилардинг? Энди сен билган Булдуруқ қолмаган ҳисоб. Булдуруққа бир тегирмон сув келтиришга унамадинг, маҳаллийчилик деб жар солишларидан чўчидинг. Ўзингга қолса, Булдуруқ аҳлини бошқа ёққа кўчирма қилиб ҳам юборардинг. Дарвоқе, аслида ҳам шундай бўлди. Ёзиш-чизишни биладиган булдуруқлик борки, башараси сенга ёқса, бас, ҳаммасини ўзга музофотларга раҳбар этиб кўчириб юбординг. Туяқуш бошини қумга тиқаркан-у, кети очилиб қолганини кўрмас экан!..

Эсингдами, Ошно? Назар жўра, дединг, сену мен шу қақраган чўл четида туғилдик... Эсингдами? Бурчимиз, Назар жўра, дединг, фарзандлик бурчи — кўриб турганинг чўлни чаманга айлантирамиз! Энди бу ерлар бўстон бўлади! Янтоқлар ўрнида лолалар унади!

Булдуруққа Лолазор деб ном қўйдинг. Хайриятки, Ҳотам Шўро Лолазор муҳрини йўқотиб улгурди, лекин одамларнинг ёдида сен берган ном ҳадик бўлиб яшай бошладики, яна бир латифа туғилди, таърифини келтирсам ёлғончига чиқаман, ишонган кимса кулгидан тиришиб ўлади!

Туғилган жойингга мажлис қилгани борасан. Минбар ясаб беришади, ўшанга чиқиб ваъз ўқийсанки, замонамиз ёруғ, одамларимиз серғайрат, ҳар юз бош она қўйдан икки юзтадан қўзи олган зарбдор чўпонларга шон-шарафлар бўлсин! Лоақал тутилсанг эди!.. Йўқ, нутқинг равон сенинг, ваъзни тўқиб берган аҳмоқнинг «она қўй»лари Булдуруққа жўнгина «совлиқ» деб аталиши хаёлингга ҳам келмайди. Ахийри ваъз чақириқ билан тугайди: о л и ж а н о б м о л х о н а л а р қ у р а й л и к !

Майдон одамга тўла. Минбар олдида, минбарнинг икки ёнидаги икки-уч сўтих ерда турфаранг лолалар ўсиб ётибди. Майдон теграсида шамшод тераклар шамолда қарсак чалиб турибди. Ел эсиб турибди-ю, мажлис мутасаддилари лоҳаслангандай. Соатларига ўгринча қарашади. Сўкишмаса ҳам, ичларида ранжийдиларки, бунчалар эзма бўлмаса!.. Мажлис тугайди, одамлар тарқайди, сен машинага ўтириб Ўртақўрғонга жўнайсан, мансабдор шотирларинг ҳам сен билан жўнайди. Сен кетгач, минбарни омборхонага киритиб қўйишади. Минбар атрофидаги лолаларни машинага солиб шаҳарга жўнатишади. Уларни ердан кавлаб олиш жуда осон. Кавланмайди ҳам, шунчаки тупроқ четга сурилса бас, ҳар лола тупи сопол туваги билан очилиб қолади. Шаҳар гулхонасига қайтиб боргунча бирор ўнта тувак синиши ҳам мумкин, лекин синмай соғ қоладиган минглаб туваклару уларда унган турфа рангли минглаб лолалар олдида бу кичкина қурбон нима деган гап! Ошно ваъз айтганда чапак чалган улкан теракларнинг тақдири сал аянчлироқ. Улар тувакда ўсмайди, уларни кўчириб ҳам бўлмайди. Тонг саҳардан то пешингача чапак чалиб туришади, кечга яқин барглари секин сўлийди, сабабки, теракларнинг томирлари йўқ, гуркираб ўсаётган жойларидан арралаб кесиб келишгану Ошно сўзлайдиган тап-тақир майдон четларига қадаганлар...

Алҳазар, алҳазар, тавба дегулик, бирадарлар!

Радиога қулоқ тутди: тузук, ҳозирча тузук. Мазмун жойида, оҳанглар босиқки, қабул қилди, бориб кўрди,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳамроҳ бўлди, маъқуллади ва ҳоказо. Демак, Ошно — от устида. Лекин бу отга кўпда ишониб бўлмайди, Тўпорининг асов айғирларига ўхшайди, дуч келган жойда эгардан ташлаб юбориши мумкин.

Эслов асносида асаби бузилган эди, радио эшитиб ҳам ўнгланмади. Йўлакка чиқди. Дераза ёнига борди. Пойлаб турган эканми, қайдандир Раҳматов пайдо бўлди:

— Тузукмисиз, домлажон?..

— Эзма бўлма, болам, бориб ишингни қил, — деди Яхшибоев. Терс бурилиб кетмоқчи эди, пастда, касалхона ҳовлисида иккита норғул эркак оқ мато ёпилган замбил кўтариб кетаётганига кўзи тушди.

— Қурбоной опа, — деди Раҳматов.

Яхшибоевнинг юраги шиғ этиб кетди. Гангиди, лекин сония ўтиб сезса, кўнглида қайғу йўқ, қайтага қувонгандай, қувонч эмас-у, лекин недир енгиллик туйгандай...

— Оқсоқол видолашиб қолдиларми? — деб сўради секин.

— Улгуролмадилар. Опа чошгоҳда узилувди. Кўп ачиндилар...

Миясига ярқ этиб урилдики, э, билган экан-да! Думбуллик қурсин, Қурбонойни эслатиш ҳеч шарт эмасди, мен аҳмоқ марҳуманинг қўлларини Ошнонинг ёқасига элтиб ёпиштирибман-а, темирдан экан, додлаб юбормаганига қойил, аммо-лекин!.. Култепани кавлаш ортиқча эди, аммо шу нарса туртки бўлди, Ошно салгина ёрилди, ҳадигини ошкор этди, энди менга озгина ваколат берилса... Йўқ, ваколатга бало борми, ўзимда озгина журъат топилса бас-да!

Яна шу тахлит ўйласа қувончи юзга тепишини пайқади, ҳеч кутилмаганда Раҳматовга дўқ урди:

— Шифохона эмас бу — жиннихона! Биттаси ўз ажали билан ўлса, иккитаси асабу қўрқувдан ўлади бу ерда!

Раҳматов аграйиб қолди. Сал тисарилди.

— Ўликни ҳовлидан олиб ўтишни ким ўргатди сизга? Шунча халқ ётибди бу ерда, ҳаммаси дунёдан умидвор, оғироёқ хотинлар бор, менга ўхшаган дийдаси қаттиқ чоллар чидаши мумкин, лекин бошқалар-чи?

— Узр, домлажон, — деб ялинди Раҳматов, — чошгоҳда узилувди, қоронғи тушгунча пойлаш қийин, тушунасиз...

— Тушунмайман! — деб бақирди Яхшибоев. — Ер остидан йўл қилинг эди!

— Албатта, домлажон, таклифингизни бугуноқ раҳбариятга еткизамиз...

— Сен ўзинг ҳам ярим раҳбарсан! — деди Яхшибоев. — Менинг йўлимни пойлагунча, бориб тегишли вазифангни бажар! Хушомадгўй, ялоқхўр!..

Йўлакда томошабинлар йиғила бошлади. Раҳматов ортиқ чидолмади, урра қочди. Навбатчи ҳамшира бир стакан сув билан дори келтирди. Яхшибоев ҳабдорини ижирғаниб ютаркан, беҳол сўзлаган бўлди:

— Уууу... — сувни ичиб, стаканни қайтарди. — Узр, қизим, қизишдим. Қурбонойдек ажойиб қизимизни бериб қўйсаг-а!.. Бедодлик...

Ҳамшира бир ёнида, Эркинов бир ёнида, палатага олиб киришди, ўринга ётқизишди. Қайтиб чиқаётганларида Яхшибоев секин чақирди:

— Шамси Қамарович...

Эркинов ортга қайрилди. Яхшибоевнинг илтифотли жилмайганини кўриб севинди, курси олиб, ёстиқ тарафига бақамти қўйиб ўтирди.

— Болам, — деди Яхшибоев бу ён ўгирилиб, — бир маслаҳатли иш чиқиб эди, шунга, азбаройи ҳаддим сиғиб...

— Бош устига, домлажон!

— Гап бундай, — деди Яхшибоев. — Менинг аҳволимни кўриб турибсиз. Қарилик, болам, тан олмасдан иложимиз йўқ... Лекин ҳали кўп яшаймиз. Ана, Александр Шоймардонович яшаб юрибдилар-ку. Тўқсондан ошди-я!..

— У киши ҳали бақувват, — деб мақтади Эркинов.

— Ночорроқ бўлса аяш мумкин эди, лекин у киши деҳқонларнинг бошига кўп кулфатлар солди, Эркинов болам, — деди Яхшибоев. — Ҳозир унинг энг авж маҳали, газетда зўр қилиб урсангиз, бас, эртагаёқ бутун республика сизни таниб олади!..

— Йўғ-э, — деди Эркинов кўзлари жовдираб. — Менинг кучим етмайди, домлажон. Энди, у киши қаёқдаю мен қаёқда! Қўрқаман, домлажон!..

— Бўлмаса, Маткаримовни боплаб уринг, Шамси Қамарович!

— Э, бўлмайди! — деди Эркинов ўрнидан туриб. — У киши ҳам тепа билан тузук, оқсоқоллар нима дейди?

— Бу ёғи билан ишингиз бўлмасин, Шамси Қамарович. Оқсоқолнинг биттаси бугун келиб кетди. Нега турдингиз? Ўтиринг!

Эркинов руҳсизланиб ўтирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Майли, мен ёзаман, лекин барибир чиқармайди, домлажон.

— Чиқарамиз, болам. Менинг имзом кафолатга ўтадими?

— Э, қанийди!.. — Эркинов сал жонлангандай бўлди.

— Йўқ, ростини айтинг, — деди Яхшибоев қовоғини очмай. — Айтинг, соавтор бўлсам хафа эмасмисиз?

— Бу мен учун шараф, домлажон!

— Балли, Шамси Қамарович! — деб мақтади Яхшибоев. — Эртадан ишга киришасиз. Тайинлаб қўямиз, палатангизга бошқа касал келмайди. Бир ўзингиз хилватда ижод қилаверасиз. Мен сизга бир хил фактларни бераман. Факт — биздан, меҳнати — сиздан. Шуҳрати — ўртада тақсим. Хўш, розимисиз? Жавобини бирдан айтасиз, биров билан маслаҳатлашадиган иш эмас, хабари етса улар ҳам отни қамчилаб қолишлари мумкин! Масъулиятли иш, Эркинов укам, сизга ишонганимиздан!..

— Кўнмай иложим қанча, — деди Эркинов маъюсланиб.

Тўғри айтасан, деб ўйлади Яхшибоев, иложинг қанча, қачонгача пана-пастқамда писиб юрасан, ўйнасанг йирикроқ тикиб ўйна — ё бор, ё йўқ!

Эркиновга далда беришга чоғланди, лекин оғиз очишга улгурмади — эшикда Чоршанбиев кўринди, унинг ортидан жиккак бир яҳудий чол кўринди, баробар салом беришди...

XII БОБ

Қиссанавис

Сафаримизнинг Ўртақўрғон қисмини қоралаганимга анча бўлди. Энди унинг охирига — Булдуруққа борганимиз таърифига ўтамиз.

Олдинроқ хабар етган экан шекилли, қишлоқ раҳбарлари иззат-икром билан кутиб олишди. Яхшибоев иккимизга атаб қўй сўйилди; тўн кийдик, ширин-ширин хушомадлар эшитдик.

Бориб қўнган жойимиз колхоз боғи экан. Боғ десак лоф бўлиб кетаркан, дарахтзор десак тўғрироқ; гужумлари кўп бир дарахтзорки, ёз пайтлари жоннинг ҳузури бўлади.

Бир кеч меҳмон бўлиб, эртаси куни чошгоҳ маҳали қишлоқни айлангани чиқдик. Хароброқ жойлар экан. Бир тарафи узунасига дашт, қолган ёқлари пастак-пастак қирлар, улардан нарида ясситоғлар, бариси кунгай қараган, бариси қумлоқ, қишда қор тутмайди, бинобарин, гиёҳ ёки бута зоти битмайди.

Бундай жойлар юртимизнинг жанубий вилоятларида кўп учрайди. Чамаси, аждодлар ўтроқ бўлмоққа аҳд этганлар-у, кўчманчилик йўсинидан узил-кесил кетолмаганлар, шу боисдан тоғлар орасидаги серсув ва серунум ерларни менсимай, қуйироқдан, бир тарафи даштга, кўчманчи халқининг ризқу рўзи бўлмиш даштга чиқиб кетадиган сершабада яйдоқ ерларни қароргоҳ тутганлар.

Гарчи юрт кезиб юриб, ҳар қандай манзарага ҳам кўзларим ўрганиб қолган эрса-да, Ошно билан Яхшибоевнинг туғилиб ўсган қишлоғини сал бошқачароқ тасаввур этган эдим.

Шу гапни Яхшибоевнинг ўзига ҳам айтдим.

— Баҳорда кеп кўрмагансиз, баҳорда жуда зўр бўлади бу ерлар, — деб кулди у. — Баҳорни соғиниб яшаймиз бизлар, Саидқул ука. Сиз у — ёзин-қишин кўк рангга ўрганиб қолган. Боғингизда арча-парчаям кўринувди чоғи?..

— Э, буям бир эрмак-да, Назар ака. Ҳавасга иккита қарағай опкелувдим, энди ўсиб ётибди.

— Бизам заказ қилганмиз, Саидқул. Ҳаммасидан заказ қилганмиз. Сувимиз кам, ука. Сада-пада сувга ўч эмас, лекин мундайроғи.... сувга ишқибозига қийин. Мактабнинг кичкина чорбоғи бор, болалар сатилда сув ташиб ўстирган. Кейин анави кеп қўнган жойимиз. Тепада яна бир-икки жойлар бор, энди у ёқлар булоққа яқин — бежизга Ошно ўша ёқда туғилмаган-да!..

— Одамнинг иқболи ҳам сувга боғлиқ экан-да?.. — деб ҳазиллашдим.

— Бўлмаса-чи! Агар эътибор қилсангиз, менинг таржимаи ҳолимда Ўртақўрғон сув омбори ёйилиб ётибди, Акмал Пўлатнинг таржимаи ҳолида Фарҳод канали айқириб оқади... Яна мисол керакми?

— Мени болаликда сел оқизиб кетган, Назар ака, — дедим ҳазиллашиб. — Ҳамма сувдан фойда кўрган-у, биргина мен...

— Ношукур бўлманг, Саидқул, — деди Яхшибоев гапимни бўлиб. — Агар сел оқизмаса, ким билсин, бу кунларга етармидингиз-йўқми?..

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Шундайку-я, лекин... кўнглим бутроқ бўлармиди, дейман-да.

— Ҳали сизми — кўнгли ярим? — деди Яхшибоев. — Ростдан ҳам ношукур экансиз, Саидқул. Мен сизга укаларингизни топиб бердим, бағрингизни бутладим-у, оғзингиздан чиққан гапни қаранг-а!

— Узр, Назар ака.

Уялдим. Ўйласам, Яхшибоев ҳақ, мен ростдан ҳам ношукурлик қиляпман, ҳаддимдан ошяпман.

— Узр, — деб такрор сўз қотдим. — Тил қурғур ўрганиб қолган экан-да.

— Сизга осон, Саидқул, — деди Яхшибоев бирдан маъюс тортиб. — Сиз ўлсангиз, анави укаларингиз бариси йиғилиб боради, кўзёш тўкади, ишонинг, росмана кўзёш тўкади. Менга сал қийинроқ, мен ўлганимдан кейин тамом унут бўламан, Саидқул!..

— Бўлмаган гап, — дедим. — Назар ака, сизга нима бўлди, ўнг ёғингиз билан ётувдингиз чоғи?

— Рост гапнинг ўнгу чапи бўлмайди, ука. Лекин азанинг чорасини ўйлаш керак. Жуда бўлмаса, пул борида икки-учта гўяндага чўтал бериб қўяман. Қишлоғимга келдим-у, лекин сизни ўз уйимга оборолмадим, Саидқул. Сиз шунга ҳеч эътибор қилдингизми?

— Энди, бу элда ҳамма хонадон сизники, — дея секин эътироз билдирдим.

— Тўғри, ҳаммаси меники, лекин биттаси ҳам ў з и м н и к и эмас. Ўзимизнинг кулбамиз бузилиб кетган. Укам Қобил ўн беш йил бурун ўлди. Болалари қолган, лекин улар билан борди-келдимиз йўқ. Икки ўғли бор, ўқишга қўяй, деб эдим, бири ҳам унамади, юришибди чўпон таёғини судраб... Балки шундай бўлгани ҳам маъқулроқдир.

— Излаб боришмайдими?

— Боришмайди. Бир гал боришган экан, ўзим уйда йўқ, хўжайкамиз иззатини қилмаган шекилли... Булар бир гап айтмайди, Муҳсина хоним тан олмайди. Ҳакамлик қиларга менинг ҳам хушим йўқ... Э, яшаб юрибмизда, Саидқул. Ташвишимиз жуда оз қолди.

Яхшибоевнинг сўзларига қулоқ тутиб, бир нарсадан таажжубга тушдим: бу одамнинг мақтанчоқлиги ҳам, киборлиги ҳам, боринги, беҳад беписандлиги ҳам бордай, лекин айни қусурларнинг барчасига недир дийдиё аралашгандайки, эшитган одамга унчалик малол келмайди. Рости, мен унга эргашиб юрганимга ўзим ҳам тушунмайман. Менсиз ҳам халфаликка ишқибозлари

жуда кўп; гаҳ деса қўлига қўнадиган шогирдлари борки, Булдуруқ тугул, жаҳаннамга деса ҳам бирга бораверишади; азбаройи содиқликларидан эмас, балки Яхшибоевга ишонганларидан, Яхшибоевнинг жаҳаннамдан ҳам омон чиқишини билганларидан. Мен таъма қилгудай ночор эмасман. Ўз кунимни ўзим кўриб юрибман, бировдан олдин, бировдан кейин. Хўш, нега у мени сафарга бирга олиб чиқди? Наҳотки, бор-йўғи кўнгли савоб тусаб қолгани шунга боис бўлолса?

Ўлиб-тирилиб яхшилик қилишга интилгани тайин. Тўпори билан таништиргани ҳам бежиз эмас. Тўпори — элнинг эркатойи, унча-мунча одамни қабул қилмайди, деб эшитганман. Тўпори ҳақида икки оғиз гап ёзиш — ёзувчи халқи учун шараф ҳисобланади. Лекин мен бунда шарафни ўйламадим, Тўпори билан бирга юрдим, қилган ишларини кўрдим, меҳрим тушди унга, кейин телевизорчиларнинг микрофонига фикримни айтдим. Ёлғон гапирмадим, кўнгилдан гапирдим. Қолаверса, минг камтарлик қилиб юрганим билан, менда ҳам худбинликдан озгина топилади, касбимни иззат қиламан, умуман, икки центнер кўпроқ ҳосил олган кимсани мақташни ўзимга шараф билмоқдан ор қиламан. Ёзувчининг пахтакорнинг ютуқларини мақташдан ўзга вазифалари ҳам борки, баъзи ўртоқларнинг йиллик ҳисобот мажлисларда сўзга чиқиб, «Биз пахтакорлардан қарздормиз, ўртоқлар, ҳалигача улар ҳақида тузукроқ роман ёзилмади», деб жон куйдиришлари менинг кулгимни қистатади.

Бўлмаса нима — унинг кўнглидаги? Биргина боғ қилмоқ истагими? Менинг боғбонлигим не қадар эканини наҳотки у билмаса? Айтса, бас, Шредер институти кўчиб чиқмасмиди — Яхшибоев акамизга боғ экиб берамиз, деб?

Недир синоат бордай эди. Ичим қизийдики, тезроқ билсам!.. Ахийри чурқ этмай юраверишга қарор қилдим. Гап сўрамаган одам доимо ютиб чиқади, негаки, ҳар қандай сўроқнинг ичида сўраган одам ўзи эшитмоқ истаган жавоб таппа-тахт туради — шуни илғашга фаросат етса, бас.

Ниҳоят, масала сал ойдинлашди. Ростдан ҳам, Булдуруқ сафаридан мақсад — боғ кўкартмоқ экан. Колхоз раисининг қирошар машинасига тушиб, сойликлар оралаб, қишлоқнинг жануброғига, ясси тоғлар тарафга жўнадик. Мен у тарафларда ҳовли-жой йўқ бўлса керак, деб хаёл қилган эдим, йўқ, қишлоқ аҳли биз кетган сойликнинг икки лабини ошён тутган экан. Тупроқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

йўлни чангитиб, ниҳоят, уйлардан холи бир жойга — япасқи қир бағрига чиқдик. Борсак, бу ерда кўчат ортган иккита юк машинаси турибди. Район газетаси юборган бўлса керак, битта жингалаксоч йигит чиқиллатиб суратга тушириб юрибди. Эрта ёки индинга пайдо бўладиган хабарчанинг сарлавҳасини тасаввур этиб, мийиғимда кулдим: «Назарбоғ шовуллаяжак!..» Уйқашлигини ўйладимми, ўзим билмасдан такрорладим: «Назарбоғ, Ҳазорбоғ, Назарбоғ...»

— Сув йўғ-у, оқсоқол? — дедим Яхшибоевга қараб.

— Парво қилманг, Саидқул, — деди Яхшибоев, сўнг қуйироқдаги яккам-дуккам гужумлар ўсган сийрак ҳовлиларга ишора қилди: — Ана у жойларда дарахт ўсгандан кейин, бу ерда ўсмас эканми? Улар қудуқдан суғоради, энди бизга атаганиям бордир. Нима дединг, ўртоқ Махсумов?

— Энди, ҳадеб ижтимоий келиб чиқишимни юзимга солаверасизми, Назар Яхшибоевич? — деб ялтоқланди колхоз раиси.

— Гапни камроқ қил, кўрсат ҳунарингни, муллaнинг ўғли! — деди Яхшибоев. — Қани у артизан деган матоҳинг?

— Шу ерда, — деди раис. — Сал тепароқда. Нима қилдик, кўчатни «терраса» қилиб экамизми?

— Буни Саидқулдан сўрайсан, — деди Яхшибоев.

Раис ёнимга келиб, аҳволни тушунтирди. Қирни текислаш жуда осон, лекин унда ернинг тарҳи бузилади. Бир метр тагроқда қум қатлами бор, пастда унчалик билинмайди-ю, лекин тепароқдан бульдозер юргизганда очилиб қолади — кейин у жойга кўчат қадаш қийинроқ.

— Тупроқ тўкамизми? — дедим мен.

— Менимча, шартмас, оқсоқол, — деди раис. — Бульдозернинг курагини юзароқ тутиб, беш-олти жойдан «терраса» солсак, ҳам сувнинг оқишига қулай, ҳам бу ёғи ёмғир-помғирда жар бўлиб кетмайди. Жўяк олиб, ер тагидан труба ётқизсак қимматга тушиб кетади.

— Оқсоқолнинг пули кўп, — деб ҳазиллашдим. — Нари борса битта китобнинг пули-да.

— Кўчат машинада экан, қуриб қолмайдими? — деб сўради Яхшибоев.

— Хотиржам бўлинг, илдизини намлаб туришибди.

— Бўлмасам, ука, энди бульдозерингизни чақираверинг, — дедим мен.

Токи қишлоқдан бульдозер келиб, қир бағрини тўртбеш жойдан «терраса» қилиб тилгунича, биз Яхшибоев билан пастроққа тикилган кичкина чодир остида гурунглашиб ўтирдик. Қолганлар яқин келмади. Назаримда, раиснинг ўзи ҳам чўчигандай эди.

— Назар Яхшибоевич, — дедим. — Қўлингиздан ҳар бало келади, лекин нега бу ишга олдинроқ қўл урмадингиз?

— Ошириб юборасиз-да, Саидқул, — деди Яхшибоев камтарлик қилиб. — Мен бир сув министри эдимми, истаган пайтда қақраган жойларга сув опкелтирсам?..

— Бир оғиз айтсангиз бас эди, Ошнонинг ўзи кўрсатма берарди.

— Йўқ, Ошнонинг ҳам қўлидан келмасди бу иш. Ошно сиз ўйлагандан кўра ожизроқ, азизим. Ошно Булдуруққа сал ўнгроқ қараса бас эди, бир гала ғаним-лари бош кўтариб, маҳаллийчилик қиляпти, дея айюҳаннос солишарди. Шундан қиёс қилаберинг.

Гапимиз шу ерда узилиб қолди. Колхоз раиси дастурхон, бир чойнак чой кўтариб келди. Ўзларинг майдалаб тураверинглар, деб яна ишига кетди.

— Ошно — камтарин инсон, — деди Яхшибоев сал туриб. — Камтаринлиги шундан ҳам маълумки, бундан йигирма йилча олдин, ҳали ҳозирги улуғ мартабага етмасдан туриб, кичикроқ раҳбар эканида битта районга «эртага етиб бораман» деб хабар беради. Ўша районга элтадиган кенг асфальт йўл бор эди, лекин у киши негадир четроқдан айланиб борадиган заранг йўлни танлайди. Район раҳбарлари шуни ҳам билиб олишган экан, эртаси куни Ошно минган машина ҳалиги заранг йўлдан кетиб бораётса, саратонда жизғинак бўлиб ётган тупроқ йўлга мўл-кўл сув урилган эмиш!.. Хушомадни ёмон кўради у киши, район марказига бориши билан мажлис чақириб, бир-иккита раҳбарни ўша мажлиснинг ўзидаёқ мансабидан олиб ташлади.

— Худди ўзингиз кўргандай гапирасиз-а, — дедим мен.

— Кўрганим рост-да, — деди Яхшибоев кулиб. — Лекин, Саидқул, падарлаънатилар хушомадни роса ошириб юборган экан. Машина йўлда қолиб кетди. Сув сепадиган машиналарни қатор қилиб чиқарган экан раҳбарлари, севалаб сепиш ўрнига нақ ботқоққа айлантириб юборишибди. Саратонда машинамиз лойга ботиб қолса-я!..

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яхшибоев ўша манзарани аниқ-таниқ эслади чоғи, қотиб-қотиб кулди. Мен ҳам ўзимни тутиб туролмадим.

— Рости, ўшандаям мана шундай кулганман, — деди у. — Мен куляпман-у, Ошнонинг ғазаби ошади, денг! Ҳозир ўйласам, бояги район раҳбарларининг ишдан кетишига бир жиҳатдан менинг шайтоний қаҳқаҳам ҳам сабаб бўлган экан. Лекин Ошнонинг принципиаллиги ҳам чакки бўлмаган. Энди, одам бирга ўсиб-унганидан кейин ўрганиб қоладими, Ошнонинг кўп хислатларини аввал пайқамаган эканман, кейинчалик, у билан озми-кўпми бирга ишлашиб, баъзида талашиб-тортишиб билдимки, табиат у кишига ўзгача бир зукколик, ўзгача бир ишчанлик ато этган экан. Мақтасам сизга хушомад туюлишини биламан, лекин...

— Бемалол, Назар Яхшибоевич, — дедим. — Мен бир чеккада юрган одамман, кимгаям чиқарардим.

— Чеккада турганингиз чакки-да, Саидқул, — деб койиди Яхшибоев. — Сизам бундай жамоат ишларига аралашинг, одамовилик ҳеч маҳал яхшиликка олиб келмаган. Союздаги мажлисда ҳамма сўзга чиқади, оғзига кучи етган ҳам гапиради, кучи етмаган ҳам... Лекин сизнинг гапирган пайтингизни ҳеч эслаёлмайман.

— Айтадиган гапим йўқ, Назар Яхшибоевич.

— Бас, Саидқул! Ошиқча камтарлик росмана таъмагирликка ўхшаб кетади. Сизга ким қўйибди камтарликни, камтарлик, ана, Ошнога ўхшаган катта одамларга ярашади, сизу бизники айб эмас, одамзод вақти-вақти билан мақтаниб турмаса бўлмайди. Тошкентга қайтайлик, сизни бир Ошнога таништираман.

— Шартмас, Назар ака, биз кўпдан бери танишмиз.

— Э, дарвоқе, — деб кулди Яхшибоев. — Менинг эсимдан чиқай дебди. Энди, Саидқул, таниш одам тез-тез учрашиб туриши ҳам керак-да. Тўғрисини айтсам, айрим ёмон одамлар Ошнонинг ожизлигидан фойдаланади. Ҳа, ҳайрон бўлманг, ундаям ожизлик бор. Дейлик, қадимги улуғларга тақлид қилмоқчи бўлади. Айтишларича, ўшал зотлар ёнига кирган одамга недир яхшилик қилишни фарз биларкан. Ошноям шундай... ажабмаски, сизгаям кавартир-павартир инъом этиб юборса!..

— Менинг ҳовлим кенг, Назар ака.

— Кўнглингиз ундан ҳам кенгроқ! — дея гапни буриб кетди Яхшибоев. — Қаранг, Саидқул, булар бир балони бошлаб юрмасин. Қаранг, қирнинг соғ жойи қолмади-ку?

Тракторлар гуриллаб ишлаётган ёққа қарадим. Юк машинасидаги кўчатлар аллақачон туширилган экан. Чуқур ҳандақка қатор қилиб тизиб қўйилибди. Колхоз раиси ҳашарчиларга нимадир деб гап уқтиряпти. Ниҳоят, машиналар жўнаб кетди. Ерни «терраса» шаклида тилган тракторларнинг ҳам уни ўчди. Ҳашарчилар қўлларига кетмону бел олиб чуқурчалар қазишга киришган пайт Яхшибоев ўрнидан қўзғалди.

— Ўв, Махсумов! — деб чақирди. — Бери қара, Махсумов!

Колхоз раиси югуриб келди. Яхшибоев ҳамёнини олиб, иккита йигирма бешталик чиқариб берди:

— Буни михайнизаторларингга берасан, болам.

— Э, ҳашар-ку бу, оқсоқол! — деб қўл силкиди раис.

— Трактир давлатники, болам, зора ёққан ермойининг ҳақини тўлаб қўяй. Энди анави кўчат опкелган мошинларингнинг нархини айт.

— Кўчатнинг пули ўзи етади, оқсоқол, мошина ҳақиям ўшанинг ичида эди.

— Шундайми? — деди Яхшибоев. — Ундай бўлса — тузук. Энди Саидқул акангга сувнинг қулоғини кўрсатсанг-да, кейин бориб менинг машинамни миниб келсанг, калити мана, олақол, болам...

Колхоз раиси калитни олди:

— Машина чанг бўлади-да, оқсоқол.

— Отасининг гўрига, Махсумов болам, ҳайдаб келавер!.. Одамларингга рухсат бер, улардаям рўзғор бор, мени деб ишдан қолмасин.

— Сизники — табаррук, оқсоқол.

— Жилпанглама, болам, барибир дум ўсиб чиқмайди, — деб жеркиди Яхшибоев. — Билиб қўй, сенга ҳақ бермайман. Отангга ўтказиб қўйган жойим бор. Кейин сен раис одамсан, ўлай агар, одамларнинг ҳақидан еб юрган чиқасан!

— Оқсоқо-ол!.. — деб чийиллади раис, лекин ортиқ гапиролмади, менга ялиниброқ қаради.

— Назар ака ҳазиллашяпти, — деб юпатдим мен. — Емаган бўлсангиз бу гап сизга юқмайди, ука.

— Шундайку-я... — деб чайналди раис, сўнг секин таклиф қилди: — Юринг, Саидқул ака, сизга қулоқни кўрсатиб келай.

Раисга эргашиб, қирнинг тепа қисмига чиқдим. Кўрсам, унча-мунча одамнинг хаёлига келмайдиган бир иншоат: артезиан қазилиб, трубасидан сув отилиб ту-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рибди. Труба остида — каттакон цемент ҳовуз. Ҳовузнинг бир тарафига яна труба ўрнатилганки, тўпланган сув ўшанга оқиб ўтяпти. Хаёлимга келгани сувнинг ҳароратини кўрмоқ бўлди: қайноқ эмасмикан, зироатга ярайдими?.. Йўқ, хайриятки, салгина илиқ экан.

— Оқсоқол эридилар, — деди раис. — Ҳам ўзларининг боғига, ҳам одамларга... Бизам пастроқдан битта боғ қиламиз, деб турибмиз.

— Ўзингизгами?

— Йўғ-э, колхозга... — деди раис уялиброқ. — Элники — бизники, Саидқул ака. Аммо-лекин, оқсоқолимиз зўр одам... Бизам сал ёллашдик, лекин асосий оғирни ўзлари кўтардилар.

— Тузук, — дедим. — Энди, ука, оқсоқолнинг боғига кетадиган қулоқни кўрсатсангиз.

— Оёғингизнинг тагида-ку, — деб кулди раис. — Мана, манави тарновча-да. Нариги трубанинг оғзи бекилса, бас, сув бу тарафга секин оқиб чиқаверади. Оқсоқолнинг боғи яқин, жилдираб турса кифоя. Цемент-пемент қилиб ўтирмадик.

— Шум экансиз, Махсумов, — дедим. — Лекин сизникиям тўғри.

— Энди, оқсоқолдан ҳам фойдаланиб қолайлик-да. Бу ёғи бизнинг ҳам хизматимиз сингади, боққа қарашиб турамиз. Хўп, мен борай, Саидқул ака. Оқсоқолнинг кайфияти сал бошқачароқ, кейин сўкиб-нетиб юрмасин.

Пастга тушиб бордим. Яхшибоев капа ёнида ҳашарчилар билан гаплашиб турган экан. Аралашмай, чеккароқда турдим. Одамларнинг бегидир кулишларидан сездимки, Яхшибоев ўзининг лаҳжасида гапиряпти, унинг улуғлигию салобати тамом унут бўлган, ўртада ҳадик аталмиш девор йўқ — ҳавасим келди.

Ниҳоят, Яхшибоевнинг «Волга»си йўлда кўринди. Раис уни капа ёнида тўхтатиб, калитини келтириб эгасига тутди. Бир нарсага эътибор қилдим: машинани ҳайдаб келишга бошқа бирорта оёғи енгилроқ кишини юборса ҳам бўларди, лекин раиснинг ўзи борди, оқсоқолнинг юзидан ўтолмади, истиҳола қилди.

Яхшибоев калитни олдию ҳаммага рухсат берди. Раис бошлиқ бир-икки киши тихирлик қилган бўлди, лекин у унамади, жаҳли чиқди. Охири шу бўлдики, одамларни ҳайдагандай қилиб кеткизди.

Рости, тушунолмадим. Лекин меҳмон одамман, сўроқ сўрардан тилимни тийдим. Яхшибоев орқа ўриндиқда ётган йўлхалтани олиб, ичидан кийим-бош олдида, бирини менга қаратиб улоқтирди:

— Манг, Саидқул, рабочий кийим!

— Янги экан-ку, Назар ака?

— Ҳамма гап шунда-да, ука. Атай ирим қилиб олдим. Қўрқманг, хуни бор-йўғи йигирма сўм. Кияверинг, размери сизники!

Қарасам, ўзи ҳам битта кенг-мўл костюмни олиб эгнига иляпти. Ноилож кийдим сарпони. Эгнимга мос келди.

— Коржома муборак, Саидқул! — деди Яхшибоев.

— Қуллуқ, Назар ака. Ўзингизга муборак бўлсин!

— Қуллуқ, қуллуқ. Аммо-лекин, Саидқул, биров кўрганда кулгининг зўридан ёрилиб ўларди, лекин... Майли, укасининг қорнига! Нима дедингиз? Янги ишга янги сарпоям керак-да. Боққа кетган пулим биринчи томга келган, хосиятли пул, яхши пул.

— Классик асарлар жамланган экан-да? — деб ҳазиллашдим.

— Классик эмасдир-у, лекин ўзим ёзган нарсаларда. Айбга буюрмайсиз, Саидқул, баъзида керагидан ошиқроқ лақиллаб қўяман. Менга-ку оғир ботмайди, лекин мардикорлик қилган укаларнинг шаънига кўпам яхшимас. Мен иримчи одамман, ука. Бу боғнинг номини ичимда «Ҳалолбоғ» деб атадим, ҳалол пулга, ҳалол меҳнатимга барпо бўлади бу.

— Мен ўзимча «Назарбоғ» деб қўювдим, — дедим мен. Бир муддат бурун мазахомуз ўйлаган гапларимни эслаб, рости, уялиб кетдим.

— Бунисиям тўғри, — деди Яхшибоев. — Бу ном сал кейин қўйилади, нима дедингиз? Мен ўлганимдан кейин қўйилса тузук-да?

— Ўлимни ўйламанг, Назар ака.

— Э, қизиқмисиз, дунёга устун бўлармидик! — деди Яхшибоев. — Ўламиз-да бир кун, агар насиб этса!

— Ҳаммага насиб этади бу.

— Ишқилиб, жўялирофидан насиб этсин. Қани, гапни камроқ қилинг, Саидқул. Сизни бугун роса ишлатаман. Анави кастумни кийиб кўрдингиз, шими қолсин-у, лекин пинжагини ечиб улоқтиринг — терлаб кетасиз! Ана, биздан улги олинг!

Яхшибоев эгнидаги пиджакни ечиб отиб юборди. Кўйлагини ҳам ечди-да майкачан бўлди. Тани ҳали бақувват экан. Оқ бўлса-да, мушаклари пишиқ. Ноилож

www.ziyouz.com kutubxonasi

мен ҳам ечиниб, майкачан бўлдиму пачақроқ гавдани намойиш этдим.

— Белкуракни олинг! — деб буюрди Яхшибоев. — Бизга кетмон опкелинг, ҳар ким ўзига ярашадиганини қилсин!

Гапни мухтасар этай, азизлар. Боисики, бу ёғига иш кўпроқ бўлди. Икки кун босиб ишладик. Яхшибоев рост айтган экан, роса терладим. Таним ҳорғинликдан қақшайди, денг, лекин айни чоғда недир серзиён маъданлар терга қўшилиб чиқиб, баданим тозарганини сезиб турибман.

Азал-абад каррагу қўзиқулоқ ўсган қир ёнбағри-ю, мўъжизани қарангки, шу ерда ҳам бирор газ тубликда нам сақланиб қолган экан. Яхшибоевдан боисини сўрасам нуқул кулади: парво қилманг, Саидбой, шуни тушунгунча мен ўзим бирор етмишни қоралаб бордим, лалмироқмиз бизлар, тоққа яқинроқ жойларда нам мўллиги аждодларимизнинг хаёлига ҳам келмаган, аждодларимиз уй-жой қуришга эмас, қора ўтов тикишгаю қўйга қўра ўрашга уста бўлган!

Шимнинг балоқларини шимариб олган, қўлида тиғи ялтираган оғир кетмон, ҳар ўн қадамдан биттадан ўрача қазиб боряпти. Мен ўрачалар билан кўчат тушириlган хандақ орасида бўзчининг мокисидай қатнайман. Кўчат келтириб чуқурга қўяман, танасидан тутиб тураман, Яхшибоев ўрачага тупроқ тортади. Ҳар ўнта кўчат жойини топганида, иккимиз ҳам иккитадан сатилни қўлга олиб, тепага — цемент ҳовузга қараб югурамиз. Ҳамма ёқни янги қуйилган бетон ҳиди, сув ҳиди, қақраган тупроқдан кўтарилган ҳовурнинг тотли ҳиди тутиб кетганки, таърифига тилим ожизлик қилади. Хурсандлигим шунчаликки, Яхшибоевга секин гап отаман: мени боғбон қилиб ёлламайсизми, оқсоқол? Кечикдингиз, Саидқул, дейди у, битта булдуруқлик чолга закалат бериб қўйганман, йил бўйи хабар олиб туради, ҳар бир тўкис унган кўчат учун мукофот ҳам белгиланган!

«Манави қарағайларингиз унмайди бу ерда, оқсоқол!..»

«Меники унади, Саидқул, ният қилганман, унмаганига қўймайман! Яна беш йилда нақ ўрмон бўп кетади!»

«Арчани зичроқ экайлик, оқсоқол, сийрак бўлса қийшиқ ўсади».

«Сийраги тузук, бемалол ўсади. Ёғочни бошқа ёқдан топиб келамиз».

«Сарой қурасизми?»

«Шийпон қураман. Сизга ўхшаган дўстлар келганда маза қилиб ўтиради».

«Унгача ким бору ким йўқ!»

«Ўлмаган қул кўради!..»

«Ўлманг, Назар ака!»

«Ўладиган номард йўқ, Саидбой! Анави гужумдан бир дона опкелинг, шу ерга экайлик, шу ернинг сояси бошқача бўладиган кўринади!..»

«Мана, опкелдим, иккита опкелдим. Қай бири тузукроқ?»

«Паканаси тузук, шохчаси кўп экан. Қани, чуқурга қўйинг. Илдизиям тузук экан, қаранг. Э, ҳали бунинг тагида кўп соялаймиз, Саидқулбой!»

«Айттанингиз келсин!»

Экавердик кўчатни. Кўп экдик лекин. Акас экдик, қарағай экдик, арча экдик, чинор экдик, қўйироққа сийрак қилиб ёнғоқ кўчатидан экдик. Лоф бўлсаям, бирор икки гектар жой ўчилган экан. Кўчат қоплади шунча жойни. Тасаввур этаманки, яна ўн йилдан сўнг бу ерда росмана ўрмон шовуллаб туради, деб!.. Бир фасл олдинги истеҳзо қилганларим бекор экан, суратга туширгани келган жингалаксоч журналист йигитчанинг топажак ва қўяжак сарлавҳаси ҳам жўяли, умидбахш, яшашга ундайдиган! Э, яхши одам экан бу — Яхшибоев деганлари! Дўлвор экан бу, дали-ғули, бегидир, олижаноб!!. Э, буниям кўнглида дарди кўп экан лекин!!!

Кўнглим инонмоққа мойил эди менинг. Инонмоқ на — алданмоққа мойил. Лекин айни майллар ёнида шайтон ҳам ошён қурган эканми, бир пайт ўйга толдимки, нега биз нуқул мевасиз дарахтлар экяпмиз, нуқул кўримли дарахтлар экяпмиз? Олма қани, ўригу шафтоли қани? Бундай иссиқ жойлар ер юзида ўзи кам, тикилса, бас, сув берилса, бас, хурмою лиммў ҳам ўсади-ку?

— Раис келса айтинг, — дедим Яхшибоевга. — Олма-полма кўчатидан ҳам опкелсин. Шафтолиям зиён қилмайди. Ёнғоқнинг орасига экамиз, токи ёнғоқ катта бўлгунча мевасидан тотиниб турса бўлади.

— Ким тотинади? — деди Яхшибоев, бирдан юзи қув оқариб. — Тотинадиган одам борми?

— Бола-чақангиз-чи?

— Э, келмайди улар бу ёқларга! — деб қичқирди Яхшибоев. — Падарига лаънат унақа бола-чақанинг!

Тилимни тишлаб қолдим. Кайфият бузилди. Айниқса — менинг кайфиятим. Билдимки, Яхшибоевнинг нияти

www.ziyouz.com kutubxonasi

биргина шовуллаган ўрмон барпо этиш эмас, балки ўрмонга қўшиб ном ҳам қолдириш экан. Чинору ёнғоқ деганлари камида минг йил яшайди, балки ундан ҳам кўпроқ. Бу ёғи номи «Назарбоғ» бўлса, бу ёғи чинорларнинг ҳар бири минг йилдан яшаб берса, минг йил орасида қирқилганлари боз новда сурса... нақ мангуликнинг ўзи-ку бу!

Яхшибоев сезгир экан, кўнглимдан ўтган гапларни дарров пайқади.

— Ҳар кимнинг қўлидан келгани-да, Саидқулбой, — деди маъюс тортиб. — Боягина айтувдим-ку, эсингиздан чиқдими? Мен ўлганимдан кейин бирдан унут бўламан, деб эдим-ку?

Эслаб кўрсам, ростдан ҳам айтган экан — мен ўзим тузукроқ эътибор қилмабман.

— Сиз ҳарнеки қутлуғ орзуни ҳам иркит қилиб кўрсатишга қодир экансиз, Саидқул, — деди у сал туриб. Овозида оғриқ бор эди, эшитиб, раҳмим келди. — Мен жудаям сиз ўйлагандай каззоб эмасдирман? Хай, майли, каззоб ҳам бўлақолай. Лекин бориб турган каззобда ҳам пайти-пайти билан виждон уйғониши мумкиндир? Ўйлангки, мендек каззобда ҳам бир лаҳзага виждон уйғонди, уйғондию кейин мен боғ қиларга бел боғладим. Борингки, ўғри қариганда сўфилик ихтиёр этган бўлақолсин! Ҳарна, сўфи ўғридан сал беҳроқ-ку, Саидқул иним?

Индамадим. Қиёс ахтаришу фарқни чақиб ўтиришга хушим йўқ эди. Қолаверса, шундоқ кўз ўнгимда ўнлаб, юзлаб кўчатлар қад ростлаб турар эди. Бизнинг шикваларимизу турфа хил аламларимиз ўсиб-унажак биттагина чинор олдида сариқ чақага ҳам арзимайди аслида.

— Бўпти, баҳслашмайлик, — дедим, Яхшибоев ҳамон мендан садо чиқарини кутаётганини кўриб. — Лекин шарти бор, сизнинг мангу дарахтларингизни оралатиб мевалисидан ҳам экамиз. Майли, пулини мен тўлайман.

— Менинг ниятим, пули ҳам меники бўлиши керак.

— Билганингизни қилинг. Лекин мева унмаса ҳисобмас. Сизнинг бола-чақангиз емаса, ана, Булдуруқда ҳар куни ўнтадан туғилиб ётибди, ўшалар ейди.

— Ҳалоли бўлсин ўшаларнинг, — деди Яхшибоев. — Лекин, Саидқул, ишонинг, пулим ҳалол пул.

— Биламан, — дедим, — лекин ниятга сал бадлик аралашгани ёмон-да, Назар ака.

— Мен сизни кўпда тушунолмайман, Саидқул. Ёзган нарсаларингизниям танқидчи укалардан ром қилдириб оламан. Сизни тушунмайман, Асқад Мухторни тушунмайман, яна бир-иккитаси бор... Жоннинг ҳузурини кўрмайсиз, нуқул йўқ гапларни гапириб, ўқувчининг бошини оғритасиз.

— Ижодга тегиш йўқ, Назар ака. Ҳар кимнинг ўз билгани бор. Сиздаям шу. Бизнинг айбимиз шуки, кўпроқ ўйлаймиз. Кўпроқ шубҳа қиламиз. Тафтишга ўчлигимиз бор. Ҳаттоки мақолниям тафтиш қиламиз. Бўлмаса, манави мақолга ким шак келтиради: «Яхшидан боғ қолади»? Ҳарҳолда, мевали боғ қолгани тузук-да.

— Яхшидан боғ қолади... — деб такрорлади Яхшибоев. — Мен яхши одам эмасдирман, Саидқул, лекин мендан ҳам боғ қолади.

Хуллас, айтганимни қилмай қўймадим. Махсумов сим тўр ортилган машина билан келганида мевали дарахтларнинг кўчатидан буюрдим. Бу ёғи биз кўчатзорнинг теграсини сим тўр билан ўраб улгургунча оламжаҳон шафтоли кўчати келди. Ўрик кўчати озроқ экан. Олма топилмабди. Лекин чораси бор экан, нариги ҳафта бозордан олинади, кейин Булдуруқ аҳли ўзлари ҳашар қилиб қадаб чиқади.

Шафтоли кўчатини ўзим экиб чиқдим. Яхшибоев капа остида ўтирди. Зериккан чоғлари машинасининг моторини чуқилаган бўлди. Секин-секин кайфиятим ўнгланиб бораверди. Ичимда Яхшибоевни олқайман, денг. Агар бу иш хаёлига келмаганида, ким билади дейсиз, мен яна қачон дашт ҳавосини ҳидлар эдим. Гиёҳларнинг номлари ҳам ёдимдан чиқай деган экан, бир-бир хотирда тиклаб чиқдим: ёвшан, янтоқ, каврак, каррак, қушқўнмас, читир... Бир ёқдан хурсандман-у, лекин бошқа ёқдан хўрлигим келади: ўтган умр сув экан-да, деб ўйлайман. Ё бир менда шундай туйғу бормикан, ахир, бекорга сувга оқиб кетмаган чиқарман? Ҳарнеки яғмонинг ҳам интиҳоси бор, деб ўйлайман, табиат деганлари кўп сахий, ҳеч кимдан меҳрини дариғ тутмайди, йўқни бўлдиради, камни тўлдиради, бағрим кемтик эди, мана, энди тўлай деяпти, йўқ жойдан укалар топдим, Холмўминнинг тақдирини елкамга олдим, залворига чидашим керак энди, бир кимсанинг яшалмаган умри менинг умримга ҳам уланди, токи қолган умримни тугалроқ ва муносиброқ ўтказай, кўнгилнинг майллари хатолиғ бўлмасин, шунча адашганим етар, бундан бу ёғига зийраклик ато этсин!

Яхшибоевга келсак, унинг қисматини фожиа атарга журъатим етмади. Бир орзуси бор эди, мана, кечикиб бўлса-да, амалга оширяпти, болаларидан сал норози

www.ziyouz.com kutubxonasi

экан, лекин уларнинг ростдан ҳам ёмон эканига ким кафиллик беради? Ўзимдан қиёс этай, агар мен ҳам бийдай чўлдан маскан қилсам, майли, у жойлар келажакда боғу бўстонга ҳам айлансин, хўш, менинг болаларим шу ерларга келармиди? Лоақал мева пишиғида тотингани бўлса-да, келармиди?

Дарвоқе, нега мен чўлдан маскан изларканман? Бор-ку у — маскан дегани. Холмўминнинг қабри, Абдужабборнинг ҳовлиси, бир гала иниларимнинг уй-жойлари. Наҳотки, менинг болаларим келмаса?

Келади, дедим ўзимга ўзим, улар албатта келади. Келишига ишондим. Ишонч боис, кўнглим ўсди. Кўнглим ўсгани баробар Яхшибоевга ҳам ён бердим. Ўйладимки, умид билан, тақдиру табиатга илтижо қилиб ўйладимки, улар ҳам келсинлар. Келсинлару кетган пайтларида ҳам манави кўчатлар ўсиб-униб пайдо этажак сершовқин боғни кўнгилларида муқим тутсинлар!..

Ниҳоят, учинчи куни кечга яқин иш тугади.

Иккимиз ҳам мамнун эдик.

Махсумов қўй сўйиб, гўштини товоқларга бостириб, шўрвасини каттакон термосга солиб келди. Шофёри бир яшик ичкилик ҳам тушираётганини кўриб, Яхшибоевнинг жаҳли чиқди:

— Аралаштирма буни, мулланинг ўғли! — деди кескин. — Айт, ортсин мошинга!

Шофёр ўзи ҳам эшитди чоғи, яшикни машинага қайтариб солди.

— Балли! — деди Яхшибоев. — Ана энди ўзинг салт келиб ўтиришинг мумкин. Қани, бери кел.

Шофёр йигит ийманиброқ келди. Гиламнинг бир четига ўтирди. Махсумов ҳаммага шўрва сузди. Гўштни тўғради. Сузмадан чалоб қилди. Овқатланиб бўлгач, Яхшибоев уларга рухсат берди:

— Майли, боринглар. Махсумов болам, мана пул, қоровул чолга берасан, — шундай деб, пул узатди. — Иложи бўлса, колхозинг ҳам маош тайинласин. Мен бу боғни нариги дунёга кўтариб кетмайман, колхозга қолади.

— Одамлар устимиздан ёзмасмикан?.. — деб мулоҳаза қилди раис.

— Ёзганнинг қўли синади!.. — деди Яхшибоев. — Шуни мажлис қилиб бошқаларга айтиб қўй. Агар шу учун сени мансабдан олиб ташласа, унда ўзинг боққа қоровул бўласан. Маошингни ўн баробар тўлайман.

Қаҳрим ёмон менинг, мулланинг ўғли! Бир туп кўчат қуриса, нақ энангни кўрсатаман!

— Энди, оқсоқол... битта-яримтаси қурийди-да... — деди раис ботинмайгина.

— Қуритмайсан, — деди Яхшибоев. — Янаги баҳорда битта қолдирмай санаб оламан.

— Хўп, оқсоқол.

Махсумов таъзим қилганича ортига тисарилди. Аввал эътибор қилмаган эканман, энди яна эсга тушди: аввал ҳам бир-икки гал, худди ҳозиргидай, то машинага қадар ортига тисланиб борган эди.

Раис жўнаб кетди.

— Феълингиз чарсроқ, Назар ака, — дедим.

— Э, шунгаям ота гўри қозихонами? — деб кулди Яхшибоев. — Қўрқоқ нарса бу ўзи. Мулланинг ўғли. Отаси мен билан бир классда ўқиган. Қироати яхши дейишарди. Бунинг ўлиб-тирилишида маъни бор, Саидқул, бу орден-порден олиб беради, деб умид қилади.

— Орден обберадиган одатингиз ҳам борми?

— Бэ! — деди Яхшибоев. — Йўл бўлсин бизга!

Ҳазил-ҳузил гап ташлашиб ўтириб, қош қорайганини билмай қолибмиз. Оёқнинг чигилини ёзмоқ истаб, секин қўзғалдик. Тепага, цемент ҳовуз ёнига чиқдик. Сув бир маромда шариллаб оқиб ётган экан. Осмонда заррача ғубор йўқ, юлдузлар тиниқ пориллаб турибди.

Ҳовузнинг нариги томонига, харсанглар қалашиб ётган тарафига ўтиб ўтирдик.

— Яхши бўлди, — дедим. — Дам олдим лекин, Назар ака.

— Менам сизни дам олсин деб опкелган эдим-да.

— Гапингиз рост бўлса, унда раҳмат айтишга тўғри келади.

— Илмоқ қилмасангиз бўлмайди-да, Саидқул! — деди Яхшибоев кулиб.

— Энди, сиздай улуғ одам билан юрган фақирнинг кўнглига минг хил гумон келади-да, оқсоқол.

— Ёлғон! — деди у. — Сиз аслида мени кўп менсимайсиз.

— Ўзингиз-чи?

— Менам... сиз қатори. Лекин энди менсимай иложим йўқ. Боғ қилиб бердингиз-а, Саидқул иним.

— Ҳашар қилдик, Назар ака. Сизниям бир кун ҳашарга айтаман ҳали.

— Бораман, Саидқул. Эрталаб яна йўлга тушамиз, иним. Аввалроқ айтолмадим, иймандимми ёки ўзи бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

илинадиган жойи йўқмиди... Энди айтавераман, ҳарҳолда, кўчат ҳолида бўлсаям, орқада боғим бор-да, Саидқул, нима дедингиз?

— Нимайди у гап, нуқул боғни орқа қилиб қолдингиз? — дедим мен.

— Васият қилмоқчиман, Саидқул. Ўйларингиз мужмалроқ бўлса-да, йўриғингиз ўта жўн. Йўриғингиз яхши сизнинг, Саидқул, ўта содда. Ҳамкасбларнинг орасидан сизни танлаганимда хато қилмаган эдим.

— Тушуниксиз, Назар ака, васиятга бало борми?

— Қўрқманг, оғзакиси бу, — деди Яхшибоев. Овози сал титрагандай бўлди. Сездимки, майнавозчиликнинг кези эмас, бу одам анча жиддий гапиряпти. — Қўлингиз тоза, деб эдим, эсингиздами?

— Э, у гапларни қўйинг...

— Камтарликни йиғиштиринг, Саидқул. Сиздан бир умр миннатдорман. Ирим шуки, кўчатларни тутиб турдингиз, мен бор-йўғи тупроқ тортдим, холос. Мен тупроқ тортишга устаман, Саидқул, сезган чиқарсиз?

— Бемаъни шаъмалар бу, Назар ака.

— Гапни бўлманг, Саидқул. Мен ростдан васият қилмоқчиман. Васиятим шуки, мени Булдуруққа опкелиб кўмасиз. Қабристонга, Ҳотам Шўро ётган жойга яқинроқ қўясиз. Неки бўлсам, ўша киши туфайли бўлдим. Балки у тузукроқ тақдирни менга раво кўргандир, балки мен унинг тилагига муносиб чиқмагандирман, лекин бори-да, бори!.. Кулги бўлишдан чўчийман, ўзимга қолса, жасадимни Ҳотам Шўронинг ёнига эмас, манави кўчатлар экилган боққа кўмишни сўрардим. Лекин биласизки, мен Толстой эмасман, шунчаки бир ҳаваскор, унвонга ўч ҳаваскор. Тошкентда қолиб кетсам — уят. Тошкентда қолсам, унвонга учишадию муносиб одамларнинг ёнига кўмишади. Унда мен баттарроқ кулги бўламан, иним. Ҳар ким ўз ҳолини билгани маъқул. Бир хил аҳмоқлар Чигатойдан икки газ ерни орзу қилишади, мен эсам... қўрқаман, Саидқул иним, қўрқаман! Менга шу ер тинчроқ!

— Қиёс учунми? — дедим ўзимни тиёлмай.

— Ҳақорат қилманг, иним, — деди Яхшибоев. — Мен сизни одам деб гапиряпман. Сизни шунча кундан бери судраб юришимдан ғараз шу — васиятимни айтиш. Очиғини айтинг, мени шу ерга келтириб кўмасизми?

«Аввал ўлинг-чи, кейин бир гап бўлар!..»

Худо кечирсин-у, лекин шу гапни айтиб юборишимга бир баҳя қолган экан ўшанда. Хайриятки, айтмадим.

Бошимни ҳам қилиб туравердим. Рости, Яхшибоевнинг гапларига заррача бўлсин ишонмадим. Ҳаммани оғзига қаратиб юрган одам, элнинг эркатойи, неча-неча шотирлари имосига маҳтал турадиган одам, келиб-келиб менга, бор-йўғи кўчат ўтқазишу пайванд ўтказишга ярайдиган бир кимсага васият қилиши эриш туюлди. Йўқ, мен ўзимни ўзим камситмаяпман, аксинча, ўзимни мақтаяпман, ўшандаям, ҳозир ҳам жудаям ўлиб қолган ёзувчи эмаслигимни сезаман, мен ўзим сезаман-у, лекин Яхшибоевнинг ҳам хаёлига айни ўйнинг келишига ақлим бовар қилмайди. Ҳар бир кимсанинг тан маҳрамидан ташқари яна бир хил маҳрамлари бўладики, бирига мафкурангни, бирига ёмон нафсингни, яна бирига яна недир ниҳон ётган сиринғни ошкора тортиқ этасан, ундан ҳам айни инъомни оласан — бунда ҳеч қандай ҳадик йўқ. Ибо ҳам бўлмаслиги мумкин, сабабки, иккала тараф ҳам баробар ҳуқуқли.

Яхшибоев билан неча кундирки бемалол сирлашиб юрибмиз-у, суҳбатимиз осойиш ўрнига ҳадик беради одамга — у менга ишонмайди, мен унга ишонмайман.

Энди, ўзинг заррача ишонмаган одам бисотидаги энг охирги нарса — ўлигини сенга ишониб топширганига нима дейсан?

Яхшибоев кўнглимни уқди.

— Майли, бошқа бир васий топишга уриниб кўраман, Саидқул иним, — деди. — Фақат шу гап шу ерда қолсин. Атаганича яшаб турамиз энди...

Индамадим. Рости, бир муддат иккиланган пайтим ҳам бўлди. Ишонмоққа мойиллик туғилди. Лекин яна бир истиҳола борки, мен ҳам унга ўхшаган банда бўлсам, мендаям иссиқ жон, бировнинг маъракасини бўйинга олмоқ азбаройи манманлик эмасми, деб ўйлайман. Сен ундан кейинроқ ўласан, деб биров менга кафолат бериб қўйибдими?

Ахийри чекиндим. Васийликни зиммага олдим. Ичимда унга сўз бердим-у, ўзига айтмадим. Бу одамнинг табиати савр ҳавосига ўхшайди деб хаёл қилдим, бугун бундоқ, эртага ундоқ, балки мени синаш учун, атай мазах қилиш учун ўйлаб топгандир гапларини?

Мазах бўлмоққа хушим йўқ эди.

Булдуруқ сафаридан қайтгач, бир муддат иноқлашиб, ҳаттоки борди-келди қилиб турдик. Бизнинг хотин бечора хурсанд, шаҳар четида, бир ёғи қишлоққа туташ яшаганимиз боисми, биз Яхшибоев билан гурунг қилиб ўтирган чоғларимизда, ўзига тегишли меҳмонни —

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муҳсина янгани олиб, кўчаларни айланиб келади, денг!.. Вой қишлоқи, вой мақтанчоқ, деб куламан ичимда, янгани жамоатга кўз-кўз қиляпти-ку!.. Муҳсина янга тушмагур ҳам чиқишимли кампир экан, бизнинг хотинни бир зумда ўзига ром қилиб олди-қўйди.

Яхшибоев билан менинг гурунгларимиз ҳам чакки эмас, дунё бўлмаса-да, чорак дунёнинг тақдири хусусида бош қотирамиз. Бир тарафи — Тўпорини мақтаб Москва телевизорига чиққанман, турли табриклар, турли таклифлар ёғилиб турибди, нашриёт китоб қилиб беришни сўрайди, киносценария қилишни... Одамзод машҳур бўп кетиши ҳеч гапмас экан. Аввалроқ бир жойда эслатганимдек, Москвадан Бурцев деган одам қўнғироқ қилди. Чет элга кетадиган бир журналга мутасадди экан. Айтдики, Саидқул Мардонович, қаҳрамонингизни бизнинг журналга очерк қилиб берсангиз, тажрибаси бой кўринади, шояд унинг ишлари бошқа қитъалардаги уйғониб келаётган халқларга ибрат бўлса!..

Ғурур патларим тиккайиб кетганини кўрсангиз эди! Хайриятки, русчани дурустроқ билмаслигим эсимга тушди, йўқса, ваъда бериб юборишим мумкин эди. Жавобни мужмал қилдим. Ўша куниёқ телефонда Яхшибоевга маслаҳат солдим. Шошилманг, Саидқул иним, деди, телевизор билан радиода истаганча валақлаш мумкин, лекин ёзув қолади, бировни мақтаб ёзишга ружу қўйманг, хусусан, Тўпорига ўхшаган кимсаларни... Юрагим шув этиб кетди. Бирор гап борми, деб сўрадим. Ҳозирча ҳеч гап йўқ, деди Яхшибоев, лекин устидан арза кўпайган эмиш. Бинойидай йигит эди-ку, дедим саросимага тушиб. Э, чумчуқюрак экансиз-ку, Саидқул иним, деб кулди Яхшибоев, қўрқманг, сиз Тўпорини бор-йўти телевизорда мақтабсиз, ахир, уни китоб қилиб ёзганлар ҳам оз эмас, хусусан, биз ўзимиз ҳам ёзганмиз, бирор кориҳол бўп қолса, аввал биздан сўрашади, ўшанда сизни ҳимоя этишга қурбимиз етар?.. Ҳар эҳтимолга қарши, бирорта манман раис ҳақида ҳикоя ёзиб қўйинг, сўрашганида, мана, унинг салбий жиҳатларини ҳам вақтида фош этганмиз, деб айтасиз!..

Яхшибоев маслаҳатини айтиб, изидан пихиллаб кулса, симда бирор «замикайни» бўлибдими, деб ўйлабман. Соддасиз, Саидқул иним, деб койиди у сал ўтиб, сизам мундоғ мослашинг, ёзувчи деган ҳар бир замона одами бўлиши керак.

Рости, оқсоқолнинг шу гапини ҳеч сингдиролмадим. Мен у айтганчалик содда эмасдим. Замонавийлик билан

замонасозлик ўртасидаги фарқни дурустгина тушунардим. Арбоб ёзувчиларнинг китоблари босмадан чиқишига илҳақ ҳамкасабаларимни ҳам билардим, токи биринчи бўлиб мақтаса!.. Китобдан олдинроқ тақризларини босиб улгурган ялоқхўрларни ҳам кўриб турардим. Вақтида уларга аччиқ гапирган пайтларим ҳам бўлган. Яхшибоев шу нарсаларни билмаслиги мумкин эмас. Лекин у — тулки, ҳозир мени замонасозликка чорлади, кези келса, мен барча замонларга мос мангу адабиётни айтувдим, деб осонгина қутулиб кетади.

Алам қиладигани шуки, Тўпори билан мени ўзи таништирди-ю, энди бу гапларнинг учини чиқаряпти. Демак, аввалдан ҳам билган экан-да? Ўзи ёзиб юрган одам, эндиям ўзи ёзаверса бўлмасмиди? Ёинки азбаройи ичи ачиганидан, уни ҳимоя этмоқ истаганидан мени бирга олиб бордими? Яъники, бировнинг воситасида ҳимоя этади, нафи тегса — тузук, нафи тегмаса — аллақандай Саидқул Мардон деган кимсанинг ёмонотлиг бўлгани қолади!.. Яхшибоев эса — оппоқ, Яхшибоев — дўмбоқ...

Қонимга ташна бўлиб ўтирган эдим, дарвозада машина сигнал берди. Чиқиб очдим, Яхшибоев экан. Хушламаганимни сезди-ю, парво қилмади.

— Мени қутқаринг, Саидқул иним, — деди. — Ёрдам сўраб келдим.

Ноилож ичкарига таклиф қилдим. Нон-чой келди. Дастурхон устида секин ичини ёрди:

— Қалтис ишга қўл уряпман, Саидқул, соавтор бўлмайсизми?

— Хўш?..

— Александр Шоймардоновични урмоқчиман!

Ўйланиб қолдим. Аввалига ишонмадим. Гўзашунос олимнинг номини кўп марта эшитганман. Яхшибоевнинг уни ёқтирмаслигини ҳам сезганман. Гўзашунос ҳам буни кўп иқи суймайди. Ўртада бўлишолмаган бирор нарсалари бўлса керакки, адоватлари шунча йилдан бери чўзилади. Яхшибоев олимни Союз минбаридан туриб уч-тўрт қаттиқ чандигани ҳам эсимда...

— Шоймардоновнинг навлари бир пулга қиммат! — деди Яхшибоев. — Шуни биласизми?

— Кимнинг навлари тузук? — деб сўрадим. — Исботига нимангиз бор?

— Оддийгина фаросат ўзи кифоя, — деди у. — Хўш, розимисиз? Ё қўрқасизми? Огоҳлантириб қўяй,

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўрқса арзийдиган одам, Ошнога пирдай бўп қолган, еру сувнинг маслаҳатини биргаликда пишитишади.

— Мен Ошно билан ош-қатиқ эмасман.

— Учраштириб қўйишим мумкин.

— Шартмас, Назар ака, — дедим. — Аввал бирда ҳам айтиб эдим, мени ўз ҳолимга қўйинг. Шусиз ҳам қозоним қайнаб турибди.

— Намунча асабийсиз? — деди Яхшибоев тушунмайроқ, сўнг бирдан кулиб юборди: — Тағин бояги гапларга учиб юрманг, Саидқул ука. Тўпори ўз жойида турибди. Ошно тирик экан, Тўпорининг мушугини пишт деёлмайсиз.

— Ғўзашуносдан Ошнонгиз воз кечдими? — деб кесатдим.

— Воз кечмаган, — деди Яхшибоев жиддийлашиб. — Лекин албатта воз кечади. Унинг кўзини очишимиз керак. Сизу бизнинг вазифамиз шу. Ёзувчи халқи каттаю кичик — ҳамманинг кўзини очиши керак.

— Мен пахтачиликни билмайман, Назар ака.

— Лоақал ғўзани биларсиз?

— Билмайман. Ғўзадан пахта унади, шунисидан воқифман, холос.

— Э, унда ростдан ҳам билмайсиз экан! — деди Яхшибоев. — Ғўза дегани бир йиллик ёки кўп йиллик ўсимлик асли. Унинг пахтачилигу план деган нарсалар билан сариқ чақалик иши йўқ. Ғўзанинг иши — чигитини вояга етказиш. Пахтаю момиқ — ўша чигитни ўраб, иссиғу совуқдан ҳимоя этадиган туклар, холос. Биз ўша тукига ишқибозмиз. Тукли чигитга ўчмиз. Бир хил ғўзалар борки, чигити қипялангоч бўлади. Бир хиллари борки, чигити тукли-ю, тукининг ранги кулранг ёки тим қора бўлади. Лекин бизга оқ тола керак. Негалигини биларсиз?

— Бўяшга қулай, — дедим мен.

— Балли! Александр Шоймардоновнинг навлари мусулмони навлар, бу навлар бир чақага қиммат, биров сотиб ҳам олмайди, ўзимизнинг заводу фабрикалар бир амаллаб бўзга айлантиради.

— Навнинг ҳам мазҳаби бўларканми?

— Энди, туки калта, демоқчиман-да, — деб илжайди Яхшибоев. — Александрнинг навлари бариси кечпишар, барги кеч тўкилади, ярим кўсаги тиржаймасдан ўтиб кетади. Эллигинчи йиллардан қолган навлар. Янгиларини ўтказмайди, тушуняпсизми? Янги навни ўтказадиган комиссияга ҳам ўзи раис бўлиб олган, тушуняпсизми?.. Сиз шуни ёзишингиз керак.

— Мен ёзмайман, — дедим қатъий қилиб. — Биларкансиз, ўзингиз ёзинг. Менинг кучим ҳам, билимим ҳам етмайди.

— Бориб ўрганинг. Гражданлик бурчингиз бу, Саидқул иним. Уйда биқиниб ётгунча, мундоқ кўчага ҳам чиқинг, халқнинг аҳволидан хабар олинг. Александрнинг кечпишар ғўзасининг баргини тўкаман деб қанча заҳарли дори ишлатишимизни биласизми? Ҳар йили кузда дорилашнинг процентини газетда беради. Юзга етса бас асли, лекин юз элликка еткизганлариям учрайди! Халқнинг тақдирини ҳам ўйлайсизми, иним? Мен шаҳарда яшаяпман, қишлоқ устига сочилган дори бу ёққа етиб келмайди, деб ўйлайсизми? Хато қиласиз! Биз авлодларга нималарни мерос қилиб қолдирамиз? Шоймардоновлар сувини сиқиб, қуритиб-қақшатган ерними? Қисир бўп қолди-ку еримиз! Сизам бундоқ ўйланг, Саидқул иним!..

Қарасам, Яхшибоевнинг росмана жаҳли чиқяпти. Боя шубҳага борганим учун ўзимни койидим. Унинг гапларида жон бор эди. Айниқса, дала устига пуркаладиган дорилар ёмон эди. Ўзим ҳам синаб кўрганман. Бир гал Сирдарё лабида дам олиб ўтирганимизда устимиздан самолёт учиб ўтган-да, нариги қирғоқдаги далага дори сепган. Шамол ўша тарафдан экан, кукунларини бу тарафга суриб келиб, устимизга ёғдирган. Мезбонлар чидамли экан, лекин кечга бориб менинг мазам қочган, иситма нақ қирққа етиб, уй эгаларининг юрагини ўйнатиб, меҳмонга борган жойимизда роса бир ой касалхонада ётиб чиққанман. Мақола ҳам ёзганман, лекин чиқаришмаган, қайтага, ўзимни айблашганки, техника хавфсизлиги қоидасига риоя қилмагансиз, деб!..

Аламим қўзиди. Ўзимнинг ҳам жаҳлим чиқиб, тобим қочгани, мақола ёзганим, бировларга ёмон кўринганимни Яхшибоевга зарда қилгандай айтиб бердим.

— Борми ўша мақола? — деб сўради.

— Бор, — дедим. — Шкафда чанг босиб ётибди. Олинг, майли, ўз номингиздан бостирсангиз ҳам майли.

Мақола тайинли бир жилдда турувди, топиб келиб, қўлига тутқаздим.

— Сизнинг фамилиянгизни ҳам қолдирамиз, Саидқул, — деди Яхшибоев, қўлёзмага бир қур кўз ташлаб. — Мен ўзимни тиқиштирмасам тузук эди, лекин, тушуна-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сиз, сизга қалқон бўлаоладиган бирорта териси қалин каркидон керак. Нима дедингиз?

— Билганингизни қилинг.

— Чиқарамиз, — деди Яхшибоев. — Ҳозирча менга рухсат. Бориб бир маслаҳат қилай. Эртага чошгоҳда келаман. Эртага анави Александр Шоймардоновични фош этамиз. Унда менинг азалдан қасдим бор, Саидқул иним. Лекин ўйламангки, фақат қасди борлиги учун тиш қайраяпти, деб... Йўқ, ука, уни фош этиш — ижтимоий адолатни тикламоқ демак. Кураш оғир бўлиши тайин, бу — ер учун, сув учун, боринғки, халқимиз учун кураш бўлажак!

... Эртаси куни чошгоҳ маҳали Яхшибоев тағин келди. Келиши билан бизнинг болаларга амр қилдики, булар бориб машинадан анчагина юк тушириб олишди — Назар ака йўлда бозорга кирган экан.

— Парво қилманг, Саидқул, — деди. — Соавторликка суқилганимнинг ҳақи бу.

— Бекор чиқимдор бўпсиз, — дедим. — Барибир гонорар ололмайсиз.

— Жудаям оламиз-да! — Яхшибоев шундай деб, қўйнидан бир тўда газета чиқарди. — Ўқинг, Саидқул, саводингизни оширинг!..

Шошиб газетани очдим. Кўрсам, иккинчи бетида кечаги мақола босилибди. Ҳеч ишонгим келмади.

— Намунча тезкорлик, Назар ака?

— Сизга қолса мақолани сичқон еб кетарди, — деди Яхшибоев. — Рост гап хор бўлганини кўришга тоқатим йўқ. Муҳаррирнинг нақ бўғзидан олдим. Аммолекин, ёмон хира эканман, Саидқул, чеккадан қараган одамга жуда хунук кўринса керак... Э, қўйинг унисини, муҳими — чиқардик! Бирорта сўзи ўзгармади. Йўқ, ўзгарибди, анави «бутифос» деганингизни «доривор» деб аташибди, холос!

— Барака топинг, Назар ака, — дедим тўлиқиб.

— Э, қўйинг-э! — деди Яхшибоев. — Бу ишни чин кўнгилдан қилди, деб ўйлайсизми? Биздаям ғараз бор, укам. Охиратимни ўйлаб қилдим бу ишни. Ўлсам, баччағар Яхшибоев нуқул қитмирлик билан ўтиб кетди-я, деб айтишларини истамайман. Уқдингизми? Савоб ишлар ҳам керак одамга!..

Хуллас, бу ёғи байрам бўлиб кетди. Яхшилаб ош дамлаб, оқсоқол келтирган ноз-неъматлару бизнинг ўзимиздан чиққанларини дастурхонга чош этиб, гурунгни гуллатиб юбордик. Ичкилик йўғ-у, сархушлик бордай.

— Бу, Александр Шоймардоновни нима қилдик, Саидқул? — деди Яхшибоев. — Юраверсинми халқни алдаб ёинки суробини тўғрилаб қўяқоламизми?

— Ўзи пишиб қолгандай-ку, Назар ака, — дедим. — Қўйинг, уч-тўрт кунлиги борми-йўқми... Балки унинг шогирдлари тузукроқ навлар яратиб берар.

— Боқибеғамсиз, Саидқул! — деб таъна қилди Яхшибоев. — Ёзувчи кишига ярашмайди. Уни тезроқ фош этиш керак.

— Бўпти, фош этамиз, — дедим. — Лекин мен аввал бир жиддий ўрганиб чиқай...

— Ўрганишга кўп вақт кетади, Саидқул, — деди Яхшибоев норози бўлиб. — Сиз менинг гапимга ишонаверинг, фактлар ҳаммаси тахт турибди, ярим кунлик иши бор, холос. Икков эртага эрталабдан киришсак, тушгача фельетон тайёр бўлади!..

— Йўқ, — дедим қатъий. — Аввал ўзим ўрганай, сизнинг фактларингизни қўшиш қочмайди.

— Оббо, инжиқ экансиз-да, аммо-лекин! — деб хитоб қилди Яхшибоев. Жаҳли чиққани сезилди. Лекин зум ўтмай ўзга оҳангга ўтди: — Хай, майли, ғўзашунос ҳозирча яшай турсин... Энди сизга шахсий илтимосим бор, агар кулмасангиз айтсам...

— Бемалол, Назар ака, қўлимдан келса — бош устига.

— Қўлингиздан келади, Саидқул, — деди у бошини хам қилиб. — Рости, уят бу, лекин ўзимнинг қўлимдан келмагач... начора... бурноғи йили бир роман қораловдим, ука. Қоралама ҳолида чанг босиб ётувди. Рўзғорда харажат кўпайдими, бир куни янгангиз пул деб хархаша қилганида ўшани эслаб қолдим. Биласиз, бизда сарф кўпроқ, вақти-вақти билан томиб турмаса бўлмайди... Ўлганимнинг кунидан қўлёзмани топиб қайтадан ўқидим. Маъқулдай кўринди. Энди, ўзимизнинг таржимаи ҳолимиздан олиб ёзилган нарса-да, одамзод қачон ўзини ўзи ёмон кўрибди! Хуллас, маъқулдай кўринди. Чоршанби укамизга имлоларини кўриб бер, бизда янгича саводдан йўқ, деб қўлтиқлатиб юбордим. Бир ой деганда қайтариб опкелди. Хурсанд, денг, оғзи нақ қулоғида. Зўр бўлди, устоз, роман жуда очилиб кетди, деб мақтанди. Тушунолмай қолдим, кейин қўлёзмани варақласам, баччағар бошдан-оёқ таҳрир қилиб ташлаган экан! Сўкай десам — иложи йўқ, бир чеккаси Чоршанбига ўхшаган шогирдлар олдида муттаҳамман, очерка-почеркаларимни беминнатгина ёзиб бериб юришади. Лекин

www.ziyouz.com kutubxonasi

уларнинг аригиналний асарларга тумшуқ суққанларига чидаб туролмадим! Бу роман меники эмас, сеники бўпти, Чоршанби, менинг қўлёзмам қани, деб айтдим. Қўлёзмангиз шу, деди кўзини лўқ қилиб, мен озгина таҳрир қилдим. Э, таҳриринг билан қўшмозор бўл, деб сўкдим, мен имлосини тузатиб кел, деб эдим, сен бўлсанг!.. Э, сигир, деб сўкдим, гулзорга оралаган сигир, сен гулнинг ҳидини билармидинг!.. Хуллас, ишларим расво бўлди, Саидқул ука, қайтадан тиклай десам, қўлда ёзилган ягона нусха эди, бу ёғи — Чоршанби тушмагур қоп-қора қилиб бўяб ташлаган, менинг ёзувим қайда, уники қайда — ҳеч ажратиб бўлмайди! Ноилож битта кўзи ўткир машинистка хотинни топиб, уч нусха кўчиртириб, биринчи нусхасини сизга опкелдим.

— Бажонидил, — дедим. — Ўқиб фикр айтаман.

— Шундай қилинг, — деди Яхшибоев. — Ўзингиз бир ажрим қилиб беринг, қайси бири меники, қайси бири Чоршанбига тегишли — бир аниқлаб беринг. Бизда савод масаласи жудаям замонавий эмас, Саидқул ука. Бунисини мен ҳеч қачон яширган эмасман. Таҳрир қилсангиз ҳам майли, хафа бўлмайман. Феълимни биласиз, мардга — мардман!..

— Э, битта қўлёзмани ўқиш чўт эканми!

— Барибир, жуда ўнғайсиз бўляпти-да, Саидқул иним, — деди Яхшибоев хижолат чекиб. — Бошқаларга кўрсатай десам, рости, юрагим бетламайди, мақташларидан қўрқаман. Энди сиз ўзингиз менга рост гапни айтасиз, жудаям ёмон бўлса, униям айтинг, ёқиб юборамиз! Укасининг қорнига, битта бемаза китоб кам бўлса кам-да!..

— Э, яхши ният қилинг-э, Назар ака, — дедим. — Аввал бир ўқиб кўрайлик, кейин бир гап бўлар. Лекин огоҳлантириб қўяй, ёмон бўлса, ўзим гулхан қалашиб юбораман.

— Ташланг бешни! — деб хитоб қилди Яхшибоев.

Ноилож «беш»ни ташладим. Кўзларига қарадим — ёниб турибди, мисоли ютуқдан умидвор қартабознинг кўзларига ўхшайди. Чол балодай, деб ўйладим, бу қурмагур ёмон қўлёзмани ёқишдан ҳам тоймайди. Рўзғор ночорлигидан гапирганлари шунчаки бир йўлига, бели бақувват, шу битта романсиз ҳам амаллаб кунини кўраверади.

— Сизни Александр Шоймардоновдан озод қилдик, ука, — деди кулиб. — Бир ўзим беллашсам ҳам бўлаверади.

— Нега? — дедим. — Агар унинг иши ростдан ҳам ёмон бўлса, мен ҳам қўшиламан сизга.

— Йўқ, — деди Яхшибоев. — Сиз жанжалкаш эмассиз, Саидқул. Жиддий айбларини ўзим айтаман. Шаллақилик қисмини... у ёғини — Нурмат деган жиннироқ шогирдим бор, ўшанга топшираман!..

Шундай деб, ёнида турган юпқагина сариқ чамадончасини олди.

— Тимсоҳ терисидан, — деди сиртини силаб. — Рио-де-Жанейродан олганман. Сизга порага опкелдим. Қўлёзмани ўқиб берсангиз, бас.

— Бемаъни гапларни қўйинг, Назар ака.

— Э, қизиқмисиз, Саидқул, совға-ку бу! — деб кулди Яхшибоев. — Менда яна биттаси, янада зўрроғи бор, сизга ёмонроғини опкелдим. Уйда чамадон тиқилиб ётибди, лекин тимсоҳ терисидан шу иккитаси. Бирини сизга илиндим. Агар олмасангиз, унда қўлёзманиям қайтариб опкетаман. Асл мол, Саидқул, олинг!

Тимсоҳ териси қанақа бўлишини билмайман, лекин сифатли сахтиённи фарқлай оламан. Чин сўзим, чамадонча менга ёқди.

— Поралиги ёмон, бўлмаса олардим, — дедим.

— Э, мен ўзим порахўрман-ку, Саидқул, сизга пора берармидим! — деди Яхшибоев тажанг бўлиб. — Совға бу, худонинг каж бандаси!

Шундай деб, чамадончани очди-да, ичидан семиз қоғоз папкани олди.

— Мана! — деди. — Қўлёзмани олдим. Қўлёзмани ўқимайсиз, лекин чамадончани оласиз!

Нафс қурсин, чидаб туролмадим, сахтиёну сариқ чамадончани олдим. Қарасам, бармоқларим чамадончанинг ғадир-будур сиртини меҳр билан сийпалаяпти.

— Э, — деб ғудранди Яхшибоев ҳамон жаҳлидан тушмай, — Яхшибоев ҳаммагаям пора беравермайди, азбаройи ҳадди сиққанидан...

— Бўлди-да, Назар ака, — дедим қизариб. — Мана, олдим-ку... Қани, қўлёзманиям чўзинг бу ёққа.

— Йўқ, — деди Яхшибоев нозланиб. — Қўлёзмани бошқага ўқитаман.

— Гапни камроқ қилинг, Назар ака!

Хуллас, роса савдолашиб, ахийри қўлёзмани ҳам олиб қолдим. Яхшибоевнинг ростдан ҳам жаҳли чиққан экан, кета туриб:

— Мен сизни Самарқандга обормоқчийдим, лекин

www.ziyouz.com kutubxonasi

энди обормайман, — деди. — Кўп ажойиботлардан қуруқ қоласиз.

— Майли, бормасам ҳам, — дедим кулиб. — Шусиз ҳам ишларим кўп. Менам роман ёзяпман. Бу ёғи сизга мардикорчилик...

— Ўв Саидқул, дўстга хиёнат йўқ! — деб пўписа қилди Яхшибоев. — Бизнинг романни тезроқ ўқиб берасиз, сизни биламан, ортга ташласангиз қолиб кетади, ўзингизнинг романингиз келаси беш йилликда ҳам тугамаса керак.

— Мен сиздан пишиқроқ ишлайман.

— Менам ишлаган бўлардим, Саидқул иним, — деб ҳазиллашди Яхшибоев бирдан юмшаб, — лекин асарларимни хушомадгўйлар пишмасидан хомталаш қилиб кетишади. Бизда кет йўқ, иним, боси-иб ўтирадиган! Акс ҳолда, менинг чангимниям кўролмай қолардингиз! Ҳаммангиздан ўзиб кетардим!..

Ростдан ҳам, Назар ака беназир ёзувчи бўлиши мумкин экан. Романнинг ҳажми кичкина эди — нари борса икки юз варақ. Яхшибоевнинг, аввал ёзувдим, кейин ташлаб қўювдим, кейинроқ эслаб топиб олдим, чангини артдим, деганлари ёлғон. Сабабки, воқеаси жуда янги — менинг кечмишларим. Етимлигим, қийналганим, ўқиганим, уйланганим, умр бўйи кўнглиярим бўлиб яшаганим ва, ниҳоят, Холмўминнинг дарагини топганим, шу баҳонада яна бир талай жигаргўшалар орттирганим...

Яхшибоев қўлёзмага ўзини қўшмаган эди.

Яхшибоев ёлғон айта туриб, ўзининг гуноҳидан кечишимни ҳам аниқ билган эди. Дадил илтимос қилиб келишининг боиси шуки, мен бу қўлёзмага кўз югуртирсам, бас, кейин бош кўтаролмай қоламан.

Қойил қолган жиҳатим шу бўлдики, автор мен ўзим ёзган илк китобни, эҳтимолки, ўзи ўқиган ягона китобимни бутунлай ўзгартириб талқин этган эди. Талқин жўяли эди, агар мендан бошқа ўқувчи кўрса, балки бу қўлёзма ўша китобчага назира тарзида битилганини сезмасди ҳам...

Яхшибоев менинг оҳангимни топган эди. Журъатсизроқ эканимни ҳам биларди, бўлиб ўтган воқеаларга бежоғ бермаган эрса-да, ўйлаб топилган воқеаларга, дейлик, жиддийроқ ҳаракат ёки суръат талаб этиладиган жойларга ўзининг феъл-атворидан ҳам озгина қўшган — хуллас, менинг тийнатимни анча очиб юборган эди.

Энг ажойиби — менинг кўнглимни пайқагани эди.

Хом жойларини пишитиб, жумлаларни силлиқлаб, кемтик кўринган жойларига ўзимдан қўшиб боравердим.

Бирор эллик бет қўлёзмани кўриб бўлдим. Ўша куннинг ўзида. Кечга яқин яна қўлимга олдим. Кабинетга қамалиб олиб яна бирор ўн бетини таҳрир этдим. У ёғига қўлим боравермади.

Қолган қисми жуда хом эди. Таҳрир этса арзирмикан, деб, охиригача синчиклаб ўқиб чиқдим. Тугатдимку, ҳафсалам пир бўлди. Тахминан олтмишинчи бетлардан бошлаб оҳанг бирдан ўзгарди. Бу ёғида ғайрат йўқ эди. Аввалги серғайрат авторнинг сабри тугаб, бирдан эринчоқ ва танбал кимсага айланиб қолгандай. Бу ёғини жуда оғириб, малол олиб ёзгандай... Гўё у бир ёққа шошилиб турган-у, ўлганининг кунидан ушланиб қолиб, манави беҳис-бетуйғу жумлаларни ёзгандай, янада аниқроғи — биров унга айтиб туриб ёздиргандай!..

Аҳён-аҳёнда ялт этиб бирорта мақол ёки матал чиқиб қолади. Буниси — Яхшибоевга тегишли. Кейин яна ўша зерикарли оҳанг, чучмаллик, йиғлоқилик, гўёки қаҳрамон — яъники мен ўзим! — бошқаларга таъна қилаётгандай: сенлар бахтиёрсанлар, мен — етимман, сенларда менинг қасдим ёки аламим бор!.. Энг ёмони шуки, етимнинг исми — Нормўмин!..

Жаҳлим чиқиб кетди. Сездимки, Яхшибоев айтиб турган, Чоршанбиев деган шогирди қитирлатиб ёзган! Дастлаб эллик бетни Яхшибоевнинг ўзи бир амаллаб қоралаган. Эҳтимолки, униям айтиб тургандир-у, Чоршанбиевдан бошқа шогирди, ундан талантлироқ, қулоғи дингроқ шогирди қоралаб берган. Кейин менга ўхшаган беминнат мардикор топган-да, ўшанга хомакироқ таҳрир эттириб олган!..

Ёмон алам қилди. Кетган меҳнатимга ачиндим. Ҳалиги қалам тегизган эллик бетини қарасам, бинойидай, ўқиса бўлади, босса ҳам бўлади, ажабмаски, босилгандан кейин авторига илиқ гаплар ҳам айтилади.

Лекин автори ким бўлди бунинг?

Бир маҳал диққат қилсам, эшик тақиллаяпти. Қулфлаб олган эканман, бориб очдим. Ичкарига хотиним кириб келди, юзи тўла хавотир:

— Саид ака, — деди, — намунча ғудранасиз?

— Саид эмасман, Нормўминман! — деб бақирдим.

— Ким бўлсангиз ҳам майли, барака топкур, лекин сўкинманг, болалар эшитади!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сўкинмасам ҳаққим кетади, хотин!..

— Ўзингизни босинг, дадаси.

— Кенжатойинг қани? — деб сўрадим.

— Свидайнага кетган, — деди хотин ботинмайгина. — Ярим кечасиз қайтмайди.

— Санги! — дедим. — Нега аввалроқ айтмадинг?

— Энди, шаҳар узоқда-да, дадаси... — деди хотиним. Бечоранинг гапи «да-да-да-да» бўлиб эшитилди. Сезиб ўзи ҳам уялди. — Ўғлингиз эрта қайтади-ю, автобуси камроқ-да...

— Қиз ўзи тузукми? — дедим сал юмшаб.

— Тузук. Ўзи билан ўқиркан. Ўтган йили курсдошлари билан келувди. Гаплашиб кўрувдим, кейин ўғлингизга маслаҳат бердим.

— Ёмонсан, — деб мақтадим. — Бўпти, тўнғичингни чақир, машинани қўшсин!

Хотин бечора ҳайрон бўлди, лекин эътироз билдиролмади. Тўнғич ўғилни бошлаб келди. Икков машинага ўтириб, тўғри шаҳарга қараб кетдик. Тунда келмаган эканман, Яхшибоевнинг ҳовлисини топгунча анча қийналдик. Хайрият, чойхона қоровули айтиб берди. Дарвоза ёнига етиб, ўғилга кўча бошида кутиб тур, деб буюрдим. Ўғил кетди. Ўзим қўнғироқни босдим. Кўп кутмадим. Дарвозахона чироғи ёниб, ёш бир йигит дарчани очди. Назар аканинг кенжа ўғли Оллоёр экан. Ичкарига таклиф этди. Унамадим. Ниҳоят, отасини чақириб юборди. Яхшибоев уйқусираб чиқиб келди:

— Саидқул?! — деди ажабланиб. — Тинчликми, иним?

— Назар ака, — дедим бор журъатимни йиғиб, — Назар ака, ўзингиз ёзсангиз ўласизми?!

Индамади. Юзимга қараб турди. Аввал эътибор қилмабман, кўзлари совуқ экан. Ёки менга хира ёруғда шундай кўриндими, билмадим...

— Мана, — дедим қўлига папкасини тутқазиб. — Эллик бетини кўрдим.

— Кечиринг, Саидқул, — деди. — Қайтариб опкелиб тўғри қилдингиз. Сизга ярашмайди. Мен аҳмоқман, сизни ҳақорат қилибман... Майли, анави чоршанби-поршанбилар ўзлари кўриб берар... Айб менда, Саидқул, кечиринг. Э, ука, менам ўзим истаб шу кўйга тушганим йўқ, менам бир замонлар бошқача эдим... Сиз билмайсиз, Саидқул, бир маҳаллар мен зўр эдим!.. Майли,

борақолинг, оворагарчилик учун узр, мен ўзим ҳам эрталаб бориб опкелмоқчи бўп турувдим.

— Оворагарчилиги бор эканми, — деб кесатдим. — Эллик бетини пишиқлаб чиқдим. Бу ёғи битгунича, борини радио-падиога, газет-пазетга пуллаб турасиз, оқсоқол.

Яхшибоев миқ этмасдан ичкари кириб кетди. Мен ҳам ортимга бурилиб, кўча бошига қараб юрдим. Бирор йигирма қадам юрганимни биламан, орқада дарчанинг ғижирлагани эшитилди:

— Саидқул! — деган овоз келди. — Бу, қўлёзманинг чамадончасини унутиб қолдирибсиз-ку!..

Кўча бошига қараб югурдим. Юрагим бўғзимга келгудай эди. Машина ёнига етганимда ўғлим бечора қўрқиб кетди. Аптечкасидан дори олиб ичирди.

— Ҳайда, — дедим. — Уйга яна бир бориб келамиз.

Яхшибоев инъом этган сариқ чамадончани қайтариб олиб келганимда тун яримдан ошган эди. Бу гал қўнғироқни босиб ўтирмадим, дарвозага яқинлашдиму чамадончани девордан нарига отдим!..

Шу билан оғайнигарчилик тугади, Яхшибоев билан юзкўришмас бўлиб кетдик.

XIII БОБ

Бемор

Эрта тонгда Эркиновни уйғотди: туринг, болам, сайрибоғ қиламиз. Эркинов ёқтирмади, лекин — начора, юз-қўлини чайиб, унинг ортидан эргашди. Узунқисқа бўлиб дарвозахонага етдилар. Яхшибоев қоровулни озгина мақтаб, бугун бандман, ёнимга ҳар кимни ҳам қўявермайсиз-да, оғажон, деб тайинлади. Кейин Эркиновни етаклаб, боғ тўрига юрди. То баланд бетон деворларга етгунча ғўзашунос Шоймардоновға таъриф берди: бебаҳо чол, ғайрати икки оламга сиғмайди, аттангки, тариқча иймони йўқ!..

Ортга қайтишда ғаниминиг жамийки заиф жиҳатларини оғзаки рўйхат қилди. Сиз ёзаверинг, болам, деди Эркиновга, кейин биргалашиб таҳрир этамиз, менда яна жиндай милтиқдори бор, ўшаниям ора-орасига қўшиб юборасиз, портлаганда ваҳмаси зўр бўлади. Эркиновнинг ҳамон иккиланиб турганини кўриб кулди: латта бўлманг, болам! Сўнг биқинига

www.ziyouz.com kutubxonasi

қаттиқ туртди, н а д о , Шамси Қамарович, т е п а - д а ҳам шу фикр!

Разм солиб, Эркиновнинг анча руҳланганини сезди.

Палата эшигини очганида димоғига нозик атир ҳиди урилди. Ол-а, деди, кечаси билан шу ерда ухлаб, тушимизга гулзор кирмаганини!..

Деразаларни ланг очиб юборди. Дарахтларда мажлис бошлаган қушлар ҳуркиб учиб кетди.

Эмлагани келган ҳамширага гап қотдики, Раҳматов боламга айтсангиз, бизнинг палатада ўз қўли билан биттагина исириқ тутатиб юборса...

Ҳамшира ҳеч балони тушунмади, лекин одоб юзасидан илжайиб бош ирғади.

Бирор беш дақиқа ўтиб телефон қаттиқ жиринглади. Яхшибоев турбкани хушламайроқ олди-ю, бирдан юзи ёришди. Қўнғироқ қилаётган киши Зоҳид эди — жанубий воҳалардан бирининг бошлиғи, ширинсўз ва камтарин йигит.

— Гуноҳкорман, Назар ака. Бугун борсам-да, бир қошиқ қонимни сўраб олсам?..

— Аҳвол сўрадингиз, шунинг ўзи етади, укажон. Энди отдайман.

— Иложи йўқ бормасликнинг, Назар ака, — деб кулди Зоҳид. — Билет олиб қўйганман, аэропортдан гапиряпман.

— Ёмонсиз, укажон! — деб ҳазиллашди Яхшибоев. — Бошқа ишларингиз бор-у, мени кўриш шунчаки баҳона эмасми? Дейлик, бирорта чиройли жувон...

— Э, қанийди! — деб кулди Зоҳид. — Қўрқаман, Назар ака. Масъул ишдаги ўртоқларнинг кўпчилиги шунақа қўрқоқ бўлади. Шу жиҳатларини ўйласам, шартта ариза ёзгим келади.

— Балли, ўзимиздан экансиз! — деб мақтади Яхшибоев. — Ростини айтаверасиз, аммо-лекин!.. Келинг, укажон, кутаман.

Трубкани жойига қўйиб, яна ўринга чўзилди. Зоҳиднинг келишига яна бир ярим соат бор. Бир ярим соатдан кейин жилмайиб кириб келадики, нима бўлди, Назар ака, бурга тепдими?

Зоҳид худди шу иборани ишлатиши тайин. Сабабки, у гапирганда Ошнога тақлид қилади. Ёшулли унга зарда аралаш «Ворис» дея лақаб қўйгани бежиз эмас. Ошнонинг ўзи қўйган лақаб бошқачароқ, меҳрга бой — З А К И Й. Ошнодан таърифини эшитгандирки, кимсан Катта Пахтакорнинг ўзи ҳам кейинги гал келганида «Зоҳид — зукко-ю, аммо ўлгудай зоҳид», дея сўз ўйини қилган. Мазмуни шуки, Зоҳид ҳали бўйдоқ эканидаёқ катта бир районни бошқарган йигит эди, уйланганидан сўнг бемалол бир воҳани ишониб топширдилар. Довруғи ҳам чаккимас — бутун мамлакат билади. Сабабки, Ошно уни марказий газетлардан бирида роса мақтаган: бу ўртоқ — замонга муносиб инсон, ҳалол, покиза, закий ва тадбиркор, мен бу ўртоқ билан ёнмаён ишлаётганимдан бахтиёрман.

Баъзида Яхшибоев ҳайратга тушарди: ажаб, одам боласи ҳам шунчалар омадли бўладими?

Умуман, Зоҳиднинг келиши маъқул иш. Об-ҳавони билади, баҳонада яқин бир-икки йилга фол очиб олиш мумкин.

Зоҳид — суҳбати соз йигит.

Беш йил бурун эди, шаҳрини кўрсатди. Атай ярим тунда, эл ухлаган маҳали кўчага олиб чиқди. Ой ярмта бўлган чоғ эди. Атроф жимжит, кимсасиз. Чорбурчак ғишт тўшалган саҳнлар, мачиту мадрасалар... Пештоқлари баланд, гумбазлари баланд, миноралари улардан-да баланд — эски замонга тушиб қолгандайсан. Зоҳиднинг шаҳри Ўртақўрғондан ва ҳатто Самарқанду Хевадан ҳам салобатлироқ эди. Яхшибоев ўшанда сезди ўзининг ғирт саҳройи эканини. Шаҳрингизнинг сусти босяпти, укажон, деб ҳазиллашди, титроққа тушяпман, шундан билингки, бизнинг кўчманчи аждодларимиз шаҳрингиз дарбозасида каттароқ бож тўлагани аниқ!..

Зоҳид хотиржам эди — гўё бу кўҳна шаҳристонни ўзи қургандай.

Манави мадрасада бобокалонимиз мударрис бўлганлар, Назар ака, деди фахрланиб. Яхшибоевнинг ишонмаганини пайқаб изоҳ берди: шубҳангиз ўринли, Назар ака, мен ўзим бошқа шаҳарда туғилганман, у ёқдаги жўн мадрасага бобомиз мударрислик қилганлар, афсуски, ўша мадрасани ўғиллари, яъники менинг отам бузиб ташлаганлар, энди, у пайтлар ўтмиш дегани бирдай қоп-қора кўринган-да... Туғилган шаҳримда отамнинг хатосини тузатиб, бобомизнинг мадрасасини таъмирладим, ўша тажрибани эндиликда бу улуғ шаҳарда ҳам тадбиқ этяпман, оқсоқол дўстингиз катта ёрдам беряптилар...

Зоҳид бармоқларини букиб санай бошлади: қўшк таъмирига — миллион, арк таъмирига — миллион, ажнабий сайёҳлар хон ҳарамини кўришга ишқибоз, шуниям

www.ziyouz.com kutubxonasi

ярим миллионга таъмирлаб, тежалган ярим миллионни ёзги саройга ишлатамиз. Қарабсизки, жарақ-жарақ пул! Ўн йилга қолмай жами харажат қопланади. Ўзимизнинг одамларга бор-йўғи йигирма-ўттиз тийиндан патта сотамиз, лекин капиталист ажнабийларга билет икки-уч сўмдан камига сотилмайди, энди, камбағалдан юлган пулини биринчи йўқсиллар мамлакатида қолдириб кетгани тузук-да, Назар ака?... Жинкўчалардан олиб ўтиб, ахийри эски бир бино эшигига рўпара қилдики, хуфя жойим бу, Назар ака, пари-пайкарлар билан шу ерда учрашамиз.

Калити бор экан, эшикка осиғлиқ, қулфни очди. Ичкари кириб чироқни ёқди. Гумбаз ости қурумдан қорайиб кетган бир жой экан, жудаям кўламли эмас, чамаси, ёнида йирикроқ мачит бўлгану бу жой таҳоратхона хизматини ўтаган — деворлари кошинсиз. Яхшибоев диққат қилса, бу ер мисгарликка ўхшади. Кўралар, ўчоғу қозонлар — ҳамма нарса муҳайё. Тўрда каноп тортилган ромлар тескари қаратиб тизилган. Бунақасини биринчи бор кўриши эмас, ўғли Аввалбек ҳам рассомлик қилади, лекин Зоҳиднинг ҳам бунақа ҳунаридан огоҳ бўлиб, ҳайратини яширолмади. Айбимни фақат сизга очяпман, Назар ака, деди Зоҳид қисиниб-қимтиниб, биров эшитса кулади, лекин боя айтганим рост — илҳом париси бизнинг ғариб масканга ҳам аҳён-аҳёнда келиб туради...

Чизган суратларини бирма-бир кўрсатди — жўяли эди. Яхшибоевнинг меҳри жўшди, ошириброқ мақтади. Зоҳид баттар уялди, лекин мақтов ёққани юз-кўзидан сезилиб турарди. Кўнгли баттар ийиб, ўнг бурчакка тортилган брезент пардани кўтарди: бу ёққа, Назар ака.

Навбатдаги бўлмада ҳам ўчоқлар бор экан. Қозонлар тагига газ ўтказилган. Қозон атрофида турли қолиплар қалашиб ётибди. Ҳаттоки битта-иккита ҳайкалчалар ҳам бор. Бири кўзга жуда таниш туюлди. Диққат қилса, Катта Пахтакорнинг калласи!.. Олиб кўрмоқчи эди, Зоҳид изн бермади: қўлингиз булғанади, Назар ака, ҳозирча бу модель, пластилиндан ясаганмиз, кейинроқ мисга ўтказамиз. Элимизда меҳмон бўлувдилар, деб изоҳ берди, ёнларида уч кун бирга юрдим, энди муборак қиёфаларини ёддан тикласам деб эдим, ҳеч ўхшатолмаяпман. Ўхшабди, деди Яхшибоев, айниқса — кўздаги шижоат, нигоҳнинг ўткирлиги, ақлнинг қамрови!..

Ростини айтинг, деди Зоҳид, хушомад бўп туюлмайдими бу? Ишонинг, чин кўнгилдан ишладим, деди,

сиздан бошқага кўрсатганим йўқ, умуман, манави устахона жудаям хуфя, ёрдамчим билан яқин бир ўртоғим билади, холос, энди сиз ҳам билдингиз, азбаройи меҳрим ва ҳурматим зўрлигидан опкелдим, агар иложи бўлса бир муддат тек турсангиз-да, мен пластилинда хомаки модель қилиб олсам...

Олижаноб йигит экансиз, укажон, деди Яхшибоев тўлиқиб, уялманг бу ишдан, сиздай санъатга ўч раҳбар фарзандларимиз кўпроқ бўлса кошкийди, афсуски, сизлар жуда озчиликсиз, каттароқ бир раҳбаримиз роман ёзади, милиция министри шеъру қўшиқ ёзади, мана сиз — ҳайкалтарош ва рассом экансиз. Шу, холос. Бу жудаям оз, Зоҳиджон иним, эҳтимолки шу нарса — озчилик эканингиз сизни хижолатга солар? Уялманг, азизим, санъатни тушунмайдиган кўру гумроҳлар уялсин!

Зоҳид жуда хурсанд бўлди. Кўчалик костюмини деворга қоқилган темир қозиққа илиб, коржомасини олди. Шартмас, укажон, деди Яхшибоев унинг қўлидан тутиб, кейинроқ — майли, ҳозирча ўлимга чап бериб юрибмиз, бундан кейин ҳам бирор ўн беш-йигирма йил мўлжалимиз бор, сизни шусиз ҳам чарчатдим, кейинроқ махсус келаман.

Зоҳид бир муддат унамай гаранг қилди. Лекин Яхшибоевнинг қатъий ваъдасини олиб, ахийри кўнди. Устахонадан чиқиб қароргоҳга йўл олдилар. Зоҳид ўша тун уйига кетмади, Яхшибоевнинг ёнида қолди. Каттакон хонада эрталабга қадар гурунглашиб чиқдилар.

...Эшик секин чертилди. Яхшибоев бир зум ўйланиб қолди: нима қилсин, ётиб-иҳраниб қарши олсинми ёки ўзи бориб очсинми?

— Кираверинг, Зоҳид укажон! — деб овоз берди. Овози дадилроқ эшитилгани учун, ортиқ ўринда ётишни маънисиз билди. Туриб, тўшакни сал тартибга келтирди, халатини эгнига илиб, белбоғини боғлади.

Палатага кирган киши Зоҳид эмас, бадантарбиячи жувон Анбар экан.

— Э, сизмисиз...

— Ҳа, бошқа бирор аёлни кутяпсизми? — дея ёлғондакам қовоқ уйди Анбар. — Шошмай туринг, янгамларга чақаман.

Яхшибоевнинг кўнгли ғаш бўлди. Ич-ичига қулоқ тутди. Сездики, жувоннинг оҳанги Муҳсинани эслатга-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни ёқмабди. Умуман, Муҳсинани эслагиси йўқ, оилани ҳам ўйламоқчи эмас, майда-чуйда гаплар бу, ахир, олдинда йирик-йирик фоллар турганда битта фосиқ хотин билан оқпадар фарзандларга бало борми!..

Анбар гўё бир нарсани туйқусдан эслагандай тек қотди.

— «Ж'озе», — деди сал туриб. — Ёмонсиз, Назар Яхшибоевич!..

Яхшибоев зўраки илжайди:

— Фарангидан мазамиз йўқроқ.

— Атирнинг номи шунақа, — деб тушунтирди Анбар. — «Ж'озе» — мен рози дегани, Назар Яхшибоевич. Роса сепган экан меҳмонингиз.

— Э!.. — деб қўл силтади Яхшибоев. — Анави галварс Раҳматов боламнинг иши бу, энди исириқ тутатиб бермаса бўлмайди. Нодонлар кўп дунёда, Анбар отин... Шошманг, нима дедингиз номини?.. «Мен рози»?.. Ким рози, Анбар отин? Нимага рози? Раҳматов розими ёки мен?..

— Билмасам, — деб кулди Анбар. — Чамамда, икковингизга ҳам унча ярашмайди. Менинг билишимча, бу атирни фақат аёллар ва фақат тунда суртишади. Таомили шу...

Яхшибоев аввалига ҳангу манг бўлиб қолди. Сўнг тиззаларига шапатилаб баралла кула бошлади:

— Оббо Раҳматов! Оббо энаси бузуқ!..

Кулаётган асносида ичкарига Зоҳид кирганини пайқамади. Пайқаганида кеч эди — ҳадеганда ўзини йиғиб ололмади. Боз устига, қуриб кетмагур Анбар ҳам шарақлаб куляпти. Бир қўлида гул, бир қўлида юпқа жилд тутган хушқад йигит нариги хонада сўз айтарга фурсати имкон тополмай турибди.

— Э укажон! — деб хитоб қилди Яхшибоев. — Келинг, укажон! Хабарингиз етиб, мана, отдай бўп қолдим, гижинглаб турибман, бу ёғи, мана, Анбар отин ҳам «Мен рози» деяпти!..

Зоҳид ночор жилмайди. Анбарга қараб тавозе билан бош ирғади. Аёл қулоқларигача қизариб кетди.

— Назар Яхшибоевич! — деб хитоб қилди. — Туҳмат бу!..

— Албатта туҳмат, — деди Яхшибоев. — Манави навқирон йигитларга шунақа лоф қилиб турмасак бўлмайди-да, Анбар отин. Қани, бери келинг, Зоҳиджон, келинг, бир ўпай!..

Зоҳид, каттакон воҳанинг бошлиғи, камтарин-у, лекин салобатли йигит, юрак бетламай келиб пинжига кирди унинг. Яхшибоев маҳкам қучди, атай маҳкам қучди, билак мушаклари таранг тортилганида зўриқиш сезмади, аксинча, қониқиш туйдики, бу забардаст йигитлар ҳам Яхшибоев чолнинг бардамлигини кўриб қўйсин!..

— Кўп яхши йигитсиз-да, жоним, — деди Зоҳиднинг қулоғига. — Рост, сизни соғинган эканман, бошим осмонга етди, аммо-лекин...

— Балонинг ўқидай экансиз-у, менинг бекорга овора бўлганимни, — деди Зоҳид. — Бурга тепганга ҳеч ўхшамайсиз, Назар ака.

Яхшибоев Анбарга ялт этиб қаради. Анбар буни «кет, халал берма» маъносида тушунди, секин сирғалиб хонадан чиқди.

Дарвоқе, унда айб йўқ, деб ўйлади Яхшибоев, Ошно билан Зоҳиднинг уйқаш сўзлашини мендан ўзга шайтон сезмаган...

— Анбар отин, кейинроқ келарсиз! — деб хитоб қилди Яхшибоев нариги хонага қараб. — Айбим бўйнимда — сизга неча кундирки бевафолик қиляпман!..

— Балосиз, Назар ака! — деди Зоҳид. — Дўхтир аёлларни ҳам ром қилиб олибсиз.

— Бошқа иложимиз йўқ, укажон, — деди Яхшибоев. — Қани, ўтиринг, жичча гурунг беринг, шаҳрингиз қалай, кайфияти, ҳолати, маишати?..

Зоҳид курси қўйиб ўтирди.

— Йўқ, аввал сиздан сўраймиз, Назар ака, — деди кулиб. — Шундай қилиб, чиройли дўхтир хотинлар билан дон олишиб ётибман, денг?..

— Албатта-да! — деди Яхшибоев бирдан гуппилиги тутиб. — Кўринг, ҳавас қилинг, укажон!..

— Ҳавас ҳам гапми, ҳасад қиляпман, Назар ака, — деди Зоҳид. — Отамиз исмимни билиб қўйган экан, аёл зотига ботиниброқ қаролмайман...

— Бэ, қўйсангиз-чи укажон, — деди Яхшибоев. — Одам ишонадиган гапни гапирсангиз-чи?

— Ростини айтайми? — Зоҳид кутилмаганда жиддийлашди. — Буни фақат сизга айтаман, Назар ака. Битта-яримтасига кўнглим суст кетган пайтлар ҳам бўлган, лекин мансаб қурғурдан айрилишдан қўрқаман.

— Муҳаббат — энг катта мансаб, муҳаббат — энг зўр эътиқод, — деди Яхшибоев андак жўшиб. — Сабаб-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ки, муҳаббатга чалинган одам ёмонликка қўл уролмайди. Ана шундай ажойиб нарса — муҳаббат!..

— Энди, сиз шоир одамсиз-да, Назар ака, — деб илжайди Зоҳид. — Мен ерда юрган жўн амалдорман. Баъзида қанот бойлаб учгим келади-ю, лекин иложим йўқ.

— Эзма бўп қолибсиз, укажон, — деди Яхшибоев. — Қисқароқ гапиринг, умрингизда бирор марта росмана ошиқ бўлганмисиз?

— Бир эмас, икки марта ошиқ бўлганман, Назар ака.

— Хўш?

— Э, ярамни тирнаманг, Назар ака!..

— Оббо! — деб кулди Яхшибоев. — Билсангиз, ука, агар менга қолса эди, мансабини тузуккина эплаб турган одамларни қўққисдан бир йил ёки икки йилга ишдан бўшатиб ташлардим, сабабини айтиб ўтирмасдим, кейин яна бирдан мансабга тайин этардим, аввалгисига эмас, ундан ҳам баландроғига...

— Тушунмадим, Назар ака...

— Албатта тушунмайсиз-да, укажон. Сиз мансабга ўрганиб қолгансиз. Гўё сизга шу амал отамерос қилиб берилгандай. Агар бир-икки йил бекорчи бўлиб юрсангиз эди, ана ўшанда кимнинг ким эканини аниқ билиб олардингиз, кейин, мен сизни баландроқ мансабга тайин этганимдан кейин, бемалол ва ҳалол ишлаб кетардингиз.

— Маъқул гап, — деди Зоҳид. — Мен буни ўйламаган эканман.

— Хўш, унда нимани ўйладингиз? Қуруқ мансабнинг ўзиними?

— Ростини айтаймi?

— Ие, бу нима деганингиз? — деди Яхшибоев сал аччигланиб. — Рост гапириш — бурчингиз эмасми? Қўйинг, ука, паластинкани алмаштирайлик, мансабингиз — ўзингизга ҳадя, бояги гапдан келинг... Нимани гапирувдик?..

— Аёлларни айтувдингиз, Назар ака. Мен иккитасига кўнгил берганимни айтувдим.

— Балли!.. Ана шундан гапиринг.

— Гапирадиган жойи йўқ, Назар ака. Аёллар бобида омадим чопмаган менинг. Эҳтимолки, омадим юришган ҳам бўларди, лекин кўнгилдаги ҳадик бисёр эди. Шўрим қурсин менинг, Назар ака, умрим бино бўлиб иккитагина аёлга кўнгил қўйганман, умидвор ҳам бўлганман, лекин шубҳам тарқамаган... Шубҳам икки гал ҳам рост чиққан, Назар ака. Шубҳа қилиб, уларнинг дафтарчаларини варақлаб кўрганман, ҳар икки дафтарчадан ҳам Ёшуллининг махфий телефон номерлари чиқиб қолган.

Яхшибоев бирдан жонланди. Каравотдан туриб, курсига ўтди. Зоҳид курсисини унга томон буриб ўтирди.

— Ў ит! — деб ғудранди. — Қасди бор экан-да?

— Бошдан қасди бор, Назар ака. Мен унинг қўлида ишлаганман, нодонлигини биламан. Шуни у сезади. Ёмон ишларини ҳам биламан. Қўлидан келса, тегирмонга солиб туярди, хайриятки, сизга ўхшаган ҳомийларим бор...

Яхшибоев хушомадни билмаганга олди. Бор вужуди қулоққа айланиб, курсини Зоҳидга яқинроқ сурди:

— Хўш-хўш укажон, тушунарлироқ қилиб гапиринг-чи?..

Зоҳид бир муддат сукут қилди, сўнг умидсиз қўл силтади:

— Бас келиш қийин, Назар ака, нуфузи зўр унинг.

— Олдиндан таслим бўляпсиз, укажон, ярашмайди. Курашиш керак.

— Мен курашолмайман, — деди Зоҳид. — Лекин сизга айтаман, керак бўлса гувоҳларни рўпара ҳам қиламан... Бизнинг одамлар саҳрода ғалати бир карвонни тутишди, Назар ака. Учта зўр мошина, одамлари қуролланган. Хайриятки, қон тўкилмади. Бизнинг одамлар устун келди. Тинтилганда ярим миллион пул чиқди. Шуниси шубҳали кўринди — бор-йўғи ярим миллион учун карвон юргизиш шарт эмасди. Йириги мошинларнинг бензин соладиган бакида экан. Нақ беш пуд тилла. Ёшуллининг ота юртига борадиган йўлни биласиз, бизнинг воҳадан ўтади.

— Бўйнига қўёлдингизми?

— Қаёқда! Ёшулли мен билан ҳамон кулиб сўрашади. Лекин кичкина бир деталчаси бор, Назар ака. Карвон қўлга тушгандан кейин бирор ой ҳам ўтмай, Ёшулли бошқараётган воҳа билан унинг ота юрти орасида самолёт рейси очилди. Воҳалар тарихан бир-биридан йироқ, аввалдан борди-келди қилмаган, қуда-андачиликлар йўқ, самолётлар бўш қатнайди ҳисоб...

— Карвон аҳли қайда?

— Ҳозирча турмада. Сўроқ давом этяпти. Бирортаси ҳам бўйнига олмаяпти. Кўп чўзилади ҳали. Маҳбусларнинг ёнига одам қўймаяпмиз, лекин турма хизмат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиларига ишониб бўлмайди, икки ўртада хат-пат ташишлари тайин.

— Аҳволингиз оғир экан, укажон.

— Секинроқ айтасиз, Назар ака! Ёшулли — маккор, мени эзиб ташлаши мумкин... Шунга, атай сизга сиғиниб келдим...

Яхшибоев ўйланиб қолди. Зоҳид жудаям содда эмас. Беш йил бурун кўзларини шифтга қадаб меъморлигу санъатдан гапирган серзавқ йигитга ўхшамайди. Кўнглида ҳадиги бор. Сирини менга ошкор этгани сал тушуниксиз. Ошнога айтса тузук эди. Ё унга ишонмайдими? Ёинки, Ошнони Яхшибоев қўғирчоқ қилиб ўйнатади, деб хаёл қиладими бу?..

— Сизни културний йигит деб юрардим, — дея таъна қилди. — Биринчидан, мен авлиё эмасман, укажон, токи сиз сиғиниб келсангиз. Иккинчидан, мана, касалхонада ётибман, ичим пўкроқ. Таянч тутганингиз менинг ўзимга маъқул кўринмайди, укажон.

— Қайга борай бўлмаса? — деди Зоҳид руҳи тушиб.

— Ёшуллидан муттаҳамлик жойингиз йўқми?

— Йўқ, Назар ака, бу ёғидан кўнглим тўқ.

— Заифроқ жойингизни топиб туйқусдан мушт тушириб қолса-чи? Жигарингиз эзилмайдими?

— Қўрқаман, Назар ака.

— Ҳа, балли, энди ўзингизга келдингиз. Ёмонсиз, укажон, қариган чоғимда аждарҳонинг комига рўпара қиляпсиз. Нима, чол кишининг жони жон эмас эканми!..

Зоҳид писиб қолди. Яхшибоев унинг аҳволидан завқланди, ёйилиброқ кулди:

— Битта сассиқ чол кам бўлса кам-да, а?..

— Йўғ-э...

Яхшибоев ўрнидан турди. Дераза ёнига борди. Бог тарафдан салқин шабада эсаётган экан. Пастга қараб, фаррош хотинлар яккам-дуккам хазонларни супуриб юрганини кўрди.

— Сиз менга ортиқча тош қўйиб юбордингиз, укажон, — деди ортига қайрилиб.

Зоҳид жойидан турди, хона ўртасида қўл қовуштириб тек қотди.

— Бекорга овора бўлганингиз қолди, — дея давом этди Яхшибоев. — Атай одам ёллаб, мени касалхонада ортиқча ушлаб туриш шарт эмасди.

Зоҳид қизарди. Қизаргани Яхшибоевга маъқул тушди.

— Санъатдан лоф урасиз-у, тутган йўлларингиз анави тўнка Ёшуллининг йўлидан фарқ қилмайди, — дея боз давом этди Яхшибоев. — Биргина хира пашша пайдо бўлиб, ҳафта тугал тинчлик бермади. Совға-салом ташийвериб жонимдан безор қилди. Ўзимча, кимнингдир менда ёмон қасди бор, манави турқи совуқни юбориб, ажалимдан беш кун бурун ўлдирмоқчи, деб ўйладим.

— Узр, — деб ғудранди Зоҳид. — Мен унга, хира пашша бўл, деб айтганим йўқ, ҳолларини сўраб тур, деб тайинлаганман.

— Ҳол сўрарга кимни юборишни ҳам билиш керакда, укажон! — деб ғазабланди Яхшибоев. — Бориб турган йўлтўсар-ку юборган элчингиз! Қаттиқ ўйланиб қолдим, укажон. Сиздаям иккита юз борга ўхшайди. Бири — ўша мен билган санъату назокатга мойил йигит, униси — анави элчининг эгаси... тил бормайди-ю, айтарга мажбурман... хушомадгўй, ялоқи бир кимса!.. Боз устига, савдогар кимса! Хўш, бу ерда атир савдосини ташкил этган ким? Сизми?

Зоҳиднинг кўзлари ҳайратдан катта-катта очилди. Хайрият, деб ўйлади Яхшибоев, буниси моякбардорларнинг иши экан. Лекин топшириқ-чи, топшириқ буники эмасми? Лоақал шаъма қилган чиқар?..

— Ўлимдан хабарим бор, лекин... — деб гап бошлади Зоҳид.

— Ишонаман, — деб тўнғиллади Яхшибоев унинг сўзини бўлиб. — Нодонга иш буюр, ортидан ўзинг югур.

— Мен у нодонни... ҳали мен... онасини кўрсатаман, Назар ака!

— Ана бу ишингиз — ғирт бемаънилик! — деб бош чайқади Яхшибоев. — Сизга ҳеч ярашмайди, укажон.

— Қизишибман, Назар ака.

— Қизишманг, укажон. Доим совуққон бўлинг. Худди илондай. Айтишларича, илоннинг қони совуқ бўлармиш.

Зоҳид илкис қаради. Ёқтирмади ташбеҳни. Яхшибоевнинг кўнглига ғайри бир ваҳм ораладики, э овсар, ким билан гаплашаётганингни биласанми ўзи? Аждарҳонинг катта-кичиги бўлмайди, ҳалимдай эшилиб тургани билан, буям ўзича бир воҳанинг эгаси. Сал эҳтиёт бўл. Буларнинг бирига ҳам ишониб бўлмайди, ҳаттоки манавиндай сиғиниб келганларига ҳам ишониш қийин, негаки, сиғинмоқ — таъма демак, таъма эса — озгина хўрланмоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

демак, агарда дунёнинг ишлари чаппасига кетса, айтайлик, Ошнонинг гали битса-да бу йигит унинг ўрнига ўтса... ўшанда ҳозиргидай хўрланганию бояги совуқ ташбеҳни эсламайди деб ким кафолат беради? Ёшулли бунга бекордан-бекорга «Ворис» дея лақаб қўймагандир?.. Неча йилдирки, чет-чақада биқиниб олиб, Ошнонинг гали қачон тугашидан фол очишади. Ёшларга йўл бермаяпти, деб минғирлашлар ҳам бошланди. Хўш, фолнинг зўри энди кимнинг чекига тушади?

Ишқилиб, Зоҳиднинг номзоди ёдда тургани маъқул. Бу йигит сиртдан қараганда камтарину камсуқум, лекин кўнгли тубида бошқачароқ орзулар ниш ураётган эрса-чи?.. Кети тоза бўлса бас-да. Бугун от устида турган Ошнонинг шохи борми? Ахир, уям вақтида Зоҳидга ўхшаган жўнроқ амалдор эди-да!..

Ўзгача манзират қилди Зоҳидга. Гўё у эрта-индин ҳумо қушини бошига қўндириб оладигандай, иззатини жойига қўйди: «элчи» келтирган неъматлардан тўкин дастурхон ясади, ҳамшира қизларга чой буюрди, гап орасида ҳазиллашмоқни ҳам унутмади, бизники шу, оқсоқол, ўзиникини ўзига едирамиз.

Зоҳид одоб билан бош эгиб турди, сўнг секин эътироз қилдики, оқсоқоллик — сизга тан, Назар Яхшибоевич, менга қолса, боз яна «укажон» деб атаганингиз маъқул.

— Эрта-индин кўтарилиб кетсангиз, кейин нима қиламиз? — деб кулди Яхшибоев.

— Сизсиз қайгаям кўтариламиз, Назар ака! Пастми, баландми, бошимизда муқаррар ўзингиз бўлажаксиз!

— Ваъда — ёмон нарса, укажон. Кейин афсус қилиб юрасиз.

— Ҳеч-да. Устоз шогирдга оғирлик қилган пайтини эшитганим йўқ. Боз айтибдиларки, қари билганни пари билмас. Агар бир қошиқ қонимдан ўтсангиз, шогирд сифатида озгина эркалик қилсам...

— Совға-салом бўлса керакмас, — деди Яхшибоев ҳуркиброқ. — Шусиз ҳам ошириб юбордингиз.

— Бошқача нарса, Назар ака, кўриб хурсанд бўласиз.

Зоҳид йўлакка чиқадиган эшикни очиб овоз берди,

— Кутяпмиз, ўртоқ Дўстов!

Буйруққа маҳтал бўлиб турган экан чоғи, элликларни қоралаган мўйдор киши устига оқ мато ташланган

оғиргина бир юкни палатага олиб кирди. Зоҳид бурчакка курси сурди — юк ўшанга қўйилди. Сўнг юкчи Яхшибоевга таъзим бажо келтириб, соғлиқ тилаб, секин тисланиб чиқиб кетди.

— Боадаб, боадаб, — деб кулди Яхшибоев, — бу, дейман, укажон, махсус мактабингиз борга ўхшайди.

— Улар-ку боадаб, лекин мен ўзим беадабман, — деди Зоҳид бурчакда, оқ мато ташланган юк олдида туриб. — Беадаблик қилиб, бир ёғи азбаройи муҳаббатим зўрлигидан... шу ишга қўл урувдим. Асли — сиздан, жиндак хизмати — биздан, хуллас, агар малол кўрмасангиз, кичкинагина бюстингизни опкелувдим...

Юзига сирлироқ тус бериб, кўзбойлоғичдай илдам бир ҳаракат билан юк устидаги матони кўтарди. Яхшибоев бир муддат лол бўлиб қолди. Айтарга сўз тополмади. Бориб, Зоҳидни бағрига босди.

— Асли рухсатингиз керак эди, —деди Зоҳид салгина қимтиниб. — Лекин сизнинг камтарлигингизни билганим учун, сал бебошлик қилиб... берухсат...

— Ўхшабди, — деди Яхшибоев, сўнг, гарчи кўнглида катта ўзгариш рўй бермаган эрса-да, оҳиста хўрсинмоқни лозим топди. — Қўлингиз дард кўрмасин, иним.

— Энди, устозларнинг сиймолари ёд бўлиб кетган-да...

— Раҳмат, Зоҳиджон. Ўзи шунақа бир ҳайкалча керак эди. Насиб этса, гўримга қўйдираман буни. Атай васият қиламан ҳали. Йўғ-э, васият тузиб қўйилувди, балки алоҳида бир модда илова қилдираман...

— Э, қўйинг-э, оқсоқол, — деди Зоҳид норози бўлиб. — Лоақал музейга деб айтинг!

— Хай, майли, музейга бўлса — музейга-да, — деди Яхшибоев. — Асли сиз мансаб учун эмас, санъат учун туғилгансиз, укажон. Ҳалиям шу машмашали ишни ташланг.

— Озгина қолди, оқсоқол. Бир-икки йил ишлаб берайлик, кейин албатта санъатга ўтамиз.

— Озгина қолди? Худди пора йигаётган одамга ўхшаб гапирасиз! — деб кулди Яхшибоев. — Оббо Зоҳид укам-э, оббо санъаткор-э! Шундай ажойиб юракни қайси кўкракда олиб юрасиз, а? Қандай сиғдирасиз?.. Қаранг, кўзларини қаранг Яхшибоевнинг!.. Ўхшабди-я? Қошлари-чи? Аммо-лекин сал ёшартириб юборибсиз қирчанғи чолни! Буниси — минус.

— Бизга — минус, сизга — плюс, — деди Зоҳид. — Осон кўчди лекин, Назар ака. Устахонамни кўргансиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аввалроқ улуғ оқсоқоллардан бирининг портретини яратган эдим, эсингиздами?.. У киши билан иккингиз анча ўхшаб кетаркансиз. Айниқса, қошу кўз бобида!..

Яхшибоев ҳайкалчага ботинмайгина қўл тегиздию ўшал заҳоти тортиб олди. Мисоли бармоқлари куйгандай бўлди: ажаб, мисоли жони танидан сизиб чиқиб, совуқ маъданга ўтиб кетаётгандай эди!.. Иримчи эмасди-ю, субҳонолло айтарига бир баҳя қолди.

Чўчиганини сездирмаслик учун зўраки илжайди:

— Бўрданми бу, укажон?

— Бронзадан, Назар Яхшибоевич. Қолипи тайёр турибди. Хоҳлаганча нусха олишингиз мумкин.

— Биринж, денг, азизим, биринж. Эсингизда борми, достонларимиздаги баҳодирларимиз юз ботмон биринждан ясалган гурзиларини кўтариб юришади?..

— Тил бобида нўноқмиз, устоз. Лекин достонлар ёдда бордай. Зап баҳодирларимиз ўтган-да!..

Яхшибоев Зоҳиднинг завқини тушунолмади, ҳаттоки ғаши келди, бояги аҳдини унутиб, чақиб олди:

— Авваллари баҳодирларимиз биринжни жангга кўтариб кирган бўлсалар, эндиги баҳодирларимиз биринждан хушомад кўтариб юришади!

— Бошқа на илож бор, — деб қувлик қилди Зоҳид. — Бугунги кунда уруш тарғиботи учун жазо белгиланган, Назар Яхшибоевич. Қолаберса, сизу бизнинг чин эҳтиромни хушомаддан ажратишга қурбимиз етар?..

— Юқтирмайсиз-а! — деб кўз қисди Яхшибоев. Юмшади, ёйилиброқ кулди. — Сизга ишонаман, укажон, кўпинча рост гапирасиз.

— Агар ростига кўчсак, биргина илтимосимиз ҳам бор...

Яхшибоев сергакланди. Шуни кутган эди. Тортиқ бўрдан бўлса ҳам бир нави эди, лекин атай қолип ясатиб, атай биринждан қуйганидан кейин... изидан бирор илтимос бўлмоғи ҳам тайин эди-да, ахир. Лекин қўлдан келармикан? Тағин бу ҳайкалтарош арбоб тошни сал оғирроқ қўйиб юборган бўлса-чи? Ҳол келмасдан, зўриқиб, ажалдан беш кун бурун ўлиб кетсам-чи?

— Хўш, укажон?...

— Бу ёғи росмана хушомаднинг ўзгинаси, Назар ака. Ожизлигимни сизга сездирмаслигим керак эди, лекин — начора... Ҳайкал ёлғиз эмас...

— Икки нусхами?

— Бутунлай бошқа нусха.

— Каттанинг ҳайкалими?

Зоҳид сал иккиланиброқ турди, сўнг кўзларини юмиб тасдиқлаган бўлди, сўнг чапини қисиброқ буткул сунъий, ўзига ярашмайдиган шанғи овозда кулди:

— Миноранинг суратидан биттасини опкелувдим, устоз.

Яхшибоев унинг аҳволини тушунди — кейинги сўзлар деворларнинг қулоғига айтиляпти, токи деворлар кейинчалик тилга киргудай бўлса, ёлғон гувоҳлик бер-син.

— Ортиқча ташвиш орттириб юрасиз-да, укажон, — деди Яхшибоев ҳам кўз қисиб, гўё ўзи ҳам деворлардан чўчигандай бўлиб. — Обрўли-эътиборли йигитсиз, бировдан камлик жойингиз йўқ. Лекин, мени кечиринг-у, сиздек тўкис укаларимиз бўртиқ жойдан кемтик ахтариб юрадиганга ўхшайсизлар. Бозам билмадим, балки ақлим сусайгандир менинг...

— Кўнгил учун-да, устоз, — деди Зоҳид сал дадиллашиб. — Азбаройи кўнгил учун.

— Манавиниси, — Яхшибоев курсида турган бюстга ишора қилди, — анавинисига илова экан-да, яъниким, минора сувратига?

— Шундай дейишингизни билардим, — деди Зоҳид оғриниб. — Майли, нима деб ўйласангиз ўйланг, лекин менга ёрдам беринг.

— Жиддийроқ баҳона топиб келгандирсиз?

— Баҳона йўқ. Бўлса эди, ёнингизга сиғиниб келмасдим.

Яхшибоев танг аҳволда қолди. Зоҳиднинг илтимосини тугал англади, ёқтирмади, лекин... Эсладики, кўп йиллар бурун, ҳали ўсмир эканида, укасининг баданига тепки тошиб оғирлашиб қолганида, энасига қўшилиб қайсидир пиру авлиёнинг мозорига борувди. Отасининг пичоғи билан товуқни сўйиб, авлиёнинг гўрига қонини оқиза туриб, энасининг илтижосини эшитувди: дард билан келдим, пирим, дард бўлмаса келмасидим, кенжатойим касал, тузалса яна келаман...

Укаси тузалиб кетувди-ю, лекин энаси савдолашганини унутиб, авлиёнинг қабрига қайтиб бормаган эди.

Йўқ, бу гал бошқачароқ. Бу гал томошабин бўлиб туриш қийин. Шунчаки савдомас бу; даллоллик қилиш керак, ҳатто ундан ҳам баттарроқ — қўшмачилик!

Ягона юпанч шуки, Ошнонинг турқини томоша қилиш мумкин. Зўр томоша бўлади лекин — бир ҳайкалчага қарайсан, бир ҳайкалчанинг аслига. Бири тек туради, униси эса — сенинг гувоҳ эканингни хушламай

www.ziyouz.com kutubxonasi

безовта. Қисинади, ғижинади, ажабмаски, аламидан депсиниб ҳам юборса! Наҳотки, Зоҳид шуни тушунмаса? Шундай закий йигит-а?!.

— Айтинг, — деди Зоҳидга, — либосни келтиришсин.

Зоҳид топшириқ бергали ошиғич чиқиши билан пиқ этиб кулиб юборди: ўла-а, Яхшибоев, қайдан ўргандинг киборликни, нақ граф бўлиб кет-э! Либосни келтиринг, уловни ҳозирланг, машварат жам бўлсин! Шундай фармон бериларди чоғи?..

Ошнонинг дала ҳовлиси кенгу мўл, баҳаво, хўб саранжом эди: боғни қуршаб-тегралаб турган ар-ар тераклару пойларига тангача офтоб тушмайдиган баланд чинорлар, улардан-да келбатли тўрт-беш жўка; қизғиш қумли йўлаклар четига батартиб экилган арчалар — тўқ яшил, оч яшил, токи кумушранг хилигача; қирғоғига шағал тўшалган икки серсув ариқ, ҳар ариқ йўлида биттадан ҳовуз, гирдларига мажнунтоллар салом бериб турибди; ҳар эллик қадамда биттадан шийпонча, турфа шаклда — думалоқ, тўрткунжак, олти кунжак ва ҳоказо, барининг-да теграси очиқ, устига рангдор шифер қопланган; энг ўртада — атиргуллар йил ҳисобидан охирги бор қийғос гуллаётган очиқ саҳнда — оппоқ бир бино, катта ҳам, кичик ҳам эмас, ҳашами ҳам ўртача — Ошнонинг камтарлигидан нишона.

Миниб келган машиналари сиртда — махсус жойда қолди. Ўзлари соқчиларга ҳужжат кўрсатиб ичкари кирдилар. Дастлаб кўрганлари — ўнг қўлдаги симтўр билан тўсилган майдончада шўх-шодон қийқириб чавгон ўйнаб юрган ўн чоғли йигит-қиз бўлди. Бари кўркам эди бу ёшларнинг, бари дўркун, баданлари оқ, юзлари силлиқ, гарчи қийқириб юрсалар-да, қиёфаларида недир сиполик — Ошнодан улги бордай. Неваралари, деб ўйлади Яхшибоев, шу борада андак хато қилган ошнамиз, улуғ одамлар асли бефарзанд бўлгани маъқулроқ, ўшанда ўзингни элга тўлароқ бахш этасан, зурёдларни ўйлаб, зурёдларга тақдирлар яратиб овора бўлмайсан, пировард, сендан жилов кетган пайтларда манавиларни биров хўрлаб ҳам юрмайди...

Э, тарозиси бор-да бу дунёнинг!

Қизғиш қумли йўлакдан боратуриб бир-икки боғбонни, бир-икки гулчини, аравача минган бир-икки гўдагу аравача сурган ёшгина оналарни ҳам учратишди. Тинчдай эди бу олам. Кўринган одамларнинг барчаси осойиш, юзларида ҳадик йўқ, ариқнинг шовқини демасанг, ҳамма ёқ — осуда, тинч, ғулусиз.

Муяссар хонимнинг ҳам кайфияти тузук экан — ёзги ошхона ёнида қаршилади, ичкари бошлади. Доимо тахт турадиган тўкин дастурхон юзидаги докани олиб, манзират қилди. Иссиқ нон келди — ўзи синдирди. Самоварнинг симини токка тиқди, у ҳам иссиқ турган экан, бирпасда қайнади, ўзи дамлаб, ўзи қуйди. Жуда одми эди Муяссар хоним — эгнида чит кўйлагу қишлоқ аёллари киядиган бежоғсиз нимча, бўёқсиз, тақинчоқсиз (лоақал бирорта балдоғи бўлса қани), ғоят камтарин, ғоят камсуқум. Дарвоқе, ҳол сўради. Аввалига Муҳсина хонимнинг соғлиғини суриштирди, кейин Яхшибоевнинг ўзига ҳам озгина далда берди:

— Сизга ярашмайди, Назар ака, эшитдим, девдай одам «тобим қочди» деб дўхтирларни лақиллатаётган экансиз.

— Дев ҳам қарир экан, Муяссархон.

— Ундай деманг, Назар ака, сиз шундай дегандан кейин Муҳсина билан менинг ҳам ёшимиз билиниб қолади.

— Йў-йў! — деб хитоб қилди Яхшибоев. — Асло, Муяссархон! Дев қарийди, лекин парилар қаримайди!..

Лутф Муяссар хонимга ёқди. Бармоғини дўлайтиб, Яхшибоевга ширин «дўқ» қилдики, Яхшибоевнинг кўнглига бу нарса таскин берди: демак, бу улуғ рўзғорда ҳамон тўкислик ҳукмрон экан, бизнинг кемтикларимиз ҳам битиб кетажак.

— Шунчаки реймўнт, — деб кулди Яхшибоев сўзни атай бузиб. — Ичида озгина эркалиги ҳам бор.

— Кейинги пайтларда эркалигингиз ошиб боряпти, Назар ака, — деди Муяссар хоним, сўнг, Зоҳидга бир қур қараб олиб, хижолатомуз сўради: — Укамизни илгари кўргандайман?..

— Кўргансиз, — деди Яхшибоев. — Оқсоқолнинг содиқ шогирдларидан.

— Хуш кепсиз, — Муяссар хоним Зоҳидга атаб табассум қилди. — Ҳа-я, кўрганим рост, исмингиз... исмингиз тилимнинг учида турибди...

— Исмим — Зоҳид.

— Бу, келинниям опкелавермабсиз-да, Зоҳиджон? Эсингиздан чиқмасин, янаги гал албатта опкелинг.

— Қуллуқ, янгамулло.

— Э, бу ёғи қандоқ бўлди, Назар ака, — деб ҳазиллашди Муяссар хоним. — У ёқда Раънохон синглим

www.ziyouz.com kutubxonasi

динга қарши курашиб ётса-ю, укамиз мени «мулла» деб атаса?..

— Сир шу ерда қолади, Муяссархон, — деди Яхшибоев.

Яйраб бораётганини сезди. Муяссар хоним зукко хотин эди. Олиймақом давраларнинг ҳадисини олган; эри улуғ мансабдор бўлмаса эди, ташқи ишлар министри қилиб тайинланса ҳам бўлаверарди.

— Касал ётган жойимдан туриб келдим, — деди Яхшибоев бошини хам қилиб. — Кўнглим безовта бўлаверди. Ҳамроҳсиз кўчага чиқишим ҳам қийин, хайриятки, қадрдон укамиз Зоҳиджонни худо етказди, шу кишини паноҳ тутиб, зора йиқилган жойимда суяса, деб...

— Тузалиб кетасиз, Назар ака.

— Умидим бор, Муяссархон. Аммо гап касалликда эмас. Бир гуноҳ қилиб қўйдимки, бу дардим ҳаммасидан ҳам оғирроқ. Касаллик асоратими, мен галварсдан хабар олгали борганларида... сал ҳаддан ошибман... Шунга, бир қошиқ қонимни сўраб олай деб атай ҳузурингизга келдим, билингки, қолган-қутган жоним сизнинг қўлингизда.

Яхшибоев сўзларни сал бетартиб тизганини, керагидан ошиқ баландпарвоз оҳанг тутганини пайқади, лекин Муяссар хонимнинг хайрихоҳлик билан тинглаганини кўриб озгина таскин топди. Демак, Ошно хафа бўлганини унутган, унутмаганида ҳам Муяссар хонимга ошкор этмаган, ичига ютган.

— Сизники — айб эмас, Назар ака, — деб юпатди Муяссар хоним. — Парво қилманг. Ахир, мен қанча озор етказмайин... воз кечиб кетолмайдилар-ку?..

— Энди, сиз — кўз очиб кўрган маҳбубалари бўласиз-да.

Муяссар хоним боз маъқуллаб бош ирғади. Яхшибоев ичида кулдики, соддаю гўл, сенга гал етгунча Ошнонинг кўзи бир-икки бор очилиб-юмилиб улгурган эди-я, хусусан, Мойра воқеаси, юздаги чандиқ... Қизиқ, чандиқни қандай изоҳ этган экан Муяссар хонимга? Мусичадай кукулашиб искашган пайтларида буям жим турмагандир, ноизккина бармоқлари ўша чандиққа теккандир, текканидан сўнг ажабланиб сўрагандир?..

— Мен фақир, гарчи болаликда тепишиб ўсган эрсам-да, дилда қўрқувим бор, — дея давом этди. — Ўйлаганимки, кексалик зўр келган пайтда, танимга йиллар танга-танга бўлиб ёпишиб, нақ қари лаққага

айланган пайтимда... афвга лойиқ жойим қолдимикан?

— Лаққада танга бўлмайди чоғи, Назар ака? — деб илжайди Муяссар хоним.

— Ана холос! — деди Яхшибоев бош сараклаб. — Мия суюлгани шу-да, Муяссархон. Афвга лойиқмас деганим... энди, дўстлигимиз жуда эскириб кетдими, деган хавфим бор-да. Яшириб нима қилдим.

— Бу борада мен ташвиш тортсам ярашади, — деб кулди Муяссар хоним. — Айтадиларки, дўстнинг кексаси яхши, хотиннинг — ёшроғи!

— Ажойиб! — деб хитоб қилди Яхшибоев. — Э, бизлар ҳам юрибмиз-да сўзларни тўқиштириб! Сизга тенг келиш қийин, Муяссархон! Шунча заковат билан яна камтарлик қилишингизга қойилман, аммо-лекин!

Мақтади Муяссар хонимни. Буюк аёлсиз, деди, баъзида шуни ўйлаб жоним оғрийдики, сиз шундай зўр талантни муҳаббатга алмаштирдингиз; боз ўзимга таскин бераманки, йўқ, у кишининг муҳаббатлари ҳам талантлари қадар буюк, муҳаббатлари кимсан Ошномиз тимсолида қадрини топгани янада соз; ўйлаб-ўйлаб, ахийри айтаманки, Муяссар хоним — бахтли аёл, ҳақиқий Шарқ аёли, бутун Шарққа она атаса арзийдиган аёл, Муяссар хонимнинг муборак тақдирларини кўзимизга тўтиё этсак ҳам оз, бу тақдирга она халқимиз, яъниким, менга она, сизга эса фарзанд бўлмиш халқ ўз қалбида эҳтиромдан ҳайкал тикламиш!

— Баски, сиз талантингизни муҳаббатингизга қурбон этиб заррача ҳам янглишмагансиз! — деб тугатди у мадҳияни.

Муяссар хоним ийди, сал хижолат чекди, лекин гапни бўлмади.

— Ёшим улуғ-у, лекин мен ҳам сизга фарзандман, Муяссар хоним, — дея баттар авж қилди Яхшибоев.

— Сиз билан Муҳсинахоннинг тақдирларингиз ҳам чаккимас, — деди Муяссар хоним. — Ҳарнеки ҳаваса, ҳавас ҳам гапми, ёппа тақлидга молик тақдир бу, Назар ака!

Зоҳид бир чеккада бош ирғаб ўтирди. Эшикдан пешгир бойлаган бир аёл бош суқди-ю, ош сузарга рухсат сўради.

— Баҳузур, — деди Яхшибоев кўксига қўлини босиб. — Мен парҳездаман, Муяссархон.

— Узр, янгамулло, — деди Зоҳид ҳам тилга кириб. — Сизнинг қимматли вақтингизни олмайлик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Шундайми? — деди Муяссар хоним, ортиқча қистаб ўтирмасдан. — Унда болаларнинг ўзларига сузаверинг, Санталатхон.

Ошпаз аёл кетди. Зоҳид Яхшибоевга ялинганнамо боқди. Яхшибоев сездики, муқаддима анча чўзилиб кетибди.

— Оқсоқолнинг ўзларини ҳам учратарман, деган умидда эдим, — деди у.

— У киши Бухорода, — деди Муяссар хоним. — Пахта ташвиши, Назар ака. Кечқурун қайтсалар керак. Бирор хизмат бўлса, менга айтсангиз ҳам бўлаверади. Ё менга ишонмайсизми?

— Йўғ-э, одамни уялтирманг, Муяссархон. Асли ният — сизни зиёрат қилиш эди. Боз бир сабабки, укамиз Зоҳиджон узоқ йўл босиб келибди. Қўлларида гулдай ҳунари бор. Манманлик балоси қурсин, ёшим улуғлигини орқа қилиб, бу кишига биргина бюст заказ қилувдим. Кўнглимдагидан ҳам зиёда ишлабдилар. Сиз ҳам бу укамизнинг санъатига баҳо берарсиз деб...

— Мен санъатшунос эмасман-ку, Назар ака. Ўзингизга ёққан бўлса бас-да.

— Шундайку-я, лекин... Сазамни ўлдирманг, Муяссархон, сиз ҳам укамизнинг санъатини бир кўринг.

— Майли, — деди Муяссар хоним. Овозидан сал инжигани сезилди.

— Дастёрлардан бирини юборсангиз, — деб илтимос қилди Яхшибоев. — Ўзимиз опкиролмадик, ўнғайсизроқ туюлди.

— Тўғри ўйлабсиз, — деди Муяссар хоним, сўнг стол тагига қўл чўзиб, тугмачани босди. Эшикда булар боя йўлда учратган гулчилардан бири пайдо бўлди.

— Ўзингиз бирга борасизми? — деб сўради Муяссар хоним Зоҳиддан.

— Энди, бу укамиз ҳам оқбилак бўлиб ўрганиб қолган, — деб илжайди Яхшибоев. — Бу киши калитни берсалар-да, гулчи укамизнинг ўзлари опкесалар. Багажникда турибди. Синдирмай опкелсинлар.

Зоҳид калитни берди.

Ошнога аталган совға бирор қирқта чаноғи оппоқ очилган сершох гўза тупи бўлиб чиқди. Янги нав, деб тушунтирди Зоҳид, воҳамиз олимлари энди иш бошлаганларида шахсан ўзлари фатво берган эдилар, мана, нафаслари зўр экан, кўнгилдагидан ҳам зиёда бир нав

яратилдики, биргина тупини узоқ йўлдан ҳаммамиз учун ҳурматли зотга атаб опкелдик.

Яхшибоев хитоб этди: офарин, Зоҳиджон, закий йигитсиз!

Муяссар хоним ҳам шодлигини яширолмади: ажойиб! Кўриб қувонадилар!

Зоҳид камтарона илжайиб айтдики, ҳурматли янгамулло, бу бир оддий гўза бўлгани билан олтиндан ҳам қиммат, шу боис, рамзий тарзда, гўза тупи ўрнатилган чорбурчак тахтачани тилла рангига бўядик.

Яхшибоев тағин хитоб этди: қойил, Зоҳиджон, бу тарафини ҳам бопладингиз!

Муяссар хоним сўз қўшарга улгурмади — Зоҳид иккинчи қутини қўлига олди. Хижолатдаман, янгамулло, деди, рости, сал беадаблик бўляпти, Назар Яхшибоевични қалқон этиб олиб келганимнинг маъноси ҳам худди шунда. Начора, деб боягидай камтару хоксорона илжайиб, бошқа чорам йўқ менинг, азиз сиймонгизни ўз қўлларим билан биринжга кўчирган эдим, рухсатингиз билан тақдим этсам.

Яхшибоев айни сониянинг тантанавор эканидан завқланди: бу сўзни ўзим ўргатганман, Муяссархон, б и р и н ж дегани нақадар чиройли сўз!

Муяссар хоним б и р и н ж сўзини тушунмас экан, бир зум лол бўлиб турди. Хайриятки, Зоҳид узоқ куттириб қўймади, қутидан кичкина ҳайкалчани олди. Буниси ҳам бюст экан, буниси ҳам аслига ўхшаш, ўхшаш-у, сал ёшроқ қилиб ишланган.

— Войй! — деди Муяссар хоним. — Мен ўзимми?!

— Ўзингиз, — деди Яхшибоев, лекин ичида озгина ранжидики, хотинлигига борди бу, заҳизғонга ўхшаб, йилт этган нарсани кўрса чидаб туролмайди, ким айтади улуғ давраларни кўрган деб!..

— Асли тиллодан ишлашим керак эди, янгамулло, — деди Зоҳид айбсиниброқ. — Шунга арзийсиз.

— Кўрсам бўладими? — гўё ботинмагандай сўради Муяссар хоним.

— Э, қизиқмисиз, янгамулло!.. — деб хитоб этди Зоҳид.

Одобли йигит эди у, ўзи узатмади, ҳайкалчани Яхшибоевнинг қўлига авайлаб қўйди-да, четидан ушлаб турди. Залворлигина экан. Биринж, деб ўйлади Яхшибоев, биринж дегани Менделеев оқсоқолнинг жадвалида бормиди ўзи?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Эҳтиёт бўлинг, Муяссархон, — деди ҳайкалчани хонимга узатаётиб. — Оғиргина экан.

— Олти кило, — деди Зоҳид. — Мураккаб қотишма бу, янгамулло.

— Худбинлик қурсин, — деб илжайди Муяссар хоним. — Одамзод ўзига ўзи ёқади-да.

Шундай деб, гўё ёшгина қизалоқ қўғирчоғини суйиб эркалагандай, ҳайкалчанинг юзидан ўпди, бурнидан тишлади, секин, жуда секин, жуда авайлаб!.. Ёруғга ҳам тутиб кўрди, хатолиғ топмади, мамнун бўлди!

Яхшибоев билан Зоҳид илжайиб қараб туришди. Сўнг Муяссар хоним бирдан жиддий тортди, ҳайкалчани дастурхоннинг четига қўйиб, Яхшибоевга юзланди:

— Сизга икки оғиз гапим бор, Назар ака.

Зоҳид тушунди, ташқарига йўналди. Яхшибоев диққатини жам этиб, Муяссар хонимга тикилди. Зоҳид андозани кўпроқ юнонлардан олган, деб ўйлади, хонимнинг ёноқлари андак бўртганроқ, ёшлигида лўппиюз эди, кексайганда эт қочиб, суяклари бўртиброқ қолибди, аммо-лекин кўркамликдан ҳали-да бордай, йўқ, кўркамлик эмас, салобат бу, салобат ҳам эмас, бизнинг кўнглимиздаги жўнгина бир ҳадик, мабодо Муяссар хонимнинг ўрнида мен бўлсам ҳам, салобатимдан не-не отлар ҳуркиб ўларди!.. Нега энди Муяссар хонимнинг ўрнида бўларкан? Ошнонинг ўрнида! Муҳими — Ошнонинг ўрни. Муяссар хонимнинг ўрни — хотинлик, холос. Энди, сиз, ўртоқ Яхшибоев, минг хоҳлаганингизда ҳам бу ўринга даъвогар бўлолмайсиз!..

Ўйлари ўзига нашъа қилди. Илжайди. Сергакланиб кўрдики, Муяссар хонимнинг юзида недир ташвиш, бояги қувноқлиги ўчиб кетгандай...

— Мени не балога рўбару этяпсиз, ўртоқ Яхшибоев?

Яхшибоев қуруқроқ оҳангга чалғиб, сўзларнинг маъносини дабдурустдан англамади. Тавозе билан илжайиб тураверди. Илжайгани Муяссар хонимга ўтиринқирамади.

— Мен бу совғани ололмайман, ўртоқ Яхшибоев, — деди у овозини баландлатиб. — Устасига тўлайдиган пулим йўқ.

— Ташвиш тортманг. Устаси — Зоҳиджоннинг ўзи.

— Барибир ололмайман.

— Нега? Менгаям опкелувди, мен олдим-ку? Иззат қилиб келтирган буни, Муяссархон, олмасангиз хафа бўлади.

— Хафа бўлаверсин. Порага ўхшаб қоляпти бу, ўртоқ Яхшибоев.

— Йигит кишининг сазаси ўлмасин, Муяссархон. Болалардан бировига совға қиларсиз. Бошқа кимсанинг тасвири бўлса эдики, унда музейга элтиб берса бўларди, лекин сизу бизнинг бюстимизни у ёққа қўйиб бўлмайди — ҳар хил фикрлар туғилади. Ягона илож — олиш. Олиш ва унутиш.

— Шундайку-я... — Муяссар хонимнинг овозида тараддуд зуҳур этди. — Мен олардим-у, лекин дўстингиз нима дер эканлар?..

— У кишига айтмайсиз — вассалом!

— Йўқ, — деди Муяссар хоним қатъий оҳангда. — Олмайман, ўртоқ Яхшибоев. Қандай олиб келган бўлсангиз, ўшандай даф қилинг. Анави ғўзаниям, ҳайкалчаниям. Меҳмонга тушунтиринг.

— Жилла қурса менинг сазамни ўлдирманг.

— Бас, ўртоқ Яхшибоев, — деди Муяссар хоним аччиқланиб. — Сизни энди кўраётганимиз йўқ.

Яхшибоев рад жавобидан бир ҳисса-ю, беписанд оҳангдан минг ҳисса оғринди.

Намунча, деб хаёл қилди, эркаклигидан айрилган амирнинг ягона хотинидай кескин гапиради-я! Энди кўраётганинг йўқ, лекин мен ҳам сени бугун кўриб турибманми? Ким эдинг ўзи сен? Жўн бир муҳаррирнинг ўзидан ҳам жўнроқ жиянчаси эдинг-да! Дарвоқе, раҳматли муҳаррир унчалик ҳам жўн эмасди. Унинг Ошнога дастлабки кезларда т р а м п л и н бўлгани рост. Лекин Ошно барибир Ошно-да, унинг қандай Ошно бўлгани муҳиммас, бугунги нуфузи ҳисоб, агар Ошно бўлмаса эди, ким билади, қайларда юрардинг кашанда режиссёр хотин бўлиб — Ўртақўрғон муздрамидами ёинки Ўртақўрғон радиосидами?

Йўқ, бу ҳам, Ошно ҳам муҳиммас, ошни пиширган асли мен ўзим — Назар Яхшибоев бўламан. Капгир буларнинг қўлига ўтиб, Ўртақўрғон муздрамига «сургун» бўлиб, бирор икки-уч йил ўша ёқда донини териб юрган мусича ҳам мен ўзим — Назар Яхшибоев. Мусича эканманки, ҳалигача дастурхондан тушган увоқларни териб юрибман. Қўшмачининг жаззаси шу!..

Қаҳри келди Яхшибоевнинг.

— Келиной, — деди сўзга ургу бериб, — менинг хизматларимниям биласизми?

Муяссар хоним сесканди. Юзи оқаринқиради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Намунча иддао? — деди. — Ҳаддингиздан ошяпсиз, ўртоқ Яхшибоев.

— Иложим қанча, — деди Яхшибоев такаббурона илжайиб. — Сиз, хоним, мулозиматга шунчалар ўрганиб қолгансизки, энди энг қуюқ саломга ҳам алик олавермайсиз. Ҳаддан ошганимнинг боиси шуки, бетамизлик баҳонасида зора эсингизда қолсам...

— Баҳоингиз тўғри, ўртоқ Яхшибоев, — дея ачитди Муяссар хоним.

— Аямайсиз, келиной. Тус бўлмаса ҳам, тутинган қайноға эдим-а!

— Эсимдасиз, ўртоқ Яхшибоев. Эсимиздасиз, эсламай ўлибмизми?

Бўшашди, деб ўйлади Яхшибоев ичида қувнаб, ёнига Ошнони ҳам тортдими, демак, бўшашгани аниқ.

— Э, мен айтдим-қўйдим-да, Муяссархон, — деди. Ўзининг ҳам бўшашиб-сўлжайиб бораётганини пайқади. Жим турса, бас, лаҳза ўтиб арзонгина бир лутф эшитадию кавуши ўнгланади. Журъатини йиғиб, Муяссар хонимнинг кўзларига тик қаради: — Эшагингиз лойдан ўтганига, эҳ-ҳе, неча замонлар бўлди!..

— Тушунолмадим...

— Тушунасиз, хоним. Сиз тушунмаган савдо бор эканми!

— Таъмагирроқ экансиз, ўртоқ Яхшибоев. Дарвоқе, мени дўстингизга унаштираётган пайтингиздаёқ... кўнгилда шу гаплар бор эдими?

— У пайтлар бегараз эдим.

— Энди ғаразлими?

— Шароит ўзгараркан, хоним. Дунёда оқибатни ўйлаган ўзи аҳмоқ.

Муяссар хоним илкис ўрнидан турди:

— Опкелган порангизни опкетинг, ўртоқ Яхшибоев!

Яхшибоев кўрсаки, хонимнинг ғазаби ростдан ҳам ошган. Ё тавба, деб ўйлади, саврнинг ҳавосига ўхшайди-я! Бир муддат бурун лутф дегани икки орада мокидай қатнаётган эди, энди бўлса... Сабаби не? Нега Зоҳидни чиқариб юборди? Совғасини ўзигаёқ қайтариб узатса бўларди-ку? На иложи қоларди унинг, қўлтиқлаб опкетаверарди-да!.. Нега менга чимрилади? Арпасини хом ўрдимми? Совғани олади, барибир олади! Нозлари бекор — олади!

Ажаб, агар тирилиб келса... муҳаррир тоғаси буни танирмиди? Кимнинг тақдирига мўлроқ лол бўларди — Ошногами ёинки жиянгами? Асли у жиянчани менга

атаган эди. Ҳа, ҳа, куёвликка номзод асли мен эдим! Куёвликка, сўнг куёвлик баҳонасида келадиган жўнроқ мансабларга, сўнгроқ саъйи ҳаракат билан забт этилажак улуғроқ мансабдорликка, борингки, Ошноликка мен ўзим номзод эдим! Ажаб, шунга уйлансам, бугун келиб росмана бир халққа ота бўлиб ўтирармидим?..

Тақдири биргина инжиқ хотинчага боғлиқ бўлган халққаям суф-э!..

Онаси отасидан яшириқча совға оладиган халққа нималар дейсан яна?

Онаси унутган халққа-чи?

Зоҳиднинг — закий бир фарзанднинг — исминики эсламаса-я!?

Яхшибоев ишонмади. Недир ғирромлик бўлаётганини сезди. Зоҳид Ошнога содиқ шогирд бўлса, бутун бир воҳани бошқариб турса, кунора тилга тушса, жамийки раҳбару жами фуқарога ибрат этиб кўрсатилса... халқимиз онаси шундай фарзандни тузукроқ эсламаслиги ҳам мумкинми, ахир?

— Порани мен бермадим, — деди Муяссар хонимга. — Берган одамнинг ўзига қайтаринг.

— Ёқиб юбораман!

— Пахтани-я! Миллий ифтихор-ку?!

Завқланди Муяссар хонимнинг аҳволидан. Хоним депсингудай бир аҳволда эди. Яна озроқ қутқу қилинса, бас, нақ жазавага тушади, кейин қарабсизки, то Ошно Бухородан қайтиб келгунича тинчимайди, Ошно келгач, бор воқеани оқизмай-томизмай еткизади, сўнг Ошно Зоҳидни чақириб олиб дакки беради, менга эса... менга ҳеч нарса демайди. Мен энди кекса одамман, йўқотиб юбориш уят; менга худодан ўлим тилаш мумкин, холос — бошқа чораси йўқ.

— Ҳаддимдан ошдим, Муяссархон, — деди овозини сал титратиб. — Худо шоҳид, кўнглимда сизга озор бермоқни истамадим. Сизга озор бермоқ — нонкўрлик билан баробар.

— Шу-да, — деди Муяссар хоним, — қилғилиқни қилиб бўлиб, кейин...

— Э, мени энди кўряпсизми, Муяссархон! Эски билганингиз сассиқ чол — сўхтаси совуқ Назар Яхшибойман-да!

Муяссар хоним ўзини мажбурлаб бўлса-да, мийиғига кулги чиқарди.

— Боринг, Назар ака, — деди. — Касалхонадаки ётиб шунчалар безорилик қиларкансиз, соғ пайтингиз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да сизнинг феълингизга чидаган дугонамга раҳмим келяпти.

— Уни менга ўзингиз оббергансиз, Муяссархон.

— Шунинг учун куяман-да, нафасим ичимда, бировга нолиш қилолмасам...

— Оқсоқолга айтакўрманг!

— Э, у кишининг ташвишлари ортиб ётибди!..

Муяссар хоним чуқур уҳ тортди. Юзидаги жаҳл аломатлари сўниб, аввал-азалгидай одми тусга кирди, одми чит кўйлагининг узун енгидан чиқиб қолган недир бир ипни топди, сал эгилиб тиши билан узиб ташлади.

— Дугонамни сўраб қўйинг, Назар ака, — деди сўнг қўлини берди: — Хайр бўлмаса. Анави йигитчага айтинг, минбаъд совға-салом кўтариб келмасин. Дўстингиз эшитса хафа бўладилар. Бир умр маошга яшаб келаётган одам у киши, кўнгиллари хижил бўлишидан чўчийман.

— Айтмай қўяқолинг, Муяссархон.

— Энди тушунгандирсиз менинг аҳволим қийинлигини? — деди Муяссар хоним ўпкаланиб.

Яхшибоев бош иргаб, тушунганини аён этди. Иккovлашиб, ёзлик ошхонадан чиқдилар. Ташқарида Зоҳид кўринмасди. Муяссар хоним арчалар қуршовидаги йўлак бошига қадар келди, сўнг яна бир бор қўл бериб хайрлашди.

Яхшибоев бирдан енгил тортди. Қизғиш қумни ғижирлатиб, шаҳдам одимлаб кетаверди. Дарвозахонага яқинлашиб, симтўр билан ўралган майдончада чавгон ўйнаётган ёшларга яна кўзи тушди. Ичи ачишиб ўйладики, бу ўйинларнинг ҳам чеки бор, менинг кетаримдан Ошнонинг кетари оғирроқ, ортида юки кўпроқ, обрў билан кетса баҳарнав, лекин... Ишқилиб, буларга қийин бўлади. Куёвбаччалару келинпошшаларга осонроқ, соз тушган лаҳзада этак қоқиб кетиб юборишлари мумкин, лекин зурёдларнинг ўзларига қийин. Зўри бор-у, лекин зари йўқ Ошнонинг. Зари бўлгандаям кор қилмайди, сабабки, зарнинг зўри пана-пастқамда юрадиган дўкончиларга иш беради, аммо асло зўрга эмас, зўрга зар вафо қилмайди.

Шу ўйлар билан овора, дарвозадан ташқарига хиёл ғамгин бўлиб чиқди. Зоҳид бу ерда ҳам кўринмас эди.

Катта йўлгача пиёда юриб, бир амаллаб такси тутиб, ичида Зоҳидни бўралаб сўкиб, касалхонага етиб борди. Эшик оғзида қўлларини белга тираганча фарошларга буйруқ бераётган Раҳматовни кўриб, баттар кайфияти бузилди. Имлаб чақирувди — югуриб келди.

— Домлажон, қайларда юрибсиз? — деди ҳовлиқиб. — Айтмай кетибсиз, хавотир олиб ўтирувдим. Сайр яхши бўлдими?

— Овсар бўлма, Раҳматов! — деди Яхшибоев. — Мени касалхонангда керагидан ортиқ сақлаб турдинг-а? Сақлаган ҳар кунингга неча пулдан олдинг, энаси бузуқ?

— Маломат қиляпсиз, домлажон!

— Маломатни кўрсатаман сенга! Қайси идорадан келаётганимни биласанми?

Раҳматовнинг юзи бўзариб кетди. Ўзини ташлаб юборадими, деб қўрқди Яхшибоев. Шиллиққуртга қўли текканидек ижирғанди: э, садқаи одам!

— Энди... сиз улуғ жойларда юрасиз-да, домлажон!.. — деб ғўлдиради Раҳматов.

— Бор-э! — гўё пашша ҳайдагандек қўл силтади Яхшибоев. — Бола-чақангни ўйласанг-чи, номард. Бу ёғига писта қилиб юр, акс ҳолда туйнукдан юлдуз санатиб қўяман!

Раҳматов урра қочди. Яхшибоев ичкари кирди. Лифтда ўзининг қаватига кўтарилди. Эшиги ёпиқ экан. Навбатчи ҳамшира калит олиб келди:

— Уч-тўрт киши сўраб келди, биттаси палатада ўтирган экан, ўзингиз йўқсиз, кўнглингизга келиб юрмасин деб қулфлаб қўювдим.

— Яхши қипсиз, она қизим.

Палатага кириб, кўчалик либосини ечди. Касалхона кийимини эгнига илса, гўё дарди оғирлашадигандай, бир муддат курсида майкачан ўтирди. Тўпиқларида оғриқ сезди. Гуппилигинг қолмабди, деб койиди ўзини, икки оғиз мақтовга учиб, ахийри кўчада қолиб кетдинг... Нима бўлди ўзи? Нега кутиб турмади бу закий йигит? Муяссар хонимнинг айниб қолишидан чўчидими? Ёинки бирор тирқишдан қулоқ тутиб, аччиқ-тиззиқ гапларнинг учини эшитиб қолдими? Дарвозадан ташқарида кутса ўлармиди? Жуда бўлмаса — кўчада кутса... ким уни танирди машина ичида? Қайга келганини, ким билан учрашганини, не илинжда кутиб ўтирганини биров билиб ўтирибдими!..

Зоҳид келтирган ҳайкалчани излаб, бурчакдаги курсига қарайди. Курси бўш эди. Ҳайкалча телевизор устига кўчибди. Кимдир устига дока ташлаб қўйибди. Ҳамшира қизгина бўлса керак. Фаросати мўл буларнинг,

www.ziyouz.com kutubxonasi

отасига раҳмат... Ҳайкалчанинг очилиш маросими бўлиб ўтганидан бехабар, парда тутишга ҳожат қолмаганини билишмайди-ю, аммо... одоби маъқул, одоби кўп маъқул, одоби жигарингни эзади!

Аҳмоқман, деб ўйлади, аро йўлда қолиб кетаркан-ман, даллолликка боришим шарт эдими? Муяссар хонимга совға топшириш шунчалар муҳим иш эдимики, бунга мен аралашсам, Раҳматов аралашса, анави падарлаънат «элчи» аралашса?.. Мени касалхонада лақиллатиб ушлаб туриш шунчалар шарт эдими?.. Зоҳиднинг ўзи шундоққина ими-жимида элтиб қўяқолса бўлмасмиди? Нима бало, тентакми булар? Агар менинг боришим шунчалар шарт экан, касалхонадан рухсат бериб, кейин уйда зерикиб ўтирган пайтимда бирга опкетишса бўларди-ку? Қайга қочиб кетардим?..

Муяссар хоним ёқтирмади мени. Зоҳидни ҳам ёқтирмагандай бўлди, лутфи ҳам яримта бўлди. Ўзим-чи? Ўзимнинг гапларим-чи? Рост, энди қилаётган ишим эмас, қўйган пахталаримни бир жойга уйсам, Ошнонинг қоғоздаги пахта хирмонларидан ҳам баландроқ бўлиб кетади. Аммо мен бу гал ҳеч маъно кўрмадим. Тажанглашдим, пахта орасига қалампир аралашиб кетди — энди, ким билсин, сувоғига неча арава лой кетади! Закий укамиз Зоҳид, гўё мум тишлагандай, жим ўтирди, ўзини кўрсатолмади, менинг ёнимда ўрма қамчидай равон чарсиллаган тилига буров тушди... Наҳотки, Муяссар хонимнинг салобати шунчалар бўлсаки, кимсан Ошнога ворисликка даъвогар кимсаларнинг ҳам юраги така-пука бўлса? Дарвоқе, ворислик ҳам гумон ичида ғарқ бўляпти. Муносиб одам Ошнога алла-қандай ғўзапоя, Ошнонинг хотинига биринж ҳайкалча ташиб юрармиди! Қўлга тушмоқдан қўрқадиган ташмачидай, мени ўзига соқчи қилиб олармиди?.. Суф-э, бунақа ворисликкаям!..

Ўзича мулоҳаза этдики, Зоҳиднинг тутган йўлида ҳам недир бир мантиқ бордай. Ишқилиб, изчиллиги бор бунинг, оёғи ердан узилмаган, анави тўнка Ёшуллига ўхшаб аллақандай о л т и н қ ў л л а р г а ҳайкал қўйиб, лўлиларга кулги бўлиб юргани йўқ. Зоҳиднинг закийлиги бор гап, бу — реалист, бориб турган реалист, негаки, бу қўйган ҳайкалларнинг эгалари бор: ўртоқ Яхшибоев, ўртоқ Муяссар хоним... Дарвоқе, шаҳрига борганимда кўрган яна бир ҳайкалим борки, униси — айтарга тил бормайди! — кимсан Катта Пахтакорга дохил. Мен кўрганда пластилин ёки мумдан эди, кейин

қолип ясалгани, бирор маъданга кўчгани аниқ. Наҳотки, кимсан Катта Пахтакорнинг тийнати ҳам жўнгина бронзага кўчган бўлса?

Кўнглига шубҳа кирди. Эти жунжикиб, титраб-қалтираб бораётганини сезди. Шарт бордию телевизор устида турган ҳайкалчанинг устидаги докани сидириб олди. Бўйнидан ушлади-ю, сесканиб кетди — гўё бўғилиб бораётгандай эди. Ирим қилиб, пастроқдан ушлаб кўтарди. Оғиргина экан. Ичкари хонага ўтди-да, каравотга ўтирди. Тўмбада турган ошпичоқни олиб, ҳайкалчанинг ортига зарб билан урди. Тиғ изи қолдимикан, деб, кўзойнак тақиб қаради. Из, хайриятки, йўқ эди. Кўнгли тинчланди. Ҳайкалчани тўмба устига қўйди. Нариги хонага қайтиб, касалхона кийимини устига илди. Дераза рафидаги кичкина динамикнинг қулоғини буради. Ахборот берилаётган экан. Аввалига кичик расмий хабар бўлдики, Ошно Бухоро области далаларини бориб кўрди, пахта ҳали мўл, пахтакорларнинг ғайратлари бу йил ҳар йилгидан ҳам зиёда, каттаю кичик — мактаб боласидан тортиб токи кекса отахонлару онахонларга қадар Ошнонинг оташин чақиригига бир оғиздан «лаббай» дея жавоб бериб, кунлик терим суръатини янада оширмоқдалар...

Кунлик маълумотномада ҳам Бухоронинг шахди анча баланд эди.

Эртага Самарқандга ўтса, Самарқанднинг шахди ҳам баландлашиб кетади, деб ўйлади Яхшибоев, сўнг бу ёғи — Жиззах, Сирдарё. Э, олти миллион дегани бизга кор эканми!..

Муҳими — таҳлика йўқ экани. Муҳими — Ошно от устида.

Телефон жиринглади. Бориб олса, Зоҳид йўқлаётган экан. Депутатскийдаман, устоз, деди, билетим бор эди, қараб ўтиролмадим, гуноҳим жуда оғир, лекин бир кун ювармаи, оқсоқол?..

Яхшибоев унга кўпда хуш бермади: кетсангиз, бир йўла анави «элчи»ниям ўзингиз билан опкетинг, укажон.

Хўп, устоз, ўзим билан опкетмайман-у, лекин у сизни ортиқ безовта қилмайди, деди Зоҳид, яхши кунларда кўришгунча хайр, устоз. Бугунги беадаблик учун яна бир бор узр сўрайман, аммо, сезишимча, кайфиятингиз унчалик ҳам бузилмаганга ўхшайди.

Яхшибоевнинг энсаси қотди: менинг кайфиятим ўзимга боғлиқ, укажон. Озгина ухлаб олсам, тағин ёш

www.ziyouz.com kutubxonasi

йигитча бўлиб уйғонаман, менинг кўнглим тинч, укажон, сизга ўхшаган ёш йигитчалар минг ўй билан қариб боряпти, биз эса... биз — тетикмиз, укажон! Бизга кўз тегмайди! Бизнинг теримиз қалинроқ!

Зоҳид гапни ўзига юқтирмади, ҳатто аския ҳам қилди: бизнинг ҳам умидимиз шундан, устоз!..

Яхшибоев ўзини тутолмади, қалтисроқ жавоб қилди: ёшларда тери юпқа, укажон, айни довулга тортадиган!

Зоҳид «анқовлик» қилди: довули нимаси, устоз?

Яхшибоев тушунтирди: ноғора-да, укажон!

«Худо урдими, яккалатиб қўймассиз, устоз?»

«Бизнинг ишимиз — чекка, укажон!»

«Зора қурса, шогирдларнинг меҳри тушов бўлар?..»

«Кишанларни узиб ташлаганмиз, укажон, ҳали қулунлик пайтимиздаёқ узганмиз, қирчанғининг боши янада очиқ, биров катта умид билан эгарлаб ҳам ўтирмайди!..»

«Омон бўлинг, устоз. Ухласангиз, яхши тушлар кўринг».

Зоҳид трубкани қўйиб қўйди. Яхшибоевга суҳбат оҳанги энди ёқиб келаётган эди, зарбулмасал сабил қолаётганига ичи ачиди. Трубкани аппаратга эмас, тўмба устига ташлади. Ричагни босиб, «3» рақамини бир бор терди-да, қайта ричаг босди... Иримчи эди, «3» рақами ёқмади, «7» рақамини терди. Ҳар қалай, ҳафт дегани хосиятлироқ туюлди унга. Бас, бўлди бугунча. Зоҳид билан хайрлашди. Энди бировдан қўнғироқ кутмаса ҳам бўлаверади. Озгина мизғиш керак. Пешиндан кейин... йўқ, эртага эрталаб уйга рухсат сўрайди.

Эмлагани ҳамшира келди. Оғриқдан тиришиб сўрадики, қизим, заҳарли дориларингиз ҳам борми? Ҳамшира тушунмади: вой, домла, заҳарни нима қиласиз? Яхшибоев кулдики, бир йўла тузалардим-қўярдим-да, қизим! Ҳамшира ёш бўлса ҳам, насиҳатгўйроқ эди: ҳавас қилманг, домла, ана, нариги корпусда битта чиройли келинчак заҳар ичиб ётибди, кўрган азоблари қурсин, зўрға тирилтириб олишди.

Яхшибоев игна суқилган жойига босилган пахтани бармоғи билан тутиб, ёнига ўтирилди:

— Нима бало, қайнатаси қамалибдими?

— Йўғ-э!.. — деди ҳамшира ҳадиксираб. — Билмай ичиб қўйган эмиш.

— Билмай ичган яхши, — деди Яхшибоев. — Билмай қоласан — вассалом. Мен бошдан қўрқоқман, қизим. Сизга ўхшаган бирорта қўли енгил ҳамшира атай укол қилмаса...

— Вой, нима деяпсиз! Бизда унақалар йўқ, коллективимиз яхши коллектив. Кейин унақа дорилар ҳам йўқ. Бориям главврачнинг сейфида туради.

— Биламан, — деди Яхшибоев. — Ваҳобов — ўлгудай хасис одам. Энг керакли нарсани сейфига қулфлаб олади. Қайтага, анави Раҳматов болам дуруст.... Ҳалиям ўшани бошлиқ қилиш керак сизнинг яхши коллективингизга.

Ҳамшира қиз ҳайрон бўлди, сўнг ҳеч кутилмаганда қўпол гапириб қўйди:

— Эсингиз жойидами, домла! Раҳматов — бўрининг ўзгинаси-ку?

— Бўримас, — деди Яхшибоев ранжиб. — Бўримас у, шунчаки шоқол. Сиз ёшсиз, қизим. Шоқол нималигини билмайсиз. Илгари шоқол кўп бўларди, лекин Шоймардонов деган даюс ғузашунос жамийки тўқайларга ўт қўйиб, бечораларни қириб юборди. Умуман, шоқолни камситганимиз ҳам нотўғри, жудаям ёмон махлуқ эмас асли, ўлимтик еганини айтмасанг, бошқа айби йўқ ҳисоби...

Ҳамшира мажозга тушунмай елка қисди-да, асбобларини шошиб йиғиштира бошлади.

Бирор соат ўтиб палатага Биринчи Ёрдамчи кириб келди. Яхшибоев уни кўриб, фавқулодда бир иш чиқиб қолганини сезди. Бир ёғи, Ошно мендан аразламабди, деган ўйдан кўнгли кўтарилди, лекин айни чоғда шунчаки хабарчи ёки телефон қолиб, кимсан Биринчи Ёрдамчининг ўзи келганидан таҳликага тушди. Сўрай деса, Биринчи Ёрдамчи Ошно кутаётганини айтибоқ ташқарига чиқиб кетди.

Кўча кийимини илиб, тезда пастга тушди. Машина эшик оғзида кутиб турарди. Бориб ўтирди. Биринчи Ёрдамчи йўлда сал-пал ҳол сўраган бўлди: тузалиб қолдингизми, бола-чақа омонми ва ҳоказо. Яхшибоев жавоб қайтаришга улгурмасидан, бошқа тарафга ўтиб кетди. Ҳаммасига қурғоқчилик айбдор, Назар Яхшибоевич, деди, гриппу тумов ҳам, бу ёғи ҳосилдорликнинг пасайиб кетгани, нарх-навонинг ошаётгани... Яхшибоев индамай қўяқолди. Биринчи Ёрдамчининг бозорга кирганию нарх-навони суриштирганига шубҳаси бор эди. Бозам худо билади, деб ўйлади, балки кирар бозорга, кириб гап ўғирлар, кейин Ошнога еткизар?.. Чидаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

туролмади, зарда қилиброқ айтдики, нарху навони Александр Шоймардоновдан сўрайсиз, яйловни, боғу роғни йўқотган — ўша киши.

Биринчи Ёрдамчи илжайиб қўйди. Яхшибоев билан Шоймардоновнинг азалий ғанимлигини биларди у. Ошнонинг гоҳ бунисига, гоҳ унисига оғиб, оғмаган тақдирда ҳам навбати билан оз-оздан ён бериб туришини ҳам биларди.

Ошно Бухорода эди-ку, деб ўйлади Яхшибоев, нечук ошиғич қайтибди? Ё ростдан ҳам бирор кор-ҳол рўй бердими?..

Юраги безовта бўлди. Чалғимоқ истаб, машина деразасидан ташқари кўчага қаради. Кўча азалгидай эди: машиналари, дарахтлари, одамлари... Ҳеч нарса ўзгармагандай. Ёнида ўтирган Биринчи Ёрдамчига кўз қирини ташлаб, унинг хотиржам эканини кўрди: ўша-ўша, семиз, юзи кўпчик, оғиркарвон.

Вақтнинг ўтиш маромини тутгандай бўлди Яхшибоев. Ўзини бўш қўйди — вақт дегани мисоли дарё, сокин, пўртанасиз, у эса бешикда тинч оқиб боряпти. Пайт келиб, мавжлар бу бешикни қирғоққа оҳиста элтади. Қад тиклайдию офтоб нури аксланган топ-тоза қумлоқни кўради. Қирғоқ — кимсасиз, сассиз, ҳаттоки мавжларнинг қумлоққа чалпигани-да эшитилмайди. Ётади маза қилиб, балки сал мизғиб олади, кейин уйғониб кўрсаки, дунё ҳамон осойиш, чароғону чиройли — қараб ҳеч тўймайсан!

Шуурнинг бир чеккасида машина тез юраётганини илғарди. Буримларда шиналарнинг чийиллаган товушини ҳам илғарди. Кўзларини юмиб кетаверди.

Ниҳоят, манзилга етиб боришди. Лифту зина қилиб, Ошнонинг қаватига кўтарилдилар. Биринчи Ёрдамчи ичкаридан хабар олди-да, сал кутиб тураркансиз, деди. Яхшибоев кутди. Бирор йигирма дақиқалардан сўнг рухсат бўлиб ичкарига ўтди. Ошнонинг тўрда ёлғиз ўтирганига кўзи тушди. Расмият қилди-я, деб ўйлади Яхшибоев, шартмиди мени қабулхонада сарғайтириш?..

— Ўртоқ Яхшибоев! — дея хушнуд хитоб қилди Ошно, сўнг илдам ўрнидан туриб, кенг хона ўртасига чиқди. — Айбга буюрмайсиз, зарур масала юзасидан қўнғироқ қилиб қолишди.

Қучоқлашиб кўришди. Яхшибоев ажабланди, лекин барибир ийди, иягини Ошнонинг елкасига қўйиб, хўрлик аралаш ўйладики, аввалроқ қайда эдинг!..

Ошно уни бурчакдаги диванга таклиф этди. Ўзи-да ўтирди. Қўлини диван қиррасига тираб, кўзларини пастга қадаб, бир муддат жиддий ўйланган бўлди, сўнг хижил бўлиброқ сўз бошлади:

— Улуғ оғамиз рус халқида ажойиб бир одат борки, ўртоқ Яхшибоев, ширинликни одатда таомдан сўнг тортадилар. Мен ҳам шунга риоя қилсамми, деб эдим-у, аммо сабрим чидамаяпти. Бас, шуни билинг-да, белни бақувват қилиб туринг, насиб этса табрикка борамиз уйингизга...

Яхшибоев индамади. Улуғ оғани ўртага тиқиш шартми, деб ғижинди, ўзимизнинг ўзбакияда ҳам «суяк ташлаш» деган ажойиб бир одат борки, ортидан ҳарне иш ҳам битиб кетаверади. Ошнога қараб жилмайди, бош эгиб қуллуқ қилди — таомили шу эди.

— Сабабини сўрамадингиз?.. — деди Ошно ранжиброқ.

— Узр, азбаройи қувончимдан...

— Сизни энг юксак фахрий унвонга тавсия этдик, ўртоқ Яхшибоев!

— Раҳмат, оқсоқол. Айбга буюрмайсиз-у, ўша қутлуғ кунларга етармиканман?..

— Етасиз! — деди Ошно жўшиброқ. — Албатта етасиз. Боз шу унвон мадад бўлиб, яна бирор юз йил яшайсиз, ўртоқ Яхшибоев. Нима дедингиз?

— Сиз нима десангиз — шу-да, оқсоқол.

— Руҳингиз йўқ, ўртоқ Яхшибоев?

— Дардим оғирроқ, оқсоқол. Энди, агар сиздан топшириқ бўлса, яна юз йил яшашга мажбурмиз.

— Чатоқсиз, ўртоқ Яхшибоев!..

Ошно рағбат билдириб кулди. Яхшибоев ҳам илжайди. Ниҳоятда сергак эди у. Ошнонинг кулгиси сал зўраки эканини сезарди. Шу боис ўзига эрк бермади. Тинглаб, тасдиқлаб туравердики, Ошнога бу кўпда ёқмади. Ошно бировларнинг дардини эшитиб ўрганган эди. Дардни эшитиб бўлиб, кейин ташаббусни қўлига олар, ўша дард йўсинида ҳ а к а м л и к қилар эдики, ҳукмни эшитган ҳамсуҳбати муқаррар тарзда олқашга ўтарди: раҳмат, ота, ташаккур, ота.

Ҳозир у Яхшибоевдан норози бўлди, лекин сиртига чиқармади, гарчи ошиқча ташвиш бўлса-да, ўзи гап қотди:

— Ҳув бир гал — телефонда эди чоғи — рост гапни айтган экансиз, ўртоқ Яхшибоев. Асли жойингиз — пахта даласи эди. Бунинг ўрнига касалхонада ётиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

руҳингиз-да, мизожингиз-да кўп сусайиб кетибди. Ҳалиям кеч эмас, энди беш миллион тонна бердик, қолган бир миллионига ҳисса қўшсангиз ярашади.

— Пахтакорга ҳозир гап ёқмайди, оқсоқол. Радиода гапириб қўяқолай, ҳар қалай, ўзимни кўриб сўккани-дан, овозимни эшитиб сўккани маъқулроқ.

— Тушунолмадим, ўртоқ Яхшибоев?.. — Ошнонинг бирдан ранги ўчди.

Яхшибоевнинг ўзи ҳам кўп тушунмади. Афсус қилдики, шу гапларни айтиш зарурмиди? Ҳар йил қилиб юрган ишимиз — далага чиқсак чиқибмиз-да, ҳам ҳаво алмашади, ҳам кўзга тушамиз, бирорта райком секретари ёки ижроқўм раиси ҳамроҳ бўлади, ичида ўлдиргиси бор-у, сиртида табассум қилади: бу энағар ишдан қўйди, деб!.. Майли эди-да, ўшаларни зиёфатга озгина чиқимдор қилиб келаверардик-да!..

— Далада ҳосил мўл! — деди Ошно жаҳл билан. — Зое қилмай йиғиб олсак, миллион тоннадан ҳам зиёдроқ чиқади.

Далада ҳеч вақо йўқ, деб ўйлади Яхшибоев, сенга телевизорчи ёки киночиларга атаб қолдирилган бир-икки чекни кўрсатган улар. Наҳотки, шуниям билмаса? Билмаса, шўри қурсин бунинг... Агар билса-чи? Билиб-кўриб туриб гапираётган бўлса-чи?..

Юрагиториққанини сезди. Бир-икки энтикиб нафас олди.

— Дўхтир чақирайми? — деди Ошно.

— Йўғ-э, — деди Яхшибоев. — Ҳозир ўтиб кетади. Юрт оғасининг қабулида ўлиб қолиш уят бўлади.

Ошнога ёқмади бу гап. Бўзариб-гезариб, танбеҳ беришга шайланган эди, Яхшибоев илдамлик қилди:

— Узр, оқсоқол. Ростдан ҳам ўлим кўзимга кўринади чоғи, на каттани, на кичикни аямайдиган бўлиб қолдим.

— Бемаъни хаёлларни қўйинг, ўртоқ Яхшибоев, — деди Ошно озгина юмшаб. — Сиздан жиддий режалар кутамиз.

— Бори шу-да, оқсоқол. Режа — ёшларнинг хасми.

— Ошиғич ишингиз бўлмаса, озгина айлансак, — деб таклиф қилди Ошно. — Далада юриб ўрганибман, кабинетда ҳаво етишмаётгандай туюлади.

— Майли, оқсоқол. Шошадиган жойим йўқ менинг. Қачонки сафар ихтиёр этсам, ана, йўлим ўнг, беминнат, шартта ёғоч отга миниб кетавераман.

Ошнонинг энсаси қотди:

— Пластинканинг нариги тарафини қўйсак, ўртоқ Яхшибоев.

Рост, деб ўйлади Яхшибоев, менга нима бўлди ўзи? Қайда ва кимга бўлмасин, нуқул ўлимдан гапираман? Нозу ишва бу, йўқ, турган-битгани ғишва. Лекин бирдан ижобатга ўтиб кетса-я! Ўзи айтсаки, хай, майли, Яхшибоев бандамнинг ҳам ўтинчига чора топилсин?.. Дарвоқе, ў з и йўқ, Ошно бор, холос. Ошнонинг лақаби бошқачароқ: ў з л а р и. Таъкид зўрайган чоғда — ш а х с а н ў з л а р и. Ёинки — ҳ а м м а м и з у ч у н а р д о қ л и. Аммо кейинги атама — нўноқ ўгирма, холос. Катта Пахтакорга тегишли хушомадни шўринг қурғур ўзбек тилига ағдаришган.

Ошно уни боққа олиб чиқди. Боғ озода эди. Турфа дарахтлари бор. Йўлкалар пичоқ тиғидай тўғри. Ҳовузчаларнинг суви зилолки, тубидаги тош тўшаб чизилмиш шакллар яққол кўринади.

— Лола дарахти, — деди Ошно бориб тўхтаган жойларида. — Қаранг, қандай чиройли. Буни Жанубий Америкадан келтириб экканмиз. Ҳозир шаҳарда анча кўпайиб қолди.

— Булдуруққаям элтиб эксак бўларкан.

Ошно киноя-ни пайқамади.

— Булдуруқда кўкармаса кераг-ов, — деди у хаёли паришон бўлиб.

— Чарчабсиз, оқсоқол....

— Иш кўп. Бугун кечаси Самарқандга жўнаб кетаман. У ёқдан Хоразмга ўтмоқчиман... Ҳиндуларнинг бир худоси бўларди, ўртоқ Яхшибоев, оти нимайди?.. Ҳалиги... мингта қўллиси бор-ку?..

— Шива, — деди Яхшибоев. Хайрият, Ҳиндистонга борганида кўриб-суриштиргани эсда қолган экан, мана, керакли жойда асқотди. — Исми — Шива, оқсоқол.

— Ўшанга ҳавасим келяпти.

— Ишончли кадрлар — қўлингиз-да, оқсоқол.

Ошнонинг юзига ғамгинроқ кулги қўнди. Кўзлари киртайгани баттар билинди.

— Ўртоқ Яхшибоев, — деди у, дўстининг билагидан олиб. — Атай боққа олиб чиқдим. Сизга айтадиган хосроқ гапим бор.

— Бажонидил, оқсоқол.

— Таклифингизни ўйлаб кўрдим. Қурбон берилмаса бўлмас экан. Вазифангиз анча енгиллашди. Қурбоной қизингиз вафот этди. Энди сизга гап тегмайди ҳисоб....

— Тўпори бор, оқсоқол.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тўпори — кичкина одам, ўртоқ Яхшибоев. Сиз қурбон сифатида эмас, фош этувчи куч сифатида зарурроқсиз. Жиддийроқ қурбон керак, дейлик, Ёшулли...

— Қурбим етармикан, оқсоқол. Ўзимни қурбон этиб юборади у.

— Хавотир олманг, сизни ҳимоя этишга кучимиз етади ҳали.

— Нутқингиз тайёрми?

— Шошилманг, ўртоқ Яхшибоев, — деди Ошно сал жеркиброқ. — Сиз аввал фош этинг, менинг нутқ сўзлашим қочмайди. Ёшуллига доир ҳужжатларни бугуноқ оласиз. Мақола тайёр бўлиши билан хабар беринг. Газеталарга ўзлари элтиб беришади. Мақола чиққанидан сўнг бирор ўн кун узоқроқ жойга кетганингиз маъқул.

Ошнонинг жеркигани Яхшибоевга ёқди. Ҳали умид бор экан, деб ўйлади, Ёшуллини бирёқли қилсак, кейин навбат Тўпорига, кейин...

— Шоймардонов нима бўлади?..

— Ўзингизга ҳавола, ўртоқ Яхшибоев. Менимча, андак сабр қилган тузук. Бу ёқдаги ишларни битказиб олинг аввал. Ёшулли ҳазилакам одам эмас.

— Мақола мажлисдан кейин чиқмайдими? Қоидаси шунақа эди чоғи?

— Мажлисни бизга қўйиб беринг, ўртоқ Яхшибоев. Сизнинг ишингиз — мақола ёзиш. Ҳужжатларни тўлиқ оласиз. Ҳеч ким билан гаплашмайсиз.

Яхшибоев англадики, аҳвол анча жиддий. Асли бирорта турмага бориб, тинчгина камерада ётиб олган маъқулроқ эди, деб ўйлади, қоғоз билан довот келтириб беришса бас-да. Йўқ, буниси бўлмас экан, дарров ғийбат урчийди. Башара айбдор — ҳамма танийди.

— Марказий матбуот масаласи қалай? — деб сўради.

— Ёлғиз эмассиз, ўртоқ Яхшибоев. Шу тариқа топшириқ бошқа бир-икки ишончли кишиларга ҳам берилган. Сиз биргина ўз жабҳангизни эпласангиз кифоя.

— Сиз ўзингиз тозамисиз, оқсоқол?

— Тозаман, Назар жўра, — деди Ошно унинг кўзларига тик қараб.

Яхшибоевнинг йиғлагиси келди. Оғир кунда мени эслади-ку, деб ўйлади, қолган-қутган меҳр бор экан-да!.. Бунинг ўзи тоза бўлса, бас, Ёшуллию яна бир-икки гўшнанинг суробини тўгрилаш қийинмас. Аввал Ёшулли, кейин Тўпори, анави гўзашунос Александр чол.

— Айбга буюрмайсан, Назар, — деди Ошно қўл узатиб, — насиб этса, алоҳида бир гаплашамиз.

Бинодан руҳи кўтарилиб чиқди. Зиналардан чаққон одимлаб тушди. Кўрсаки, Биринчи Ёрдамчи машина эшигини очиб турибди. Кириб ўтирди. Эшикни ёпгали қўл чўзган эди, Биринчи Ёрдамчи ҳам машинага чиқаётган экан.

— Шарт эмасди, ука.

— Топшириқ шу, Назар Яхшибоевич, — деди Биринчи Ёрдамчи.

Машина шитоб билан ўрнидан қўзғалди. Катта кўчага чиқаётган пайтларида олдиларига яна бир машина тушиб, тепасидаги чироғини ёқиб, гавжум чорраҳаларда чинқириб, йўл очиб кетабошлади. Ўн дақиқа ҳам ўтмасдан касалхонага етиб келдилар. Яхшибоев Тошкентда бундай дабдабаю асъаса билан юрмаган эди — хурсанд бўлди.

Биринчи Ёрдамчи эшикни очиб, Яхшибоевнинг тушишига ёрдамлашди. Қўлтиғидан олиб, бино сари бошлади. Яхшибоевга мулозимат ёқмади, лекин рад этарга чора топмади. Биринчи Ёрдамчи ўзининг бу ерда пайдо бўлиш сабабини недир ҳаракат билан изоҳлаши керак эди, яъники, Яхшибоев қабулда бўлди, тоби йўқлиги боис, Ошно унга иззат кўрсатиб, суяб-таяб бормоқ учун хос ходимини қўшиб юборди.

Палатага қадар бошлашиб келди Биринчи Ёрдамчи. Ичкарига ҳам кирди. Сўнг чап қўлтиғидан чарм жилд чиқариб узатди:

— Ҳаммаси шу ерда, Назар Яхшибоевич.

Яхшибоев тушундики, Ёшуллига доир гаплар. Жилдни шарт очиб кўз ташлагиси келса-да, ўзини тутабилди:

— Тумбага қўяқолинг, ука.

Биринчи Ёрдамчи жилдни ичкари хонага олиб ўтди. Яхшибоев кўрдики, бориб ёстиқ тагига тиқяпти.

Ҳали бу йиғма каравот қўйиб ётиб олишдан ҳам тоймайди, деб ўйлади Яхшибоев, тезроқ кетса тузук эди, жилдни очсам, Ёшуллининг ишларини билсам...

— Хўп, ука, — деб қўл узатди у. — Опкеб қўйганингиз учун раҳмат.

Биринчи Ёрдамчи эшик тарафга қараб юрди. Қабзадан тутиб, секин ортига қайрилди.

— Назар ака, — деди, — бир маслаҳат берсам оғир олмайсизми?

— Хўш?..

— Фақат орамизда қолса?..

— Қолади.

— Энди кечроқ, Назар ака, — деди Биринчи Ёрдамчи. — Улгуролмайсиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яхшибоев бақрайиб қолди. Эшик ёнида турган кишига дурустроқ тикилди. Биринчи Ёрдамчи кўзларини олиб қочмади — сокин ва жиддий қараб тураверди. Шуниси маҳв этди Яхшибоевни, лекин кўнгилдаги шубҳа, бу атай қутқу соляпти, деган ўй ғолиб келиб, шаллақилик қила бошлади:

— Нонкўр! Тузини еб, тузлуғига тупурган!

— Назар ака, — деди Биринчи Ёрдамчи босиқлик билан. — Гап орамизда қолади, деб ваъда бердингиз.

— Ярамаслар! — деб бақирди Яхшибоев. — Ялайвериб, кетини нақ оқ-ем қилиб юбординглар, энди ҳамманг қочасанлар!

— Қочаётганим йўқ, — деди Биринчи Ёрдамчи. — Бутун саъй-ҳаракат зое кетади, деб айтяпман.

— Ёшуллидан қанча пора олдинг? — дея баттар дағдаға қилди Яхшибоев.

— Ёшуллининг падарига лаънат! — деди Биринчи Ёрдамчи ҳам овозини баландлатиб.

— Айт, неча минг олдинг?

Биринчи Ёрдамчи ожиз қолиб, бошини сараклади.

— Бор! — деди Яхшибоев. — Бориб мени Ёшуллига сот, бирорта одамкушни ёллаб юборсин!!

Биринчи Ёрдамчи индамай чиқиб кетди. Яхшибоев курсига чўкди. Бақириш асносида толиққан экан, озгина нафас ростлади. Илжайдики, қойилмақом саҳна бўлди, агарда Ошно кўрса садоқатим зўрлигидан ҳўнг-ҳўнг йиғлаб юборарди!..

Ичкари хонага ўтди. Ёстиқ устидаги жилдни олиб, тўмба устига ташлади. Секин ўринга чўзилди. Тўшак қаттиқ туюлди — гўё тош тиқилгандай. Туриб матрасни кўтарди. Кўрсаки, симтўр устида битта ясси картон қутича ётибди.

Бир муддат ҳадиксираб турди: энағар Зоҳид, ўшанинг иши! Қутичанинг м о ҳ и я т и не эканини биринчи лаҳзадаёқ англаб етган эди, лекин ўшал м о ҳ и я т н и қай йўсинда ҳ а л қилишни билмай қолди. Сал ўтиб англасаки, дастлабки ҳадик ўтиб кетибди. Бўғилмади, юраги ҳам санчмади. Осмон ўйилмади, ер ҳам ёрилмади. На яшину ва на момоқалдироқ бўлди. Қулоқ тутиб, палата ичи жимжит эканини сезди. Қўрқувдан холи, хос бир жимлик эди бу. Шунчалар жимликки, қоринниг қулдирагани бемалол эшитилади!..

Бир ўзи эди. Ёлғиз. Танҳоликда эди. Ёлғиз эди танҳолик бағрида. Ҳар гал исканжага оладиган танҳолик туйғусининг бу гал оғуши пардай юмшоқ туюлди. Боя

ёстиқ бошига қаттиқ ботганини элас-элас эслади, ажабланди, сўнг яна осойишталик қаърига шўнғиди.

Қутичани очди. Пуллар бариси янги эди. Янгики, қалбакими деб ўйлайсан! Бариси юзталик. Жўн қоғоз билан даста-даста қилиб ўралган. Жўн қоғоздан бойланган белбоғчалар устида Давлат банкасининг сиёҳ муҳрлари бор.

Ўзининг пули кўп эди, аммо ўзининг ўша к ў п п у л и н и жамланган бир ҳолатда тасаввур этмаган эди. К ў п п у л н и ўйлаганида кўз олдига аниқ бир манзара келмас, шунчаки бир кибрли сурур туярди, холос.

К ў п п у л чиройли бўларкан. К ў п п у л д а тартиб бўларкан. Қутича ичи тўла, теп-текис, дастадаста, белбоғли, муҳрли йирик пуллар...

Санади — бор-йўғи ўнта пачка чиқди. Кўзига кўп кўринган эди, озгина экан. Озгина, деб илжайди, кўриниш ҳисоб эмаскан-да? Юзтага юзтани зарб этсак — ўн минг, бунисини яна ўнга зарб этсак — юз минг!

Қутичадан сидириб олиб, матрас остига тиқди. Ўзи устига бостириброқ ўтирди — гўё ишончли бўлсин деб!

Ҳаром, деб ўйлади, ҳаром пул бу, ҳаром, ҳаром! Э, энасини эшак қувласин, бариси бир қоғоз-да, ҳалолҳароми борми бунинг! Ҳеч гапмас!

— Ҳеч гапмас! — деди баралла овоз чиқариб. — Худо йўқ. Худонинг йўқлиги тайин. Демакки, бу дунёда мени тергайдиган кимса йўқ. Мен ҳеч нарсани билмайман, мен ҳеч нарсани кўрганим йўқ.

Матрас остига қўл тиқиб, бир дастасини олди. Муҳрли белбоғини йиртди. Санаб ўтирмади. Саноқдан кўнгли тўқ эди. Шунчаки сувқоғознинг бармоқлар орасида шитирлашига қулоқ тутди. Завқ билан хотирладики, Ёшулли қурмагур, кимки юзталик дастасини пора қилиб келтирса, опкелган кимсанинг юзига қаратиб отаркан: «Муни нима қиламан, манглайи қора, кетимни артаманми?! Бор, қизилидан опкел!»

Дарвоқе, нега қизилидан опкелмади булар? Қизили қани? Қизилини кимга оборди? У ёққа кетдими? Муяссар хонимга? Ошнога!?

Пешонасига муштладики, э, ўл-э, Яхшибоев, овсар, лақма, олифта, гуппичопон! Эчкемарга ўхшаб шишасан-у, ёрилиб ўлганингда ақлинг киради!

«Асли тиллодан ишлашим керак эди, янгамулло»!

Зоҳид худди шундай деди. Кейин-чи? Кейин Янгамулло гўёки қизалоқдай ҳайкалчани қўғирчоқ қилиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўйнади. Тантиқланиб, ҳайкалчанинг юзгинасига юзларини суйкади, бурнидан тишлаб олгандай бўлди...

П р о б а с и н и кўрганими бу?

Айтдики, худбинлик қурсин, одамзод ўзига ўзи ёқади-да. Вой, сенга ўргатган муаллимингни!..

Бўлмаса, ёшини яшаб бўлган кампирга ким қўйибди тантиқланишни! Тўғри, гримни камроқ қилган бу хоним, ёши улуғ-у, лекин Муҳсинадан ёшроқ кўринади, бир ёғи — эрнинг амали, қолаверса, юзнинг терисини устароқ дўхтирларга торттирган... лекин, барибир, тантиқланишни ким қўйибди бунга!

Зоҳидни танимайди-я? Танимаган одамдан тилла оладими? Ў, маккор хотин, шайтонниям лақиллатишга қодир экансан-а! Ў, энағар Янгамулло!

Юраги қаттиқ ураётганини пайқади. Қўлидаги пулни яна матрас тагига тиқиб, секин ўрнига ётди. Хаёллари айқаш-уйқаш эди. Бир амаллаб чалғиди. Тасаввур этдики, у ҳали бола, кичкина бола, оёқларида эчки терисидан кичкина бошмоқчалар, Булдуруқнинг даштида, пастқамроқ бир сойликда бурган оралаб юрибди. Бурган ҳиди ўткир, бурган ичи чангли, оралаб боргани сайин поялар чайқалиб, жимит уруғчалари ерга тўкилади, жизловуқлар жизиллаб учади, йўқ, жизловуқмас, бурган пишган пайтда жизловуқлар ўлади, бодбарак, яъниким ниначилар, гўбалаклар... Э, эналари ўлсин гўбалакнинг, гўбалакни ўйлаб бўлмайди, губалакни ўйласанг, бас, бирдан ўлим соатинг яқинлашади-қолади, негаким, гўбалак дегани — аслида арвоҳ, бу арвоҳни учратганингда сезганинг йўқ, Яхшибоев, агар эсингда бўлса, қирқ олтинчи йилнинг охирги шомида, Ошнонинг уйида, ҳали тилла ҳайкалчани қўғирчоқ қилиб ўйнашни ўрганмаган Муяссарнинг уйида, меҳмонлар орасида чиройли бир қизалоқ бўларди, исми — Муҳсина эди, кўк кўйлакда эди, кўйлагининг ёқасида кўк гўбалаги бўларди! Сенинг жанозанг худди ўша кезда — ёқадаги арвоҳ-гўбалакни кўрган заҳотинг ўқилган, ўртоқ Яхшибоев! Гўрковларинг — Ошно билан Муяссар эди! Улар шунча йил о т с р о ч к а бериб келишди, лекин энди, бирор қирқ йил ўтказиб, жонингни суғуриб олишмоқчи!

— Олишадиям! — деб иҳранди, сўнг бориб, йўлакдаги ҳамширани чақирди: — Қизим, битта камфара опкелинг!

Ҳамшира қиз тезда келиб укол қилди. Врачни юборайми, деб сўради, лекин Яхшибоев ётган жойида бош иргади: йўқ, керакмас.

— Кўзим илинибди, — деб ёлғонлади. — Тушимга ёшлигим кирибди, қизим. Шунга, сал ошиқча ҳаяжонланиб...

Ҳамшира қиз унинг тепасида бир муддат индамай турди. Кўзларидан ҳеч нарса англаб бўлмасди. Лекин Яхшибоев билдики, қизалоқ ачиняпти, ўзи соппа-соғ, манави чол эса яшарини яшаб бўлган, умрни озгина бўлса-да чўзмоқ истайди, ҳар хил укоплару камфаралар ҳисобига, аммо юрак дегани илвираб қолган. Қизалоқ инсофли, қизалоқ ўзининг жудаям соғлом эканидан, манави илвираган юрак эгаси ерга кириб, чириб-битиб бўлганида ҳам яшайверишидан уяляпти. Кейин озгина ҳадиги ҳам бор. Бу масканда ҳамма Яхшибоевдан чўчийди.

Яхшибоев ким ўзи, ким бўпти у? Ошнонинг салтанати туғдирган бир мужмал ҳодиса-да буям! Ёки бошқачами? Формуласи нима унинг? Формуласи не бўлмасин, таркибига Ошнодан салгина аралашгани аниқ. Кимки нуфузли кимса бор, унинг вужудига Ошно аралашган. Ошно — ҳаво, Ошно — ер, Ошно — сув, Ошно — нон... Ошно — ҳамма нарса... Хўш, унда Ошнога тилла тахтачага ўрнатилган гўзапоя нега керак бўп қолди?! Ошно учаётган арши аълода тилла дегани бўқ эмасми?

Нима етмайди унга? Ёинки малоикаларга элтиб берадими?

Менга-чи? Менга нима етмайди? Ўн даста юзталикни қўриб жинни бўлай дедим. Ўларимга бир баҳя қолган пайтда... нима қиламан бу дасталарни? Исқот қиламанми! Исқот деганлари ҳам амалга қарайдими? Меники — юз минг сўм! Ошноники... юз минглаб ўлчаб бўладими унинг исқотини? Ў, энағар Ошно! Еб тўймаган Ошно!!

Инонмади. Инонса ўларини сезди. Инонса — дунё кунпаякун бўлади, инонса... Кўнглининг туб-тубидан аянч бир хўрсиниқ отилиб чиқди. Йўқ, деди кўкрагига муштлаб, йўқ, йўқ! Йўқ!! Йўқ!!!

Оғриди кўкраги. Боз муштлайверди. Ҳолдан тойгунча. Ҳолдан тойиб, каравотга сулайиб қолгунича.

Қулоғи шанғиллади. Бир зум ҳуши оғганини сезди. Гўё тўрт тарафи оқ туман билан ўралгандай эди. Туманми, оқ бўзми, оқ деворми... Кафан! Миясига урилган фикрдан чўчиб тушди. Чаккаси ҳар лўқиллаб оғриганида биттадан сўз айтиб турди: Муяссар! Ошномас! Муяссар! Ошномас! Муяссар! Ошномас! Энағар Янгамулло!..

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жим қолди. Ақлни сал тинитиб ўйладики, менинг Янгамуллога керагим йўқ эди. Зоҳидга кераклигим — гувоҳ ўтганим. Янгамуллонинг холи олиб қолиб суҳбатлашгани, гўё яқин тутгани — шунчаки чалғитиш, холос. Мен энди шерикман. Янгамуллога шерик, Зоҳидга шерик... Ошнога-чи? Йўқ, унинг билмаслиги аниқ. Билса эди, Зоҳид унинг йўқлигини пойлаб юрмасди. Хуфёна биқиниш, менга атай «элчи» юбориш, анави Раҳматовга ўхшаган қумсиркаларни сотиб олиш ва ҳоказо макру ҳийлаларга ҳожат не? Шерга шерик бўлмиш махлуқ чиябўрилар билан ўлжа баҳам кўрмайди!

Демак, бу дунёдан ҳали умидвор бўлиш мумкин. Умидвор бўлиш мумкин-у, дурустроқ ўйлаб кўрса ҳам зиён қилмайди. Янгамулло билан Зоҳиднинг биринчи бор савдо қилишаётгани аниқ. Йўқса, Зоҳид бу ишни бир неча йил бурун бошламас эди. Мен кўрган устахона, Катта Пахтакорнинг ҳайкали, кўраю ўчоқлар, ниҳоят, менинг росмана биринждан ясалган ҳайкалим... шерикликка тортилган одамни чалғитиш учун хўб тайёрланди у. Охирги таваккал — ўн даста юзталик пул — бугунги учрашув маҳсули, холос. Юз минг пора — Зоҳиднинг янгича услуби. Масалага чуқурроқ кирилса, унда Зоҳиднинг бу дунёдан умидворлиги анча катта экани аён бўлади. Муяссар хонимга берилган пора — Ошнодан кейинчалик ҳам наф кўриш. Энг арзон йўл бу, хотин орқали иш кўриш — бориб турган гўшналик, лекин бу нарса ҳамон эскирмаган, эндиям эскирмаса керак. Зоҳидга қарагудай бўлсак, Ошно ҳали эгарда маҳкам ўтирибди. Лекин Янгамуллонинг қилиғини қандай баҳолаб бўлади? Паст кетмадими? Токи Ошно тирик экан, унинг хору зор бўлмаслиги аниқ. Ёки у о х и р а т н и ўйлаб пора олдими? Охиратни, яъники Ошнонинг мансабдан кетишини ўйлаб, ўзининг ва зурёдларининг келажак маишатларини ўйлаб? Ошно кетса, бас, буларга ит ҳам қайрилиб қарамайди — на Янгамуллога, на ўғил-қизларгаю невара-чевараларга! Ўзи бева қолади, фарзандлар хотинсиз ёки эрсиз қолади, хўш, унда нима бўлади? Ҳар бири биттадан бута тагида... тарқаб-тарқалиб кетадими? Аёл одам-да, қуриб-қақшаб қолгани билан, барибир — аёл, демакки, у хонадонни ўйлаяпти. Униям тушуниш, тушуниб кечириш мумкиндай.

Хулоса не? Ошнонинг кетишими? Қандай кетади? Қачон? Ўрнига ким келади? Келадиган одам омон қўядими?..

Янгамулло шунчалар охират ташвишига тушиб қолганми, бас, Ошнонинг заволи яқин!

Ким келади? Зоҳидми? Йўқ, Зоҳид номуносиб одам. Зоҳид умидвор ҳам эмас. Умидвор-у, лекин Ошнодан умидвор. Унинг учун Ошно дегани — оламнинг киндиги. Киндик бир куни бориб узилишини билмайди ҳам.

Хўш, Ошно кетаркан, Зоҳиддан умид йўқ экан, унда гувоҳлик ҳақини нима қиламиз? Қайтариб берамизми?.. Қайтиб олмаса-чи? Гумонга борса-чи? Олишни истамади, демакки, мени сотмоқчи, деб ўйласа-чи? «Элчи» ўрнига бирорта одамкушни юбориб, шундоқ суробимни тўғрилаб қўйса-чи? Қўлидан келади буларнинг. Ёшуллининг карвонини юрак бетлаб тўсган одам, битта сассиқ чолни ўлдириб юбориши чўт эканми! Дарвоқе, ўшанда, саҳрода карвон тўсилган чоғда неча одамнинг жони асфалософилинга кетган экан? Билмайсизми, ўртоқ Яхшибоев?

Ёинки шу дақиқадан бошлаб Ошнони сўкамизми? Золим атаймизми? Халқни унутган, мансабини ўйлаган, шахсига сиғинган ва ҳоказо деб?

Катталарики пора олган халқ қирилиб кетса бўлмайдими!

Юраги ёмон санчди. Гужанак бўлиб, қўл-оёқлари тиришиб, оғриқ ўтиб кетишини кутди. Юрагига ваҳм тушдики, наҳотки ўлсам?! Ўлсам маъқул эди, лекин тўшак остидаги исқот билан ўлиш!! Шармандалик-ку? Иснод-ку?

Умрида биргина лаҳзани — ўзи муҳаррир тоғага учрашганию муҳаррир тоғанинг жиянгинаси тугунга ўроғлиқ ош кўтариб кирган лаҳзани лаънатлади. Ошнони овора қилиш шарт эмасди, деб ўйлади, ўшанда мен ўзим жиянчага уйланиб қўяқолсам бир нави эди. Жилла қурса, Ошно бу даражага етмасди. Мен унга эргашиб бутим йирилмасди. Мабодо жиянчага уйланган кимсага Ошнолик мартабаси насиб этари муқаррар экан, балки мен ўзим Ошно бўлардим-у, лекин бунчалар расво бўлмасдим. Менинг қўлим қаттиқроқ эди, мен жиловни маҳкамроқ тутардим, мени алдаб бўлмасди!

Ошнонинг ўрнида мен бўлсам, мен юксалсам, дея бот савол берди ўзига, бу энди мумкинмас, лекин ўшанда, айни мумкин бўлган чоғида... нима бўларди? Яхшироқ бўларди! Мен адолатлироқ бўлардим. Инсофлироқ бўлардим!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзи ҳам сезмагани ҳолда кула бошлади.

— Омон бўлсин бу халқ! — деди бош сараклаб. — Ўшанда унинг тақдири менга — булдуруқлик битлиқи Назар Яхшибой улига боғлиқ экан-да!..

Лаънатга лойиқ яна бир лаҳза бор эдики, буниси унга дохил эмасди. Буниси яқин ўтмишдан эди. Ошнонинг яқин ўтмишидан. Катта Пахтакор биринчи бор матонатга ундаган чоғдан. Келиб айтдики, н а д о ! Яна бир миллион, атиги бир миллион, қўлингиздан келади, азизим!

Ошно эътироз қилдики, йўқ, отамиз, менинг қўлимдан эмас, халқнинг қўлидан келармикан?

Катта Пахтакор айтдики, мен ҳам худди шу нарсани назарда тутдим, азизим, ахир сиз халқнинг энг яхши ўғлонисиз-ку!

Ўйланиб юрди ўшанда Ошно дегани. Ошно ўйланиб юриб, дардини Яхшибоевга ёрди: мен нима дейман-у, қўбизим нима дейди! Шундай дедию тилини тишлади — гўё Яхшибоев Катта Пахтакор билан ҳар кун эрталаб бирга чой ичадигандай. Албатта бажарамиз, деди овозини баландлатиб, бажармасдан қўймаймиз!

Яхшибоев ҳам ўшанда чўчиди. Чўчиди-ю, лекин жўялироқ қилиб айтди: сал кенгашиб иш тутилса маъқул эди, оқсоқол. Ўрнингизда мен бўлсам, рост гап, қутқуга учмасдим.

Ошно худди шу гапни пойлаб тургандай эди. Яхшибоевнинг «сиёсий хато»сини эшитди-ю, қовоқ-тумшуғини осди: шу-чун ҳам менинг жойимда эмассиз, ўртоқ Яхшибоев!

Яхшибоевнинг оғзидан иддао чиқиб кетишига сал қолди. Иддаоки, э нодон, хотинчангга уйлансам бас эди, мен ҳам сенинг ўрнингда бўлардим!

Айтолмади. Аксинча, ялтоқландики, энди, оқсоқол, жойимизни биз ўзимиз ҳам биламиз, ишқилиб, пойгакдан қувилмасак бўлди.

Бугун қарабсанки, пойгакдаги жойнинг баҳоси юз минг сўмга чиқди!

Пойгакнинг қадри ошди-ю, маскандан путур кетгандай. Бу ёғи — икки йилдирки, Катта Пахтакор деганлари безагу нишонлари терилган етмишта ёстиқчанинг олдига тушиб жўнаб қолди. Энди Ошно ҳам кетса... Жўн кетса, пирига ўхшаб безагу нишонларни ортидан етаклаб кетса бир нави эди, аммо бир олам гавғони ташқарида қолдириб кетса нима бўлади? Шартми бугун пойгакдаги жойни юз минг сўмга сотиш? Балки ҳозирданоқ бошқа масканга, бошқа давраю бошқа

пойгакка ўтиб ўтириш керакдир? Турган гапки, номардлик бўлади, лекин биргина шу истиҳолани тўсиқ билиш ақлданми?

Э, эналари ўлсин, биринчи бор номардлик қилишимми? Шунча йил ёнида юрдим, шунча йил сотилдим, чаканаю улгуржи, очиғу хуфёна, энди тараддудга бало борми!

Биринчи савдомиз — ҳалол савдо эди. Ўзимни сотиб, Олияни қутқардим ўшанда. Юлдузим ярқ этиб, ярақлаш ҳам гапми, пориллаб ёнган лаҳзалар эди!

Кейин бир уюм тезакка айландим. Бир уюм тезакдай бурқсидим. Тутуни зўр-у, тафти йўқ. Баски, ўлган чоғимда оппоқ кафанга эмас, жўнгина тезакқопга ўрансам ярашади.

Ниҳоят, тинчланди. Озгина мизғиб олди. Тетикланиб уйғонди. Чоршанбиев келди. Хурсанд, оғзи қулоғида.

— Раҳмат, устоз, — деди. — Ишга жойлашдим.

— Қайга жойлашдинг, болам?

— Билмаганга оласиз-а! — деб кулиб Чоршанбиев. — Газетга жойлашдим. Мудир муовини. Ойлигиям чаккимас — юз етмиш сўм. Яна ошади, деган гаплар бор экан. Аввалига ноз қилишувди, кейин бирдан рози бўлишди. Сиз қўнғироқ қилганингизни дарров сездим, устоз.

Яхшибоев унинг хусусида ҳеч жойга қўнғироқ қилгани йўқ эди. Лекин ўзига айтиб ўтирмади. Майли, шундай деб ўйлагани ҳам тузук, жилла қурса ўлганимдан кейин бир-икки йил эслаб юради.

— Чоршанби ўғлим, — деди нечукдир меҳри ийиб. — Энг содиғи сен экансан. Мени азбаройи ёмон кўрган пайтларинг ҳам бўлгандир, аммо... барибир ташлаб кетмадинг, болам!

— Сизни ташлаб кетиб бўладими, устоз!

— Ташласанг арзирди, болам. Сени Суярқулга муовинликка қўймаган киши — асли мен бўламан, болам.

— Ёлғон гапирманг, устоз!

— Рост, — деди Яхшибоев. — Фақат буни ёмонликка йўйма, болам. Мен сенинг ҳолингни яхши биламан. Адашиб кириб қолгансан бу йўлларга. Сендан ҳеч бало чиқмайди, болам. Сен ўзинг ёзма, биров ёзганларни озмоз тузатиб юравер. Лекин улардан раҳмат эшитишдан умидвор бўлма. Маошингни оқлаб олавер — шуниси муҳим. Чангалинг юмшоқ сенинг. Аслида мен ўзим ҳам юрган бир Чоршанбиман. Лекин менда чангал зўр. Мен — бургутман, болам, сен бор-йўғи мусичасан! Мен

www.ziyouz.com kutubxonasi

насибамни тепароқдан юлиб оламан, сен эса пастда териб юрасан.

— Гапингиз рост, — деди Чоршанбиев. — Энди, ҳар кимнинг қўлидан келгани-да...

— Хафа бўлма, болам. Мен бургут эмасман. Бургут қаноти билан туғилдим-у, кўрганим — қузғуннинг куни бўлди. Баландни мўлжал қилувдим, болам, қурбим ҳам етарди, лекин...

— Сиз — зўр адибсиз, устоз! — деб эътироз билдирди Чоршанбиев.

— Ёлғон гапирма! — деди Яхшибоев қовоқ солиб. — Менинг ожизлигимни англамайдиган даражада аҳмоқ эмасдирсан, болам? Нима, мени магазинга кирмайди, деб ўйлайсанми? Кираман, жудаям кираман. Ўн томлигим чанг босиб ётганини кўрмайди дейсанми? Кўраман, болам. Магазинчилар ҳам мени танишади. Лекин мен эмас, улар ўзлари уялиб четга қарашади. Энди ўн беш томга ариза бераман. Олишади, чиқаришади. Чиқармай кўрсин!.. Пул керак, жон болам, Муҳсинага, Аввалга пул керак. Исканани тириклигимда бут ушлаб туришим керак. Пулим бўлмаса биров мени бир тийинга олмайди, жоним болам!.. Ҳозир менинг пулим кўп, жудаям кўп! Кеча саҳрога чиқиб, карвонни таладим!..

— «Минг бир кеча»дан адашиб қолиб кетган экан-да, устоз? — деб ҳазиллашди Чоршанбиев.

— Топдинг! — деди Яхшибоев қувониб. — Адашган карвонни таладим! Менга қара, болам, сенга харж керак эмасми? Айтавер, уялма, қарз бериб тураман. Еб кетарга десанг ҳам майлига!..

— Сиздан қарздорман-ку, Назар ака... — деди Чоршанбиев қизариб.

Яхшибоев завқланди. Қойил, деди ўзича, Чоршанби ҳали қизаришни биларкан, Чоршанби қизаришни биларкан-у, мен бўзаргандан бўзариб боряпман. Қара-я, бир маҳаллар олган озгина қарзини ҳалигача эсдан чиқармабди. Неча йилдирки, қуллуқ қилиб юради, қуллуқ ҳам гапми, қуллик қилади, қарзини неча баробар қилиб тўлаганини ўйлаб ҳам кўрмайди бу галварс!

— У қарзимдан кечганман, болам, — деди. — Сен қарзимни ўн ҳисса қилиб чиқаргансан, болам.

Даст ўрнидан турди-да, ичкари хонага ўтди. Матрас тагида ётган пул дасталаридан бирини олиб қайтди.

— Ма, манавини ол, — деди. — Ароқ-пароқ олиб ич, аёллар билан маишат қил. Йўқ, бу сенинг қўлингдан келмайди. Майли, укасининг қорнига, майли, бола-чақанга ишлат. Сенга ҳалол бу пул. Чунки, сен — халқсан, мен буни халқдан юлиб олганман, энди сенга қайтаряпман. Майда чайнаб есанг, бу пул сенга уч йилга етади. Фақат битта илтимосим бор, болам, иложи бўлса, пулни олгин-да, ўзингга бошқачароқ бир касб топ. Қабристонга гўрков бўлиб ўтсанг ҳам майлига.

— Устоз!!

Чоршанбиев қўрқди. Ўрнидан туриб кетди. Ортга тисарилди.

— Устоз-пустозингни қўй, Чоршанби! — деди Яхшибоев. Йигитнинг қўлидан маҳкам тортиб, бу тарафга новдадай қайириб олди. Пулни чўнтагига тиқди. — Устозингни қўй! Сен шогирд эмассан, болам, шогирдда бўлади устоз! Сен... шунчаки мардикорсан! Мардсан, бировларнинг корида юриб ўласан!..

Чоршанбиев шошиб чўнтакка қўл тиқди, пулни чиқармоқчи бўлди, лекин Яхшибоевнинг важоҳатидан қўрқди. Курсига беҳол ўтириб қолди.

— Ўтники — ўтга, сувники — сувга... — деб ғўлдиради Яхшибоев.

Чоршанбиев унинг нима деганини англамади. Лолу ҳайрон эди.

— Қарзга олай, устоз?.. — деди тили калимага келиб. — Ўзингиздан узолмасам, болаларингизга қайтарарман?..

— Шартмас. Топсанг берарсан, топмасанг еб кетарсан, шунгаям ота ғўрими!..

— Қайтараман, — деди Чоршанбиев титраб-қақшаб.

Қайтармайди, деб ўйлади Яхшибоев, ажаб, қайтармасини билсам-да ичим ачишмайди-я!.. Дунёдан тўйганим шуми? Майли, бермаса бермасин, бермагани тузук, ўшанда гуноҳнинг жиччаси — ўндан бир қисми! — бунинг ҳам бўйнига тушади.

Оббо, деди, шу жойдаям ҳисобингни йўқотмадинг-а, ўртоқ Яхшибоев!? Бунда не гуноҳ? Порани олган — сен ўзинг. Қўрқма. Барибир худо йўқ, нариги дунё ҳам йўқ, ҳеч ким сени пора тутганлар билан юзлаштирмайди. Қизиқ, деб ўйлади, худо бўлса агар, худою нариги дунё деганлари бўлса, охиратда юзлашиш эҳтимоли бўлса... ўшандаям олармидим? Йўқ, ололмасдим, қўрқардим!..

Кун бўйи шогирдларига пул улашди. Бировга «қарз» деб берди, бировга «еб кетар» деб. Битта-иккита нозикфеълларидан тилхат ҳам ёздириб олди, токи кўнгли таскин топсин, деб!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кечқурун, шогирдларнинг кети узилиб, пулнинг ҳам чўғи кетиб қолганида, тўмбага тиққан тилхатларини йиғиб олиб, ҳожатхона тешиги устида пора-пора қилиб тўғрадики, мана сенга пора! Кўпроқ берсанг ўлармидинг, қурумсоқ!

Ниҳоят, шунча кун деганда қизи Сокина касал боласи билан келиб кўрди. Гапи жўн, либоси жўн, оғиркарвон бир хотин бўпти. Яхшибоев озроқ суҳбатлашиб, қизининг дилида рўзғори, эрию бола-чақасидан ўзга вақо топмади. Хотири жам бўлди. Тинч-осойиш яшаб ўтади, деб ўйлади, хавотир олмасам ҳам бўлаверади. Бир кўнгли, матрас остида ётган пулдан олиб узатиш бўлди-ю, қўрқди — ирим қилди.

Муҳсина хоним қўнғироқ қилиб, йигирма йил бурун бирга ишлашган артист хотинни ғийбат қилди: нуқул канизакларни ўйнаган-у, ўтган ойда медаль олибди! Биз бечораларни биров ёлчитиб эсламайдиям, бўлмаса, доимо бош партияларни ўйнар эдик!..

Яхшибоев жеркди: инсоф, ўв кампир, инсоф! Иккивимизникини қўшсак, нақ бир эшакка юк бўлади! Керак бўлса, ана, меникини ҳам қўшиб, саланглатиб тақиб юринг!..

Эркинов «суюнчи» тиларга кирди:

— Битай деб қолди, домла! Энди, аҳавинда айтган милтиқдорингиздан қўшиб юборсак.

— Йўқол! — деб бақирди Яхшибоев. — Йўқса, сени ўзингни портлатиб юбораман!

Эркинов қочиб чиқди. Яхшибоев эътибор бериб қараса, қўлига бир пой бошмоғини ушлаб олган экан. Кулиб юбордики, отсам зўр бўлардй, аммо-лекин!

Академик Шоймардоновнинг қўнғироғи кутилмаган иш бўлди. Неча йилдирки бир оғиз сўроқламаган одам, бирдан телефон қилди. Мақтади, кўкларга кўтардики, сиз ҳали минг йил яшайсиз, Назар Яхшибоевич, биздек олимларга ўхшаб ҳуда-беҳуда куч сарф этганингиз йўқ, қаҳва ичмайсиз, арақ ичмайсиз, папирос чекмайсиз, роману қиссага келсак, булар бариси — кўнгил хуши, кўнгил байрами, баски, байрамдан ҳам зерикиб бўларканми!

Қўнғироқ сабабини ўйлаб боши қотган эди, тузукроқ жавоб айтарга ҳам улгурмади. Академик Шоймардоновнинг лутфи яна улангандан уландики, ҳали халқимиздан

кўп ажойиб асарлар қарздорсиз, Назар Яхшибоевич, айни ақлингиз пешланган пайти, жамийки тажрибани сандиққа солиб олгансиз! Лекин сизга хасислик яраш майди, сандиқдаги мулкни халққа улашмоқ керак!

Яхшибоев ҳамон тушунмас эди. Тушунадиган сўз бўлгани ҳам йўқ. Шу боис, сал қўполроқ гап қилдики, ўртоқ Александр Шоймардонов, сизнинг хуфя хизматингизни билмас эдим, бугун эрталаб юз минг сўм пора олувдиму сандиққа тиқувдим, шуниям билиб олганингизга қойил-э!

Шоймардонов пихиллаб кулди. Яхшибоев унинг башарасини аниқ тасаввур этди. Қилтириқ бир чол, бўйинларидаги томирларигача кўкариб кўриниб қолган, жони ҳам узилгудай... лекин ҳеч узилмайди! Кашчей! Ўлмас Кашчей бу энагар!

Шоймардонов тўйгунича кулиб бўлиб, сўнг овозини пасайтирдики, Назар Яхшибоевич, сиз билан биргина кўришсак деб эдим! Ўзингиз келасизми ёки мен борайми? Албатта, сизга қийинроқ, касалхонада экансиз, лекин ўйлашимча, касалингиз шунчаки бир баҳона, сиздек паҳлавон адибимизнинг тумовга чалинишини мен бечора ҳеч тасаввур этолмайман... Энди, агарда ёшга қарасак, келиш — сизнинг бурчингиз. Бурч турган жойда тумовни баҳона этолмайсиз, азизим Назар Яхшибоевич!

Яхшибоев бетоқат бўла бошлади. Шоймардонов билан савдоси ҳеч маҳал пишмаган, эндиликда ҳам пишмасини билади. Хўш, нега унга лутф қилиш керак? Ким бўпти у ўзи? Ғўзашунос бир иприсқи-да!

— Менинг дардим оғир, ўртоқ Шоймардонов, — деди. — Сифилисга чалинганман.

— Ийй!.. — деб кулди Шоймардонов симнинг нариги учида. — Шунгаям ваҳмами, Назар Яхшибоевич! Мана, биз ўзимиз ҳам неча марта бўлганмиз ўшанақасидан!

— Илмингиз шу-да, — деб кесатди Яхшибоев. — Умр бўйи пахта қўйиш билан машғул бўлдингиз, азизим ўртоқ Шоймардонов.

Александр Шоймардонов кесатиққа парво қилмади. Тағин пихиллаб кулди. Тағин мақтадики, биз аслида бир-бирига муносиб рақиблармиз, Назар Яхшибоевич, агар пайтида ақлни йиғиб олиб, пайтида иттифоқ тузганимизда эди, бугунга келиб бутун дунё пойимизда ётарди!

Яхшибоев индамай қулоқ тутиб тураверди. Энагар ўргимчакка ўхшайди, деб ўйлади, менинг ўзимни ошиқча баҳолаб ўргимчакка менгзашларим бекор, ҳақиқий

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўргимчак — мана шу чол, Александр Шоймардонов, юзга кирган чол, буткул дунёни ипларига ўраб-чирмаб олган қари ўргимчак!

— Азизим Назар Яхшибоевич! —деди ғўзашунос олим. — Сизнинг халққа меҳрингиз ҳаммага маълум. Қилган хизматингиз ҳам беқиёс. Хусусан, еру сувни аяш, келажак авлодларимизга ҳам недир насиба қолдириш борасида кўп ёздингиз. Адашган пайтларингиз ҳам бўлди, аммо ниятларингиз бошданоқ пок эди сизнинг!

— Ўртоқ Шоймардонов! — деди Яхшибоев унинг гапини бўлиб. — Мақсадга келинг. Менинг вақтим йўқ, тушунинг. Сиздан бошқа ташвишларим ҳам тиқилиб ётибди.

— Мақсад шуки, икков аввалги низоларни бутунлай унутсак. Аслида битта мақсадга хизмат қилаётган одамлармиз, шундоқ экан, бу юртнинг равнақи учун биргалашиб курашсак бўлмайдими?

— Кимга қарши курашамиз?

— Э, ҳазилингиз ҳам бор бўлсин!.. — деди ғўзашунос ранжиб. — Қариганда бировга қарши бормоқни бизга ким қўйибди!

— Чаён дегани барибир чаён-да, оқсоқол?..

Шоймардоновни кутилмаганда йўтал тутди. Гўёки кўксовга чалингандай, узоқ-узоқ, босиб-босиб йўталди. Яхшибоев, гарчи ғазаби қўзғаб келаётган эрса-да, ғаниминиг машқига қойил қолдики, бу чол қай вақтда йўталишни ҳам билади, занғар! Кутганидай бўлди. Йўтали тугаб, Шоймардонов яна бир-икки бор томоқ қирди, сўнг секин, ҳеч гап бўлмагандай суриштирдики, узр, Назар Яхшибоевич, охирги сўзларингизни тузукроқ англамай қолдим, малол келмаса; яна бир қайтарсангиз?..

Яхшибоев қайтариб ўтирмади. Чолни яна гапга солди. Гумон қилдики, бу ўргимчак менинг фитнамдан воқиф бўлибди, кимдир сотган, ажабмаски, анави Эркинов сотган чиқса!.. Нима бўпти, осон-ку бу замонда сотиш, салкам бошмоқ бошига тушай деб турганидан кейин, шартта палатадан қочиб чиққану Александрга телефон қилган-да! Яширадиган жойи йўқ. Ўзимоқ айтишим мумкин буни. Чолнинг умри тугади ҳисоб. Қачонгача яшайди?.. Бунинг ниятни билиб олгани — ошиқча ташвиш. Асли Эркиновга ҳам суяк ташлаш керак эди. Ўшанда миқ этолмасди. Бошига чиқиб ўтирсанг ҳам жим турарди завқланиб, оҳ-оҳ, нақадар хушбўй, деб!..

Диққат қилсаки, ғўзашунос олим недир дунёқараши тор кимсалар хусусида вайсаяпти. Ҳаттоки бир жойда

ўзини ҳам ўша қавмга қўшиб юбордики, мен ҳам вақтида тушунмаганман, ақлим етмаган, атрофлича ўйлаб кўрмаганман, лекин адашмоқ ҳисобмас, адашмоқ ҳисоб-у, лекин сарҳисоб хатоларни тузатишни ҳам четлаб ўтолмайди, хусусан, кимсан Суқротдек бир олим айтганки...

— Суқротни тиқиштирманг, ўртоқ Шоймардонов, — деди Яхшибоев, тоқати тоқ бўлиб. — Агар билмоқчи экансиз, ана, билиб олақолинг: сизга қарши суиқасд тайёрланяпти.

— Суиқасд? — деб қайта сўради Шоймардонов. — Аниқроқ гапиринг, Назар Яхшибоев — фитнами ёки суиқасдми?

— Суиқасд!

— Орифийнинг қўли борми?

Ўл-а, деб ўйлади Яхшибоев, ҳар кимнинг ўз кушандаси бўларкан-да! Орифий — бунга жиян, тоғасининг соясига салом бериб юрарди-ку, қачон оралари бузилиб улгурди?

— Хотирингиз жам бўлсин, ўртоқ Шоймардонов, — деди. — Шунчаки фитна бу, уюштираётган — мен ўзимман. Қалқону дубулғанинг зўридан тутиб, ҳимояга шай турасиз энди!

— Газетга урасизми мени? — деди ғўзашунос, сўнг кутилмаганда кулиб юборди. — Қачон ақлингиз киради, Назар Яхшибоевич? Оламни сув олиб кетай деганда, сиз бир чалажон олим билан беллашиб юрасизми?

Яхшибоев сергак тортди. Александр Шоймардоновнинг ўзгачароқ дарди борлигини сезди.

— Хўш? — деб сўради. — Гапиринг, ўртоқ Шоймардонов?

— Назаримда, замон ўзгарадиган кўринади, Назар Яхшибоевич, — деди ғўзашунос, сўнг бир муддат сукут қилди-да, секинроқ овозда сўради: — Балки ёнингизга борарман, Назар Яхшибоевич, телефонда айтиладиган гап эмас бу...

— Гапираверинг, ўртоқ Шоймардонов.

— Янгича тактика керак, Назар Яхшибоевич.

— Сизда лагандан кўп эди-ку?

— Жиддийроқ бўлинг, Назар Яхшибоевич!.. — нохос дўқ урди Шоймардонов. — Эрта-индин оламни сув олади, битта кемага тушайлик, деб атай ёрдам қўлини чўзяпман.

— Дарға ўша-ўшами? — деди Яхшибоев менсимай. — Ёки сиз лаганга соладиган бошқа бировнинг кетини мўлжалга олиб улгурдингизми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Дарға ўша-ю, лекин кема қўлдан кетган, Назар Яхшибоев!

— Шуми, холос?

— Озми шу? — деди ғўзашунос олим. — Одамлар хато ўйлашади, Назар Яхшибоевич. Керак бўлса, ана, сиз ўзингиз ҳам гувоҳ ўтасиз, сизга ишонаман, азизим. Биласизки, ер-сув сиёсати меники эмасди, мен бошданоқ алмашлаб экиш тарафдори эдим. Дўстингизга, неча бор, ерни аяш керак, оқсоқол, деб айтган ҳам менман асли. Лекин у менга қулоқ солмади. Илмни ҳам ўз измига бўйсундирди. Кераксиз лойиҳалар тузилди, қанча-қанча сувлар қумга сингиб кетди, денгиз қурий бошлади. Одамларнинг маишати ҳаминқадар. Мен нуқул ва нуқул пахта экишнинг зарарли оқибатларини ўз вақтида кўра билганман ва хулосаларимни очиқчасига айтганман

— Эслаёлмадим, ўртоқ Шоймардонов, — деди Яхшибоев ғазабини зўрға босиб. — Қайда айтган эдингиз? Ўша мажлисда мен ҳам бормидим?

— Мақолаларимда айтганман, лекин чиқаришмаган.

— Ҳозир қайтадан ёзяпсизми?

— Аввал ёзганман, дедим-ку?! Дўстингиз шахсан ўзи тақиқлаб қўйган ўша хайрли ишларимни!..

Хайриятки, исмини атамади, деб ўйлади Яхшибоев, демак, ҳали умид бордай. Александр ҳозирча Ошнодан чўчийди. Арслон чўзилиб ётибди-ю, бу занғар ёнига боролмай гаранг — тирик ёки ўлик эканини билмайди. Қолаверса, д ў с т и н г и з дейишида ҳам маъно йўқ эмас — мен шўрликка зўғим ўтказмоқчи. Вой энағар каламуш, пўртана бошланмасидан югуриб қолганини қара! Нега бунча ваҳима қилади? Ёки кема ростдан ҳам қояга қоқилдими? Сирти бутундай-ку? Сирти соғ бўлса, ичига сув ўтмаса бас-да, пачоқ жойларини текислаб олиш қийинми!

Нима қиламиз энди? Энасини ахтарамизми? Ғўзашунос чол бирор юзга бориб қолган, энасини ахтариб топиш қийиндай. Барибир, ўзига юқтирмайди. Жилпанглаб тураверади. Орқаю олди бирдай текис бунинг, қай тараф зўр бўлса, ўша тарафга кет буради, йўқ, бурмайди, бунинг кети биттамас, ўнта, юзта, мингта... турган-битгани кет — дуч келганини очиб қўяди — вассалом!

Ташбеҳи маъқул тушди ўзига. Кулиб юбормасидан трубкани кафти билан бекитди. Йўқ, кулолмади. Куладиган мавриди эмасди. Кўнгил тубига чўккан ҳадигу ташвишлар устун келди. Аксинча, Ошнонинг онасини ахтардики, э нодон, э пасткаш, кимларни шотир тутганингни билсанг эди, балки бунчалар юксак жойларни ихтиёр ҳам этмасдинг, баччағар!

Дилини умид тарк этаётганини сезди. Бўғзидан аччиқ хўрсиниқ отилиб чиқдики, номард худо, озгина тўкис этиб яратсанг ҳаққинг кетармиди? Жилла қурса, озгина фаросат берсанг, оқни оққа, қорани қорага ажратарга қурбимиз етса!.. Жилла қурса, сенинг асл ўлчовинг билан сен яратган бандаларнинг ўлчовлари озгина бўлса-да бир-бирларига мос келса — ахир, сен ўзинг камтаринсан-ку? собирсан-ку? комилсан-ку? Ёинки инсонларни иркитроқ жойдан олиб яратганинг борми, дейлик, нажасдан?!..

Қўлидаги трубка зириллаётганини пайқади, демакки, ғўзашунос чол ҳамон жавраяпти. Қулоқ солиб ўтирмади. Микрофонга бир-икки қаттиқ чертди-да, чолнинг унини ўчирди.

— Александр ака, — деди кулиб, — Мен умримни яшаб бўлдим, ташвишим қолмади. Сиз ҳали ташвиш қилсангиз ярашади, сиз эндигина юзга киряпсиз, ҳали неча-неча гулларингиз очилмасдан турибди. Тезроқ ҳаракат қилинг, ўртоқ Шоймардонов? Нега жимсиз?..

— Гапираверинг,..— сустроқ жавоб келди трубкадан.

— Бировга завол тилаш — гуноҳ. Завол тиламайлиг-у, шунчаки завол фурсатини тасаввур этайлик. Назаримда, сиз аллақачон тасаввур этиб улгурибсиз, Александр ака, гапимни тез ва осон тушунасиз.

— Хўш-хўш? — ғўзашуноснинг овози бирдан жонланди.

— Д ў с т и м қазо қилса ёки амалдан кетса, бас, уни сўкадиганлар шу қадар кўпаядики, четроқда индамай турганлар анча жўяли бўлиб туюлаверади. Ҳақиқий жабрдийдалар одоб юзасидан четга чиқиб турадилар, Александр ака, сизу менга ўхшаган дўстлари, кимки унинг ялоғидан тўйиб ювинди ялаган бўлса, ўшалар кимошдига қўйиб сўкади!..

— Фолингиз даҳшатли-ку, Назар Яхшибоевич? — дея пихиллади Шоймардонов. — Балки ўнгидан келмас?..

— Кулма, жипириқ! — деди Яхшибоев. — Сенга қолганда ўнгидан келади! Э, сенинг ота-бобонгнинг суякларига!..

Сўкишини Шоймардонов эшитдими, йўқми, дуруст англамади — узуқ гудок чалиниб қолди. Майли, деди, ғўзашунос ҳисобмас, ўзим билан ўзим гаплашдим асли. Умрдан қисмаса бўлди, ҳаммасини кўрамиз. Сўкадиганлар кўп. Ҳали от ўғрилари ҳам Ошнодан жабр чеккан

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб чиқажак. Замон зайлини энди кўраётганим йўқ. Шундай пайт келадики, мурғак қизчаларни бузган моховлар ҳам маразларини Ошнога чаплайди! Лекин мен индамай тураман. Ажабмаски, сукутим боис одамларга фаришта бўлиб туюлсам. Менга тегишмайди. Тегишолмайди. Сабаби — ёшим улуғ, боз кейин мен унчалик ҳам ёлғиз эмасман. Ошнонинг пойига патак бўлганлар оз эмас. Ошнони ётиб еганлар-чи? Жуда кўп улар! Бири дала ҳовли олган, бири машина олган, бири — унвон, бири — нишон!.. Худо урибдими! Ошно тугул, Ошнога маъқул кимсаларни, хусусан, Тўпорини, Ёшуллини, марҳума Қурбоной қизимизни мақтаганлар сон мингта. Уларни қўяйлик, менинг ўзимни мақтаганларчи? Йўқ, менга дахл қилишолмайди. Дахл қилишгандаям, бир чўқишда қочираман уларни!..

Трубкани тўмба устига ташлаб, тўшакка ҳорғин чўзилди. Телевизор устидаги парда ёпилган ҳайкалчасига кўзи тушди.

Э Назарбой, деди ўзига ўзи, сизга ким қўювди?.. Юрсангиз бўлмасмиди Булдуруқда — отангизнинг чўпонтаёғини кўтариб! Қўйларга «ҳайт», эчкиларга «ча-ча» деб!.. Тинчроқ бўларди-ку, Назарбо-ой!.. Қилтириқ ошнангизнинг кўнгилчаси шаҳар тусаб қолганида биқинига урсангиз бўлмасмиди, Назарбой?.. Кунсулув деган содда бир қизга уйланиб, бола-чақа орттириб, Кунсулув озлик қилса, яна бирорта Ойсулувни унга кундош қилиб... айшингизни сури-иб!.. юрсангиз бўлмасмиди? Модомики, сизни худо қўш қўллаб урган экан, пайтида гуноҳингизни сўраб олиб, сотилмасдан, токи Олиянинг турмадан чиқишини кутиб турсангиз ҳам бўларди-ку? Қамалган биргина у эмас-ку? Қамалганларнинг кўпи чиқиб келди-ку? Турмадан чиқса, офтоб кўрмаган юзига сизни кўриб қон югурса... Во дариғ-а! Қони югурса, ўзи қонидан-да илдамроқ югурса... сиз ҳам югурсангиз... Назарбо-ой! Яхшибой чўпоннинг содда-баёв ули-и-и!.. Бугунги кунда итдай улиб қоларингизни ўшанда ҳам сезган эдингизми?.. Қани бугун Олия? Кунсулув қани? Ҳотам Шўро-чи? Ошнонинг қилтириқ пайти?.. Ёшлик! Болалик! Кеч, кеч энди, Назарбой! Кечиккан банданинг аҳволи шу — йўли жуда равон унинг, чиққан жойи очиқ-ойдин кўриниб қолади! Увламоқдан ўзга чора йўқдай. Фақат ит бўлиб эмас, итнинг вангиллаши хунук, итнинг думини биланглатгани хунук, зора қурса, бугун, маҳшарингиз ёвуқ қолганида бўри бўлинг, ўртоқ Яхшибоев!.. Гингшимай туринг!!.

Инграб юборди. Дил йиғига лиммо-лим эди-ю, кўзлари қуп-қуруқ эди. Ажаб, деб ўйлади, биров томошабин бўлса эди, йиғисиз ҳам йиғлар эдим. Томошабин учун яшадимми ҳали, бариси томоша эдими ҳали? Ким кўрсатди бу томошани? Наҳотки, яна Ошно бўлса? Лоақал бирор марта қўғирчоқ бойланган ипни узиб юборсанг нетарди, энағар тақдир?!

Мўъжиза рўй бериб, балки қўғирчоқ ўзи юриб кетармиди ўз йўлига?

Баъзида қўғирчоқ бор-йўғи қўғирчоқ эканини унутади ҳам, Ошно четроққа чиқиб ваколат берадики, бири бориб иккинчисига ҳамла қилади. Бугун Ёшуллининг навбати, эртага — Зоҳидники... Дарвоқе, нега у Зоҳидни қурбон қилмаяпти? Аввалроқ ўзининг ҳам тилла ҳайкалчаси ҳадя этилганми? Агар Зоҳидданки тили қисиқ бўлса, Ёшулли ўн ҳисса ошириб қўйгани аниқ. Ёшуллининг сотишидан қўрқмайдими?..

Яхшибоев Ёшуллининг қиёфасини эслади: рапидаюз, бароққош бир кимса, сифлатаъбки, бадқовоқлиги салобат ўрнига ўтади. Кўнглида заррача риоя кўрмади. Боз эсладики, Ошно бир гал Ёшуллини вафодор деб таърифлаган эди. Нокас-у, лекин вафодор! Ақлга сиғмайди!

Шу жойда Яхшибоевнинг дилида бехос бир туйғу уйғондики, бадани титраб кетди: буям бир томоша асли! Ёшулли тириклай қўлга тушмайди! Буни Ошно яхши билади, Ошнонинг бор умиди ҳам шундан!..

Бўғилиб бораётганини сезди. Бўйинбоғини ечиб олиб, четга улоқтирди. Бориб девордаги тугмачани босди. Хиёл ўтмай ҳамшира келди. Ортидан бир эркак киши ҳам кирди. Оқ халатда-ю, врачга ўхшамайди — мускуллари бўртиб турибди. Яхшибоев ўзининг ҳибсда эканини сезди. Токи мақола битмагунча бу ердан чиқолмайди. Биров билан тузук-қуруқ гаплашиш ҳам йўқ. Боя гўзашунос чолнинг қутқусини ҳам эшитган булар. Хайриятки, ўзининг гуллаб юбормагани... Дилда нафрат мўл эди, лекин томчиси ҳам тўкилмади. Тўкилмагани боисдирки, юракни заҳарлаб юборяпти. Тақдирга тан бериб, ҳамширага билагини тутди.

Дори баданига ёйилиб, сал ором олди. Ҳамшира хонадан чиқди. «Мускул» ҳам унинг ортидан эргашди. Яхшибоев анчагача қимирламай ётди.

Аҳмоқман, деб ўйлади, нега розилик бердим? Қўрқдимми? Ёинки анави ҳезимкаш Зоҳиднинг ташлаб кетган «суяги» қўл-оёғимни бойлаб қўйдими? Булардан қўрққулик, атай ўзлари уюштирган бўлишлари ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

мумкин. Лекин унда Янгамуллонинг ҳайкалчасини қайга тиқамиз? Йўқ, Зоҳид мустақил иш тутгани аниқ. Гирдибодга кейинроқ тушдим, чирпирак бўлиб айланиб, чангу губорида бўғилиб ўлмасам гўргайди. Бу тарафи Ошнога боғлиқ. Машқи йўқ унинг, шунча йил тўплаган машқи унут бўлгандай, агар зўр берса, кучаниб бўлса-да томоша кўрсатолса, ишонтирса, бошига кул сепса... Ишқилиб, кет очилмаса бўлди, сочга кул сепилгани ҳисобмас. Кул кетади, хушбўй шампун суртиб ювилса, бас, кумушранг сочлари бирам товланадики, миллат ўғлонлари фахрдан ёрилиб ўлади.

Яхшибоев бирдан тетик тортди. Нариги хонага ўтиб, телевизорнинг мурватини буради. Ахборот берилаётган экан. Байроқлар билан безалган бинони кўрсатишди. Сўнгра байроқлардаги қизғиш ёғду одамларнинг устбошига, кенг майдонда тизилган самолётларнинг қанотларига кўчди. Ўнг бурчакдан ерга қўнаётган яна бир самолёт кўринди. Сўнг — Ошно, бошқа расмий кишилар, ёрдамчилар, қўриқчилар, гул кўтарган кашшофлару комсомоллар... катталар олдинда, кичиклар орқароқда... биргалашиб пешвозга юрдилар.

Диктор хотин эълон қилдики, узоқ мамлакатга кетатуриб Тошкентда қисқа муддат тўхтаб ўтувчи зотни кутиб олиш маросими бўлди. Яхшибоев Ошнонинг Бухородан нега ошиғич қайтгани сабабини энди англади. Курси қўйиб, тузукроқ жойлашиб ўтирди. Ниҳоят, самолёт яқинроқ келиб тўхтади. Ўзиюрар зинапоя ғирillаб бориб самолёт қорнига тақалди. Эшик очилиб, аввалига кўк кийимли соҳибжамол қиз, сўнг Тошкентда Қисқа Муддат Тўхтаб Ўтувчи Зот кўринди. Пастга илдам тушиб келди. Ошно, юзида табассум, олға юрди, қучоқ очди. Тошкентда Қисқа Муддат Тўхтаб Ўтувчи Зот негадир ачомлашмади, фақат қўл узатди. Шу лаҳзада камера Ошнонинг юзини катта қилиб кўрсатдики, Яхшибоев унинг саросимада эканини аниқ-таниқ кўрди. Кейин Ошно ёйилиб табассум қилди. Тошкентда Қисқа Муддат Тўхтаб Ўтувчи Зот ҳам илжайди. Лекин Яхшибоев ҳали-ҳануз Ошнонинг юзидаги таҳликаю саросимани кўриб турарди.

Тамом, деб ўйлади, анави ёрдамчиси рост айтган экан, энди барибир улгуролмаймиз. Иккови нуқул ачомлашиб юрарди, икковининг дўстлигию иккови мансуб халқларнинг дўстлигини манзума ҳам қилиб эдик, бас, бутун ачомлашмаган экан, Ошнонинг куни битгани аниқ.

Диктор хотин Тошкентда Қисқа Муддат Тўхтаб Ўтувчи Зот билан Ошнонинг қисқа муддатли суҳбати

тафсилотини хабар қилдики, Тошкентда Қисқа Муддат Тўхтаб Ўтувчи Зот республика меҳнаткашларига меҳнатда омад тилади, қолган бир миллион тонналик мажбуриятни ҳам ўз вақтида ва нест-нобуд этмасдан йиғиб-териб олишларига юксак ишонч билдирди.

Сўнг айтдики, Тошкентда Қисқа Муддат Тўхтаб Ўтувчи Зот «...шу куннинг ўзидаёқ қўшни мамлакатга жўнаб кетди».

Яна айтдики, Ошно ҳам «...пахтакорлар ҳузурига жўнади».

Яхшибоевнинг мазаси қочди. Курсидан туриб, иҳрана-иҳрана ичкари хонага ўтди. Ўринга чўзилди. Худбехуд бўлиб, тўшакда тўлғаниб ётаверди. Сал ўзига келиб, концерт садоларини эшитиб, телевизорни ўчиришни унутганини сезди:

Ўзбекистонда бутун ҳамма — пахтакор!..

Энағар шоирлар ҳам оғзига келганини ёзаверарканда, деб хаёл қилди, эси йўқми буларнинг, уялмайдими?

— Ошно пахтакорлар ҳузурига жўнаб кетди, — деди овоз чиқариб. — Пахтакорлар ҳузурига бориб нима қилади, лойдан чиқариб берадими? Ҳосил барибир йўққу? Ёки воҳа раҳбарларининг тепасида туриб олиб, қўшиб ёзасан, деб талаб этадими? Ў, энағар Ошно! Қаноат қилсанг нетарди? Айтсанг бўлмасмиди ўша Катта Пахтакорингга, қўлимдан келмайди, деб? Қаргишга қоламан, деб?!.. Силаб-сийпала эди, жуда кўнавермаса, унгаям бирорта тилла ҳайкалча совға қил эди!.. Йўқ, қўрқасан! Пахта нархи ошсин, дейишганида, пахта жуда кўп-да, давлатимиз зиён кўради, деб айтган давлатпарвар ҳам сен ўзинг!

Қаҳри келди. Тасаввур этдики, Ошно айни лаҳзада пахта даласида. Дала — қоп-қора, поялар — шип-шийдам, чаноқлар — бўм-бўш, Ошно ўзи совуқда дийдираган... Э, қорайган ер қолдими ўзи, деб ўйлади, ҳаммаёқ туздан пес бўп қолди-ку! Шўр босган далага қўяман Ошнони. Оппоқ шўр босган далада, оппоқ шўрни ҳидлаб, оппоқ шўр кўзларига оппоқ пахтазор бўлиб кўриниб турса... ўлса... бундан ҳам ортиқроқ шараф борми ўзи?!.

Чўчиди — гўё кўнглидагини биров ўқиб тургандай. Қулоғига ашуланинг авжи кирди:

Тўлдириб қуй қадаҳларни, янграсин алёр,
Халқлар — озод, Ватан обод, ҳамма — бахтиёр!..

Эшитмаслик учун бошини ёстиққа буркади. Ёстиқ ости тошдай қаттиқ эди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОХИРГИ БОБ

Қиссанавис

Яна навбат ўзимга келди. Чарчадим. Умрим бино бўлиб бунчалар кўп нарса ёзмаган эдим. Қоғоз тахламини кўриб, рости, ўзим ҳам қўрқиб кетяпман.

Лекин бу ёғи оз қолди. Шу нарса кўнглимга мадад ҳам таскин беряпти. Мен бир жўн воқеалару жўн одамлар ҳақида ёзиб юрадиган, ўзи-да жўн қаламкашман. Бу гал жиддийроқ мавзуга қўл урдим-у, жоним азобда қолди. Хайриятки, тўқиб-бичмадим. Борини қоғозга туширдим. Яхшибоев билан бирга юрганларим наф қилди.

Аслида, қўлёзмаларни Яхшибоев бошини ёстиққа буркаган жойида тугатиб қўяқолган маъқул эди. Ўшанда у тирик бўлиб ёдда қоларди ва, турган гапки, ўқувчининг бўлажак воқеаларни янада бўрттириброқ, янада жонлироқ хаёл этишига имкон тугиларди. Мен ўзим ҳам қўшимча ташвишдан қутулган бўлардим.

Афсуски, бўрттириб тасаввур этадиган воқеанинг ўзи йўқ. Яхшибоевнинг куни битган, аниқроғи, бир кунлик умри қолган.

Гарчи аразлашиб, кўргали бормаган бўлсам ҳам, унинг касалхонада эканидан хабардор эдим. Муҳсина янга телефон қилиб: «Назар Яхшибоевичдан айрилиб қолдик!» — деганида ишонгим келмади. Бақувват одам эди, турмушда ҳам унчалик қийналгани йўқ, нега энди келиб-келиб... Йўқ, шартмас ёзиш нималарни ўйлаганимни. Барибир тутуриқсиз чиқади. Ўлимнинг ёлғони бўлмайди, деган бир гап бор. Мен ўшанда дарров ишондим-у, лекин Муҳсина янганинг «сизга васиятлари бор экан» деган сўзларидан шубҳага тушдим. Зудлик билан етиб бордим, тумонат йиғи-сиғини кўрдим. Муҳсина янга шишиб кетган кўзларини артиб, қўлимга сариқ сахтиён чамадончани тутқазганида, рости гап, кўнглимдан яна бир бор «мазах эмасми бу?» деган ўй кечди. Йўқ, васият ростдан ҳам ёзилган экан. Хотину бола-чақасига аталгани алоҳида-ю, буниси шахсан менга қарата ёзилган. Назар ака жасадини менга ишониб топширибди, токи мен ўзим бош-қош бўлиб, бировларга хор қилдириб қўймасдан, Булдуруққа элтиб Ҳотам Шўронинг оёқ тарафида ерга топширарканман.

Бадбинлик қурсин, васиятнинг шу моддасини ўқиётган чоғимда, марҳум Амир Темирга тақлид этмаптими,

деган шум фикр миямга келдики, золим пошшо ҳам ўлигини устози Саид Бараканинг пойига қўйдирган экан. Лекин васият жуда жўяли ёзилган эди. Мени анчайин менсимай юрган кишининг росмана эҳтиром кўрсатганини пайқаб, мавриди бўлмаса-да озгина ғурурланганимни ҳам айтмасам бўлмас. Яна бир модда менга маъқул бўлдики, Яхшибоев ўзининг «ҳалол пули»дан (қоғозда худди шундай деб ёзилган эди) Булдуруқдаги мактабнинг кам-кўстига атаб нақ ўн минг сўм маблағ қолдирибди.

Муҳсина янга мени четга чиқариб, «васият мазмунини айтиб берсангиз», деб илтимос қилди. Мен айтиб бердим. «Билсам, сизга кўрсатмаган бўлардим, — деди Муҳсина янга. — Сурғучланган экан, очишга ботинолмадим. Саидқулжон, балки ошкора этиб юрмассиз? Назар Яхшибоевични шу ернинг ўзида, обрўлироқ даврага қўйганимиз маъқул эмасми? Ҳарна, бола-чақаси бориб қабрини супуриб-сидириб туриши мумкин-ку?..» Иккиланиб қолдим. Янганинг гаплари жўяли туюлди. Энди кўнай деб турганимда, Муҳсина янга мактабга аталган пулнинг чорагини менга атаб қолдики, рад этардан ўзга чора тополмадим. Билдимки, у кишининг нияти жасадни эмас, пулни олиб қолиш экан. Ранжидим. Бир-икки оғиз гапириб қайириб ташладим. Янга маломатга уста экан: «Ўзингиз еб кетмоқчисиз!» — деб қичқирди. Шунда азага тўпланган уч-тўрт кишини чақириб, уларга васиятни ўқиб бердим-да, гуноҳни бўйнимдан соқит этдим. Муҳсина янга иложсиз қолди, сўнг: «Булдуруққа берадиган ўлигим йўқ, ўзим шу ерга кўмаман!» — деб айтди. Елиб-югурди, кимларгадир қўнғироқ қилди, йиғлади-сиқтади, лекин ниятига етолмади.

Эҳтимолки, етган ҳам бўларди, лекин айни ўша кунларда катта бир арбоб ҳам вафот этиб, кўпчилик ўшанинг мотами билан овора эди — бевонинг арзини тинглайдиган киши топилмади. Бу ёғи мен ҳам ўжарлик қилиб туриб олдим. Модомики биров мени одам деб васият қилибдими, гина-кудуратни унутиб, айтган буйруғини бажаришим керак эди.

Назар аканинг жасадини кичикроқ бир залга ювиб-тараб қўйдик. Ҳамкасблар келиб видолашдилар. Одам анча оз бўлди. Сабаби — ўша арбобнинг вафоти. Булдуруқ узоқ бўлгани учун, гўр устида сўзланадиган нутқлар ҳам шу залгинанинг ўзида бўлақолди. Тенгдошлари, шогирдлари «тинчиб ором ол, азиз дўстимиз!» деб видо сўзларини айтдилар.

Жўнаб кетаётган пайтимизда Муҳсина янга уввос тортиб йиғлади. Шайтонлаб қолди. Шу боис уни Тошкент-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да қолдиришга мажбур бўлдик. Марҳумнинг жасади ортилган қора белбоғли автобусга ўғли Оллоёр билан хотини, кейин қизи Сокина иккита боласи билан чиқди. «Болалар қўрқади, ана, бошқа енгил машиналар ҳам бор, ўшанга чиқақол», деб ундашганида ҳам кўнмади. «Майли, болалар ҳам кўриб қолсин!..» — деди йиғлаб.

Ўртақўрғонга етганимизда Яхшибоевнинг куёви ҳам автобусга чиқди. Пешинда Булдуруққа кириб бордик. Аввалроқ телеграмма бериб қўйган эдим, лаҳад тайёр экан. Бизни кутиб олган қишлоқдошлари тўғри қабристонга юришга унашмади. Ўликни узоқроқ бир қариндошининг уйига тушириб, бир-икки соат «меҳмон» этишди, йиғи-сиғи қилишди, етти аждодини, ўзини йўқлашди, сўнг қайтадан ювиб-тараб, кафанга ўраб, толтобутга қўйиб, ёшу қари навбати билан елкага олиб қабристонга элтдилар. Мулла чақирилган экан. Жаноза ўқилаётган пайти, қўрқоқлик қурсин, тағин устимдан ёзиб-нетиб юришмасин деб чеккароққа чиқиб турдим. Лаҳад атрофидаги тиз чўкиб ўтирган юзлаб одамларни кўриб, алам билан ўйладимки, ҳамманинг ҳам туғилган гўшаси бўлсин экан! Меники қайда, мен ўлсам қай гўшага бораман?.. Ака-ука тутинганларим менга ҳассакаш бўлармикан?..

Жасад лаҳадга қўйилаётган чоғи ҳамма гўр лабига ёпирилиб борди. Ҳамма қаради. Тушундимки, ўлим дегани гўё бир либосу, шу лаҳзада ҳар ким бу либосни ўз эгнига ўлчаб кўряпти!

Бирдан «Отажон!» деган овоз эшитилди. Одамлар ажабланиб қаращди. Марҳумнинг қизи Сокина эркакларга қўшилиб қабристонга қадар келган экан. Эри, марҳумнинг куёви, қизариб-бўзариб, элатдан уялиб, Сокинани нарига олиб кетди.

Гўрга тупроқ тортдик. Сўнг ўлик чиққан уйга таъзияга йиғилдик.

Ўша куниёқ марҳум васият этган пулни мактаб директорига гувоҳлар олдида топшириб, тилхат олиб, тилхатни Оллоёрга бердим. Хижолат чекиброқ олди. Олдида, ҳамёнига буклаб солиб қўйди. Билдимки, бориб ойисига кўрсатади.

Шу, холос. Назар ака Яхшибоевнинг бу ёруғ дунёга йўқликдан сафарию бу дунёдан йўқликка қайта сафари шу билан тугади. Яна бир нарсани салкам унутай дебман. Бу — Оллоёрни отаси ўтказган боққа олиб боргаким. Биргалашиб экканимизни айтдим унга. Дарахтлар деярли ҳаммаси амал олиб, анча юксалиб қолган экан. Оллоёрга насиҳат қилиб ўтирмадим, бўшроқ бўлса-да, бамаъни йигит экан — нима демоқчи эканимни шусиз ҳам тушуниб турарди.

— Аввал акам билан бирга келамиз, — деди. — Аввал акам етиб келолмади, Рига тарафга кетувди, адресини билолмадик. Йигирмасига албатта келамиз.

— Булдуруқда йигирма бўлмайди, — дедим. — Бу ерда еттиси бор, қирқи бор.

— Билмас эканман.

— Айби йўқ, — дедим. — Халқ бир-у, яна турфа-турфа-да, ўғлим.

«Ўғлим» деганимга ажабсинди. Ўзим ҳам хижил чекдим. Сўнг дилимда бир илиқлик туйдимки, бу бўшангу босиқ йигитга меҳрим товланди.

— Тез-тез кеп тургин, — дедим сенсираб, янада яқинроқ олиб.

— Келаман, — деди Оллоёр. — Аямниям опкеламан.

Содда эди Яхшибоевнинг ўғли. Ойиси отасининг қишлоғига бирор марта ҳам келмаганини сездириб қўйди. Қизарди. Начора, мен ўзимни эшитмагану сезмаганга солдим.

Эртаси куни Булдуруқдан Тошкентга жўнаб кетдим. Оллоёр ўша ерда қолди отасининг еттисини ўтказгали.

Яхшибоевнинг ўлимию дафнига атай тўхталганимнинг яна бир боиси шуки, сал ўтиб, ҳали марҳумнинг тупроғи совиб улгурмасидан майда-чуйда ғийбатлар урчий бошлади. Бири шуки, Яхшибоев ўз ажали билан эмас, балки касалхонада чиққан ёнғиндан сўнг, тутундан бўғилиб ўлган эмиш. Ҳаттоки, «бадани куйган экан», деган маҳобатлар ҳам бўлди. Кейинги гап ғирт ёлғон. Гарчи ўзим ювмаган бўлсам-да, Яхшибоевнинг кўзга чалинган жойларида куйик изларини кўрмаганман.

Ёнғин ҳам анча пуфлангани муқаррар. Яхшибоев ётган палатада ишлаб турган телевизордан ўт чиққани рост. Лекин врачларнинг тахмин қилишларича, марҳум бу арзимас, тутун ҳиди сезилган заҳоти ўчирилган ёнғиндан анча олдин жон берган, бинобарин, ёнғин ҳам худди шу сабабдан — пайтида телевизор мурватини бурайдиган одам йўқлигидан ўт олган.

Яна бир ғийбат шуки, гўё Яхшибоев ҳолига қарамасдан, касалхонада ишлайдиган жувонлардан бирига тегишиб, ҳаттоки рағбат кўриб, ўша жувоннинг бағрида жон таслим қилган эмиш. Ёлғондакам уятни йиғиштириб қўядиган бўлсак, бунақа ўлим — чиройли ўлим ва энг осони. Лекин Яхшибоев аёл важҳидан ўлмагани аниқ. Айтишларича, гўё ўша аёл ёш экан, чиройли экан, эридан ажралган экан, кўнгли эркак тусаб юрар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кан, — хуллас, ўзи қарайдиган беморни йўлдан урибди. Хўш, у аёл ёш экан, чиройли экан, бўйдоқ экан, кўнгли тусаган экан, унда Яхшибоевни бошига урадими! Тўғри, Яхшибоев ҳали бардам эди, аврамоққа ҳам сўз топарди, лекин... Барибир тасаввур этиш қийин! Бўйдоқ хотин имласа, бас, не-не ёш йигитлар югуриб келган бўларди! Яхшибоевнинг ўлигини ўртага тиқиб, ғийбат урчитишга ҳеч ҳожат қолмасди. Эмишки, ўша аёл марҳумнинг кучига эмас, балки жарақ-жарақ пулига учибди. Худди шу жойга келганда миш-мишларнинг миси чиқади, сабабки — Яхшибоевнинг ўлимидан сўнг ёстиқ тагидан анча-мунча пул чиққан. Пул учун қари чол билан бир ёстиққа бош қўйган аёл ўша ёстиқ тагини титиб кўрмасмиди, деган ҳақли савол туғилади.

Дарвоқе, ўша аёл кимлиги ҳам аниқ эмас. Биров ҳамширалардан, дейди, биров врачлардан, деб айтади. Ҳаттоки аллақандай бадантарбия инструкторини орага тиққанлар ҳам учрайди.

Ёстиқ остидан чиққан пуллар кимники экани ҳам хийла замон узунқулоқ гап бўлди. Сабабки, кейинроқ қўлга олиниб, суд қилиниб, охири отувга ҳукм этилган бир кимса, бошқалар қаторида Яхшибоевни ҳам тилга олиб, мен унга ҳам пора элттанман, деб айтган эмиш. Афсуски, мен судга қатнашганим йўқ. Умуман, ўша суд анча махфий ўттани, биров билиб, биров билмай қолгани ва пировард кўпчилик фақат ҳукмдан огоҳ этилгани сир эмас. Хуфяликдан кўзда тутилган мақсад ҳам анча тушунарли: токи ошиқча овоза бўлмасин, йўқса, халқ раҳбарлардан кўнгил узади. Гоят кулгили гап. Халқ кимга меҳр қўйиш-қўймаслигини ўзи билиб олаверади. Мавзуга қайтадиган бўлсак, ўша отувга ҳукм этилган кимсанинг айни Яхшибоевни тилга олганига шубҳам бор. Кейин ўша кимсага атай бағишлаб ёзилган бутун бошли романлар ҳам борки, жиноятчи раҳбарнинг ўз муаллифлари четда қолиб, сўнгги пайтларда ёлчитиб қалам ҳам тебратмаган Яхшибоевга пул инъом эттани эриш туюлади. Ўша кимса шуҳратга ўч эди, агар китоб ёзмаслигига кўзи етса, Яхшибоевга бирор тийинни ҳам раво кўрмаган бўларди.

Булар, албатта, менинг ўз тахминларим. Тахминларни четга қўйсак, марҳумнинг ёстиғи остидан чиққан пулларнинг бариси Муҳсина хонимга топширилган. Аниқроғи, янга дастлабки соатлардаёқ, ҳали одамлар эс-ҳушини йиғиб олмасларидан, жасад ётган палатани синчиклаб кўздан кечирган, пулни ҳам ўзи топган. Топган чоғида бировларнинг кўзи тушиб, кейинроқ бояги тахлит ғийбатлар урчиб кетган бўлса эҳтимол.

Маросимларнинг барчаси ўтиб, ҳар хил маҳобатлар чиқаверганидан кейин тегишли ташкилотлар Яхшибоевнинг қилган ишию қолган жамғармалари нисбатини солиштириб кўрганларидан хабарим бор. Менимча, ҳисоб жуда тўғри чиққан. Ҳаттоки, жамғарма дегани ишдан камроқ ҳам келган. Ўзгача бўлиши мумкин ҳам эмасди: шунча йил яшаган, шунча китоб чиқарган ва — энг муҳими — шунча бор босмадан чиқарган одамнинг пулга зориққанини тасаввур этиш ўзи қийин.

Назар ака Яхшибоевнинг ўлимига доир ғийбатларни шунчаки рад этиш учун санаб ўтиш ҳам аслида маломат сирасига киради. Лекин менинг биттагина узрим борки, ўша маломатдан осонгина қутуламан. Узрим — марҳумнинг ўз ажали билан ўлгани ҳақидаги ҳужжатни қўлимда туттаним ва дафнга рухсат олиш учун Булдуруқ қишлоқ Советига элтиб топширганим.

Шу билан Яхшибоев мавзусига нуқта қўйиб, ўзимнинг шарҳимга ўтаман. Сезиб турибсизки, соғ-омон юрибман. Кайфиятим ўртача. Кейинги тўрт-беш йил ичида кўрганларимни шууримга жойлай олмасдан қийналаман.

Уч-тўрт марта тутинган укаларимдан хабар олдим. Ўзлари ҳам тумонат бўлиб, бола-бақралари билан Тошкентга келиб кетишди. Уйимиз тўлди. Бола-чақага малол келадими, деб чўчиган эдим, йўқ қайтага булар ҳам хурсанд бўлишди. Ўзим укаларни олиб юрдим, хотин — келинларни, болалар — кичкинтойларни. Меҳмонларнинг бош осмонга етди! Аммо уларнинг қувончи меникига тенг келармиди! Ўша кунлари мен учун байрам бўлди. Кечагина бегона, бугун қадрдон бўлиб қолган укаларимнинг кўзларига боқиб англадимки, ришталар мустаҳкам, ўлим тиғи узмаса, бошқа нарса узолмайди. Э, йўқ, ўлим ҳам узолмайди!..

Бир марта Булдуруққа бориб, Назар аканинг боғидан хабар олдим. Эшитдимки, ўғли Оллоёр, қизи Сокина эри билан, — баъзида бирга, баъзида айрича, — ишқилиб, келиб қарашиб туришар экан.

Бир марта Тўпорининг колхозига бордим. Тўпорини телевизорчиларга ўзим мақтаган гулзорда, фаввора ёнида бир муддат ўтирдим. Хайриятки, ҳеч ким кўринмади. Тўпорининг ўзи турмада, одамлар пахта билан овора, боғда жон зоти йўқ экан.

Энг сўнгги янгилик — икки кун аввал укам Абдужаборнинг келиб кетгани. Аввал Тошкентга — уйга борибди, сўнг улардан адрес олиб бу ерга ҳам топиб келибди. Тўйга айтимчи экан. Кичик ўғлимнинг қўлини ҳалоллайман, бир ҳафта аввал хабарини берай деб келавурдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Телеграмма берсанг кифоя эди-ку, — дедим ранжиб. — Борардим, тўйингни ўтказиб бўрардим.

— Э ака, тушиб айтмасам ҳисобмас-да... Уйингизга тушиб айтай десам, бу ёққа қочиб кетибсиз... Мана, Москвага тушиб айтяпман-да!..

— Анча чиқимдор бўпсан.

— Э ака, пулдан гапирсангиз, укалиқдан воз кечаман! — деб шанғиллади Абдужаббор. — Ўзи сиздақа маълимнамо одамлардан инсоф қочган, салом берсанг, бас, пул сўрагани келди, деб ўйлайди.

Бир амаллаб тинчитдим. Тузукроқ разм солиб қарасам, аввалги сафар кўрганимдан рангпарроқдек туюлди. Кўнмаганига қарамай, шаҳарга элтиб, Цукерман деган дўхтир ошнамга кўрсатдим. Ревматизмга чалинган экан. Дори ёзиб берди. Баҳор билан кузда захдан эҳтиёт бўлишни уқтирди. Сўнг айтдики, агар тузалмаса, янаги баҳорда опкелинг, операция қиламиз.

Ўзига билдирмадим. Гамгинроқ бўлиб қолдим чоғи, ҳадиксираб сўради:

— Тинчликми, ака? Таржима қилмадингиз?..

— Тинчлик, — дедим. — Сал ўзингни аяр экансан. Ҳадеб лой-пойга уринаверма.

— Хавфлироқ эканми?

— Йўқ. Тузалиб кетасан, ука. Тузалмасанг, тузатамиз.

— Ана бу ўгил бола гап! — деди Абдужаббор. — Қайтага зўр бўлди, шу баҳона билан бу ерларга яна бир келамиз.

Дўхтирнинг ёнидан чиқиб, укам билан шаҳарни томоша қилдик. Ўзимнинг ҳам кўрмаганимга анча бўлиб қолган экан (нуқул самолётдан тушамизу бирор чекка гўшага жўнаймиз), укам баҳонасида кўп жойларни айландим. Бақириб-чақирганига қарамай, қайтишига ўзим билет олиб бердим.

Икки кун меҳмон бўлиб, бугун эрталаб Носир деган қозоқ шоирига қўшилиб шаҳарга кетди. Қардошимиз уни аэровокзалдан автобусга солиб юборадиган бўлди.

Хуллас, яна ёлғиз ўтирибман. Олдимда — бир тахлам қоғоз. Яна беш-олти саҳифа тозаси — четроқда турибди. Биттаси — қўлим остида. Олддаги манзил шундоқ кўриниб қолгандай. Сўзларнинг келиши ҳам анча осонлашган. Сал ўтиб, ёзувларим охирлайди ва мен танимга ҳордиқ бераман. Ҳордиқни жуда соғиниб қолдим. Ҳордиқсиз юрагимнинг дош бериши қийин. Озгина ҳордиқ оламан, сўнг уйга жўнайман. Тузукроқ тўёна олиб, болачақани етаклаб, укаларимнинг тўйига бораман.

Шунча гапни китобат этдим-у, лекин дастлабки он-

лардаёқ кўнглимга ин қурган хижилликдан қутула олмадим. Мақсадим — Яхшибоев ёки Ошно, ёинки Тўпорига ўхшаш кишиларни қоралаш эмасди. Уларни қораловчилар, маош оладиганлари ҳам, маош олмайдиган ҳавасмандлари ҳам бижғиб ётибди. Йўқ, менинг йўригим сал бошқачароқ. Шу ишга қўл урганимдан буён, мана, яқинда уч йил тугал тўладики, виждонимни сўроққа тутаман:

АГАРДА ЯХШИБОЕВНИНГ ЎРНИДА МЕН ЎЗИМ БЎЛГАНИМДА-ЧИ?

АГАРДА МЕН ЎЗИМ ОШНОГА ОШНО БЎЛГАНИМДА-ЧИ?

ЎШАНДА НЕ БЎЛАРДИ?

Бу саволларга нима деб жавоб беришни билмайман. Ишонолмайман ўзимга. Шубҳам мўл менинг. Замонлар ўзгача эди. Қутқу деганлари ҳам улуғ эдики, Ошнога ошно бўлсам, рағбат кўрсам, менинг ҳам Яхшибоевга айланишим муқаррар бўлиб туюлади.

Ҳар хил Ошнолару Яхшибоевларга қарши вақтида енг шимариб роса курашганмиз, деб томоқ йиртаётган ва недир янги садақалардан умидвор бўлаётган тенгдошларимдан фарқли ўлароқ, мен ўзимнинг ўша кезларда ҳам, бугун ҳам жуда ожиз эканимни сезаман.

Ягона истагим шуки, лоақал, уч-тўртта элдошу тилдош укаларим, ҳали лафзи ҳам, бўғзи ҳам булғанмаган уч-тўрт киши, ўз эътиқодларига менинг истиҳоламни ҳам эш этса, шу баҳонада менинг танимга ҳам кирса, менинг кўзим билан кўрса, менинг қулоғим билан эшитса — хуллас, ўзга авлод одамларининг аҳволини тушунса, ўшаларнинг ҳаётини ўз умрига жуда қисқа бир муддат, пайванд қилса, сўнг ўйласа, кўп ва хўп ўйласа! Қийналиб, азобланиб, кулиб, йиғлаб ўйласа-да, минбаъд ўзлари ўша йўриққа тушмаса!..

Истагим ўнгидан келар-келмасин кўрарга умрим етмайди. Лекин аниқ биламанки, ҳар кишининг ўз замони ва ўз Ошнаси бор, ҳар киши ўзича бир буюк қутқуга дуч келади. Қутқуга учмаса — шараф қучгани, қутқуга учса — завол топмоғи тайин.

Тилагим: ёшлар асло завол топмасин, иймонлари мудом бут бўлсин!

Менинг ташвишим битди. Шу билан кечмишлар китобини ёпаман. Яхшибоевдан хотира бўлиб қолган сариқ сахтиён чамадончага соламану нашриётга топшираман.

Ирим қилиб ўтирмайман, биламанки, айб биргина сариқ сахтиёнда эмас. Ҳарнеки хурофотнинг яратувчиси — бизу сиз — ўзимиз бўламиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИСКАНДАРУ ДОРОЛАРДАН ҚОЛГАН ЛАТИФА

«Биз ҳаёт шаъмини бўлурмиз ёқмоқ —
Лек тақдир аланга бергай бир жаҳон...»

Гёте. «Фауст».

«...Ёнғиннинг ўзи ҳам худди шу сабабдан — пайтида телевизор мурватини бурайдиган одам йўқлиги боис келиб чиққан».

Мурод Муҳаммад Дўст. «Лолазор».

Аслида, бу қисса иштирокчиларининг ҳаёти ҳам бир шамдай товушсиз, пилпиллаб ёниб, чоғроқ бир рўзғорни ёритса, бас эди. Уларнинг ботиний ва зоҳирий қувватлари шунга етар, ундан ортиғига ўзлари ҳам узоқ вақт даъво қилмаган эдилар. Албатта, умидлари, илинжлари йўқ эмасди — бири қишлоғида обрўли муаллим, бошқаси Ҳотам Шўроникига ўхшаш кичикроқ бир амал эгаси бўлса ҳам кифоя, деб ўйлашарди.

Бироқ, содда, самимий, ҳалол Ҳотам Шўро ташлаган қуръага уларнинг бор-йўқ қисматлари, уларники не, бир бошли халқ тақдири тикилганини ким ҳам туш кўрибди, дейсиз? Қолаверса, кейинчалик бу қуръа қимор ошиғига айланди-қолди. Бўлиб ҳам бу ошиқ нуқул олчи туриб берди: дорилфунунда имтиҳон олаётган мўйсафид муаллим ёнидаги шериги — ёш муаллим Солижоннинг шаштини қайтарди, ҳаминқадар билими бор булдуруқли бу икки *битлиқини* имтиҳондан ўтказиб юборди. Жиянига ичкуёв қидириб юрган обрўли газета муҳаррири бир шапалоқ мақоласи масаласида бўлимдагилар билан жанжаллашиб қолган ҳаваскор мухбир Назар Булдуруқлини қабул қилиши бошқа бирор вақтга эмас, унинг тушлик қиладиган пайтига, ўша — келинликка номзод жиянчаси «сирланган жез товоқда» ош олиб келиши вақтига тўғри келиб қолганига нима дейсиз?

Хуллас, агар-магарни бир четга суриб айтадиган бўлсак, тақдир ўз ишини қилди. Бошқаларни «мисоли лойдай юмшоқ, пишитиб, истаган шаклга киритса бўлади. Хоҳланг — кўза, хоҳланг — чироқпоя» деб ўйлаб, ўзини тақдирлар кулоли хаёл қилган Назар Яхшибоев бир куни қараса, ўзга бир кулол унинг ўзини ажаб шаклу шамойилга солиб, хумдонда пишитиб, сирлаб, ҳатто, сирини ҳам кўчириб улгурган экан...

Яхшибоев, Ошно ва улар атрофидагиларнинг фожиасини изоҳлашнинг осонгина йўли йўқ эмас. Масалан, романдаги Яхшибоев ўйларидан, айтайлик, қуйидаги жойини аввал қўштирноқ очиб кўчирамиз:

«Порани олган — сен ўзинг. Қўрқма. Барибир худо йўқ, нариги дунё ҳам йўқ, ҳеч ким сени пора тутганлар билан юзлаштиролмайди.

Қизиқ, деб ўйлади, худо бўлса агар, худою нариги дунё деганлари бўлса, охиратда юзлашиш эҳтимоли бўлса... ўшандаям олармидим? Йўқ, ололмасдим, қўрқардим!..»

Энди ҳукм-хулоса ясаймиз: Яхшибоев типидаги кимсалар манфур шўро замонидаги атеистик тарбиянинг, иймонсизлик муҳитининг маҳсули бўлиб, уларнинг бутун фожиаси мана шу сиёсат, мафкура, дунёқарашнинг нобоплиги билан изоҳланади ва ҳоказо.

Бир қараганда бу гапда ҳам жон бор. Асардан унинг исботига хоҳлаганча далил ҳам топиш мумкин — Яхшибоев, Ошно сингари ёшлар юрагини олиб қўйган қатлиомлар тўлқини, марказдан бошқарилишга қурилган иқтисодий ва маданий сиёсат, юқори (Масков)нинг юзсизларча талаблари, Катта Пахтакор таъсири ва бошқа ўнлаб объектив сабаб ва хунук натижалар. «Лолазор» билан бир пайтда чоп этилган ўнлаб ўзбек романларининг талқини, ечим йўли, дарҳақиқат, мана шу тарзда олиб борилса, адабиётшунослик ҳам хато қилмаган, бояги асарлар муаллифлари ҳам қониқиш ҳосил қилган бўлардилар. Аслида, шундай бўлди ҳам. Яъники, у романлар ўз олдига қўйган вазифаларни бажариб, давр ўқувчисининг ижтимоий ҳақиқатга (албаттаки, муаллифлар тасаввуридаги ҳақиқатга!) бўлган чанқоғини босишда ўзларининг ҳалол хизматини ўтаб бўлдилар...

Лекин, нима учун «Лолазор» бизни ҳамон ўзига жалб қиляпти, бу роман тўғрисидаги мулоҳазаларнинг ҳануз давом этаётгани, адабий баҳсларда барча авлод ва турли дидга мансуб мутахассис, ҳатто, ҳаваскорларнинг иштирок этаётганига сабаб нима? Турғунлигу «қайта қуриш» замонлари ўз қаҳрамонлари билан аллақачон тарих қатламларида қолиб кетди-ку, бироқ нега бугун ҳам Яхшибоевнинг «прототип»ини топиб тугатолмаяпмиз?

Нега умрида «очерка» ёзмаган, умуман, ёзиш-чизишдан йироқ одамларга ҳам беихтиёр «Чоршанби» деб ном-лақаб қўйишдан ўзимизни тиёлмай қоламиз?

Бизга яқин аёллар актриса эмас-ку, «саҳна машқи» нима эканини билишмайди-ку, бироқ, нима сабабдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

уларнинг қилиқлари касалхона деразаси қаршисида «поза»да туриб олган Муҳсина хонимни ёдимизга солаверади?

Охир-оқибатда, биз ўзимиз ҳам касал эмасмизу, нега унда «азоб берадиган хотиротдан қочиб» яшаймиз, нимага мана бу эътироф барчамизнинг овунчимиз бўлиб қолган?

«Ҳар ҳолда, дилнинг дахлсиз экани жуда соз нарса, ичимизга ҳеч ким киролмайди, ҳаттоки Ошно ҳам киролмайди, агар одамлар бир-бирининг дилини тугал билса борми, эр хотинни, хотин эрни, маъшуқа маъшуқни, маъшуқ маъшуқани... бўғиб ўлдирарди!»

Юқорида даврга ҳозиржавоблик руҳида ёзилган асарлар тўғрисида гапириб, улар ўз замонаси ўқувчиси чанқоғини қондирди, дедик. Лекин, бадиий асар, айниқса, эпик тафаккурнинг энг қудратли маҳсули бўлмоғи талаб этиладиган романнинг вазифаси фақат шу билан чекланадими? Ўқувчи чанқоқлиги фақат ижтимоий муаммолару муайян даврга хос ҳақиқатларни билишга қизиқувдангина ташкил топадими? Ахир, «ҳар кишининг ўз замони ва ўз Ошноси бор, ҳар киши ўзича бир буюк қутқуга» дуч келмайдими? Ҳар биримизнинг шахсий табиатимиз — характеримиз, кўнглимиз, дидимиз, истак-хоҳишларимиз... бир сўзга жамлаб айтсак, нафсимиз — бизнинг доимий ошномиз-ку! Ундан қайга қочиб қутуламиз? Бу — Шиванинг қўлларидай кўпқўлли ошнонинг панжаларидан халос бўлишнинг имкони борми ўзи?

Агар очиғига кўчадиган бўлсак, аксариятимиз бир кун Ошно, бошқа кун Яхшибоев, бирда Қурбоной, илож қолмаган пайтлар бўлса, ҳатто, Чоршанби қиёфасига кириб яшамаймизми, кунимизни ўтказмаймизми?..

Эътибор берсак, Саидқул Мардон, агар йўқотиб қўйган укаси билан боғлиқ таъсирчан тарихи бўлмаса (дарвоқе, бу тарихнинг ҳам тўхтаган жойидан силжиб, недир мантиқий-таъсирчан ҳаракат ва нисбий якун топишида яна ўша Яхшибоевнинг хизмати бор!), жонли одам сифатида у қадар қизиқ, тўғрироғи, ишонарли эмас. Роман муаллифи муайян ҳодисаларни икки-уч нуқтаи назар ва усулда ёритиш, шу йўл билан талқиндаги кўпқатламлиликни таъминлаш истагида ҳикоячиликка жалб қилгани Саидқул Мардон, нафақат Яхшибоев учун, балки ёзувчи учун ҳам мардикорчиликдан нарига ўтмайди. Эҳтиросли мунаққид Умарали Норматов (асарнинг биринчи нашрига ёзган сўнгсўзида) «зўр

истеъдод эгаси, соҳибдил, ҳақиқаттўй адиб» дея таърифлагани Саидқул Мардонов, аслида, ижобий маънодаги ижтимоий буюртманинг маҳсули холос.

Ёзувчи ортиқ даражада ишора қилмоқчи бўладики, қутқу ҳар қанча зўр келмасин, Саидқул Мардондай ўзлигини, оиласи, қалам ва сўз шаънини сақлаб қолса бўларди!

Балки, шундайдир.

Бироқ, унда нега Саидқул Мардон, айтарли бутун асар давомида иштироки борлигига қарамай, дейлик, қисқа кўриниш бериб ўтадиган Қурбонойчалик ёдимизда қолмайди?

Негаки, романда Қурбонойнинг — «менбироддийўзбекқизи» деб бошланувчи оммавий хўрликни тўтидай такрорлашга аввал ўргатилиб, туғишга қўймай ишлатиб, сўриб ширасини тамом қилингач бўлса тупириб ташланган аёлнинг, бевақт, кўздан панада ҳаёт шаъми сўндирилган ожизанинг бевосита ёхуд билвосита тикланган характери, умр сўнгидаги даҳшатли шарҳи дили бор!

Саидқул Мардон бир жойда нималаргадир ишора қилади. Айтадики: «Ҳар бир кимсанинг тан маҳрамидан ташқари яна бир хил маҳрамлари бўладики, бирига мафкурангни, бирига ёмон нафсингни, яна бирига яна недир ниҳон ётган сиринги ошкора тортиқ этасан, ундан ҳам айни инъомни оласан — бунда ҳеч қандай ҳадик йўқ. Ибо ҳам бўлмаслиги мумкин, сабабки, иккала тараф ҳам баробар ҳуқуқли».

Хўш, Саидқулнинг маҳрамлари кимлар эди, улар орасида ўз ошноларию чоршанбилари йўқмиди? Ёмон нафсини нималар ва кимлар билан қондирди, қалбида ниҳон ётган сирлари Яхшибоевникидан озмиди?

Хотини, фарзандлари, куёви, ҳатто невараларигача бунчалар фаришта, бу қадар беозор бўлишмаса...

Унинг ўзини Яхшибоевга солиштириб ўқишимиз етмаганидай, энди хотинини Муҳсина хонимга, ўғлини Аввалга, куёвини Тамарага қиёсан ўрганишимизни муаллиф ортиқча хоҳламаяптими? Шуни қилишга уринган тақдиримизда ҳам Саидқул Мардон «мулки» Яхшибоев «мероси»га рўпара кела оладими? Бунда недир зўрлик, янаям аниқроғи, ўткинчи мақсадга эришиш истаги йўқми?..

Тўғри, романнинг ўз эгалари — марказий қаҳрамонлари бор. Яхшибоев, Ошно, Муҳсина... Лекин, масалан, Мойра унинг «эгаси» эмас эди-ку, Симхо, ҳув,

www.ziyouz.com kutubxonasi

дастлабки саҳифалардаёқ қолиб кетувди-ку! Шундай бўлувига қарамай, нега уларнинг бири «бошини Ошнонинг елкасига қўйиб, Яхшибоевга мазахомуз тикилганича» хотирамизда михланиб қолди?

«Файласуфона сўлиш олиб, оғзидаги михларни чап лунжига ўтказиб, илжайиб:

— Бир думалаш қилиб, баъдаз кабутарга эврилса не? Дасти узун унинг, ако. Як калом билан дегонда — халқ душмани... Мана, бизнинг якта иштону якта чопон билан қолганимиздан билмайсизму?» деган этикдўз Симхонинг овози нима учун олис-олисдан қулоғимизга келиб тураверади?

Қолаверса, Яхшибоев ҳам, Ошною Муҳсина ҳам бош қаҳрамонлар қилиб белгилангани учун бу қадар чуқур талқин этилдими ёки мана шу бадиий теранлик туфайли биз уларга айни мақомни раво кўряпмизми?

«Қараб туринглар, ҳали фақир Яхшибоев латифаларнинг зўрларини тўқийди. Ҳар латифаларки, Искандару Доролар... чангаллаб қолади!»

Лекин латифагўйлик аслида узоқ давом этмаган, тўғрироғи, унинг бошланганига кўп бўлган эмас. Бир одамнинг умрини оқлайдиган даражада содда-самимий кунлар ҳам бўлган бу ҳаётда. У пайтлар ниятнинг тозалиги, ҳаракат-ҳолатнинг самимияти, кулгунинг беғуборлигию йиғининг ростлигига зарра шубҳа йўқ эди. Жўмардлик бўлмаса ҳам мардлик дегулик шахт, ўзи емаса ҳам дўстига илингудек саховат, ҳаромдан парҳезу соддалик ҳам ёт эмас эди Назарга.

У пайтлар, яна ўзининг эмас, Ошнонинг келажагини Мойрадан қизғонган Назарбой учун «паспорти йўқ одам билан гаплашиш осонроқ» туюлар, «нималарни тўқиб-бичишни билмай» қийналарди ҳам. Урушда-да нуқул танкнинг орқасига беркинишни мўлжал қилмаган бўлса керакки, ажалнинг комида нақ олти йилни ўтказиб, нишонларнинг энг сараларини кўксига тақиб қайтади.

Кейин бева Кунсулув тарихи — Назарнинг андишаси, Назарнинг элдан уяти. Урушга кетган уч ўғилни кута-кута бири кар, бировининг кўзи хира тортиб кетган ота ва онага нисбатан шафқат ҳисси...

Бироқ, «умрида сўкинмаган биограф олим» — тўқиб-бичилаётган тарих бу самимиятга ишонмайди, бу тарих талабига, Назарни кутаётган давралар дидига айни гаплар мос тушавермайди, улардан «атир ҳиди келмайди». Қолаверса, бухоролик йигирма уч ёшли

қиз, келажакда машҳур актриса бўлувни ният қилган Муҳсинахон синглимизнинг енги узун, тим кўк рангли, биттаю битта бахмал кўйлагининг чап ёқасини куя еб улгурган, тешикни беркитиш учун эса сидирға кўк ипакдан «гўбалак» тикилиб, «ниқоб, маска» ясалган ҳам эди. Муяссар хонимга бўлса келгусида буюк режиссёр бўлиш қайғуси тушадур...

Лекин бу чиройли ипак гўбалакнинг Яхшибоев боши узра айланувчи рангсиз арвоҳ капалакка айлангунича «ямоқчилар»га ҳам осон бўлмайди. Назарни, Булдуруқнинг қақраган заминида имкон топиб ўсган ёввойи бутани эгиб олиш, шаклга солиб хонакилаштириш учун Муҳсинанинг ишқий ташаббускорлигию номдор артистлик орзулари камлик қиларди. Кўнгил (шу — бугунга келиб «сассиқ така» деб номлашаётган Яхшибоевнинг кўнгли!) «хушқад, хушбичим, кўзлари мовийга мойил, сочлари тим қора» Олия тимсолидаги эркинликка, руҳий мустақилликка талпинаверарди. Бироқ улар — куйик ўрнига гўбалак қўндиришнинг ҳавосини олганлар кўпайиб кетишди. Тўпланиб тил бириктиришди, Назарни аввал яккалаб, кейин сотиб олишди. Олганда ҳам бутун хону монини — тақдирини кўтара савдога қўйишди. Мана шу савдога кўнишга мажбур қилишди, даллол ҳам ўзлари, харидор ҳам ўзлари бўлишди. Шуниси қизиқки, сотиб олувчилар — Ошно, Муяссар хоним, Александр Шоймардонов, Шариф Валломатларнинг ўзлари ҳам қачонлардир ва кимларгадир сотилишган бўлиб ҳам Назардан анча арзон кетишган, узоқларга сотилишганди...

Кейинги Яхшибоевнинг ишлари — тўқиган латифалари гўё ўзининг мана шу аҳволи учун олинган ўчдай. Буни у ўзи англаб-англамай, ғайришуурий тарзда қилади. Ошнога аҳён-аҳёнда ташланиб қолиши, хотинга масхара даражасида муносабатда бўлиш («— Уят! деди Яхшибоев овозини гулдиратиб. — Илғор хотин қизсиз, неча марта айтганман сизга, худони ҳадеб тилга олаверманг, деб»), каттароқ қурбон талаб қилинганида ёдига биринчи бўлиб Александр Шоймардонов келганию «янгамулло» — Муяссар хоним билан сўнгги юзма-юз олишувигача, аслида, мана шу — олинмай қолган қасоснинг, улар ихтиёрида қолиб кетган умрнинг аламидан эди. Ҳатто, янги замоннинг олифта ёш ёзувчиларига муносабати, муомаласида ҳам ўзининг оёқ артиладиган латтага айлантирилган истеъдоди, қоғозга кўчмай қолган армонлари — ёзилмай кўмилган асарлари

www.ziyouz.com kutubxonasi

учун пушаймонлик туйғуси мана-ман деб турибди. Гарчи манов гапни Ошнога айтаяпти, аслида эса булар унинг ўзига, тушиб қолган аҳволига нисбатан ҳукмихулосасидир:

«Недир камаяди, ошна, недир бут бўлади, яъники, камайтириб, кейин бут бўлади».

Эътибор берсак, Яхшибоевнинг кўнгил қийноқлари, жон беришни истамаган туйғулари йўлидаги изтиробларидан олдида унинг жисмоний ўлими арзимаган нарсага айланиб қолади.

Яхшибоев ўлимнинг ўзидан эмас, ҳам руҳий, ҳам жисмоний ўлимнинг бир пайтга тўғри келаётганидан асабийлашади, тақдирнинг бу қадар шафқатсизлиги, унингча, гирромлигидан қон бўлади. Ҳатто, касалхонадаги алоҳида тартиб, эътибор, қўрқув аралаш ҳурмат ҳам Яхшибоевга Олия учун — кўнгил учун тўланган товоннинг қолган-қутганидай, навбатдаги хўрловнинг кўринишларидай таъсир қилади. Деразага қўйилган, «оқ нилуфар» аталадиган гул «анча узоқда, тоза сувли вазада турса-да, димоғида ботқоқ ҳидини туйгандай бўлаверади». Ўзининг умри ҳам юзадан худди шу гулдай — шапалоқдай яшил барглар устида очилиб, ўзгаларнинг ҳавасини келтиради, остида бўлса, илдиз ботқоққа ботган, бирорта тикони, дастга киргудай мустаҳкам танаси йўқ. Илонникидай силлиқ, эгилувчан, нурдан бебаҳра, қўл тегса жиркантирадиган шиллиқ тана. Кўнгилда бўлса нуқул қарғалар қағиллайди, «битта жумланинг ортига тиркайдиган туйғу» топилмайди...

Гарчи Яхшибоев ўз миллати тўғрисида «битта халқ ғамида киройи қайғурмоқ шунча бўлар-да» дея истеҳзолироқ оҳангда, худди ўйнагандек ўйласа-да, ўша тақдири ўйналган халқ қаторига ўзини ҳам қўшади. Хоҳласахоҳламаса қуриган дарё ҳам, нашавандга айланган ер ҳам, туғолмай ўлган келинчагу яшнаб турган жойидан арралаб келтирилиб, япроқлари сўлиб тушган дарахт ҳам, аслида, ўзи эканини тилида айтмаса-да, дилида инкор қилолмайди. Александр Шоймардонов ҳалиям ҳиринглаб туриши мумкин, Муяссар олтин бюстнинг бурнидан тишлаб, ўзининг «пробаси»дан ҳамон қувониши мумкин, Ёшулли билан Зоҳид — бири қарри, бири ёш икки каламуш чўкаётган кеманинг захирадаги кемачаларидан жой талашиши мумкин... бироқ Яхшибоев бундай қилолмайди. Унинг ночорлиги ўзининг даври ўтганлиги, энди «фаолият кўрсатиш»га кучи етмай қолганидан эмас, балки бу латифалар бир давр билан чекланмаслиги, ҳов Искандару Дороларнинг пайтидан бошлаб унинг ўзгармай қолаётгани, фақат қаҳрамонлар исмию латифа тўқувчиларнинг завқи алмашиб туришини англаб етгани учундир. Унинг «ҳозирча усталик қилиш»и, шу билан ўзини овутиши — бор-йўғи ожиз нафсониятни юпатишдан ўзга нарса эмаслигини энди яхши билади. Мана шу билиш, аниқроғи эса, инсоний маҳкумлик, имкониятсизликни ич-ичдан ҳис қилиш Яхшибоевнинг бу дунёга келиб топган буюк кашфиёти ва улкан фожиасидир!

Унинг умри сўнгида Саидқул Мардон қўли билан эккан боғи, У.Норматов айтгандай, «кўнгилдан чиқариб, эл-юрт, келгуси авлод манфаатини ўйлаб қилинган бегараз меҳнат самараси» эмас, балки, латифанинг охирига (агар у қачондир ёзма шаклда эълон қилинса!) қўйилган ундов белгилари, кўп нуқталардир...

Романда фақат Яхшибоевнинг эмас, Ошнонинг, Муҳсина ва Муяссарнинг, Аввалбек ва Қурбонойнинг, Шариф Валломат ва Александр Шоймардоновларнинг ҳам бири биридан мароқли латифалари борки, уларни бир жойга жамлаб ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст *ЎЗ ЛАТИФАСИни* яратади ва унга камтаргина, қувгина, истеҳзолигина, сирлигина қилиб «Лолазор» дея сарлавҳа қўяди....

«Лолазор» романи поёнига етаётган аср ўзбек адабиётининг жиддий ҳодисаси бўлиб, у миллий романчилигимиз тараққиётида муҳим босқич ҳисобланади. Бу асар романга хос тафаккур имкониятларини — тасвир ва талқин ранг-баранглиги, инсонга ёндошув, уни бадиий қайта кашф этув усулларининг чексиз-чегарасиз эканини исботлаб берди.

Кўнглимизда шундай ишонч борки, «Лолазор» романи қаҳрамонлари табиати, руҳий қийноқлари, қиёфа эврилишлари остонадаги аср одамларини ҳам бефарқ қолдирмайди. Уларни ҳам ўз қалбларига, турмуш-турмушларига тез-тез назар ташлаб боришга, истисноси барчаларининг ҳаёт йўлида дуч келиши муқаррар бўлган буюк қутқудан огоҳ бўлишга ундайди.

Раҳмон ҚЎЧҚОР,
филология фанлари номзоди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХХ АСР ЎЗБЕК РОМАНИ

МУРОД МУҲАММАД ДЎСТ

ЛОЛАЗОР

Роман

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳририяти
Тошкент — 1998

Муҳаррир: *Барнобек Эшпўлатов*
Мусаввир: *Михаил Самойлов*
Бадиий муҳаррир: *Музаффар А'ламов*
Техникавий муҳаррир: *Лина Хижова*
Мусаҳҳиҳлар: *Ю. Бизаатова, Х. Ҳожиметова.*

Теришга 18.05.98 да берилди. Чоп этишга 7.08.98 да рухсат берилди. Бичими 84x108 $^{1}/_{32}$. «Балтика» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 29,0. Нашриёт-ҳисоб табоғи 31,0. Адади 25.000 нусха. Буюртма № 2436. Баҳоси ўзаро келишув асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси, 700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

www.ziyouz.com kutubxonasi